



ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ БЎСТОНИ





---

# ҚАДИМИЙ ҲИКМАТЛАР

---

ҚИССАЛАР

●  
УРХУН БИТИГЛАРИ

●  
ЕНИСЕЙ БИТИГЛАРИ

●  
«ИРҚ БИТИГИ»  
(«ТА ЁБИРНОМА»)

●  
МАҲМУД КОШҒАРИЙ  
«ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК»  
(ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАР)

●  
ЮСУФ ХОС ХОЖИБ  
«ҚУТАДҒУ БИЛИГ»

●  
АҲМАД ЮГНАКИЙ  
«ҲИБАТ-УЛ-ҲАҚОЙИҚ»  
(«ҲАҚИҚАТЛАР СОВҒАСИ»)

●  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент

1987

84(0)9  
К 15

Тузувчи — Н а с и м х о н Р а ҳ м о н о в  
Махсус муҳаррир — А з и з Қ а ю м о в

С  $\frac{4702570100-15}{М352(04)-87}$  4-87

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.



## ТУЗУВЧИДАН

Урта Осиё халқларининг энг қадимий маданияти бугунги кунгача гоҳ оғзаки шаклда, гоҳ ёзма манбалар орқали етиб келди.

Оғзаки шаклда етиб келган афсоналар Урта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши курашларини акс эттиради.

Афсоналардаги чексиз ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғояларининг тараннум этилиши, шубҳасиз, бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Илк ёзма адабиёт намуналари эса эрамининг VI—VIII асрларига мансуб бўлиб, асосан Урхун-Енисей ёзувида битилган. Шунингдек бошқа тиллардан таржима қилинган ва уйғур, моний ёзувида битилган V—VII асрларга мансуб ёзма адабиёт намуналари ҳам бор.

Бу баднийат намуналарида ҳам қадим афсоналар сингари ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик ғоялари куйланади, туркий халқларнинг босқинчиларга қарши жанговар чақириғи жангга айланади.

Мазкур томга энг қадимги қиссалардан тўртта XIII асргача бўлган умумтуркий ёзма ёдгорликлар киритилди. Ушбу том қуйидаги авторлар томонидан нашрга тайёрланди:

«Девону луғотиг турк»даги шеърини парчаларни филология фанлари доктори А. Қаюмов ҳозирги ўзбек тилига ўгириб, нашрга тайёрлаган.

«Зарирад ва Одатид», «Тўмарис», «Широқ» қиссаларини филология фанлари кандидати Т. Ғафуржонова нашрга тайёрлаган.

Енисей битиклари ҳамда «Ўғузнома» филология фанлари кандидати Н. Раҳмонов томонидан биринчи марта ҳозирги ўзбек тилига ўгирилган. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар совғаси) филология фанлари кандидати Қозоқбой Маҳмудов томонидан таржима қилинган. «Қутадғу билиг» эса филология фанлари кандидати Қ. Каримов томонидан тайёрланган.

Мазкур китобга киритилган қиссалар «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг I-томи (1977), Урхун, Енисей битиглари «Қадимий туркий тили» дарслиги, «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» ва «Қутадғу билик»лар шу асарларнинг 1972 йилги нашрлари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ БЎСТОНИ

Буюк маданиятимиз илдиэлари узок ўтмишга туташади. Ҳозирги замон нигоҳи қадим даврлар қаърига йўналар экан, ота-боболар яратган ажойиб ўлмас обидаларга дуч келади.

Урхун-Енисей битиглари деб аталмиш ёдгорликлар шулар жумласидан. Улар катта тошларга битилган китоблардир. Қадимий туркий тилда, ўзига хос хатда битилган бу асарлар VI—VIII асрларда яратилган. Уларда туркий халқларнинг ўз элу юртига муҳаббати, қаҳрамонликлари, хорижий босқинчиларга қарши қаҳру нафрати ўз ифодасини топган. Урта Осиё ва унинг атрофидаги туркий халқлар яшаган ўлкаларни кезиб чиққан улуғ олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг 1069 йили ёзиб тугаллаган «Туркий сўзлар девони» («Девону луғатит турк») китобида қадимий туркий тилга оид сўзлар, ифодаларнинг араб тилига таржимасини, шунингдек, шеърини парчаларни туркий тилда берган. Бу муҳим китоб бизда қадим замонлардаги туркий халқларнинг тили, тарихи, турмуш тарзи, баднийи жоди тўғрисида тасаввур туғдиради. Бу китоб яратилганидан сал фурсат ўтмай, 1069—1070 йилларда Болосуғунлик Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қудатғу билиг» («Яхшилик келтирувчи билимлар») номли достонини ёзиб тугаллади. Маснавий йўлида ёзилган бу достон 13000 мисрадан ортиқ. У эски туркий тилда яратилган шох асар. Унда шоир ахлоқий тарбиявий фикрларини жозибали, баднийи шаклда ифода этади, эзгулик, адолатпарварлик ва халқпарварликдан таълим беради.

XII асрнинг охири, XIII асрнинг бошларига тааллуқли деб ҳисобланган «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси») шоир Адиб Аҳмаднинг тарбиявий ўғитларидан иборат. Улар тўртликлар шаклида ёзилган. Содда, енгил тушунарли тилда битилган. XIII—XIV асрларга мансуб «Қисси Рабғузий» эса наср намунаси. Аммо унда ҳам шеърлар кўп учрайди. Шоир Рабғузий ўз асари учун пайтавбарларга оид қиссаларни асос қилиб олган. Аммо биз учун муҳими бу қиссалардан чиқадиган ҳиссалардир. Уларда шоир кўнглига яқин бўлган эзгулик, инсонни улуғлаш ғоялари ўз аксини топган.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си илк ишқий шеърини асарлардандир. Унда севгувчи қалб товланишлари юксак ифодаларда та-

раинум этилади. Хоразмий ўзбек адабиётида алоҳида бир шеърӣ жанр — номаларни юзага келтирди. Хўжандийнинг «Татофатнома»-си, Саид Аҳмаднинг «Таашшуқнома»си, Юсуф Амирийнинг «Даҳнома» асари ундан сўнг яратилди. Бу асрларда ҳам Хоразмий куйлаган севги тароналарининг янгича саслари янградди.

Ўзбек адабиётида «Хамса» яратмоққа интилиш қачон пайдо бўлгани ҳозирча бизга қоронғу. Аммо улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий йўлидан илк бор қадам қўйган шоир деб Ҳайдар Хоразмийни биламиз. Бу шоирнинг «Маҳзанул асрор» ёки «Гулшани асрор» деб аталган ахлоқий, тарбиявий мазмундаги шеърӣ асари Низомий «Хамса»сининг биринчи китоби «Маҳзанул асрор»га ўхшатма сифатида яратилган. Ҳайдар Хоразмийдан сўнг бу йўлдан шоир Қутб борди. У Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» асарига назира қилиб, шу номдаги достонини яратди. XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Сайид Қосимий эса хамсанавислик йўлидан бориб тўрт шеърӣ асар ижод қилди. Унинг биринчи китоби «Мажма-ул-ахбор», Низомийнинг «Маҳзанул-асрор»ига ўхшатма усулида яратилган.

XV асрнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган ўзбек эник поэзиясининг ёрқин намунаси 1409 йилда ёзилган «Юсуф ва Зулайхо» достонидир. Бу асарнинг муаллифи Дурбек тўғрисида кўп маълумотга эга эмасмиз. Аммо, севги ва садоқатни улуғловчи бу достон бизгача тўла етиб келган. «Гул ва Наврўз» достони ҳам шу даврда юзага келди. Муҳаббат, садоқат ва эзуликни тарғиб этувчи «Гул ва Наврўз»ни улуғ шоир Лутфийга ҳам нисбат берадилар.

XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърӣятида «маликушшуро» Лутфий алоҳида ўрин тутади. Инсон қалбининг энг нозик кечинмаларини юксак бадийят ва ниҳоятда содда тил билан куйлаган шоир Лутфий ўзбек классик шеърӣятининг арбобларидан биридир. Бу даврда яна Атоий, Саккокий каби истеъдодли сўз усталари ҳам ўз ўлмас асарларини яратдилар. Ўзбек шеърӣятининг бутун тараққиёт йўли форс тилида яратилган буюк адабиёт билан чамбарчас боғлиқдир. Форс тилида ёзган ижодкорлар Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Низомий Ганжавий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва бошқа шоирлар бутун шарқ мамлакатларида бадий ижодга салмоқли таъсир кўрсатганлар. Уларнинг асарларига хос бўлган чуқур ғоявийлик, юксак бадий маҳорат ҳамisha ибратли ижод мактаби бўлиб келган.

XV асрда Ҳирот адабий муҳитида баланд эътибор қозонган ижодкор, улуғ шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий эди. Тоҷик-форс адабиётининг бу ажойиб вакили Ҳирот маданий ҳаётида бош ўрин тутган устоз сифатида шуҳрат қозонган.

Туркий тилдаги адабиёт Лутфийни, форсий тилдаги адабиёт Жомийни етиштирган ана шу муҳитда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий майдонга чиқди.

Навоний ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси. Навоний ижоди ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига киритган энг улкан улушидир. Навоний қаламига мансуб бўлган «Хамса», «Ҳазойин-ул маоний», «Мажолис-ун-нафоис», «Насоим-ул-муҳаббат», «Муҳокамат-ул-луғатайн» каби кўп асарлар адабиёт ва тафаккур тарихида алоҳида ўрин тутлади. Навонийнинг адабий ва илмий мероси бизгача тўла етиб келган.

Ўзбек адабиётининг XV асрдан кейинги бутун тараққиёт йўли Навоний билан узлуксиз боғлиқ. Бутун ўзбек шоирлари Навоний ижоди мактабида шаклланган десак хато бўлмайди. Заҳрирддин Муҳаммад Бобур, Қомрон Мирзо (XVI аср), Хожа, Бобораҳим Машраб, Нишотий (XVII-XVIII), Сайқалий, Ҳувайдо, Роқим (XVIII-XIX) ва бошқа қатор шоирлар Навоний таъсири остида асарлар яратдилар. XIX асрда ҳозирги Ўзбекистон ерида мавжуд бўлган Қўқон, Бухоро, Каттақўрғон, Хоразм адабий муҳитида Навоний таъсири кучли эди. Бу таъсир Нодира, Увайсий, Махмур, Гулҳаний, Ғозий, Маъдан, Ҳозинқ, Мужрим Обид, Сомий, Саҳбо, Шавқий, Ноқис, Мирий, Мунис, Огаҳий, Комил, Аваз Ўтар ўғли, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар ижодида яққол сезилади.

Бу рўйхатни чексиз давом этдирмоқ мумкин, зеро барча ижодкорлар Навонийдан баҳра олиб камол топдилар. Навоний асарларига хос бўлган халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоялари, юксак бадийят ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Биз адабиёт тарихига назар солар эканмиз, бадий ижодда ҳамиша жамият ҳаёти ўз аксини топганини кўраемиз. Синфларга бўлинган, кишини киши томонидан эксплуатация қилишга асосланган жамиятда ҳукмрон синф билан мазлумлар ўртасида кескин кураш борар эди. Ана шу синфий кураш бадий адабиётда ҳам аниқ кўринади.

Доҳиймиз В. И. Ленин таълимотига кўра, синфий жамиятдаги ҳар бир миллий маданиятда икки миллий маданият мавжуддир: ҳукмрон синфлар манфаатини ҳимоя этувчи реакцион маданият; эзилган меҳнатқашлар оммасининг манфаатларини ҳимоя этувчи илгор, тараққийпарвар маданият. Бу икки маданият вакиллари бир-бирларига зид мавқеларда турадилар.

Илгор тараққийпарвар маданият вакиллари ҳамиша эзгулик, халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик мавқеларида турганлар. Улар адолатсизлик асосига қурилган зулмкор жамиятнинг иллатларини очиб ташлаганлар, меҳнатқаш халқ оммасининг зулм ва золимларга қарши қаҳру нафратини бадий равишда ифода этганлар, ҳамиша халқ ва инсон манфаатларини ҳимоя қилганлар. Биз маданий меросдан ана шу илгор тараққийпарвар маданиятни оламиз. Бу маданиятдан янги социалистик маданиятни бунёд этишда истифода қиламиз.

Ўзбек маданиятининг тарихий илдиэлари жуда чуқур. Уларни ҳар томонлама ўрганмоқ, бу меросдан янги замон маданиятини яратишда фойдаланмоқ ҳаминша муҳим вазифа бўлиб келди ва бўлиб қолажак. Ўзбекистонда бу соҳада анча ишлар амалга оширилган ва бой тажриба йиғилган. Ўзбек адабиёти тарихига оид асарлардан тузилган хрестоматия ва тўпламлар, ўзбек шеърини антологиялари эълон қилинган. Ўзбек адабиёти тарихи ёдгорликлари алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. «Ўзбек адабиёти бўстони» деб аталган ушбу нашр ўзбек адабиёти намуналарини ўз ичига олади. Бу нашрга энг қадимий туркий тилда яратилган ва турк-румий ёзувида битилган Ўрхун-Енисей ёдгорликларидан тортиб то XX аср бошларигача мавжуд бўлган асарлардан намуналар киритиш мўлжалланган. Ушбу нашр муҳтарам китобхонларда ўзбек адабиётининг узоқ тарихи гўғрисида яхлит тушунча ҳосил қилиш вазифасини ўз олдига қўйган. Дастлабки режаларга кўра ушбу нашр ўттиз китобдан иборат бўлиши кўзланмоқда. Бадний асарлар ҳам даври, ҳам жанрига эътибор қилинган ҳолда айрим китобларга киритилди. Утмиш ёзма ёдгорликлари турли замонларда яратилган. Булар асосан араб ёзувида ёзилган. Шунинг учун айрим сўз ва атаmalarни ҳозирги ўзбек ёзувига ўтказишда баъзи ноаниқлик ва нуқсонлар содир бўлиши мумкин. Бунинг учун муҳтарам китобхонлардан ҳам уэр сўраймиз, ҳам биргалашиб уларни тузатмоққа кўмак кутамиз.

«Ўзбек адабиёти бўстони» нашрининг биринчи китоби энг қадимий ёдгорликлардан ташкил топган. Бу китоб оғзаки қиссалар — «Тўмарис», «Зарнадр ва Одатида», «Широқ» ва Ўрхун-Енисей битикларидан бошланади. Битиклар тошларга ўйиб ёзилгандир. Хати қадимий туркий ёзувда. Бу ёзувларни ўрганиш тарихи узоқ ва мураккаб. Қиссалар ва битиклардаги асосий ғоя ватан ва халқни ҳимоя қилиш, элу юрт бирдамлиги, она-юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилишда барчанинг ҳамжиҳатлик билан бир бўлиб иш тутиши кераклигини уқтирувдир. Акс ҳолда эл бошига қандай мусибатлар тушажаги, бу битикларда аниқ кўрсатилади. Ундан кейин «Ирқ битиги» ёки «Таъбирнома» деб аталувчи асар келади. Бу асар халқ яратган эзгу ижод маҳсули. Унда эзгулик ва ёвузликнинг моҳияти ғоят лўнда ва тушунарли тарзда очиб берилади. Энг қадимий даврга оид шеърини парчалар, қўшиқлар, мақоллар эса XI асрда яратилган «Туркий сўзлар девони»дан танлаб олинган. Шеърлар ва мақоллар турли ҳаёт кўринишларини тасвирлайди. Улар сиқик мисраларда кенг ва чуқур мазмунни ифодалайдилар.

Биринчи китобнинг асосий қисминини «Қутадғу билиг» ташкил этади. Улуғ адиб ва шоир Юсуф Хос Хожиб қаламига мансуб бу асар туркий тилда яратилган шоҳ шеърини асардир. Уни қомусий деб атасак бўлади. Чунки «Қутадғу билиг»да халқ ҳаётининг барча томонлари ўз аксини топган. Унда эзгулик, инсонпарварлик ғоялари

таъсирли равишда баён этилади. Биринчи китобга кирадиган «Хибат-ул-хақойиқ» ҳам тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга булган асардир.

Умидвормизки, «Ўзбек адабиёти бўстони» кенг китобхонлар оммасини ўзбек адабиётининг муҳим ёдгорликлари билан таништиришдек муқаддас мақсадга хизмат қилади. Ушбу нашр Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг XXVII съезди бўлиб ўтган муборак айёмда юзага келмоқда.

Партиямиз совет халқини мамлакат иқтисодиёти ва маданиятини янги, юксак чўққиларга кўтармоққа даъват этади. Бу улугвор режаларни амалга оширмоқ учун ғайрат билан киришган халқимизнинг маънавий ҳаётини янада бойишига, кишиларимизда юксак ахлоқий фазилатларни кучайтиришга классик адабий мерос ҳам ўз улушнни қўшажаги шубҳасиздир.

**Азиз Қаюмов**

# ҚИССАЛАР



Инсоният ўзининг бутун ҳаёти давомида эзгуликка иштирилиб келди. Эзгулик йўлидаги орзуларнинг амалга ошмоғи учун курашга бел боғлаган қаҳрамонлар халқ яратган қиссалардаги асосий образлардир.

Тарихий воқеалар асосида яратилган бу қиссалар Урта Осиё халқлари ижодининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади.

Ушбу асарда келтирилган қиссалар қадимий Юнон тарихчиларининг асарларидан олинган.

## ТУМАРИС

Энг қадим замонларда Амударё (Аракс) ёқаларида Урта Осиё аҳолисига мансуб массагетлар яшар эди. Бу даврда уларга марҳум подшонинг хотини малика Тўмарис бошчилик қилар эди. Эрон шоҳи Қир массагетларни ўзига қарам қилш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, совчилар юборади. Лекин малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб унга рад жавобини беради. Шундан сўнг Қир очиқ тажовузга ўтади ва массагетлар томон қўшин тортади. У дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Бу хатти-ҳаракатлардан бохабар бўлган Тўмарис Қирга элчи юбориб айтади: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қандай туғашини билмайсан-ку? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳ-

лик қилавер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар биз билан куч си-нашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик йўл нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт, ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил».

Бу таклифни эшитгач, Қир аъёнларини тўплаб маслаҳат сўрайди. Уларнинг кўпчилиги Тўмариснинг чекинишини қувватлайдилар. Лекин улар ўртасида Қрез исмли маслаҳатчиси шоҳга бошқача бир ҳийлани ўртади.

«Эй Қир,— дейди у,— агар сен ўз қўшининг қирилиб кетмасин десанг, фикримни айтаман. Агар сен уларнинг инсон эканликларини ва тақдир ҳамиша бир хил бўлавермаслигини билсанг, у ҳолда қулоқ сол! Агар биз душманни ўз еримизга ўтказсак-да, енгилсак, подшоҳлигингдан батамом айриласан. Чунки голиб чиққан душман мамлакат ичкарасига томон интилади. Агар душман ерига ўтиб, ғалаба қилсанг, олдинга интиласан, лекин уларни ҳамма ерда таъқиб қилиш даражасида енга олмайсан. Хотин кишидан енгилсанг, чидаб бўлмас номусга қоласан. Шунинг учун, яхшиси, биз Тўмарис айтган ерга борайлик-да, уни енгилсак ҳаракат қилайлик. Менимча, массагетлар эронийлардай ноз-неъматнинг лаззатини билишмайди. Шунинг учун биз шаробни аямасдан, моллар сўйиб, катта зиёфат тайёрлайлик-да, яроқсиз аскарлардан бир қисмини қолдириб, орқага қайтайлик. Сўнг ўзимизни ғалаба билан шарафлайлик». Бу маслаҳат Қирга маъқул тушди. У Тўмарисдан чекинишни сўрайди. Қир ўғли Қамбазга Қрезни топшириб, агар урушдан қайтмасам, унинг маслаҳати билан шоҳлик қиласан, деб Эронга жўнатади, ўзи қўшини билан массагетлар юртига ўтади.

У ерда Қир ғалати бир туш кўради. Тушида Гиштаспнинг катта ўғли Доронинг икки елкасидан икки қанот ўсиб чиққанмиш ва бири Мағрибни, иккинчиси Машриқни тўсиб турармиш. Бу вақтларда Доро 20 ёшда бўлиб, ёш ҳисоблангани учун урушга олинмаган эди. Туш Қир юрагига ғашлик солади.

У Доронинг отасини чақириб: ўғлинг менга қарши фитнада айбдор, Эронга қайтиб уни судраб олиб кел, дейди.

Қир массагетлар юртига ўтгач, Қрез таъкидлаганидек, зиёфат тайёрлаб, бир оз аскар қолдириб орқага чекинади.



Массагетларнинг бир қисм қўшини Тўмариснинг ўгли Спарганис бошчилигида у ерга келиб, қолдирилган аскарларни енгиб, зиёфатга машғул бўладилар. Сўнг маст лашкар уйқуга кетади. Шу вақт Қир ҳужумга ўтиб, массагетларнинг кўпини ўлдириб, кўпини асир олади. Асирлар орасида шаҳзода Спарганис ҳам бор эди.

Тўмарис воқеадан хабардор бўлиб, Қирга элчи юбориб айтади: «Эй қонхўр Қир, узум суви ёрдамида бўлган бу воқеадан хурсанд бўлма. Сен ўғлимни жанг майдолида эмас, найранг билан қўлга олдинг. Энди қулоқ сол, сенга яхши бир маслаҳат қиламан. Ўғлимни менга топширгин-да, қилган ишинг учун жазоланмасдан юртингга жўна. Йўқса, массагетлар тангриси номи билан қасамёд қилиб айтаманки, сен очкўз юҳонинг қонга ташналигингни қондираман».

Қир бу сўзларга парво қилмади.

Спарганис эса ўзига келгач, воқеани англаб, хижолатдан ўзини-ўзи ўлдиради.

Шундан сўнг Тўмарис қўшинини тўплаб жангга отланади. Даҳшатли жанг бўлади. Унда массагетлар ғолиб келади. Тўмарис ўз сўзи устидан чиқиб, жангда ўлдирилган Қирнинг бошини кесиб, қон билан тўлдиришган мешга солади. У айтади: «Гарчи мен жангда ҳалоллик билан енгган бўлсам-да, сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб қайғуга солдинг. Онтимга амал қилиб сени қонга тўйдираман».

## ЗАРИАДР ВА ОДАТИДА

Мидия шоҳи Гиштаспнинг кичик укаси Зариадр Каспий денгизидан Танаис (Сирдарё)гача бўлган ўлкада ҳукмронлик қиларди. Танаиснинг нариги қирғоғида эса Омарг исмли шоҳ подшоҳлик қилар эди. Бу шоҳнинг Одатида исмли гўзал бир қизи бор эди.

Одатида бир кун тушида Зариадрни кўриб, севиб қолади ва доим шу севги изтиробида қийналади. Зариадр Омаргга қизини сўратиб совчилар юборади. Лекин Омарг бошқа фарзанди бўлмагани туфайли қизи Одатидани бегона юртга узатишни хоҳламайди ва уни ўз

яқинларидан бирига бермоқчи бўлади. Бир куни Омарг қизини кимга беришини сир тутган ҳолда тўй базми уюштиради. Базм авжига чиққанида қизни чақириб, унга: «Қизим биз сенинг тўйингни қиялпмиз, шу ерда ўтирганлардан қайси бирини ёқтирсанг, ўшанга олтин қадаҳда май тутгин. Сени ўшанга берамиз», дейди. Одатидани атрофига қараб йиғилганлар орасида севгани Зариадрни ахтаради, уни кўрмагач йиғлайди. Чунки қиз йигитга хабар юбориб, уни огоҳлантириб қўйган эди. Зариандр бу вақт бир кемачини ёллаб, унинг ёрдамида дарёдан ўтади ва скиф кийимида базм бўлаётган ерга боради. У кўзлари ёшга тўла, қўлида қадаҳ тутиб турган Одатидани кўради-да, унга яқинлашиб:— Одатидани, мен Зариандрман, мана мен ёнингдаман,—дейди. Қиз қўлидаги қадаҳини йигитга туттади. Зариандр Одатидани етаклаб яширинча кемачи турган ерга олиб келади ва улар биргалашиб Зариандр юртига кетадилар. Омарг қизининг ғойиб бўлганидан огоҳ бўлгач, хизматкорларни бир-бир сўроқ қилади. Қиз севгисидан хабардор хизматчилар: «биз ҳеч нарса билмаймиз»,—деб жавоб қиладилар.

## ШИРОҚ

Доро қўшини билан саклар ўртасида уруш борар эди. Сак подачиларидан Широқ (ёки Спрак) подшоҳларидан Сакесфар Омарг (Аморг) ва Тўмарислар ҳузурига келади. У Эрон қўшинини ҳийла билан ҳалок этажанини айтади, аммо подшоҳлар Широқнинг оиласига, болаларига, авлодига ғамхўрлик қилишлари шарт эди. Уларга қасам ичдириб, шу ваъдани олгач, Широқ ўша ердаёқ ўзининг қулоқ-бурнини кесади, бошқа аъзоларига ҳам жароҳат етказилади, сўнг саклардан Эрон қўшини томонига қочиб ўтган киши сифатида эронийлар турган жойга келади.

Широқ Дорога арз қилиб, ўзини саклардан алам кўрган киши қилиб кўрсатади. У Эрон қўшинини сакларнинг энг чекка ерларига олиб боражагини, у ерда туриб сак қўшинига тўсатдан ҳужум қилиб ғалаба қозонишлари мумкинлигини айтади.

Эрон қўшини бир ҳафталик озиқ-овқат олиб йўлга тушади. Қўшин узоқ йўл юради, озиқ-овқат ва суви та-

мом бўлади. Атроф сувсиз қуруқ қум ва сажродан иборат эди. Эрон қўшини алданганини англайди. Эрон саркардаларидан бири Широқдан:— Шундай улуғ подшоҳни алдаб, катта қўшинни бирор қудуқ бўлмаган, бирор қуш учмайдиган, бирор жонивор кўзга кўринмайдиган, на олға юриш, на ортга қайтиш мумкин бўлмаган саҳрога бошлаб келишдан мурудинг нима эди?— деб сўрайди.

Широқ, ўз ватандошларимни сақлаб қолдим, ва эрон қўшинини ҳалок этаман, деб жавоб беради.

Ботир чўпон қатл этилади. Эронийлар аранг Аму дарё соҳилига етиб оладилар.

# УРХУН БИТИГЛАРИ



1889 йил, кимсасиз Мўғул чўли. Бепоён кенгликларда аҳён-аҳёнда одам яшайдиган кулбалар учрайди. Озиқ-овқатни етарлича ғамламай, узоқ йўлга енгил-елпи отланган киши бу жойларда жуда қийналади.

Дарё соҳилидан совуқ шамол эсади. Гарчи июнь ойи бўлса ҳам совуқ шамол суяк-суяккача ўтиб кетади. Отда букчайиб олган бир неча чавандоз Урхун дарёсининг чап соҳили бўйлаб кетяпти. Улар кетидан икки от араваларни аранг тортиб бормоқда. Араваларнинг бирида оғир касал Н. Ядринцев ётибди. У бошчилик қилаётган кичкина экспедиция неча-неча кунлардан буён Мўғулистоннинг кам ўрганилган районлари ичкарасига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Кўп нарса планлаштирилган, ҳаммасига улгуриш керак. Шунинг учун ҳам Н. Ядринцев шундай оғир йўллардан бормоқда...

Экспедиция аъзолари қадимги турк давлати маркази бўлган Қорақурум шаҳри харобаларидан қадимги турк даврига оид жуда кўп материаллар — балбаллар (боши кесик ҳайкалчалар), турли ҳайвонлар тасвирини топдилар. Уларни жуда қизиқтирган нарса ёзув битилган тошлар бўлди.

Дастлабки топилган битигтошларнинг орқа томонида хитойча текст ҳам бор эди. Бу хитойча текстлардан маълум бўлдики, битигтошлар турк хоқони Билга хоқон ва унинг укаси, турк давлатининг лашкарбошиси Кул тигин шарафига битилган эди. Аммо битигларни ҳеч

ким ўқий олмади. Узоқ изланишлардан сўнг даниялик олим В. Томсен 1893 йилда бу ёзувларни ўқишга муваффақ бўлди.

Ёдномалардаги воқеалар ва шахслар тарихий бўлиб, ўз даврининг барча томонлари — туркий халқларнинг моддий, ижтимоий-сиёсий ҳаётини қамраб олади, шунингдек, ўша даврдаги қабилалар ҳаётида юз берган жиддий ўзгаришлар, бошқа халқлар билан муносабатлари ўз аксини топган. Фақат шугина эмас. Битигтошлар энг аввало туркий халқларнинг ёзма адабиёти намуналаридир. Битигларда тасвирланган воқеаларнинг реал тарихий асослари халқ оғзаки ижоди мотивлари замида бирикиб, ёзма адабиётнинг алоҳида бир турини юзага чиқарган. Айниқса қаҳрамонлик, ватанпарварлик, гуманистик ғояларнинг бош ўринга чиқиши алоҳида диққатга сазовардир.

## ТҮНЮҚУҚ БИТИГИ

Бу битигтош иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси Тўнюқуққа бағишлаб 712-716 йилларда ёзилган. Тўнюқуқ Қопогон ва Билга хоқонларнинг ҳам маслаҳатчиси бўлган. Тўнюқуқ битигини ўзи тириклигида ёздирган. Битигтош Монголиянинг Байн-Цокто манзилидан топилган ва ҳозир ҳам ўша ерда сақланади.

Битигда туркийларнинг бир қанча душман қабилаларга қарши кураши, Тўнюқуқнинг халқ олдидаги хизматлари ҳикоя қилинади. Битигда Тўнюқуқнинг хизматлари юксак баҳоланади. Тўнюқуқ бутун куч-ғайратини халқни душмандан ҳимоя қилишга, унинг ғалабаси учун сарфлайди. Тўнюқуқнинг донолиги, тadbиркорлиги, жасурлиги кўп ғалабаларнинг гарови сифатида таъкидланади. Сатрларда баён этилган воқеалар Тўнюқуқнинг фаолиятини ва унинг турк халқига содиқлигини кўрсатади.

Тўнюқуқ битиги ҳам юксак савияда ёзилганлиги учун ва гуманизми, айниқса қаҳрамонлик мотивининг асосий ўрин тутганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур битигда халқ мақол ва маталларининг кўп қўлланиши унинг бадий ифода имкониятларини кенгайтирган.

## ТҮНЮҚУҚ БИТИГИ

Доно Тўнюқуқ—мен ўзим, Табғач давлатида тарбияландим. Турк халқи Табғач давлатига бўйсунар эди.

Турк халқи ўзининг хони билан ҳам бўлмай, Табғач хоқонлигига қўшилди, хонлик бўлди. Ўз хонини қўйиб, яна Табғач хоқонлигига қўшилди. Тангри шундай деган экан: Хон бердим. Хонингни қўйиб таслим бўлдинг. Табғачга таслим бўлгани учун тангри ўл, деган шекилли.

Турк халқи ўлди, йўқ бўлди, тугади. Турк сир халқи ерида бирорта ҳам уруғ қолмади. Ичкарию ташқарида қолгани тўпланиб етти юзта бўлди, икки қисми отлиқ, бир қисми яёв эди. Етти юз кишини уюштирадиган бошлиғи шад эди. Унвон ол, деди. Унвон оладигани мен эдим — Билга Тўнюқуқ. Хоқонни ҳам қўлга олайин, дедим, сўнгра ўйладим: ориқ буқа ва семиз буқани (бирров) тезагидан билса, биров семиз буқа ва ориқ буқани ажрата олмас эмиш, шундай деб ўйладим. Шундан сўнг Тангри билим бергани учун фақат ўзим хоқонни қўлга олдим, доно Тўнюқуқ, бўйла баға тархан билан Элтариш хоқон бирга бўлиб, жанубда Табғачни, Шарқда Хитойни, шимолда ўғузни кўплаб ўлдирди. Алломаси, човуши мен ўзимгина эдим. Чуғай кузни ва Қорақумни манзил қилиб олган эдик. У ерда кийик еб, қуён еб турар эдик. Халқнинг томоғи тўқ эди. Душманимиз атрофга қанотини етказди. Биз шай эдик, шундай турар (яшагучи) эрк аҳли. Ўғуздан ўшанда кузатувчи келди. Кузатувчининг гаплари шундай: Тўқуз ўғуз халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди, дейди. Табғачга Қуни Сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. Уларга шундай гап юборибди: озгина турк халқи юрган эмиш. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан. Уша икки киши бор бўлса, сени, Табғачни ўлдиражак, дейман, шимолда Хитойни ўлдиражак, дейман, мени, ўғузни у ҳам ўлдиражак, дейман. Табғач, сен ўнгда хужум қил! Хитой, олдидан хужум қил! Мен чапдан хужум қилай. Турк сир халқи ерида бошқа эга юрмасин. Эпла-сак, ўша эгани йўқ қилайлик, дейман. Уша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади. Ундан сўнг хоқонимга илтимос қилдим. Шундай илтимос қилдим: Табғач, Ўғуз, Хитой — бу учови қамал қилса, қамалда қолажакмиз. Унда вужудининг ичи-тошини — мону жонини топширган кишидай бўламиз. Юпқа йнғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йнғин узишга осон эмиш. Юпқа қални бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир

эмиш. Ингичка йўгон бўлса, узадиган баҳодир эмиш. Шарқда Хитойдан, жанубда Табғачдан, ғарбда Қурдан-дан, шимолда Уғуздан ҳимояланиш учун икки-уч минг аскаримиз бор. Бундан бошқа келадиганимиз бормиди? Шундай деб илтимос қилдим. Хоқоним, мен доно Тўнюқуқнинг арзини эшитди. Кўнглингга қараб йўл тут,— деди. Кўк ўнги юқорилаб, Утукан йишга томон йўл олдим. Инигак кўл бўйига Тўғладан Уғуз келди. Уларнинг лашкари уч минг экан, биз икки минг эдик, урушдик, тангри ёрлиқади, қочирдик, дарёга тушди. Қочган йўлида яна ўлди. Шундан кейин ўғуз кўплаб таслим бўлиб келди. Мен ўзим турк халқини ҳам Утукан ерига келтирдим. Билга Тўнюқуқ Утукан ерига қўнибди деб эшитиб, жанубдаги, шимолдаги халқ келди. Биз икки минг эдик, икки қўшин бўлди. Турк халқи ер юзига ўрнашгандан бери, Турк хоқони тахтга ўрнашгандан бери Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етмаган эди. Хоқонимга арз қилиб лашкар тортдим.

Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етказдим, йигирма уч шаҳар мағлуб бўлди. Душманнинг уйқуси ҳаром бўлиб, чўл-бнёбонда ётиб қолди. Табғач хоқони душманимиз эди. Ун ўқ хоқони ҳам душманимиз эди. Ундан ортиқ қирғизнинг қудратли хоқони душманимиз бўлди, ўша уч хоқон маслаҳатлашиб, Олтин йиш устига талон солайлик депти, шундай маслаҳат қилишибди. Шарққа Турк хоқонига лашкар тортайлик депти, унга қарши лашкар тортмаса, қачон ғазабланса, у бизни йўқ қилади, депти. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан, қачон ғазабланса, ўлдирадиган кўринади. Учовимиз ёпирилиб ҳужум қилайлик, уни йўқотайлик депти. Турғаш хоқони шундай депти: менинг халқим у ерда бўлади. Турк халқи яна ҳаяжонда депти. Уғузи яна пароканда депти. Ўша гапини эшитиб тунлари уйқум келмас эди, кундузлари ўтиргим келмас эди. Шундай ўйладим: Табғач, ўн ўқ, қирғиз хоқонига Кўгман тоғидан ошиб ўтиб ҳужум қиламиз. Шунинг учун аввал биз лашкар тортайлик дедим.

Кўгман йўли битта экан. Йўлни қор босган деб эшитиб, бу йўл билан юрса ярамайди, дедим. Ерчи (ер биладиган киши) суриштирдим. Чўллик аз қабиласидан бир йигитни топдим. Аз ерини у яхши билар экан, бир манзили бор экан. Ани дарёси билан борилар экан, ўша ерда ётиб, бир отлиғ йўл юриб борилади, деди. Ўша йўл билан юрса имкон бор деб ўйладим. Хоқонимга бунни айтиб, қўшинни йўлга солдим, отлантир!— деб буйруқ бердим.

Оқ тармал (ҳозирги Хуа Кэм) дарёсини кечиб ўтиб, қўшинга лагерь қуришга ижозат бердим. Бир оз дам олгач, отланишга буйруқ бердим, қорни ёриб, юқорига отни етаклаб, ўзимиз яёв юриб, дарахтларга таяниб қўшинни чиқардим. Олдиндаги йигитлар илгарилаб, ўсимликлар бор довондан ошдик. Ундан қийналиб пастга тушдик. Ун кун давомида биз ёнлама йўллардан юрдик, тўсиқни айланиб ўтдик. Ерчи ҳам янглишиб, бўғизланди. Хоқон хафа бўлиб, отларни чоптиринглар, деди.

Ани дарёсидан борайлик!— дедим. Дарё сувининг қуйи томонига юрдик. Лашкарни санагани туширдик, отларни ўтга бойладик. Кейин яна йўлга тушдик. Кун ҳам, тун ҳам елиб бордик. Қирғизни уйқуда босдик. Биз лашкарларимизнинг энгагини (олд қисмини) жангга киритдик. Қирғиз хонининг лашкари йиғилди. Жанг қилдик, санчдик, хоқонини ўлдирдик. Бизнинг хоқонга қирғиз халқи таслим бўлди, таъзим қилди. Қайтдик. Яна Кўгманни айланиб келдик. Қирғиздан қайтганимиздан сўнг, Тургаш хоқонидан кузатувчи келди. Гапи шундай: Шарқдан Турк хоқонига қўшин тортайлик, қўшин тортмасак, у бизни йўқ қилади. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан, ҳар қандай йўл билан бизни ўлдирадиган кўринади, депти. Тургаш хоқони йўлга чиқибди, деди. Ун ўқ халқнинг ҳаммаси чиқибди, деди. Табгач лашкари ҳам бор экан, ўша гапни эшитиб, хоқоним мен уйга тушайин, деди. Хотини вафот этган эди. Унинг маросимини ўтказайин, деди. Қўшин билан боринг, деди. Олтин йишда ўрнашинг, деди. Лашкарбоши Инол хоқон, Тардуш шад борсин деди. Доно Тўньюқуққа — менга айтди: бу қўшинни олиб бор, деди. Караму ғазабни кўнглингдагидай қил, мен сенга нима ҳам дейин, деди. Душман келадиган бўлса, баҳодир йигитларни йиғ ва душманни ўлдир. Келмайдиган бўлса, тил тутиб маълумот олиб тур, деди.

Олтин йишда ўрнашдик. Уч кузатувчи киши келди, гапи бир: Хоқони лашкар билан йўлга чиққан, ўн ўқ лашкари бекаму кўст чиққан, деди. Йарис даштида йиғиламиз, деган. Ўша гапни эшитиб, хоқонга у гапни жўнатдим: «Нима ўйлайин!» Гапни олиб қайтиб келди: шу ерда туринг!— деб айтибди. Борма, яхшилаб қоровул қўй, душманга бостириб қўйма!— депти. Бугу хоқон менга шундай деб айтиб юборибди. Бош лашкарбошига махфий гап юборибди: доно Тўньюқуқ хушёр, у ўзи биледи. Лашкар билан йўлга чиқмоқчи бўлса, унаманг. У гапни эшитиб, қўшинни йўлга солдим. Олтин йишнинг ўтиб



бўлмас жойидан ошдик, Иртиш дарёсининг ўтиб бўлмас жойидан кечиб ўтдик, тунда тўхтамадик. Бўлчуга тонг отганда етиб келдик.

Бизнинг кузатувчиларимиз тил тутиб келтирди. Гапи шундай: Йарис даштида ўн туман лашкар йиғилди. Бу гапни эшитиб, беклар ҳаммаси қайтайлик, покиза уят яхшидир, дедилар. Мен эса шундай деганман, мен доно Тўнъюққ: Олтин йишни ошиб келдик, Иртиш дарёсини кечиб келдик. Жангчиларнинг келгани қаҳрамон, деганлар. Душман сезмай қолди. Тангри, Умай, муқаддас ерсув душманни босиб берган кўринади. Нега чекинамиз, душманни кўп деб, нега қўрқамиз, ўзимизни оз деб. Қани босайлик, ҳужум қилайлик, дедим. Ҳужум қилдик, душманни тор-мор қилдик. Иккинчи кун келди. Урушдик. Уларнинг қўшини бизникидан икки қаноти ярмича ортиқ эди. Тангри ёрлақгани учун, душман кўп деб биз қўрқмадик, жанг қилдик. Тардуш шади ҳам ўн ўқ хоқони томонда иштирок қилди. Уларни ҳам тор-мор қилдик, хоқони, йабғуси, шади ўша ерда ўлдирилди. Элликтача йиғитни тутдик ва ўша кечасиёқ ҳар бирини ўз халқига жўнатдик. У гапни эшитиб, ўн ўқ беглари, халқи, ҳаммаси бизга бош эгиб келди. Келган бекларни, халқини суриб, озгина халқ қочган эди. Ун ўқ лашкарини жанг қилдирдим. Биз ҳам лашкар тортдик, уни қувдик. Инжу ўғизни кечиб Тинси ўғли етадиган Банглигак тоғини ошиб ўтиб, Темир дарвозагача қувиб бордик. Уша ердан қайтардик. Инал хоқонга араб ва тухор (арабларнинг иттифоқдоши) ҳужум қилди. Ушанда ажраладиган чоки бор дубулға кийган сўғдоқ халқи ҳаммаси келди. Уша кунини ҳужум қилди. Турк халқи Темир дарвозага, Тинси ўғли етадиган тоққа етди. Эгаси йўқ экан. У ерга мен, доно Тўнъюққ етказиб борганим учун сариқ олтин, оқ кумуш, қиз-жувон, эгри туя, ипак ҳадсиз келтирдилар. Элтариш хоқон доно маслаҳатчиси бор учун, қаҳрамон бўлгани учун Табғачга қарши ўн етти марта уруш қилди. Қитайларга қарши етти марта уруш қилди. Уғузга қарши беш марта уруш қилди. Ушанда маслаҳатчиси ҳам менинг ўзим эдим, урушувчи ҳам мен ўзим эдим. Элтариш хоқонга, Турк Бўгу хоқонга, Турк Билга хоқонга хизмат қилдим, тун ухламай, кундуз ўтирмай, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатни, кучни бердим, ахир, мен ўзим узоқларга босқин уюштириб турдим. Қўнғир қўй, оқ отни катта қилдим. Босиб олишга уринадиган душманни поймол қилар эдим. Хоқоним билан лашкарлар тортдик, тангри ёрлақасин! Бу турк халқига қу-

ролли душманни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим. Элтариш хоқон муваффақият қозонмаса, унга қўшилиб мен ўзим муваффақият қозонмасам, давлат ҳам, халқ ҳам йўқ бўладиган эди. Хоқоним муваффақият қозонгани учун, мен ўзим муваффақият қозонганим учун давлат ҳам давлат бўлди, халқ ҳам халқ бўлди, ўзим чол бўлдим, улғайдим. Аллақандай ердаги хоқонлик халққа дон сўк бўлса ҳам, нима ғами бўлар эди?!

Турк Билга хоқон давлатида бу битигни ёздирдим, Мен Билга Тўнюқуқ, Элтариш хоқон муваффақият қозонмаса эди, у бўлмаса эди, мен ўзим, доно Тўнюқуқ, муваффақият қозонмасам эди, мен бўлмасам эди, Қапаған хоқон бошлиқ Турк сир халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам, турк халқи ерига хўжайин ҳам бўлмас эди.

Элтариш хоқон ва доно Тўнюқуқ муваффақият қозонгани учун Қапаған хоқон, Турк сир халқи юрган бу давлат яшаб турибди. Турк Билга хоқон Турк сир халқини, ўғуз халқини тарбият қилиб турибди.

## КУЛ ТИГИН БИТИГИ

Бу битигтош турк хоқони Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул тигин қабрига қўйилган. Кул тигин 731 йил 27 февралда қирқ етти ёшида вафот этади. Битигтош 732 йилда ўрнатилган.

Кул тигин битиги баландлиги 3 метр 25 см. бўлган мрамарга ўйиб ёзилган. Кул тигин битигидаги барча воқеалар Кул тигиннинг акаси Билга хоқон тилидан (асли исми Мўғулиён) ҳикоя қилинади. Битигни Кул тигиннинг жияни Йўллуғ тигин ёзган.

Мазкур битигда Билга хоқоннинг оға-иниларига, қариндош-уруғларига, халққа мурожаат қилиб, уларнинг адашувлари натижасида турк элига кўп фалокатлар келганлиги уқтирилади. Туркийларнинг ҳарбий юришлари, қўшни бўлган табғачларнинг босқинчилиги ва ҳийлакорлиги натижасида халқ бошига тушган кулфатлар афсус-надомат билан ҳикоя қилинади.

Бу сўзларни Билга хоқоннинг турк халқига қарата айтган, чуқур лиризм билан суғорилган юрак сўзлари деса бўлади. Хоқоннинг мурожаатидан мақсад — ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ўзаро уруш-жанжалларга чек қўйиш, иттифоқ бўлиб яшашдир.

Кул тигин афсонавий эпик руҳда тасвирланади, достонлардаги сингари доно, баҳодир инсон сифатида тасвирланади.

Бадият нуқтаи назаридан ўз даврида юксак савияда ёзилган бу битиг туркий халқлар ёзма адабиётининг ривожига туртки берган.

## КУЛ ТИГИН БИТИГИ

Фалакдай худодан бўлган турк доно хоқони бу тахтага ўтирдим. Сўзимни тугал эшитгин, кейинимдаги ини, жияшим, ўғилларим, қон-қардошим, халқим, ўнгдаги шаданит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз тўққиз ўғиз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат қилиб тингла!

Олдинга — кунчиқарга, ўнга — кун юришга, орқага — кунботарга, чапга — тун ўртаси (шимол)гача бўлган ердаги халқлар ҳаммаси менга қарайди. Шунча халқни йиғдим. У энди ёвуз эмас. Турк хоқони Утукан йишда турса, элда ташвиш йўқ. Шимолга — Шантунг чўлигача лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим, Жанубга Тўқуз арсан қабиласигача лашкар тортдим, Тибетга бир оз етмадим. Ғарбда Сирдарёни кечиб ўтиб, Темир дарвозагача лашкар тортдим. Шимолга — Ер Байирқу еригача лашкар тортдим, шунча жойгача юриш қилдим. Утукан йишда яхши ҳоким йўқ экан. Давлатни тутиб турадиган ер Утукан йиш экан. Бу ерда ўрнашиб, Табғач халқи билан муросага келдим. Олтин, кумуш, ичкилик, ипақни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, ипақ кийими нафис экан. Ширин сўзи, ипақ кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яхши қўшни бўлгандан кейин ёвуз илмни у ерда ўрганар экан.

Яхши, доно кишини, яхши алп кишини йўлатмас экан. Бирор киши адашса, уруғи, халқи, уйи, ёпинчиғигача қўймас экан. Ширин сўзига, нафис ипагига алданиб, кўп турк халқи, ўлдинг. Эй турк халқи, ўлдинг. Эй турк халқи, айриминг жанубга — Чуғай йишга, Тўг, Элтан чўлига манзил қилай десанг, Турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиқлар экан: йироқ бўлса, ёмон ипақ беради, яқин бўлса, яхши дебо беради, деб шу хилда пишиқлар экан. Илмсиз киши у сўзга ишониб, унга яқинлашиб кўп, киши ўлди.

Шимолга борсанг, эй турк халқи, ўлажаксан. Утукан

ерга ўрнашиб карвон юбориб турсанг, ҳеч қандай таъвиш йўқ. Утукан йишни манзил қилсанг, мангу давлатни сақлаб туражаксан, эй турк халқи, тўқис ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танимайсан. Ушандайлигинг учун тарбият қилган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, номнишонсиз кетдинг. Уша ерда қолганинг ҳар ерда зўрға ўлиб-тирилиб юрган эдинг. Тангри ёрлиқагани учун, истеъдодим, бахтим бор учун мен сизларга хоқон бўлдим. Хоқон бўлиб йўқ қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғаздим. Қашшоқ халқни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирдим. Ё бу сўзимда ёлғон борми?! Турк беклари, халқи, бунни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганингизни ҳам бу ерда ёздим. Нимаики сўзим бўлса мангу тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклари. Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар. Мен мангу тошга ҳаммасини ўйиб ёздим. Табғач хоқондан наққош келтирдим, нақшлатдим. Менинг нутқимни бузмади.

Табғач хоқони ўз наққошини юборди. Қул тигинга зиёратгоҳ яраттирдим. Ичи-тошига махсус нақш солдирдим. Тош ўрнаттирдим, кўнгулдаги сўзларимни у тошга ёздим. Ун ўқ авлодигача, тотгача бунни кўриб билинг! Мангу тош ўрнаттирдим. Бу сайргоҳ бўлгач, мақбара сайргоҳ ерда бўлса. Шундай сайргоҳ ерда мангу тош ўрнаттирдим. Ёзув битидим. Уни кўриб шундай деб билинг: бу битиг битилгувчининг (яъни Қул тигиннинг) жияни Йўллуғ тигиндир.

Юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда, иккисининг ўртасида инсон болалари пайдо бўлган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бўмин хоқон, Истами хоқон хоқон бўлиб ўтирганлар. Улар тахтга ўрнашиб, турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини тутиб турганлар, риоя қилиб турганлар.

Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт тарафдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай тобе қилганлар. Боши борнинг бошини эгиб таъзим қилдирганлар, тиззаси борни чўккалатганлар. Шарққа — Қадирқан йишга, ғарбга — Темир дарвозагача ўрнашганлар. Қадирқан билан Темир дарвозанинг орасида хўжайинсиз, уруғ ҳокимиятсиз, чекланмаган ерга эга бўлиб, асл турк шу тарзда яшар экан. Улар доно хоқон

экан, баҳодир хоқон экан, вазирлари ҳам доно ва ботир бўлган бўлиши керак, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан. Шунинг учун давлатни шу хилда тутиб турган эканлар, давлатни тутиб, қонун-қоидаларини яратган, ўзи шу тарзда яшаб, вафот қилган.

Азачи, йиғичилар шарқдан — кун чиқардан Букли чўлилик халқ, Табғач, Тибет, Авар, Рим, Қирғиз, Уч қуриқан, ўттиз татар, Қитан, Татаби — шунча халқ келиб, йиғлаган, аза тутган. Шундай машҳур хоқон экан. Шундан кейин укаси хоқон бўлган экан. Уғли ҳам хоқон бўлган экан. Ундан сўнг иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан. Тахтга жоҳил хоқон ўтирган экан, бадфеъл хоқон ўтирган экан. Вазири ҳам билимсиз экан, қўрқоқ экан.

Беклари, халқи инсофсиз бўлгани учун, табғач халқи ҳийлакор бўлгани учун, тоймас бўлганлиги учун, фирибгар бўлгани учун, оға ва инини бир-бирига қайрагани учун, беги ва халқини бир-бирига чаққани учун турк халқи эллашган давлатини қўлдан чиқариб юборган.

Хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқотиб юборган. Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлади, табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, Табғач хоқонга қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини сарф қилибди. Шарқда — кунчиқарда Бўкли хоқонигача лашкар тортиб берибди, ғарбда Темір қоппиққача лашкар тортиб берибди. Табғач хоқонига туркларнинг давлатини, ҳукуматини олиб берибди... Турк фуқароси, барча халқ шундай дебди: «Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Кимга давлатни эгаллаб беряпман? — дер экан. — Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қиляпман?» — дер экан. Шундай деб Табғач хоқонига қарши бўлибди. Қарши бўлиб, қувилиб, ўзини тиклашга умид қилиб, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини сарф этганини андиша қилмай, Табғач хоқони турк халқини ўлдирайин, уруғини қолдирмайин», — дер экан ва уни йўқотиб бораётган экан. Аммо юқорида турк осмони, туркнинг муқаддас ери, суви шундай дебди: «Турк халқи йўқ бўлмасин», деб, «халқ бўлсин», деб отам Элтариш хоқонни, онам Элбилга хотунни тангри ўз мартабасида тутиб, юқори кутарган экан. Отам хоқон ўн етти эр билан четга чиқиб кетган. Четда юрибди деган овозани эшитиб, шаҳардаги тоққа чиқибди, тоғдаги пастга тушибди, йиғилиб етмиш жангчи бўлибди. Тангри куч

бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдай экан, Шарққа-ғарбга лашкар тортиб, одам йиғибди, оёққа турғизибди. Ҳаммаси йиғилиб, етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўқотган хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қулга айланган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим қонун-қоидалари бўйича бошқарибди, ташкил қилибди. Тўлис, тардуш халқини шу пайтда оёққа турғизганлар.

Ябғуни, шадни ўшанда тайинлабди. Жанубда табғач халқи душман экан, шимолда Баз хоқон, Тўққиз ўғиз халқи душман экан, қирғиз, қуриқан, ўттиз татар, қитанй, татаби бутунлай душман экан. Отам хоқон бунча душманга тенглашиб, қирқ етти марта лашкар тортган, йиғирма марта жанг қилган. Тангри ёрлиқагани учун давлати борни давлатсизлантирган, хоқони борни хоқонсизлантирган, душмани эл қилган, тиззаси борни чўккалатган, боши борни эгиб таъзим қилдирган. Шу хилда ҳукмронликни эгаллаб, вафот этган. Отам хоқоннинг қабрига биринчи қилиб Баз хоқонининг балбали тикилди. Уша ҳукумат бошига амаким хоқон бўлиб ўтирди. Амаким хоқон халқни яхшилаб тузатди, тарбият қилди. Қамбағални бой қилди.

Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим тардуш халқи устидан шад эдим. Амаким хоқон билан Шарққа Яшил ўгуз (Хуанхэ дарёси) Шантунг текислигигача лашкар тортдик, ғарбга—Темир дарвозагача лашкар тортдик. Кўгман ошиб, Қирғиз ерига лашкар тортдик.

Ҳаммаси бўлиб йиғирма беш марта лашкар тортдик, ўн уч марта жанг қилдик, давлати борни давлатсизлантирдик, хоқони борни хоқонсизлантирдик, тиззаси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттирдик. Тургаш хоқон туркимиз эди, билмагани учун бизга нисбатан янглишгани учун хоқони ўлди, вазири, беклари ҳам ўлди. Ун ўқ халқи қийинчилик кўрди. Бобомиз, аждодимиз бошқарган ер-сув эгасиз бўлмасин деб, аз халқини тузатиб, тиклаб келдик, жанг қилдик. Аз халқига Барс бек эди. Хоқон унвоини бунда биз бердик. Синглим хоқонзодани бердик. Узи адашди, хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди. Кўгман ер-сув эгасиз қолмасин деб, оз қирғиз халқини тиклаб, қайтиб бердик. Шарқда Қадирқан йишни ошиб, халқни шу хилда жойлаштирдик, шу тарзда тузатдик. Ғарбда Қангу Тармангача турк халқини шу ҳолда жойлаштирдик, шу хилда тузатдик. У замонда қул қулга эга бўлган эди, чўри чўрига эга бўлган эди.

Шу хилда қозонилган, барпо этилган давлатимиз, қонда-қонунларимиз бор эди: Турк ўғуз беклари, эй халқ, эшитинг! Тенадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукума-тингни ким бузди?

Укин, пушаймон бўл, кўргилигинг, тақдиринг учун, тарбият қилган доно хоқонингга, емирилган, қўлдан кет-ган яхши давлатингга. Ўзинг адашдинг, орага ёмонни киргиздинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди. Муқаддас Утукан йишга бординг, шарққа боролгунча бординг, ғарбга бо-рилгунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлди: қо-нинг сувдай оқди, суягинг тоғдай уюлиб ётди, бек бўла-диган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди. Билмаганинг учун, ёмонлигинг учун амаким хо-қон ўлиб кетди.

Унга бошлаб Қирғиз хоқонининг балбалини тикдим. Турк халқининг номи, донги йўқ бўлмасин деб отам хо-қонни, онам хотун маликани юқори кўтарилган тангри, давлат берадиган тангри турк халқининг номи, донги йўқ бўлмасин деб, ўзимни у тангри хоқон қилиб ўрнатди, шекилли. Мол, йилқилик халққа хоқон бўлиб ўрнашма-дим. Ичи ошсиз, тоши кийимсиз оч-яланғоч ёвуз, ёмон халқ уза ўрнашдим. Иним Кул тигин билан сўзлашдик: отамиз, амакимиз қозонган халқнинг оти, донги йўқ бўл-масин деб, турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтир-мадим. Иним Кул тигин билан, икки шад билан ўлиб-тирилиб муваффақият қозондим. Шу хилда қозониб бирлашган халқни бир-бирига ўт-сув қилмадим. Мен ўзим хоқон бўлиб ўрнашганимга ҳар ерга кетган халқ ўлиб-тирилиб яёв, яланғоч қайтиб келди. Халқни тар-бият қилайин деб, шимолга Ўғуз халқи томонга, шарққа Қитанй, Татаби халқи томонга, жанубга Табғач томонга катта лашкар билан ўн икки марта урушдим. Унда кей-ин, тангри ёрлиқасин, бахтим бор учун, насибан бор учун ўлаётган халқни тирилтириб тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камбағал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим. Паноҳталаб давлатида, хоқонлик-да яхшилик қилдим. Тўрт жиҳатдаги халқни бутунлай эл қилдим, бир-бирига дўст қилдим, бутунлай менга қаради. Меҳнатни, кучни берувчи шундай ҳокимиятни қозониб иним Кул тигин вафот этди. Отам хоқон учганда (ўлганда) иним Кул тигин етти ёшда қолди, ўн ёшда Умайдай онам хотун бахтига иним Кул тигин эр деган ном топди. Ўн олти ёшда амаким хоқон давлатини,

Ҳокимиятини шу хилда қўлга киритди. Олтин чўб вилоят суғдлари томонга лашкар тортдик. Тор-мор қилдик. Табғач, ўнг Тутуқдан беш туман қўшин келди, урушдик.

Кул тигин яёв отилиб ҳужум қилди. Унг Тутуқ йўл-бошчисининг яроқли қўлини тутди, яроқланган ҳолда ҳоқонга армуғон қилди. У лашкарни ўшанда йўқ қилдик. Йигирма бир ёшида Чача Сангунга уруш қилдик. Энг аввал Тадқан Чурнинг бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Иккинчи бор Ишбара Ямтарнинг бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Учинчи бор Еган Силиг бекнинг тўриқ отини миниб, ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Яроғига, ёпинчигига юздан ортиқ ўқ билан урди. Баданига, бошига битта тегмади.

Ҳужум қилганини, турк беклари, яхши биласиз. У лашкарни йўқ қилдик. Ундан кейин Ер Байирқули Улуғ Эркин душман бўлди. Уни пароканда қилиб, Турғи яроғун кўлда тор-мор қилдик, Улуғ Эркин озгина йигити билан қочиб кетди. Кул тигин йигирма олти ёшида Қирғиз томонга лашкар тортдик. Найза ботими қорни ёриб, Кўгман йишга кўтарилиб юриб, Қирғиз халқини уйқуда босдик. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдик. Кул тигин Байирқунинг оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. Бир эрни ўқ билан урди, икки эрни кетма-кет қилиб санчди. Уша ҳужумда Байирқунинг оқ айғирини кураги билан синдириб урди. Қирғиз хоқонини ўлдирдик, давлатини олдик. Уша йили Тургаш томонга Олтин йишга кўтарилиб, Иртиш дарёсини кечиб юрдик. Тургаш халқини уйқуда босдик. Тургаш хоқон лашкари Бўлучуда ўтдай, бўрондай келди. Жанг қилдик. Кул тигин Башғу номли бўз отни миниб ҳужум қилди.

Ушанда жангга кириб Тургаш хоқоннинг вазирини, Аз тутуғини ўз қўли билан ушлади. Хоқонини ўшанда ўлдирдик, элини олдик. Қора оддий Тургаш халқи бутунлай таслим бўлди. У халқни Табарда жойлаштирдик. Қайтиб бориб суғдақ халқини тузатайин деб, Сирдарёни кечиб Темир дарвозагача лашкар тортдик. Ундан кейин қора Тургаш халқи душман бўлган Кенгарас томонга борди. Бизнинг лашкарларимизнинг оти ориқ, озиги йўқ эди.

Алп эр бизга ҳужум қилган эди. Ушандай замонда хафа бўлиб Кул тигинни озгина эр билан излатиб юбордик. Катта жанг қилибди. Алп Шалчининг оқ отини миниб, ҳужум қилибди. Қора Тургаш халқини ўшанда ўлдирибди, қўлга олибди. Қайтиб юриб Кушу тутуқ билан жанг қилибди, унинг жангчиларини бутунлай ўлдириб-



ди. Уйини, бор нарсасини битта ҳам қолдирмасдан ҳам-масини келтирди. Кул тигин йигирма етти яшарлигида қарлуқ халқ бегоналашиб кетгач, душман бўлди. Биз улар билан Тамғидуқ башда жанг қилдик.

Кул тигин шу жангда ўттиз яшар эди. Алп Шалчининг оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. Душманнинг икки жангчисини бирин-кетин қилиб санчди.

Биз қарлуқни ҳам қўлга олдик. Аз халқи душман бўлди. Улар билан Қоракўлда жанг қилдик. Бу пайтда Кул тигин ўттиз бир яшар эди. У алп Шалчининг оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. У от ўшанда ўлди. Изгил халқи ҳам ўлди. Тўққиз ўғуз халқи ўз халқим эди, еру осмон фитнага тўлгани учун ҳам бизга душман бўлди. Бир йилда беш марта жанг қилдик. Энг аввал Тўғу шаҳрида жанг қилдик.

Кул тигин Азманнинг оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. Олти жангчисини ўлдирди. Қўшин ҳужум қилганда еттинчи жангчини қилич билан чопди.

Иккинчи марта Қушлағакда Адиз билан жанг қилдик. Кул тигин Аз деган йигитнинг кулранг отини миниб, отилиб ҳужум қилиб, бир жангчини санчди, тўққиз жангчини атрофида айланиб чошиб урди. Адиз халқи ўша ерда ўлди. Учинчи марта Бу...нда Ўғуз билан жанг қилдик. Кул тигин Азманнинг оқ отини миниб ҳужум қилди, санчди. Давлатини қўлга киритдик, тўртинчи марта Чуш бошида жанг қилдик.

Турк халқи оёқдан қолди, ёмон бўладиган эди. Илгари келиб қолган лашкарини Кул тигин қувиб, қаҳрамон ўнта жангчисини Тўнга тигин азасида қуршаб олиб ўлдирдик. Бешинчи марта Азганти Қадазда Ўғуз билан жанг қилдик. Кул тигин Азнинг кулранг отини миниб ҳужум қилди, икки жангчисини ўлдирди. Шаҳарга қайтиб бормади. Ўғузнинг лашкари ўшанда ўлди. Мағи қўрғонда қишлаб, баҳорда Ўғуз томонга лашкаримиз билан чиқдик. Кул тигин оила аъзоларимизни бошлаб, ўрдага кетди. Ўғуз душман ўрдани босди. Кул тигин Ўгсизнинг оқ отини миниб тўққиз жангчини ўлдирди. Ўрдани бермади. Онам хотун, кейинги оналарим, опаларим, келинларим, хонзодаларим, тиригингиз чўри бўлар эди, ўлингиз чўлу биёбонда, йўлда ётиб қолар эдингиз!

Кул тигин бўлмаса, бутунлай бўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, вужудим алам чекди. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди (эҳ-ҳушимдан ажралдим), жоним азобда қолди. Дунёни тангри ясайди, инсон болалари ҳаммаси ўладиган қилиб яратилган.

Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келганда, кўнгилга йиғи келганда, қайта ғам чекдим, қайта қайғурдим. Икки шад, кейинги ини-жияним, ўғилларим, бекларимнинг кўзи, қоши ёмон бўлади деб қайғурдим. Азачи, йиғичилар Қитанй, татаби халқини бошлаб Улар сангун келди. Табғач хоқонидан Исйи Ликанг келди, бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча келтирди. Тибет хоқонининг аёнларидан бири келди. Ғарбдаги — кунботардаги Суғд, Барчакар, Буқарақ улус ва халқидан Нанг сангун, Уғул тархон келди.

Уш ўқ ўғлимдан, тургаш хоқонидан Мақарач тамғачи, Уғуз билга тамғачи келди. Қирғиз хоқонидан Гардуш Инанчу чур келди. Бино ясовчи, нақш солинган битигтош ясовчи табғач хоқонининг жияни Чанг сангун келди.

Кул тигин қўй йилида, ўн еттинчи куни вафот этди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттинчисида бутунлай тугатдик. Кул тигиннинг қабр тошидаги бунча нақшни Туйғун Элтабар келтирди.

Шунча битиг битилувчи Кул тигиннинг жияни Йўллуғ тигиндир. Йигирма кун ўтириб бу тошга, бу деворга ҳаммасини мен Йўллуғ тигин битидим. Паноҳталаб ўғлонингизга, таянувчингизга қийинчиликда тарбият қилар эдингиз. Вафот этдингиз. Тангри яшатувчидир.

## БИЛГА ХОҚОН БИТИГИ

Мазкур битигтош Элтариш хоқоннинг катта ўғли — Кул тигиннинг оғаси Билга хоқон шарафига 735 йилда ўрнатилган. Билга хоқонни 734 йилда — эллик ёшида ўз яқинларидан бири заҳарлаб ўлдиради. Бу битиг ҳам Йўллуғ тигин томонидан ёзилган. Вақт ўтиши билан битигтош ағдарилиб, уч бўлакка ажралган, ёзув ҳам анча зарарланган.

Битигда Билга хоқоннинг давлатни адолатли бошқарганлиги, кўпгина халқларни бирлаштиргани, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтирганини Йўллуғ тигин маҳорат билан тасвирлайди. Халқ хоқонидан, ватанидан айрилмаса, эзгулик кўриши, бахтли, беташвиш бўлиши жуда ифодали қилиб баён этилади. Кўзига фақат молмулк кўринадиган давлат бошлиқлари гумроҳдир, деб таъкидланади мазкур битигда. Билга хоқон давлатнинг қудрати ҳақида сўзлайди. Бу даврда йўл қўйилган ха-

толарни келажак авлод тағрорламаслигини маслаҳат беради.

Орадан бир неча асрлар ўтган бўлса-да, Билга хоқон ва Кул тигин битигидаги айтилган панд-ўғитлар — ватанини ҳимоя қилиш, иттифоқ бўлиб яшаш, урушларга чек қўйиш бугунги кунда ҳам ўз овози билан жаранглайди.

## БИЛГА ХОҚОН БИТИГИ

Фалакдай тангри яратган Турк Билга хоқон сўзим: отам турк доно хоқони тахтга ўтирганда тўққиз ўғуз қаҳрамонлари, унинг машҳур беклари ва унинг халқи хурмат кўрсатдилар.

Ун етти ёшимда Тангут тарафга лашкар тортдим. Тангут халқини енгдим, ўғлини, бор нарсасини, йилқисини, мол-мулкини олдим. Ун саккиз ёшимда Олти чуб суғдақ томонга қўшин тортдим, халқини ўшанда тор-мор қилдим. Табғач ўнг тутуқдан беш туман қўшин келди. Идар бошда жанг қилдим, у қўшинини ўша ерда йўқ қилдим.

Басмил, идиқут қариндош халқим эди, карвон юбормайди деб қўшин тортдим, таслим қилдим.

Йигирма икки ёшимда Табғач томонга лашкар тортдим. Чача сангуннинг саккиз туманлик қўшини билан урушдим. Қўшинини ўлдирдим. Йигирма олти ёшимда Чик халқи Қирғиз билан душман бўлди. Кам дарёсини кечиб ўтиб, Қирғиз томонга лашкар тортдим. Ўрпанда жанг қилдим. Қўшинини тор-мор қилдим, аз халқини таслим этдим. Йигирма етти ёшимда яна Қирғиз томонга лашкар тортдим. Найза ботими қорни ёриб, Кўгман (Саян) йишга кўтарилиб, Қирғиз халқини уйқуда босдим. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдим. Хоқонини ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. Уша йили Тургаш тарафга Олтин йишни ошиб ўтиб, Иртиш дарёсини кечиб ўтиб, юриш қилдим. Тургаш халқини уйқуда босдим. Тургаш хоқонининг қўшини ўтдай, бўрондай келди.

Бўлчуда жанг қилдик. Хоқонини, йабғусини, шадини ўшанда ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. Уттиз ёшимда Бешбалиқ тарафга қўшин тортдим. Олти марта жанг қилдим, кўп қўшинни ўлдирдим. Бешбалиқдаги не-не кишилар... менга тушунмоқ мақсадида келди. Бешбалиқ шунинг учун омон қолди.

Уттиз бир ёшимда Қарлуқ халқи ниҳоятда узоқлашиб кетиб, душман бўлди. Тамғидуқ башда жанг қилдим. Қарлуқ халқини ўлдирдим, ўша ерда қўлга олдим.

Тўққиз ўғуз менинг халқим эди. Фалак, ер фитнага тўлгани учун, тахтининг куни битгани учун душман бўлди, бир йилда тўрт марта жанг қилдим, энг аввал Тўғу балиқда жанг қилдим. Тўғла дарёсини сузиб ўтиб, кечиб лашкари... иккинчи марта Антарғуда жанг қилдим, лашкарларини енгдим, давлатини олдим. Учинчи марта Чуш бошида жанг қилдим. Турк халқи чарчади, ёмон бўладиган эди, Тўққиз ўғузнинг бизникини пароканда қилиб келадиган лашкарини қайтардим. Қўп ўладигани ўшанда тирик қолди. Ушанда Тўнгрининг жангчиси, паҳлавони, бир қабиласини Тўнга тигин азасида қуршаб олиб урдим. Тўртинчи марта Азганги қадазда жанг қилдим. Лашкарини ўша ерда тор-мор қилдим, тинкасини қуритдим. Қирқ ёшимда Мағи қўрғонда қишлаганимизда ют бўлди. Баҳорда ўғуз томонга лашкар тортдим. Қўшиннинг олди йўлга чиққан эди, иккинчи қўшин уйда эди, уч ўғуз лашкари босиб келди. Яёв ночор бўлди деб олгани келди. Бир ён лашкар уйни, ҳовлиларни бўшатгани кетди, бир ён лашкар жанг қилгани келди. Биз оз эдик, ночор эдик. Ўғуз... куч бергани учун ўшанда жанг қилдим, пароканда қилдим. Тангри ёрлақгани учун, мен муваффақиятга эришганим учун, Турк халқи ғалаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, Турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди...

Ўғуз халқи душман бўлди, уни қўлдан чиқариб юборай деб, лашкар тортдим, уйини, зиёратгоҳини буздим. Ўғуз халқи Тўққиз татар билан йиғилиб келди. Ағуда иккита катта жанг қилдим. Лашкарини тор-мор қилдим, давлатини шунда олдим. Шунча муваффақиятга эришиб, тангри ёрлақгани учун ўзим ўттиз уч ёшда хоқон бўлдим... (?)

Юқорида тангри, муқаддас ер-сув, отам хоқон руҳи рози бўлмади. Тўққиз ўғуз халқи ерини, сувини ташлаб Табғачга кетди... Жанубда Табғачда оти, донги йўқ бўлди. Бу ерда менга юқори мартаба насиб бўлди. Мен ўзим хоқон бўлиб ўрнашганим учун Турк халқини пароканда қилмадим. Давлатни, ҳукуматни яхшилаб эгалладим.

Ўттиз тўрт ёшимда Ўғуз қочиб Табғачга қўшилди. Хафа бўлиб, лашкар тортдим, боласини, бекасини ўшанда олдим...

Татаби халқи Табғач хоқонига қарам бўлди. Элчиси, яхши сўзи, арз-доди келмаётир деб ёзда лашкар тортдим. Халқини мағлуб қилдим...

Табғачнинг отлиқ лашкарини, ўн етти минглик лаш-

карини биринчи кун и ўлдирдим. Яёв лашкарини иккинчи кун бутунлай йўқотдим.

Қуғ Сангун бошчилигида тўрт туман лашкар келди. Тункар тоғда ҳужум қилиб зарба бердим. Уч туман лашкарни ўлдирдим... Бош болам касал бўлиб, нобуд бўлишига Қуғ Сангунни балбал қилиб тикиб қўйдим. Мен ўн тўққиз йил шад бўлиб турдим, ўн тўққиз йил хоқон бўлиб турдим, давлатни тутиб турдим.

Шунча муваффақият қозониб, отам хоқон ит йили учинчи ойда йигирма олти ёшида (?) вафот этди.

Тўнғич йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида дафни маросими ўтказдим. Менга Лисун Тай сангун бошчилигида беш юз одам келди. Олтин, кумушни ҳисобсиз келтирди. Маросим шамларни (тутатқиларини) келтириб ўрнатиб берди. Сандак ёғочи келтириб... шунча халқ сочини, қулоғини, яноғини кесди. Яхши боқимдаги шахсий отларини; қора кишиларни, олмахонларни ҳисобсиз келтириб, барини қўйиб кетди...

Узим хоқон бўлиб турганимда тўрт жиҳатдаги халқни тузатдим, тикладим. Мен Тургаш хоқонга қизимни улуғ маросим билан олиб бордим. Қизини улуғ маросим билан ўғлимга олиб бердим.

Мен яшадим, турк беклари, турк халқим.

Бу хоқонингдан, бу бекларингдан, ерингдан, сувингдан айрилмасанг, турк халқи, ўзинг эзгулик кўражаксан, беташвиш бўлажаксан... Табғач хоқондан наққош келтирдим. Менинг сўзимни бузмади. Табғач хоқони саройидаги наққошини юборди, унга тошни, иморатни ясаттирдим. Ичини, тошини алоҳида нақшлатдим. Ун ўқ ўғлига, тотига қадар буни кўриб билинг; мангу тош ўйдириб ёздим.

Билга хоқон битигини Йўллуғ тигин ёздим. Бундай иморатни, нақшни... хоқоннинг жияни Йўллуғ тигин, бир ою тўрт кун ўтириб ёздим, нақшладим.

## УНГИН БИТИГИ

Унгин битиги Элтариш хоқоннинг яқинларидан бири Элетмиш ябғу ва унинг ўғли Чур йўға шарафига қўйилган деб тахмин қилинади. Битигтош Унгин дарёси (Мўғулистон) бўйидан топилган.

Бу битигтошда ҳам турк халқи чеккан азоб-уқубатлар баён этилади. Элтариш хоқоннинг турк халқини оёққа турғизиб, қайта тиклаши ҳикоя қилинади.

## УНГИН БИТИГИ

Ота-бобомиз Йами хоқон тўрт жиҳатдаги халқни ушлаб турган, бирлаштирган, тебратиб, тинчитиб турган. У хон йўқ бўлганидан кейин йўқолган, қўлдан чиққан, тарқаб кетган.

Хоқонлик қилган хоқонини қўлдан берган, ўз ҳолига қолган турк халқи шарққа — кунчиқарга, ғарбга — кунботарга, жанубга — Табғачгача, шимолга — йишгача тарқаб кетган.

Қаҳрамон йнгитлар балбал тикди. Турк халқининг номи ҳам йўқ бўлиб кетган эди. Аммо турк халқи йўқолмасин деб, қурбон бўлмасин деб тепадаги осмон айтган экан...

Қапаган ва Элтариш хоқон давлатида вояга етдим. Элетмиш ябғу ўғли, Ишбара Тамған чур Ябғу иниси билга Ишбара Тамған тархон аймоғидан Алп Элетмиш оти...

Сўнгра Табғачдан шимолда?.. Фалончи ёки фалон қабила, ўғуз орасида етти эр душман бўлган. Отам ўшанда тангрикан деб у ерда юрган, хизматини ва меҳнатини қилган.

Тангриканга хизмат қилдинг деб ёрлиқаган. Шад унвонини ўшанда берган. Шундай бўлганда Тўққиз ўғуз халқи?.. душман экан. Зўр экан. Тангрикан юриш қилибди.

Жуда ёмон, ярамасмиз. Гарчи озни, кўпни кўрсак ҳам, улар баланд келди. Хужум қилайлик дебди. Мен урушдим. Энди беклар ҳам дср эмишки, биз озмиз деб кўрқибдилар.

Отам шад шундай ўтинганки, тангрикани асир олмасин деб... халқ шунда бермасликка қаттиқ ҳаракат қилган.

Ҳамма шаҳарга етиб бордим, торож қилдим, забт этдим. Лашкари келди, оддий аскарларини таслим этдим, беги қочди... Табғач халқига зарба бердим, бўйсундурдим, тинчитиб тебратдим... мағлуб қилиб.

Келаётган эдик, икки орада?.. душман бўлди. Алоқадорман деб ўйладим. Олий зот Билга хоқонга ҳам меҳнатини ва кучни беражагим бор экан, забт этиш учун лашкари тортдим, бўйсундирдим. Уйга келганимда, уруш қилиб, забт этиб, инимга, ўғлимга шундай насиҳат қилдим: отам бориб Элтариш хоқонга, ундан айрилмагин, айнамаган Тангри Билга хоқондан айрилмайлик, деб шундай насиҳат қилдим. Қайтиб борадигани борди Билга хоқон-

нинг халқи кўпайиб борди, шарафли ном учун меҳнатни қилди.

Устимизда — тангри. Қўй йилида, еттинчи ойда қудратли қаҳрамон хоқонимиздан жудо бўлиб қолдингиз. Аллома отагинам, жанозанг, оқ-қизил йиртишингга эришдим. Сув, ер, фалак, олов... кириб эди...

Отагинамга битигтошни тарошлатдим, абадийлаштирувчи тошни ўрнатдим.

## МОЮН ЧУР БИТИГИ

*Буни фин олими Г. И. Рамстедт 1909 йилда Шимолий Мўғулистоннинг Селенга дарёси бўйидан топган. Битигтош 759 йилда Моюн чур шарафига қўйилган деб тахмин қилинади.*

Моюн чур — Уйғур хоқони, лекин урхун ёзувида тош битилган. Битигтошда Моюн чурнинг туркийлар ҳокимиятини тугатишдаги воқеалар баён қилинади.

## МОЮН ЧУР БИТИГИ

Тангридан бўлган, давлатни барпо қилган Билга хоқон Тулис, тардуш халқини ушлаб турди. Утукан атрофидаги халқ бу икки тоғ оралиғида эди. Суви Селенга дарёси эди. У ерда давлат гуллаб-яшнаган. Қўшини, у ерда қолган халқи, ўн уйғур ва тўққиз ўғуз халқини юз йил бошқарган. Турк қипчоқлар бизнинг устимиздан эллик йил ҳукмронлик қилди. Мен йигирма олти ёшда эдим. Йигирма олти ёшимда отамга шад унвонини берди. У ерда Бўйла баға тархан менинг отам эди. У туркларни бўйсундириб қайтди. Тўққиз ўғуз халқимни бирлаштирдим. Отам Қул билга хоқон ўз қўшини билан кетди. Мени эса мингбоши қилиб жўнатди. Мен Қайрадан ўнга бурилишим керак эди. Туркларни бўйсундириб, яна олдинга юрдим. Қайра дарёси бошида уч Биркуда хоқоннинг қўшини билан тўқнашдим. У ерда уларни қувдим. Қора қум (ҳозирги Гоби)ни ошиб ўтдик. Кўгурда, Кўмир тоғида Яр дарёси бўйида уч байроқли турк халқига Ўзмиш тигин хон бўлган экан. Қўй йилида унга юриш қилдим. Туркларга қарши иккинчи жанг биринчи ойнинг олтинчи куни бўлиб ўтди. Жангда Ўзмиш тигинни асир қилдим, хотинини ҳам у ерда асирга олдим. Турк халқи-

нинг давлати у ерда тугади. Ундан сўнг келгуси йилда яна ҳужум қилдим.

Уч қарлуқ халқи ёмон ўйга бориб қочиб кетди ва ғарбда ўн ўқ халқи билан бирлашди. Тўнғиз йилида уларни тор-мор қилдим.

Улар Тай билга тутуққа йабғу унвонини берганлар. Шундан кейин отам хоқон вафот этди. Қора халқ менинг ҳокимиятимга ўтди. Аммо баъзилари Тай билга тутуқ томонидан туриб уни хоқон деб эълон қилдилар. Мен қўшинни тўпладим ва уларга қарши жангга отландим. Улар устидан ғалаба қилдим ва босиб олдим. Букагуга етиб бориб кечаси — қуёш ботганда, жангга кирдим. Уша ернинг ўзида тор-мор қилдим. Ёруғ бўлганда қочадилар, қоронғи тушиши билан яна йиғнадилар. Букагуда бирор-та ҳам саккиз ўғуз, тўққиз татар қолмади. Иккинчи числада кун чиққанда жангга киришдим. Қулларим, чўриларим, халқимни осмон ва ер қўллади. Уларни ўша ерда санчдим. Айбдор, номдор йўлбошчиларни тангри менинг қўлимга берди. Қора, оддий халқни йўқ қилмадим, уйини, биоларини, йилқисини тортиб олмадим. Номдор бошлиқларини жазоладим ва илгаригидай яшайверсин, дедим. Сиз менинг халқимсиз, дедим. Менинг орқамдан юринг дедим. Уларни қўйиб ўзим кетдим, улар келмади. Мен яна уларни таъқиб қилдим. Бурғу деган жойда етиб олдим. Тўртинчи ойнинг тўққизинчи кунда жанг қилдим, санчдим. Йилқисини, молларини, қиз ва хотинларини олиб келдим. Бешинчи ойда улар менинг орқамдан келди, саккиз ўғуз, тўққиз татар ҳам битта қолмай келди. Селенгадан ғарб томонга, Йилун кўлдан жанубга, Шип бошигача қўшин тортдим.

Қаргун, Сакишин, Шип бошидан душман бизга юриб келдилар, Селенгага қадар қўшин тортди. Бешинчи ойнинг йигирма тўққизинчисида жанг қилдим. Уша ернинг ўзида санчдим. Селенга дарёсигача сиқиб бориб, улар устидан ғалаба қилдим. Уларнинг кўпчилиги Селенга дарёсини тарк этиб, менинг орқамдан борди. Мен Селенгани кечиб ўтиб, уларнинг орқасидан кузатиб бордим. Жангда ўн йигитни асир олиб уларга қуйидаги топшириқни юклаб жўнатдим.

Тай билга тутуқ ёмон бўлгани учун, бир-икки номдор кишилари ёмон бўлгани учун, қора халқим, ўлдинг, ётиб қолдинг, яна менинг давлатимга қўшил, ўлмайсан, ётиб қолмайсан, дедим. Бор меҳнатингни, кучингни бергин менга, дедим, икки ой кутдим, келмади. Саккизинчи ойнинг биринчи кунни қўшин тортайин, дедим. Байроқ йўл-



га чиққанда, отлиқ одамлар келдилар: душман келаётир,— дедилар. Душманнинг қўмондони келди. Саккизинчи ойнинг иккинчи куни Аччиқ Алтир қўлида Қасуйни кечиб ўтиб улар билан тўқнашдим. Ўша ернинг ўзида тор-мор қилдим ва уларни таъқиб қилиб бордим. Ўша ойнинг ўн бешинчисида Қайра боши ва уч Бирку дарёси бўйида татарлар билан тўқнашдим. Ярим халқ бизга қўшилди, ярим халқ эса қитанларга ўтиб кетди. Мен уйга қайтиб келиб, Ўтуқанда қишни ўтказдим. Душмандан хавф-хатарсиз эдим, икки ўғлимга Иабғу, Шад унводини бердим, тардуш, тулис халқининг бошчилигини бердим. Шундан кейин барс йилида чик халқи томонга юриш қилдим. Иккинчи ойнинг ўн тўртинчисида Кам дарёси бўйида чиклар билан жанг қилдим. Шу йили чикларни бўйсундирдим.

Сип бошида оқиш ўрда қуришга буйруқ бердим. Қалъа деворларини қурдирдим. Ёзни ўша ерда ўтказдим, маросим ўтказдим. Ёзувимни шу ерда яратдим. Шундай қилиб, ўша йилнинг кузида шарққа юрдим, татарлардан жавоб кутдим, қуён йилининг бешинчи ойида уларга ҳужум қилдим...

Ўтуқан йишнинг боши у ерда, лашкарингизнинг боши ҳам у ерда. Идуқ башнинг орқасида — мен Иабаш тукуш дарёсининг қуйилишида ёзни ўтказдим. Саройни ўша ерга қуришга буйруқ бердим, деворини ҳам барпо қилдирдим, минг йиллик, туман кунлик ёзувимни, биномни ўша ерда ясаб, тошга ўйиб ёздирдим. Тўқуз ўғуз беклари келди, айтдиларки, қабила бошлиғи бизларга душман экан. Ақлли бекларини ва Қора Булукни ўша ерга ўтқазибди, қирғизларга одам жўнатибди. «Сиз қўзғолон кўтаринг, чикларни ҳам қўзғолон кўтартиринг,— дебди.— Мен ҳам қўзғолон қилайин,— дебди. Қаранг, мустақил бўлиб қолинг. Ўрмонда сиз билан қўшиламыз»,— деди у.

Тўқуз ўғуз тарафга қўшин тортдим. Тутуқ бош раҳбарлигида чик тарафга мингта қисмини жўнатдим, унинг иттифоқчилари тарафга озгина одам жўнатдим. Хушёр бўлинг, қирғиз хоқони Кўгман ичида, дедим.

Ғам ўз уйида, дейдилар. У ўзининг отлиқларини иттифоқчилари томонга жўнатди, унинг иттифоқчиларига эса менинг одамларим ҳужум қилдилар, тил тутдилар. Уларнинг иттифоқчиларига одамлар келди. Қарлуқлар эса иттифоқчиларига келмадилар, асирлар шундай деб айтдилар. Мен Кам дарёсини кечиб ўтиб олдинга юрдим. Ўн биринчи ойнинг ўн саккизинчисида уларни Бўл-

чу дарёси бўйида учратдим. Уч қорлуқларни ўша ерда тор-мор қилдим. Кейин орқага бурилдим ва ўша жойнинг ўзида қолдим. Чикларни эса менинг мингта отрядим қувиб етди. Уша жойда ёзни ўтказиб, маросим ўтказдим. Чик халқига тутуқ бердим (яъни бошлиқ тайинладим). Ишбар ва тархонларни ҳам ўша пайтда тайинладим. Кейин басмил одамлари келди. Қазлук кўлида уларни кўрди, душманлар оз деб улар ўн бешинчи числода Тайған кўли бўйида қўшинни тўпладим, у ердан отрядни уларни қайтариш учун жўнатдим. Одамларим Қора йўталиқ дарёсини кечиб ўтиб келдилар. Мен уларни кутиб олишга чиқдим. Бу пайтда басмиллар лашкарбоши си қарлуқларга душман бўлиб қолди.

Менга душман бўлиб қолган басмиллар менинг уйимга келди. Мен уларни ўзимга қўшмадим.

Ташқи душманлардан уч қарлуқ, уч идуқ татар, тургашларга қарши Ўтукан ўрмонларида ҳужум қилдим. Бешинчи ойнинг йигирма олтинчисида улар билан урушдим. Мен ғалаба қилдим. Сўнгра тургашлар ва қарлуқларни тор-мор қилиб, уларнинг мол-мулкини, уйини талаб уйимга олиб келдим...

Қарлуқларнинг тирик қолгани ҳаммаси тургаш хоқонига келди... Хитой хоқонининг қизини ва саккиз ўғлини асирга олдим. Кейин хоқон келди, менга ҳурмат кўрсатиб, икки қизини берди. «Сенинг сўзингга учмайин, яна янглишмайин»,— деди ва қайтиб кетди. Шундан кейин суғд ва табғачларга Селенга дарёси бўйида Бай балиқ шаҳрини қуришга буйруқ бердим.

# ЕНИСЕЙ БИТИГЛАРИ



*Енисей битиглари Урхун битигларидан илгари фанга маълум бўлган эди. Бу ёдгорликлар Енисей дарёси бўйларидан топилгани учун Енисей битиглари деб ном олган.*

Бу битиглар ҳам худди Урхун битиглари каби имтиёзли табақага мансуб кишиларнинг қабртошларига ўрнатилган. Битигтошда ўша шахснинг ҳаётига оид энг муҳим маълумотлар — унинг жангларда қандай қаҳрамонлик кўрсатганлиги, қайси душманларга қарши курашганлиги бадий лавҳаларда баён этилади.

Вафот этган шахснинг ўз яқинларига — қариндош-уруғларига, ўғилларига қилган мурожаатида эса ватани душмандан ҳимоя қилиш кераклиги алоҳида уқтирилади. Ўз ватанидан, яқинларидан айрилган одамнинг изтироб билан айтган гаплари китобхошни тўлқинлантирмасдан қолмайди.

Енисей битиглари ҳозирги Тува АССР ва Хакасия АССР территориясидан топилган. Бу битиглар турли шаклдаги — юмалоқ, тўғри бурчакли гранит тошларга битилган. Айримлари қояларга, металлларга, олтин ва кумуш идишларга ёзилган.

Хакасиядан топилган дастлабки Енисей битиглари Д. Г. Мессершмидт номи билан боғлиқ. У 1720-1727 йилларда Сибирга келганда бир неча битигтошларни топган эди. Енисей битиглари 1877 йилдан бери Минусинск,

Қизил, Абакан, Красноярск музейларида сақланади. Ҳозиргача ҳаммаси бўлиб 250 га яқин битигтошлар топилган.

## ЕНИСЕЙ БИТИГЛАРИ

### ЭЛЕТМИШ БИЛГА ХОҚОН ЕДНОМАСИ

Тангридан бўлган, эл этган Билга хоқон, эл Билга хотун хоқон деб ном олиб ва хотун деган ном билан аталдилар. Утуканнинг чеккасида, Тез дарёсининг юқори оқишида ўз қароргоҳини ўрнатди. Йўлбарс йилида ва илон йилида бу ерда ёзни ўтказдим. Аждар йилида Утуканнинг ўртасида Сунгуз башқан муқаддас тепалигининг фарбида ёзни ўтказдим. Қароргоҳни шу ерда ўрнатдим, тошни ҳам шу ерда тўқитдим. Минг йиллик, туман кунлик ёзувимни ва белгимни бу ерда ёзиб, тошга ўйдирдим, қалин тошга ёздирдим. Юқорида кўк осмон ёрлақагани учун, остда қўнғир ер тарбиялагани учун элимни ва давлатимни вужудга келтирдим. Шарқда — кунчиқардаги халқ, ғарбда — ой ботардаги халқ, тўрт тарафдаги халқ менга куч берар, душманим эса ўзи эгаллаган жойни қўлдан берди. Саккиз дарё оралиғида менинг ерим ва йилқим бор. Саккиз дарё — Селенга, Урхун, Тўла мени хурсанд қилади. Қарға ва Бурға дарёси бўйларида, икки дарё оралиғида мен ўзим ўрнашяпман.

### УЮҚ ТАРЛАҚ ЕДНОМАСИ

Сиз — элимдан, маликаларимдан, ўғлонларимдан,  
халқимдан,

Сизлардан олтмиш ёшимда айрилдим.

Отим Эл Туған тутуқ. Мен тангри давлатимнинг элчиси эдим, олти боғ халқига бек эдим.

### УЮҚ ТУРАН ЕДНОМАСИ

Уйдаги хотинларим, сиздан, ўғлим, айрилиб, сизларнинг ҳаммангизни йўқотиб, айрилдим. Қариндош-уруғларимни йўқотиб, улардан айрилдим. Олтинлик эликта камаримни белимга боғладим.

Тангрили давлатимдан қоникмадим.  
Сизларни йўқотдим.  
Мен Учун Кулуг Тиригман.  
Тангрили давлатимдан четдаман.  
Олтмиш уч ёшимда сизлардан айрилдим.  
Менга қарайдиган Агук Қатун еримдан айрилдим.  
Тангрили давлатимдан, ўғилларимдан, қизларимдан,  
олти минг йилқимдан айрилдим.  
Хоқонимнинг тулпори, қора халқи, машҳур  
қаҳрамонларим,  
сизлардан, йигитларимдан, ўғлонларим, куёвларим,  
қудаларим,  
қиз — келинларим, айрилдим.

### ЭЛЕГЕШДАН ТОПИЛГАН ЁДНОМА

Уйдаги хотинларим, маликаларим,  
Сизларни йўқотиб,  
Ўзимнинг ўғилларим,  
Сизлардан жудо бўлдим.  
Мен юзта қаҳрамон жангчининг кучига эга  
бўлганим учун,  
Душманнинг юзта жангчиси билан дарё бўйида  
урушганим учун,  
Сизлардан айрилдим.  
Кўк осмондаги қуёш ва ойни ёрита олмадим,  
Ватанимни йўқотиб, сизлардан айрилдим.  
Хоқонимни, давлатимни, сизларни йўқотиб,  
Сизларга эгалик қила олмадим...  
Хоқонимни, давлатимни йўқотиб,  
Сизлардан айрилдим.  
Давлатнинг чиройли қизил байроғини  
Мен белимдаги олтин камаримга боғладим.  
Машҳур Тук Буғу байроғи остида,  
Унинг ихтиёри билан, отаси бекнинг шон-шавкати учун,  
Мен жангчи бўлдим.  
Қора халқим, маҳкам бўлинг,  
Давлати, қонун-қоидаларини қўлдан берманг,  
Йўқотманг сиз давлатимни, хоқонимни.  
Давлатим ҳаётида, жанглар пайтида,  
Йигитларимдан қаҳрамонлар топилмади.  
Жангда ҳаммаси бўлиб биз саккиз киши эдик.  
Жанубга қўшин тортиб, ўлиб-йитиб,  
Йўлбарс йилида қаҳрамонлик кўрсатдим.  
Тўрт оёқли йилқим, саккиз оёқли молим бор эди,

Ҳеч ғам-ташвишим йўқ эди.  
Ғам, ташвиш менга тез келди,  
Кучдан қолдим.  
Ғам чекканимда сизлар билан учрашгим келади.  
Қариндош-уруғларимдан, кўзу қошларимдан (яъни энг  
яқинларимдан),  
Учар отларимдан айрилиб,  
Қора халқимни йўқотдим, йўқолиб кетдим мен.

## БЕГРА ЕДНОМАСИ

Мен Тур—апаман,  
Сарой хизматчисиман,  
Ун беш ёшимда хитойлар тарбиясига олди.  
Маликаларим, хонзодаларимдан ғам билан айрилдим,  
Кун ва Ойни ёрита олмадим-а.  
Уч ўғлонимдан айрилдим,  
Йўқотиб, уларга эгалик қила олмадим-а.  
Бардам бўл!  
Саккиз оёқли молим бор,  
Мен отимда саёҳат қилдим,  
Кейин уларни йўқотиб эга бўлолмадим.  
Мен азобдаман,  
Еримни йўқотиб, сувимдан айрилдим,  
Ғамдан сизни йўқотиб,  
Халқимга, қуёшимга, авлодимга эгалик қилолмадим,  
Улардан айрилиб қолдим.  
Давлатимга, хоқонимга боқмадим. .  
Ёшим олтмиш етти.  
Мангу тош ўрнатдим.  
Мен ҳамма учун йўқман.  
Сонсиз дўстларимдан, сизлардан,  
Қалби кенг дўстларимдан айрилдим.  
Ун беш ёшимда Табғач хоқонига бордим,  
Йигитлик шарафим учун бордим,  
Олтин, кумушни, қимматбаҳо матоларни  
Хитой элининг одамларига олиб бордим-а.  
Етти бўрини ўлдирдим,  
Йўлбарс ва кийикларни ўлдирмадим.

## ЧАКУЛ ЕДНОМАСИ

Авлодларим, сизлардан айрилдим.  
Оҳ, уйдаги хонзодаларимдан айрилдим.

Саккиз ўғлимдан айрилдим-эй.  
Хоқоним, элим хизматида бўлдим,  
Доно ҳукмдоримга хизмат қилдим,  
Дўстларимга хизмат қилдим.  
Бу мен учун шарафдир.  
Хоқоним учун, Билга Чиқшан хоқонига хизмат қилдим,  
Эй халқим,  
Йигитлик шарафим учун давлатимга хизмат қилдим.  
Таңрига хизмат қилдим.  
Энди ажойиб дўстларимдан айрилдим.  
Бу мангу тошимдир.  
Мен аламли Чиксинман.

## ОЗНАЧЕННАЯ ҚИШЛОҒИДАН ТОПИЛГАН ЕЗУВ

Маликалар, дўстларимдан айрилдим.  
Алам чекиб душман орасига кирдим.  
Куч Кул тутуқ, сиздан айрилдим.  
Давлатим, хоқоним, сиздан айрилдим.  
Мен ўттиз беш ёшимда қаҳрамон бўлдим.  
Ал Инанчу давлатини — бил уни,  
Хоқонингиз йўқларди,  
Дўстларингиз, баҳодирлар, овозингиз қасамёд қилар.  
Душманам кўп эди, сизлардан айрилдим.

## АЧУР ҚИШЛОҒИДАГИ ЕДНОМА

Эл оғаси Инанчу билга марҳумлар аро,  
Ўғли оти Куч, ўғлон туғилди.  
Сизни отингиз Ури бек.  
Элингиз учун қозониб, ўз аёлингизни йўқотиб,  
Сиз айрилдингиз.  
Шавкатли ўн етти ёшида шуҳрати ўлди.  
Ердаги тамғали йилқи сонсиз эди.  
Пули кўп эди қора сочидек.  
Душманга етган қўшини етти  
Минг ўғлон эди.  
Юз эрининг юзи, бекларнинг назари, беклик қоши,  
Олтмиш эр дўстларингиз, эллик эр яхши дўстларингиз,  
Ўзингизнинг оға-инингиз, саккиз мис кўзгунгиз,  
Ўнта қора кўзгунгиз,  
Ўкинмадингиз, кўрмадингиз, бутламадингиз.  
Сизнинг қаҳрамонона исмингиз Ури, элингиз Уз.

## ОЛТИНҚУЛ БИРИНЧИ ЕДНОМАСИ

Ердаги бор нарсаларимга, шуҳратимга боқмадим,  
Отувчи алп эдингиз, катта бой эдингиз,  
Инили бўри учолмай, барс ажралолмай қолди.  
Бу отимиз — Умай бекдир,  
Биз меросхўр эрлармиз, ўзингни қийнамадинг.  
Ўзингнинг отинг, ўзингнинг уч йигитингни олмадинг.  
Ажралма одатларимдан, истакларимдан, халқимдан,  
шон-шуҳратимдан

Йигитлик шарафим учун, ака-укаларим қудрати учун,  
Мангу тошни тикиб борди.

Биз тўрт ука эдик,

Бизни ўлим ажратди, йўқотди.

Олтин ўрдак, ёш кийикни йўқот, йиғлат, қичқиртир.

Қудратидан барсим йўқолиб борди.

Ўн ой элтди онама-а,

Туғди элимга шуҳрат учун.

Мен яшадим.

Элим ўкинчига, қалин ёвига

Қаршилашиб, ҳалок бўлдим, йўқолдим.

Инингиз ўлиб, қатъиятсизликда

Ҳаётингизни барбод қилдингиз.

## ОЛТИНҚУЛДАГИ ИККИНЧИ ЕДНОМА

Жасоратли халқни, кучли халқни ушлаб турибман.

Жанговар отим Эран Улуғ.

Жасоратли қаҳрамонман.

Қаҳрамон йигитларим, шарафли давлатим бор учун

Халқ ҳаяжонда юрмади.

Маликаларимдан, дўстларимдан, хотинларимдан  
айрилиб бордим.

Мен ўғлимга, халқимга қарай олмадим.

Ўттиз саккиз ёшимда вафот этдим.

Ўн ой элтди онам, ўғил бўлиб туғилдим,

Қаҳрамон бўлиб улғайдим.

Элимда тўрт марта саёҳат қилдим.

Шавкатим учун Инанчу алплари орасида курашдим.

Шону шавкат бўлса, шундай бўлар экан.

Асинман. Олтин тўплашга бордим.

Шараф учун Тибет хоқонига элчи жўнатдим.

Ундан совға келтирдим.



## УЙБАТ ЕДНОМАСИ

Қаҳрамонлик жасоратидан акамни йўқотиб,  
Халқ ғам чекди. Қули таклиф қилди  
Маросимни кучли учта акамга.  
Бек эрлардайдир Сабик босар акамиз.  
Жангда кўп халқнинг кучини билар эди.  
Юқорида тангри ёрлақади.  
Қора халқимга, уч ўғлимга эгалик қилолмадим.  
Мен Тархон Сангунман,  
Эл чур элида шуҳрат топдим.  
Эл қаҳрамонлигим учун йиғлади. Биз йиғламаймиз...  
Эга бўлолмадим элда қолган олти доно бек ўғлига.  
Турк хонининг балбали учун безакни эл аро  
тўққиз эр бирин-кетин эр ўғиллари  
Қўйиб, сайлаб олди у шавкатли бегимга.  
Тўққиз марта айланиб, отни тўхтатдим.  
Ўттиз эрни бошлаб бориб, пистирмага дуч келдим.  
Шунда уч акамдан айрилдим. Тачамдан айрилдим,  
тўққиз бек эрдан айрилдим. Байроқдор эдим, ишончли  
эдим.  
Олти ёшимда отамдан айрилдим, англаб етмадим.  
Уч акамдан айрилдим, онам, уч акамга мен шараф  
отасиман.  
Элимга, хоқонимга боқмадим.  
Ўғлонимга, оға-инимга бошчилик қила олмадим.

# ИРҚ БИТИГИ (ТАЪБИРНОМА)



Ирқ битиги ҳам Уркун-Енисей ёзувлари типида яратилган бўлиб, қўлёзмасини XIX асрнинг охирида А. Стейн Шарқий Туркистоннинг Дуньхуан деган жойидан топган.

Ирқ битиги эрамизнинг IX асри бошларида яратилган. Асар туш кўриш ва унинг таъбирини баён қилиш асосида ёзилган. Мазкур ёднома қадимги турк даврига оид қоғозга ёзилган яккаю ягона ёдгорликдир. Саҳифалари 13,6x8 сантиметр ҳажмидаги китоб бўлиб, юз бетдан ортиқ. Воқеалар содда, қисқа баён этилади, мазмун эса кенг қамровли.

Ирқ битиги Исиг Сангун ва Ите чуқ номли моний жамоасидаги икки бола учун ёзилган. Асар ахлоқий принципларни ташвиқ ва тарғиб этади, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги ғоянинг фарқланшин, яъни нима яхшию нима ёмон эканлигини ажратиш ва ушн кенг халқ оmmasига уқтириш асарнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Асарда туркий халқлар ҳаётининг барча томонлари — маданий-маиший турмушн, одамларнинг ўзаро ахлоқий муносабатлари аксини топган. Бундай ахлоқий принциплар кўпинча ҳайвонлар ва қушлар образи орқали гавдалантирилади. Чунки ўша қуш ва ҳайвонлар (илон, бўри, бургут, йўлбарс, от ва ҳоказо) туркийларда муқаддас саналган.

Ирқ битигида фольклор мотивларини ҳам, эртакка хос сюжетларни ҳам, космогоник ва календар мифни

ҳам, тотемистик мифни ҳам, лирик кайфиятни ҳам, табиатнинг жонли тасвирини ҳам кузатамиз. Ҳар бир эпизодда албатта яхшилик ғоялари тарғиб қилинади.

## ИРҚ БИТИГИ

(Таъбирнома)

«Мен Осмон ўғли кундуз ва кечқурун  
Олтин тахтада<sup>1</sup> ўлтириб  
Шодланяпман»,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

«Мен чавкар<sup>2</sup> отли тақдир<sup>3</sup> тангрисиман,  
Кундуз ва кечқурун  
(Отни) елдираман».  
У икки ой олдин  
Одам ўғлини<sup>4</sup> учратди.  
Одам қўрқди,  
«Қўрқма», деди у.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

(Мен) олтин қанотли  
Шижоатли<sup>5</sup> бургутман.  
Менинг баданимдаги патлар тугаб битмагунча,  
Денгизда бўлиб  
Ўзимга ёққан нарсаларни тутаман,  
Яхши кўрган нарсаларимни ейман,  
Мен шундай кучлиман!  
Билиб қўйинглар: бу — яхши.

«Мен мардонавор чипор лочинман,  
Сандал дарахти узра қуниб  
Шодланаман».  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Бек йигит ўз отларини<sup>6</sup> томон борибди,  
Унинг оқ бияси қулушлабди.

<sup>1</sup> айнан ўрида.

<sup>2</sup> яъни, ола.

<sup>3</sup> айн. йўл.

<sup>4</sup> яъни, инсон.

<sup>5</sup> айн. йиртқич.

<sup>6</sup> яъни, от уюри.

Олтин туёқли  
Қулун яроқли бўлади.

Бек ўз туялари<sup>7</sup> томон борибди,  
Унинг оқ ингани<sup>8</sup> бўталабди.  
Олтин бурундуқли  
Эркак туялар яроқли бўлади.

Бек (йигит) ўз уйи томон келибди,  
Учинчидан, хотин (и) ўғил туғибди.  
«Беглик» ишига яроқли бўлади», дейишди,  
Шодон бек жасур бўлади,  
Бу аниқ яхшиликдир.

Айиқ (билан) тўнғиз  
Довон устида тўқнашибди.  
Айиқнинг қорни ёрилибди,  
Тўнғизнинг озиқ (тиш) и синибди, дейишди.  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Йигит шошилиб қайтмоқда,  
У эзгу хабар олиб келмоқда, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

«Мен олтин бошли илонман,  
Олтин қорин-қурсоғимни  
Қилич билан чопиб<sup>9</sup>,  
Менинг танамни йўл четига,  
Бошимни уйим йўлига қўйишди», дейишади  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

«Катта уй ёнди,  
Унинг тубигача<sup>10</sup> ҳеч нарса қолмади,  
Деворларигача қолмади», дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

«Мен эснаётган йўлбарсман,  
Бошим қамиш орасида,  
Мен шундай ботирман<sup>11</sup>,

---

<sup>7</sup> яъни, туялар уюри.

<sup>8</sup> инган — ургочи туя.

<sup>9</sup> яъни, кесиб, қирқиб.

<sup>10</sup> яъни, пойдеворигача.

<sup>11</sup> яъни, қўрқмасман.

Шижоатлиман».  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

«Сариқ<sup>12</sup> отли хабарчи,  
Бўз отли элчи,  
Эзгу хабар келтиради», дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — аниқ яхши.

Йигит<sup>13</sup> овга борди,  
Тоғда йиқилди,  
«Эрк — худода», дейдилар,  
Билиб қўйинг: бу — даҳшат!

Ўлими муқаррар бўлган кампир уйда  
(ёлғиз) қолди,  
Ёғли чўмич қирғоғини  
Ялаб, тетикланди.  
Шундай қилиб ўлимдан сақланди, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Қузғунни дарахтга боғлабди,  
«Қаттиқ боғла,  
Яхшироқ боғла», дейишди,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

• Юқорида туман ёйилди,  
Паст тўзон тўзиди,  
Қуш боласи учди ва йўлдан озди,  
Кийик боласи югурди ва йўлдан озди,  
Одам боласи юравериб йўлдан озди<sup>14</sup>,  
Осмон<sup>15</sup> шафоати туфайли учинчи йилда яна  
Ҳамма омон-эсон ва тугал кўришди,  
Ҳамма суюнишади ва қувонишади, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Тўриқ от боқиладиган (емланадиган) ерини  
Эслаб югуриб борди,  
Рўпарасидаги жойда бир ўғри  
Дуч келиб, уни тутиб минди,  
Яғринигача яғирлашган,

---

<sup>12</sup> яъни, саман.

<sup>13</sup> айн. эркак.

<sup>14</sup> яъни, адашди.

<sup>15</sup> яъни, тангри.

Қуймичигача қўтирлашган,  
Юришга ҳолсизланиб туради, дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

«Чопқир (яъни ўзғир) от Шарқ томонда  
Хориб, ҳолсизланиб тўхтаб қолди.  
Осмон<sup>16</sup> кучи билан тоғ узра  
(У) булоқ сувларини кўриб,  
Адирларда сабза- майсаларни кўриб,  
Улар устидан юриб бориб,  
Сув ичиб, кўкат (лардан) еб,  
Ўлимдан асранди», дейишади.

Бу уйнинг<sup>17</sup> ичи қандай экан?  
Туйнуғи қандай экан?  
Деразаси (?)<sup>18</sup> қандай чиройли экан?!  
Томи<sup>19</sup> қандай яхши!  
Боғичлари қандай кўркам тортилган!», дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — мутлақо яхши.

Оқ от душманини  
Уч авлоддан ажратиб  
Тавба қилишга ва ўтинишга мажбур қилди,  
дейишади.

«Кўрқма, яхшироқ ўтин,  
Ваҳимага тушма,  
Яхшироқ ёлбор», дейишди,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Мен зотли туя эркаги,  
Оқ кўпигимни сочаман,  
Юқорида осмонга етади,  
Пастда ерга киради, дейишади,  
«Ухлоқларни уйғотиб,  
Ётганларни турғизиб юрарман,  
Мен мана шундай кучлиман».  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

«Қора попишак йил давомида оқармагунча,  
дедики,

---

<sup>16</sup> яъни, таңгри.

<sup>17</sup> яъни, чодир (қора ўтов)нинг.

<sup>18</sup> айн. ойнаси. Эҳтимол чодирнинг ёнига эмас, балки ичкарасига ўрнатилган кўзгу назарда тутилаётгандир.

<sup>19</sup> яъни, тепа томони.

Маслаҳат берманг, кузатманг, сиз қўрқиттингиз»,  
дейди.

Билиб қўйинг...

Узун тўнлик<sup>20</sup> кўзгусини  
Кўлга тушириб юборди.  
Эрталаб зорланиб йиғлади.  
Кечқурун (лари) ўкириб йиғлади, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — мунгли,  
Аниқ ёмондир.

Йигит какку (патини) қўлга киритди,  
Патли қалпоғини қутли булсин, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Сўқир тойча айғирлар орасида  
Шифо излади.  
Кун ўртасигача<sup>21</sup> бўзлади,  
Тун ўртасигача<sup>22</sup> қон йиғлади.  
У қандай қилсин, дейишди.  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Икки ҳўкизни  
Бир омочга қўшибди.  
Уларнинг юришга мажоли йўқ, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Тонг ота бошлади,  
Сўнг унинг изидан ер ёришди,  
Сўнг қуёш чиқди<sup>23</sup>,  
Ҳамма ер ёруғ бўлди, дейишди,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Бой кишининг қўйлари ҳуркиб кетибди,  
Улар бўрига дуч келибди.  
Бўри унинг сути билан оғизланибди  
(ёки бўрининг оғзи касалланибди —  
яъни оғрибди).  
Қўйлар саломат ва тугал қолибди, дейишди,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

<sup>20</sup> яъни, аёл.

<sup>21</sup>, <sup>22</sup> яъни, ярмигача.

<sup>23</sup> яъни, порлади.

Хоқон тахтга ўтириб,  
Қароргоҳини гузди.  
Унинг давлати мустаҳкам бўлди.  
Тўрт томондан  
Эзгу ва донгдорлари йиғилиб,  
Суюнишади ва қувонишади, дейдилар.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Қизикқон йигит ўғли ва хотинини  
Отга миндириб  
Тажрибали ўйинчини<sup>24</sup> олиб  
Қимор ўйнашга жўнади.  
Ўғли ва хотинини ютқазмади,  
Ҳатто тўқсон бош қўй ҳам ютди.  
Ўғли ва хотини жуда севинди, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Камбағал кишининг ўғли  
Даромад йиғишга<sup>25</sup> борди,  
Йўли очилиб<sup>26</sup>,  
Хурсанд ва шодон қайтмоқда, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Йўлбарс кийик овлашга чиқди,  
Овини қўлга туширди.  
Қўлга туширгач эса, уяси томон  
Хурсанд ва шодон қайтмоқда, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Бир табулға<sup>27</sup> юз бўлди,  
Юз табулға минг бўлди,  
Минг табулға туман бўлди, дейишади.  
Билиб қўйинг: фойдаси бор, бу — яхши.

Кийгизни сувга солибди,  
«Яна ур, қаттиқ боғла!» — дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

---

<sup>24</sup> яъни, қимор ўйновчи, қиморбозни

<sup>25</sup> яъни, пул ишлашга.

<sup>26</sup> яъни, иши юришиб, омади келиб.

<sup>27</sup> табулға — Бобурнинг ёзишича, табулға қизил пўстлоқли дарахт бўлиб, Фарғона тоғларидан бошқа ерда учрамайди. Маҳаллий аҳоли ундан ўқ ва таёқ ясашади.



Хоқон жангга борибди,  
Ёвни энгибди,  
Уларни кўчириб, қўндириб келмоқда,  
Ўзи ва лашкарлари севиниб, шодланиб  
Ўрдаси томон келмоқда, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Йигит жангга борибди,  
Йўлда оти ҳорибди,  
Йигит оққушга йўлиқибди,  
Оққуш уни қанотига миндириб,  
У билан йўлга тушибди  
(ва) отаси-онасига етказибди.  
Ота-онаси севинди—шодланди, дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Кўп отлиликдан қувончинг йўқ<sup>28</sup>,  
Отсизликдан қўрқинчинг йўқ<sup>29</sup>,  
Юксак бахт-саодатинг йўқ<sup>30</sup>, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — аниқ ёмон.

Бир қари ҳўкизнинг  
Белини кичик қумурсқалар ейишибди,  
Унинг юришга мажоли йўқ, дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Ўша ҳўкиз қамиш (зор) орасида қолди,  
Осмон<sup>31</sup> кимга хайрихоҳ бўлмаса,  
Унинг хотини овинчи<sup>32</sup> — бўлсин, — дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Отни нотўғри тушовлашди,  
Юришга мажоли йўқ дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Довюррак бола найза ва ёйи билан  
Тик қояларни кезиб  
Ёлғиз юради, дейишади,  
У мана шундай ботир экан.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

<sup>28</sup>, <sup>29</sup>, <sup>30</sup> яъни, бўлмас.

<sup>31</sup> яъни, тангри.

<sup>32</sup> яъни, хайрихоҳ.

Оқ доғли<sup>33</sup> сигир  
Бўғоз<sup>34</sup> бўлди.  
«Ўлиб қоламан», деди у.  
(У) оқ доғли<sup>35</sup> эркак  
Бузоқ туғди.  
Муқаддас буюкликка<sup>36</sup> ярайди,  
Улимдан сақланибди, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Узун тўнли<sup>37</sup> идиш-товоқларини  
Қолдириб жўнаб кетибди,  
У яна кўп қайғурибди:  
«Идиш-товоқларимни  
Қолдириб, қаерга бораман, дейди,  
Яна қайтиб келибди  
(ва) идиш-товоқларини  
Бутун ва тўлалигича қўлга олди,  
Суюнди, қувонди», дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Йиртқиш<sup>38</sup> денгиз қуши  
Қуш овлашга борди,  
Унинг рўпарасидан қора қуш<sup>39</sup>  
Учиб келди, дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.  
Йиртқиш қуш осмондан пастга<sup>40</sup>  
«Қуён» деб учди,  
Йиртқиш қуш (нинг) тирноғ (лар) и<sup>41</sup>  
Очилди ва яна ёпилди<sup>42</sup>.  
Йиртқиш қушининг тирноғи  
(Қуёнга) чағ солиб, юқори кўтарилиб учди.  
Қуённинг териси парчаланиб<sup>43</sup>,  
Югуриб кетди, дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

---

<sup>33</sup> Қашқа ёки ола.

<sup>34</sup> айи. бузоқламоқчи.

<sup>35</sup> қашқа ёки ола.

<sup>36</sup> яъни, қурбонлик қилиш учун.

<sup>37</sup> яъни, аёл.

<sup>38</sup> яъни, лочин.

<sup>39</sup> яъни, бургут.

<sup>40</sup> яъни, ерга.

<sup>41</sup> яъни, панжаси.

<sup>42</sup> яъни, қуённи тутди.

<sup>43</sup> яъни, титилиб.

«(Мен) кийик ўғлиман,  
Утсиз, сувсиз қандай яшайман,  
Қандай юраман», дейди.  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Эр (йигит) эмаклаб борибди,  
Тангрига йўлиқибди.  
Йигит бахт тила (б) ди, (тангри) бахт бер (иб) ди,  
Оғил (хонанг) да йилқинг бўлсин,  
Умринг узоқ бўлсин, дебди,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Мен қора тақдир<sup>44</sup> худосиман,  
(Сендаги) синган (нарсаларинг) ни  
бут (ун) лайман,  
Узилган (нарсалар) ингни улайман,  
Элингни тузган менман,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Йўлбарс кийик овлашга борибди,  
Ўрта йўлда<sup>45</sup> илонга йўлиқибди,  
Чипор илон тик қояга тирмашиб кетибди,  
(Йўлбарс) ўлимдан сақланибди,  
Ўлимдан сақланиб,  
Қувониб, шодланиб юрди, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Қора тўриқ отининг қўйруғидан тутиб чоптир,  
Унинг остида саҳрони чўзилтир<sup>46</sup>,  
Тўққиз қават терликни қўйиб, (токи)  
(От) жуда қаттиқ терласин, дейди.  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Мен шижоатли қора қуш<sup>47</sup>ман.  
Яшил қоя менинг езлик жойим,  
Қизил қоя — қишлик жойимдир.  
Уша тоғда туриб  
Шодланаман,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

<sup>44</sup> айн, қора йўл.

<sup>45</sup> йўлнинг ярмида. <sup>46</sup> яъни, саҳро бўйлаб югуртиргини.

<sup>47</sup> яъни, бургут.

Эр (йигит) қайғули,  
Осмон булутли бўлди.  
Улар орасида қуёш балқиди,  
Қайғу орасида шодлик келди.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Кулранг булут қўзғалди,  
Халқ узра ёмғир қуйди,  
Қора булут қўзғалди,  
Ҳамма ер узра ёмғир қуйди.  
Тариқ<sup>48</sup> пишди,  
Яшил майсалар кўкарди.  
Ҳайвон (лар) га, киши (лар) га  
Яхши бўлди, дейишди.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Қул сўзи билан бегига ўтилади,  
Қузғун сўзи (билан) осмонга ўтилади,  
Юқорида осмон<sup>49</sup> эшитди,  
Қуйида инсон билди, дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Алп йигитнинг ўғли жангга борди.  
Жанг майдонида  
Моҳир хабарчи (авлиё) ишонтирди, дейишади:  
«Агар жангчи уйи томон келса,  
Ўзи бахтиёр аталади,  
Оти етакланиб келади», дейишади.  
Билиб қўйинг: бу — аниқ, яхши.

✓ Мен уюр учун куч берувчи<sup>50</sup> айғирман,  
Ёнғоқ дарахти (бор манзил) — ёзлик (жой) им,  
Қушлар кўп жой қишлик (жой) имдир,  
Ўша ерда туриб,  
Шодланаман, дейди,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Ҳовуз қуриди, идишлар<sup>51</sup> музлади,  
Ҳовуз нега қурисин,  
Ахир бу бегликники-ку!

<sup>48</sup> яъни, экин.

<sup>49</sup> яъни, тангри.

<sup>50</sup> яъни, муқаддас.

<sup>51</sup> айн. меш ёки саноч.

Идишлар нега музласин?!  
(Ахир) у қуёшга рўпара турибди,  
Билиб қўйинг:  
Бу хабарнинг бошланишида  
Озроқ машаққати<sup>62</sup> бор,  
Сўнг яна яхши бўлади.

Уғли онаси ва отасидан  
Аччиқланиб кетиб қолди,  
Яна ғамгин бўлиб қайтиб келди.  
«Онам насиҳатини олайин,  
Отам пандини эшитайин,  
Деб келди», дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Йилга етганларни<sup>63</sup> ҳидлантирмадим<sup>64</sup>,  
Ойга етганларни<sup>65</sup> нобуд қилмадим.  
(Уларга) яхшилик бўлсин, — деди.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Мен «Тўққиз орол» кийиги—буғисима,  
Чиройли оёқ (ларим) устида туриб  
Маърайман,  
Юқорида осмон<sup>66</sup> эшитди,  
Пастда<sup>67</sup> инсон хабар топди,  
Мен шундай кучлиман, — дейди.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Турна қуш  
Инига қўнди.  
Сезмасдан тузоққа илин (иб қол) ди.  
Учишга мажолсиз туради дейишади,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Мен Яргун<sup>68</sup> (кўли атрофидаги) кийикман,  
Ёзни ўтказадиган тоғимга бориб,  
Ёзни ўтказмоқдаман,  
Шодланаман, дейди.  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

---

<sup>62</sup> яъни, ёмон томони.

<sup>63</sup> яъни, катталарни.

<sup>64</sup> яъни, ҳалоқ қилмадим.

<sup>65</sup> яъни, кичикларни.

<sup>66</sup> яъни, тангри.

<sup>67</sup> яъни, ерда.

<sup>68</sup> «Яргун» географик атама бўлиб, кўлнинг номини англатади.

Хоқон лашкари овга чиқди,  
Сағир (яъни ўраб олинган жой) ичига  
Қийик кирди.  
Хоқон уни қўлга киритди.  
Қара, барча лашкари шодланади, дер,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Мен ёввойи кўк лочинман,  
Чиройли (тик) қояга қўниб,  
Кузатмоқдаман,  
Ёнғоқзор, толзор устига тушиб,  
Ёзни ўтказаман, дер,  
Билиб қўйинг: бу — яхши.


Семиз от оғзи қаттиқ бўлди<sup>59</sup>,  
Эгаси уни парвариш қилишни  
Удалай олмади, дер,  
Билиб қўйинг: бу — ёмон.

Энди, севикли ўғлон (лар) им,  
Билиб қўйинглар:  
Бу «Ирқ битиг» китоби яхшидир (фойдалидир),  
Ҳамма ўзининг  
Иштироки билан эрклидир.

---

<sup>59</sup> яъни, ейнидан қолди.

# МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ „ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК АСАРИ“



Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарини 469 (1076-77) йилда ёзиб тугаллаган. Муаллиф «Девону луғотит турк» устида ўн беш йилдан мўл ишлаган деган тахмин бор. «Девон»да Урта Осиё ерида яшаган туркий халқлар тили таркибига кирган сўзларнинг арабча изоҳли таржимаси берилган. Шундай қилиб, бу китоб қадимий туркий тилнинг изоҳли луғати десак бўлади.

Бу китобнинг ягона қўлёзмаси Истамбулда (Туркия) сақланади. Уни кўчирган котиб Муҳаммад бин Абу Бакир Димишқийнинг хабар беришича, у Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхасидан кўчириб ёзган.

«Туркий сўзлар девони»да шеърини парчалар яхлит ҳолда келтирилмаган. Улар айрим сўзларнинг изоҳи учун фойдаланилган. Шунинг учун ҳам китобда тарқоқ ҳолда учрайди. Биз ушбу китобда уларни йиғиб, маълум бир тартибда таҳлил этишни кўзда тутдик. Бу парчалар ҳозиргача ўзбек тилида насрий таржима орқали бериб келинди. Биз эса уларни назм билан таржима қилишга уриндик.

Бу шеърини парчалар мазмун жиҳатидан хилма-хилдир. Уларда жанрлар тасвири, қаҳрамонлар тасвифлари, севги туйғулари, табиат манзаралари турли-туман ҳолатларга оид ўғит-насиҳатлар, замон ва кишиларга муносабатларни билдирувчи шеърлар бор. Шеърлар бармоқ вазида, ниҳоятда фикр ва сўзга зич шаклда ёзилган. Вазни ва қофияларида изчил қонуният қаттиқ сақ-

ланган. Бадий ифодаларда ўзига хослик ва таъсирчанлик зўр. Умуман бу шеърларнинг асл нусхасида ўша даврда мавжуд бўлган бадий ижодга нисбатан юксак талабчанлик аниқ сезилиб туради; бу шеърларни яратган шоирларнинг жуда маълумотли бўлгани, нафис ва чуқур бадий дидга эга экани аниқ кўринади.

Назм таҳлилини ҳамма инсонлар қалбига барабар даражада яқин, барча асарлар ва замонлар учун бир хил қадрли бўлган севги ҳисларини ифодаловчи шеърий парчалардан бошлашни маъқул топдик.

Ўзаллик соҳибасининг илҳомли тасвири, севги изтироблари ва ҳаяжонлари, ошиқнинг дардли кўз ёшлари, унинг ўз маҳбубаси сари тинмай талпинишлари, айрилиқ азоби, етишув севинчлари, бахтиёр дақиқалар ўтгач, уларни қўмсаб орзиқишлар, хуллас, севгувчи юракнинг эҳтиром тўла дунёси муҳаббат мавзуидаги шеърларнинг туб мундарижасини ташкил этади.

Шундай қилиб, севги мавзуидаги шеърлар билан танишар эканмиз, уларнинг реал турмуш, реал инсоний туйғулар ифодасидан иборат эканига ишонч ҳосил қиламиз. Уларнинг бадий таъсир кучи ҳам зўр. Бунинг асосий сабаби куйланмоқда бўлган туйғуларнинг ҳаётийлиги, самимийлиги ва реаллигидадир.

Урта Осиё халқлари адабиётида ёшларга панд-насиҳатлар, ўғитлар билан тўла шеърлар кўп учрайди.

«Девон»даги шеърий парчаларни ўрганиб чиқиб, улар орасида ҳам шу тўғридаги шеърларнинг анчагина борлигига аҳамият бердик. Улар илм-фазилатнинг қадри, олимларга ҳурмат, меҳмондўстлик, хушхулқлилик, мардликни тарғиб этувчи: молпарастлик, манфаатпарастлик, бахиллик, хиёнат ва ҳоказо салбий сифатларни қораловчи шеърлардир. Бу мисоллар туркий халқлар поэзиясида дидактик мазмуннинг жуда узоқ даврлардан бери давом этиб келаётганидан далолат беради.

Баъзи шеърий парчаларда олим одамларнинг табиати, характерига оид айрим белгилар ифода этилади. Бу ҳаёт лавҳаларидан олинган мисоллар билан қувватланади. Баланда парвоз этаётган қуш пастдаги овни кўрса, тезлик билан ерга тушади. Олим зеҳнининг тезлиги ўша қуш парвозининг суръати билан тенглаштирилади.

Шундай қилиб, илм-маърифат аҳлини қадрлаш, уларнинг фарзандларини таърифлаш, у зотларнинг аччиқ тақдиридан шикоят, уларнинг ўзи ва қимматли ўғитларига таҳсин ва эътиқод «Девон»даги илм ва олим қадри тўғрисидаги шеърларнинг асосий мазмунини ташкил этади.



«Девон»да дидактик мазмундаги шеърлар анчагина бор. Улар инсон турмушининг барча томонларига оид-дир. Уларда ҳаётнинг абадий эмаслиги, шунинг учун дунё ғамини еявермаслик кераклиги, яхши фазилатлар касб этиш лозимлиги; ўч, кекдан тамомила чекиниши ва фақат кишиларга яхшилик қилиш кераклиги, тилдан фақат яхши сўз чиқаришга одат қилиш мақбул экани қайта-қайта уқтирилади. Шоир ёшлик ҳуснига («ёз кўркига») ишонишлик сувга суянмоққа баробар, деб ҳисоблайди ва эҳтиёт бўлишга чақиради.

Шундай қилиб, барча дидактик характердаги шеърларда шоир эзгуликни тарғиб этади, кишиларни мукамаллаштиришга ҳаракат қилади, аммо ўша давр шароитида эзгуликнинг йўқлигини баралла айтади. Умр машаққатлари кўпчилик одамлар учун умрнинг ҳақиқий тугал мазмунини ташкил этганини очиқ кўрсатади.

Баҳор, ёз мавсумларининг латофати, турли-туман табиат кўринишларининг шоирона тасвири «Девон»даги шеърларда алоҳида ўрин тутади.

«Девон»даги айрим шеърларда ов кўринишларининг тасвири ҳам бор. Уларда воқеабандлик, ҳикоя этилмоқда бўлган ҳодисаларнинг ишонарли, худди кўз ўнгида юз бераётгандек қилиб ифодаланиши сезилиб туради.

## ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК

*(Шеърый парчалар)*

Келди менга тот,  
Айдим энди ёт.  
Қушқа бўлиб эт,  
Сени тилар оч бўрн.  
(Т. 1. 72)<sup>1</sup>

Кўрклик тўнинг ўзингга,  
Тотлиғ ошинг ўзгага.  
Қўноққа кўргиз иззат,  
Ёйсин шаънинг узоққа.  
(Т. 1. 80)

Кетди кўзимнинг нури,  
У билан танам руҳи.

<sup>1</sup> Қисқартмаларда аввал нашр этилган жой, сўнг том ва бет кўрсатилган.

Қайда экан (сөвганим),  
Кечалари йўқ ўйқу.  
(Т. 1. 81)

Унинг ишин битирдим,  
Дўстни ҳам қочирдим,  
Ўлум захрин ичирдим,  
Ичди юзи тиртайиб.  
(Т. 1. 82)

Олгил, ўгил, мендан ўгит,  
                    фазилат ол.  
Бунда улуғ олим бўлиб,  
                    илмингни ёй.  
(Т. 1. 85)

Улуғлигинг ошса агар,  
                    хушхулқ бўлғил.  
Бек ёнида халқлар учун  
                    хўб иш қилғил.  
(Т. 1. 95)

Севги дарди қўймайди,  
Соғинч яна қийнайди.  
Кўнглим унга тўймайди,  
Юзим менинг сарғаюр.  
(Т. 1. 99)

Этил суви оқаётир,  
Қоя тубин қоқаётир.  
Остада баллиқ, бақа ётур,  
Кўлнинг тагин тўлғазиб.  
(Т. 1. 103)

Қанча бўлсанг, эй ўғул,  
Эрдинг мунда тинч ва мўл.  
Отдин энди уз кўнгул,  
Нолойиқ иш айладинг.  
(Т. 1. 104)

Кўриб нечун қочмадинг,  
Ямар суви кечмадинг,  
Молу мулкинг сочмадинг,  
Есин сени сиртлонлар.  
(Т. 1. 108)



Бузилди бу замонлар,  
Авж олди кўп ёмонлар.  
Қамайиб билимдонлар,  
Илму ҳикмат йўқолди.  
(Т. 1. 128)

Ёмон киши йўқолсин,  
Ҳақ ва адолат қолсин.  
Қўзи, бўри қўл олсин,  
Қайғу-ҳасрат, ғам ўлсин.  
(Т. 1. 130)

Қўни-қўшни, қариндош,  
Кўрсин сендан яхшилик.  
Не-не совға қилишга,  
Яхшироғин қил ортиқ.  
(Т. 1. 137)

Турли чечак очилди,  
Гулдор гилам ёзилди.  
Олам жаннатдек бўлди,  
Сира қайтмас совуқлар.  
(Т. 1. 141)

Ғазаб билан отландим,  
Арслондек наъра тортдим.  
Алплар бошин тўғрадим,  
Энди мени ким тутар.  
(Т. 1. 146)

Келса киши, чеҳрасига  
кул сочмағил,  
Иzzат билан кутиб, унга  
яхшилик қил.  
(Т. 1. 149)

Учқур отим шўхлик қилди,  
Шўхлик қилар ерни кўрди.  
Кўкни босиб булут келди,  
Баҳор сели ўйнаб ёғди.  
(Т. 1. 157)

Уч бор ичиб қувнайлик,  
Сакраб-сакраб ўйнайлик.  
Арслон каби увлайлик,

Кетди қайғу, яйрайлик.  
(Т. 1. 160)

Бузраж яна қайтурди,  
Ботирларин йиғдирди.  
Аскарини келтирди,  
Юруш учун отланур.  
(Т. 1. 161)

Омонат олди, бермади,  
Шу ҳунарини қўймади,  
Дўстлик йўлида турмади,  
Қасд олишидан қўрқади.  
(Т. 1. 165)

Иситган қуёш қоплади,  
Дўст ёмонлик хоҳлади,  
Артиш сувини ҳақлади,  
Халқлар ундан қўрқишур.  
(Т. 1. 170)

Одатдан зўр нарса йўқ,  
Бошқа баҳона ҳам кўп.  
Отса замон пойлаб ўқ.  
Тоғлар боши янчилур.  
(Т. 1. 174)

Излаб уни узоқ юрдим,  
Чарчатгунча роса қувдим.  
Отим билан ўраб турдим,  
Мени кўриб, эси оғди.  
(Т. 1. 179)

Қиш ёз билан топишди,  
Қинғир кўзла боқишди,  
Бир-бирига ёпишди,  
Ғалабани иташур.  
(Т. 1. 182)

Қақраган ер кўл бўлди,  
Тоғлар боши ҳўл бўлди. Н  
Дунё тани исиди,  
Гул-чечаклар очилур.  
(Т. 1. 189)

Алп йигитлар чиқишдилар,  
Қинғир кўзлар боқишдилар.  
Расо қурол тиқишдилар,  
Қилич қинга аранг сиғди.  
(Т. 1. 192)

Қор ва музлар эришди,  
Тоғ сувлари оқишди.  
Кўкда булут юришди,  
Қайиқлардек ўйнашиб.  
(Т. 1. 195)

Бўри бўлиб улдилар,  
Йиртиб ёқа, турдилар.  
Йиғлаб-сиҳтаб юрдилар,  
Кўз ёшлари мўл бўлди.  
(Т. 1. 197)

Боши унинг ёриқди,  
Қони оқиб толиқди.  
Балиқ бўлиб қалиқди,  
Энди унга ким етар.  
(Т. 1. 200)

Хон чодирини қурилди,  
Жанг довули урилди.  
Ёвлар ўтдек ўрилди,  
Қочган билан қутулмас.  
(Қанчиқ қочар ул тутар)  
(Т. 1. 203)

Энди ўзин койиди,  
Ичдан пушаймон еди.  
Эл бўлгали уринди,  
Шундоғ ёвни ким енгар.  
(Мендан бўлак)  
(Т. 1. 209)

Табду менга тутилди,  
Азоб чекиб куйинди.  
Қилмишига ўкинди,  
Асирликда қийналар.  
(Т. 1. 212)

Еткур менинг сўзимни  
олимларга, хой,

Байтал тинар отларга  
қўшилганда той.

(Т. 1. 214)

Эркин бериб бўшаттим,  
Молларини ташиттим.  
Эл айбини беркиттим,  
Барча юкин ўзи элтти.  
(Т. 1. 217)

Қулонларни қўзғатди,  
Архарларни ўйнатди,  
Яйловларга йўлатди,  
Саф-саф бўлиб сакрашур.  
(Т. 1. 221)

Келди буён жанг қилиб,  
Берди элин енгилиб,  
Мунда турар жим бўлиб,  
Чиқмас уни мунғайиб.  
(Т. 1. 225)

Қўз ёшларим булоқдек,  
Ўйнар унда қўш ўрдак.  
(Т. 1. 227)

Қўнглим унга қайнайди,  
Юракларим ўйнайди,  
Энди келиб бағримга,  
Ҳордирмайин қўймайди.  
(Т. 1. 230)

Ғазаб билан боқишур,  
Кек оловин ёқишур.  
Соқол тутиб тортишур.  
Кўкси аро ўт ёнар.  
(Т. 1. 233)

Туман чечак тизилди,  
Ғунчалари ёзилди,  
Узоқ ётиб, эзилди,  
Энди ердан ажрашур.  
(Т. 1. 237)

Яшин чақнаб яшнади,  
Булут йўлга бошлади.

Айғир-байтал кишнади,  
Уйноқлашиб шодланур.  
(Т. 1. 238)

Алллар роса уришур,  
Куч йиғишиб тиришур,  
Бир-бирига қарашур,  
Бехавотир ўқ отар.  
(Т. 1. 240)

Ётиб бағрида боқса юзига,  
Йўқотур ҳушин анинг сўзига.  
Минг киши шайдо бўлиб ўзига,  
Фидо бўлурлар анинг кўзига.  
(Т. 1. 245)

Кўнглимни чок қилди,  
Битган ярамни тилди.  
Кечмиш хотирга келди,  
Тун-кун уни истарман.  
(Т. 1. 247)

Лой, балчиқлар тизилур,  
Камбағаллар эзилур,  
Совуқ қаттиқ сезилур,  
Бармоқларин ҳуҳлашур.  
(Т. 1. 249)

Илм, ҳикмат ўргангин бўлма мағрур,  
Мақтанчоқнинг шармандаси чиқди, кўр.  
(Т. 1. 253)

Ой чиқиб айланди,  
Оқ булут тўпланди,  
Бир-бири уза қопланди,  
Сочилиб, суви ёғилур.  
(Т. 1. 258)

Йигитларни ишлатиб,  
Боғ мевасин ташлатиб,  
Қулон, кийик овлатиб,  
Байрам қилиб яйрайлик.  
(Т. 1. 262)

Йиғлаб-йиғлаб йиқилдим,  
Дардга даво шу, билдим.



Кетган бахтимни дердим,  
Кўзим ёмғур-қон сочар.  
(Т. 1. 270)

Келса биров йўқлашиб,  
Бергил яхши озуқ нон.  
Қарғаб кетар меҳмонлар,  
Кутар бўлсанг гар ёмон.  
(Т. 1. 272)

Йилқи ёзда этланур,  
Яйловларда ўтланур.  
Беклар унга отланур,  
Севинишиб ўйнашар.  
(Т. 1. 282)

Овланурман ўзим  
                                ҳусну рангидан.  
Даво топура кўзим  
                                йўлин чангидан.  
(Т. 1. 290)

Бегим ўзини яширди,  
Фурсат топиб, зарба урди.  
Улуғ тангри мадад берди,  
Унинг доврағи ёйилди.  
(Т. 1. 294)

Тангут элин қишда босди,  
Шармандалиқ ҳаддин ошди.  
Оту эрларин улошди,  
Тутқун бўлиб бошин эгди.  
(Т. 1. 299)

Ўзин мақтаб хўб гердайти,  
Ерни ўлчаб қадамлади.  
От босдириб ҳамла қилгач,  
Уят чекиб четга қочди.  
(Т. 1. 301)

Булут, чақмоқ оғмоқда,  
Ёмғир ва дўл ёрмоқда.  
Шамол уни қувмоқда,  
Қанча борар, билгисиз.  
(Т. 1. 336)

Жанг ичида уруштим,  
Бошлиғига ёпиштим,  
Қашқа отда отиштим,  
Айтдим энди ол, Утар.  
(Т. 1. 348—349)

Ёв алпларин айирдим,  
Бўйинларин қайирдим,  
Олтин, кумушин тердим,  
Сафи қалин ким ўтар.  
(Т. 1. 351)

Туркан хотун қошиға  
Мендан еткур шеър.  
Хизматга ходимингиз  
Рост, деб паём бер.  
(Т. 1. 357)

Эҳсон булутларидан,  
Тоза олтин ёғади.  
Оқса унинг оқими,  
Кўнглимга хўб ёқади.  
(Т. 1. 358)

Ким айтди, эшитди,  
  қайси қулоқ —  
Ки, ой уйидур санубар  
  бутоқ.  
(Т. 1. 358)

Уралди менда оёқ,  
Кўрмайин махфий тузоқ.  
Оғридим андин узоқ,  
Севгилим энди тузат.  
(Т. 1. 361)

Қизил, сариг ёндошиб,  
Ола, яшил тиркашиб,  
Бир-бирига чирмашиб,  
Инсон унга тонг қолур.  
(Т. 1. 375)

Кўп каллалар юмалади,  
Душман бундан хавф олади.  
Кучи унинг ҳам толади,

Қилич қинга аранг сиғади.  
(Т. 1. 377)

Истаганда қувиб бориб,  
Тутар эрдим, сафин ёриб,  
Банди қилиб бошин ёриб,  
Қўп мол бериб, жон сақлади.  
(Т. 1. 380)

Даврон уриб ярагин,  
Қилди мени майиб.  
Ундан даво тиладим,  
Сиз бўлдингиз табиб.  
(Т. 1. 386)

Алдади мени,  
Юмшоқ бадан қиз.  
Қомати ниҳол,  
Бурни ҳам текис.  
(Т. 1. 390)

Музни жавоҳир деб билманг,  
Ҳадяга ишонч ҳеч қилманг.  
Беҳудага хурсанд бўлманг,  
Олимлар буни ёқтирмас.  
(Т. 1. 396)

Машаққатсиз ҳаёт йўқ  
бунда асло,  
Эзгуликни кўрмасдан умр битар.  
(Т. 1. 397)

Ғалтак олиб, отга миниб, арқор тутар,  
Қийик овлаб, ўқлар отиб, тулки қувар.  
(Т. 1. 398—399)

Ирмоқ суви тоғу тошга ёйилади,  
Сарв оғочлар от сафидек бўй олади.  
(Т. 1. 400)

Оч ҳам ташна бўлган қарға  
музни бузар,  
Парво қилмай тузоқ сари  
тумшуқ чўзар.  
(Т. 1. 401)

Олим кишин эзгу тутиб,  
сўзин эшит.  
Хунарини ўрганибон,  
амал қилгил.  
(Т. 1. 403)

Тун вақтида босдик биз,  
Хар томондан қисдик биз,  
От ёлларин кесдик биз,  
Минглоқлини осдик биз.  
(Т. 1. 407)

Турли чечак ғуж бўлди,  
Буқоқланиб букилди.  
Тўрт бош тугун тугилди,  
Очилмоққа тўпланур.  
(Т. 1. 409—410)  
(Т. 11. 329)

Уғлим, ўгит ол,  
Билимсизликни итар,  
Талқон бўлса агар,  
У шиннига ботар.  
(Т. 1. 412—413)

Ҳайқириб от сурамиз,  
Найза, қалқон урамиз,  
Қайнаб, сўнг тинч турамиз,  
Қаттиқ душман юмшасин.  
(Т. 1. 413)

Келса агар хоқоним,  
Обод бўлур маконим.  
Тарқалмас дўст, ёроним,  
Энди қўшин жамлашур.  
(Т. 1. 414)

Тоғ ёнбағри уза юрдим,  
Ироқда бир қора кўрдим,  
Уни билиб яқин бордим,  
Ев тўзони кўтарилди.  
(Т. 1. 424)

Аҳду паймон қиларлар,  
Онту қасам берарлар.

Жондан ёрдам сўрарлар,  
Басмил, жумул тўпланур.  
(Т. 1. 427)

Совуқ келиб туради,  
Қутлуғ ёзни суради.  
Қор дунёни ўради,  
Тан увишиб зириллар.  
(Т. 1. 430)

Уғроқ эри уйғоқ, овқатидир уғлоқ,  
Сут косаси ўйноқ, гарчи ери қурғоқ.  
(Т. 1. 435)

От думини боғладик,  
Тангрига ҳамд чоғладик,  
Узанги аёғладик,  
Алдаб гўё чекиндик.  
(Т. 1. 438)

Беклар оти чарчади,  
Ғам бекларни янчади.  
Юзга заъфар санчади,  
Чеҳралари сарғаюр.  
(Т. 1. 449)

Қарши туриб унга расо,  
Майда ўқни ёғдирдим.  
Қанча энди ёлборсанг ҳам,  
Фойда йўқ деб уқтирдим.  
(Т. 1. 455)

Олдин нега ёлбормадинг,  
Гуноҳингни ким кечар.  
Қуролланиб отландинг,  
Қонингни энди ер ичар.  
(Т. 1. 458)

Эшитиб ота-онангни,  
Сўзларини қадрла,  
Молу мулкинг кўпайса,  
Мағрурланиб қутурма.  
(Т. 1. 465)

Менинг ўзим парвона,  
Унинг ўти авж олур.  
(Т. 1. 469)

Ошин тутқизар эди,  
Евни кетқизар эди.  
Уғроқни эзар эди,  
Топди ўлим охтариб.  
(Т. 1.471)

Душман ўтин ўчирган,  
Ўз жойидан кўчирган,  
Кўп ишларни бажарган,  
Тегди ўлимнинг ўқи.  
(Т. 1. 476)

Учсиз ўқ-ла ўрдак отсам  
кўл томонда,  
Сувга ботар қашқалдоқлар  
ўша онда.  
(Т. 1. 480)

Сендан саъвалар кетар,  
Менда қалдирғоч яшар.  
Булбуллар сайраб қўнар,  
Нару мода учрашур.  
(Т. 1. 481)

Душман йўлин ўрайлик,  
Отдан тушиб урайлик.  
Арслон каби турайлик,  
Евнинг кучи бўшашган.  
(Т. 11. 21, 158)

Суқ одамлар молу мулкка интилар,  
Ўлимтикка ташлангандек қузғунлар.  
(Т. 11. 25)

Отса-да, ўқни узоқ,  
Тегмади менга бироқ.  
(Т. 11. 27—28)

Итим тутиб босиб олди,  
Юнглариини тамом юлди.  
Бошин эгиб қуйи солди,

Бўғизидан тугал бўғди.  
(Т. 11. 31—32)

Қулиб боққан кишиларга  
  сочмагин кул,  
Яхшиликка улар учун  
  табассум қил.  
(Т. 11. 34)

Кичик билиб душманини  
  писанд қилмас,  
Менсимаган ёви келиб  
  элни олар.  
(Т. 11. 37)

Аввал асир қилмангиз,  
Сўнгра ташлаб қўймангиз,  
Кўз ёшларим чун денгиз,  
Теграсида қуш учар.  
(Т. 11. 51)

Эрди ошин тотдирган,  
Ёв қўшинин қайтарган.  
Бўйнин тутиб қайирган,  
Босди ўлим оғдариб.  
(Т. 11. 77)

Тоғ бошлари яшарди,  
Қуруғ ўтни яшурди,  
Кўл сувлари тошурди,  
Сигир, буқа маърашар.  
(Т. 11. 83)

Аскар йиғиб мен қийқирдим,  
Камон ичра ўқти тердим.  
Майдон аро уруш бердим,  
Мардни кўриб бошин букди.  
(Т. 11. 88)

Фурсат билиб урушди,  
Дўст бўлса-да, сўкишди.  
Қулун ҳайдаб кетишди,  
Олиб яна қўйимни.  
(Т. 11. 95—96)

Ез қиш билан кўришди,  
Хунар ёйин қуришди.  
Саф тортишиб туришди,  
Уқ отгани чоғлашур.  
(Т. 11. 104)

Кучга қараб тўқнашди,  
Уруғ қавми бирлашди,  
Аскар тўплаб йиғнашди,  
Бирга келиб ўч олар.  
(Т. 11, 114)

Қудаликка сўрашди,  
Сўнг аҳдидан адашди.  
Энди тишим қамашти,  
Олди Туримтайимни.  
(Т. 11. 123)

Нафслари бўғилди,  
Оти, йигити ўлди.  
Иши яна бузилди,  
Энди сўзин ким тутар.  
(Т. 11. 134)

Ёмғир ёғиб сочилди,  
Турли чечак очилди.  
Инжу куртак очилди,  
Чин ипор ҳид бурқирар.  
(Т. 11. 139)

Қони оқиб тўкилди,  
Гўёки қоп тешилди,  
Улим билан қўшилди,  
Умр қуёши ботар.  
(Т. 11. 146)

Югурди чопқир от,  
Чақилди қизил ўт.  
Куюрди хашак ўт,  
Туёқлари чақнаса.  
(Т. 11. 153)

Урган унинг билимин,  
Боргил унинг сари.  
Қутлуғ ишга бўйсунгин,



Кибрни қув нари.  
(Т. 11. 161—162)

Севги ўти ёнганда,  
Упка ўти қоврилар.  
(Т. 11. 167)

Кучанди билагим,  
Келурди тилагим.  
Қўпайди билимим,  
Аmmo умр тугалур.  
(Т. 11, 172)

Яширин тутилган севги,  
Айрилган кун билинар.  
Оғриқ кўзни беркитма,  
Ёши ошкора қилар.  
(Т. 11. 199)

Тўйдирмади итимни,  
Толиқтирди отимни.  
Сурди менинг қутимни,  
Ғозим ва ўрдагимни.  
(Т. 11. 205)

Қўнгли куйиб, қони қуриб  
Оғзин очиб кулади.  
Қовурилиб ишқ ўтида,  
Эссиз юзи сўлади.  
(Т. 11. 218)

Келса сенга йўл юриб,  
Ҳайда уни ҳайқариб,  
Борсин нари қайғуриб,  
Сотди менинг қулимни.  
(Т. 11. 224)

Қору ёмғир менда инар,  
Озиқ-овқат шундан унар.  
Ёвуз душман менда тинар,  
Сен келибон қўзғалур.  
(Т. 11. 237)

Келса агар подшоҳим  
Тузалгуси даргоҳим.

Тарқалишмас аймағим,  
Энди сафлар тизилур.  
(Т. 11. 234)

Иши унниг чалкашиб,  
Уроқ ила курашиб.  
Бўйин эгиб қайришиб,  
Тутқин қилиб, қул сотар.  
(Т. 11. 254)

Келди шамол ҳувиллаб,  
Бўрон бўлиб гувиллаб.  
Халқ титрашур увиллаб,  
Қора булут гулдуар.  
(Т. 11. 259—260)

Кўзим ёши тирқираб қуйи оқар,  
Онглаб дунё ғамини, тугал уқар.  
(Т. 11. 265)

Тун-кун туриб  
                                йиғлайман,  
Кўз ёшларим соврилар.  
(Т. 11. 270)

Дунё фурсат кўзлади,  
Ўғри тузоқ созлади.  
Беклар бегин излади,  
Қандай қочиб қутилур.  
(Т.11.272)

Эгамни мақтайман,  
Билимни тахлайман,  
Кўнгилни жаҳдлайман,  
Ҳунар бутун тўпланур.  
(Т. 11. 282)

Боқмас жаҳон совуқ сўз,  
Шилқим, юзсиз бахилга,  
Ёқимли бўл, хушхулқ бўл,  
Қолсин номинг кўп йилга.  
(Т. 11. 291)

Йиғиб тариф, емадинг,  
Сичқон уни хўп еди.

Энди нима кутарсан,  
Яширмагинг не эди.  
(Т. 11. 305—306)

Ботирлигин кўрсатди,  
Лашкарларин югуртди,  
Бизни ҳангу манг этди,  
Бундай мардга ким етар.  
(Т. 11. 318—319)

Емғир суви кўл бўлди,  
Тоғлар боши ҳўл бўлди,  
Дунё дами мўл бўлди,  
Гул-чечаклар чирмашур.  
(Т. 11. 327)

Тоғ устида қўй, улоқни  
  чатиштирар,  
Уйғурлардан нелар талаб,  
  нелар сотар.

\* \* \*

Тангри олам яратди,  
Фалак доим айланур.  
Кун ўрнини тун олур,  
Юлдузлари шайланур.  
(Т. 11. 350)

Басмил лашкар турутди,  
Ҳаммасини жам этти,  
Арслон томон юритди,  
Қўрқиб боши айланур.  
(Т. 11. 361)

Меҳмон келса ўтқазғил,  
Ҳордиқ олиб тинч бўлсин,  
Оти ҳам ёруғликда,  
Арпа сомонга тўйсин.  
(Т. 11. 367)

Дунё кунин пастлатур,  
Инсон кучин суслатур.  
Элдин эрни четлатур,  
Қочган билан ким қолур.  
(Т. 11. 387)

Ов қушларин ушлатиб,  
Тулки, тўнғиз ташлатиб,  
Итларимиз ишлатиб,  
Хунар билан гердайдик.  
(Т. 11. 396)

Ярқиратиб қиличингни, ёв бошини кес,  
Мажақлабон қалқонини, бўйнини эз.  
(Т. 11. 411)

Қуш, қумурсқа тирилди,  
Тўдалашиб терилди.  
Эркак-хотин бир бўлди,  
Энди инга қайтмаслар.  
(Т. 111. 12)

Қўлдошингни ҳурмат қил,  
Ўзгаларга юзланма,  
Боқолмасанг товуғинг,  
Қуш боқай деб сўзланма.  
(Т. 111. 18)

Минг киши фидойи бўлиб ўзига,  
Бергай ўзларин анинг кўзига.  
(Т. 111. 21)

Оқдирур кўзим кўп сой,  
Унда ўрдак, қуш қўнгай.  
(Т. 111. 25)  
Яқинлар ҳеч бировин  
қадрламас,  
Қизғонч итдек бир-бирига хумрайишар.  
(Т. 111. 29)

Иш бошлашда ҳовлиқмасдан диққат-ла  
боқ,  
Чақмоқ тошни шошиб чақсанг ўчар  
чироқ.  
(Т. 111. 32)

Пиширилур чарви, гўшт, ёғ,  
Тўлишур коса, топоқ.  
(Т. 111. 39)

Сеҳрлидир кўзи,  
Мусофирдир ўзи.

Тўлун ойдек юзи,  
Ерди менинг дилимни.  
(Т. 111. 40)

Қуйди булут ёмғурин,  
Кериб тутар оқ тўрин,  
Қирга ёйди ул қорин,  
Селлар оқар ҳайқириб.  
(Т. 111. 46)

Замон аҳли озайди,  
Олчоқ ёвуз кучайди.  
Эзгу ишлар камайди,  
Дунё беги кетганда.  
(Т. 111. 48)

Қулса киши юзингга,  
Кўрклик бўлиб кўрингил.  
Ширин, очик сўз сўйла,  
Ёқмоқ учун урингил.  
(Т. 111. 50)

Қуш ов кўрса, юксаклардан пастга тушар,  
Олим киши ўғит берса, дарҳол уқар.  
(Т. 111. 53)

Мол йиғишни сел келиш деб ҳисобла,  
Мол эгасин тош каби юмалатар.  
(Т. 111. 69)

Келди душман чопари,  
Қасдидан қайтса нари.  
Ўзи турар ичкари,  
Алплар жангга сафланур.  
(Т. 111. 73)

Бўлса оғир ишларинг,  
Ўзгаларга буюрма.  
Ўзингни оч қолдириб,  
Бошқага озук берма.  
(Т. 111. 75)

Ундаб улуғ чақирса,  
Тезлик билан чопиб кел.  
Очликда бирга бўлгил,

Не ҳолда бўлса юрт, эл.  
(Т. 111. 76)

Ўртоқ бўлиб танишди,  
Менинг молим сотишди,  
Даллол билан топишди,  
Ўғирлашиб тойимни.  
(Т. 111. 79)

Таъзим билан имлади,  
Кўз ёшимни юмлади,  
Бағрим чокин эмлади,  
Ғариб экан, у кетди.  
(Т. 111. 93)

Улуғлик тиларман,  
Мулкимни тиркарман,  
Тилакни йўқларман,  
Йилқим шунга сафланур.  
(Т. 111. 99)

Қўчқор така айрилди,  
Совлиқ қўйлар йиғилди.  
Сутлар тўлиб соғилди,  
Улоқ, қўзи яйрашур.  
(Т. 111. 113)

Отса ўқин замона,  
Унга не бас келади.  
Тоғни олса нишонга,  
Белидан ёрилади.  
(Т. 111. 116)

Қуйлар ажаб тузилди,  
Май идиши тизилди.  
Сенсиз кўнглим эзилди,  
Кел шодланиб ўйнайлик.  
(Т. 111. 145)

Кўл сувлари тўлқинланса  
бузар уйни,  
Олим киши ишонади  
кўрса бунни.  
(Т. 111. 151)

Олим киши сўзидан олгил ўгит,  
Яхши сўзлар таъсири қилга сингар.  
Берди сенга жин утру тутиб бол,  
Алдовлиғин билмасанг, мағрур бўлиб қол.  
(Т. 111. 171)

Еткар менинг сўзимни  
олимларга, ҳой,  
Тинар бия минилса  
от бўлганда той.  
(Т. 111. 173)

Ёз кўркингга ишонма,  
Сувлар уза таянма.  
Ёмонликка отланма,  
Тилдан чиқар эзгу сўз.  
(Т. 111. 176)

Сузилди сутдан қаймоқ,  
Тариқ-ла пишир қуймоқ.  
(Т. 111. 181)

Қилғил менга сахийлик,  
Бўлсин менга лақаб шу!  
От бер курашга йўллаб,  
То жангга элтсин у.  
(Т. 111. 187)

Сендан қочар сундулоч<sup>1</sup>,  
Менда тинар қалдирғоч,  
Булбул куйлаб нағма соч,  
Эркак, аёл жуфтлашур.  
(Т. 111. 193)

Порлади қизил байроқ,  
Тўзиди қора тупроқ.  
Етишти келиб уғроқ,  
Жанг қилишиб кечикдик.  
(Т. 111. 199)

У билан нега билишдим,  
Қучишиб яна қовуштим,  
Меҳрибонлик қилишдим,

---

<sup>1</sup> Саъва қуши.

Ҳайф кетказди ёзимни.  
(Т. 111. 205)

Ёруғ юлдуз туғарди,  
Мен уйғониб боқарман,  
Тотлиғ унин янгратган  
Қуш сайрашни тингларман.  
(Т. 111. 212)

Кеча туриб юрар эдим,  
Қора, қизил бўри кўрдим,  
Қаттиқ ёйни ҳозир қилдим,  
Қиё боқиб қочиб қолди.  
(Т. 111. 238)

Сенгадир фақат  
Неки кирса қоринга.  
Қолгай мулкинг бориси,  
Қирсанг қора ўринга<sup>1</sup>.  
(Т. 111. 241)

Илм деб югурдим,  
Донишни қидирдим,  
Ўзимни айирдим,  
Оқёл отим ечилур.  
(Т. 111. 248)

Одамлари чўкка тушди,  
Боши, бўйни мукка тўшди,  
Қоматини бука тушди,  
Мен ҳам таъқиб айламадим.  
(Т. 111. 250)

Келса қанча қаттиқлик,  
Ўтиб кетар, сабр этгил.  
Дунё ишин билиб тур,  
Ўзингни беғам тутгил.  
(Т. 111. 252)

Кема ичра ўлтириб,  
Илм сувин кечдик биз.  
Ўйғур томон юзланиб,

---

<sup>1</sup> Қора ўрин — гўр.



Минглоқ элин очдик биз.  
(Т. 111. 253)

Кимнинг кўнгли бўлса  
Қашшоқ — камбағал.  
Тўқ бўлмайди,  
Бой бўлмайди.  
(Т. 111. 257)

Кетишингни айтмадинг,  
Шафқат қилиб қайтмадинг.  
Кўнглинг бизга ёймадинг,  
Тушдинг эриш ҳолатга.  
(Т. 111. 263)

Қора тунлар кечирдим мен,  
Маст уйқуни қочирдим мен,  
Санаб юлдуз ечардим мен,  
Осмон ичра куним чиқти.  
(Т. 111. 265)

Кимда бўлса олтин —  
Кумуш, бино қураш.  
Хотиржамлик, ибодатда  
Умр сураш.  
(Т. 111. 268)

Севгим менинг кучаюр,  
Кеча-кундуз йиғлайман,  
Кўрди кўзим кетганин,  
Юртда ёлғиз қолгайман.  
(Т. 111. 275)

Ёвинг кузат, бек найзасин қўлда ушла,  
Ёпирилиб душман келса, уруш бошла.  
(Т. 111. 287)

Қиш ёз билан тортишур,  
Эр, от менда ортишур.  
Қасалликлар қайтишур,  
Куч-қувватга тўлурлар.  
(Т. 111. 294)

Дунё туни, кундузи йўлдек бўлар,  
Кимга ёмон қараса, кучин олар.  
(Т. 111. 303)

Кўрди мени, эмлади,  
Боқди менга, имлади.  
Қолди, кўнглим тўнглади,  
Қайғу мени яралар.  
(Т. 111. 310)

Билимдонлар эзилди,  
Дунё хароб қилди.  
Одоб гушти бузилди,  
Ерга тегиб судралур.  
(Т. 111. 317—318)

Севиклим кетди узоқ,  
Кўнглим унга боғлайман.  
Қолдим чуқур қайғуда,  
Уззукунлар йиғлайман.  
(Т. 111 324)

Тангут хони ҳийла қурди,  
Унга ўлим зарбин берди.  
Қардошлари хижил эрди,  
Ўлим кўруб, ранги ўчди,  
(Т. 111. 341)

Уйин-жойин сотар бўлди,  
Фидо жонин этар бўлди.  
Тирик қолса ютар бўлди,  
Лекин унга қайғу келди.  
(Т. 111. 346)

Душман бекдан узоқланди,  
Кўриб сувни озиқланди.  
Ўлим уни кўриқлади,  
Оғзи ичра заҳар тўкди.  
(Т. 111. 351)

Тонг отди, кетайлик,  
Бузруж қонин тўкайлик,  
Ясмил бекни енгайлик,  
Барча йигит йиғилсин.  
(Т. 111. 367)

Бергил менга сўзгина,  
Эй, қора кўз, боқ қиё.  
Чеҳранг этди маҳлиё,

Ҳолимни анлагил, ҳо.  
(Т. 111. 371)

Борлиқ мулкинг севарсан,  
Унга камроқ севингин.  
Кетган молга ачинма,  
Унга озроқ ўқингил.  
(Т. 111. 372)

Сенда барча ёмонлар,  
Чибин, пашша, илонлар.  
Думи гажак чиёнлар,  
Ҳамла қилиб югурар.  
(Т. 111. 378)

Бердим сизга қалин,  
Энди мунинг олинг.  
Мушкул ҳолим билинг,  
Англари кетмоқ бўлганин.  
(Т. 111. 382)

Менда бордир севинч оти, қайғу кетар,  
Қасрим кўриб, барча уни жаннат атар.  
(Т. 111. 384)

Туғулган зот дунёда мангу қолмас,  
Фақат олам юлдуз, кунинг доим порлар.  
(Т. 111. 389)

Душман эрур инсонга молу товар,  
Олим одам ёвининг қандай севар?  
(Т. 111. 395)

Меннинг билан кенгашди,  
Фикри менга тенглашди,  
Эрлар билан жанглашди,  
Аллари бошини у қирқар.  
(Т. 111. 402)

Булут юрди гуруллаб,  
Селлар ёғди шариллаб.  
Одам ҳайрон дайдираб,  
Булут чақмоқ мағрашур.  
(Т. 111. 407)

Кетидан пойлаб юрди,  
Уради, давра қурди.  
Сўнгра сочларин юлди,  
Гўё бўри эрни ер.  
(Т. 111. 410)


Қувиб унга етиб олди,  
Ярасига қилич солди,  
Молларини талаб қолди,  
Унинг алпин ёви бўғди.  
(Т. 111. 414)

Қўрқма ёвдан, қарши чиқиб,  
  тикка юргин  
Ботирларни қоғоздек йирт,  
  итқит, ургин.  
(Т. 111. 420)

Тойни миниб сакратсин,  
Ов қилибон ўйнатсин.  
Итга кийик қайтартсин,  
Ов гўштларин ейлик.  
(Т. 111. 434)

Уғлим, сенга қолдирдим ўгут:  
Унга амал қил:  
Олимларга яқинлаш, баҳра олгил,  
  тутиб дил.  
(Т. 111. 445)

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ „ҚУТАДҒУ БИЛИГ“



Бу китоб жуда азиздир. Чин ҳакимларининг масаллари билан безалган, Мочин ҳакимларининг шеърлари билан оро берилган бу китобни ўқувчи ва бу байтларнинг маъзини чақувчи киши китобдан ҳам азизроқдир. Мочин олимлари ва ҳакимлари барчалари бир тўхтамга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғраҳон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ китоб ёзган эмас. Бу китоб қайси подшоҳликка ё қайси иқлимга етиб борса, ғоят яхшилигидан, ниҳоятдан ортиқ даражада ажиблигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари уни матлуб кўриб, ҳар қайсилари ҳар турли ном билан атадилар. Чинликлар «Одобул мулук» деб ном бердилар, Мочин подшоҳининг зодагонлари «Ойинул мамлакат» деб атадилар, машриқликлар «Зийнатул умаро» деб айтдилар, эронликлар «Шоҳномаи туркий» дедилар, шунингдек, баъзилар «Пандномаи мулук» дедилар, туронликлар «Қутадғу билиг» деб номладилар.

Бу китобни ёзган киши Баласоғунда туғилган, сабрқаноат соҳибидир. Ушбу китобни Кошғарда ёзиб тугатиб, Машриқ подшоҳи Тавғочхон ҳузурига келтирган, подшоҳ уни тақдирлаб ва эъзозлаб саройида Хос Ҳожиблик лавозимига тайин қилган. Шунинг учун у Юсуф Улуғ Хос Ҳожиб номи билан машҳур бўлган. Бу китоб қуйидагилар билан қадрлидир: бири—аёл, иккинчиси — давлат, учинчиси — ақл, тўртинчиси — қаноат. Яна бу-

ларнинг ҳар бирига туркча бир ном берилган. Алга Кунтуғди элиг номи берилиб, подшо ўрнида тутилган, давлатга Ойтўлди номи берилиб, вазир лавозимига қўйилган, ақлга Угдулмиш номи берилиб, вазирнинг ўғли ўрнида тутилган, қаноатга Узгурмиш номи берилиб, Угдулмишнинг қариндоши дейилган.

Китобда улар орасида мунозара ва савол-жавоб кечиши ҳақида ҳикоя қилинган. Уқиганнинг қулфи дили очилиб, муаллифни эзгу сўзлар билан эсласин.

## ТАВҒОЧ УЛУҒ БУҒРА ҚОРАХОН МАДҲИ ВА БАҲОР ТАЪРИФИДА

Шарқдан баҳор насими эсиб келди, оламни безамоқ учун фирдавс йўлини очди.

Оқ ранг кетиб, бўз ерни алвон ранг қоплади, олам ўзига оро бериб безанмоқ тараддудига тушди.

Зерикарли қишни баҳор нафаси ҳайдади, мусаффо баҳор яна ўз ҳукмига кирди.

Қуёш қайтиб яна ўз ўрнига келди, Балиқ (Хут) думидан Қўзи (Ҳамал) бурнига кўчди.

Уйқуга кирган дарахтлар яна яшил тўн кийди, ол, сариқ, кўк, қизил рангли ҳарир ёпинчиқлар билан безанди.

Бўз ер юзига яшил парда тортди, гўё хитой карвони Чин ҳарир ипак матоларини ҳар томонга ёйди.

Дала — туз, тоғ, ўр-қир, паст-баланд қирлар кўк ва алвон рангга кўмилиб бурканди.

Турли-туман чечаклар қийғоч очилди, олам ичи ифор ва кофур иси билан тўлди.

Димоғларни чоғ қилувчи сабо ели кўтарилди, бутун оламга мушк-анбар ҳиди таралди.

Ғоз, ўрдак, оққуш, қилқуйруқлар осмонни тўлдириб, қағиллашиб юқори-қуйи учмоқда.

Мағрур турналар кўкда овозини баралла янгратмоқда, тизилган туя карвонидек учмоқда, елгурмоқда.

Уларқуш овозини созлаб ўз жуфтини чақирмоқда, гўзал қиз ўз кўнгил берганини чорлагани каби назокат билан ундамоқда.

Каклик хуш овоз билан сайраб қаҳ-қаҳ уриб кулмоқда, унинг тумшуғи қон каби қизил, қоши эса қоп-қора.

Қора қарға тумшуғини кўпиртириб қағиллайди, унинг овози тантиқ қизнинг овози каби ёқимсиздир.

Гулзорда булбул минг оҳангда наво қилмоқда, тун-  
кун тинмасдан ёқимли сайрамоқда.

Жайронлар жуфти билан чечаклар устида ўйноқлаш-  
моқда, буғулар ўз жуфтлари билан ўзиб-кезиб яйраш-  
моқда.

Осмонни булут қоплаган, ёмғир ёғмоқда, гуллар юз  
очиб қаҳ-қаҳ уриб кулмоқда.

Дунё менга таънаомиз сўзларини тўкиб солди, хоқон-  
нинг юзини ҳали кўрмадингми, деб таъна қилди.

Уйқуда бўлган бўлсанг, тур, энди кўзингний очгин,  
агар эшитмаган бўлсанг, мендан мана бу сўзларни  
эшитгин:

Туман йиллардан бери мунгли тул эдим, туллик ки-  
йимимни ечиб, энди оқ либос кийдим.

Безандим, бегим улуғ хоқон бўлди, истаса ширин  
жонимни унга фидо айлашга ҳозирман.

Булут гумбурлади, гўё навбат довули чалинди, ча-  
қип чақнади, гўё хоқон қиличини қиндан чиқарди.

Бири қиндан тортиб чиқарилиб оламни тутмоқда, би-  
рининг овозаси оламни тутиб бормоқда.

Тавғоч улуғ Буғраҳон оламни қўлга киритди, бахти  
кулиб боқсин, шуҳрати икки оламни тутсин.

Эй дунёнинг кўрки, эй улуғликнинг чиройи, эй подшоҳ-  
ликнинг нури ва эй омонат қутнинг тутувчиси!

Бахт сенга кулиб боқди, эл ва тож-тахтни насиб  
этди, тахтинг билан бахтинг ҳамиша барқарор бўл-  
син.

Хоқоннинг қўлига ўтгач, олам эркин нафас олди ва  
унга дунё нафис ҳадяларни қўш-қўш қилиб берди.

Ҳаводан учиб келувчи осмон қушлари, айримлари  
ҳинд рожаларидан, айримлари рум қайсарларидан ке-  
лишган.

Унинг овозасини ёйиб мадҳ этишда баҳслашадилар,  
севинчга тўлиб-тошиб қувнашиб овунадилар.

Турли-туман чечаклар ерга шунчалик кўрк берган,  
дала-туз, тоғ, ўр-қир, паст-баланд адирлар яшил, кўк  
майсага бурканган.

Баъзилари ўз ҳидини таратиб хизматини ўтайди, баъ-  
зилари чирой билан эшигида бурч ўтайди.

Баъзилари тавозе-таъзим билан чилим тутади, баъ-  
зилари мушк-анбар ҳидини таратади, оламга атир ҳиди  
ёйилади.

Баъзилари Шарқдан минг-минг ҳадялар тортиқ  
қилади, баъзилари Ғарбдан келиб холис хизматида ту-  
ради.

Борлиқ жаҳон шу тахлид унинг хизматига тутинди,  
ёвлари бўйин бериб ўртадан адоватни кўтарди.

Бахт хизматга келиб унинг дарвозаси бўсағасида туради,  
бўсағасида турганлар эса хизматига ҳамиша шайланиб туради.

Хоқоннинг шуҳрати ва овозаси бутун оламга ёйилди,  
уни кўра олмайдиган ғаразли кўзлардан уйқу қочди.

Олам осойишталикка эришди, адолатли сиёсат қарор топди,  
адолатли сиёсат билан хоқон ўз номини улуглади.

Саховатлининг сувратини кимда-ким кўраман деса,  
келиб хоқоннинг юзига боқиб томоша қилсин.

Жафосиз, вафоли, қутли кишини кўрмоқ истасанг,  
келиб хоқоннинг юзига боққин, унинг туриш-турмиши мутлақ вафодан иборатдир.

Ўзинг халал кўрмасдан фақат наф топишни истасанг,  
у томонга кел, хизматини қил, кўнгил бериб, бино қўй.

Хушфеъл, мулойим, меҳрибон кишини кўрмоқ истасанг,  
келиб хоқонга боқ ва орому тасалли топ.

Эй хуш хулқли, асли-зоти эзгу уруғли, олам сендан ҳеч қачон маҳрум бўлиб қолмасин.

Эй турклар элати, бахт-қут бугун кулиб боқди, энди бунинг учун минг бор шукроналар айтиш керак.

Масалда келадиган жуда кўҳна бир ибратли сўз бор:  
Отанинг ўрни ва оти ўғилга қолади, дейилган унда.

Минг-минг қуллар талай мол-товарларни ҳадя қилиб қолдиради,  
менинг ҳадям ушбу «Қутадғу билиг» китобим бўлсин.

Бошқаларнинг ҳадялари келади ва кетади, менинг бу ҳадям эса мангуликка қоладиган нарсадир.

Мол-дунёни қанча йиғиб-термагин, у тугайди, йитиб-йўқ бўлади,  
китобга ёзилган сўз эса қолади, оламга тарқалади.

Бу хоқоннинг оти китобга битилди, бу от энди мангу бўлиб қолади,  
эй муҳтарам зоти олий.

Емғир ёғаверсин, анвойи гуллар очилаверсин, япроқ ташлаган дов-дарахтлар яна амалга кираверсин.

Давру даврон кулиб боқсин, душманларининг боши қуйи бўлиб,  
хоқонга бахт кулиб боқаверсин.

Муҳтарам зоти олийлари чексиз бахт билан яшнаверсин,  
кўролмайдиган тубанларнинг кўзи тешилсин.

Эл ва элати ҳам севинч, овинч ва қувонч билан Луқмон ёшига етиб яшасин ва бахтини ошасин.



## ЕТТИ САЙЕРА ВА УН ИККИ БУРЖ ҲАҚИДА

Жумлаи жаҳон бунёд бўлгандан сўнг, у кун ва ой билан ёритилди.

Бунёд бўлган бу олам тинимсиз айланади, у билан қўшилиб тақдир чархи ҳам гир айланади.

Яшил осмон авжида юлдузлар бунёд бўлди, қоронғу кеча билан ёруғ кун воқе бўлди.

Осмондаги юлдузларнинг бир қанчаси шунчаки конпот беагадир, бир қанчаси маскан топиш учун хизмат қилувчи йўлчидир.

Уларнинг баъзилари юқорироқ, баъзилари қуйироқ, баъзилари ёруғроқ, баъзилари эса хирароқдир.

Булардан энг юқорида Секантир (Зухал) юлдузи кезади, у бир буржда икки йилу саккиз ой туради.

Ундан кейинги иккинчиси Ўнгой (Муштарий) юлдузидир, у бир буржда ўн икки ой туриб қолади.

Учинчиси Кўруд (Миррих) юлдузидир, у мағрурона кезади, қайси томонга юзланса, яшнаган нарсаларни қуритади.

Тўртинчиси Яшиқдир (Қуёшдир), у оламга нур сочади, у жумла мавжудотга ўз нуруни сочади.

Бешинчи бўлиб Севит (Зухра) юлдузи гўзал юзини кўрсатади, у кулиб боққанда жонлар ором олади.

Ундан кейин тилак ва орзулар тимсоли бўлмиш Орзу (Аторуд) юлдузи келади, у кимга яқинлашса, уни орзутилақларга улайди.

Улардан энг пастда Ялчиқ (Ой) келади, Қуёш билан рўбару келганда тўлишади.

Ун икки ўкак (бурж) юлдузлари булардан бўлакдир, уларнинг айримлари жуфт-жуфт, айримлари тоқдир.

Қўзи (Ҳамал) — баҳорги юлдуз, кейин Уз (Савр) юлдузи келади, Эрандиз (Жавзо) билан Қучиқ (Саратон) яқин юради.

Арслон (Асад) билан Бугдойбоши (Сунбула) қўшинидир, кетидан Улгу (Мезон), Чазан (Ақраб) ва Ёй (Қавс) бир-бирига эш бўлиб келади.

Улардан кейин Уғлақ (Жаддий), Кўнак (Далв) ва Балиқ (Хут) юлдузлари келади, мана шу ёритқичлар чиққач, олам ёруғлик касб этади.

Буларнинг учтаси баҳорги, учтаси ёзги, учтаси кузги ва учтаси қишки юлдузлардир.

Булардан учтаси олов, учтаси сув, учтаси шамол ва яна учтаси тупроқ бўлиб, борлиқ жонли ва жонсиз мавжудот шулардан бунёд бўлган.

Мана бундай нарсалар ҳақида анча кўп гапирдим, бу билдим, ақл ва заковат туфайлидан эди.

## ИНСОННИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ БИЛИМ БИЛАН БЕЛГИЛАНИШИ ҲАҚИДА

Оламга одамзод сара мавжудот сифатида келди, у салоҳият, билим ва заковатга эга бўлди.

Унга табиат ақл ва онг ато қилди, сўзлаш қобилиятини берди, уни андиша, хушхулқ ва гўзал феъл билан таъминлади.

Унга билим ҳадя қилди, шу туфайли инсон улуғликка эришди, заковатлар ато қилди, шу туфайли инсон чигал жумбоқларни ҳал қилди.

Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради.

Билимнинг буюклигини ва заковатнинг улуғлигини англагин, бу иккаласига эга бўлган сара кишилар улуғликка эришадилар.

Бунинг далили учун мана шундай ибратли сўз бордир, сен уни эшитгин ва бу борада сўзни чўзмагин.

Заковат ҳам ерда ҳам улуғликка элтади, кимда билим бўлса, у улуғликка эришади.

Заковатлилар уқадилар ва билимлилар биладилар, билимли ва заковатлилар тилакларига етадилар.

Билим ҳақида нималар дейилган, бу сўзнинг маънисини чақ, билимли кишилардан бало-офатлар йироқлашади.

Билимсиз кишилар мисоли дардманд бўладилар, дардни даволамаган киши эса бевақт ўлади.

Кел, эй билимсиз жоҳил, дардингга даво қилгин, билимсиз бўлсанг хору зорсан, билимлилар эса бахтиёрдирлар.

Билим мисоли бошбоғ кабидир, унга эга бўлган кишини у тилаклари сари элтади, орзулари томон бошлайди.

Одамда заковат бўлса нафи каттадир, билим ўрганган кишилар азиз ва қадрли бўладилар.

Барча иш-юмушлар заковат туфайли битади, беклар ҳам давру давлатга билим орқасидан эришадилар.

## ТИЛНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ, ФОИДА ВА ЗАРАРЛАРИ ҲАҚИДА

Заковат ва билимнинг очқичи тилдир, одамни ёруғликка бошловчи тил—равон тилни ўргангин.

Одамни тил үлүглайди, уни бахтиёр қилади. шунингдек тил одамни бсқадр ҳам қилади, унинг бошига балолар келтиради.

Тил қафасда ётувчи арслон кабидир, қафасдаги гаддор ваҳший бошингга етиши ҳеч гап эмас.

Тили туфайли озор чеккан одам нима дейди, эшит, бу сўзга амал қилиб ўзингга манфаат ол:

Тилим мени жуда кўп кулфатларга солади, тилим менинг бошимни кесмасидан бурунроқ мени тилимни кесайин.

Сўзларингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин, тилингни тийиб тут, у туфайли тишинг синмасин.

Одамнинг тили ёмон, у доим сен ҳақингда сўзлайди, кишларнинг феъли ҳасадли, улар сени ғажинишга ҳам тайёр туради.

Билимлилар тил ҳақида пухта таълим бергандирлар: эй тил соҳиби, бошингни асагин, деганлар.

Сен ўзингнинг эсон-омонлигингни истасанг, тилингдан зинҳор ярамас сўзларни чиқармагин.

Билиб-тушуниб сўзланган сўз доноликдан далолатдир, нодон-жоҳилнинг сўзи ўз бошини ейди.

Кўп сўзлашдан ортиқча наф кўрмаганман, сўзнинг кўпидан фойда ҳам топмаганман.

Сўзни кўп сўзламасдан бироз оз сўзлагин, минг сўзли чигални бир сўз билан ечгин.

Одам сўз туфайли улуғликка эришади, подшо бўлади, кўп ва ортиқча сўз эса юзни ерга қаратади.

Ҳаддидан ортиқ сўзлаганларни эзма дейилади, шунингдек ҳеч сўзламаганларни гунг деб аталади.

Модомики шундай экан, ўртача йўриққа амал қил, ўртача йўриққа амал қилган одам юксакликка эришади.

Тилингга жуда эҳтиёт бўлгин, бошинг омон сақлангани, сўзингни қисқа қилсанг, ёшинг узаяди.

Тилнинг фойдаси жуда кўпдир. сен ўзингни босиб ол, тил гоҳо мақталади, гоҳо таҳқирланади.

Модомики шундай экан, сўзни билиб сўзла, сўзинг кўрмас кўрлар учун кўрар кўз бўлсин.

Билимсиз киши шубҳасиз кўрдир, кел, эй билимсиз нодон, билимдан ўзингга улуш олгин.

Туғилганлар ўлади, ном-нишонсиз ва изсиз бўлиб кетади, сўзингни эзгу сўзласанг, ўлсанг ҳам сўзинг билан мангу қоласан.

Одам икки нарса туфайли қаримайди: бири—яхши феъли, иккинчиси эса эзгу сўзи.

Одам туғилади ва ўлади, унинг сўзи қолади, инсон ўлади, унинг номи мангу қолади, буни унутма.

Ўзинг ўлмас мангу ном истасанг, феълингни ва сўзингни эзгу тутгин, эй доно.

Тилнинг фойдаси ва зарарлари ҳақида анчагина гапирдим, бундан мақсадим сенга ушбу сўзларни айтгани эди.

Ҳар қандай сўзни сўзлайверилса, ақлдан бўлмайди, одам керакли сўзнигина сўзлайди, уни яширмайди.

Сўзларимни сенга сўзладим, эй ўғлим, бу панд-насиҳатларни сенга қилдим, эй жигарбандим.

Мендан сенга кумуш ва олтинлар қолса, сен уларни бу сўзларга тенг тутиб алмашмагин.

Олтин-кумушни ишга солсанг тугайди, олқинади, сўзларимни ишга солиб амал қилсанг олтин-кумуш келтиради.

Одамдан одамга мерос бўлиб сўз қолади, бу мерос қолган панд-насиҳатларга амал қилинса нафи беҳисоб бўлади.

## КИТОБ МУАЛЛИФИ УЗИГА УЗР СУРАШИ ҲАҚИДА

Мақсадим ўзимдан кейин дунёга келувчилар учун насиҳат сўзларини айтиб қолдириш эди, эй доно.

Таълимда жуда асосли қилиб: Сўзларинг янглиш—хато бўлса ўзингга зиён келтиради, дейилган.

Чуқур мулоҳаза қилиб ўйлаб қарасам, вазифам енгил кўчадигандай туюлди, дилимдаги барча сўзларимни тўкиб солишга аҳд қилдим.

Нима учун бундай деб сўрайдиган бўлсанг, сенга сабабларини айтиб берайин, мард баҳодир.

Инсон борки, у хатолардан ҳоли эмасдур, ўз қилган хатолари учун инсон зоти жазоларга маҳкумдир.

Менга айтиб бергин-чи, ҳаётда янглишмайдиган одам борми, янглишувчилар сон-саноқсиздир, сенга айтиб бера қолай.

Билимлилар жуда оз, билимсизлар беҳисоб кўпдир, нодонлар беҳисоб, донолар эса қўл билан саноғли даражада камдир.

Билимсизлар билимлиларга ҳамиша душманлик қилади, жоҳиллар доноларга нисбатан доимо адоватда бўлади.

Одамдан одамнинг талай фарқи бордир, бу фарқ билимдадир.

Мен ушбу сўзларни билимлиларгагина сўзладим, билимсизларнинг тилини билмайман, улар билан фикр алмаша олмайман.

Билимсизларга айтадиган ҳеч қандай гапим йўқ, эй донишманд, сен учун хизматга ҳамиша ҳозирман.

Сенга бунча сўзларни сўзлаб юборганим учун узр сўрайман.

Сўз сўзловчи шубҳасиз баъзида адашади ва хато ҳам қилади, тинглаб турган заковатли киши уни тузатади ва тўғрилайди.

Сўз туя бурни каби жиловланган бўлади, туянинг бўйни каби қаерга бурилса, ўша томонга кетади.

Сўзнинг билиб сўзловчи кишилар ҳам кўпдир, бундай кишилар менинг наздимда жуда ҳам қадрлидирлар.

Барча эзгуликлар билим нафи туфайлидир. Билим билан ҳатто осмонга ҳам йўл топилади.

Сен барча сўзларни билим билан сўзлагин, барча кишини билими учун улуғлагин.

Сўз одамзод учун табиатнинг улуғ инъомидир, сўз туфайли инсон улуғликка эришади.

Одамнинг кўнгли тубсиз чуқур денгиз кабидир, билим эса инжу каби унинг тубида беркинган бўлади.

Инжунинг одам денгиздан чиқариб олмаса, бундай инжу сой тоши билан тенг ва қимматсиздир.

Бўз ер қаъридаги олтин тош ҳисобидадир, агар уни қазиб чиқарилса, беклар бошига безак бўлади.

Билимли билимини тили орқали чиқармаса, унинг билими йиллаб ётгани билан зиё сочмайди.

Заковат билан билим жуда эзгу нарсалардир, агар уларга эришсанг, амал қилиб кўкларга парвоз қилгин.

Заковат ва билимнинг маънисига етган эл ва кентлар беги айтади:

Жаҳонни қўлда тутиб туриш учун заковатли бўлиш керак, эл-халқни бошқариш учун ақлу идрок ва журъат керак.

Жаҳонгирлар давлатни заковатлари туфайли қўлга киритадилар, ҳокимлар халқларни билим билан бошқарадилар.

Оламда одам пайдо бўлганидан буён, заковатлилар эзгу сийёсат юргизиш келганлар.

Бундан бурунги қайси даврда бўлмасин, билимчиларга юксак ўринлар насиб бўлиб келган.

Одамлар орасидаги бузуқлик заковат билан тузатилади, халқ орасидаги ғалаён билим билан тинччилади.

Жаҳонгирлик учун заковат жуда зарурдир, эл-халқни идора қилиш учун билим ниҳоятда керакдир.

Кимда мана шу икки нарса жам бўлса, бундай киши етук бўлади ва жаҳонда ҳамма нарсага эришади.

Агар икки олам бахтига эришиш мақсадинг бўлса, унинг чораси эзгулик қилишдир.

Агар эзгуликларга эришишни истасанг, фақат эзгулик қилгин, сўз тамому вассалом.

Киши мангу эмас, унинг номи мангудир, одамдан унинг номи мангу ёдгорлик бўлиб қолади.

Ўзинг мангу эмассан, отинг мангудир, отинг мангу бўлдим, ўзинг мангудирсан.

## ЭЗГУЛАРГА АРАЛАШИШ ЭЗГУЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Халқни бошқариш шарафига эришсанг, амалда ва сўзда фақат эзгулик қилгин.

Йигитлик даври ўтади, тириклик ҳам кетади, бу рабоб каби дунёдан ўзинг тез кўчасан.

Ҳаётни зое кетказмасдан эзгулик қилишга интил, эзгулик келгусида егулик ва кийгулик бўлади.

Тилларда икки турли от такрорланиб юради, бир яхши ва бир ёмон ном дунёда сақланиб қолади.

Ёмонлар қарғаладилар, яхшилар оқланадилар, ўйлаб кўр, қайси бири сенга маъқул тушади.

Эзгу бўлсанг мақтовга лойиқдирсан, агар ёмон бўлсанг таҳқирга маҳкумдирсан, эй латиф.

Пасткаш Заҳҳок нима учун таҳқирга лойиқ бўлди, қутли Фаридун нима учун мақтовга сазовор бўлди?

Бири эзгу эди, уни мақтадилар, бири ярамас эди, уни қарғадилар.

Сен учун яхши ном маъқулми ёки ёмон ном, таҳқирни истайсанми ёки мақтовними?

Қайси бирини истасанг ўшасини танлагин, танлаганинг яхшиликими ёки ёмонликими, сўнгра афсусланмагин.

Кўриб синаган киши бунга мослаб айтади, синаб кўрган кишилар эл-юрт юмушларини биладилар.

Одам яхши ном билан олқиш олади, ёмонлик билан ном чиқарган одам ўлса қарғиш топади.

Кўп синаганман, ёмонлик қилувчиларнинг ишлари кундан-кунга орқага кетаверади, қути ўчади.

Кўплаб кузатганим бор, ёмонларнинг ишлари ҳеч ривож олмайди, мутлақо битмайди.

Ёмонлик олов каби куйдирувчи бўлади, ундан қочиб чиқишга йўл топиб бўлмайди.

Назар солиб қарасанг биздан аввал ўтганлар, хоҳ авом, хоҳ жаҳонгир бўлсинлар:

Уларнинг қайси бири билимга эга бўлган бўлса, эл-юрт ва дунё ишларига бел боғлагандирлар.

Жаҳонгир бекларнинг қайси бирида билим бўлса, ўша яхши ишлар, эзгу қонун-тартиботларга ривож бергандир.

Бизнинг давримизда ҳам кимлар эзгу ном билан танилган бўлсалар, барча яхшиликларга ўшалар бош бўлганлар.

Кимда-ким билимга яқин доно бек бўлса, билимли одамларни ўзига яқин қилишга интилади.

Нима ишга қўл урса ўйлаб, режаси билан бажаради, билимга суяниб эл-юртни бошқаради.

У эл-юртни яшнатади, фуқарони бойитади, фуқаронинг бойлигини ўзи учун қонуний бурч деб билади.

Мана шундайларнинг оти яхши бўлади, ўзи сахий аталади, бундай сахийлар ўлса ҳам, уларнинг номи тирик қолади.

Ундайлар ўлишларини билиб олдиндан ҳозирлик кўриб қўядилар, номларини тириклар учун ўчмас қилиб тошга битиб қолдирадилар.

Кейин келувчилар улар ҳақида ўша битиклардан ўқиб биладилар, уларга тақлид қиладилар, яхши манфаат оладилар.

Дунёда билимдан ҳам азизроқ яна нима бор, билимсиз деган сўз одам учун нечоғлик хунук ҳақорат.

Дунё ишларини кўриб синаган донишманд киши, нима деган, эшитгин:

Билимсизнинг ўрни тўрда бўлса ҳам, унинг учун бу тўр пойгадир, доно ўлтирган пойга эса тўр ҳисобланади.

Бундай қадр-қиммат билим эвазигадир, дунёнинг жойлари хоҳ тўрда, хоҳ пойгада бўлсин, билимли учун бари бирдир.

Одамларнинг асили икки турли бўлади: бири — беклар, бири — донолар, ҳар иккаласи ҳам халққа бош бўлади.

Қилич ишга тушганда эл-юрт тинчлиги бузилади, қалам ишга солиниб эса эзгу йўл-йўриқлар тузилади.

Билимсиз аниқ кўрдир, эй кўрмас нобийно, кел, билимдан улуш олгин.

Одамнинг безағи сўздир, сўз эса беҳисоб кўпдир. Фзқат эзгу сўзли кишиларнигина ардоқлаш лозим.

Мана бу туркча масал бунга жуда мос келади. Шунинг учун мос кўриб шу масални келтирдим:

Заковатнинг ва тилнинг кўрки сўздир, одамнинг кўрки-юз, юзнинг кўрки эса кўздир.

Одам ўз фикрини тили орқали ифодалайди, тилдан чиққан сўзлари яхши бўлса, у эътибор топади.

Назар солиб қарасанг турк беклари, турк бекларининг энг яхшилари, улар орасида энг номи машҳури ва бахти кулиб боққани Тўнга Алп эр номли бек эди.

Мушоҳадаси кенг, санъат-ҳунарлари беҳисоб кўп, билимли, заковатли сара одам ўша эди.

Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар, у талай эларни ўз тасарруфига олган эди.

Тожиклар у ҳақда китобда ёзиб қолдирганлар, бўлмаса у ҳақда ким нимани ҳам биларди.

Тажрибали киши жуда яхши сўз айтган, тажрибалилар чигал жумбоқларни ҳам еча оладилар:

Эл орасидан зулматни кўтариб зиё таратиш учун жаҳонгирларга минг турли хислат ва фазилат лозим.

## **БИЛИМ ВА ЗАКОВАТНИНГ ҚИММАТИ, ФОЙДАСИ ҲАҚИДА**

Мақсадим билим ва ақл-заковат тўғрисида айтилиши лозим бўлган сўзларни айтиш эди, мана энди айтайин:

Заковат қоронғи тундаги машъал кабидир, билим эса нур таратувчи ёруғликдир.

Заковат билан одам юксаклик олади, билим билан улуғликка эришади. Бунинг исботини Нўширавони одил мисолида кўргин, у жаҳонга заковат кўзи билан боқиб равнақ берган.

Ёш гўдакларга қарагин, то ёши етилмас экан, ақл-идрок ва заковатдан уларда нишона ҳам бўлмайди.

Ақл-идрокли ва заковатли кишилар қарисалар, хотира пасаяди, хотира пасайгач, идрок қуввати ҳам сусяди.

Агар нодон — телба ўлса, унинг учун ўлим аянч эмас, бир дарди бедаво ўртадан кўтарилган бўлади, холос.

Ақл-заковатсиз одамнинг нишонаси қанақа бўлади десанг, айтайин, ақл-заковатсиз одам ҳамма нарсадан бебаҳра бўлади.

Қадр-қиммат ва иззат-эътибор билим туфайлидир,



заковатдандир, билимсиз, заковатсиз кишининг бир кафт тупроқча ҳам қиммати йўқдир.

Қимда заковат бўлса, ўша асил одам бўлади, кимда билим бўлса, у мартабага эришади.

Бутун бўз ер юзида жамикни одамзод бор, барчаси ҳам ўз ишида илм ва билимга амал қилади.

Одам заковати туфайли асл аталади, беклар эл-халқ ишини билимга суяниб бошқаради.

Яхшилар чексиз фазилат, хислат ва мақтовга лойиқ йўриқларни заковатга амал қилганлари учун қўлга киритганлар.

Заковатнинг овозини оз дема, унинг фойдаси каттадир, билимнинг озини оз дема, унинг кишига манфаати кўпдир.

Қуйидаги тўрт нарсанинг озини оз деб тушунмаслик керак, донолар сўзини ақл қулоғи билан эшитиш керак.

Бу тўрт нарсадан бири — олов, бири — ёв, учинчиси — касаллик, яъни ҳаётга қўйилган тузоқ.

Тўртинчиси билимдир, бу тўрт нарсани арзимас деб билмагин, эҳтиёт бўлиб юргин.

Булардан ҳар бирининг фойда ва зарари беҳисобдир, зарарлари чиқим, фойдалари кирим кабидир.

Билим жавоҳир каби бир ерда тўпланиб туради, у заковатнинг конидир, бир ерда жамланиб ётади.

Мушк-анбар ва билим бир-бирига ўхшаш нарсалардир, уларни ўзидан бўлақлардан яшириб сақлаб бўлмайди.

Мушк-анбарни яширсанг, уни ҳиди ошқора қилади, билимни яширсанг, уни тилинг ошқора қилади.

Билим ўз соҳибини қашшоқ қилмайдиган битмас-туганмас бойликдир, ўғри ва қаллоблар уни ҳеч ўғирлаб ола олмайди.

Билим ва заковат одам учун мисоли бир кишандир, кишанланганлар эса яроқсиз ерларга бора олмайди.

Одам яхши кўрган отини кишанланган ҳолда тугади, керакли отини одам авайлаб сақлайди.

Кишанланган жонивор кўздан узоқ кетмайди, керак ерда юради, тушовланган жонивор йироққа кетмайди, эгаси истаган ерда бўлади.

Заковат одам учун муқаддас онт ичиб тутинган дўст кабидир, билим одам учун меҳрибон қариндошдир.

Билимсизнинг билганлари ва қилганлари ўзи учун душмандир, бошқа душманнинг кераги йўқ, шу икки душманнинг ўзи кифоядир.

Мана бу туркча масал бунга ўхшатишга жуда мос-

дир, бу масални ўқиб, кўнглингга ва дилингга жойлаб олгин:

Заковатли одам учун заковат ишончли дўстдир, жөдил одамнинг номи фақат таҳқирга лойиқдир.

Билимли учун унинг билими етарли кийим ва озуқадир, билимсизнинг қилмишлари: ўзи учун ёвуз ниятли йўлдошдир.

Эй заковатли киши, жаҳолатни ўзингдан йироқ тут, эй билимли киши, жаҳолатга йўл қўйма, номингни эзгу сақла.

Жаҳолат ва ғазаб билан шошилиб иш кўрма, борди-ю бундай қилсанг, ўз ҳаётингга зомин бўласан.

Ғазабли одам ҳамиша ўкинчли бўлади, ғазаб билан иш қилган киши шубҳасиз адашади.

Мардларга вазминлик ва хушфеъллик ярашади, кун ва ой сингари уларнинг чеҳралари очиқ бўлса айни муддаодир.

Одам мулоим, хушфеъл, очиқ чеҳрали, заковатли, билимли бўлиши керак.

Билимни саралаб, сайлаб олиш учун заковатли бўлиш керак, ишларни кўнгилдагидек битириш учун эса билим-ли бўлиш керак.

Одам яроқли ва яроқсиз нарсаларнинг фарқини кўра билса, керакли ва кераксиз нарсаларни ўрин ва жойига кўя билса,

Яхши ва ёмонни фарқлай билса ва ажрата олса, қандай ишда бўлмасин ўзини тута олса,

Шундагина барча ишлари тугал ва пишиқ-пухта бўлади, билимли кишилар овқатни пишириб сўнг ейдилар.

Бундай кишилар барча тилакларига етадилар, уларнинг барча ишлари тежөөглик ва бежөөглик бўлади.

Жаҳолат билан ғазаб одамга ашаддий душмандир, бу иккала душман дастидан жон ҳамиша азоб тортади.

Бу ҳақда доно нима деганини эшитгин, унинг сўзларига амал қилгин:

Қаҳрли одам билимсиз бўлади, ғазаб одамни заковатдан маҳрум қилади.

Жоҳиллик ярамас нарса, у кишининг билимини элтади, жаҳл келса, яхши кишидан ҳам ақл кетади.

Билимли киши нималар дейди, эшитгин, билимли киши чиндан ҳам ширин жон тенгидир.

Бир қатор нарсалар одамга душман бўлади, буларни қилишга одатланган одам бузилади ва айнийди.

Булардан бири ёлғончиликдир, иккинчиси айтган сўзнинг устидан чиқмасликдир.

Учинчиси муккасидан кетиб ичимлик ичишдир, одам ичкиликка берилса, шубҳасиз шикаст топади, умри зое кетади.

Яна бир бошқаси—ярамас феълдир, ярамас феълли одамнинг севинчи ва овунчи бўлмайди.

Яна бир ярамас нарса тубанлик ва пасткашлиқдир, бундай кишилар одамлар уйида нотинчлик келтириб чиқаради.

Яна бири аччиқ тиллилик, жаҳлдорликдир, ундайлар сўксалар, одамни ўлгандан ҳам баттар ҳолга соладилар.

Мана шу ярамас нарсалар бир кишида жам бўлса, ундан эзгу қут узоқ-узоқларга қочади.

Шундай экан ҳамиша эзгулик қилишга интилгин, эзгу кишиларнинг ишлари доимо режали ва манзур бўлади.

Қанча йиллар ўтмасин эзгулик қаримайди, ёмонлик қанча эъозланмасин, барибир азиз бўла олмайди.

Ёмоннинг ёши қисқадир, у ўкинч билан қарийди, яхшининг ёши узундир, у доим ўкинчсиз юради.

Яхши кунда янги-янги тилақларини топади, ёмоннинг мунги кунда юз чандон ортади.

## КИТОБГА НОМ БЕРИЛИШИ ВА УЗ ҚАРИЛИГИ ҲАҚИДА

Китобга «Қутадғу билиг» деб ном бердим, ўқувчини бахтга элтсин, уни яхши ишларга йўлласин, деб умид қилдим.

Ўз айтмоқчи бўлган сўзларимни китоб қилиб ёздим, шоядки унинг шуҳрати жумла жаҳонга ёйилгай.

Одам олам жаҳон бахтларга эришса бахтиёр бўлади, сўзларим чиндир.

Қиссамни Кунтуғди элиг номи билан бошлаганимнинг сабабларини айтайин, эй яхшилар.

Кейин Ойтўлди ҳақида ҳикоя қилдим, муқаддас бахтлар ва бахтиёрлик кунлари у туфайли ёрийди.

Кунтуғди дегани чин адолатдир, Ойтўлди дегани эса бахт-саодатдир.

Улардан кейин Ўгдулмиш ҳақида сўзлаганман, унинг оти заковат, у одамни улуглайди.

Ундан сўнг Ўзғурмиш ҳақида сўзладим, унинг маъниси офият демақдир.

Қиссам мана шу тўрт нарса ҳақидадир, уқиб ўқиганлар бу сўзларнинг маънисига етадилар.

Севинчларга тўлиб юривчи эй бахтиёр ёшлар, сўзларимни беҳуда тутмасдан ақл қулоғи билан тинглангиз.

Ўзни қўлга олинг, тўғри йўлдан адашманг, ёшликни беҳуда кетказмангиз, уни ғанимат тутингиз.

Ёшликнинг қадрига етинг, у бир куни сиздан шаксиз кетади, уни қанчалик қаттиқ тутманг, бир куни сиздан қочади.

Сизларда йигитлик куч-қуввати бор экан, уни зое кеткизмасдан бурчингизни бажаришга сарфланг.

Мен ёшлигимни қўмсайман, ўкиниб афсусланаман, лекин энди ўкинишларимдан заррача фойда йўқ.

Кимнинг ёши қирқ чегарасидан ошса, йигитлик даврлари у билан хайр-маъзур айтишади.

Менинг ёшим эса элликка етди, қузғун тусидек қора сочим бошимда оққуш қўнгандек оқарди.

Мени энди эллик ёшим чорламоқда, йўлда ногаҳоний ҳодиса юз бермаса, мен у томонга бораман.

Кимнинг ёши олтмишга етса, унинг ҳаловати кетади, ёзи қиш билан алмашинади.

Ўттиз ёш йиққанларини эллик ёш қайтариб олади, олтмиш ёш етиб келса, қандай кунларга солар экан, билмадим.

Эй эллик ёшим, мен сенга нималар қилган эдимки, сен менга бундай ўч билан отландинг.

Ёшлигимдаги барча ишларим ширин эди, қарилик келиб ейдиган овқатимни заҳар қилди.

Қаддим ўқдек тўғри, кўнглим ёйдек шай эди, энди бўлса қаддим ёй каби букилди, лекин кўнгил ҳануз ўқдек илгари интилади.

Ёшлик ва йигитлик йиллари менга нималарни йиғиб берган бўлса, қарилик келиб уларнинг борини қайтариб олди, у сенга ҳам келади.

Эй олампаноҳ, мени ўз паноҳингга олгин, машаққатлар билан кун, ой ва йиллар тутқуни бўлиб қолдим.

Оёқларим кишансиз чалишади, қадамлашга ҳолим йўқ, кўрар кўзларим қоронғулашди, ҳеч ёришмайди.

Ҳаловатларим кетиб, юрагимнинг ўти сўнди, йигитликнинг арғумоғи мендан йироқлашди.

Ғафлатдан уйғонгин, эй кекса ёшли киши, ўтган кунларингга ўкиниб йиғлагин.

Ғанимат дамларни беҳуда ўтказиб юбординг, энди қолган кунларингда ўзинг учун узрлар тилагин.

## КУНТУҒДИ ЭЛИГ ҲАҚИДА

Заковат ишларни ўнглайди, билим йўл-йўриқларга ўргатади, бу иккиси ўткинчи дунё сир-асрорларини англашга ёрдам беради.

Жафокор, бевафо, маккор дунёнинг барча нарсалари ва йўриқлари ёшларники каби мафтункор, лекин ўзи жуда ҳам кўҳнадир.

Унинг қилиқлари қизларникига ўхшайди, йўриқлари ҳам мафтункор.

Одамни ўзига маҳлиё қилади, ушлай деб қўл чўзсанг, тутқич бермасдан қочади.

У ўзини севувчиларни севмайди, улардан кийикдек қочади, ўзидан қочувчиларни эса оёғига ёпишиб олиб кучади.

Гоҳ қарасанг безаниб изма-из эргашиб юрадм, гоҳ кўрмагандек ерга боқиб тағофил қилади.

Гоҳ юзини тескари ўгиради, қанча тутмоқчи бўлмагин, нозланиб тутқич бермайди.

У қанчадан-қанча одамларни қаритган, ўзи сира қаримайди, талай сара кишиларни ўтказиб юборган, ўзи эса ҳамон мавжуд.

Жаҳонга бир доно, билимдон бек бош бўлган эди, унинг беклиги даврида жаҳон яшнаб-гуллаган эди.

Бу бекнинг оти Кунтуғди эди. Унинг номи машҳур, атрофга донг таратган, тахту бахти барқарор эди.

Қилмишлари тўғри, йўриқлари ўнг, сўзлари чин, ишончли, кўзи меҳрли ва ҳиммати баланд эди.

Билимли, заковатли ва ҳушёр бек эди, ёмонларга нисбатан куйдирувчи ўт, ёвга эса балогардон эди.

Жасур, салобатли, йўл-йўриқлари тўғри эди. Бу фазилатлари туфайли кундан-кунга унинг эътибори оргдл.

У сиёсатни ҳиммат билан юритар эди, чунки ҳиммат билан сиёсат жуда ярашиб тушишини билар эди.

Шоир бунга мослаб ажойиб сўз айтган, уни ўқиганнинг кўзи очилади:

Эр кишига ҳиммат ва мурувват зарурдир, ёвуз, ярамас нарсалар унинг учун ётдир.

Одамийликнинг белгиси ҳиммат билан мурувватдир, одам ўз ҳиммати ва муруввати баробарида қадрланади.

Кунтуғди элиг ўзининг эзгу феъл-рафтори билан жаҳонга кун ва ой каби нур сочиб жило берди.

У заковатлиларни ўз ҳузурига чорлаб тўплади, билимлиларни улуглаб ардоқлади.

Дунёнинг сара одамлари унинг атрофига тўпланди-

лар, барча заковатли ва билимли одамлар жам бўлиб келдилар.

Эл-юрт ишларини бир ўзи тузар ва юритар эди, егук ва сара одамларни ҳам истаб қидирар эди.

Уларнинг ўз ишига ёрдам беришларини, ишларни бошқаришларини истар эди.

Бир куни қайғуриб ўлтириб ўз-ўзига деди: Подшоликнинг иш-юмушлари ва муомалалари ниҳоятда мураккабдир.

Унинг бош оғриқлари беҳисоб, ишлари эса ундан ҳам кўпдир. Лекин мана шуларнинг уддасидан чиқадиган одам топилмайди.

Менинг бир ўзим барча эл ишларини қила олмайман, менга иш кўзини биладиган бир уддабурон одам керак.

Сара, заковатли, билимли, меҳрибон, ишончли, тўғри, тили ва дили бир, барча ишлардан огоҳ одам топшим керак.

Эр кишига кўмакчи ва ёрдамчилар керак, улар барча ишларда кўмаклашсалар, ишларни билиб-тушуниб қилсалар, айна муддао бўлади. Элиг ёрдамчи истаб топа олмади, барча ишлар ўзига қолиб кетди.

Минг қийинчиликларга дуч келди, роҳат ва фароғати баробарида меҳнат ва машаққати ҳам ортди.

Синаб сўзлагувчи саодатли одам бу ҳақда жуда ўринли гапирган:

Роҳат-фароғат истасанг, меҳнат ва машаққат унга уланиб келади.

Севинч-шодлик истасанг, меҳнат ва машаққат унга улашиб юради.

Одам қанча улғайса, ташвишлари шунча кўпаяди, бош қанча катта бўлса, шунча катта бўрк кияди.

Элиг бутун элга кўз-қулоқ бўлиб дарак солди, унга элдаги барча нарсалар маълум ва аён бўлди.

Ярамасларга барҳам берди, ёмонларни элидан суриб чиқарди.

Элини ҳушёрлик ва софлик билан бошқарди, давлати кундан-кунга ортди, ўзининг улуглиги ривож олди.

Бунга — ўшатишга шоир айтган сўзлар мос келади, шоир айтган бу сўзлар ҳар бир ишда йўл-йўриқ бўлади:

Мард кишилар ҳушёрлик ва софликни ардоқлайдилар, ғофиллик сабабли минг-минглаб одамлар ўлиб кетади.

Ҳар бир ишда ҳам ғофиллик қилма, ҳушёр бўл, ғофилларнинг ишлари ҳеч қачон кўнгилдагидек бўлмайди.

Беғам одамлар ғофиллик қиладилар, ёв босиб келганда, энг аввал ғофиллар ўладилар.

Ғофил одам кўз юмиб ғафлат уйқусига ботади, эй иродали мард, ғофил бўлма, ҳушёр бўл.

Элигнинг ҳушёрлиги элга фойда келтирди, шулар туфайли элда тинчлик ва тотувлик қарор топди.

Элда тартиб ўрнатилди, пизомлар тузилди, халқ боийди, бу бек замонида бўри қўй билан бир ариқдан сув ичадиган бўлди.

Севувчилари меҳр билан унинг шаънига мақтовлар айтдилар, унинг шон-шуҳратини эшитган душманлари бўйин эгиб келдилар.

### **ОЙТЎЛДИ КУНТУҒДИНИНГ ХИЗМАТИГА БЕЛ БОҒЛАГАНИ ҲАҚИДА**

Ойтўлди исмли бир етук киши бор эди, у элигнинг шуҳратини эшитиб, унинг хизматига боришга ҳозирлик кўра бошлади.

У навқирон, хушфеъл, вазмин, заковатли, билимли, ақл-хушли эди.

Шу даражада хушрўй ва ёқимтой эдики, қараганда кўзлар қамашарди, сўзлар ҳам шунчалик ширин эдики, тилдан шаҳду шакар ва ҳақиқат ёғар эди.

Барча санъат ва ҳунарларни мукамал ўрганиб олган, эзгу фазилатларга тўлиб-тошган одам эди.

У ўз-ўзига деди: Мен бунча санъат-ҳунарларим ва фазилатларим билан нега беҳуда юрибман, элиг ҳузурига бериб унга хизмат қилай.

Элиг заковатли, билимли, тадбирли одам эмиш, у санъат-ҳунарли, фазилатли одамларни истаётган эмиш.

Менинг санъат-ҳунарларим ҳам элигнинг ишларига ярасин, унинг кўнгли шодлансин, менинг ҳам дикқатларим ёзилсин.

Шоир сўзини бунга мослаб айтган: Заковат қадрини заковатли билади, мабодо билим сотилгудай бўлса, уни фақат билимли олади.

Телбалар билим қадрини қайдан билсинлар, билимни қаерда бўлса ҳам билимдилар биладилар.

Билимнинг қадрини билимли билади, гавҳарнинг қимматини ҳам заргаргина билади.

Ойтўлди тугал ҳозирлик кўриб элигнинг хизматига отланди ва унинг ҳузурига йўл олди.

У ўз-ўзига айтди: Мен узоқ йўлга отландим, элигнинг хизматига йўл олдим.

Бегона элда, мусофирчиликда маблағ керак бўлади, сармоя ва маблағ бўлмаса, одамнинг юзи сарғаяди.

Сафарда ва мусофир юртда албатта маблағ керак, тириклик сарф-харажатларига бу маблағ асқа-тади.

Билими денгиз каби чуқур одам нима дейди, эшит, у сўзнинг маъносини жуда яхши ечади:

Кимда-ким эл-юрт хизматини қилмоқчи бўлса, унга икки нарса албатта зарурдир: бири — саломатлик, иккинчиси — маблағ.

Ойтўлди ўзи билан олтин-кумуш, мол-товарлар олиб олди, эҳтиёж туғилганда керак бўлиб қолади, деб ўз ғамини еди.

Уйидан чиқиб узоқ йўл юрди ва охири элиг томонга етишди. У ўз кўнгли орзу қилган истакларига эришди.

Шаҳарга кириб қўниш учун жой излади, жой топа олмади, олам кўзига қоронғу бўлиб кетди.

Ночор бир мусофирхона топиб ўша ерга тушди, кечани ўша ерда ўтказди, сабр-чидам билан тонг оттирди.

Сўзни билимдан олиб сўзловчи доно нималар дейди, эшит:

Одам ёлғиз боши бегоналар орасига кириб қолса, таниш-билишсизлик одам учун мушкул бўлади.

Таниш-билишсизлик мисоли нобийноликдир, нобийно йўлдан адашса, уни ёзғирмаслик керак.

Агар одам ҳеч кирмаган эл ичига кириб қолса, ундай киши уятчан келинлар каби тили лол бўлиб сўзлашга ийманади.

Ёт-бегоналарни ярлақаш, уларни едириб-ичириш керак, мусофирларга эътибор қилиб сийлаш керак.

Ётларни сийлаганнинг юзи ёруғ бўлади, мусофирларни сийлаганнинг шухрат-таърифни атрофга ёйлади.

Одам учун ҳар ерда ҳам таниш-билиш керак, ҳар қандай иш ҳам таниш-билишлар кўмагида битади.

Ойтўлди бир қанча муддат шу тарзда юрди, ғарибликнинг ғам-ташвишлари рангини сарғайтирди.

Аста-секин одамлар билан танишди, ёр-биродарлар орттириб, чеҳраси ҳам очилди. Катта-кичик танишлар билан дўстлашди.

Ойтўлди Кўсамиш исмли бир яхши киши билан қаттиқ дўст тутинди, унга ўзи кимлигини, нима мақсадда келганини, дил сўзларини айтди.

Ўз ватанидан қандай чиқиб келгани-ю, барча кўриб-кечирганларини унга бир-бир сўзлаб берди.

Элигга энг яқин Хос Ҳожиблик лавозимида бир одам



бор эди. Ҳукм ва фармонларда унинг сўзлари элиг сўзлари билан баробар эди.

Кўсамиш бир куни унинг ҳузурига борди, ҳузурига ижозат сўраб кирди ва унга Ойтўлди ҳақида гапириб берди.

Хос Ҳожиб сўзларига диққат билан қулоқ берди ва тилак-мақсади нима эканини аниқ ва равшан сўраб-суриштирди.

Кўсамиш ҳам барча мақсадларини, ўзи кимлигини, нима учун келганини очиқ-равшан айтиб берди.

Эрсиг исмли бу Ҳожиб Кўсамишга бундай деди: Олдин Ойтўлди менинг ҳузуримга келсин, мен уни кўрайин, у мени кўрсин.

Мен бу ҳақда элигга хабар берайин, қачон келгани ва элиг билан учрашиши вақтини тайин қилайин.

Кўсамиш у ердан туриб чиқди. Қайтиб келиб Ойтўлдига бахтинг кулиб боқди, деб уни хушнуд этди.

Энди юр, Ҳожибнинг ҳузурига борайлик, сен у билан танишгин, нима истакларинг бўлса ундан тилагин, деди.

Яна деди: «Ҳожиб сени кўрсин, сен билан танишсин, сўзларингни ўз оғзингдан эшитсин, нима тилагинг бўлса, унга ўзинг сўзлагин».

Мен сен ҳақингда унга ҳамма нарсани тушунтириб айтдим, яна мenden тушунарлироқ қилиб ўзинг ҳам гапириб бергин».

Тили чин, сўзи тўғри киши жуда яхши сўзлаган, назар солиб қарасанг, унинг сўзлари мутлақо ҳақиқатдир:

Бир киши бошқа кишининг сўзларини такрорлайди, холос, ҳар бир киши ўз ишига ўзгандан кўра яқинроқ бўлади.

Одамнинг яқин кишилари қанчалик кўп бўлгани билан, унга ўзидан меҳрибонроқ одам бўлмайди.

Агар ўзинг учун меҳрибон киши истасанг, ўзингга ўзингдан меҳрибон йўқ.

Ойтўлди кийимларини кийиб Кўсамиш билан элиг саройи томон борди.

Элигининг даргоҳига етиб келди ва ичкарига кирди. Ҳожибнинг хизматкори уни кутиб олди.

Кўсамиш ичкарига кириб, қайтиб чиқди ва Ойтўлдини чорлаб, Ҳожиб ҳузурига олиб кирди.

Ҳожиб қарши олиб тўрдан ўрин кўрсатди, ширин сўзлар билан ўлтиришга таклиф қилди.

Ҳожиб ундан кўнгил сўради, қаерга қўнганини, қўноқ жойи қандай эканлигини сўраб-суриштирди.

Унинг мақсадлари нима, қандай ишлар билан шуғулланиши, нималар кераклиги ҳақида сўради.

Ойтўлди жавоб бериб айтди: Эй саодатли Ҳожиб, Кунтуғди элигнинг номи, шуҳрати, билим ва заковати таърифини эшитдим.

Тилагим шуки, элигга хизмат қилсам, агар Ҳожиб жаноблари лозим кўрсалар, арзимни элигга баён қилсалар.

Ҳожибга Ойтўлди маъқул тушди, унинг шаънига яхши сўзларни айтди.

Хушрўйлик, хушфеъллик, тўғрилик ва барча эзгу фазилатларни унда мужассам кўрди.

Севикли одам ҳақида нималар дейилганини эшит, ўзига мафтун қилувчи кишининг нуқсонлари фазилатнинг бошланиши бўлади:

Киши севса, суюқлининг айблари унга фазилат бўлиб туюлади, агар севмаса, фазилатлари нуқсон бўлиб кўринади.

Бу ҳақда ибратли сўз мавжуд, унинг маънисини уқиб олгин:

Кўнгил кимни севса, унинг нуқсонлари фазилат кўринади, барча терс ишлари ўнг, камчиликлари тўқислик бўлиб кўринади,

Севилганнинг бутун борлиги севимли туюлади, кўрувчи кўз ўнгида нуқсонлари кўзга кўринмайди.

Ҳожиб Ойтўлдига айтди: Сабр қилиб кутиб тур, мен қайси кун келишингни ва қачон учрашингни элигдан сўраб билайин.

Унга сен ҳақингда гапирайин, сўнг у ўзингни кўрсин, яна қадрингга етмай ўтирмасин, қадрли тутсин.

Мен сенга кераккча қараб тураман, барча лозим ишларингнинг тараддудини кўраман, деб кўнглини кўтарди ва ваъдалар берди.

Одамларнинг яхшиси мана шундай бўлади, ўзгаларнинг мушкулларини осон қилади.

Барча ишларни тушуниб бажарувчи, халққа бошчилик қиладиган киши нима дейди, эшитгин:

Кимнинг бошига давлат қуши қўнса, у халққа эзгу сиёсат юритиши керак.

Ким халқни идора қилиш эркини олса, феъли мулоийм, йўриғлари яхши бўлиши керак.

Халқ орасида кимнинг ҳукми равон бўлса, тили ширин, ўзи хушмуомала бўлиши керак.

Бу давлат бевафо, у ҳам тузади, ҳам бузади, у шунчалик қўнимсизки, йиғилгач яна тўзиб кетади.

Бу ўткинчи қутга ишонма, яхшилиқни касб эт, қут бугун бу ерда бўлса, эртага у ердадир.

Ўткинчи қут билан мағрурланмагин, у келиб яна қайтиб кетувчи бир омонат нарсадир.

Эй давлат соҳиби, давлатим безавол бўлсин десанг, фақат эзгулик қилгин.

Беклик ва улуғлик мартабаси сенга насиб бўлса, ўзингни камтар тутишни мақсад қилиб олгин.

Ҳожиб яна айтди: Сен бахт камарини боғладинг, энди шод яшагин.

Сен қўнимли бўл, хизмат бурчини ўтар пайтларда шошилма, берк эшиклар ҳам вақти-соати келганда очилди.

Бу ҳақда доно жуда яхши сўз айтган, бу сўзлар ипак матодек қимматлидир:

Қим ишда шошилса, ҳовлиқса, у албатта кеч қолади, шошилиб қилинган ишларнинг охири вой бўлади.

Ишнинг фурсатини кутиш, шошилмаслик керак, ҳамма иш вақт-соати келганда битади.

Ойгўлди барча сўзларни тинглади, ўз-ўзига деди: Бир оз сабр қилайин.

Ҳожиб мени кўрди ва сўзларимни эшитди, қулай вақт-фурсатини ўзи тайин қилсин.

Ҳожиб жаноблари мени қайси вақтда истасалар, мен ўша пайтда келай.

Ойгўлди у ердан чиқди, уйига келиб кирди, тун чўкди.

Ҳожиб Ойгўлдини кўргач, унинг феъл-рафтори ва йўриқлари бошқаларникидан ўзгачароқ эканлигини кузатди.

Билимли, заковатли, одамлар орасида сара бундай кишини кўрмаганман, деди.

Элигга худди мана шундай одамлар керак, элигга керак нарсалар эл-юртга керак.

Бу сифат кишилар жуда ноёб бўладилар, ноёб нарса ноёблигини қилади, чунки у ўз оти билан ноёбдир.

Қайси нарса ноёб бўлса, ўша нарса арзанда бўлади. Арзанда нарсани истаб топиб бўлмайди, одам кўп заҳмат чекади.

Турли санъат-ҳунар кишиси ҳар бир нарсада ва ишда фойдалидир,

Шу санъат-ҳунарлар билан киши орзу-тилақларига етади.

Қулай фурсат топиб Ҳожиб элигга Ойгўлдиннинг бор фазилатлари ҳақида сўзлаб берди.

Унинг хулқи, феъл-атвори, дониши, билими, заковати ва бошқа сифатларини бир-бир санаб берди.

Элиг диққат билан эшитди ва айтди: Қани, келтир, у қаерда, мен уни бир кўрайин.

Мен шундай одамни қидирар эдим, токи менга кўмаклашиб беклик ишларига бош бўлса.

Барча тилакларимга етдим, биргина истагим шуки, мана шундай кишига ҳожатим бор.

Бор, уни менинг олдимга тезроқ олиб кел, хизмагимга келтир.

Ҳожиб туриб чиқди, эшик олдига келиб, гап тайинлаб бир ўғлонни юборди.

Бу ўғлон тез етиб келиб, унинг сўзларини Ойтўлдига егказди.

У кийиниб, хурсанд бўлиб йўлга отланди.

Отини мишиб элиг даргоҳига келди ва отидан тушиб, Ҳожибнинг ҳузурига келиб, унга кўринди.

Ҳожиб унга ҳурмат кўрсатиб, тўрдан ўлтиришга ўрин берди. Ойтўлди ҳам одоб билан келиб ўлтирди.

Элиг айтди: Уни чақир, менинг ҳузуримга кирсин, мен уни кўрайин, у ҳам мени кўрсин.

Ҳожиб чиқиб Ойтўлдига айтди: Тур, бориб элигга кўрингин, бахт камаринг боғланди.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА КЎРИНИШИ ҲАҚИДА

Ойтўлди кириб таъзим билан элигга кўриниш берди, элигнинг кўнгли ёзилиб, кўзида қувонч нурлари порлади.

Ойтўлди элигга таъзим қилиб дил сўзларини очди, такаллум билан элигнинг юрагига йўл топди.

Элиг айтди: Ўзинг кимсан, отинг нима, қаердан бўласан, ўз элингдан ғариб бўлиб келишингнинг боиси нимада?

Ойтўлди осойишталик билан сўз бошлади, фасоҳат билан фикрини баён қилди.

Вазминлик ва олийжаноблик заковатли кишининг сифатларидир, заковатсиз кишиларнинг ҳайвондан фарқи йўқдир.

Шоир мана бу шеърни бунга мослаб айтган: Ишинг биғишини истасанг, уни сабр билан қил.

Ишга шошилиб киришма, сабр қил, қаноатли бўл, чунки шошилиб қилинган ишнинг кетида аттанги бўлади.

Барча ишда ҳам шошилма, сабр-чидамли бўл, ўзинг-

ни тута бил, сабр-чидамли одам улуғ мартабага эришади.

Ойтўлди жавоб берди: Эй саодатли элиг, қуллик отига хизмат ярашади.

Менинг отим қул, ўзим хизматкорман, ўрним эса эшик олдидир, феъл-атворим—одамийлик, қиладиган ишим — хизмат.

Узоқ йўл юриб сенинг хизматингни ният қилиб келдим, орзу-умидларим ушалиб, энди тилагимга етдим.

Сендан илтимосим шуки, мени қайтариб юбормасдан ва кўнглинг иримасдан ўз хизматингга яқин тутсанг.

Бу сўзларни эшитгач элиг хурсанд бўлди, у ўзи орзу қилгандек одамни топган эди.

Элиг айтди: Эй Ойтўлди, мен сени кўрдим, сенинг очиқ чеҳранг ва хушфеъллигинг мени мафтун этди.

Ишнинг вақт-фурсатини билиб сидқидиллик билан хизмат ўта, даргоҳимда илдам бўл ва менга яқинлик боғла.

Сендан хизмат, мenden мукофот бўлсин, хизматларинг манзур тушса, сенга бахт эшиги очилади.

Бундан буён оғишмасдан хизматимни ўта, беклар хизмат сингдирган хизматчисини тақдирлаб, ўз бурчинини ўтайди.

Ойтўлди таъзим қилиб айтди: Элиг кимга кулиб боқса, унинг бахт эшиги очилади.

Мен ўз ватанимдан чиқиб хизмат қилмоқ учун келдим, сен томонга юзланиб, узоқ йўлни босиб ўтдим.

У ўрнидан туриб севиниб, кулиб ташқарига чиқди. қулфи дили очилиб, севинчдан кўзлари машъалдек ёришиб кетди.

Бахти кулган, қувноқ киши нима дейди, эшит, бахти туфайли тилак-орзуларига тугал етади.

Беклар кимга кулиб боқсалар, унинг бахти очилиб, қувончларга тўлиб-тошади.

Беклар кимни ўзларига яқин тутсалар, унинг учун барча нарсага йўл очилади.

Бек қутдир, агар ким бу қутга яқинлашса, барча тилакларига етади, ҳожати раво бўлади.

Шу вақтдан бошлаб Ойтўлди хизмат қила бошлади, барвақт туриб элиг даргоҳида ҳозир бўлишни канда қилмади.

Кундузлари хизмат назоратчилигида, кечалари соқчилик назоратчилигида турди, оғишмасдан садоқат билан хизмат ўтади.

Элиг ҳузурига кириб-чиқиб хизмат қилиб юрди, элиг ҳам унга яхши кўз билан қараб кузатди.

Кундан-кунга хизматига янги-янги хизматлар қўшила борди, элиг ҳам уни ортиқ қадрлайберди.

Беклар хизматкорларини хизматлари баробарида қадрлайдилар.

Хизматларини манзур қила олган хизматчи улуғликка эришади.

Бунга мослаб доно нима деганини эшитгин:

Ҳеч нарсага эришмаган одам хизмат туфайли тўрдан ўрин олишга эришади, ҳеч нарсага ярамайдиган одам бирор ишга яраб қолса, пойгакдан бўлса ҳам ўрин олади.

Хизматкор оғишмай хизмат қилиши керак, шундагина у мақсадларига етади.

Ойтўлди кундан-кунга дилга яқин бўлиб, эътибори орта борди, қайғу-ташвишлари камайиб, севинчлари ортди.

У тобора хизматга жадалроқ киришиб кўникиб борди, элигнинг ҳам унга марҳамати ортиб, давлати зиёда бўлди.

Элиг Ойтўлдини узлуксиз кузатиб синади, ўзи тиланган хизматчига эришганига амин бўлди.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЎЗИ ДАВЛАТ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА

Элиг бир куни ёлғиз ўзи ўлтирганда Ойтўлдини чорлади. У хурсанд бўлган кўйи кириб келди.

Киргач, Ойтўлди элигнинг қаршисида тик турди, элиг имо билан кел, ўлтир, деган ишорани қилди.

Ойтўлди ёнидан тўп чиқариб ерга қўйди ва ястаниб унинг устига ўлтирди.

Элиг унга ҳар хил билимлар тўғрисида саволлар берди. Ойтўлди фасоҳат билан жавоб қайтарди.

Элиг севиниб чеҳраси очилди, уни кўриб Ойтўлди кўзларини юмиб олди.

Элиг сўзлашдан тўхтади, бошқа ҳеч гапирмади. Ойтўлди ҳам кўзини юмганича ўлтирди, уни қайта очмади.

Элиг сўзни давом қилиб яна сўрай кетди. Ойтўлди жавоб бераверди, лекин унинг қовоғи солинган эди.

Элиг атрофлича имтиҳон қилиб синаб кўрди, билими, заковати ва зеҳнини тугал билиб олди.

Элиг тасалли топиб, очиқ чеҳра билан унга қаради. Ойтўлди эса юзини четга ўгирди.

Элиг қаҳрга келди, юзини ғазаб қоплади ва деди: Аф-сус; мен шошдим, шошқалоқлик эса одамга ярашмайди.

Ишонч ҳосил қилишда мен янглишдим, ўзимнинг бу хатоимни қайси тил билан айтайин.

Билимдон сўзини эшитгин, у нима деган: Шошиб қилинган ишнинг аттанги йилларга чўзилади.

Шошиб қилинган ишлар қанчалик нохуш бўлади, шошиб пиширилган овқат истеъмол қилинса, у одамни дардга гирифтор қилади.

Шошқалоқлик — бу адашган одамларнинг иши, сабр-лилик эса эзгу одамларнинг ишидир.

Менинг шошқалоқлигим шу эдики, сени яхши синамасдан, хизмат қилдириб кўрмасдан ўзимга яқин тутдим.

Ҳар қандай бек ҳам ўз хизматчи қулини аввал хизматда синаб, сўнг унга иш топширса яхши бўлади.

Уни хизматда обдон синаб кўриб пухта билиб олиш, сўнг унга хизмат буюриш ва улуғлаш керак.

Ойтўлди унга айтди: Эй саодатли элиг, нима учун қаҳрланиб дарғазаб бўлдинг.

Гуноҳим нима, ўзим билан олмаётирман, уни айтиб берсанг, сўнг сўзларимни тингласанг.

Агар гуноҳкор бўлсам, менга жазо бер, ихтиёр сенда. Борди-ю айбим йўқ бўлса, менга ғазаб қилмасанг.

Таълимда бунга мос сўзлар бор, қиёс қилиб кўрсанг, жуда тўғридир.

Хизматкор адашса, уни чақириш керак, нима учун адашганини сўраб билиш керак.

Гуноҳи бор бўлса, тутиб жазолаш лозим, агар йўқ бўлса, тақдирлаб хурсанд қилиш керак.

Элиг яна қаттиқроқ ғазабланиб сўз бошлади ва айтди: Эй нодон, эй йўлдан озган киши,

Сен ўзингга бир қара, менга ким бўласан, сен бу фазилаглари қаердан олаётирсан?

Менга хизматлари бор десам, ҳали хизматларинг сингмаган, фойдаси теккан дейдиган бўлсам, ҳали нафнинг текканича йўқ.

Ҳали сендан арзирли хизмат кўрмасдан илтифотлар кўрсатдим, лутф билан сенга жой бердим. Сен эса мени назар-писанд қилмадинг.

Остингга тўп қўйиб дарҳол ўлтиришга ҳозирландинг. Бу қандай ўлтириш жойи, менга тушунтириб бер.

Мен сенга сўзладим ва сенинг сўзларингни тингладим. Сен кўзингни юмиб олдинг, мен ҳайратда қолдим.

Мен сени кечирдим ва яна сўзладим, нима учун сен юзингни четга бурганингни айтиб бер.

Дононинг сўзини эшитмаганмисан. Бекка яқин бўлсанг эҳтиёт бўлгин, деган у.

Отанг ёки онанг ўзингни бегингга тенг қилмагин, деб айтмаганми?

Хайл бошинг бегингни беобрў тутмагин, эҳтиёт бўлгин, деб тушунтирмаганми?

Беклар мисли олов бўлади, сен бу оловга яқин бормагин. Агар боргудек бўлсанг, унинг куйдириши аниқ.

Ғофил бўлмагин, беклар ёниб турган олов кабидир. Ким ёнаётган оловга яқинлашса, унинг ҳолига вой.

Беклар алангаланиб ёнаётган ўт мисолидирлар, ким унга оёқ босса, у ўт куйдиради ва қонини қуритади.

Беклар тик боқсалар, одамга даҳшат соладилар, қўрқмаганларни куч билан қўрқитадилар.

## ОЙТУЛДИ ЭЛИГГА ДАВЛАТ СИФАТЛАРИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА

Ойтўлди кулиб бу сўзларни тушуниб уққанни айтди ва мendan сўраган саволларингга жавоб берайин, деданда, сўзга тил очди:

Мен сен айтган ҳамма нарсаларни тушундим. Энди сен ҳам ушбу нарсаларни тушуниб олишинг керак бўлади.

Менинг ҳузурингга келиб сенга намойиш қилганларимнинг барчаси қилиқларим ва йўриғим эди.

Менга жой кўрсатдинг, лекин мен ошиқиб ўлтирмадим. Сабаби, мен учун ўрин йўқ, сен буни тушунгин, дедим.

Тўпни ерга қўйишимнинг боиси, ўз табиатимни сенга кўрсатмоқчи эдим.

Тўп бирор ерда муқим турмасдан айлангани каби, мен, яъни давлат ҳам тўп каби бир ерда қарор топмасдан кезаман.

Сен менга бино қўйиб қараганингда кўзларимни юмишимдан мақсад, ўзимнинг қанақа эканлигимни сенга кўрсатиш эди.

Мен, яъни давлат, бир кўзсиз кўр каби, менга ким илашиб қолса, унга қаттиқ ёпишиб оламан.

Сен савол қилдинг, мен жавоб бердим. Сен меҳр кўзи билан қараганингда, мен юзимни четга олиб яширдим.

Бунинг сабаби сенга ўз қилиқларимни намойиш қилмоқчи эдим ва менинг қилиқларим бевафолик, менга бино қўймагин, демоқчи эдим.



Бошидан кўп ишларни кечирган оқсоқол туркча масални айтиб нима қилмоқчи бўлган, эшит:

Эй бахтиёр киши, ўткинчи, бевафо қутга ишонма, қўшимсиз давлат учун ғафлатга ботма.

Оқар сув, равон тил, бахт-қут бир ерда турмайди, улар ўткинчи, бир ерда туриб қарор топмайди, жаҳонни кезиб юради.

Қут-давлат ишончсиз, бақоси йўқ ва бевафодир, ёнингда юриб кетаётиб қўққисдан учиб кетади, оёғи ҳам тайғончиқдир.

Элиг унга айтди: Барча сўзларингни тушундим, таги-га етдим, бу билан сен ўз гуноҳларинг учун узр сўрадинг ва халос топдинг.

Сен энди ўз санъат-ҳунарларинг ҳақида гапириб бер, сенинг ўктам тилингдан ажойиб қимматли сўзлар чашмадек оқиб чиқди.

Ойтўлди айтди: Менинг санъат-ҳунарларим ва фазилатларим жуда ҳам кўп, одамларга баҳра насиб бўлса, мендан бўлади.

Менинг қилиқ-йўриқларим тўғри, ўзим навқиронман, барча бек ва буюк кишиларга эзгуликларга эришиш учун ўзим йўлдирман.

Юз сувратим чиройли, қилмишларим матлуб, барча тилаган тилакларга қўлим етади.

Мен қаерда юрсам, тамоми тилак-орзулар менга эр-гашиб кетимдан югуриб юради.

Роҳат-фароғат ҳамиша мен билан, машаққат мендан тўзиб қочади, шодлик донмо мен билан, қайғу-алам менга бегонадир.

Ким мен билан ўчакишса, қийналиб ўлади, агар ким бўйин эгса, орзуларига етади.

Мени урайин деганнинг ўзи урилади, мени янчайин деганнинг ўзи янчилади.

Бунга ўхшатиш учун мана бу сўзлар жуда мос келади, уни эшитиб, маънисини чақиб ол:

Қут-давлат қайда бўлса, унга бўйин бер ва яраш, агар унга эришсанг, қайғу-алам билан кураш.

Бахт кулиб боқса, одамнинг ҳаёти бахтли кечади, орзуларга тўлиб, қут-давлат билан...

Элиг айтди: Сенинг фазилатларингни билиб олдим, нуқсонларинг ҳам борми, улар ҳақида гапир, мен билайин.

Ойтўлди жавоб берди: Менга халал берадиган нуқсонларим йўқ, лекин одамлар барибир ғийбат қилдилар.

Менинг нуқсоним шуки, одамлар мени бевафо деб, бошқаларга айтиб ёмонлаб юрадилар.

Беқарорлигим мен учун нуқсон эмас, мен ўзим учун янги-янги сифатлар жамлайман, холос.

Барча эски нарсалар зерикарли ва ёқимсиз бўлади, ёқимсиз бўлган нарсалар манфур бўлади.

Янгилликларга эришиш мумкин бўлганда эскиликлар нима учун керак?

Тўқис нарсалар турганда ярамас нарсалар нимага керак?

Барча ҳузур-ҳаловат янги нарсаларда бўлади, ҳузур-ҳаловатни истаб одам кўп машаққатлар тортади.

Менинг мана шу қилиқларим учун бевафо деб ёзғирадилар, шу номим учун менга айблар тақадилар.

Жасур киши бунга ўхшатиб очиқчасига сўз айтган, унинг маъниси бу айтилганларга исбот бўлади:

Тириклик деган нарса елдек ўтиб кетади, у қочади, уни қувиб етиб бўлмайди, ҳеч ким тута олмайди.

Бу ўткинчи қутга ишониб маст бўлма, у келади ва яна тез кетади.

Бу давлатга бино қўйма, унга эришганинг ҳамона яна йўқотасан.

Агар қут-давлат беқарор бўлмаганда эди, қандай ажойиб бўларди!

Давлат келиб яна кетмаганда эди, ёруғ кунлар қоронғулашмаган бўларди.

Элиг деди: Сенинг беқарорлигингни тушундим. Юз ўгириб кетаётган ерингда сени маҳкам тутиб қолишнинг чораси борми?

Ойтўлди айтди: Менинг қилиқларим кийикники каби-дир.

Мени истаб қидирганлар зинҳор топа олмайдилар, борди-ю топсалар ҳам, тута олмайдилар, уринишлари зое кетади.

Мени қўлга киритган одам қаттиқ тутиб ушласа, мен ундан қочмайман, бу сўзларим қатъий.

Элиг айтди: Сени маҳкам тутишнинг иложи борми, у нималардан иборат? Сени қандай қилиб қўлдан чиқармай тутиш керак?

Ойтўлди жавоб берди: Мени маҳкам тутиш учун пишиқ кишан зарур, у бир қанча нарсалардан иборат, улардан сенга белгилар берайин.

Мени қўлга киритган киши камтар бўлиши керак, кўнгли мулойим, тили ширин, сўзи юмшоқ бўлиши керак.

У ўзини эҳтиёт тутиши, зинҳор мағрурланмаслиги, ярамас ишларга яқин бормаслиги керак.

Инғилган нарсаларини жой-жойида тутса, қилиқлари ва феъл-рафторларига яраша йўл тутса.

Ўзидан улуғларга ҳурмат кўрсатиб хизмат қилса, ўздан кичикларга нисбатан ширин сўз бўлса.

Мағрурлик билан одамларни камситмаса, ўздан кичикларнинг устидан кулиб оёқости қилмаса.

Беҳудалик билан майхўрликка муккасидан кетмаса, беҳудага ва бекорга нарсаларини созуриб юбормаса.

Қимор ва гаровга аралашмаса, феъли-хулқини тўғри тутса.

Мана шуларнинг барчаси беқарор қутнинг белгиларидир. Қут мана шунақа, у қанақасига қочмай туриб қолади.

Шоирнинг сўзлари бунга гувоҳлик беради, бу сўзлар сўзга шаҳду шакар қўшади.

Қут-давлат кийик кабидир, у одамдан қочади, агар қўлга кирса, уни тушовла ва тизгинлаб ол.

Элиг айтди: Эй қут, сенинг сифатларингни тушуниб олдим, қаттиқ кўнгил қўйган эдим, сен бўлсанг мендан юз ўгираётирсан.

Бу беқарорликларинг, бевафолигинг бўлмаганда эди, сенинг келишинг қандай яхши иш бўларди!

Афсус, сен беқарор ва бевафодирсан, вафо кўрсатмоқчи бўласан, лекин жафо қиласан.

Отадан ва онадан ҳам меҳрибонроқ бўлиб, ардоқлаб кафтингда тутасан.

Гоҳо кўрмаганликка солиб тағофил билан юз ўгирасан, барча қилиқ ва сўзларинг тубдан ўзгаради.

Давлатни терасан, жамланса яна қайта сочасан, ким сени чорлаб юз урса, сен унга эшигингни ёпасан.

Ойтўлди айтди: Эй олийзот элиг! Нуқсонларим ва фазилатларимни номма-ном санаб бердим.

Мени ким қўлга киритиб қаттиқ тутайин деса, бунинг чораларини айтиб бердим, уддасидан чиқса энди мени тутсин.

Мени тутган киши бошбоғ урмаса, кийикдек қочаман, ким ҳам ета оларди.

Синаган қари нима дейди, эшит. Синаган қариларнинг сўзлари сўзларга асос бўлади:

Бахт-қут келади. Агар уни тута билмасанг, у яна кетади. Қўлингга кирган нарсани тута билмасанг, у чиқиб кетади.

Беқарор қутни қўлингга киритсанг, уни маҳкам уш-

лагин. Агар ушлай олмасанг, у қўлдан чиқади, бунга ишонгин.

Элиг айтди: Сенинг фазилатларингни тушуниб олдим. Отингнинг Ойтўлди аталишининг боиси нимада?

Менга айтиб бер, бунинг маъниси нима? Мен уни уқайин ва ишонч ҳосил қилайин.

Ойтўлди жавоб берди: Доно менинг қилиқларимни ойга ўхшатиб, отимни Ойтўлди қўйган.

Ой туғилганда жуда кичкина бўлиб туғилади. Кундан-кунга катталлашиб боради ва юқорига кўтарилади.

Тўлишиб тўлин шакл олганда оламни ойдин қилади, олам халқи унинг ёруғидан баҳра олади.

Ой тугал тўлишиб энг юқорига кўтарилгач, яна аста-секин олқиниб камаё боради, чиройи ҳам барҳам топади.

Ёруғлиги ҳам камаёди ва тамоман йўқ бўлади. Кечаси чиқиб оз-оздан яна қайта тўлишади.

Мен ҳам мана шу ой кабидирман, гоҳо бор бўламан, гоҳо йўқ бўламан.

Заифу нотавон кишиларга дуч келсам, уларнинг кўрки ортади.

Менга эришгач, бойиб шуҳрати ёйилса, мен ундан узоқлашаман, унинг обрўи ҳам кетади.

Унинг йиғилган нарсалари яна сочилиб кетади, аҳволи бурунгидек бўлиб қолади.

Шоир сўзи бунга ўхшатишга жуда мос келади, шоирнинг сўзи — билимсизлар учун ўткир кўрар кўз кабидир:

Одамнинг бахти кулиб боққанда, унинг донғи таралади, у янги ой каби кундан-кунга ортиб боради, ёруғлиги ортади.

Қут-давлат бевафо телба кабидир, унга кўнгил боғламагин, у тўлин ой каби яна олқинади.

Мен сенга яна бир нарсани айтайин, менга қулоқ бергин.

Ойнинг ўрни ўзгарувчан уйдир, у узлуксиз ҳаракат қилади, ўзгаради, унинг муқим ўрни йўқдир.

Ойнинг маскани Саратон буржидир. Бу маскан беқарор, у айланувчандир. Ой ҳам у билан бирга тинмай чарх уради.

Ой қайси уйга (буржга) кирса, у ердан тез чиқади, янгидан чиқадиган буржига йўналиб, ботган масканини (буржини) тарк этади.

Мен ҳам айнан ойга ўхшайман, тарзи рафторим гоҳо пастга кетишдан, гоҳо юксалишдан иборат.

Келаман, кетаман, илгарига интилиб юраман, чарх уриб оламни кезаман, муқим ўрним йўқ.

Шу мазмундан донишманд сўзини жуда нозик йўйиб, менинг отимни Ойтўлди деб атаган.

Мана, мен, яъни қут-давлат Шарча нуқсон ва фази-латларимни, дардларимни ва унинг даволарини айтиб бердим.

Мен сенга очиқчасига сўзладим. Қайтармоқни иста-санг, қайтариб юбор, олиб қолмоқчи бўлсанг, олиб қол.

Элиг айтди: Барча сўзларингни эшитдим. Сўзларинг дилларни ёритди, ўзинг ҳам маъқул бўлдинг.

Мен сендек одамни орзу қилар эдим. Сени тақдир-нинг ўзи ато қилди.

Бундан буён мен тинмасдан, оғишмасдан бунинг шук-ронасини қилишим керак.

Бизларга китоб ёзиб қолдириб, ўзи ўлиб кетган доно нима дейди, унинг сўзларига қулоқ бер:

Эй неъматларга эришган одам, шукр қилгин! Шукр қилсанг, неъматларинг яна ҳам ортади.

Неъматга эришган одам тезда ўзини унутиб қўяди. Агар у шукр қилса, неъмат ундан юз ўгирмайди.

Озгина яхшиликка ҳам кўп шукр қилгин. Агар неъ-матинг кўп бўлса, унинг қадрини билгин.

Шукр қилсанг, бир неъматинг ўн бўлади, биринг ўн бўлади ва уйингга бойлик тўлади.

Элиг Ойтўлдига таҳсинлар айтди ва деди: Туну кун менга яқин тур.

Талай ҳадялар берди ва кўп таҳсинлар айтди, тақ-дирлаб кўп олтин ва кумушлар инъом қилди.

Элиг давлат ишлари ҳақидаги барча сўзларни айтиб берди, бу ишларга асқатадиган билим ва заковатларига умид боғлади.

Ойтўлди қадр-қимматлар кўриб, унга холис, тўғри ва сидқидил билан хизмат ўтади.

Ойтўлди анча муддат шу тариқа юрди, элиг уни си-нади. Ўзи етишган кишисини барчадан етук топди.

## **КУНТУҒДИ ЭЛИГ ОЙТЎЛДИГА АДЛ БЕЛГИЛАРИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Элиг бир куни ёлғиз ўзи ўлтириб, хилватда ёлғиз-ликдан сиқилди.

Ойтўлдини чорлади ва киришга ижозат берди. Ойтўл-ди кириб қўл қовуштириб турди.

У элиг қаршисида бир муддат тик қолди. Элиг ҳам бир муддат сўзламай жим ўлтирди.

Сўнг элиг унга қараб кўзи билан нмо қилди, кел, ўлтир, дегандек ишора қилди.

Ойтўлди эҳтиёт билан оҳиста ўлтирди, кўзини ерга тикди, юраги сиқилди.

У элигга яширинча назар ташлади, элигнинг қовоғи солиқ, юзи тумрайган эди.

У кумуш курси устида ўлтирарди, курси уч оёқли эди.

Унинг қўлида катта бир пичоқ, сўл томонида заққум, ўнг томонида эса шарбат турарди.

Ойтўлди бу ҳолни кўрганда чиндан қаттиқ қўрқди, дами ичига тушиб кетди.

Элиг бир муддатдан сўнг бошини кўтарди ва Ойтўлди-га гапиргин, деб хитоб қилди.

Нимага лолга ўхшаб индамай турибсан, кўриб турибсан-ку, мен бу ерда ёлғиз зерикиб ўлтирибман, деди.

Ойтўлди айтди: Эй аслзода элиг, сўзлашга менда ҳеч журъат йўқ.

Бугун ҳолатингни ўзгача кўриб турибман, шунинг учун ҳайрон бўлиб, сўзлашга нйманаётирман.

Билими равшан, доно авомга беклар ғазабга кирганида уларга яқин борма, деб таълим беради.

Билимли донишмандлар бундан ҳам яхши гапирганлар: Ғазабга кирган пайтларида беклар куйдирувчи ўг ва заҳри қаттол бўладилар.

Беклар қаҳрга келиб дарғазаб бўлганларида, уларга яқин турмагин, эй хушфёъл киши.

Беклар аччиғланиб ғазабга кирганларида, улардан йироқ тургин, зиён бериб қўядилар.

Мана бу сўзлар бунга ўхшатишга мос келади. Бу сўзларни дилиннга жойлаб ол ва ўзингни жуда эҳтиёт қил:

Ғазабга кирган пайтида бекларга яқин бормагин. Агар боргудек бўлсанг, хўрланишинг турган гап.

Беклар мисоли арслондирлар, ғазабни қўзғаганда бош кесадилар.

Элиг айтди: Қани, айтгин-чи, сен нимага ҳайратланаётирсан?

Ойтўлди айтди: Менинг ҳайратланганим шуки, кумуш курси қўйишининг боиси нима?

Бу курсига ўлтиришининг сабаби нима, бу қандай ўлтириш жойи?

Бунинг маъноси нима? Айтиб бер, мен тушунайин.

Иккинчидан, қўлингга пичоқ тутишининг боиси нима? Буни ҳам тушуниб тагига етишим керак.

Учинчидан, ўнг томонингда шарбат, сўл томонингда заҳар-заққум тутишининг маъноси нима?

Назар солиб, қарасам, ўзинг дарғазабсан. Бу ҳолни кўриб эсимни йўқотдим.

Сени бу алфозда кўриб тараддуланиб, сўзлашга ботинполмай қолдим.

## КУНТУҒДИ ЭЛИГ ОИТЎЛДИГА АДЛ БЕЛГИЛАРИ ҚАНДАЙ ЭКАНЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА

Элиг айтди: Сўзларингга тушундим. Энди сўзларимни сенга бир-бир баён қилайин.

Мен сени биринчи бор ҳузуримга чақирганимда, сенга илтифот кўрсатиб, ўлтиришга ўрин берган эдим.

Сен ўшанда ажойиб-ғаройиб ишлар кўрсатиб, уларнинг туб маъносини менадан яшириб, мени ғазабга келтирган эдинг.

Қилиқларингни кўриб ғазабланганимда, сен юзингни четга бурдинг. Мен сенга аччиқ қилганимда, сен сўзлай олмай қолдинг.

Сўнг менга айтдинг: Билгин, мен қутман, яхшилаб уқиб олгин.

Ушанда нимаики қилган бўлсанг, барчасини шарҳлаб изоҳлаб тушунтирдинг. Мен барчасини очиқ уқиб олдим.

Ушанда мен сенинг узрингни қабул қилиб кечирдим ва шу фазилатларинг эвазига сени тақдирладим.

Энди эса сенга ўз қилиқларимни кўрсатаётирман, бор фазилатларимни намойиш қилаётирман.

Мана, менга қарагин, мен адолатли сиёсатнинг макониман, кўриб томоша қилгин.

Мен ўлтирган курсининг оёғи уч айрилиқдир, кўргин, эй кўнглим тўқи.

Жами уч оёқли нарсалар оғмайдиган бўлади. Уч оёғи тенг бўлганидан қимирламайдиган бўлади.

Агар уч оёқдан биттаси мабодо оғса, қолган иккитаси ҳам оғади, у курси йиқилади.

Барча уч оёқли нарсалар тўғри ва рост туради. Агар оёғи тўртта бўлса, улардан бири эгри бўлади, ерга тегиб-тегмай туради.

Қайси нарса тўғри бўлса, ўша нарса соз бўлади. Барча соз нарсалар моҳияти тўғри бўлади.

Қайси нарса оғадиган бўлса, эгри бўлади, барча эгрилар эса ёмоннинг уруғи бўлади.

Қайси бир тўғри нарса оғадиган бўлса, рост турмай-

ди, йиқилади. Ҳар бир тўғри нарса йиқилмайди, рост туради.

Менинг қилиқларим ҳам оғмас, тўғридир. Ёмон ва яхшига ҳукм чиқариш пайтида қарорим қатъий бўлади, ўзгармайди.

Барча иш бўйича адолат юзасидан ҳукм юритаман, одамларни бек ёки қул, деб ажратиб ўлтирмайман.

Қўлимдаги бу хақжарсимон пичоқ эса санчилувчи ва кесувчи бир нарсадир, эй жавонмард.

Барча ишларни пичоқдек кесиб, қирқиб ташлайман, даъвогар-туҳматчиларнинг ишини чўзиб ўлтирмайман.

Ким зўравондан зулм кўриб даргоҳимга келса, унга адолат қиламан.

Шарбат мана шунга ишорадир.

У одам менинг олдимдан шарбат тотигандек ҳаловат билан кетади, севиниб хурсанд бўлади.

Агар ким зўравон бўлса ва тўғрилиқдан қочса, заҳар-заққум ўшанинг насибаси бўлади.

Бундайлар жанжаллашиб менга келсалар ва мен ҳукм қиладиган бўлсам, заҳар ичгандай жонлари азобга қолади.

Қовоғим солиғлиги ва кўркисизлигим эса зўравонларга нисбатан юзхотир қилмаслигимга ишорадир.

Хоҳ ўғлим бўлсин, хоҳ узоқ-яқин кишим бўлсин, хоҳ йўловчи, хоҳ мусофир, хоҳ меҳмон бўлсин.

Қонун олдида мен учун барчаси бирдир, ҳукм чиқаришда бошқача йўл тутмайман.

Бекликнинг олий асоси тўғрилиқдир, беклар тўғри бўлсалар яшаб-яшнайдилар.

Оқил бунга мослаб сўз айтган, ким оқил сўзига амал қилса, унинг ишлари битади:

Бекликнинг пойдевори тўғрилиқдир, тўғри йўл тутиш бекликнинг негизидир.

Бек тўғри йўл тутиб, адолатли сиёсат юритса, тиланган тилак-орзуларига эришади.

Ойтўлди яна сўради: Эй зоти олий элиг, Кунтуғди деб аталишининг маъноси нима?

Элиг жавоб берди: донишманд менинг қилиқларимни кўриб, отимни шунга мослаб қўйган.

Кунга қарагин, у ҳеч олқинмайди, ҳамиша тўлин бўлади, ёруғлиги доимо бирдек тўла ва тўкис бўлади.

Менинг ҳам қилиқларим кунга ўхшаган, тўкис ва тўладир, ҳеч камаймасдир.

Иккинчидан, кун чиққач, олам ёришади. Унинг нури барчага баравар тушади, ҳеч кам бўлмайди.



Менинг ҳам йўриқларим шунақа, ўзим йўқолмайман, чора-тадбирларим ва ҳукмим барчага баравардир.

Учинчидан, кун чиқиб рўйи заминга тафт беради, у туфайли ер юзидан анвойи гуллар очилади.

Менинг адолатим қайси элга етиб борса, ўша эл тош-лоқ, тақир бўлса ҳам гуллаб-яшнайти.

Чиққан кун яхши ёки ёмон деб фарқламайди, нурини барчага бирдек сочади.

Менинг йўриғим ҳам шундай, мендан барчага баҳра тегади.

Кун турадиган бурж собит бурждир, собит деганим ўзгармас демакдир.

Бу бурж Арслон (Асад) бурждир, у бурж тебранмасдир, уйи тебранмас бўлгани учун куннинг ўзи ҳам олинмайди.

Менинг йўриғимни кўргин сифатим ҳамиша бирдек, ўзим ўзгармасман, ёруғликдан бошқа жиҳатим йўқ.

## ОЙТУЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ

Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг, жаҳон ва элларга эга бўл, шуҳратинг оламга ёйилсин.

Мен узоқ йўл босиб, ҳориб, чарчаб сенинг ҳузурингга келдим.

Сенда шундай хислат ва фазилатлар борлигидан, хизматингни истаб келдим.

Менга айтгин, қандай қилиб хизмат ўтайин, сен нима билан хурсанд бўлсанг, мен ўшани қилайин.

Хизмат бекнинг табиға яраша бўлмаса, хизматчи қанча урунмасин, унинг хизмати манзур бўлмайди.

Хизмат туфайли мартабаси ошган Илонинг донгдор ва қутли кишиси нима дейди, эшитгин:

Агар хизматчи бегига хизмат қиладиган бўлса, у бегининг хурсанд бўлиш йўлига қаттиқ амал қилиши керак.

Хизматни бекларнинг таъбиға қараб қилмоқ даркор, хизмат бекга манзур бўлса, хизматчига барча нарсага эшик очиқ бўлади.

Хизматчи хизмат қилишни билса, тўрга чиқади, агар билмаса, тўрдан пойгакка тушади.

Хизматкор қул бегини ниҳоятда хурсанд қила олса, бу хизматчи қул учун қадр-қиммат йўли очилади.

## ЭЛИГНИНГ ОЙТУЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Мен сўзларингни тушундим. Сен менинг хурсандчилигимни иста ва ўзингни ҳам жуда эҳтиёт қил.

Мен сенга ярамас нарсалар ҳақида сўзлаб берайин, сен уларга яқинлашмасдан фориг юргин.

Мен ёқтирмайдиган ишлардан бири ёлғончиликдир, яна бири зўравонлик қилишдир.

Феъли суқлик, очкўзлик бўлса, ўзи қаттиқ, қурумсоқ, шошқалоқ, ҳовлиқма бўлса, боқиши уят-андишасиз бўлса,

Ишларда ғазаб қилувчи ва қаҳрли-жаҳлдор бўлса, енгилтак, майхўр, қўли эгри бўлса.

Сенга очигини айта қолай, бундай одамлар менга керак эмас.

Сен менга айни муносиб бўлай десанг, мана шу саналган бир қатор ярамас нарсаларни ўзингдан узоқлаштиргин.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ

Ойтўлди айтди: Булар ҳақида эшитдим. Яна бир сўрайдиган сўзим бор, шу ҳақда ҳам гапириб бер.

Эзгу ўзи ким? У қандай одам бўлади? Эзгунинг феъли-атвори қанақа бўлади?

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Эзгунинг барча қилмиши ва йўриқлари халққа фойда ва манфаат берадиган бўлади.

Барчага бирдек яхшилик қилади, лекин эвазига улардан мукофот миннатини қилмайди.

Эзгу ўз манфаатини кўзламайди, бошқалар манфаатини кўзлайди, бошқаларга келтирган фойдасидан ўзига манфаат тиламайди.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ

Ойтўлди айтди: Буларни ҳам тушундим, яна бир истагим бор, шу ҳақда ҳам сўзлаб берсанг.

Менга тўғрилиқ ҳақида сўзла, у қандай бўлади? Одамни ёруғликка олиб чиқувчи тўғрилиқ белгиларини айтиб бер.

Нимага тўғрилиқ йўли дейилади, тўғрилиқнинг асоси қанақа бўлади?

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Тўғриларнинг тили билан дили бир бўлади.

Уларнинг ичлари сиртидек ва сиртлари ичидек бўлади, тўғриларнинг белгилари мана шундай бўлади.

Дилларини кафтларига олиб юрсалар ҳам улар тўғри бўлганлари учун одамлардан уятга қолмайдилар.

Тўғрилик одам учун жуда керакли сифатдир, у одамийлик демакдир.

Одам қадрли эмас, одамгарчилик қадрли, одам ноёб эмас, одамгарчилик ноёбдир.

Бунга ўхшатиб шоир ушбу сўзларни айтган. Мен бу сўзларни сенга айтиб берай:

Бош кўтариб юрувчи одам жуда кўпдир. Тўғри, ростгўй, етук одам эса мен учун азиздир.

Одам қиммат эмас, одамгарчилик қиммат. Заковатда тўғри, чин одамлар ардоқланади.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ

Ойтўлди айтди: Бахтиёр элиг менга бу сўзларни ҳам тушунтирсинлар.

Яхши одамлар ҳам ёмон бўлиб қолншлари мумкинми? Ёмонлар ҳам яхшиларга эргашиб яхши бўлиши мумкинми?

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Эзгу одамлар ҳам икки турли бўладилар. Булардан бири яхши ва тўғри йўлдан юрувчилардир.

Бундай эзгу одамлар туғма яхши бўладилар, улар доим тўғри ва рост йўлдан юрадилар.

Яна бир турли эзгулар борки, улар ўткинчи яхшидилар, ёмонларга қўшилиб қолсалар, ёмон ва ярамас ишларга қўл урадилар.

Шунингдек, ёмонлар ҳам икки турли бўладилар, икки тоифасини бир хилда ёмон демаслик керак.

Булардан бири туғма ёмонлардир, уларнинг исқиртликлари то ўлмагунча аримайди.

Яна бири ўткинчи ёмонлардир, ундайларнинг жўралари яхши бўлса, улар шу яхшиларга эргашиб яхши бўладилар.

Туғма яхшилардан донмо яхшилик келади, олам халқи улардан фақат манфаат олади.

Туғма ёмонлар учун чора ва илож йўқ, улар борлиққа бало, халқ учун офат бўладилар.

Мана бу туркча масал бунга жуда мос келади, сен бу масални эшитиб, маъносини чақиб ол ва унга амал қил:

Оқ сут билан кирган яхши феъл, то ўлгунча ўзгармайди.

Мизожга қўшилиб тугилган одат-қилиқ ўлим келиб бузмагунча бузилмайди.

Она қорнида яралган қилиқ одам фақат қора ер қаърига киргандагина кетади.

Агар яхшининг йўлдоши ёмон бўлса, яхши ҳам ўша ёмон тенгида ёмон бўлади.

Яхши била туриб ёмонлар ичига кирса, уларга аралашса, ёмонларнинг яхши бўлишларига йўл очади.

Яна бир сабаб шуки, яхши ёмон билан яқинлик бўлмаса, шу яқинлик туфайли ёмон яхши йўлга кириши мумкин.

Агар беги эзгу бўлса, барча халқи эзгу бўлади, қилш-қилмишлари яхши, йўриқлари ҳам соз бўлади.

Беклар яхши одамларни ўзларига яқин тутсалар, барча ёмон ишларни ҳам яхшилаб тўғрилайдилар.

Агар бекларга ёмонлар яқин бўлсалар, эл устидан ёмонларнинг қўли баланд бўлади.

Ёмон бош кўтарса, яхши маҳв бўлади, борди-ю яхшининг қўли баланд келса, ёмон йўқ бўлади.

Агар беклар яхши ва қутли бўлсалар, тамоми фуқароси тугал яхши бўлади.

Бекларнинг ўзлари ёмон бўлмасалар, ёмонлар элда севиниб яйрамайдилар.

Ёмонларга нисбатан қийноқ, калтак ва зиндон ҳифзини қўллаб, беклар беги қандай ажойиб эзгу қонун қўллаган!

Агар халқнинг бошловчиси эзгу бўлса, унинг хизматчилари ҳам барчаси эзгу бўлади.

Агар беклар табиатан эзгу бўлсалар, барча фуқароси бойийди, олам гулистон бўлади.

## ОЙТУЛДИНИНГ ЭЛИГГА САВОЛИ

Ойтўлди айтди: Мен бу сўзларни тушундим, элиг жуда тўғри сўзладилар, яхшиликни биладиган ва яхши ишни қиладиганларни эзгу деб тушунтирдилар.

Мол-товарни барча истайди, уни истовчи қандай топади?

Элиг айтди: Эзгу жуда яхши ва асил нарсадир, яхши нарса эса фақат яхшилар орзусидир.

Нима асил бўлса, ўша сара бўлади, яхшилик барчага ярашади.

Ёмонлик қилувчи одам тубандир, ярамас иш ёмонликка олиб келадиган ярамас нарсадир.

Қайси нарса қадри паст бўлса, ерда ётади, ипак ва шоҳи қиммат бўлганлиги учун қадрланади.

Яхшилик юксалиш учун моядир. Ёмонлик юз тубан кетиш учун боисдир.

Заковатда бунга мос ибратли сўз бор, заковатли сўзига амал қилинса, фойдаси кўп бўлади:

Яхшилик юксалиш кабидир, лекин ҳаммага ҳам юксалиш насиб бўлавермайди.

Яхшилик қилиш моҳиятан юксалиш ва қадр топишдир. Аммо бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг, эзгулик деган нарса бунча мақтовга лойиқ иш экан,

Унинг одам гапириши мумкин бўлган салбий жиҳати ҳам борми? Бу ҳақда заковатчилар ва билимлилар бирор нарса биладиларми?

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Эзгулик ҳамиша ардоқланиб тилга олинади. У ёмонлар орасидагина салбий баҳоланади.

Яқинлик боғловчи мард киши учун тенг-тушликка яхшилар ишини қилмайдиган ёвузлар зинҳор ярамайди.

Яхшилар камситилиб, таҳқирланиб ҳеч рўшнолик кўрмайдилар, ёмонлар эса ҳаёт гаштини суриб юрадилар.

Ким яхшилик қилса, ўзи ҳам яхшилик кўради. Ундайлар камситилган ёки таҳқирланганларни ажратиб қўймайди.

Қимда-ким ҳозирги ҳузурини тиласа, ёмонлик қилишдан қайтмайди, сўнгроқ эса пушаймон ейди.

Яхшилик истовчи одам нима дейди, эшит: Фақат яхшилик қил, яхшилик қилишни ўзингга касб қилиб ол.

Ким ёмонликка яхшилик қилса, мен ўшандай кишини ардоқлайман ва орзу қиламан.

Энг эзгу, тўғри сўз киши ажойиб сўз айтган, тўғри сўз кишининг сўзлари сўзларнинг асосидир:

Ким ёмонлик кўриб яхшилик қиладиган бўлса, мен ундай эзгу кишини истаб қидираман.

Эй эзгу, сенга ким тўяди, менга очиқ айт! Бери келгин, мен сенга очиққандирман.

Эзгу киши қанчалик камситилган бўлса ҳам, мен шу эзгу кишига эш бўлишга розиман.

Беклик менга ёмонлик билан боғлиқ ҳолда насиб бўладиган бўлса, бундай бекликнинг кераги йўқ, уни сенга топширдим.

Ўз кўзим билан кўриб турибман, одамларнинг феъл-рафтори ёмон, уларнинг ҳаловати жуда оз, ўкинчлари эса чексиз.

Шоир бунга мослаб сўз айтган, унинг маъносини уқсанг, кўзинг очилади:

Қилган эзгуликлари учун қайси эзгу афсусланади, ном чиқарган ёмон эса оқибатда пушаймон қилади.

Ёмонлик қилганнинг мукофоти ўкинч бўлади, ёмонлик қилганга атайлаб яхшилик қил.

Бундай ёмон кишини қандай тил билан мақтайин? Бундай ярамас йўлдошни қандай қилиб истайин?

Тубанлик, пасткашлик, нобакорлик барчаси ёмонларнинг одатидир.

Бало, меҳнат, машаққат ва ўкинч билан йиғлаш ёмонларнинг қимматидир, эй мард.

Эзгу одамни қандай қилиб севмайин? Эзгу йўлдошни қандай қилиб мақтамайин?

Саховат, одамийлик, манфаат бериш ва эзгуликлар қилиш фақат яхши кишиларнинг хислатидир.

Эзгу кишининг иши барча ишларнинг эзгусидир, эзгу эш эса барча эшларнинг эзгусидир.

Эшинг яхши бўлса, у нимани истаса, бергин, эзгу эш ҳамиша керак, эзгу эш топгин.

Ҳаловат, орзу-истак, неъмат, қувонч ва овинч билан севинчлар яхшилик эвазига келади.

Элиг айтди: Эй Ойтўлди, сўраган сўзларингга мен жавоб бердим, сен бу сўзларнинг маъносини уқиб олгин.

Ойтўлди таъзим қилиб ўрнидан турди ва эй эзгу сиёсатли табаррук бек,

Жаҳонга ҳукмрон бўлдинг, ёшинг узун бўлсин, фароғат ва эзгуликлар билан бошинг омон бўлсин.

Орзуларинг қуримас сув каби оқиб келаверсин, давлатинг безавол бўлиб пойдор турсин.

Барча севинчлар тўпланиб сенга келсин, душманингни алам билан куйиб ўлсин, деди.

Хизмат қилган ва хизматлари эвазига орзу-тилагига етган киши нима дейди, эшит:

Аввало хизмат қилма, агар қилсанг, сазовор кишининг хизматыни қил. Хизматчининг ҳақини хизматга сазовор киши билади.

Аввало хизмат қилма, қилсанг: саховатлининг хизматыни қил.

Сахсватлининг уйи, олтин-кумуш хазинаси бўлади.

Хасиснинг хизматыни қилмагин, тириклигинг зое кетади, афсусларга сабаб бўлади.

Хасис ўз нарсасини ўзидан ҳам қизганади, у нарсасини бошқаларга қачон беради.

Ойтўлди сўзини тугатиб у ердан чиқди ва шод бўлиб уйига кетди.

Шундан бошлаб оғишмай хизмат қилди, тунлари побонликда ётди, кундузлари тик оёқда хизмат ўтади.

Чин кўнгилдан садоқат билан хизмат қилди, элиг кундан-кун уни ўзига яқин тутди.

Шу тариқа яна бир қанча кунлар ўтди, Ойтўлди хизматлари билан эътибор топди.

## СЎЗЛАМОҚ ЯХШИМИ ЕКИ ЖИМ ТУРМОҚ ЯХШИМИ ЭҚАНЛИГИ ҲАҚИДА

Элиг бир куни Ойтўлдини чақирди, ўрин кўрсатиб ўлтир, деб ишора қилди.

Ойтўлди оҳишта ўлтирди, кўзини ерга қадади ва сўзга тил очмади.

Элиг айтди: Эй Ойтўлди, сўзласанг-чи, нега жим турибсан, сенга нима бўлди?

Ойтўлди жавоб берди: Эй беклар беги, қули бек юзини кўрса, ўзини унутади.

Элиг буюрмасдан қандай сўзлайин, сўрамасидан бурун қандай арз қилайин?

Билимлининг сўзини эшит, у бундай деган: Сўрамасларидан аввал сўз сўзлама.

Ким бировни кераклаб, истаб чақирса, сўзни сўзга улаш учун аввал ўша гап бошлаши керак.

Сўрамасдан олдин сўз сўзлаганларни ким мол деса, тўғри айтган бўлади.

Сўрамасларидан аввал бекларга сўзлаганлар телба, тентак кишилардирлар.

Қизил тил умрингни қисқа қилади. Омонлик истасанг, тилга жуда эҳтиёт бўлгин.

Узини тутган одам нима дейди, эшитгин. Узини босган одам тинч ва омонликда ҳаёт кечиради:

Қизил тил қора бошга ёвдир, у қанча-қанча бошларни еган ва яна ейди.

Бошинг омонлигини истасанг, тилингни тийгин, тилинг истаган кунда бошингни ейиши мумкин.

Элиг айтди: Сўзларингни тугал тушундим, лекин тирик киши сўзламаса ҳам қийин-да.

Одамлар икки турли бўладилар, бири — нодонлар, иккинчиси — лоллар.

Лолнинг тили табиатан берк бўлади, у сўзлай олмайди, нодоннинг тили эса сўзини яшира олмайди.

Билимсизнинг тили доим берк бўлиши керак, билимлининг тили сўзга эркин бўлиши керак.

Билимлининг сўзи ерга сув каби зарурдир, сув оқиб турса, ерда турли неъматлар унади.

Билимли кишининг овозаси камаймайди, оқар ва қайнар булоқнинг зилол суви камаймайди.

Донолар сувга сероб ерга ўхшайдилар, қаерига оёқ босилса, сув чиқади.

Нодонларнинг кўнгиллари қум чўли каби бўлади. Емиш, гийёҳ ўсиши у ёқда турсин, унга дарё оқиб кирса ҳам тўлмайди.

Ойтўлди яна айтди: Элиг яхши биладик, тилнинг зиёни тегса, тириклик тугайди.

Одам тирик экан, қандай қилиб сўзламайди? Киши керакли сўзларни сўзлайди, уни яширмайди.

Одам гапириши учун аввал сўз сўралган бўлиши керак. Агар сўз сўралмаса, сўзламаслик керак.

Сўрамоқлик мисоли бир эркакдир, жавоб бериш эса мисоли бир аёлдир.

Аёлга бир эркак эр бўлади, туғилса ундан икки фарзанд туғилади.

## ЭЛИГНИНГ ОИТЎЛДИГА САВОЛИ

Элиг айтди: Тушундим, барча сўзларинг чин. Яна бир сўрайдиган сўзим бор.

Тилнинг зарарлари ҳақида гапирдинг, мен уларни эшитдим. Унинг фойдалари ҳам борми? Мана шу ҳақда ҳам рўй-рост гапиргин.

Тилнинг зараридан қўрқадиган бўлсанг, барча фойдали сўзларинг йўққа чиқади.



## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Агар тил билан таърифлаб бера олам, сўзнинг фойдаси жуда кўпдир.

Беҳуда сўзлар билимсиз одам тилидан чиқади, билимсиз одамни билимли мол деб атайди.

Жоҳилнинг одати ножўя ва беҳуда сўзлагани-сўзлаган. Қора бошга етган беҳуда сўздир.

Сўз ўринсиз сўзланса, талай зиён келтиради, одам сўзни сўзлай билса, унинг фойдасини топади.

Жоҳил қорни тўйса, молдек ётади, ножўя сўзларга овиниб ҳузур қилади.

Еса, тўйса ва ётса — бу йилқи демакдир. Йилқи аталиши мана шу одатлари учундир.

Билимли одамлар ўзларини машаққатларга урадилар, билим билан маҳлиё бўлиб роҳатланадилар.

Тан-келбатнинг улуши томоқдан киради, жоннинг улуши бўлмиш чин сўз эса қулоқдан киради.

Билимнинг икки белгиси бўлади, мана шу икки нарса билан одамнинг юзи ёруғ бўлади:

Бири тилдир, бири томоқдир, мана шу иккаласини бошиқ тута олганларга унинг фойдаси мўлдир.

Билимли нафсга ва тилга иродали бўлиши керак, нафс ва тилни тиймоқчи бўлган киши билимли бўлиши керак.

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА САВОЛИ

Элиг айтди: Бу сўзларни айнан тушундим, сўзнинг асли қанақа ва ундан олинадиган баҳра қандайлигини билдим.

Сўз қаердан чиқади ва қаерга боради, мана шуни ҳам айтиб бер.

Сўзлаш ва сўзламасликнинг чегараси ва андазаси қанақа бўлади, бу ҳақда заковатли ва билимдилар нима деганлар?

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Сўзнинг ўрни сирдир, сўз ўн ҳисса, лекин сўзланиши керак бўлгани эса бир ҳиссадир.

Сўзнинг бир улуши сўзланадиган ва тўққиз улуши тийиладиган бўлади. Тийиладиган сўз эса моҳиятан қўланса бўлади.

Элиг яна Ойтўлдида сўзнинг фойдаси қанча-ю зарари қанча бўлишини айтиб беришини сўради.

Ойтўлди ҳам сўзнинг фойдаси катталигини, уни ўз ўрнида ишлатса, одамни улуғлашини айтиб берди.

Сўз фойдаси туфайли қўнғир ердаги одам яшил кўкка чиқади ва тўрдан ўрин олади.

Агар одам тилда сўзни уддалаб сўзлай олмаса, уни зангори осмондан ерга туширади.

Элиг Ойтўлдига яна айтди: Сўзнинг ози ёки кўпининг чегараси қанақа бўлади? Мана шуни ҳам очиқ айтиб бер.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Сўралмаган нарсалар ҳақида кўп гапириб кўнгилга тегилса, сўзнинг кўпи шу бўлади.

Сўралган сўзга лойиқ сўз билан жавоб қайтарилса, сўзнинг ози шу бўлади.

Шоир ўз сўзини бунга мослаб сўзлаган. У тилини сўз билан оро бериб безаган:

Сўзни аввал яхши ўйлаб, ундан кейин сўзлагин. Фақат сўраганларида сўзлагин ва дарҳол сўзни тугатгин.

Кўпроқ тинглагин, лекин ўзинг кўп сўзламагин, заковат билан сўзлагин, билим билан сўзни андазалагин.

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА САВОЛИ

Элиг айтди: Бу сўзларни ҳам тушундим. Яна бир сўрайдиган сўзим бор. шуни ҳам яширмай айтиб бер:

Сўзни кимга айтиш керак ва кимдан эшитиб тинглаш керак?

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Сўзни донадан эшитиш ва нодонларга айтиш керак.

Шунингдек, сўзни улуғлардан эшитиш ва қулоқ тутса, кичикларга айтиш керак.

Билимли донолар кўп тинглаб, оз сўзлаш керак, деганлар.

Кўп сўзлаш билан одам доно бўлмайди, кўп тинглаб доно бўлади ва иззат топади.

Одам гунгалак бўлса ҳам билим била олади, лекин кар бўлса, билим била олмайди.

## ЭЛИГНИНГ ОЙТУЛДИГА САВОЛИ

Элиг Ойтўлдига бу сўзларингни уқдим, аммо яна бир сўзим бор, уни ҳам айтиб бергин, деди.

Тилни сўзга очмасдан тек туриш керакми ёки сўзлаш керакми?

Сўзни ошкора қилиб айтиш керакми ёки яшириш керакми?

## ОЙТУЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Эй элиг, тингла! Тилда сўзлаб баён қилинмаса билим яширин қолиб кетади.

Тилни фақат ёмонлаш керак эмас, унинг яхши томонлари жуда кўп.

Сўзнинг мақтовлиси ҳам бўлади, сўкишлиси ҳам.

Одамга икки нарса керак: бири — тил, бири — дил.

Сўзнинг манбаи дилдир, сўз дилдан чиқади, сўзи эгри одам ўтда куяди.

Тўғри сўзласанг, сўзнинг фойдаси кўпдир, агар эгри сўзласанг, таҳқирга қоласан.

Тўғри сўзламоқчи бўлсанг, тилингни сўзга очгин, сўзинг эгри бўладиган бўлса, уни сўзламагин, яширгин.

Тилингни сўзга очмасанг, одамлар сени гунгалак дейдилар, шунингдек, кўп сўзласанг, эзма-чурук, дейдилар.

Одамларнинг энг ярамаси — бу эзма кишидир, кишиларнинг энг қадрлиси саховатли кишидир.

Бу сўзларни эшитиб элиг жуда севинди, кўзини кўкка тикиб дуога қўл очди.

Сўзини тугатиб ганжиналар хазинасини очди, муҳтожларга кўп нарсалар улашди.

Элиг Ойтўлдини ҳам тақдирлади, қўлида инъомлар берди ва тилида таҳсинлар айтди.

Унга вазирлик мансабини, тамғасини берди, фахрли унвон билан тақдирлади. Туғи, довули ва унинг таёғини топширди.

Барча эл устидан назорат қилиш ихтиёрини ва эркини берди, душман бўйин эгди ва адоватини кўтарди.

Ойтўлди барча ишларга бош бўлди. Кулиб боққан бу даври даврон билан шодланди.

Халқ бойиди ва эл-юрт гуллаб-яшнади, халқнинг тили элигни дуо қилишдан бўшамади.

Фуқаро бахтга эришиб машаққатлари кетди, қўзи билан бўри бирга аралашиб юрадиган бўлди.

Эли гуллаб-яшнади, адолат қарор топди, элининг давлати кундан-кунга зиёда бўлди.

Элда янги қишлоқ ва шаҳарлар жуда кўпайди, элининг хазинасига олтин ва кумуш тўлиб кетди.

Элиг ҳаловат топиб жуда севинди, оти ва овозаси оламга ёйилди.

## БАХТ БЕВАФОЛИГИ, ТОЖ-ТАХТ БЕБАҚОЛИГИ ҲАҚИДА

Ойтўлди орзу-тилакларига тугал етганида, бевафо кут қаритиб, орқа таянчини йиқитди.

Билимли доно жуда яхши айтган: Неъмат тўкини бўлади, лекин уни тугал еб бўлмайди.

Таълимда бундан ҳам яхши айтилган: Неъмат тугал бўлганда, ёш тугайди, дейилган.

Бу ҳақда доно сўзни жуда яхши айтган, дононинг сўзи нодонлар учун кўздир:

Пасайган кўтарилади, кўтарилган пасаяди, ёришган қоронғилашади, юрган тинади.

Ойтўлди тилакларига тугал етди, лекин умрини ҳам яшаб бўлди, жамлаган мол-дунёси қолиб кетди.

Тўлишган ойн яна қайта олқиниб камаё борди, ёруғ ёзи қолир қишга эваз бўлди.

Бир-бирига мос мижозлар ўзаро қоришиб кетди, бири кучайиб, учтасининг устидан ғолиб келиб бузди.

Мижози бузилди, эши хасталик бўлди, руҳи оғирлашди, дард унга қаттиқ ёпишди.

Мижози тобора айниди, куч-қуввати кетди, сурх новдадек тик қадди қуйи эгилиб-букилди.

Оғир дард келиб чалди ва тўшакка йиқитди, у мунг билан йиғлаб ётиб қолди.

Табиблар йиғилишиб томирини кўрдилар, бу қандай дард эканини аниқлашга ҳаракат қилдилар.

Баъзилари у хафақон бўлибди, томирини очиб қортиқ қўйиш ва қон олиш лозим, дедилар.

Баъзилари юмшатувчи дори ичириш керак, ичи қотиб кетибди, юмшатиш лозим, дедилар.

Баъзилари гулоб тайёрлаб ичириб, совуқликка солдилар, баъзилари бошқа керакли ширалар тайёрлаб ичирдилар.

Ҳеч дори-дармон қолмади, ҳамма нарсани қилиб кўрдилар, нимаики лозим бўлса, ўшани бердилар.

Бирортаси ҳам фойда қилмади, дарди орта борди, кундан-кунга дармондан кетди, ҳушини йўқота бошлади.

Тадбирли киши нима дейди, эшитгин, тадбирли кишилар барчага бош бўладилар:

Хоҳ дармонлари, хоҳ митридат ҳапи, хоҳ бўшатувчи кукун дори истеъмол қил,

Хоҳ табибга, хоҳ дуохонга мурожаат эт, буларнинг бирортаси, ҳеч қандай чора-тадбир ўладиган жонга наф қилмайди.

Эй тирик, ҳеч гофил бўлмагин, жамики жонли борки, бир куни охир ўлади.

Элиг Ойтўлдининг аҳволини, уни ўлим талвасаси тутганини эшитди.

Элиг Ойтўлдининг ҳолини сўраб келди ва унинг не аҳволда ётганини кўрди.

Элиг ундан таъби, дарди, иштаҳаси ва уйқуси ҳақида сўради.

Ойтўлди унга ўзини бир дарди бедаво тутганлигини, унинг иложи йўқлигини айтди.

У деди: Барча ишларим тўла ва тўкис эди, бу тўкислик кетди, йўриқларим тугал эди, бу тугаллик заволга юз тутди.

Отадиган тонгим севинчлар билан отарди, энди куним ботаётгандек, туним қоронғулашиб бормоқда.

Қувончли ҳаёт мендан ўзини олиб қочди, бевафо дунё мендан юз ўгирди.

Севинч, орзу-истак ва неъматлар қолиб кетаётир, алам, қайғу ва машаққатлар менга юз уриб келаётир.

Мана, бугун сендан айрилиб бораётирман, ўкинч ва мунг билан ўлаётирман.

Доно эл беги бу ҳақда нима деган, эшитгин, доно эл беклари халқнинг ишига бошчилик қиладилар:

Давлат келиб қайтиб кетмасдан, тилакдагидек бўлиб қолаверса, қандай ажойиб бўлар эди!

Одамга ўлим келмасдан абадий ҳаёт бўлса, беклик иши қандайин яхши бўларди!

Қарилик бўлмаса, одам доим қаддини рост тутиб юрса, йигитлик чоғлари қандай ажойиб давр бўларди!

## ЭЛИГНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Элиг Ойтўлдига айтди: Сен бу сўзларни қўй, бундай гапларни гапирма, эй пок кўнгил.

Барча ҳам касал бўлади, яна яхши бўлиб, тузалиб кетади, бу дард ёлғиз сенга келмаган, ахир.

Нега бунча кўнгилсиз гапларни гапирасан, нима учун ўз кўнглингни ўзинг вайрон қиласан?

Мен сен билан овуниб фароғатда юрар эдим. Менинча тузалиб кетасан. Сен бўлсанг бошқача сўзлаётирсан.

Тангри дардингга шифо беради, бундай сўзларни сўзлама, мени ўтда куйдирма.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Эй бахтиёр элиг, бу дарднинг давоси йўқ, унга илож қидирма.

Туғилган ҳар бир кимса албатта ўлади, қайси нарса юксалса, у албатта пасаяди.

Юксалишнинг пасайиши, чиқишнинг ботиши бўлади, қувонч кетидан қайғу, чучук кетидан аччиқ бўлади.

Мен сенга ўз йўриқларимни айтиб берган эдим. Сен менга кўнгил боғламаслигинг керак эди.

Мен энди ўламан, сен бунга шубҳа қилмагин, ким туғилган ўлмайди деса, сен унга ишонмагин.

Энди мени ишончсиз, деб койимагин, бу дунё ишончсиз, у сени ҳам тарк этади.

Жафо қилди, деб мендан хафа бўлма, сенга бу дунё мендан ҳам жафолироқдир.

Ғофил бўлма, мендан кейин сен ҳам ўласан, ғафлатда қолиб бу дунёга қаттиқ ишонмагин.

Мени хизматларсиз қадрлаган эдинг, сенга муносиб хизмат қила олмадим, аттанг.

Менингни ўлмоқлигим тилак-орзудан эмас, бу дунёга келиб-кетишим азал қонуни, у бугун ўйлаб топилган эмас.

Эрк менда эмас, ночор қийналиб ўлаётирман, ҳаётни сақлаб қутулиб қолишнинг иложи сира йўқ.

Йўқ эдим, бунёд бўлдим, парвариш топдим, кичик эдим, улгайдим.

Яланг юзли эдим, соқол чиқди, сочим қора қузғун тусидек эди, энди оққуш тусига кирди.

Қаддим ўқдек тўғри эди, қоматим эгилди. Тириклик тугади, ўзим пишиб етилдим.

Билими чексиз доно яхши сўзлаган, сен буни эшитгин:

Кимнинг сочига оққуш туси келиб ўрнаса, кўнглини оққуш каби оқ тутиши керак.

Кимнинг ўқдек тўғри қадди эгилса, кўнглини оқ қилишнинг вақт-фурсати келган бўлади.

Қора соч ва соқол оқарса, ўлимга тайёр туриш керак бўлади.

Шоир сўзини бунга мослаб айтган, сен буни эшитгин, эй эзгу киши:

Қора соч оқариш ўлимдан даракдир, у тирик учун тирикликни қадрли қилиб қўяди.

Неъматларни ейишинг — бу тирикликни ейишдир, сени ҳам ўлим ейди, кўп ғафлат бўлмагин.

Элиг айтди: Эй Ойтўлди, шошилма, сабр қил, дард қилган гуноҳлар учун кафоратдир.

Барча хасталанганлар ўлаверганда, ризқ еювчи одам қолмаган бўлар эди.

Шояд дарддан халос бўларсан, кўнглингни чўктирмасдан хотиржам ёт.

Элиг дуолар қилиб дардига шифо тилади. У ердан қайғуриб чиқди ва маъюсланиб саройга қайтиб келди.

Савоби тегсин деган ният билан муҳтожларга кўп нарсалар улашди.

Ажалга олтин-кумуш фойда берганда эди, одамлар ўзларига олтин-кумушни гаров қилган бўлардилар.

Гаров қўйиб ўлимдан қутулишнинг иложи бўлганда эди, эл бошловчилар гаров билан ўзларини ўлимдан сақлаб қолган бўлардилар.

Ойтўлдининг дарди оғирлашди, жонидан умидини узди.

Ўкиниб деди: Эй эсиз тириклик, уни беҳуда ўтказиб юбордим, эсиз кўркли юзим.

Ғофилликда яшадим, тирикликни беҳуда ўтказиб юбордим.

Суқлик билан мол-дунё йиғдим, йиққан нарсаларим қолиб кетаётир, ўзим йўқликка йўл олдим.

Кўп дилозорлик ва зўравонликлар қилдим, мени энди ўлим келиб бўғзимдан тутди ва бўғди.

Шу тариқа ўкинди, кўп йиғлади, ўкинишлари ўлимга фойда бермади.

Одам боласи қанчалик мунгли-я! Унинг ҳаёт кунлари истаганидек бўлмайди.

Истаганларига эришганда, тириклиги тугайди, тирик пайтларида эса тилакларига етолмайди.

Озгина давлатга эришдими, ўзини унутади, сўзлари осмондан ҳам баландпарвоз бўлади.

Мартабага эришса, кибрланади ва ғурури ортади, ўлим тутгандагина кўзи очилади, афсус билан ўлади.

Еб қорси тўйса, қилиқлари маст туянкидай бўлади, агар қорни очгудек бўлса, била туриб оғуни ҳам ейди.

Кулфатдан азият чекади, ҳаловат излайди, севганини топгани ҳамона ундан жудо бўлади.

Ойтўлди ўкиниб чуқур тин олди ва мен тўғри йўлни йўқотдим, деди.

Олтин-кумушларни нимага йиғиб-тердим, нима учун муҳтожларга улашиб бермадим?

Нима учун бу хайрли ишни қилмадим, гуноҳсиз одамларни нима учун таҳқирладим?

Бошидан фақат эзгулик қилишим керак эди, шубҳасиз унинг кейин фойдаси теккан бўларди.

Энди бу аттангларимнинг нима фойдаси бор. Ўлим келиб ёқа тутди, сўз ва нафасимни кесди.

Одамларга меҳрибон, кўзи пишган киши нима дейди, эшитгин:

Барча тин олувчилар учун ўлим бир эшикдир, жами юрувчилар албатта ушбу эшикка кирадилар.

Тириклик ўзи нима ва ўлим ўзи нима, қаердан келаётирман ва йўлим қаёққа боради?

Қайтиб ўлиш учун нимага туғилдим экан, охири йиғлаш учун нимага кулдим экан?

Туғилган киши ўлаётганида ўлимдан қаттиқроқ нима бор, деган.

Шоир сўзини бунга мослаб айтган, уни ўқиганнинг кўзи очилади:

Дунёда ўлимдан қаттиқ нима бор? Ўлим эсга тушганда минг ҳаловат кетади.

Ўлим теги ва туби йўқ бир денгиздир, яхшилаб қарасанг, унинг чеки йўқ чуқурдир.

Ҳаловатларга маст бўлиб ғофил юрувчилар ўлим тутгудек бўлса, кўзлари очилади, лекин чорасиз бўладилар.

Кўзи суқ одам кўп нарсага қаноат қилмайди, кўзи тўймайди. Ажал келиб тутганда эса ўкинади, лекин ҳеч тадбир топа олмайди.

Ўткинчи қутга маҳлиё бўлиб кеккаювчи мағрур киши қора ер қаърида қўрқинчга қолади!

Эй шодликка маҳлиё бўлиб кўп кулувчи одам! Охири йиғлашга ҳам тайёр бўлгин.

Заковатли доно нима дейди, эшитгин, унинг сўзлари-га амал қилсанг, сенга фойда қилади:

Кимда-ким ўзига ҳамишалик эзгу ўрин истаса, икки оламда ҳам ёмонлик қилмасин.

Эй хушхулқли, ҳеч ёмонлик қилма, амалда ва сўзда фақат яхшилик қил.

Ойтўлди ўкиниб кўп йиғлади, аммо бу ўринда ўкинчлари ҳеч фойда бермади.



Муҳтож ва йўқсилларга кўп олтин-кумуш улашди, қариндошларига беҳисоб мерослар қолдирди.

Сўзини тўхтатди, чуқур ўйга чўмиб кетди, ўғлига боқиб аччиқ-аччиқ йиғлади.

## ОЙТЎЛДИ УҒЛИ УГДУЛМИШГА НАСИХАТ ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Ойтўлдиннинг биттаю битта кичик ёшли ўғли бор эди. Оти Угдулмиш, асли тоза, юзи кўркли, ёқимтой, хушфеъл эди.

Ўғлини ўзига яқинроқ чақирди, бағрига босиб қучди ва йиғлади.

Айтди: Мана, ўғлим, мен ўлаётирман, ўрним ва бу мол-дунёлар сенга қолаётир.

Сен менинг ёлғизгина нури дийдам эдинг. Энди мен кетаётирман, эсон ва яхши қол, алвидо!

Турклар саркори бу ҳақда жуда яхши сўзлаган: Кўрар кўзнинг нури ўғил-қиздир, билгин.

Ўғил-қиз ғами-ташвиши тубсиз денгиз кабидир, қизил юзи ўғил-қиз ғами сарғайтиради.

Кимнинг ўғил-қизи ва заифаси бўлса, қандай қилиб у кишининг уйқуси келади?

Ўғил-қиз деб ота-она ташвиш тортади, ўғил-қиз эса ота-онанинг отини ҳам эсламайди.

Ойтўлди айтди: Эй ўғлим, сўзларимни диққат билан эшит, унутма. Менга боқиб фикр қил. Мен сенга ота эдим, отим Ойтўлди эди. Эндиликда бу Ойтўлдиннинг паймонаси тўлди, ўкинч билан ўлаётир, унга ҳеч қандай чора йўқ.

Ҳаёт — ширин, ўлим эса аччиқ. У менга қасд қилди, ундан қочиб қутуладиган ерим йўқ.

Мен бу дунёга кўнгил бериб, унга маҳлиё бўлдим, у менга вафо қилмасдан қочди.

Дунё мени авраб ўзига томон чақирди. Мен кўнгил бергач, шитоб билан мендан қочди.

Менга дунё жафо қилди, қут эса қариди, энди сен унга алданмагин.

Барча зарур юмушларимни четга суриб қўйиб, орзу-ҳавас кетидан қувиб кераксиз ишларни қилдим.

Тириклик бўрон ва ел каби тез ўтиб кетди, мана энди ҳеч манфаат кўрмасдан ўлиб кетаётирман, мана шунга афсусланаман.

Нарса ё мол-товар бериш билан ишимга чора топил-

майди, энди қўлимдан тутиб халос қиладиган бирорта кишим йўқ.

Ўлимни олдиндан тушуниб тараддудини кўриб қўйган ҳушёр киши нима деганини эшит:

Ўлимни кўриб донолардан дониш кетади, заковатлиларнинг эслари йўқолиб, ақлдан қоладилар.

Ўлимнинг чангали қандай нохуш нарса, унинг одамга урилиши қандай ярамас нарса?

Ўлим обод саройларни барбод қилади, барча йиғилган нарсаларни тўзитиб сочади.

Шеър айтувчи бунга жуда мослаб сўзлаган, сен буни ўқигин, эй доно:

Оламда нима борки, унинг ҳийласи бўлмасин. Қандай ҳийла борки, унинг чораси бўлмасин.

Барча нарса учун ҳийла, тadbир ва чора бор, фақат ўлимга чора йўқ, ўлим ҳийласиздир.

Ўғил отасининг гапларини эшитиб, отасига қараб сўз бошлади:

Эй ота, сенга бир гапим бор, уни сендан сўрайин, менга айтиб бер.

Бу дунёда узоқ яшадинг, билим олдинг, ҳунар касб этдинг, заковат эгаси бўлдинг.

Сўраб, эшитиб ўргандинг, кўриб, синаб, ҳамма нарсани кузатиб яшадинг.

Ўлимга қарши бирор тadbир борми? Бўлса, уни ишга солгин, эй тетик.

Агар бошқа илож ва чора бўлмаса, барча хазинада бор нарсаларни улашгин.

Хазина ва нарсалар бошқа гаров бўладиган бўлса, улашиб омонлик топ. Бош омон бўлса, олтин-кумуш топилади.

Кўзи тўқ киши нима деган, эшит. Кўзи тўқ киши нонтузли, сахийлар сарвари бўладилар.

Одамларга нарса улаш, уларни едириб-ичиргин, чунки нарса сенинг умрингни ўтказади.

Одамга саломатлик керак, нарса бўлса топилади, қушга, агар у тирик бўлса, дон ҳамиша топилади.

Одам тирик бўлса, тилагига етиши аниқ, жон омон бўлса, орзу яқин бўлади.

## ОЙТЎЛДИНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ойтўлди ўғлига жавоб берди: Эй ўғлим, сўзларимни эшит ва бу ишдан умидингни узгин.

Олтин-кумушнинг ўлимга фойдаси бўлмайди, уни билим ва заковат ҳам тўхтата олмайди.

Дунё моли ўлимнинг олдини ола олса эди, беклар беги мол қурбон қилиб, ўлмай қолган бўлардилар.

Ҳакимларга уларнинг ҳикматлари фойда қилмаган, донишмандларга донишларининг манфаати тегмаган.

Ўлимга қарши дори-дармон фойда қилганда эди, табиблар абадий тирик қолган бўлардилар.

Ўлим юз хотир қилганда эди, табаррук пайғамбарлар ўлмай қолган бўлардилар.

Туғиладиган тириклар барчаси ўлимга маҳкумдирлар, ўлим учун туғилган тирик ким, борми, қани?

Бу дунё бир работдир, унга қўнган бир куни кўчади. Дунё мисоли фил ва аждаҳо янглиғ овқатини ер экан яна очиқади.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш отасининг сўзларини эшитди ва деди: Эй ота, ўлимни шунчалик яхши тушунган экансан,

Нима учун тирикликни беҳуда ўтказиб, ғафлатда юрдинг, нима учун энди афсусланиб йиғлайсан.

Бу қолиб кетадиган нарсаларни нимага йиғдинг, нима учун ортиқча нарсаларингни улашиб бермадинг?

Одам узоқ яшаб ғафлатда юрган бўлса, ўзини койинсин, ўзини ўзи айбласин.

## ОЙТЎЛДИНИНГ ЎГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ойтўлди айтди: Эй ўғлим, сўзимни эшит, мени кўриб ибрат ол, аҳволимни унутма, шундан хулоса чиқариб иш тут.

Ғофиллик мени хароб қилди, ўзим бундан афсус чекаётирман. Эй ёруғ юзлигим болам, ҳушёр бўл, ғафлатга ботма.

Қанчадан-қанча туғилганлар ўлиш учун туғилган, у қанчалик ўлмаслик учун тиришмасин, охири зўр билан олиб кетади.

Улувчи одамлар барчаси вақт-фурсат тутқунидирлар, шу вақт-фурсат келса, оёқни қимирлатмай қўяди.

Шоир сўзлари бунга ўхшатиш учун жуда ўринлидир, агар маъносини чақилса, жуда ҳам пухта сўзлардир:

Барча нарсанинг вақт-соати ва куни белгиликдир, нафас ва тин олишнинг сон-саноғи белгиликдир.

Йил, ой ва кунлар ўтаркан, тириклик ҳам ўтади, ўгаётган кунлар шубҳасиз сени ҳам ўтказади.

Ойтўлди яна айтди: Эй ўғлим, менинг не аҳволда ўлаётганимни кўр ва кўзингни оч.

Менинг бирдан-бир қайғум сендирсан, сенинг ғаминг билан ўлаётирман. Чунки бу кун кичиклигингда менсиз қолаётирсан.

Мендан кейин ҳолинг не кечар экан? Менинг бундан бўлак ғамим ва ташвишим йўқ.

Болага отанинг меҳнати сингган бўлса, унинг боласи феъл-хулқни жадал ўрганади.

Ота фарзандни тергаб тарбияласа, унинг феъл-йўриги яхши бўлади, ота ва онасининг юзини ёруғ қилади.

Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер.

Ота фарзандни билимли ва идрокли қилиб тарбияламоқчи бўлса, уни доимо тергаб тарбиялаш керак, бунинг тадбири мана шу.

Ўз бошидан кечириб ёши етишган фарзандли одам нима дейди, эшитгин:

Кимнинг ўғли ёки қизи эрка-арзанда бўлса, бундан у киши мунгли бўлиб йиғлайди.

Ота фарзандни кичиклигидан нобакор қилиб қўйса, фарзандда гуноҳ йўқ, барча айб отанинг ўзидадир.

Ўғил-қизнинг феъл-атвори ярамас бўлса, бу ярамасликнинг айбдори фақат отанинг ўзидир, бошқа киши эмас.

Ота фарзандни ўргатиб, тергаб тарбияласа, улар улгайгач, ўғлим-қизим деб севинса арзийди.

Эй ота бўлувчи, ўғил-қизни тергаб тарбиялагин, токи кейин сенга кулгувчилар бўлмасин.

Ўғил-қизга санъат-ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу фазилатлар туфайли уларнинг феъл-атворлари ва йўриқлари матлуб бўлсин.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ОЙТЎЛДИГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй ота, мен сенинг қайғунгни еб тутаб куймоқдаман.

Сендан кейин мен тирик қолмайин, сенинг қайғу-ғамларингни тортмайин.

Сен ўлгунча мен ўлайин, сенинг жойингни менга берсин, мени қайғу-ғамда қўймасин.

Сенинг жойинг менга насиб бўлмаса ва ажал етишса, на илож, азал қазосига илож йўқ.

Қазо ҳукмига йиғи бир безакдир, кўздан ёш тўкишдан ўзга илож йўқ.

Сендан аввал дунёга эришганлар барчаси бу дунёни қолдириб, қайғу билан ўлиб кетганлар.

Сен жафокор дунё жафо қилишини била туриб узоқ муддат гафлатда кун кечирдинг.

Барча дунё моли бир ўзингга йиғилиб келганда ҳам, сенга бу дунёдан икки газ бўз улуш бўлади, холос.

Агар тириклик учун қайғураётган бўлсанг, қайғуравер, йиғла, кўз ёшингни аритма.

Ўтказиб юборган кунларинг қайтиб келмайди, нимаики қилган бўлсанг, у ўтди, энди тунинг яқинлашди.

Агар қайғу-аламларинг мен учун бўлса, қайғурма, қайғуришингдан нима фойда?

Ўзинг яратилгандирсан, яратилган эса ўлади, яратувчи қолади.

Менга меҳрибон ота эдинг, сендан ҳам меҳрибонроқ яратувчи бор-ку. Сени у яратган ва қут берган эди. Наинки у мени маҳрум қўйса!

Ойтўлди ўғлининг сўзларини эшитди, дуога қўл очди ва кўзини кўкка тикди.

Тангри ўғлига заковат бергани учун унга беҳисоб шукрлар қилди.

Ўғлимдан кўнглим хотиржам бўлди, тангри фазли билан бахтиёр яшасин, деди.

Заковатли киши жуда тўғри сўзлаган, унинг маънисини уқиб олсанг, кўзинг пишади:

Тангри кимга ақл, заковат ва билим берса, у барча орзуларига қўл узатади.

Кимнинг хулқи хуш, феъл-рафтори тўғри бўлса, у тилакларига етади, истиқболи порлоқ бўлади.

Яхши феъл-атвор барча эзгуликлар учун мойдир, хулқ-атвор яхши бўлса, минг-минг севинчлар келтиради.

Ойтўлди яна дуога қўл очди ва тангрига кўп санолар айтди.

Ўгдулмишга яна айтди: Эй ўғлим, ўлимни эсдан чиқарма, ҳушёр бўлиб ҳозирланиб тур.

Тирикликка ишонмагин, у елдек ўтиб кетади, бу дунёга ҳам ишонма, у жуда тез кўчади.

Мен сени тангрига топширдим, хоҳласа асрагай ва ҳаловат бергай.

Мана, мен сендан айрилиб ўлаётирман, қайғуриб йиғла ва менинг дуомни канда қилма.

Мендан кейин нималар қилишинг ҳақида тушунганларимни айтайин, сен эшитгин.

## ОЙТУЛДИ УГДУЛМИШГА УГИТ ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Йўриғингни тўғри тут, ўзингни унутма, кўнгил ва тилингни кичик тут, баландпарвоз сўзлама.

Бу дунё учун ўзингни ўтга-чўққа урма, зўравонлик қилиб одамларнинг нарсаларини олма.

Мен бир муддат яшадим, мана, энди ўлаётирман, кўргин, менга дунё нималар қилди?

Бу дунё молини йиғиб-тера олдим, лекин улар менга насиб бўлмади.

Сўнги кунларим ўкинч билан ўтаётир, мол-дунё наф бермаётир.

Молларим сенга қолди, менга эса улар бўйнимдаги юк бўлиб қолди, сен уларни роҳат билан еб ёт, севинч билан таскин топ.

Ушлаб қола олсанг, бу нарсаларни қўлингдан чиқарма, икки оламда ҳам юзингни ёруғ қилади.

Агар бунча нарсани сен ушлашни билмасанг, у сенга етмайди, оқибатда юзинг сарғаяди.

Тўғри бўл, йўриқ-қилиғингни мукамал тут, хурсандчилик тўғрилик билан боғлиқ бўлади.

Феъл-атвори тўғри киши нима дейди, эшит, тўғри феъл-атворли кишилар икки оламда ҳам бахтиёр бўладилар:

Одам ўз кунлари фароғатли бўлишини истаса, фароғат ва эминликни тўғриликдан истасин.

Ўзинг бек бўлмоқни истасанг, тўғрилик билангина унга эришасан.

Халқ устидан буюк бўлайин десанг, ўзинг учун тўғрилик йўлини танлаб ол.

Ойтўлди яна айтди: Эй ўғлим, эшит, ўзингни эзгу ишлар билан дўзахдан фориғ қил.

Фақат яхшилик қил, ёмон ишдан узоқ юр, сенга ҳам фақат эзгулик эваз бўлиб келади.

Ярамас ишга яқинлашма, сенга зиён бериб қўяди, ёмонлик мисоли бир илондир, у сени чақади.

Ичкилик ичма, нобакорларга аралашма, ўзинг эзгуликка эришишни истасанг, ҳаминша эмин юр.

Қўйидаги икки одатдан муқаддас қут қочади, улар кишига қашшоқлик йўлини очади.

Икки тонфа одамларга сўз сўзлама, сўзинг ҳамма ерга тарқалади, сиринг очилади.

Сўз ташувчи ифвогарни ўзингга яқинлаштирма, кўрган ва билганларини бутун элга ёяди.

Синалган, танилган одами қўлдан чиқармай қаттиқ тут, ундан сенга минг-минг манфаатлар тегади.

Барча сўзга қулоқ тут, аммо дарров ишона қолма, юрак сирларингни очма, яшириб махфий тут.

Одамларга ҳасад қилма, оққўнгил бўл, бу икки феълга эга бўлган одам доим мунгда бўлади.

Аёлларни бўш қўйма, эшикни қаттиқ ёпиб тут, аёллардан эркакларга шаксиз кулфатлар келади.

Бегоналарни уйингга қўйма, хотинларни ташқарига чиқарма, аралашмасидан олдин одамларни сингин.

Хулқингни хуш тут, нарса учун қайғурмагин, хулқинг яхши бўлса нарса ўзи келаверади.

Бу сўзлар бунга жуда мос келади, уни эшит ва амалда қўллагин:

Тирик бек кишилар учун яхши сифатлар керак, шунда нимаики яхши нарса лозим бўлса, барчасига эришадилар.

Ёмонга мол-товарнинг нима кераги бор? У қанчалик молга эга бўлмасин, барибир қашшоқ билан тенг бўлади.

Андишасиз одамдан зинҳор йироқ тур ва қоч, уят-андишаликларга мендан минг-минг олиқшлар бўлсин.

Жамнки ишда шошилма, сабрли бўл, ўзингни босиб ол, сабрли одамлар орзу-истакларига етадилар.

Қаерда бўлмасин йўриққа амал қил, йўриққа амал қилсанг, қут сенга ўзи келади.

Тилингни эҳтиёт тут, кўзингни асра, нафсингни тий, ҳалол ва оз-оз егин...

Тилингда беклар ҳақида фақат яхши сўздан бўлак сўз юрмасин.

Ўзгаларга зиён соғинма, ўзинг ҳам зиён кўрма, фақат яхшилик қил, орзу-ҳавасни босгин.

Қандай ерга кирсанг, энг аввал чиқишингни кўра бил, чиқиш ерини билмаса, киши шикаст топиб қолиши ҳеч гап эмас.

Қачон ғазабинг қўзғалса, ўзингни қўлга ол, сабрли

бўл, сабрли кишиларнинг севинчлари олдиларида бўлади.

Сабр қилган киши нима дейди, эшит: киши сабр қилса, бузилган ишларини ҳам тузатади.

Сабр қилган одам тилагига етади, сабр билан турган киши оққуш тутади.

Агар меҳнат-машаққат ё қайғу-алам дуч келса, сабр билан қарши олсанг, кетидан қайта шодлик келади.

Давлат ҳовлиқтиргидек бўлса, қут ҳаддини билса, сабр қилса, ошиқмаса, барчаси кўнгилдагидек бўлади.

Сабр қилгин, сабр — мардларнинг одати, сабр қилган киши ҳатто кўкка парвоз қилишга ҳам йўл топади.

Улимни унутма, унга доим тайёр тур, эсда сақла, ўзингни унутма, туб-аслингга назар ташла.

Тилингдан ёлғон сўз чиқарма, бу ёлғон қадрингни туширади.

Қариндошларга, яқинларга яқинлик боғла, катта ва кичикка очиқ чеҳра билан кулиб боқ.

Нон-тузингни кенг тут, одамларга едир, одамларнинг айбини кўрсанг, уни фош қилма, яшир.

Давлатинг зиёда бўлса, унга мағрурланмагин, қўлингдан келганича яхшилик қил, ёмонлик қилмагин.

Мол-дунёга маҳлиё бўлма, у кўпаяди ва яна озаяди, давлатга (бойликка) ишонма, унинг умри қисқа, тез қарийди.

Тирикликка ишонма, у тушдек ўтиб кетади, омонат бахтга бепарво бўлма, у қушдек учиб кетади.

Тирикликни беҳуда ўтказма, яхшилик қил, ўтиб кетаётган кунларда кераклик ишларингни қилиб қол.

Ичимлик ичма, жанжалга аралашма, ундан узоқ юр, зино қилма ва фосиқ, тубан деган ном олма.

Бу икки ярамас одатдан муқаддас қут қочади, улар одамга қашшоқлик йўлини очади.

Иш кўзини биладиган, синаган одам нима дейди, эшит:

Ичимлик ичма, зинога яқинлашма, ҳазар қил; бу иккиси қашшоқлик тўнини кийгизади.

Ичимликдан юрак минг-минг гуноҳлар қилишга қўзғалади, зинодан қут қочади, юзинг қора бўлади.

Ойтўлди сўзлашдан тўхтади ва: Эй ўғлим, унутма, мана шу сўзлар сенга керакли сўзлардир, деди.

Мен батафсил сўзладим, агар унга ишонсанг ва амал қилсанг, севинчинг асло камаймайди.

Мен сенга сўзлаганларимнинг оти васиятдир, сен бу сўзларни унутма, дилингга жойлаб ол.



## ОЙТЎЛДИ ЭЛИГГА ВАСИЯТНОМА ЕЗИБ ҚОЛДИРИШИ ҲАҚИДА

Қалам, довот ва қоғоз олди, тангри номи билан бошлаб хат ёзди:

Эй бахтиёр элиг, узоқ умр кўргин, кўп элларга эга бўл ва беклик мартабанг улуғ бўлсин.

Отим Ойтўлди эди. Қилиқларим ва йўриқларим тўла-тўкис эди. Бу тўкислик завол топди, ўзим ўлаётирман.

Ўлим жарчиси келди ва қаттиқ тутди, ҳаловатимни олди. Ундан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ.

Мени яхши қабул қилдинг, иноятлар кўрсатдинг, мен эса шунга лойиқ хизмат қила олмай ўлиб кетмоқдаман.

Эй тетик, ўша иноятларинг эвазига сенга ушбу васиятномани ёзиб қолдираётирман.

Барча ишларингда сенга ҳамдам ва эш эдим, ишларингни тўғрилик билан бажардим.

Мана, энди меҳрибонлигим белгиси бўлмиш панд-насиҳатдан иборат васиятнома ёзиб қолдирдим. Сен уни ўқигин.

Меҳрибон киши нима дейди, эшитгин, инсонликнинг бош белгиси меҳрибонликдир:

Меҳрибон кишининг сўзини ва насиҳатларини олгин, унинг панд-насиҳатлари сени саодатга етаклайди.

Кишиларнинг энг самимийси меҳрибон кишилардир, меҳрибон сўзларига амал қил, улар сени улуғлайди.

Эй элиг, мен сенга меҳрибонман, эй мард баҳодир, сўзларимга албатта амал қилгин.

Менга ўлим дуч келди, ўзим ўкинчлар чекдим, ўкинчларим ва илтижоларим фойда бермади.

Кунимга қилган тоат-ибодатларим яради. Қилган барча ёмон ишларим менга ўкинч бўлди.

Итиғиб-терган олтин-кумушларим қолиб кетди. Менга улар ҳақида фақат ҳисоб бериш nasib бўлди, холос.

Ўкинч билан ўлмоқдаман, ўкинчимдан нима фойда? Энди жонимдан бутунлай умидимни уздим.

Бугун эркисизлик билан мен кетаётирман, эртага шубҳасиз орқама-орқа сен ҳам борасан.

Ҳануз ўлим тутмасдан ҳушёр бўл, эй элиг. Ишларингни бажо қилиб, ҳозирлигингни кўриб қўй.

Кўзинг соғ пайтида эзгулик қил, мол-дунёнг боринда улаш ва едир.

Золимлик ва зўравонлик ўрнига яхшилик қил, қў-

линг-ла инъом қилиб, тилинг-ла ширин сўзлаб, халқинг-ни хурсанд қил.

Ёшлигидан ҳушёр бўлиб кўзи пишган тўғри сўзли киши нима дейди, эшит:

Улим келиб тутганда аттангинг фойдаси йўқ, қора ер қаърида ўлиб йиғлаганинг фойдасиз.

Эй элиг, пишиқ бўл. Мендан кейин ўз ғанимат дамларингни беҳудага кетказма.

Дунё омонат давлат билан сени аврамасин, жамики ишларда тўғрилиikka амал қил.

Халққа тўғри ва адолатли сиёсат юрит, ўзингнинг ҳаёт кунларинг яхши бўлади.

Сен ўзинг ҳам бу дунёнинг ҳосила нарсасисан, унга қул бўлма, у сени қўймас экан, сен ҳам уни қўйма.

Ортиқча мағрурланиб кеккайма, бу дунё ишонадиган нарса эмас.

Яхши одамларни ўзингга яқин тут, ёмондан йироқ тур, зиёни тегади.

Одамларнинг суқига ишингни бермагин, вафосиз кишига неъматингни едирма.

Улимни унутма, унга тайёр тур, бу ўлим пистирмадан чиққандай қўққисдан келади.

Қанча чап бермагин, охири ўлим келади ва тутади, қанча қочмагин, ўлим охири қувиб етади.

Улимдан ғафлатда қолма, кўнгилни ҳушёр тут, қанча узоқ яшамагин, охири ерга ястанасан.

Улимдан ким қочиб қутулган, қани? Ким вақт-фурсатидан ортиқ яшаган экан, қани?

Таълимда бунга мослаб жуда яхши сўзланган, давр, замон, кун ва тирикликлар ўринли таърифланган:

Одамзод мисоли карвон кабидир, бир ерда узоқ турмайди. Узоқ тургани борми, қани?

Фарзанд отанинг белидан бунёд бўлади. Она қорни эса унга бир неча ойлик сокин манзилдир.

Онасидан туғилса ва ном қўйилса, шундан бошлаб мусофир бўлади ва фалакнинг отига минади.

Қундузги ҳар бир хўрагим ва тунги ҳар бир хўрагим мени ўлимга яқинлаштиради, чеҳрамни сўлдиради.

Бу дунё бир работдир, қўноқ еридир, бу работда бир оз қўниб тин олгач, албатта қўзғаласан.

Бу дунёда сени икки йўл кутади, бу икки йўлдан сenga қайси бири насиб этиши номаълум.

Йўлинг ўнгидан келса, ишларинг соз бўлади. Бордию сўлидан келса, пешонангга уриб афсус билан йиғлайсан.

Эй элиг, бу дунё бир экинзор кабидир, унга олам нимани экса, ўшани ўради.

Ерга нима экилса, у ердан ўша нарса униб чиқади, табиат сенга нимани берса, яна ўшани қайтариб олади.

Ўзгаларнинг молларини тортиб олма ва қон тўкма, бу икки гуноҳ учун жон чиқар пайтида одам аччиқ йиғлайди.

Бу тушга ўхшаш ҳаёт билинмасдан ўтиб кетади, хоҳ қул бўлсин, хоҳ бек бўлсин, бари бир қайтиб келмайдиган бўлиб кетади.

Ўтган кунларинг туш каби бўлиб қолди, қани у кунларинг? Қолган кунларинг эса ўкинчдан бошқа нарса эмас.

Ғафлатдан уйғонган киши нима дейди, эшитгин, ғафлатдан уйғонгач, афсуслар билан ўкинган киши.

Шоир бу ҳақда янада яхшироқ сўзлаган, бу шоир шеърининг маънисини яхшилаб ўқиб ол:

Тириклик кунларингни туш каби ўтказиб юбординг, қани унинг фойдалари? Ундан менга нишона кўрсат.

Кунларингни тилак-орзулар кетидан қувиб ўтказдинг, ҳаётинг тугади, унинг барчаси ўкинчдан иборат.

Тирикликни ғафлатда ўтказма, ўйла ва андиша қил. Тириклик ўлимга жуда ҳам яқиндир.

Эй саховатли элиг, бахил бўлма, бу одатдан сақлан, саховатли деган ном ҳеч ўлмайди, мангу қолади.

Лашкар, қўшин ва мол-дунёга ортиқ бино қўйиб ишонма, лашкар ва олтин-кумушлар фойда бермайди.

Ўзгалар учун ўзингни фидойи қилма, ўзингни ҳам ўйла, ҳуда-беҳуда куйиб-ёнма.

Сендан олдин ўтган дунё беклари дунёни ташлаб кетганлар, кўргин.

Улим сенга ҳам келишга отлангандир, у ҳаёт кунларинг тугаш пайтини кутади.

Дунё айбларини тушунгин, у ҳақда заковат билан сўзлаган киши нима деганини эшит:

Бу дунё нарсалари шўр сув кабидир, одам уни қанча ичгани билан қонмайди, тил ҳам намланмайди.

Эй баҳодир, бу дунё қўланканг кабидир, унинг кетидан борсанг, сендан қочади, агар қочсанг, кетингдан эр-гашади.

Дунёнинг ишлари саробга ўхшайди, ушламоқчи бўлиб қўл чўзганда, одам уни йўқотади.

Эй элиг, ўзингни қўлга ол ва яхшиликни касб эт. Бегн яхши бўлса, халқи ҳам яхши бўлади.

Даргоҳингга беҳисоб оч бўрилар йиғилган, эй элиг, эпинингни маҳкам беркитиб юр.

Халқ қўй ҳисоби, бек эса қўйчибондир, қўйга қўйчибон меҳрибон бўлмоғи керак.

Ишларда ғазабли бўлма, қаҳрдан ўзингни тий. Беклар ғазабли, қаҳри қаттиқ бўлсалар, беклик путурдан кетади.

Одамларга аччиқ ва дағал сўзламагин, дағаллик мисли олов, куйдирувчи ёлиндир.

Сокин, оғир, вазмин ва мулойим бўл, фақат яхшилик қилгин.

Олдингда узоқ йўлли сафар турибди, тадбирли кишилар бу йўлга озуқни кўп ва етарли ҳозирлайдилар.

Сарой ва қасрлар бино қилма, эй бахтиёр элиг, қора ер қаърида сен учун уй ҳозирланган.

Олтин-кумушлардан нима учун хазина тўлдирасан? Ахир сенга оқибатда икки газ бўз мато насиб этади-ку!

Шоир сўзларини бунга мослаб айтган, шоир сўзи барча сўзларга асос бўлади:

Ғофил одам фарзанди беҳисоб мол-дунё йиғади, лекин нима учун тераётир, бу унга насиб этадими, бу ҳақда сира ўйламайди.

У бойиб, барча тилакларига тугал етишгач, ажал ҳаёт ипини узади, у жон беради.

Эй бек, фароғатга маҳлиё бўлиб, ортиқ мағрурланма, маҳлиёлигинг, гурурларинг ўт каби ўчади.

Мол-дунё деб ҳаётингни беҳуда ўтказма, мол-дунё омонат нарсадир, фақат машаққат учунгинадир.

Шоҳи-ипакларга чирманган ва эрка парваришланган тананг қора ерга тўшанади, эй доно.

Кўнги хуши маҳбубалар билан овуниб юрган ўзлингнинг қора ер қаърига кириб ётади.

Ҳориб-чарчамайдиган йўрға отдан тушиб, мунгли бўлиб, эгарсиз яланғоч отга минади.

Мана шуларни ўйлагин ва ўлимга ҳозирлан, кейин қора ер қаърида афсусланмагин.

Ўзинг барча олам беклигига эга бўлсанг, қуйидаги беш ишга яқинлашма, яхши бўлади.

Ҳаромга аралашма ва зўравонлик қилма, беҳудага одамлар қонини тўкма, хусумат қилма, кек сақлама.

Ичимлик ичма, фисқ-фужурдан узоқ юр, мана шу бир қатор нарсалар бекликнинг бузилишига сабаб бўлади.

Ўзинг мангу беклик тиласанг, ҳамиша халққа адолат қилиб, уларни зулмдан фориғ қил.

Эй элиг, бугун сен халққа бошлиқсан, халққа паноҳ бўл, оқиллик билан доим ҳушёр тур.

Уз зимманга оғир юк олгансан, энди ғофил бўлма, ҳушёр бўл.

Тану жон орзунинг кетидан қувади, у ҳаваснинг қулдир, сен унга асир бўлиб қолма, агар асир бўлгудек бўлсанг, дарҳол ўзни қутқар.

Кечирган кунлар бўрон ва шамолдек ўтиб кетди, зое кетган тириклик қайтиб келмайди.

Энди қолган кунларингни беҳуда ўтказма, нафсониятнингни унут, йўлинг ва йўригинг шу.

Бу дунё сенга вафо қилмайди, кўргин, у менга вафо қилдими?

Тадбирли киши нима деган, эшит, тадбирли, билимли кишилар бошқаларга бош бўладилар.

Бу дунё бир работдир, сен эса карвон ҳисоби. Карвон работда қанча турарди, ўйлаб кўр!

Бу дунё фойда оладиган бир ер-савдо саройидир. Бу ерда нимаки топсанг, келажакнингга мўлжаллаб олиб қўйгин.

Ўзинг бу ердан кўчасан, кўчингни олдинроқ жўнатгин, керакли юкларингни олгин ва ва кераксизларини ташлагин.

Мана, мен кетаётирман, менга қара ва кўзингни оч Ўзингни қўлга ол ва яхши ном қолдиришга тириш.

Эй элиг, беклигинг узоқ туришини истасанг, бир қатор ишларни қил ва бир қатор ишларни қилишдан ўзингни тий.

Адолат қил, қатъий бўл, зулмга йўл берма. Тангрининг тоатини қил.

Иккинчидан, ғофил бўлма, сезгир ва ҳушёр бўл, токи сенга ногаҳоний касофат юз урмасин.

Қандай иш бўлмасин икки фурсатда қилма: ҳавас уйғонганда ва ғазаб келганда, сабр билан иш қилиш керак.

Бир қатор нарсаларга эҳтиёт бўлсанг, элинг омон бўлади, жаҳон тинч бўлади, беклик равнақ топади.

Барча яхшиларнинг қадрига ет ва улугла, ярамасларни сақлама, элингдан ҳайдаб чиқар.

Ёмон қондалар жорий қилма, яхши тартиб-низомлар туз, кунларинг яхши ўтади, бахт камарини боғлайсан.

Доно ва машҳур киши нима деган, эшит, унинг сўзларидан ўзингга тегишли хулоса чиқариб ол:

Эй эл бошловчи доно, яхши сиёсат юрит, ёмон сиёсат билан давлатни тутиб бўлмайди.

Кимда-ким яхши қонун ва низомлар жорий қилса, шу туфайли ўз номини машҳур қилади.

Эй билағон доно, ўзингнинг кимлигингни эсдан чиқарма, туб-аслингни унутма, ўзингга ўзинг сўроқ бериб тур, ҳамиша ўйла.

Ёмонлар одатини касб этма, эй ҳар ишга қодир киши, ёмон одат икки жаҳон овораси қилиб йиғлатади.

Дунё ўткинчидир, уни ўтиб кетади, деб ҳисобла, қаршидан албатта ўлим келишини ўйла.

Менга назар солгин ва ўзинг учун хулоса чиқариб ол, тириклигингда ғамингни еб қўй, кейин ўкиниб юрма.

Одам ўлса, ундан васиятлар қолади, менинг сенга васиятларим мана шулар, эй доно.

Мен учун сен севикли киши эдинг, эй элиг, сенга фойдали васиятларимни қолдирдим.

Киши учун фойдали васият — бу сўздир, васият сўзларига амал қилинса, унинг фойдаси кўп бўлади.

Мана, сенга сўзларнинг чинини рўй-рост ёзиб қолдирдим, бу сўзларни ва мени ҳеч унутма.

Қанча яшаб тирик юрмагин, охири қайтиш ўлим бўлади, билиб қўй.

Шубҳасиз охири бир кун ўлим келади, яшаб юрган жондиларнинг жонини албатта олади.

Ўлим хабарчиси келишига тайёр туриш керак, узоқ йўл сафарига ҳозирлик кўриб қўйиш керак.

Ўлимдан қочиб қутуладиган ер йўқ, билиб қўй, ўлимга кераклик ҳозирликларингни қилиб қўй.

Ўлимини ўлишидан олдин билиб юрган ва ер остида чириб ётган киши нима деган, эшит:

Ўлимнинг навбати кези билан сенга ҳам келади, ўлимга ўзингни тайёр тутиб юр.

Ман-ман деб олтин камар боғлаб юрганларнинг камарлари ҳам ўлим келиб тутганда узилади.

Эй элиг, мен сенинг ҳақингни ўтадим, менга бўлган меҳрибончилигинг ҳақини тўла-тўкис оқладим.

Эзгуликлар қилишга тангри сенга мадад берсин, бу эзгуликлар ҳар жиҳатдан сенинг бахтингни очсин.

Узоқ умр кўриб саломат яшагин, шод-хуррамлик билан кўп йиллар элингга бошчилик қил.

Бу гапларимнинг барчаси меҳрибончилигимнинг изҳоридир. Эй кўркам юзли бегим, эсон ва саломат қол!

Эй бахтли элиг, мана, мен ўлиб кетаётирман, дилимнинг сурури, ўғлим мендан жудо бўлиб қолаётир.

Илтижолар қилиб уни худога топширдим, хоҳласа уни ёнаётган ўт ичида ҳам асрайди.

Сендан илтимосим шуки, хабар олиб тур, ташлаб қўйма, нобакорлар қаторига кирмасин.

Ўғил-қизнинг феъли-хулқи яхши ёки ёмон бўлса, унинг сабабчиси ота ва онадир.

Мана, мен унинг отаси, энди ўлаётирман. Онасиз етим ўғлим мендан ҳам ёш қолаётир.

Менинг хизматларимнинг ҳақи учун сен сабаб бўлиб, ўғлимни яхши йўлга сол.

Уни қаровсиз қўйма, санъат-хунар ва билим ўргат, билим ва санъат-хунарлари туфайли эл хизматига ярасин.

Феъл-хулқлари камол топсин, йўл-йўриқлари соз бўлсин, хизматга лойиқ бўлсин, мукофотларга сазовор бўлсин.

Беҳуда ва бўш қўйма, тийиб-тергаб тут, тийиб-тергаб тутилса, фарзандлар бахт топадилар.

Ўғил-қиз ёшлигида нимани ўрганса, қариб ўлмагунча уни унутмайди.

Шарафга эришган ёшулли нима дейди, эшит, у синаб, тушуниб ва билиб сўзлаган:

Фарзандга кичиклигида билим ўргатиш керак, бола кичиклигида билим ўрганса, баркамол бўлади.

Ўғил-қизни аяма, вақти-вақти билан жазолаб ҳам тур, жазо ўғил-қизга таълим ўргатади.

Номасини тугатди, ўради, маҳкамлаб боғлади ва ўғлига тутқазди.

Айтди: Ўғлим, бу номани қаттиқ ушла, йўқотиб қўйма, уни элигга етказгин, бу унга васиятномадир.

Номани қайта-қайта ўқисин, сўзларимга амал қилсин, ўлимга тайёр турсин, ишларини тўғриласин.

Яна ўғлини бағрига босиб қучоқлади, уни ўпиб кўзидан юм-юм ёш тўкиб йиглади.

Деди: Эй ўғлим, мана мени кўрднинг, қай аҳволда ўлаётганимни унутма.

Бундай ҳол сенга ҳам албатта келади, гофил бўлма, охири сен ҳам ўласан.

Мен сенга керакли сўзларни айтдим, сен сўзларимни уқиб, менинг ҳақимга дуо қил.

Мабодо элиг сени истаб йўқласа, тўғри бориб хизматини қил, уни синаб ўлтирма.

Нобакор бўлма, бекор ва беҳудага уринма, тўғри ва покиза бўл, феъл-атворинг матлуб бўлсин.

Кечаси ётадиган бўлсанг кеч ёт ва эрта барвақт тур, кеч ётиб, эрта турганларнинг бахтига бахт қўшилади.

Тангрининг буйруқларини қадрли тут, элигга хизмат қил, унга меҳр қўй.

Ёмон ишга яқинлашма, ундан йироқ тур ва қоч, фақат яхшилик қил, йўл-йўригининг тузат.

Сўзларингга эҳтиёт бўл, саломат юр, ўзингни эҳтиёт тут, эсонлик билан сақлан.

Сўзларини тугатди ва ўглини қаттиқ қучоқлаб йиглади, алами яна ошди, афсуслар чекди.

Деди: Эй ишончсиз бевафо дунё, нима учун сен менга бунчалар жафо қилдинг!

Неъматлар билан парвариш топган жисму жоним қора ер қаърига кириб бораётган, эй ой юзлигим!

Онадан қандай туғилган бўлсам, ўша алфозда яланғоч ва йиглаб ўлаётирман.

Ўлиши муқаррар ва ўлимдан ўкиниб улиб йиғловчи киши нима дейди, эшит:

Она қорнидан чиқиб, ер қорнига кираман, лаззатлар билан парвариш топиб, илонларга ем бўламан.

Эсиз тириклик ва эсиз ҳаёт, алам ва қайғулар билан гўрга кираман.

Барча туғишганлари билан узр-маъзур сўрашиб видолашди, жони яшил кўкка учишга йўлга отланди.

Ойтўлди ақлини югуртириб йиғини тўхтатди, дунёсини одамларга улашишни васият қилди.

Кўзини кўкка тикди ва деди: Шукрким, тилим шаҳодат билан тўхтади.

Ёруғ жони узилди, куши тунга бадал бўлди, нафас олишдан тўхтади.

Покиза руҳи юксакликка, аъло маконга йўл олди, жони учиб кетди, қуруқ келбати қолди.

Бунёд бўлмагандек ва туғилмагандек руҳ йўқ бўлиб кетди. Жаҳонда унинг отигина ёдгорлик бўлиб қолди.

Кўнгли тўғри гафлат уйқусида уйғонган киши нима деган, эшит.

Жасаднинг макони барча йиғиладиган чексиз ҳовлидир, руҳи равоннинг макони аъло юксакликдир.

Назар солиб қаралса, инсоннинг ўзи ажабтовур бир жумбоқдир, ҳаётида ном таратади, ўлиб эса ном-нишонсиз кетади.

У қаердан келади, қаерга боради, қаерда туради ва қаерда юради?

Бунн биладиган борми, у бир нарса айта оладими? Заковатлилар бунн тушунадиларми, бу ҳақда бирор нима дея оладиларми?

Гоҳо еб-ичиб юради, гоҳо белгисиз бўлиб кетади, гоҳо кўз кўриб турган ерида бирдан кўздан гойиб бўлади.



Одам ўзи ўта кисқа умрли, алам-қайғулари чексиз, тили узун, сўзи баландпарвоздир.

Инсон ўзи шунчалик эркисиз бўла туриб, катта кетиб гердайиши ажабланарлидир.

Жаҳонни қўлга киритгач, дил ҳасрати ортади-ю, яна у қоядек ғўдайиб керилгани ортиқча.

Ўлимнинг маънисига етиб ҳозирлик кўрган ҳушёр киши нима деганини эшит:

Эй шафқатсиз ўлим, қандай ярамассан, сени ҳеч қандай тадбиру чоралар билан босиб бўлмайди.

Сен барчага барабар бориб етасан, бирор зот сендан қутула олмайди, ёмон ва яхшини фарқламасдан жувон-марг қиласан.

Донолар бахтиёр яшасалар, жоҳиллар ва ярамаслар барчаси ўлсалар яхши бўлмасмиди?

Яхши ва ёмон бирдай омон топмайди, барчаси ҳам ўлади, қора ернинг қаъри катта ва кичиклар билан тўлади.

Эй тирик, ўлимдан халос бўладиган ер йўқ, қанча умр кечирмагин, бари бир ўлим келади.

Халқни бошловчи раҳбар киши қандай яхши сўзлаган, ишларини билми ва заковат билан битирувчи киши:

Ўлим бўлмаса, қандай яхши бўларди! Одам ўлмаса, қандай ажойиб бўларди!

Ўлим мени тинчитди-қўйди, таг-томирларни бузиб қўпоровчи ўлимдир. Одам эсиз эмас, одамийлик эсиз, киши эсиз эмас, унинг хислат-фазилатлари эсиз.

Ўлимга ажаб йўқ, туғилган ўлади, қора ернинг қаъри тўлади.

Ўлимнинг қилиқлари фалак Золиникидек жуда кўҳна, унинг ҳунари азалдан шунақа. Иста унга риюя қил, иста риюя қилма, бефарқ.

## ЭЛИГ ХОҚОН УГДУЛМИШГА НАСИХАТ ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Элиг Ойтўлдиннинг мотамини ўтказгач, унинг ўғлини ҳузурига чақирди ва унга панд-насиҳат, ўғитлар қилди:

Эй ўғлим, кўп қайғу-алам чекма, ғам-алам ўтса, кетидан хурсандчилик келади.

Бу ғам-алам ёлғиз сенгагина етмади, мусибат ва оғир ғусса менга ҳам етди.

Ҳадеб ичинга солиб ўйлайверма, ўзингга тасалли бер, менга ёрдам бер, хизматга ҳозирлан.

Отанг ўлган бўлса, мен сенга отаман, мен сенга оталик қилайин, сен менга ўғил бўлгин.

Ўгдулмиш таъзим қилди ва айтди: Эй элиг, элингга бош бўлиб, узоқ умр кўргин.

Мен сенинг парваришингдаги содиқ қулингман, менинг жоним элигга қурбон бўлсин.

Отамнинг жони сенга фидо эди, менинг жоним ҳам сенга фидо бўлсин.

Ўғил отасининг номасини чиқариб, уни тавозе билан элигга берди.

Элиг номани олиб очиб ўқиди, сўзларини уқди ва деди: Аттанг, ажаб зеҳили киши эди.

Эй, меҳрибон кишиларнинг сарвари, менинг даргоҳимни хувиллатиб, ўрнингни қуруқ қолдириб кетдинг.

Тириклигингда хизмат қилиб ҳақимни ўтадинг, ўлар чоғингда ҳам ташвиш қилиб ғамимни единг.

Мен сенинг ҳақларингни ўтай олмадим, сенинг ҳақларингни тангри берсин.

Бугун мен сендан не чоғлик мамнун бўлсам, сенга юз чандон севинч ва бахтни боқий дунёда тангри насиб қилсин.

Элиг кўзидан ёш тўкиб сўзини тугатди, қайғу ва аламларга тушиб у ердан ташқари чиқди.

Кўнгли чўкиб келиб уйига кирди, эшикни ёпиб бутун кунни қайғу-аламда ўтказди.

Ўғил ҳам отасига мотам тутди ва маъракаларини ўтказди, камбағал ва муҳтожларга мол-товарлар улашди.

Отасининг ғам-қайғуларини бошидан кечириб, яхши одамларни ўзига яқин қилди.

Отасининг ўғитларига амал қилиб, тўғри йўлдан юрди. Қути кундан кунга ортди, кунлари бахтиёр бўлаверди.

Бошидан кўп ишларни кечирган, эл иш-юмушларини яхши биладиган оқил киши нима дейди, эшит.

Отангнинг ўғитларига оғишмай амал қилгин, бахт топасан, кунларини бири-биридан фароғатли бўлаверди.

Отангни ва энангни ҳамиша рози қилгин, уларга сингдирган хизматинг эвазига чексиз барака топасан.

Элиг ҳам жадал билан иш тутди, бир кун ҳам канда қилмай эзгу сиёсат юритди.

Халқ бойиди ва эл-юрт гуллаб-яшнади, фуқаросининг тили элигни дуо қилишдан тинмади.

Элиг бир куни ёлғиз ўзи ўлтирар эди. Ўқиётган ки-

тобини бир четга қўйиб, кўзларини узоқ-узоққа тикди.

Бир нарсага ақли танг қолди, кўнгли тинчлик бермади. Истаб бу ҳақда сўрайдиган одам топа олмади.

У Ойтўлдирнинг фазилатларини эслади ва ўз-ўзига деди: Эй аттанг, у одамларнинг одами эди-я!

Даргоҳимнинг кўрки, ўзимнинг энг яхши йўлдошим эди. Унинг барча ишлари халқ учун кони фойда эди.

Ўрни бўшаб қолди, ишларим халал топди. Бу нуқсонларни бартараф қиладиган бирор одам бормикан?

Яна Угдулмишни ҳам эсга олди ва мен бу ишни унутаёзимман, деди.

Улаётганида Ойтўлди ўғлини менга топширган эди, мен уни унутиб қўйибман, ажаб.

Ота ўлган бўлса, ахир ўғли тирик-ку, бирини йўқотган бўлса, ўрнига бирини ушлайин.

Дарҳол киши юбориб Угдулмишни олдириб келди, у билан овишиб кўнглини ёзмоқчи бўлди.

Угдулмиш кириб келди, хурсанд ҳолда рўпарада туриб элига кўриниш берди.

Элиг кўрган ҳамоно уни ўз олдига чақирди ва фалак сени не кунларга солди, деб ундан ҳол сўради.

Ҳаётинг кунлари қандай кечмоқда, тўғри йўлдан юраётирмисан ёки йўлинг эгрими?

Отангдан кейин фалак бошингга нелар келтирди, хурсанд юрибсанми ёки ҳасрат-қайғу биланми?

Угдулмиш сўз очиб деди: Бахтиёр элиг узоқ умр кўрсин, шуҳрати оламга ёйилсин.

Мен элиг хизматидан узоқлашдим ва четда қолдим, фалак мендан юз ўгирди, кулиб боқмади.

Талай вақтлар ўтиб кетди, элигнинг юзини кўрмадим, алам-қайғуларда юриб, зинҳор ўйнаб-кулмадим.

Бу кун элиг мени йўқлаб, ўз даргоҳига чорлади. Яхши умидлар учун менга давлат эшиги очилди.

Элигнинг ёрлиғини эшитганим ҳамоно куним бахтли бўлди, кўзларим равшан тортди.

Элиг уни ҳар соҳадан синаб кўрди. Угдулмиш сўзга тил очиб жавоблар қайтарди.

## УГДУЛМИШ ЭЛИГНИНГ ХИЗМАТИГА КИРИШИ ҲАҚИДА

Элиг айтди: Эй ўғлим, бундан буён менга хизмат қилиб юр, кўнглингни чўктирма.

Менга отангинг хизматлари кўп сингган эди. Мен унинг ҳақларини ўтай олмадим. У ўлиб кетди, ҳақи бўйнимда қарз бўлиб қолди.

Энди бу ҳақларни сенга ўташим керак, акс ҳолда одамлар оғзида гап бўлиб юраман.

Сўзга фаросатини етказиб, билиб сўзлаган Учўрду беги бу борада нима деган, эшитгин:

Биров сенга муайян меҳнат сингдирса, унинг хизматини унутма, мисли ўлик бўлма.

Эй асл одам, одамийликни қўйма, бошқаларга доим одамгарчилик қилиб юр.

Кимга кимнинг бирор меҳнати ўтган бўлса, эвазига ундан ортиқроқ меҳнат сингдириш керак.

Одамийлик туфайли одам шуҳрат топади, одам одамийлик билан танилади ва билинади.

Ҳайвон деган ном олма, одамийлик қил, одамга нисбатан одам бўл, одамийлик йўриқларини бил ва ўрган.

Ўгдулмиш ер ўпди ва деди: Аввал элиг менга эътибор кўзи билан боқса, мен учун яхшилик белгиси бўлади.

Мен хизматкор қулингман, сен улуғ бегимсан, улуғ беклар хизматкор қулларини қадрлайдилар.

Энди мен ўзимни сенга бағишладим, сен истасанг қадрла, истамасанг мурувват кўрсатма.

У ердан ташқарига чиқди, бир оз юриб уйига келди.

Шундан бошлаб Ўгдулмиш хизмат камарини боғлади, оғишмасдан хизмат қила бошлади.

Кеча-кундуз оғишмасдан хизмат қилди, тунлари соқчиликда бўлди, ҳатто овқатни ҳам ўша ерда еди.

Хизматлари элигга манзур бўлди, элиг унга июнлар кўрсатди, унга давлат эшиги очилди.

Хизматлари туфайли эътибор топган хизматчи нима дейди: эшит:

Эй бекларнинг хурсандчилигини истовчи киши, барча хизматларни беклар истагига ва хоҳишига мос қилгин.

Хизматчи бегига ёқмайдиган хизмат қилиб қўйиб бахтсизликка учраса, ўзини айбласин ва ўзидан ўпкаласин.

Агар у беги хоҳлаган хизматни қилмаса, эришган ютуқларининг барчаси бекор бўлади.

Элиг Ўгдулмишни ўзига яқин тутди ва барча ишларнинг тартиб-қондаларини тушунтирди.

Элиг бир кун уйда қайғуриб ўлтириб айтди: Эй дариг, асл кишидан жудо бўлдим!

Даргоҳимда кўп тоифа одамлар беҳисоб йиғилган, ammo менинг ишларимга яровчи етук одам йўқ.

Синаган ва синаб яхши-ёмонни фарқлаган киши нима дейди, эшит:

Одам истаган барча тилакларига етиши мумкин, лекин кўнгил истагандек одамни топиб бўлмайди.

Одамман деб бош кўтариб юрганлар беҳисоб, ammo одам деб ишониш мумкин бўлган киши топилмайди.

Одамлар орасида кераклиси ва яроқлиси йўқ, яроқлиси бўлса ҳам, доимо фойдали иш қилиб юрувчиси йўқ.

Сўзларини маъни билан безаб шеър айтган шоир нима деган, эшит:

Юрувчиларни кўраман, яроқлиси йўқ. Яроқлиси топилса ҳам, юрувчиси йўқ.

Турли тоифа ва туркум одамлар кўплаб йиғилган, шулар ичда фойдалиси йўқ.

Кўҳна масал бор, унда шундай дейилган: Уругли киши ўлса, унинг уруғи қолади.

Ойтўлдиннинг ўғли ким ўзи, ахир? Отаси ўлган бўлса, ўрнига ўрин ўғли бор-ку, ахир!

Отаси ўлиб кетди, даргоҳимдаги унинг ўрни бўш ва ҳоли қолди. Шу бўшаб қолган ўринга унинг ўғлини жуда муносиб кўраётирман.

Мен унга ғамхўрлик қилайин, у одам бўлсин, одам бўлганининг фойдасини ишлари билан кўрсатсин.

Унинг яроқли ва фойдали бўлишини яққол кўриб турибман, фақат ёшлиги демаса, ўзга нуқсонлари йўқ.

Халқ орасида шуҳрат таратган сара ва бахтли киши жуда яхши сўзлаган:

Беклар кимга қўл бериб ғамхўрлик қилсалар, ўша бегидан бир даража қуйи аъёнбоши бўлади.

Беклар кимни ўзларига яқин тутсалар, унинг орзу-тилак ва истаклари рўёбга чиқади.

Мен отасининг ҳақларини ўтайин, меҳрибончилик билан одамгарчиллик қилайин.

Ойтўлдиннинг менга талай хизматлари сингган, энди мен ҳам шунга лойиқ одамийлик бурчимни ўтайин.

Асил кишилар яхшилиқни унутмайдиган бўладилар, одам боласи кўнглини олиш эса жуда ҳам қийин.

Қариянинг мана бу сўзларини эшит, у нима деган. Бу сўзларга амал қил ва зинҳор унутма:

Эй эзги киши, ҳамниша оғишмай эзгулик қилавер, эзгулик ҳеч қачон қаримайди, унинг умри боқий.

Эзгулик қаримайди ҳам, бузилиб-айнимади ҳам, унинг умри узун, номи ҳам безавол ва мангудир.

Элиг Угдулмишга марҳаматлар кўрсатди, уни обдан синади ва барча иш-юмушларни унга топширди.

Унга июятлар қилиб, улуғлаб-қадрлади, тақдир қулиб боқди, у низом-қондаларни тартибга солди.

Мулк ичидаги ишлар ва хизматларнинг тартиб-қондаларини йўлга қўйди, барча чигалликларни ҳал қила олди.

Унинг нуқсонлари ҳам фазилатга айланди, ҳамма нарса унинг айтганича бўладиган бўлди, элининг равнақига йўл-йўриқлар кўрсатди.

Элиг айтди: Энди истаган ички ва ташқи ишларим барчаси тугал битаверади.

Бунинг муайян чора ва иложлари бор эди, қийинчиликларни ўзимга олиб, уни қидириб-изладим.

Мана, энди кўнгилдагидек одамни топдим, ёши етишса, у яна камол топиши аниқ.

Улуғ бўладиган бола ёки забардаст бўладиган филнинг ёшлигидаёқ барча белги-нишонлари бўлади.

Ўгдулмиш ўтириб ҳам, тик оёқда туриб ҳам хизмат қилди, кундуз қилиб улгурмаган ишларни кечалари фурсат топиб бажарди.

Барча ярамас, номуносиб одатларни ўзидан аритди, ҳар бир ишга унинг манфаати тегаверди.

Элигнинг мушкуллари осон бўлиб, машаққатлардан халос бўлди, халқи энгил нафас олди, фаровонлиги ортди.

## ЭЛИГНИНГ ЎГДУЛМИШГА САВОЛИ

Бир куни Элиг Ўгдулмишни чорлади, нимаики билса, барчаси ҳақида ундан сўради:

Эй ўғлим, мен сендан бир қатор нарсалар ҳақида гапириб беришингни сўрайман, сўзларимга қулоқ бер.

Фойдали нарсалар нимаю бекфойда нарсалар нима? Менга бир-бир санаб, айтиб бер.

Ўгдулмиш элигга жавоб берди: Эй бек, эй билимнинг кони, эй одамларнинг афзали!

Икки оламда ҳам одамга керакли ва фойдали нарса яхши феъл ва хуш хулқдир.

Иккинчидан, шарм-ҳаё, андиша, учинчидан, ростлик-тўғрилиқ ҳам зарур нарсадир. Мана шу фазилатлар тўфайли одам бахт топади. Феъл-хулқи яхши бўлса, барча халқ севади, йўл-йўриғи тўғри бўлса, ўрни тўрда бўлади.

Уят-андиша кишини ярамас ишлардан тияди, ҳаёсизлик одам учун ўхшаши йўқ иллатдир.

Тўғрилиқ, ҳаё ва хушфеъллик учаласи бир одамда жам бўлса, бу олам-олам севинч демакдир.

Яна бир эзгу хислат бу софлик ва тўғрилиқдир, улар одамни икки оламда ҳам бахтиёр қилади.

Элиг яна сўради: Бу сўзларингни эшитдим, одам учун кераксиз, фойдасиз нарсалар нималардан иборат?

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди. Бу сўзларга элиг қулоқ тугиб тингласа, маъносини билиб олади:

Киши учун уч нарса аниқ бефойдадир, бу уч нарсани айтайин: Биринчиси — ўжарлик, бу жуда ярамас одатдир, иккинчиси — сўзига ёлғон қўшишдир.

Учинчиси — бахиллик. Бахил киши одамларнинг энг ярамасидир.

Мана шу уч одат уч тоифа нодонлар учун хосдир.

Қим ёлғончилик билан танилса, у халқ олдида обрў-йини йўқотади.

Қимнинг феъли ўжарлик бўлса, у тубандир, барчанинг иши ўнг бўлса, ўжарнинг иши чаппасига кетади.

Таълимда бахил бундай таърифланган: Э бечора, э шўр пешона, э нотавон бахти қора!

Бахилликдан бадтар яна нима бор? Бахил мол-дунёни йиғади-теради, лекин емайди, ўлиб кетади, нарсаси эса қолади.

Бойликни йиғдинг, лекин ишлатмадинг. Бу бойликлар сенга душмандир, нега уни бошқаларга улашиб бермадинг?

Эй буюмни терувчи, лекин емайдиган бахил! Уни еувчилар тайёр, сен уларга емиш ҳозирла.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг айтди: Бу нарсалар ҳақида эшитдим, яна бир сўрайдиган сўзим бор, шу ҳақда ҳам гапириб бер.

Одам онасидан доно бўлиб туғиладими ёки ёши етилгач ўрганадими?

Угдулмиш жавоб берди: Эй олийнасаб элиг, билим, заковат ва санъат-хунарлар ҳақида гапириб берайин.

Одам билимсиз туғилади, яшаши жараёнида ўрганади. Билимларга йўл топиб ўргангач, барча ишларга сўнг қўл уради.

Онасидан туғилганда одам билимсиз туғилади, билиб ўрганиб, сўнг тўрга чиқади.

Элиг бу сўзларни эшитиб севинди ва ўз тилагидаги кишини топганидан беҳад шод бўлди.

Отасини йўқотган эдим, мана энди ўғли эзгу йўлга кириб, ота ўрнини босади.

Ўгдулмиш садоқатли киши бўлиб чиқди, барча ишларни чин қалбдан бажарди.

Энди унга ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш керак, унинг яхшиликларига менинг яхшиликларим жавоб бўлсин.

Кишиларнинг сараси ва одамларнинг етуги нима дейди, эшит:

Одамгарчилик қилганга одамгарчилик қил, одамгарчилиги баробарида адолат билан жавоб бер.

Одамгарчиликнинг ҳақи вафога вафо қилишдир, вафо қил, тўғри бўл, номингни улуғла.

Элиг уни кун оша улуғлади, унинг номи ва овозасини бутун элга ёйди.

Халқ орасида унинг сифат ва фазилатлари тобора кенг тарқалди, эзгу олқишлар билан жумлан жаҳонда оли тилга олинадиган бўлди.

Эш-тўшлари ўртасида эътибори ортди, беклар орасида мартабаси ва таърифи юксак бўлди.

Дили ва тили билан камхосталик, камтарлик қилди, чин ва рост йўл-йўриқлари адолатга жуда мос тушди, кун-ойлар ўтаверди.

Юмшоқ кўнгиллилик ва ширин сўзлилик билан мулк ичидаги ва ташқарисидаги халқларнинг муҳаббатини қозонди.

Кўп ёру биродарлар, дўстлар, орттирди, ёру биродар ва дўстларнинг одамга нафи талайдир.

Кимнинг таянчи бўлса, ўша бақувват бўлади, бақувват кишининг бахт-давлати мустаҳкам бўлади.

Мулойимлик бахт билан қанчалик ярашиқли тушади! Донолар сабр-чидамли бўлсалар, нечоғлик чирой бўлади!

Бу ҳақда оқил жуда яхши сўзлаган, ким оқил сўзини тутса, ишлари равнақ топади.

Агар давлат кимга кулиб боқса, кўнглини юмшоқ қилиб, камтар бўлиши керак.

Давлат кимга кулиб боқса, камтарлик билан уни қаттиқ тутиши керак.

Қут кўчат кабидир, унинг томири ҳам бўлади, кўнгилнинг юмшоқлиги эса унинг илдизидир.

Феъли мулойим одам қандай яхши бўлади, чеҳраси очик кишининг иши кунда ривож олади.



Кибрли, гердайган, мағрур одам манфур бўлади, мағрурлик мартабаси кундан-кунга юз тубан кетишдир.

Давлат кимга юз уриб келса ҳам ярашаверади, лекин у заковатли кишиларга жуда ҳам мос тушади.

Нодонга давлат келиб ярашса, донога юз чандон ортиқ ярашади.

Давлат билимсиз билан қарор топса, билимли билан юз чандон ортиқ қарор топади.

Давлат билимсизларни кеккайтиради, билимликларни эса безайди.

Билимсизларга қут ва давлат келса, қарор топиб турмайди.

Давлат келиб одамни улуғлайди, бу улуғлик туфайли унинг мартабаси кундан-кунга ортади.

Агар давлат номуносиб одамга келса, кўп ўтмай уни беҳудага созуриб юборади.

Элиг ўгдулмишни синади, ҳар жиҳатдан ишлари тўғри эканини кузатди.

Унга марҳаматлар кўрсатди ва улуғлади, орада бир оз камситиб ҳам кўрди.

Улуғланган кезларида хизматсиз қараб турмади, камситилган пайтларида ҳам хизматини камайтирмади.

Элиг ишонч ҳосил қилгач, ўгдулмиш унга мисли бир қалқон бўлиб қолди, элиг унга ишониб бутун хазина ихтиёрини берди.

Унинг зиммасига катта омонат юклади, омонатни ўз зиммасига олувчиларга жонлар қурбон бўлсин!

Ўгдулмиш ишларни ўта тўғрилиқ ва ростлик билан бажарди, элиг ҳам уни кундан-кун ўзига яқин қилди.

Барча ишларни аниқ-равшан ва фарқлаб юритди, барча жамғармаларни ҳисобот рўйхатига қайд қилиб қўйди.

Бегини ниҳоятда авайлади ва ўзини эҳтиёт қилди, қилча ҳам оғишмасдан хизмат ўтади.

Ҳаётда жуда эҳтиёткор, соф, тўғри ва ёши етилган киши нима деган, эшит:

Одам учун олтин-кумуш жуда қадрли нарсадир, лекин ўзини тута билувчи одам кумуш-олтиндан ҳам қимматлидир.

Донишманд бундай таълим беради: Тўғри, чин одамни топсанг, уни кўзга сургин.

Заковат бундан ҳам яхши таълим беради: Меҳрибон ва садоқатли кишиларга жонни фидо қилсанг ҳам оздир.

Тўғри, деб айтадилар, тўғри ўзи қанақа бўлади?

Омонат кунлари омонатга риюя қилувчилар қандай бўладилар?

Мардлардан қайси бирини ҳаққоний мард деса бўлади? Йўриғи тўғриларни мард дейиш керак.

Одамлардан қайсиниси мақтовга лойиқ бўлади? Сахийлар мақтовга лойиқдирлар, бахиллар таҳқирга маҳкумдирлар.

Одамзодга қараб туриб бечора, деса бўлади, кун бўйи нарса йиғади, лекин ейишга ризқ топа олмайди.

Айримлари югуриб тинмайди, оламни кезади, айримлари жонни койитиб денгизга киради.

Айримлари тоғларни қазийди, улкан қояларни қўпоради, айримлари ер одимлаб яёв кезади.

Айримлари доvonлар ошади, дарёлар кечади, айримлари ер қазийди, қудуқлар ковлаб сув чиқаради ва ичади.

Айримлари лашкар сафида қилич ва болта зарбини сйди, айримлари ўзини қурбон қилиб, ётиб жон беради.

Айримлари ўғри, фирибгар, қароқчи, йўлтўсар, айримлари босмачи, қотил, талончи.

Бу машаққатлар барчаси бўғзи ва эғни учундир. Бас шундай экан, нимага ўзини бунчалик қийноққа солади, ўзини тия олмайди.

Вақтида юрувчи ва вақтида тинувчи, ўзини асраган заковатли киши нима дейди, эшитгин:

Хоҳ ётгин, хоҳ дунё кезиб югургин, қисматинг нима бўлса, сенга ўша насиб этади.

Эй доно, кўнгил ва тилни тўғри тутгин, сенинг вақтида ейдиган ризқинг камаймайди.

Дунёнинг мақтовли нарсаси бўлмиш бойликни истасанг, у нарса чин одамийлик одати билан боғлиқдир.

Ўзинг бу дунёнинг бойлигини истасанг, тўғри бўл, рост сўзла.

Эй элиг, назар еол, агар тўғри ўтказа олса, кишининг куни қандай чиройли ўтади.

Ишларни тўғрилик ва ростлик билан қил, ҳамма ишларни одамийлик билан бажаргин.

Саодати Ўгдулмишни кундан-кунга юксалтирди, одамларга маслаҳатлар берди, одамларнинг маслаҳатини ҳам олди.

Элиг Ўгдулмишнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди, барча йўриқларини тўғри топди.

Билимдон доно нима деган, эшит, унинг сўзларини уқиб, унга бўйин эг:

Беклар хизматкор қулини кузатиб туришлари керак,

қулнинг аслини синаб, сўнг унга хизмат топширишлари керак.

Агар қули бегига яроқли кўринса, сўнг унга марҳамат йўлини очса бўлади.

Шунда ишлар кўнгилдагидек бўлади, хизматчи ҳаёт эътибор топади. Хизматчиси эътибор топса, бекнинг шуҳрати ортади.

Барча ишларга билими ва фаросати етган Яғмо беги жуда яхши сўзлаган:

Эй бек, ишингни ишининг кўзини биладиганга бер, яроқли ва тўғри йўлдан юрувчига бер.

Қайси бек ишини номуносиб одамга берса, номуносиб ишни ўша бекнинг ўзи қилган бўлади, бошқа эмас.

Жоҳил шундай тубан бўладики, у барча ишларни барбод беради, бетартибликлар келиб чиқади.

Элиг Ўгдулмишни тақдирлади, вазирлик лавозимига тайинлади ва барча иш ихтиёрини унга топширди.

Барча эл устидан унинг қўлини узун қилди, элда унинг қўли узун, буйруқда ҳукми равон бўлди.

Вазирлик белгиси бўлмиш махсус идиш, тамға, от, ҳашамли жабдуқ ва кийимлар берди, унга шараф кўрсатди, унинг бахти келди.

Беҳисоб табаррук инъомлар, яхши ва ширин сўзлар билан элиг унга марҳаматлар кўрсатди, ўзига яқин қилди.

Саройдаги аёнлар катта-кичик барчаси жон фидо қилиб ҳадялар бердилар.

Хизматдагилар барчаси келиб унга кўриниш бердилар, таъзим бажо қилиб, тортиқлар қилдилар.

Ўгдулмиш эзгу сиёсат юритаверди, барча хизматидагиларни кузатиб, уларнинг ҳурматини ўрнига қўйди.

Халқ устидан жабр-зулмни бартараф қилди, ярамас одатларни ўртадан кўтарди.

Адолатли сиёсат қарор топди, эли гуллаб-яшнади, давлат асоси мустақкамланиб, беги фароғатга етишди.

Севувчилари кўпайди, севмайдиган душманлари элдан чиқиб қочди, уларнинг гина-адоватлари барҳам топди.

Элиг ташвишлардан фориг бўлиб севинди, тирикликдан лаззатланиб, шод-хуррам кун кечирди.

Бундай манфаатлар билим туфайли келади, заковатли, билимли, фазилатли кишилардан келади.

Бундай заковатли кишиларни қандай қилиб мадҳ этмай бўлади?

Бундай заковатсиз кишини қандай қилиб ёзғирмай бўлади?

Заковатли кишилар барчаси баҳралидирлар, нодонларнинг барча қилган ишлари нуқсонлидир.

Заковатлиларга қут қандай ярашади, билим киши учун қандай ярашиқли хислатдир!

Ило беги сўзларини эшит, у нима дейди, унинг сўзларининг маъниси билимсизлар учун кўздир.

Бу ҳақда шоир ундан ҳам яхши сўзлаган, маънисига етсанг, унинг татимлиги мушк-анбар каби хушбўйдир:

Доно севинчлар билан бош кўтариб юрса, нодон ўчиб-сўниб бораётган ўт каби бўлади.

Элиг фароғат топиб, кунлар ва ойлар шу тарзда севинч билан ўтаверди, бутун эл фуқароси тугал фаровонликка эришиб бойиди.

Бундай фазилатларга кишиларнинг сарасигина эга бўлади, аттангки, мана шундай фазилатли кишилар узоқ яшамай ўлади.

Беги шундай сифатларга эга бўлган халқ саодатлидир, халқи тўғри бўлган бек ҳам саодатлидир.

Ёмон ёки яхши ўлса, тупроқ билан тенг бўлади, тупроқ билан тенг бўлади-ю, биридан ёмон, биридан яхши ном қолади.

## ЭЛИГНИНГ ЎГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг бир куни ёлғиз ўзи ўлтириб, кўнгли Ўгдулмишни истаб қолди ва уни чақиртирди.

У Ўгдулмишга айтди: Сенга оз бўлса ҳам отангнинг меҳнати насиб бўлмади.

Отанг ўлиб кетди, сен ундан ёш қолдинг, кичикларга катталардан йўл-йўриқлар бўлади.

Отанг сенга санъат-ҳунарлар ўргатишга улгура олмади, сенга ундан заковат ва билим ўрганиш насиб бўлмади...

Айт-чи, сен бу санъат-ҳунарларни қаердан олдинг, улар сенга қаердан йиғилиб келди, мана шуларни менга айтиб бер-чи!

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй элиг, орзу-умидларинг рўёбга чиқсин, узоқ умр кўргин.

Эй элиг, ота олқшининг савоби ва севинчлари фарзандга тегади.

Элиг менга иноят қўлини тутди ва мени йўқлади, тақдир менга кулиб боқди, ўзим юксалдим.

Беклар кулиб боқиб кимни йўқласалар, орзулари унга йиғилиб келади, киройи ундан баҳра олса арзийди.

Киши кўнгли мисоли бир боғдир, уни кўкартириб яшнатадиган сув бекларнинг сўзидир, унинг қадрига етиш керак.

Бу сув қайси боққа етса, у ер гуллаб-яшнайдди, унда минг турли ҳид таратувчи анвойи гуллар очилади.

Бекнинг ёрлиқ — буйруқлари эзгу сўзлардан иборат бўлса, фуқаросининг кўнгли кўтарилиб, чеҳраси гул-гул очилади.

Агар ёрлиқ эзгу сўзли бўлмаса, яшнаб очилган гуллар тез қурийди.

Одам билим ўрганса, кунлари бахтли ўтади, ўзи қанча кичик бўлса ҳам улуғланади.

Элиг яна сўради: Эй Ўгдулмиш, билим ўрганувчилар уни қандай қилиб ўрганадилар?

Одам ўрганиб доно бўладими ёки табиатан доно туғилладими?

Ўгдулмиш жавоб бериб сўзга лаб очди ва бу сўзнинг маъносини изоҳлади.

Табиатан ақл-ҳушдан маҳрум бўлмай бунёдга келган болада билиш қобилиятининг асоси ёшлигидан мавжуд бўлади.

Ўсиб вояга етгани баробарида аста-секин ўрганиб боради, нимага ўргатилса, ўшани ўрганиб боради ва билиб олади.

Билимни бир-бир ўзлаштириб боради ва оқибатда доно бўлади, сўнг унинг билимлари элга манфаатлар келтиради.

Болани билимли қилмоқчи бўлинса, унга ёшлигида-ноқ билим ўргатиб бориш керак.

Бола кичиклигидан билим ўрганиб боради. Ақл-идрок эса туғма бўлади.

Билимни, санъат-ҳунарни, фазилатларни, эзгу феъл-хулқни, йўл-йўриқларни одам ҳаёти жараёнида ўрганади ва шакллантиради.

Билим, ҳунар, йўл-йўриқларни аста-секин ўрганади, улғайгач, шаклланиб билимли бўлади.

Туркча айтилган мақол бунга жуда мос келади, сен уни уқиб, ўзинг учун манфаат ол:

Одам ўрганиб бориши баробарида билими ортиб боради, лекин қанча уринмасин, уқув қобилиятига эга бўла олмайди.

Уқув қобилияти табиатга қўшилиб бунёд бўлади, табиатга, мижозга, қўшилиб бунёд бўлган уқув қобилиятининг белгилари бор.

Уқув қобилияти одамга табиатнинг улуғ инъомидир, одамнинг улуш-насибалари уқувдан келади.

Уқувли, заковатли одам бошқалардан улуғ бўлади, уқув-идрок барча фазилатларга эга бўлишнинг асосидир.

Уқув-идроксиз одамни одам деб бўлмайди, ундай одам қанча сўзламасин, унинг гапларига ишониб бўлмайди.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг айтди: Бу сўзларингни эшитдим, сўрайдиган яна бир сўзим бор.

Уқув-идрокнинг билимдан фарқли томони нимада, бу фарқ қанақа бўлади? Сўзнинг ростини айт.

Уқув-идрок ўзи нима? Унинг ўрни қаерда бўлади? Қаёқдан келади ва қаерга боради?

Угдулмиш жавоб берди: Эй элиг, уқув-идрок одам учун жуда ҳам қимматли нарсадир.

Уқув-идрок, онгнинг ўрни бош миёда бўлади, асил нарса бўлгани учун унинг ўрни бошда бўлади.

Уқув-идрок одам учун мисоли бир кишандир, уқув-идрокли кишининг йўриқлари тўғри, ишлари режали бўлади.

Уқув-идрокли тирик, уқув-идроксиз эса ўлик, кел, эй ўқувсиз, ўқув-идрокдан, заковатдан ўзингга тегишли улуш ол.

Киши зулмат қоронғиси босган бир уй кабидир, ақл ва уқув-идрок бир машъалдирки, унга зиё сочади.

Барча яхши ишлар ақл ва уқув-идроклилардан келади, билим туфайли кишининг номи машхур бўлади.

Ақл-заковат ва уқув-идрок билан одам улуғликка эришади, тўғрилик ва ростлик йўлини шу икки нарса тузади.

Таълимда ақл-заковат бундай таърифланади, бунга амал қилинса, фойдалари беҳисобдир:

Инсонни ҳайвондан билим фарқлайди, билим билан инсон ҳар қандай ишни қилишга қодирдир.

Кел, эй инсон боласи, ҳайвонга тенг бўлиб қолма, билим ва заковат ўрган, билим билан сўзла, тилингни равон қил.

Элиг яна айтди: Тагин бир сўрайдиган сўзим бор, шу ҳақда ҳам сўзлаб бер, эй хушрўй.

Уқув-идрок ва ақл-заковатни таърифладинг, унинг туб моҳияти қанақа бўлади, эй саховатли?

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Ақл-заковат тўғри йўл-йўриқ, севинчларнинг асосидир.

У ҳамиша навқирон йигитлардай, ёши ҳамиша кичик, барча яхшиликларга йўл ўшандан бўлади.

Олижаноблик, вазминлик, хушрўйлик, хушфезллик, жумла жонлиларга меҳрибонлик — мана унинг сифатлари.

Қаерга ва нимага етиб борса, барқ уриб гуллаб-яшнайверади.

Унинг юзи иссиқ, барчага бирдек севикли, ундан одамларга чексиз манфаатлар тегади.

Унинг кўзи ўткир, узоқ-узоқларни кўра олади, қайси ишга қўл урса, пишиқ-пухта қилади.

Ҳар қандай ярамас ишларга қўл урса, уни сузиб тозалайди, ҳар қандай чигал ишларни ҳам ҳал қилмай қўймайди.

Олддан ҳам, ортдан ҳам, ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам кузатувчандир, барча иш-юмушларнинг фурсати ва мавридини билади.

У қочганга етади, учганни тутади, синиқларни бутлайди, бузуқларни тузатади.

Уқув-идроксиз ва ақл-заковатсиз ўкиниб бундай дейди: Эй ақл-заковат ва уқув-идрок, сенсиз ҳаддан ортиқ ўкинаман.

Менга сендан заррача ҳам улуш тегмаган, сенсиз одамнинг кўнгли эса ўликдир.

Ақл-заковат бир машъал, кўр учун кўздир, ўлик тан учун жон, лол тил учун сўздир.

Ақл-заковатли унга қараб дейди: Эй ақл-заковат, ишларимга равнақ берувчи қандай ажойиб эшимсан-а!

Ақл-заковатнинг йўриғи фақат тўғридир, унинг сира ҳам эгрилиги йўқдир, у тўкис ва чиндир, ҳеч нуқсоний йўқдир.

Кимда ақл-идрок ва эс-хуш бўлса, унинг белгиси шукни, у билим, фазилатлар касб этишга салоҳиятли бўлади.

Заковатли киши гўзал, хушрўй, сўзи чин, тамоми қиллиқлари ва йўриқлари тўла-тўкис бўлади.

Ўқув-идрок ва ақл-заковатнинг қилиқлари қулай, унинг рафтори ва йўл-йўриқлари тўғрилиқдир.

У вазмин, оғир, сабрли, босиқдир, ҳар бир ишни дастлаб яхшилаб тушуниб олади, кейин аста бажаришга киришади.

Қилиқлари, йўл-йўриқлари қариларникидай, ўзининг эса ёши кичик.

Не-не марди майдонлар унга етолмасдан орзу-армондадирлар...

Бунга мослаб айтилган сўзларнинг маъносига кўнгил тутиб уқ, уни уққан сари маъниси тобора очилади:

Заковат қарилардек иш тутувчи ёш йигит кабидир, заковат қаерда бўлса, унга яқин бориб ёпиш.

Унинг навқиронлиги — муҳаббат, қарилиги — салобат, ўзи назокатли, мулойим, одамга эса нафи талайдир.

Элиг бу сўзларни эшитиб беҳад севинди ва деди: Эй сўзлари дониш ва билимдан иборат йигит!

Тангри менга барча тилакларимни берди, сен ҳам менга унинг беқиёс инъомидирсан.

Давлат ишларининг машаққатлари елкадаги оғир юкдир, бу юкларни ўз устига олган киши орзуларига эришади.

Менинг юкларимни енгиллатаётирсан, оғирлик сенга тушаётир, мени тиндириб тилакларимга етказаетирсан.

Сенинг фидойилик билан хизмат ўтаётганингни билман, ҳамини мени дейишинг сенинг менга меҳрибонлигинг белгисидир.

Ўз манфаатини эмас, беги манфаатини кўзлаган хизматчи ҳақиқий содиқ бўлади.

Хизматчининг тилидан айтилган мана бундай сўз бор: Садоқатли хизматчи бегини фароғатга етказди.

Агар ишларини дўндириб бажарадиган содиқ хизматкори бўлса, бек ҳаловатда бўлади ва боши бахтдан чиқмайди.

Беклар хизматкорлари туфайлидан бош кўтариб юрадилар, хизматкор кўнгилдагидек хизмат ўтаса, бегини тиндириб хотиржам қиладди.

Хизматкор иш ташвишларини, оғирликларини ўз зиммасига олса, бегига орзу-истаклар учун йўл очаверса айни муддао бўлади.

Қайси бек мана шундай хизматкор қулга эга бўлса, бу унинг учун табиатнинг улкан инъомидир.



Бизлардан бурун ўлиб кетган олам бекларининг кўпчилиги мана шундай содиқ хизматкор қулни орзу қилиб ўтганлар.

Олам халқи шодлик ва бахт билан эркин нафас олди, бутун фуқароси элигнинг ҳақиға тинмай дуо қилди.

Ўзга элларнинг фуқаролари унинг таърифини эшитдилар ва юзини бир кўришни орзу қилдилар.

Элигнинг йил, ой ва кунлари мана шундай орзуларга эришган ҳолда кечди, элини гуллаиб-яшнатди ва адолатга ривож берди.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг бир куни Угдулмишни чақирди ва мен сўрайин, сен билганларингни айтиб бергин, деди.

Одамнинг етти мучасига назар солсанг кўрасан, уларнинг барчаси ҳам ширин ва ҳар бири ўз ҳузур-ҳаловатига эгадир.

Кўнгилнинг хушлиги нимада ва кўзнинг хушлиги нимада, бу икки хушликдан тану жоннинг хушлиги нима билан фарқланади?

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Тану жоннинг хушлиги кўнгил нимани орзу қилиб, қаттиқ оқ чектирса, ўшандадир.

Севганининг юзини кўриш бу кўзнинг ҳаловатидир, кўнгил орзу қилганига етиш эса тану жон ҳаловатидир.

Элиг яна айтди: Эй Угдулмиш, севгининг белги — нишонаси нималардан иборат? Мана шуларни айтиб бер.

Севаман, деб барча даъво қилади, бу даъвонинг маъноси нима ва қанақа бўлади?

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди: Шундай бўладики, севгилининг юзига боққанда, одам севишини билиб олади.

Кўз нима нарсага боқмасин, унга тўсиқ топилади, аммо кўнгилга тўсиқ топилмайди, одам буни билиши керак.

Агар одам севиши ёки севмаслигини билайин деса, кўнгилга қўл солиб кўриш керак, шунда албатта билиб олади.

Севиклиларнинг юзларида севгининг белгилари бўлади, кўз кўзга тушганда, уни билиб олса бўлади.

Шоир сўзи бунга жуда мос келади, уни тинглаб, уқиб ол, эй мардларнинг марди.

Севувчи одамнинг юзи белгили бўлади, сўзга тил очса, сўзи ва гапининг маъниси белги беради.

Севиш-севмасини билмоқчи бўлсанг, сенга тик боқиб қараганда, кўзи белги беради.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг айтди: Бу сўзларингни эшитдим ва уқдим, яна бир сўрайдиган сўзим бор, шуни ҳам изоҳлаб бер.

Сендан жуда зарур нарса ҳақида сўрайман, сен диққат-эътибор билан тушунтириб бер.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди: Эй зоти олий элиг, беклар ўз номларини билим билан улуғлайдилар.

Беклар ўзлари билимнинг кони бўладилар, сенга нодон қулнинг сўзлари нимага керак бўлиб қолди? Ахир қул билимсиз бўлади-ку!

Сўрамоқлик осон, жавоб бериш эса мушкул бўлади, бу сўроқнинг жавобига элигнинг билимларигина мувофиқ келади.

Сен эса осонини ўзинг олиб, мушкулени менга қўйдинг, мени мушкул аҳволга солиб қўйма, эй шавкатли.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Сўровчи ҳожатманд бўлади, у ўзи билмаганини биладигандан сўрайди.

Бас шундай экан, бундан хурсанд бўлишинг керак, сўраган сўзларимга жавоб беришинг керак.

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Эй адолатпарвар, сўзлашдан кўра тинглаган афзалдир.

Сўзни сўзловчи жонини койитади, тингловчи бўлса, роҳат қилиб тани яйрайди.

Синаган доно нима деган, эшит: Сўзни сўзламагин, диққат билан эшитгин.

Эшитиш-тинглаш билан одам доно бўлади, сўзлашдан эса кишининг боши кетади.

Эшитиш-тинглашдан қулоққа роҳат етади, кўп сўзлаган сўздан фойда бўлмайди.

Сўзни сўзланмаса, у соф олтинга тенг бўлади, у тилдан чиқарилса, сариқ чақага тенг бўлади.

Элиг айтди: Жуда тўғри сўзладинг, энди ўзинг учун бахт-саодат йўлини очдинг.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди: Эй олийзот элиг, мен учун маъқул нарса ўзимнинг қуллик отимдир.

Агар бегини хурсанд қилишга идрок ва ақли етса, қул жонини койитиб хизмат қилиши керак.

Қулоқ бер, мен ўз билганларимни айтайин, хато кетган ерларимда элиг мени кечирсин.

## МУЛҚКА ЛОЙИҚ БЕК ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Элиг айтди: Эндиги сўрайдиган сўзларим қуйидагилардан иборат, мана шулар ҳақида гапириб беришингни сўрайман:

Бунёд бўлган одамзод орасида катта ва кичик, ёмон ва яхшилар бордир.

Билимли, билимсиз, камбағал ва бой, ақлли, ақлсиз, тубан ва гадой бор.

Буларни идора қилиш учун бек қандай бўлиши керак, токи унинг шуҳрати ёйилиб, ишлари олдинга босса.

Эл-юрти гуллаб-яшнаса, халқи бойиса, яхши ном чиқарса ва халқи кўпайса.

Кумуш ва қимматбаҳо жавоҳирлар билан хазинасини тўлдирса, ёви бўйинини янчиб, адоватларга барҳам берса.

Лашкар тўпласа, қудрати ортса, билимга амал қилиб, тўғри ва адолатли сиёсат юритса.

Жаҳонга машҳур бўлиб овозаси ёйилса, кундан-кунга юксалса, давлати зиёда бўлса.

Фароғатда кун кечириб, элга узоқ бош бўлса, бу дунёда умри тугаса, у дунёлигини ҳам топса.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди: Эй элиг, мендан жуда қийин билимлар ҳақида гапиришни сўрадинг.

Беклар қиладиган барча ишларни фақат беклар би-

ладилар, қонун-қоида, тартиб-низом, йўл-йўриқ, расм-русумнинг низом ва усуллари улардан чиқади.

Улар онадан туғилганларида беклик сифатлари билан туғиладилар, кўриб, кузатиб, ишларнинг яхши жиҳатларини ўрганадилар.

Мулкни идора қилиб бошқариш иши бекларнинг ишидир, бундай беклик ишларини бекликка эга бўлган кишилар биладилар.

Бу ишни элиг мендан яхшироқ билади, чунки сенинг отанг ҳам бек эди, ўзинг ҳам бекдирсан.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Тушундим, бу сўзларнинг барчаси тўғри, сўзни тўғри сўзладинг, улардан гўё мушк-анбар иси таралди.

Иш қилувчи одам ўз ишини қилаверади, лекин унинг яхши ва ёмон томонларини кўриб-кузатувчи одам билади.

Мен иш қилувчидирман, сен эса уни кўриб-кузатувчидирсан, иш қилувчи ишни уни кўриб-кузатувчидан ўрганади.

Ёшлигингдан бошлаб менга хизмат қилдинг, кўриб кузатиб, эзгу қонун-қоидаларни ўрганиб, билиб олдинг.

Барча ишларни уқдинг ва моҳиятига етдинг, иш-амалларинг ва сўзларинг билан менга садоқатлисан.

Одам ўз сўзларини садоқатлидан сўрайди, садоқатли ўзини одамларга фидо қилади.

Садоқатли бўлганлигинг учун мен сенга ишонаман, сен менга бу сўзларни садоқат юзасидан сўзлаб бер.

Садоқатли киши нима деган, эшит: Садоқат одамийликнинг негизи ва бошланишидир.

Садоқатлиларни заковатлилар кўп мақтаганлар, садоқатли кишилар одам учун қадрлидирлар.

Садоқатлини топа олсанг, уни бағрингга ол, билим ва заковат шундай ўргатади.

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Тинч ва омон-эсон яшагин, эй қудратли.

Беклик учун энг аввал асил одам бўлиш керак, мерган, ботир, қатъий чиниққан ва шижоатли бўлиш керак.

Заковатли, билимли, саховатли ва хушфёъл бўлиш керак.

Беклар халқни билим билан бошқарадилар, заковат билан эл-юрт ишларини ишлайдилар.

Бек оти билим билан боғлиқдир, билими мукаммал бўлмаса, бекнинг номи эътибордан қолади.

Жуда ақлли, билимли ва заковатли бўлиш керак. Билимдиларнинг душманлари ҳам кўп бўлади.

Билимли киши нима деган, эшит, бошидан кўп ишларни ўтказган ва кўп уққан киши:

Бек билимли, заковатли ва ҳушёр бўлиши керак, унга ногаҳоний машаққат учрамаслиги керак.

Яхши феъл-хулқ, кўплаб санъат-ҳунарлар эгаси, эзгу номли ва ўзини тутган бўлиши керак.

Асли улуғ одамларнинг барчаси билим туфайли сара ва афзал бўладилар.

Асли яхши одам яхши бўлади, одам яхши бўлса, тўрдан ўрин олади.

Беклик — муқаддас нарса, у софликни талаб қилади, ҳушёрлик билан покизаликни талаб қилади.

Халқ сарварлари шижоатли ва абжир бўлишлари керак, шунда улар улуғ ишларга қўл урсалар арзийди.

Ўтукон беги нима деган, эшит, у сўзларга фаҳм-фаросат етказиб синаб сўзлаган:

Халқнинг беги жуда сара бўлиши, дили ва тили тўғри, феъл-хулқи ва йўриқлари аъло бўлиши керак.

Билимли, заковатли, одамлар орасида етук, саховатли, кўзи тўқ ва ҳиммати баланд бўлиши керак.

Яхшилик қилишга бағри кенг, андишали, мулойим, қилиқлари ёқимли бўлиши керак.

Мана шу сифатли кишилар халққа бек бўлишга лойиқ бўладилар, бундайлар фақат яхшилик уруғини сепадилар.

Одам ҳар бир ишни билим билан қилса, заковат билан бажарса, барча ишлар равнақ топади.

Бек халқни билим билан идора қилади, билими бўлмаса, ишга фаҳм-фаросати етмайди.

Агар беклар янглишгудек бўлсалар, бекликлари инқирозга юз тутади, дарҳол унинг чорасини кўриш керак бўлади.

Беклик дардининг дармони ақл ва билимдир, бу дардни заковат билан даволаш керак.

Бек билимли, заковатли, зийрак бўлиши ва шулар ёрдамида ишлар тадбирини қилиши керак.

Фароғатли одам ким? Менга очиқ айт. Одамлар орасида бахтлиси ким? Сўзлаб бер.

Қайси бекнинг феъл-хулқи қулай, қилиқ-қилмишлари гўғри бўлса, ўша бекнинг ҳаёт кунлари шодликда кечади.

Кимнинг феъл-рафтори, хулқ-атвори ва йўл-йўриғи яхши бўлса, дунё неъматлари уники бўлади. Истаса, ўзи ёсин, истаса улашин.

Эл ва юртларни бошқариб, зулмни бартараф қилиш учун эзгу феъл-хулқ ва беҳисоб фазилатларга эга бўлиш керак.

Эзгу феъл-хулқ қандай яхши нарса-я! Яхши феъл-хулқ одам учун ҳам емиш, ҳам кийимдир.

Кимнинг феъл-хулқи терс бўлса, замона зайли уни қаттиқ машаққатларга дучор қилади.

Қайси бир бекнинг феъл-рафтори терс бўлса, унинг ишлари чаппа, севинчлари қайғу-алам бўлади.

Бек андишали, қилиш-қилмишлари покиза бўлиши керак. Асли тозалик покизаликни тақозо қилади.

Андиша-мулоҳазали кишиларнинг кўнгилларида қўрқув ҳисси бўлади, кўнгилда қўрқув ҳисси бор одам ишни тўғри қилади.

Агар бек андиша-мулоҳазали бўлмаса, барча қилиш-қилмишлари нопок, нотугал бўлади.

Бекларга оғирлик ва вазминлик жуда ярашади, булар беклик ишларининг боғловчи бошбоғидир.

Бек ишларини тузатмоқчи бўлса, жуда ҳам ақл-идрокли бўлиши керак, билиб-тушуниб бошлаганларгина ишларини ўнглай оладилар.

Ақл-идрокли кишиларгина ишларини ўнглай оладилар, ақл-идроксиз одамни ишдан узоқ туттиш керак.

Одамнинг дилида диди бўлмаса, кўзининг фойдаси йўқ, одамнинг ақл-фаросати бўлмаса, унинг ақлида ривож йўқ.

Фикри равшан, дид-фаросатли, кўриб синаган киши нима деган, эшит, эй эл боши:

Кимда заковат билан ақл мужассам бўлса, ўшани одам дегин ва қанча таърифласанг таърифлагин.

Заковат, ақл ва билим кимда мукамал бўлса, ёмон бўлса ҳам яхши дегин, кичик бўлса ҳам мақтагин.

Ақл киши учун қандай яхши нарса-я! Ақл эгаларигина оқил аталади.

Билгин, шошқалоқлик ҳар қандай одам учун ҳам номуносибдир, бу бекларда бўлса, унинг юзини қора қилади.

Шошқалоқлик, калтафаҳмлик, феъли тезлик одатлари нодонликнинг белгиларидир.

Шошилиб қилинган иш кўнгилсизликка олиб келади, шошиб еб-ичганлар дардга мубтало бўладилар.

Барча ишда ҳам оғирлик ва вазминликка амал қил, фақат тоат-ибодатгагина шошилгин.

Уят-андишали, кўзи тўқ ва юмшоқ феълли, ишда ҳам, сўзда ҳам очиқ ва самимий бўлиш керак.

Кўзи суқ киши тўймас бўлади, кўзи суққа бу дунёнинг неъматлари етарли бўлмайди.

Суқлик давоси ва иложи йўқ бир касалликдир, бу дунёнинг табиб ва қоҳинлари уни даволай олмайдилар.

Ҳар қандай оч ҳам еса ва ичса, охири тўяди, кўзи оч киши эса фақат ўлсагина очлигини қўяди.

Кўзи суқ одам мол-дунё билан бой бўлмайди, бутун дунё мол-дунёсига эга бўлса ҳам у суқ ва гадойлигича қолади.

Бек заковатли, одамларнинг сараси бўлиши керак, заковатлининг иши заволсиз ва баркамолдир.

Қимда андиша бўлса, хулқи хуш бўлади, ҳар турли номаъқул ишларга қўл уравермайди.

Андиша ҳар турли ножўя ишлардан сақлайди, турли яхши ишларга йўллайди.

Андиша жуда яхши хислат, у киши учун чиройдир, барча эзгу ишлар учун бошбоғдир.

Тили чин, кўнгли тўғри бўлиш керак, халққа манфаат келтириш ҳамда ўзни бахтиёр қилиш учун бу хислатлар зарурдир.

Агар бекларнинг кўнгли хиёнатга мойил бўлса, ундан халққа манфаат тегмайди, ишонгин.

Бекнинг дили ва тили ҳамда феъл-хулқи тўғри бўлмаса, унинг элидан қут-барака қочади, уни қайтаришнинг чораси бўлмайди.

Сўзининг устидан чиқмайдиган бекга умид боғлама, триклигинг зое кетади, афсуслар чекасан.

Бек ниҳоятда зийрак ва ҳушёр бўлиши керак, беклар гофил бўлсалар, меҳнат ва машаққат юз тутади.

Икки нарса элни тутиб туриш учун маҳкам боғичдир: бири-ҳушёрлик ва зийраклик, бошқаси-адолат. Элни негизи мана шулар.

Қайси бек зийрак бўлса, у элни мустаҳкамлайди, ёви бўйинини янчиб, бошига кулфатлар солади.

Қайси бек элида тўғри ва адолатли сиёсат юритса, у элини гуллатиб-яшнатади, ёруғликка чиқаради.

Икки нарса, бекликни тутиб турувчи тизгиндир: зийраклик ва адолатли сиёсат бекликни барқарор тутиб туради.

Шижоатли жангчи киши нима деган, эшит, у зийраклик билан ўз душманига зарбалар берган:

Эй эл бошловчи беклар, агар эл зийрак бўлишини истасангиз, бутун элга зийраклик билан қараб турингиз.

Бекларнинг эли зийраклик туфайлидан ортади, ғофиллик туфайли бекларнинг асоси зил кетади.

Эй бек, зийраклик билан душманингнинг бўйинини янч, халқингга адолат қил ва роҳатда кун кечир.

Эл бошлиғи икки нарса билан беклигини бузади, эгри йўлга кириб, тўғри йўлдан озади.

Биринчидан, зўравонлик қилса, иккинчидан ғофил бўлса, мана шу икки одати билан элини бузади.

Ёвинг устидан ғолиб келишни истасанг, қулоғингни ўткир қилиб туришинг керак.

Беклар ёвларини зийраклик туфайли енгадилар, ғофиллик билан бекликнинг боғи хароб бўлади.

Беклар ғофил бўлсалар ишларини битира олмайдилар, ғофил бек бекликни бошқара олмайди.

Зийрак баҳодир доим ҳозир туриб ғофилни босади, ёв ғофил бўлмаса, унга ким ҳужум қила олади.

Беги зийрак бўлса элига ҳеч ким қўл кўтара олмайди, борди-ю қўл кўтарса, бек заковат, ақл ва билимини ишга солиб қайтаради.

Золим бек элига эғалик қила олмайди, золимнинг зулмини эл кўтармайди.

Билимлининг сўзини эшитган, у нима дейди: Золим элини узоқ тутиб тура олмайди.

Зул ёниб турган ўт кабидир, унга яқинлашганни куйдиради, адолат зилол сув кабидир, у қаерга оқса, неъматлар унади.

Эй доно, элга узоқ эга бўлайин десанг, адолатли сиёсат юритиб, элни авайлаш керак.

Адолат билан эл равнақ олади, олам гуллаб-яшнайти, зулмдан инқирозга юз тутади, олам бузилади.

Золимнинг зулми билан талай обод шаҳарлар вайрон бўлган, золимнинг ўзи охир-оқибатда очликдан тик оёқда туриб ўлади.

Беклар тўғри кўнгил билан адолатли сиёсат юритсалар, беклик бузилмасдан узоқ муддат барқарор туради.

Ҳаммасидан ҳам ёмони бекларнинг ёлғончи деб ном чиқаришидир.

Бекнинг сўзлари чин, қилиш-қилмишлари тўғри бўлиши керак, халқ унга ишониб бахтиёр яшаши керак.

Ёлғончи одамлар вафосиз бўладилар, вафосизлар эса халққа ноҳўя ишлар қиладилар.

Вафо одам учун одамийликнинг негизидир. Вафоли киши бу ҳақда нималар деган, эшит:

Қилиғи сохтанинг қилмиши жафодир, ким жафокор бўлса, ўша ҳайвондир.



Елғончи одамдан вафо кутмагин. Бу сўз кўп синалган кўҳна сўздир.

Мардлар жасур, ботир ва мерган бўлиши керак. Жасоратлиларгина жангга муносиб бўладилар.

Лашкарбошилар шижоатли ва жасур бўлишлари керак, токи юраксиз аскарлар ундан жасурлик намунасини олсинлар.

Жасурлар юраксизларга бош бўлсалар, сўнг барча кишилар ҳам юракли бўладилар.

Бу сўзнинг исботи учун мана бу байтларни ўқи ва унинг маъносига дил ва ақл кўзи билан қараб, қулоқ бер:

Агар итларга арслон бош бўлса, бу итлар барчаси ўз навбатида арслонга тенглашадилар.

Агар арслонларга ит бош бўлиб қолгудек бўлса, арслонларнинг барчаси итга тенг бўлади.

Бекларга саховат ва хушфезллик одати зарурдир, мулоимлик ва вазминлик зарурдир.

Беклар саховатли бўлсалар, шуҳратлари оламга таралади, уларнинг номи ва овозаси билан дунё-давлат қарор топади.

Ҳар томондан марди майдонлар йиғилиб келиб, қўшин тўпланади, қўшин воситасида бек тилакларига эришади.

Мол-дунёни йиғиб олиб ундан баҳраманд бўлувчи киши нима деган, эшит: Эй баҳодир, мол-дунёни йиғиб ол ва одамларга бер.

Саховатли бўлиб ичириб-едиргин, мол-дунё камайса, яна йиғиб тўпла ва яна едириб-ичир.

Ризқли мард баҳодирнинг давлати кам бўлмайди, бунёд бўлган оққушнинг ейдиган дони камаймайди.

Қилич, болта, ўқ, ёй, куч, қудрат, шижоат бор экан, мардлар мол-дунё учун ҳам емасликлари керак.

Жаҳонгир доно беклар қандай қилиб ганж йиғадилар? Уларда қўшин бўлса, албатта ганж тўплашга қодир бўладилар.

Эл-юртларни қўлга киритиш учун лашкар ва қўшин керак, лашкар ва қўшинни сақлаб туриш учун эса беҳисоб мол-дунё керак.

Мол-дунё, маблағ олиш учун эса бой халқ керак. Шундай экан, халқнинг бойиши учун шароитлар яратиш керак.

Бу шартлардан биттаси амалга ошмаса, қолганлари ҳам йўққа чиқади, қолганлари йўққа чиқиши эса бекликнинг ҳалокатидир.

Қуйидаги беш нарсани бек ўзидан узоқ тутиши керак, шунда номи шуҳрат қозониб, яхшилик билан донг таратади.

Булардан бири — шошқалоқлик, бири — очкўзлик, учинчиси — жаҳолат. Сен улардан эҳтиёт бўл ва узоқ тур.

Тўртинчиси — бек учун қайсарлик жуда ярамас одатдир, бешинчиси — ёлғончилик номаъқул иллатдир.

Яна бир қатор нарсалардан беклар узоқ туришлари, улар билан номларини булғамасликлари, сўзларининг қадрини ерга урмасликлари керак.

Булардан энг ярамаси қайсарликдир, қайсар феълли одам қандайин бадбахт бўлади-я!

Шоирнинг айтган сўзлари бунга жуда мос келади, шоир сўзига амал қилинса, одамнинг билимига билим қўшилади:

Феълнинг қайсарлиги одам учун жуда ҳам оғир юкдир, кимнинг феъли қайсар бўлса, уни тутқун ит деб ҳисобла.

Душмани қилмаган ишларни қайсар феълли қилади, бу феъли ёвдир, унинг ёвдан қандай фарқи бор?

Эй элиг, кўплаб элларга эга бўлмоқчи бўлсанг, ақлинг етиб қила оладиган бўлсанг, уч ишни албатта қилиш керак.

Унг қўлда қилич билан иш кўриш, сўл қўлда йиғилган мол-дунёни улашиш керак.

Тилда шакардан ҳам ширин сўз сўзлаш керак, шунда бек ва қул, катта ва кичик барча бўйин беради.

Халқнинг муҳаббатини қозониб, эътибор орттириш учун бекларга бир қатор фазилатлар керак бўлади.

Кулар юз, ширин сўз, мулойим бўлиш ва қилиш-қилмишлари мана шуларга муносиб бўлиши керак.

Хушмуомала, очиқ қўл ва шуларга муносиб меҳрибон бўлиш керак.

Турли санъат-ҳунарларни мукаммал билиши, барча ношойиста ишлар ундан узоқ бўлиши керак.

Мана шундай одам одамларнинг сараси бўлади, етук, сара одам эса нуқсонсиз, баркамол бўлади.

Борлиқ олам халқи унга тобе бўлади, бундай беклар давр сурадилар ва тилакларига етадилар.

Бадруйлик, қўполлик, гердаиш, кеккайиш каби одатлар одамни саргардон қилиб қўяди, у ўз йўл-йўригини тўғрилай олмайди.

Пасткашлик, ҳовлиқмалик, енгилтаклик, калтабин-

лик жоҳилларга хос одатлардир, улардан йироқ туриш керак.

Жоҳиллар феъли бек учун кераксиз яқин киши ка-бидир, улар бекга яқин бўлсалар, тубанлик содир бў-лиши аниқдир.

Жоҳиллар қора юзли бўладилар, бек эса оқ юздидир, қора билан оқнинг тафовути эса жуда ҳам каттадир.

Бекликка киройи муносиб бек бўлайин десанг, стук фазилатларга интилгин, эй номдор.

Агар бекнинг қилиш-қилмишлари қора бўлса, ундай бек халқ орасида юзи қораларнинг қораси бўлади.

Бекнинг юзи кўркам, соқоллари олинган, силлиқ бў-лиши керак, ўрта бўйли бўлса, таърифи янада юқори бўлади.

Юзини кўрганлар унга мафтун бўлса, эли ва халқи унга қараб қувонса.

Шижоатли ва ёвига беаёв бўлса, чиройи кўрган кўз-ларга сув бахш этса.

Бўй жуда узун бўлса ҳам ярашмайди, жуда паст бўлса ҳам маъқул бўлмайди.

Шундай экан, ўрта бўйли бўлиш маъқул, ўрта бўйли бўлиш яхши.

Бошидан кўп ишларни кечириб узоқ умр кўрган одам нима деган, эшитгин:

Бўйи қисқа бадбахтнинг қилмиши фитна ва газаб бўлади, фитна ва газаб ҳар ерда жанжал ва уришга сабаб бўлади.

Ўрта бўйли бўлиш маъқул, шунга яраша лозимотла-ри бўлиши керак.

Эй билимли киши, ишларингни ўртача ва мўътадил тутгин.

Бек ичимлик ичмаслиги, фитна ва игво қилмаслиги керак, бу икки ярамас одатдан қут қочади.

Бек майга ва маишатга муккасидан кетса, эл ва халқнинг қисмати аччиқ бўлади.

Жаҳонгир бек айш-ишратга берилиб кетса, элини хо-навайрон қилади ва ўзи тиланчи бўлиб қолади.

Беклик ишларининг вақт-фурсатини ўтказиб юборса, сўнг унга қуш каби шитоб қилса ҳам етиб бўлмайди.

Билимсизни майдан тийиб сўкиб таълим берувчи ни-ма дейди, эшит:

Эй нафсининг қули бўлган майхўр, май ичмагин, май ичсанг, қашшоқлик йўли очилади.

Авом майхўр бўлса, маблағи елга совурилади, беги майхўр бўлса, эл қачон барқарор туради?

Майнинг ичими олтин-кумуш каби ўзига мафтун қилади, ўзи эса ашаддий ёв, унинг қилмишлари ёқалашув, қилиқлари уриш-жанжал.

Маст бўлиб кайф қилган одам телба ва тентак бўлади, телбаларнинг иши қачон тўғри бўлади?

Қанча-қанча қилиниши зарур бўлган ишлар май ичилгач қолиб кетади, қанчадан-қанча ножўя ишлар май ичгач содир бўлади.

Бек май ичса ва маишатга берилса, эл-юрт ишларига фаҳм-фаросати етмайди.

Қанчадан-қанча нолойиқ ишлар май ичганда содир бўлади, қанчадан-қанча хайрли ишлар май ичиб кайф қилганда қолиб кетади.

Фисқ-фасод қаерда бўлса, қут ундан тўзиб қочади, фисқ-фасодчи ҳамиша элни ва бекликни бузиб юради.

Бахт-қут муқаддас нарсадир, у покизаликни тақозо қилади, давлат соф ҳалол нарса, у софлик ва ҳалолликни ёқтиради.

Бек ичувчи бўлса, жанжалкаш ва серхархаша бўлади, унинг бутун фуқаролари ҳам ўзига ўхшаш ичувчи бўлади.

Авомнинг номаъқулгарчиликларини беклар тузатадилар, бекнинг ўзи номаъқул иш қиладиган бўлса, унинг иложини ким қилади?

Нопок нарсани одам сув билан ювиб тозалайди, агар сувнинг ўзи айниқса, уни нима билан тозалаш мумкин?

Одам дардга гирифтор бўлса, дори-дармонни табиб беради, табибнинг дардига ким даво қилади?

Бекларнинг ишлари, феъл-атворлари, йўл-йўриқлари тўғри ва пок бўлиши керак, халқи ҳам бегига қараб йўл-йўриғини тўғрилайди.

Беклар қандай йўл-йўриқ тутсалар, халқ шунга мувофиқлашиб, бегига тақлидан йўл-йўриқ тутади.

Мана бу сўзлар бу айтилганларнинг исботи учундир, бу сўзларнинг тубига назар солинса, тўрган-битгани маънодан иборатдир:

Беклар қайси йўлдан юрсалар, унинг фуқаролари ҳам ўша йўлдан юрадилар.

Беги яхши ва йўл-йўриғи тўғри бўлса, фуқаролари янада тўғрироқ йўлдан борадилар.

Кибру ҳаво ва кўкрак кериб гердаиш ярамайди, бу одатлар тўғри йўлдан оздиради.

Беклар кеккаймасдан камтарлик билан иш кўрсалар, давлатлари зиёда бўлиб, улуғликка эришадилар.

Заковатли, фозил, билимли, халқ орасида сара киши нима деган, эшитгин:

Беклар кўкрак кериб ўзларини қатта тутсалар, улар шубҳасиз ўз қадрларини ерга урадилар.

Кибр-ҳаво қилган билан одам кўкка кўтарила олмайди, агар камтарин ва камхоста бўлса, ишлари ҳеч қачон бузилмайди.

Кибр-ҳаво бефойда, у кўнгил қолдирадиган одатдир, кўнгилни камтар тутилса, у одамни улуғлайди.

Бек мулойим ва юмшоқ табиатли бўлиши керак, агар бундай бўлмаса, ундай бекдан умидни узниш керак бўлади.

Бек мулойим ва очиқ кўнгилли бўлиши, айб қилиб қўйганларнинг айбларини кечирishi керак.

Шунда унга одамларнинг ихлоси ортади, ихлосмандлар эса хизматга берилган бўладилар.

Халққа бошчилик қилувчи бекларга ҳиммат жуда зарурдир, ҳиммат билан бирга уларда муравват ҳам бўлиши керак.

Ҳиммат ва муруввати билан танилган бекларнинг тилаклари рўёбга чиқади ва омадлари келади.

Ҳиммати йўқ одам ўликдир, у борлиқ дунё неъматларидан бебаҳра бўлади.

Ҳиммат билан бир қаторда сиёсат ҳам керак. Сиёсатни юритиш учун эса пишиқ-пухта раҳбарлик хислати керак.

Беклар эл-юрт қонун-қоидаларини ва тартиб-низомларини сиёсатга суянган ҳолда тузадилар, сиёсат билан авомнинг йўриғи тузалади.

Бу сўзларнинг тўғрилигига мана бу байтлар гувоҳлик беради.

Гувоҳлик қаерда бўлса, у аниқ ҳужжат ҳисобланади:

Бекларнинг даргоҳини сиёсат безайди, бек сиёсат билан элини тузади.

Ёмонларга нисбатан сиёсат қўллаш керак, халқ орасидаги бузуқликларни сиёсат тўғрилайди.

Элни тутиб туришнинг мустаҳкам асоси, туб негизи икки нарседан иборатдир.

Биринчи — халқ орасида адолатли сиёсат юритиш, иккинчиси — лашкарларга олтин-кумуш улашиш.

Адолатли сиёсатдан халқ хурсанд бўлади, олтин-кумушга эришган лашкари мамнун ҳолда шай туради.

Мана шу икки тоифа бекдан миннатдор бўлса, эл-юрти гуллаб-яшнайдди, бек фароғатда бўлади.

Қайси бек халққа адолатли сиёсат қилмаса, халқини ўз паноҳига олмаса, уни талаган талайверса.

Халқи орасига раҳна солган бўлади, эли бузилади, беклиги таг-тугидан зил кетади.

Қайси бир бек лашкарини хурсанд қилмаса, унинг иши учун лашкарининг қиличи сира ҳам қинидан чиқмайди.

Бекларнинг қўли қилич билан кучлидир, қиличсиз беклар ночор бўладилар, элни босиб тура олмайдилар.

Эл-юртнинг соқчиси қилич билан болтадир, бек элга бошчилик қилиш мартабасига қилич воситасида эришади.

Қилич ва болта билан душмани устидан ғолиб келган жаҳонгир нима дейди, эшит:

Эй элларни қўлга олувчи ва уни сақловчи, оғу еювчилар уни ғафлат туфайли ейдилар.

Элни сақлаб туриш учун қилич билан болтани шай тутиб туриш керак, эл соқчиси қилич бўлса, бек хотиржам бўлади.

Қилич тебраниб турар экан, душман тебранолмайди, қилич қинига кирса, бек хотиржам бўла олмайди.

Қилич соҳибларини хурсанд қилиб тургин, шунда севинч ва шодликда яшайсан, ҳеч алам кўрмайсан.

Ўгдулмиш яна айтди: Эй бек, эл ишлари ниҳоятда қийин, масъулиятлари эса бениҳоя катта.

Халққа бошчилик қилиш катта иш, у жуда оғир. Унинг ташвишлари доим машаққат келтиради.

Бу ишнинг хурсандчилиги оз, қайғуси кўп, раҳмати кам, лаънати кўп.

Унинг қаёғига қарамагин, даҳшатдан иборат, одамни хурсанд қиладиган жиҳатларини суриштирадиган бўлсанг, жуда оздир.

Севмайдиганлари жуда ҳам кўп, севадиганлари эса жуда ҳам оз, ғавғоси кўпроқ, ҳаловати эса арзимасдир.

Ҳар бир ерда кўнгил тўла шубҳа бўлади, кўнгил шубҳали бўлдими, у кишига ортиқча ташвишлар келтиради.

Яхшироқ назар солиб қаралса, ҳар бир ишида хатар бўлади, хатарли ишни кўрганда, эса, одамнинг ҳаловати йўқолади.

Заковатлининг сўзига қулоқ сол, у нима деган, у сўзларини инжу каби дона-дона қилиб ипга тизиб қўйгандир:

Элигнинг бўйни қилдай ингичка, боши эса бурждай

каттадир, фозил одам бу номувофиқликка жуда ҳам ишонавермайди.

Бош мулкининг подшоҳлиги қилиш-қилмишдирки, унинг кундалик ҳар бир ишида минг-минг хатарлар бор.

Бекликнинг барча иш-юмушлари мана шунақа, ундан баъзилар мақсадига етади, баъзиларнинг боши кетади.

Узинг дунё тагига етай десанг, бир қатор ишларни қўймасдан албатта қилишга интилгин...

Бошинга нимаики иш тушса, барчасига рози бўл, розилик бу сенинг қуллик бурчингдир.

Барча халққа чин қалбдан меҳрибон бўл, доим яхшилиқ қил ва ўзинг ҳам бошқалардан яхшилиқ кўр.

Халққа манфаат келтир, зиён етказувчи бўлма, феълингни яхши тут, ёмонларнинг касофатини бос.

Бир умр дунё сен билан бўлади, шундай ҳаёт насиб бўлса, унинг роҳатини кўргин.

Мана, мен сўзладим, эй элиг, сен эшитдинг. Бек учун ман шунақа билим ва фазилатлар зарурдир.

Қимда мана шундай фазилатлар ва хислатлар мужассам бўлса, ўшани бек атаса ва элга бош қилса бўлади.

Бундай одам халққа муносиб бошлиқ бўлади, ундан ҳар бир киши яхшилиқлар кўради.

Билимли ва зийрак киши нима деган, эшит, билимли, зийрак кишининг билими эл учун кони тадбирдир:

Бек билимли, заковатли, тўғри бўлиши керак, ақл-фаросатли ва барчага ўрнак бўлиши керак.

Саховатли, саранжом-саришта, эсли-ҳушли, зеҳнли, хушмуомала бўлиб, элни жуда ҳам авайлаб, эҳтиётлаши керак.

Кўзи тўқ, сабр-чидамли, беозор, карамли бўлса ва элнинг манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилса, кечиримли вазмин бўлса,

Барча фазилатлари бошқаларникидан устун бўлса, фақат адолатли сиёсат юритса,

Қайси элга мана шундай одам бек бўлса, ўша эл халқи бахтли бўлади ва машаққатлардан халос бўлади.

Элнинг бахт кунлари туғади ва роҳат-фароғатга етади. Афсуслар бўлсинки, мана шундай одамлар узоқ яшамайди, ўлади.

Эй элиг, менинг билганларим мана шулар эди, тушунганимча ва ақлим етганича улар ҳақида сенга сўзлаб бердим.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг айтди: Тушундим, жуда тўғри сўзладинг, менга кераги мана шулар эди, билимда адашмадинг.

Сендан сўрайдиган яна бир сўзим бор, уни ҳам менга аниқ-равшан қилиб айтиб бер.

Бегида ман шундай фазилатлар тўла-тўкис бўлса, унинг вазири қанақа бўлиши керак?

У олтин-кумушга хазинани тўлдирса, эли гуллаб-яшнаса, шаҳар ва қишлоқлари кўпайса,

Адолатли сиёсат асосида элига равнақ бериб бошқарса, ундан яхшиликлар кўриб, лашкарининг муҳаббати ортса,

Халқи ҳаловатга эришса, унга зўрлик ва зулм қўли тегмаса.

## БЕКЛАРГА ҚАНДАЙ ВАЗИР КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Аввало бекларга ёрдам қўлини чўзувчи одам вазир бўлади.

Беклар учун вазир албатта кераклидир, вазири яхши бўлса, бек хотиржам ухлайди.

Бекларнинг оғирини енгил қилувчи вазирдир, бекликнинг асосини мустаҳкамловчи ҳам вазирдир.

Вазирликка жуда ҳам сара ва етук одам керак, унинг ақл-заковати барча ишларга ҳам етадиган, хизмати раббати кучли бўлса яхши.

Зеҳни ўткир, билими чуқур бўлса, барча ишларни дўндирса ва юзини ёруғ қилса.

У зийрак тадбирли тўғри бўлиши ва фақат тўғрилик билангина ҳаёт кечириши керак.

Вазирлик иши жуда катта вазифа, бунга сара одам керак, у ишончли, феъл-рафтори аъло бўлиши керак.

Заковатли ва билимли, зеҳни ўткир, зийрак бўлиши керак.

Заковатли одамнинг асли тоза бўлади, у ҳар ерда ҳам униб-ўсади, қуруқ қолмайди.

У андиша-мулоҳазали, диёнатли ва пок бўлиши керак, эл-юртнинг фуқароси ундан кўнгли тўқ бўлиши керак.

Андиша-мулоҳазали, тадбирли одам одамларнинг сарасидир, у барча ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқаради.



Тадбирли одам ҳар бир ишда ҳам ҳушёрлик қилади, ноҳўя ишларга қўл урмайди, барча ишларнинг мавриди-ни билади.

Бекдан кейин элда ҳукми раво одам вазирдир, ҳукм ва буйруқлар беришда бекнинг ўнг қўлидир.

Уруғсиз кишиларнинг тағи паст бўлади, тағи паст одам эса вазирликка ярамайди.

Уруғли одамлар вафоли бўладилар, тағи паст киши-лар эса вафосиз бўладилар.

Тадбирли, режали киши нима дейди, эшитгин, тад-бирли, режали кишилар эл-халққа бош бўладилар.

Уруғли кишиларнинг хулқ-атвори аъло бўлади, улар халққа вафо билан қучоқ очадилар.

Нопокларнинг қилиғи вафосизлик, жафодан иборат. Уларнинг шакар ва илик едиришларига маҳлиё бўлмас-лик керак.

Вазирликка уят-андишали, кўзи тўқ одам керак. Уят-андишасиз кишининг одамларга нима керағи бор?

Мол-дунёга суқланмаслик учун кўз тўқ бўлиши ке-рак. Кўзи очлар бу дунёни бутун ютсалар ҳам ҳеч тўй-майдилар.

Одамларнинг энг етуғи бу уят-андишали одамдир, уят-андишали одам ҳамма одамларга бошдир.

Ким уят-андишали бўлса, ишларни ўшанга топшириш керак, одамлар уят-андиша билан тубанликнинг йўлини тўсадилар.

Уят-андишасиз одам одамларнинг энг тубанидир, уят-андишасизнинг тили ҳеч қачон тўғри сўз сўзламайди.

Уят-андишали, вазмин киши нима деган, эшит, у меҳрибонлик юзасидан панд-насиҳат қилгандир:

Уят-андишасиз кишидан зинҳор йироқ тур, уят-анди-шасиз ҳар нарсадан тонадиган бўлади.

Уят-андишасизнинг юзига қарасанг, у мисоли гўшт-сиз сўнгакдир, уят-андишасизнинг ўзи эса битмайдиган бедаво мараздир.

Уят-андиша билан одамнинг обрўйи ортади, уят-ан-дишали кишилар шарафга эга бўладилар.

Вазирнинг юзи кўркем, силлиқ, соқоли ҳамиша олин-ган бўлиши керак. Феъл-хулқи тўғри бўлиши ва ундан халққа баҳра тегиши керак.

Йўл-йўриқлари тўғри, феъл-хулқи рост ва тўқис бўлса, ундан халққа ойу йиллар фақат яхшиликлар те-гади.

Ишларда иш бошчиси тўғри бўлмаса, бекларнинг бар-ча ишлари эгри бўлади.

Ишчига тўғрилиқ ва ростлик сифатлари жуда зарур-дир, шунда унга ишониб иш топширса бўлади.

Кўркли кишининг феъл-атвори ҳам чиройли бўлади, феъл-атвор, ахлоқ тўғри бўлса, эл учун кони фойдадир.

Кимнинг юзи, ташқи қиёфаси, сирти кўркли бўлса, унинг ички дунёси ҳам ташидек кўркли бўлади.

Қўп синаган ва синаб яхши-ёмоннинг фарқини ажратиб олган киши нима деган, эшит:

Одамнинг кўркига ички қилиқлари ҳам ўхшаш бўлади, юз чиройи билан қилиқлари тенг бўлади,

Сиртини кўриб ички дунёсидан андоза олиш керак, чунки ичи ташидек, таши эса ичидек бўлади.

Соқоли қирилган, хушрўй, салобатли бўлса, вазирликка жуда муносиб бўлади. Вазир салобатли бўлса, ишлари жуда ривож олади.

Билагон, зийрак ҳисоб-китобга уста бўлиши ва барча ишларни, турли хатларни биладиган бўлиши керак.

Вазирнинг барча ишлари ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлади, у ҳисоб-китобни билмаса, ишлари юришмайди, ўлда-жўлда қолади.

Одам иш-юмушларнинг ҳисоб-китобини олиб боради, йил, ой, кун, ва замонларни ҳисоб-китоб ёрдамида аниқлайди.

Ҳисобга унинг аниқлиги учун ҳисоб деб от берилган, кўра билсанг, ҳисоб ўта аниқ амалдир.

Одам зийрак бўлмаса, ишларини ўнглай олмайди, ўз ишларини одам зийраклик туфайлигина бажаради.

Одам билганларини хат билан қайд этиб ёзиб қўяди, ёзиб қайд қилиб қўйса, одам нима ишлар қилганлигини доимо била олади.

Хат зийраклик ва тетикликнинг белгисидир, хат билувчилар эса ўта тетик кишилардирлар.

Одам боласи хатни билмаганида, йил, ой ва кунларнинг ҳисобини қандай қилиб чиқарарди.

Донолар хатни ёзиб қолдирмаганларида, ҳисобга қандай тадбир, чора ва илож топиларди?

Вазирнинг кўнгли мулойим бўлса, одамларнинг муҳаббатини қозонади, кўнгил қўйган кишилар эса ишларни ўрнига қўядилар.

Юмшоқ табиатли, мулойим киши нима деган, эшит: Юмшоқ кўнгиллик қандай ажойиб фазилат-а!

Юмшоқ табиатли киши одамлар орасида севимли бўлади, қаҳри қаттиқ киши жирканч бўлади.

Юмшоқ табиатли одам доим улуғланади, қаҳри қаттиқ киши эса улуғликка етиша олмайди.

Вазирликка ниҳоятда етук одам керак, у ўқимншли, турли хат ва ёзувларни биладиган, ақли расо бўлиши керак.

Тили билан дили бир, йўл-йўриқлари тўғри, уят-андишали, раҳм-шафқатли, соф ва чин бўлиши керак.

Кўзи тўқ, ишбилармон, яроқли ва яроқсиз одамларни фарқлай оладиган бўлиши керак.

Хизматга шай, садоқатли, андишали, имони комил, юраги тоза бўлиши керак.

Кимда мана шундай билим ва фазилатлар мужассам бўлса, элиг вазирликни ўша одамга берса айни муддаодир.

Мана шундай одам бекларга вазир бўлса, беги ва халқининг роҳати жонидир.

У туфайли элигининг ишлари кўнгилдагидек юришиб, эл гуллаб-яшнайти, фуқаросининг бойлиги ва давлати ортади.

Бордию нобоп одам вазир бўлиб қолгудай бўлса, ўша элнинг бой ва камбағал фуқароси баб-бараварига бузилади.

Вазир яхши бўлса, халқ фаровонлиги ортади. Халқ фаровонлиги ортиши эса бекнинг ҳаловати ортиши демасдир.

Билим туфайли кўнгли зиё топган доно нима деган, эшитгин:

Бекнинг дили ва тили тўғри, ўзи эзгу бўлса, унинг хизматидагилар тўғри йўлдан юрадилар.

Агарда вазир ярамас ва золим бўлса, унинг хизматидагилар тўғри йўлдан чиқадилар.

Беги эзгу бўлса, унинг хизматидагилар тўғри йўлдан борадилар ва бекликка зиён етказадиган ишларни қилмайдилар.

Бекларнинг ўзлари ярамас бўлмасалар, ярамасларни ўзларига яқинлаштирмайдилар.

Ёмон қаерда бўлмасин ёмон биландир, эй яхши, сен ҳамиша яхши улфатларни истагин.

Ёмон яхшига ҳеч муносиб бўлмайди, эгри тўғри билан зинҳор мос келмайди.

Қоронғи кеча ёруғ кунга яқинлашмайди, яшил сув қизил оловга кўноқ бўлмайди.

Синамаган одамни синамоқчи бўлсанг, уни биладиганлардан сўрагин, ҳаммаси аниқ бўлади-қўяди.

Ҳамма нарса ўз тўдаси ва тоифаси билан қоришиб-аралашади, сен тўғри бўлгин, эгри билан зинҳор аралашмагин.

Бунинг исботига мана бу байтни ўқи, бу байтни ўқисанг, дилинг баҳра олади:

Юрувчи, учувчи барча жонзотларга қарагин, барчаси ҳам ўз тенги билан жўр юради.

Ёмон билан яхши қовушмайди, бир-биридан қочади, бу барча учун хос бўлган умумий бир тарзидир, кўргин.

Вазир бекнинг донмий маслаҳатчисидир, кенгашичи одам эса муносиб бўлиши керак.

Фуқаронинг яхшилари ёмонларга яқин юрсалар, уларнинг феъл-хулқлари бузилади. Бунинг ташвиши оғирдир.

Беклар ярамас одамни ўзларига яқин тутсалар, ўз номларини ёмон, эл-юрт ишларини вайрон қиладилар.

Яхши хислат ва фазилатларга эга вазир бегини роҳатга, элини ва халқини фароғатга етказади.

У туфайли бекнинг орзулари рўёбга чиқади, ҳар қандай аҳволда қолиб кетган ишлари тугал анжом топади.

Халқ бойийди, эл-юрт гуллаб-яшнайти, хазина бойлиги ортиб, йиллар саодатли кечади.

Бекнинг номи бир умр қаримайдиган бўлиб мангулашади, қариб-чириганда ҳам яхши ўрин насиб этади.

Элиг айтди: Бу сўзларингни ақл қулоғи билан уқиб олдим, бугун ажойиб яхши суҳбат бўлди.

Энди сен менга айтиб бергин, беклар хизматидаги лашкарбоши қандай одам бўлиши керак?

Токи у лашкарга бошчилик хизматларини ўтаса, вазифаларини тўла-тўқис адо этса, ҳеч бир хатоликлар содир бўлмаса.

Сен энди менга очиғини айт. Душман лашкарини тор-мор келтириб, тумтароқ қилиб ҳайдашга муносиб лашкарбошиликка ким ярайди?

## УГДУЛМИШ ЭЛИГГА ЛАШҚАРБОШИ ҚАНДАЙ СИФАТЛАРГА ЭГА БУЛИШНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Эй элиг: душман устидан қўлинг ҳамиша баланд бўлсин.

Бек учун лашкарбоши албатта зарурдир, мурасасиз душманнинг таъзириини бериш вазифаси унинг зиммасида бўлиши керак.

Бу вазифага жуда ҳам пухта, қатъиятли, кўп ишларни бошдан кечирган, етук ва жасур одам керак.

Лашкарга бошчилик қилиш жуда улуғ вазифа, лаш-

карга тартиб бериш ва душманни мағлуб этиш оғир ишдир.

Бу иш учун етук, зийрак, ҳушёр одам керак, токи ғофиллик орқасидан бирор бир кутилмаган фалокат юз бермасин.

Лашкарбоши очиққўл, жасур, мерган, хушмуомала, нон-тузи мўл, дастурхони барчага очиқ, феъли кенг бўлиши керак.

Лашкарга бошчилик қилувчи киши ниҳоятда саховатли бўлса, унинг теварагига энг сара одамлар йиғилиб келади.

У марди майдон аскарларига бор мол-дунёсини улашиб бериши, дўст, ёру биродарлар орттириши, қўлдошларни кўпайтириши керак.

Ўзи учун бир от, кийим, қурол-аслаҳа қолдирса кифоя бўлади.

Шуҳрати, овозаси оламга ёйилса, унга шунинг ўзи етарлидир.

У бола-чақам ва оилам деб мол-дунё йиғмаслиги ёки ер-сувим, боғу роғим деб қайгурмаслиги, олтин-кумушга учмаслиги керак.

Ўз орзу-умидларини хислатларидан кутса, йиғилган дунёсини улашиб бериб донг таратса, шуҳрати оламга ёйилади.

Лашкарларини едириб-ичирса, кийинтирса, уларга от-уловлар, ғулом ва жориялар инъом қилса айни муддао бўлади.

Шунда баҳодир марди майдонлар унинг атрофига жам бўлиб келадилар ва жон фидо қилиб, тоғ ва қояларда ётадилар.

Лашкарбоши довюрак, ўта ақлли, жасоратли, ҳиммати балан бўлиши керак.

Жангларда юраксиз, қўрқоқ кишилар иш бермайдилар, юраксизлар заифалар билан тенг бўладилар.

Юраксиз кишилар лашкарни бузадилар, холос. Лашкарнинг бузилиши эса жасур мардларнинг бузилиши демакдир.

Жангларда жасурлар матонатли ва сабрли бўлишлари керак, ёв от солиб келганда, қаттиқ туриб уни даф қилишлари керак.

Шубҳасиз ўлим деган нарса, муҳаққақдир, вақти-фурсати келмас экан, баҳодирлар бемаҳал ўлмайдилар.

Озиқли, довюрак, ўлимни ўйламаган ва ёвига зарба берган киши нима деган, эшит:

Одам онадан туғилиб бемаҳал ўлмайди, сен ёвни кўриб нима учун кўрқасан?

Душманга ўтдек ҳамла солиб мардонавор жанг қил, ажалсиз, бошқача ўлим бўлмайди.

Одамда орият бўлиши керак, орият туфайли киши ёвга қарши жангга киради, ўчидан қайтмайди.

Орият билан ёвни тумтароқ қилиб қувади, ёвдан энг аввал ориятсиз одам қочади.

Орияти бўлса кўрқоқ ҳам ботирлик қилади, жангда афсусланган киши ўзини ўзи ўлдиради.

Жасоратли мард ориятли бўлади, ориятли ўлса ҳам жанг қилиб ўлади.

Феъл-хулқи манзур, кўнгли мулоим, хушмуомала одам ўз хислатлари билан халқ муҳаббатини қозонади.

Хушмуомала кишилар одамларда ўзига мойиллик уйғотади, жоҳиллар марди майдонларни ўзларидан узоқлаштирадилар.

Лашкарбоши катта кетиб гердайса, душманидан шубҳасиз зарба ейди.

Катта кетиб гердайган одам ғафлатда қолади, ғофил киши ё шикаст ейди, ёинки бемаврид ўлади.

Жасур, мард, салобатли, хушрўй бўлса, номи шуҳрат қозониб, донғи кетади ва овозаси ёйилади.

Ёмонларни салобат билан ҳайиқтириш, эзгулик билан яхшиларнинг муҳаббатини қозониш керак.

Лашкарбоши сиёсат билан иш кўриши керак. Лашкар ишлари сиёсат билан боғлиқдир.

Сиёсат билан иш тутилса лашкар итоаткор бўлади, лашкар итоаткор бўлса, у мардликлар кўрсатади.

Қайси бир лашкар бебош, пароканда бўлса, ўша лашкар ич-ичидан бузилади.

Ёмонларга дағдаға, пўписа ва сиёсат қўллаш, яхшиларнинг ҳурматини жойига қўйиш керак.

Яхшиларга фақат яхшилик кўрсатиб, уларнинг хурсандчилигини кўзлаш, малол чектирмаслик керак.

Барча халқ яхшиликни истайди, яхшилик кўриб, жон фидо қилишга ҳам тайёр туради.

Эй хуш хулқли, бу ҳақда нима дейилганини эшит, бу байтни ўқиб донм шод бўлгин:

Эркин, озод киши барчаси яхшиликнинг қули бўлади, сен уларга яхшилик қилиб тўғриликка йўл оч.

Одамгарчилик қилганга донм одамгарчилик билан жавоб қил, одамгарчиликнинг туб илдизи мана шундан ибораг.

Лашкарбоши учун бир қатор фазилатлар лозимдир, душман билан юзма-юз келганда шу физилатлари туфайли тўғри йўл-йўриқ тутади. Жангларда баҳодирларга шер юраги керак. ҳамла қилганда қоплон билаги керак.

Тўнғиз каби чидамли, бўри каби кучли, айниқдек ғайратли, қўтосдек қасоскор бўлса,

Қизил тулки каби ҳийлакор, эркак маст туядек ўч олувчи, кек сақловчи бўлса,

Ўзини зағизгондан ҳам зийракроқ тутса, қоя қузғунидек узоқ-узоқларга кўз югуртирса, ғурур ва ғайратда арслон каби улугвор бўлса, бутун тун бўйи укки каби уйқусиз бўлса,

Мана шу сифатлари билан одам жангчи бўлади, жанговар ва яроғбардор бўлади.

Жанговар, яроғбардор кишилар доимо душмани тор-мор қилиб, ундан эл ўчини олади.

Нон-тузи, дастурхони кенг-мўл, оти, қурол-аслаҳалари, кийимлари ўзига муносиб бўлиши керак.

Нон-тузи, егулик-ичгуликлари, неъматлари одамнинг номини машҳур қилади, егулик-ичгуликлар эса ҳаётнинг негизидир.

Илоннинг номдори нима деган, эшитгин: Эй кишиларнинг саодатлиси, дастурхонингни кенг-мўл тут.

Донг таратиб ном чиқармоқчи бўлсанг, нон-туз едиргин, қувноқ яшашни истасанг, мана шу ишни амалга оширгин.

Одамийлик қиладиган ишончли саховатли кишилар одамлар олдидаги бурчларини нон-туз ҳақи билан ўтайдилар.

Улуғликка эришмоқчи бўлсанг, еб-ичадиган неъматларни улаш, узоқ умр ҳам ош-сувинг эвазига насиб бўлади.

Ҳайл бошловчига бир қатор хислатлар керакдир, у шулар туфайли иш юритиш режаларини тузади.

Сўзи чин, гапи рост бўлиши керак, агар сўзлари ёлғон бўлса, халқ унга ишончини йўқотади.

Иккинчидан, саховат кўрсатиб нарса улашиш керак. Хасислар теварагига одам йиғилиб келмайди, бунини биллиб қўйган яхши.

Учинчидан, юракли, жасур бўлиши керак, юраксизлар ёвни кўрганда саросимага тушиб ётаверадилар.

Тўртинчидан, жанг макр-ҳийлаларини билладиган бўлиши керак. Ҳийла билувчи киши ҳатто арслонни ҳам туттиб ўлдиради.

Қатъиятли бўлса ёв лашкарини пароканда қилади, журъатли бўлса, аскарларни илҳомлантиради.

Лашкарбоши мана шундай хислатларга эга бўлса, ёвни яқсон қилиб, унинг шуҳратини сўндиради.

Мана шундай лашкарбоши лашкарга бошчилик қилса, жангларда душман устидан ғолиб келади.

Лашкарбоши лашкарни ёвга қарши урушга олиб кирганда туну кун уйқудан кечиб хушёр туриши керак.

Лашкар учун кўп одам керак эмас, сара одамлар керак, сара одамлар жам бўлгач, уларга муносиб қурол-аслаҳа керак.

Беҳисоб лашкардан тузилган қўшин бебош ва бошқорувсиз бўлади, бебош қўшин аскарлари эса юраксиз бўлади.

Синаган жангчилар лашкарнинг сон-миқдорини солиштириб ўтирмайди, ёвнинг ўн икки минг бошлиқ лашкарини кўп деб ҳисобламайди.

Қўшинларни тор-мор қилган баҳодир уқдириб, мен учун тўрт минг нафар лашкар кифоя, деб айтган.

Кўп сонли қўшин ҳаракатга келганда ички тартиб-тузуқлари қоришиб кетади, уни эпга келтириб бўлмайди, ножўяликлар содир бўлади.

Донг таратган мард-баҳодир жуда соз сўзлаган: сара кишилардан тузилган ва шай қуролланган лашкар бўлса кифоя деган.

Овозаси кетган жанговар мард нима деган, унинг сўзларини эшитиб, унга амал қилгин:

Кўп сонли лашкар истама, сара мардларни иста, сара мардларга мувофиқ шай қурол-аслаҳа иста.

Тартибсиз кўпдан кўра, тартибли оз соз бўлади, кўп сонли лашкар орасида бузуқликлар кўп содир бўлади.

Лашкарбоши ёв устига жангга отланиб юриш қилганда ёвни саваловчи энг абжир мардларни ўзига яқин олиб юриши керак.

Илғор бўлинма ва айғоқчи сафларни саралаб танлаб олиш, барча эҳтиёт чорасини кўриб, узоқ-узоқларга кўз тикиб, қулоқ солиш керак.

Илғор бўлинма ва айғоқчи сафлар анча илгарилаб кетиб, ёвга зарба бериш ва уни мағлуб қилиш имкони туғилса,

Лашкарини жангга шай қилиб қўйиши, ўз атрофига соқчи сафларни қўйиши лозим. Жангчилар орқада қолиб ҳам, жуда илгарилаб кетмаслигини ҳам назорат қилиши керак.

Қароргоҳ танлай билса ва соқчи сафларни тузишга



моҳир бўлса, соқчиликка абжир йигитлардан қўйиб, ниҳоятда ҳушёр бўлиб турса,

Бош қўмондон ҳарбий йўриқларга рноя қилинишини назорат қилса, душманга зарба бериши мумкин билган бирорта ҳам жангчи четда қолмаса,

Мустаҳкам ва пана ерни яхшилаб танлаб, лашкарни ўша ерга туширса, жангчилари узоққа кетиб қолмаса, уларни тергаб бир ерда жам қолда тутса,

Ғофил бўлмаса, ҳамиша ҳушёр ва зийрак турса. Ғофил бўлса, босқинчи унга озор бериб қўяди.

Ёвга яқинлашганда илғор бўлинмаларни жангга шайласа, бошқа бўлинмаларни ҳозирласа, атрофида ўт ва сувлар етарлилигини ҳисобга олса,

Лашкарини жуда эҳтиёт тутса, тил олдириб қўймас, лашкарининг оз-қўплигини душмани билад олмаса,

Ҳаркат қилиб олдинроқ тил олиш ва ундан душманнинг хатти-ҳаракатлари, режалари ҳақида маълумотлар олиш керак

Душманга бас кела олишига ишонч ҳосил қилгач, унга мос тадбир-чоралар кўриш, ёв бўйинини ҳам қилиб, бошини мажақлаб ташласа,

Мана бу сифатлар зийраклик ва ҳушёрлик бўлади. Урушда ким зийрак ва ҳушёр бўлса, ўшанинг қўли баланд келади.

Ҳушёр бекнинг сўзлари донишмандона йўлланма кабидир: Забардаст арслонни тутиб минаман деган одам қилич ва қамчи билан қуролланган бўлиши керак.

Душманни енгил учун икки нарса билан қуролланган бўлиш керак, бу икки қурол-яроғ туфайли ёв бошига ўлим келади.

Авалло душманга ҳийла ва найранг ишлатиш керак, бу ҳийла-найранг билан ёвни ўз қонига бўяш керак.

Иккинчиси — зийраклик ва ҳушёрлик, ким зийрак ва ҳушёр бўлса, ўша ғолиб бўлади.

Урушда ким зийрак ва ҳушёр бўлса, ўша душманга албатта балолар ёғдиради.

Душманнинг лашкари кўп, сеники эса оз бўлса, унинг жанг бошлашини маъқул кўриб кутиб тургин.

У билан ярашишнинг иложи бўлса ярашгин, йўқ бўлса, совут кий, жон-жаҳд билан унга қарши жанг қил.

Уни ғафлатда қолдириб тунда ҳамла қилишга интил, кечаси лашкаринг оз-қўплигини аниқ билад олмайди.

Агар уни енгил иложи бўлмаса, элчи юбориб эллашиб яшагин.

Тилингагина, юзаки, эл бўл, ўзингни эҳтиёт қил, лекин у билан уруш қилишга асло шошилмагин.

Шунда ҳам иложи бўлмаса, душман сенга қарши отланса, ҳеч ён бермаса ва сен билан урушмоққа қасд қилса.

Сен имиллаб ўлтирмасдан дарҳол лашкарингни йиғ ва уруш бошла. Аскарларингга инъомлар бер, мақта, ёв билан жанг қил, отиш ва олиш.

Уруш бошлашни орқага сурсанг, ёвинг огоҳ бўлиб қолади, кўп кўраверган одамнинг кўзи ўрганиб қолади. Бошидан кечириб, кўзи билан кўрган ва ёвини тормор келтирган киши нима деган, эшит:

Кўрмаган душманнинг хабари мавҳум бўлади, кўз-кўзга тушиб кўрганда эса, кўрган кўз дадиллашади.

Душманга чақмоқдек отил, у режаларингни билишга улгурмасин, урушга киришни пайсалга солсанг енгиласан, шунинг учун дадил оёқ бос.

Лашкардан бир қисмини пистирмага қўй, пиёда ўқчиларни олдинга ташлаб, ўзинг уларнинг олдига тушиб от қўй.

Тажрибали, синалган катта ёшли баҳодир жангчиларни жангнинг олдинги сафига қўй, улар жангчиларни руҳлантириб далда берадилар.

Катта ёшли тажрибалилар жуда жанговар бўладилар, улар қурол ишлатишга моҳир бўладилар.

Кичик ёшдаги йигитлар жуда тез бўладилар, агар чекинишга тўғри келса, уларнинг шаҳди тез қайтади.

Ишончли мардларни лашкарнинг олдидан ва ортидан қўйгин, бир оз мундоқроқларини ўнгдан ва сўлдан қўйгин.

Душман лашкарига яқин келганда жангчилар ёпирилиб ташланиши, юзма-юз тушиб олишиши, ҳамла қилиши керак.

Дастлаб узоқ масофадан ўқ отиб урушиш керак, қўл етарли масофага яқинлашганда эса найзабозлик қилиш керак.

Лашкарлар аралашиб кетганда қилич ва ойболта билан савалашиб, ёқасидан олиб ёпишиш, тиш ва тирноқ билан олишиш керак.

Ёвга бўш келиб имкон берма, қаттиқ тираниб ол, ёвни мағлуб қил, ёки ўлгунингча жанг қил.

Душман билан юзма-юз туриб жанг қилган мард баҳодир нима деган эшит: Матонатли бўлгин, матонатлилар душманга зарба берадилар.

Келли ва қизларнинг шодликлари никоҳ кечаларида

бўлади, жасурлар ва ботирларнинг шодликлари жанг кунларида бўлади.

Жасур ва ботир мардлар от ўйнатиб ёвнинг бўйини узадилар, уни қул қилиб асир оладилар.

Ёвга дуч келганда мард баҳодирларнинг ғайратлари жўшади, жангни шулар қиладилар, бошқаларга навбат ҳам келмайди.

Марди майдонлар ёвни кўрганлари ҳамон шер бўлиб кетадилар, от ўйнатиб жангга кирадилар, ё душманни ўлдирадилар, ё ўзлари урушиб ўладилар.

Марди майдонлар ёвни кўрганларида, юзларига қизил югуради, улар жангга киргач, бўз ер қон билан бўялади.

От, эгар-жабдуқ, қурол-аслаҳалар, совут-қалқонлар қип-қизил қонга бўялади, қизил юзлар сўлиб сап-сарик бўлади.

Ёв от солиб ҳамла бошласа, бардошли бўлиб унга орқа бермаслик, ҳар тарафга тарқалиб ёйилиб кетганда уни босиш керак.

Ёв турган еридан қўзғалса унинг орқасидан қўзғалиб, ҳайдаб изма-из таъқиб қилиш, бир ерда босиб турмаслик керак.

Агар ёв бир ерда турмасдан қочиб бораверса, тез қувиб етиш ва қўлга тушириш керак, аммо унга асирликка тушиб қолмаслик лозим.

Ёвни тумтароқ қилган мард баҳодирлар унинг изидан таъқиб қилиб бориб уни қайтадан мағлуб қиладилар.

Ёв узоқ қочиб бораверса таъқиб этишни бас қил, узоқ изидан борма, чунки орқага қайтаётганинда оёқ ҳолдан тояди, ёв қувгудек бўлса, қочолмай қоласан.

Ёв танг аҳволда қолганда ўлимга тик боқиб таваккал қилади, ўлимга тик боққанга рўпара келиб бўлмайди.

Одам ғофил бўлса, юриб кетаётганида ҳам ўлади, киши ғофил бўлмаса, тилакларига етади.

Мана шу масалада ўзингни эҳтиёт қилгин, акс ҳолда ўлмай тирик қолишдан умидингни узгин.

Синаган киши мана бундай деган, синаган кишининг сўзи ҳамма сўзларнинг асосидир:

Ёв қочса, қувишни бас қил, кетидан узоқ таъқиб этма, узоқ таъқиб этувчиларнинг ёвдан тўйиб калтак ёганлари ҳам бор.

Ёвни бир бор пароканда қилиб юборилса, яна қайтадан жамлана олмайди, ўтни сув ўчирса, яна қайта жонлана олмайди.

Танг аҳволга тушиб қолганлар ўлимдан ҳам қайтмайдилар, ўлимга ҳам рози бўлганлар, бошқаларни ҳам ўлдирадилар, ўзлари ҳам ўладилар.

Ким иш кўрсатса, эвазига дарҳол инъом бериш керак. У ўша инъом туфайли миннатдор бўлади.

Ким мард баҳодирларни ўзига содиқ қилиб тутмоқчи бўлса, уни таърифлаши ва тақдирлаши керак, шулар билан ундай мард баҳодирларнинг рағбатлари ортади.

Ёмонлар мақталса жуда яхши бўлишга интиладилар, агар яхшилар мақталса, улар ҳеч қачон кетга чекинмайдилар.

Баҳодирлар муносиб равишда мақталсалар, қўл билан забардаст шерни тутадилар, отни эркалатса, югуриб учар қушга ҳам етади.

Мабодо жароҳатланганлар бўлса, уларни кўриб-кузатиб даволатгин, асир тушганлар бўлса, уларга бошмабош эваз бериб қайтариб ол.

Агар ўлганлар бўлса, уларнинг ҳурматини келтириб дафн қилдир, уларнинг фарзандлари бўлса, лозим улуш-ҳақларини бергин.

Бу ишларингни кўрган бошқа жангчилар сендан хурсанд бўладилар, уруш пайтларида ширин жонларидан ҳам кечадилар, фидойилик кўрсатадилар.

Эркин, озод одамлар бундай лашкарбошига содиқ қул бўладилар, улар жонларини фидо қилиб, лашкарбошини хурсанд қилишга интиладилар.

Мана бу сўзлар айтилганларга жуда мос келади, яхши ўйлаб қарасанг, ажойиб айтилган сўзлардир, эй доно:

Ширин сўзли, очик юзли бўлиб, мол-дунё улаш, эркин, озод одамлар мана шу уч нарса туфайли атрофинга йиғилиб келадилар.

Сен қул-хизматкорларни олтин-кумушга сотиб олма, юқоридаги уч ишни қилсанг қул-хизматкорлар ўзлари тўпланиб келаверадилар.

Лашкарбоши одам учун мана шундай хислат ва фазилатлар керак, шулар туфайли у одам лашкарга бошчилик қилса бўлади.

Сен олтин-кумушларингни, мол-дунёларингни улашгин, одамлар мана шу инъомларинг баробарида сенга жон фидо қиладилар.

Улар мана шу ҳадя ва инъомлар туфайли содиқ хизмат қиладилар, беклар мана шуларга амал қилсалар, у ҳамма нарсанинг ва жами бойликнинг асоси бўлади.

Бек мана шу сифатли лашкарбоши топгудай бўлса,

қувониб шодланса арзигўдай бўлиб ишлари ривож олади.

Лашкарни бошловчи мана шу янглиғ фазилатларга эга бўлса, бекнинг ишлари равнақ топиб, дили шодликка тўлади.

Муносиб вазир истасанг олдин таърифланган сифатларга эга бўлган одам топишинг керак, лашкарбоши эса юқорида таърифлангандек киши бўлиши керак.

Шундагина бек унга ишониб суянса бўлади, барча истаган орзу-тилакларига у туфайли етишади.

Ўгдулмиш яна айтди: Эй саодатли элиг, номи улур икки катта иш бор.

Биринчи — вазир қиладиган иш, иккинчиси — лашкарбоши қиладиган иш. Булардан бири қалам билан, иккинчиси қилич билан иш кўради.

Элни қаттиқ тутиб турувчи боғич, жилов мана шу иккинчисидир, бу иккаласи бирикиб боғланса, уни ким ҳам уза оларди?

Бу лавозимдаги одам жуда ҳам соф бўлиши керак, у бекга бўйинсунмаса, унинг бошини олдириш керак.

У наф келтирувчи одам бўлса, ундан кўп манфаатлар келади, борди-ю, бўйин товловчи бўлса ундан келадиган зиён эл-юрт, шаҳар ва қишлоқлар баҳоси билан тенг бўлади.

Бекнинг ўзи яхши, одамларнинг сараси бўлса, унинг вазир ва лашкарбошиси ҳам кишиларнинг сарвари бўлсалар.

Элга манфаат шулардангина келади, бу эл манфаатлари бекнинг ўз ҳаловати демакдир.

Элга бошчилик қилувчи донишманд нима деган, эшит, донишманд сўзларини эшитиш насиб этса, уни овқат каби ютиб ҳазм қилиш керак.

Элларни олувчи қилич ёрдамида олади, элни қўлда сақлаб турувчи қалам ёрдамида сақлайди.

Элларни қилич билан тез қўлга киритса бўлади, лекин қалам бўлмаса, қўл кучи билан элни сақлаб бўлмайди.

Қайси бир элни бўлмасин, қилич кучи билан олинган бўлса ҳам, уни узоқ муддат ўч ва адоват билан тутиб туриш мумкин эмас.

Қайси бир эл шаҳар ва қишлоғи қалам воситасида тутиб турилса, ўша ерларда исталган барча нарсалардан баҳра насиб бўлади.

Менинг билганларим мана шулар эди, эй элиг, мана сўраганларинг баробаринда сенга баён қилдим.

Элиг айтди: Буларни уқиб, тушуниб олдим, яна бир сўрайдиган сўзим бор, ўша ҳақда ҳам айтиб бер, эй донгдор.

Энди менга камоли диққат билан айтиб бергин, улуг ҳожиб қандай фазилатларга эга киши бўлиши керак?

У қолган барча ҳожибларга бош бўлса, садоқат билан хизматда жон фидо қилса.

Мана шулар ҳақида сўзла, шу масалаларни тушунтириб, бу борада ҳам менинг кўзимни оч.

## УГДУЛМИШ ЭЛИГГА УЛУҒ ҲОЖИБ ЛАВОЗИМИГА ҚАНДАЙ ОДАМ КЕРАКЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА

Угдулмиш жавоб бериб сўзга тил очди: Эй элиг, узоқ умр кўриб фароғатда яшагин.

Улуғ ҳожиб ниҳоятда соф ва чин киши бўлиши керак, у ҳақиқий ишончли ва диёнатли одам бўлиши керак.

Унинг асли тоза, феъл-хулқи тўғри бўлиши, халққа фойдаси тегадиган, уни ёруғликка чиқарадиган одам бўлиши керак.

Асли тоза бўлса ўзи ҳам яхши бўлади, яхши одам эса халққа фақат яхшилик қилади.

Яхши одамдан фақат яхшилик келади, егулик, ичгулик, мингулик ва кийгуликлар ундан насиб этади.

Феъл-хулқи яхши бўлса, одамларнинг сўзларига қулоқ солади, арз-қолларини тинглайди, арз-қол тинглайдиган одамнинг иш-амаллари ҳамиша манзур бўлади.

Кўзи тўқ, уят андишали, хушмуомала, қатъиятли, ҳар хил билимлардан хабардор одам бўлиши керак.

Кўзи тўқ одам ҳеч бир ишда ҳам пора олмайди, ҳожиб пора олгудек бўлса, бегини хижолат қилиб кулгили аҳволга солиб қўяди.

Пора ўнгланиб кетган ишларни бузади, битаётган ишларни барбод қилади.

Уят-андишали, пок, йўл-йўриғи тўғри одамнинг ишлари ва сўзлари фақат эзгуликдан иборат бўлади.

Уят-андишали одам ярамас ишларга қўл урмайди, нобопларга яқинлашмайди, ёмонларга нисбатан муросасиз бўлади.

Покиза одамларга мол-дунё сингимли бўлади. покиза кишилар бахт-қутдан баҳраманд бўладилар.

Фаҳм-фаросатли одам мол-дунё учун қайғурмайди, билимли одам ишларда янглишмайди.

Еши улуғ билимли киши нима деганнини эшит: Билимлига унга муносиб яхши улиш насиб бўлади.

Бекларнинг хизматларини ўташ учун билимли бўлиш керак, билимсиз одам ҳеч нарсага ярамайди.

Кимгаки билимдан оз бўлса ҳам насиба тегмаган бўлса, уни тирик деб бўлмайди, у мисоли ўликдир.

Одам билим туфайли юксалиб шуҳрат топади, бошқалардан устун бўлади, барча ишлари равнақ топади.

Билимсиз одам қуруқ савлат, бўёқ суртилган суратдир, билимли одамнинг ўрни кўкдан ҳам баланддир.

Барча ишда ҳам ўта зеҳнли ва зийрак бўлиш керак, зийраклик туфайли ишларда кулфатнинг олди олинади.

Зеҳн ва заковат бўлса, унинг нафи беқиёсдир, зеҳн ва заковат барча эзгуликларнинг негизидир. Зеҳн ва заковатсиз одам мевасиз дарахтдир, мевасиз дарахтнинг оч учун нима кераги бор.

Зеҳн ва заковатли икки оламда ҳам баҳрали бўлади, яхши деб ном олса, зеҳн ва заковатлигина олади.

Зеҳн ва заковатли, билимли кишигина ҳақиқий кишидир, кишиларнинг етуги, халқнинг сарваридир.

Юз кўрки чиройли, соқол-мўйлови тартибли қилиб текисланган, ботир, жасур, овози мардона, сўзлари бурро бўлиши керак.

Юз кўркининг чиройи муҳаббат уйғотади, мардонатор кириб-чиқишлари жуда ярашиқли бўлади.

Соқол-мўйлови тартибли текисланган одамнинг савлати бўлади, одамнинг ҳурмат-эътибори савлат билан ҳам боғлиқдир.

Батавфиқ, диннатли, пок бўлиши керак, феъл-хулқ ва қилиш-қилмишлари покиза бўлиши лозим.

Мулоҳазали одам бошқаларнинг ғамини ейди, улар учун қайғуради. Мулоҳазали одам одамларнинг яхшисидир.

Ҳожиб доимо бошқаларнинг кўз ўнгида бўлади, шунинг учун унинг юзи кўрар кўзлар ўнгида кўркли бўлиши керак.

Чиройли юзга боққанда кўзлар равшан тартиб қувонади, ундан кўнгил очилиб, жон озиқланади.

Билимли доно бунга мослаб сўзлаган, билимли сўзларига амал қилгин, эй хушфеъл:

Одамнинг кўрки бўлмиш юз ажаб эзгу нарсадир, икки кўз чашмаси сувни шу юзнинг кўкидан олади.

Не бахт, кўрклига боқиб ўз фолингни кўрсанг ишларинг фақат эзгу бўлади, гап тамом.

Ута дид-фаросатли ва ақл-заковатли бўлиш керак. Феъли босиқ, вазмин бўлса янада яхши.

Дид-фаросатли, эс-ҳушли одам сўзларни унутмайди, эс-ҳушсиз одам сўзларни эсда сақлаб қола олмайди.

Эс-ҳуши бўлмаса одам ишнинг кўзини кўра билмайди, ақл-заковати бўлмаса одам ишни бажара олмайди.

Эс хушсиз кишилар қуруқ сурат бўладилар, эс-хуш билан одам ҳар ишни ҳам қила олади.

Ақл-идрокли, тавозели, босиқ, вазмин — йўқсил, бева-бечора, тул ва етимларга меҳр-шафқатли бўлиш керак.

Тезфаҳм, қонун-қондаларни яхши биладиган бўлиш керак. Тезфаҳм ва зийраklar дунёда ажойиб ишларни содир қиладилар.

Кўнгли тавозели, барчага баравар камтар бўлса, тили юмшоқ, сўзлари шакардан ҳам ширин бўлса.

Одамларга очиқ чеҳра билан кулиб боқиш керак, одамийлик шеvasи билан феълини эзгу тутиш керак.

Камтар киши нима деган, эшитгин: Кўнгил ва тилингни камтар тутгин, эй шўр пешона.

Кўнгил камтар бўлса бахтнинг ўзи одамни қидириб келади, кулар юз, ширин сўз теграсига танасида жони бор одамлар йиғилиб келадилар.

Кулар юз, илиқ сўзга одамлар мафтун бўладилар, одам меҳр қўйса қул ва асир бўлишга ҳам тайёр туради.

Сабр-бардошли бўлиш ва ўзни тута билиш керак, қарашда кўзни асраш, ҳар хил сўзларни сўзлашдан тилни тия билиш лозим.

Қулоқ тутиши зийрак, ақли, билими мўл бўлса, йўл-йўриғи тўғри, тили билан дили тенг бўлса,

Турли санъат-ҳунарларни мукамал билса, турли хатларни ёза олса, барча иш-юмушларда ўз билимини ишга солса,

Фазилатлари ва билимлари мукамал бўлса, улур ҳожибнинг юзи мана шулар билан ёруғ бўлади.

Хизматларнинг ичида энг нозиги, агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, ҳожиблик хизматидир.

Ҳожиб аталиш учун бир қатор хислатлар керак, шундагина олдинга ўтиб одамларни йўлга бошласа бўлади.

Шоирнинг сўзлари бунга ўхшатишга жуда мос келади, шоирнинг бу сўзлари билимсизлар учун кўз каbidир:

Ҳожиблик учун энг аввало ўнг хислат бўлиши шартдир. Кўз ўткир, қулоқ зийрак, ҳиммат баланд бўлиши керак.



Юз чйройи, қадди-қомат, тил, зеҳн, ақл ва билим мукаммал, тугал ва тўла-тўқис бўлиб, қилиш-қилмишлари мана шу хислатларга тўла мос бўлиши керак.

Элигининг умри узун бўлиб узоқ яшасин, улуғ ҳожиб бекнинг кўрар кўзидир.

Қонун-қоидалар, расм-русумлар, тартиб-низомларни назорат қилиб бошқариш ўта нозик хизматдир. Бу хизматларни улуғ ҳожиб бошқарса, барча ишларга йўл ва эшиклар очилади.

Дононинг сўзлари бунга ўхшатишга жуда мос келади, бу сўзларни ким кўнгил бериб эшитса, унга амал қилсин:

Ҳожиблик иш-юмушлари улуғликдир, буни ўта етук одамдан бўлак ҳеч кимса адо эта олмайди.

Хоҳ ҳожиб билан, хоҳ бек билан битадиган иш бўлмасин, улуғ ҳожиб арз-дод билан келганларни катта-кичик демасдан қабул қилиши керак.

Хазиначи, котиб қаби саройда иш юритувчиларни, тикувчи-чеварлар, этикдўзлар ва бошқа косиб-ҳунаромандларни қабул қилиб арз-ўтинчларини тинглаши керак.

Ғариб ва бегона мусофирларни, элчиларни қабул қилиш, ҳол сўраб уларнинг ҳузурига бориш, тегйшли тортиқ ва инъомлар бериш керак.

Уларнинг турар жойлари, шаронтларини бориб кўриш, егулик-ичгулик озуқларини кўздан кечириш, тақдирланган, тақдирланмаганларидан хабардор бўлиш, лозим бўлса, бу ишларнинг тадбир-чораларини кўриш керак.

Йўл бошида туриб одамларни бошлаш, қабул тартиб-қоидаларининг чала-ярим бўлишига йўл қўймаслик керак.

Йўқсил — ҳожатмандлар, тул ва етим-есирлар арз-дод ва шикоят билан келсалар, барчасининг арзларини диққат билан эшитиб, барчасини элигга айнан баён қилиш керак.

Золимдан зулм кўриб арз қилиб келганларни қабул қилиш, чора кўришда қатъиятли бўлиш керак.

Сарой ичида ва ташқарисида ярамас ишларни кўра билиш, уларни рўй-рост очиб ташлаш, олдини олиш, пок-покиза ўртадан кўтариб ташлаш, бартараф қилиш керак.

Мана шу қаби турли иш-юмушларнинг ҳаммасига оз бўлса ҳам улуғ ҳожибнинг қўли албатта тегади.

Бу ишларнинг амалга ошиши учун керак бўладиган

ҳар қандай ёрдам улуг ҳожибдан келади. Борди-ю, бу ишлар бузилиб барбод бўлгудек бўлса, унга ҳам улуг ҳожиб сабабчи бўлади.

Эй элиг, ҳожиблар жуда ҳушёр бўлиши керак, бир қатор ўринларда ниҳоятда сабр-чидамли бўлиши керак.

Биринчидан, бекнинг айтган гапларини қаттиқ сир сақлаши, иккинчидан, заковат иродаси билан ҳавасини боса олиши керак.

Учинчидан, учрашув-мулоқатларда ўзини эҳтиёт билан тутса, тилдан ҳар хил сўзлар чиқавермаса.

Барча ишларни пора-ришват олмасдан битирса, узоқлашиб кетган одамларни бегига яқинлаштира.

Кимда икки ёмон одат мужассам бўлса, унга иш ҳам бермаслик, қўл ҳам чўзмаслик керак.

Бири — ёлғон-яшиқ гаплар тарқатиш одати, яна бири — эгрилик одати бўлса, ўзини ҳар ёнга ташласа, ҳар кўйга солса.

Бу икки иллат кимда рўй-рост намоён бўлса, эй эли, уни ўзингга зинҳор яқинлаштирма.

Хизматчининг яна учта эҳтиёт бўладиган иши бор, бу ишларда ўзини эҳтиёт тутмаса, ўзининг бошига етади.

Бири — эшитган сўзини қаттиқ сир тутса, яна бири — ноҳўя ишларни кўрганда, унга назар ташламасликка ҳаракат қилса, кўз юмса.

Учинчидан — ҳар бир ишда ҳам ҳақиқатни ёқласа. Шунда ҳаёт кунлари бахтиёр кечади.

Билагон доно бек нима деган, эшит, бу сўзларга амал қилсанг, ўзингга яхши бўлади:

Бошинг омонлигини истасанг бекларнинг сўзларини ёйиб гапириб юрма, уни эл орасида овоза қилиб ўз бошингга ўзинг етма.

Қора авом эл олдида гуноҳ қилиб қўйса, ўз бошига етади, тили сўзлашда хато қилиб қўйса, тишини синдиради.

Кўп кўрганман толесиз, шўрпешона одамлар эл олдида гуноҳ қилиб қўйиб бошлари кесилган.

Кўп эшитганман, тил сўзлаб кўнгил сир очилгач, лаб яраланган ва огиз қонаган.

Яна доно айтган, донишманд сўзлаган: ўзини тута олмайдиган одам ўз бошини ўзи ейди, деган.

Ҳожиблар ниҳоятда ўзларини тута билишларни, қараганда кўзларини, сўзлаганда эса сўзларини эҳтиёт қилишлари лозим.

Қабулга ижозат мавриди бўлмагунча бек ҳузурига

Ўзларича қирмасликлари, бек сўрамагунча ўзларича арз баён қилмасликлари керак.

Заковатли нима деган, эшитгин, заковатлининг тили маъниларга йўл очади:

Подшоларга фурсати келгандагина кўриниш бер, фақат сўрагандагина гапир, сўзга тил оч.

Ҳамма нарсанинг ҳам вақт-соати бўлади, икки кўз ҳам фурсати келгандагина кўради.

Ҳожибнинг билим ва фазилатлари мана шундай бўлиши керак, шундагина улўф ҳожиб ишга қўл урса бўлади.

Эй элиг, бу ҳақда менинг билганларим мана шулар эди, мана сўраганинг баробарида сенга айтиб бердим.

Элиг айтди: Тушундим, сўзларингни эшитдим, ўзим сендан яна бир нарса ҳақида сўрамоқчиман.

Энди менга айтиб бер, эшик оғаси қандай одам бўлиш керак, бу вазифани бажарувчининг хислатлари қанақа бўлиши лозим?

### **ЎГДУЛМИШ ЭЛИГГА ЭШИК ОҒАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй элиг, эсон ва тинч ҳаёт кечиргин, эй хушфёъл.

Эшик оғаси жуда ҳам садоқатли бўлиши, тану жони билан хизматга берилган бўлиши керак.

Қоронғи тунларни ёруғ кунларга ва ёруғ кунларни қоронғи тунларга улаб даргоҳда хизмат ўташи керак.

Хизмат ўташ низом-қоидаларини ва тартиб-усулларини яхши билиши, феъл-рафтори ва қилиш-қилмишлари барчаси манзур бўлиши керак.

Нон-тузи мўл, ўзи жуда саховатли бўлиши, олтинкумушлар улашиб, сара одамларни атрофига йнғиши керак.

Кеч кириб, соқчилар қўйиш пайти келганда ўзи ётиб қолмасидан бурун ҳар бир кишига ўрнини кўрсатиб, таян бериши керак.

Бегона, ёт, мусофирлар бор бўлса уларни сўраб-суриштириш, агарда улар орасида ҳушёр ва зийраклари бўлса, уларни ўзига яқинлаштириши керак.

Сарой дарвозаларини кўриб-кузатиб, шахсан ўзи ёндириб чиқиши керак. Шунда шу бугунлик ишлари тугал бажарилган бўлади.

Яна эрта тонгда туриб даргоҳ ишларини бошлаши,

тунлари соқчиларни, кундуз кунлари- посбонларни уз-маслиги керак.

Бекнинг қабулига кириб кўриниш пайти бўлганда, қаторида хизматда турган хилларини бошлаб кириб, бекга кўриниш бериши керак.

Ўзи кўриниш бергач, узоқ туриб қолмасдан тез қайтиб чиқиши ва эшик олдида туриб, бошқаларни кири-тиши керак.

Хизматидаги бошқа кишилар ўз хиллари билан кира-ётганларида у кўриб-кузатиши, лойиқ-шолойиқликларни кўздан кечириб туриши керак.

Бекнинг қабули тугаса, эшик оғаси ўз қаторидаги хизматчиларининг вакили сифатида яна бек қабулига кириши керак.

У хизматидагиларнинг ўкинчларини бекга баён қи-лиши, уларнинг илтимосларини бекдан ўтиниб, ҳожат-манд одамларга таянч бўлиши керак.

Уларга инъомлар, олтин-кумушлар олиб бериши, ай-римларига от, айримларига лавозим олиб бериши ке-рак.

Меҳр билан астойдил хизмат қилувчи ким, беҳуда юриб хизмат қилмайдигани қайси бири.

Ярайдигани қайси, манфаатлиси қайси? Иш беради-гани қайси, фойдаси тегадигани қайси?

Мана шуларнинг ҳар бири ҳақида бегига баён қилса, очиқ ва аниқ-равшан тушунтириб бериб, яхшиларини рағбатлантирса.

Бек ҳузуридан чиқиб, унинг иноятли ёрлиқ-буйруқ-ларини хизматидагиларга етказиб, уларнинг кўнглини мана шу йўл билан овлаши керак.

Сарой ва даргоҳда ўлтириш ва туриш жойларини батартиб қилиб ҳозирлаши, ҳамма ер мукамал тузи-лиши, бирорта ҳам бўш ўрин қолмаслиги керак.

Ёт, мусофир, бошқа юртлардан келганларни яхши қарши олиши, ёру биродарлари қилган хизматларини тақдирлаши керак.

Лаган-дастурхон келтирилганда кўз ташлаб кузати-ши, ярамайдиганларини кўра билиш ва уни қайтариши керак.

Шарбат чиқарилаётганда уни кузатиб, эҳтиёт қили-ши, йўлда унга қўл урилмаслигини назорат қилиши ке-рак.

Лаган-дастурхонлар эшикдан ташқарига чиқарил-ганда, бек дастурхони латофатларини жой-жойига қўйиб тўғри тақсимлаши керак.

Неъматларни, егулик-ичгуликларни барчага етказиш, ичкари ва ташқаридагилардан бирортасини ҳам қуруқ қолдирмаслик керак.

Бекларнинг шуҳрати ёйилишига икки нарса сабаб бўлади; бўсағаси тепасидаги туғи ва даргоҳи тўридаги ноз-неъматлари уни машҳур қилади.

Яна икки нарса даргоҳнинг ярашиғидир, шу нарса-лар бек номини улуғлаб, қутга йўл очади.

Улуғ ҳожиб ўктам ва озод киши бўлса, яна эшик оғаси лаёқатли, муносиб одамдан бўлса.

Бу икки киши туфайли сарой ҳашамати ортади, атрофга бекнинг номи ва дабдабаси ёйилади.

Соқийларга, тўшакчиларга, ошпазларга, шунингдек туғ-ноғорачиларга доим кўз ташлаб туриши керак.

Яна лочиндор, овчи, ўқ-ёйчиларни кунда саройда узлуксиз тутиб туриши керак.

Агар уйига борадиган бўлса ўз хиллари ва қўлдошларини ўзи билан олиб бориб едириб-ичириши керак.

Уларни едириб-ичириб қоринларини тўйғазгач қуруқ қайтариб юбормасдан ўзида бор нарсалардан совға бериб юбориши керак.

Ўзига бир от, бир кийишлик кийим, керакли қурол-яроғ қолдирса кифоя, қолганларини улашиб бериши, кераклисидан биттадан олиб қолса бўлади.

Ёт, бегоналар келиб хизматга кирмоқчи бўлсалар, уларни синаб, текшириб, турар ери ва машғулотларини суриштириб кўриши керак.

Уларни хизматга тушгунларига қадар синаса, озиқ-овқатлари, турар жойлари, от ва кийим-кечакларигача барчасини суриштириб аниқласа яхши бўлади.

Бундан ташқари ўз ходимлари ҳолидан хабар олиб туриши, уларнинг бор-йўқларини, оч-тўқликларини, кийим-бошларини суриштириб туриши керак.

Қўли калталигидан тангликка тушиб қолганлари бўлса, уларнинг ҳожатларини чиқариб, тегишли ҳақларини бериб туриши керак.

Кимда-ким саройга бирор марта келмай қолгудай бўлса, уни чақиртириб келиб сабабларини сўраб-суруштириши керак.

Агар касал бўлиб қолган бўлса ҳол-аҳвол сўраши лозим, бесабаб, беҳуда юрган бўлса, уни тергаб тийиши керак.

Мана буларнинг барчаси унинг ўз бегига нисбатан меҳрибонлиғидир, бек хурсандчилигини истаб, унинг хизматига бўлган садоқатидир.

Хизмат қилган ва хизмат туфайли бегидан иззат<sup>2</sup> ҳурмат кўрган хизматчи нима дейди, эшит:

Хизматчи бегига садоқатли бўлиши керак, садоқатли одам хизматга содиқ бўлиши керак.

Хизматга содиқ бир меҳрибон ва бекга яқин қул бекликнинг асосини кундан-кунга мустаҳкамлайди.

У садоқат билан хизмат қилади, ўз фойдасини кўзламайди, яхши истаклар билан фақат бегининг манфаатини мақсад қилиб қўяди.

Бемеҳр, бекфойда ўғилдан кўра меҳрли хизматкорнинг фойдаси устундир.

Тиканли бута фойда келтирса, мен унинг қулидирман, гул зарарли бўлса, унинг таг-томирини қирқиб, қўпориб ташлайман.

Манфаатсиз, кунингга ярамайдиган қариндошдан воз кеч, манфаат берадиган дўст-ёрлар орттир, уларнинг фойдаларидан баҳраманд бўл.

Тилни юмшоқ тутиш, ширин сўзли бўлиш керак, кўнгилни камтар тутиш, очиқ чеҳрали бўлиш керак.

Тунд юзли, аччиқ тилли одам кўнгилни совутади, у тирикликда эсдан чиқмайди, дилда сақланиб қолади.

Энди мана бу байтни ўқи, у бунга жуда мос келади, сўзларини уқсанг маъноси янада очилади:

Одам сўз билан ҳақорат қилиб тилида заҳар сочса, у сўнгакка тушган дарз, кўнгилга тушган ўтнинг оламидан ҳам ёмон бўлади.

Қалтак зарбининг яраси тез битиб, изи йўқ бўлиб кетади, тил билан дил жароҳатланса, у жароҳат битмайди, алами умрбод кетади.

Агар беклар жангга, қуш овига, чавгон ўйнашга ёки элни айланиб, кўриб чиқишга отлансалар,

Бу сафарларда эшик оғаси бегини жуда ҳам эҳтиётлаши керак. Унга бу сафарларда малол етмаслиги керак.

Агар беклар янглиш ва хато туфайли бахтсизликка учрасалар, бу бахтсизлик қуш билан ов қилишда ёки овда, жангда от устида юз беради.

Ишончсиз одамлар бўлса, уларни узоқлаштириш, шубҳа туғдирувчилар бўлса, улардан эҳтиёт бўлиш керак.

Ишончли, чин, меҳрибон, садоқатли одамлар бекга яқин юришлари, унинг бошини асрашлари керак.

Лашкарбоши соқчи сафларни тузиб, тартиб бериши, улар кетидан абжир ва эпчил йигитларни қўйиши керак.

Ёшлардан тартиб берилган сафлар улуғлар сафлари-

га аралашиб кетмаслиги, узоқдан, сиртда юриши керак бўлган сафлар марказ сафга яқин юрмаслиги керак.

Саройда ўлтириш-туриш расм-русуми қайси тартибда бўлса, сафар ва юришларда ҳам айнан шундай бўлмоғи керак.

Эй саховатли жаҳонгир, эшик оғасининг садоқати мана шундай бўлиши керак.

Бегининг неъматларидан баҳраманд бўлиб унинг хизматларини ўтовчи эшик оғаси ман шундай хислат ва фазилатларга эга бўлиши керак.

Мана, мен барчаси ҳақида сўзладим, элиг эса тинглади. Агар мана шундай етук киши истасанг, билимингни ишга сол.

Элиг айтди: Буларни аниқ ва равшан уқиб олдим, менга алоқадор бўлган яна бир нарса ҳақида гапириб бер.

Ўзинг биласан, жаҳон беклари элдан элга албатта элчилар юборадилар.

Менга яна бир билим, сўз маъзини чақиб бер. Элдан элга элчи қилиб юборадиган киши ҳақида сўзла.

Элчиликка юбориладиган одам қандай бўлиши керак? Беклар тўла ишониб элчиликка юборишлари учун қандай кишини танласалар бўлади?

## **ЎГДУЛМИШ ЭЛИГГА ЭЛЧИЛИККА ЮБОРИШГА ҚАНДАЙ ОДАМ ҚЕРАҚЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй элиг, бу ишда илмни ишга солса яхши бўлади.

Элчи ҳамма бошқа одамлардан сараси бўлиши, билимли, ақл-заковатли, етук бўлиши керак.

Ҳар турли ишлар элчилар туфайлидан битади, мақтаса арзийдиган ажойиб ишлар ҳам элчилардан чиқади.

Элчи ўта билимдон, ниҳоятда вазмин, заковатда етук, ҳар қандай сўзлар маъносини ечишга моҳир билангон бўлиши керак.

Ҳар бир сўзнинг ички ва ташки маъноларини фаҳмлайдиган, бузилган ишларни қайта тўғрилайдиган ишбилармон бўлиши керак.

Яхши хислатли жаҳонгир киши нима деганини эшит, у одамларга бошчилик қилган билимли бек бўлган:

Ақл-заковатли кишини кўпнинг орасида етук одам деб билгин, халқ орасида улуғ одам деб билимлини билгин.

Қандай иш бўлмасин, заковатга суяниб қилинса, ўша иш равнақ олаверади. Бу жуда кўп синалган.

Қайси бир ишда бўлмасин, билимли билимни ишга солса, уни қилиш қўлидан келади ва уни поёнига еткази.

Ақл-фаросатни ишга солиб билишга амал қилинса, одам бошлаган талай ишлар поёнига етади.

Садоқатли ҳамда кўзи ва кўнгли тўқ, ишончли, чин, қилиш-қилмишлари тўғри бўлиши керак.

Садоқатли хизматкор фақат бек манфаатини кўзлайди, бек манфаатини кўзловчи эса бегини чиндан севади.

Садоқатлини бегига манфаат келтирувчи деб билгин, садоқатлини топгудек бўлсанг, уни ўзингга бағир каби яқин қилиб олгин.

Садоқатли хизматчи одамнинг бағри каби яқиндир, балки бағирдан ҳам яқинроқ юрак қони кабидир.

Кўзи суқ киши ўз нафсига иродасиз бўлади, суқлар эса элчиликка нолайиқ бўладилар.

Кўзи тўқ одам камбағал бўлса ҳам бой ҳисобланади, одам сабрли бўлса ҳар бир ишда барака топади.

Суқ одам тамагир бўлади, тамагир эса энг ярамасдир. Тамагир одамнинг оти гадой бўлади.

Кўзи тўқ киши нима дейди, эшит, кўзи тўқ киши барча бойларнинг бойи бўлади:

Кимни кўзи суқлик одати қашшоқ қилиб қўйса, уни бу дунёнинг тўқликлари бойита олмайди.

Кимни тама қул қилиб қўйгудек бўлса, ундан халос бўлиб кетиши ўлим билан боғлиқдир.

Таълим берувчи бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, у кўзи суқларга панд, насиҳат, ўғитлар берган:

Агар ҳақиқий бой бўлайин десанг, кўнгили бойлигини қилгин, эй номдор баҳодир.

Қайси бек суқ бўлса у қашшоқдир, қайси қулнинг кўзи тўқ бўлса, ўша кўнгли бой бекдир.

Уят-андишали, ўта вазмин ва хушфезл бўлиши керак. Турли соҳа билимларини мукамал билиши керак.

Уят-андишаси бўлмаган одам тубан, пасткаш бўлади, уят-андиша туфайли одам чинлик ва тўғрилиқ қилади.

Одам босиқ, вазмин бўлса, яхши ном олади, феъли мулойим бўлса, ўзини манзур қилади.

Одамда зеҳн ва билим бўлса, бу сифатлари унга турли ишларга қўл уриш учун имкон беради.

Ишларнинг моҳиятини зеҳн билан уқ, билим билан



бил, кунларинг қутли бўлсин, йилларинг саодат билан кечсин.

Ақл-зеҳн билан одам тилакларига етади, билим ўрган, уқув уқ, сўнг ишларингни қил.

Зеҳнли бўлиш билан бирга турли хат ва ёзувларни биладиган бўлиш керак, турли хат ва ёзувларни билган одам зеҳни ўткир бўлади.

Турли хатларни ёза билса, ўқий олса, сўзларни диққат билан тингласа, ўзини ўзи донишмандликка етказди.

Турли фазилатларни тугал эгаллаган бўлса, шу фазилатлари одамнинг юзини ёруғ қилади.

Турли китобларни ўқийдиган, сўзга чечан, нотик бўлса, шеърларни ўқиб шарҳлай олса, ўзи ҳам шеър ижод қилса,

Нужум ва тиб илмларинг билса, тушларни таъбирласа, таъбир қилганидек сўзлари тўғри чиқса,

Ҳисоб ва ҳандаса илмларини биладиган бўлса, сондан илдиз чиқаришни, масофа ва чегараларни аниқлаш илмини ўзлаштирган бўлса,

Нард ва шатранж ўйинларига моҳир бўлса, бу ўйинларда ҳарифларининг устидан ғолиб келса,

Чавгон ўйинига уста бўлса, маҳорат билан ўқ отса, буларнинг устига устаси фаранг лочиндор, оъчи бўлса,

Турли тилларни мукамал билса, шу тилларда эркин гапира олса, турли хат ва ёзувларни ҳам билса, уларда эркин ёзадиган бўлса,

Барча фазилатлар ва санъат-ҳунарларни мукамал биладиган мана шундай элчи борлиқ тилакларга тугал етади.

Элчи билимдон, зийрак ва ҳушёр бўлса, бек ундан манфаатлар топади, балоларнинг олди олинади.

Элчи ярамас, иши ўнгмайдиган, шумтоле бўлса, шубҳасиз унинг касри билан бекнинг обрўи тўкилади.

Элчиликка борадиган одам жуда ҳам етук, турлитуман ишларга дадил киришадиган бўлиши керак.

Қайси бир илм соҳасидан бўлмасин уни синаб кўрсалар, у бу синовлардан муваффақият билан ўтса, сўнг уни ҳар қанча тақдирласалар ва қадрласалар арзийди.

Ҳар қандай одам унга бирор нарса ҳақида сўзласа, у сўзларни уқса, тушунса ва сир сақласа.

Элчи ҳар хил фазилатларни тугал билса, бегининг номи улуғланади, у элда улуғланади.

Билимли оқсоқол нима дейди, эшитгин, унинг сўзларини уқмаган кишининг зеҳн-заковати йўқ:

Кимнинг фазилатлари тугал бўлса, унинг номи оламга ёйилади, фазилатлардан маҳрум киши ном-нишонсиз бўлади, шуҳратсиз қарийди.

Одам фазилатлари тугайли бошқалардан ажралиб туради фазилатлари кўп бўлса, юқорилаб учади.

Агар мард заковат ва фазилатлар билан қўл узатса, унини қўли баланд тоғ бошига ҳам етади ва уни эгиб ерга энгаштиришга қурби келади.

Сўзни тез фаҳмлаб уқадиган, ҳозиржавоб бўлиши, унга берилган сўроқларга тўғри жавоб бериши керак.

Ичимлик ичмайдиган, ўзини тутадиган бўлиши керак, ўзини тутгувчи марднинг қут-баракаси тайин бўлади.

Билимли май ичса билимсиз бўлиб қолади, билимсиз май ичса ва маст бўлса, ахлоқликдан бошқа нима ҳам қилади.

Май билим ва ақл-заковатнинг ашаддий душманидир, май уриш-жанжал ва адоватнинг ҳақиқий сабабчисидир.

Ҳар қандай билимли, ақл-заковатли кишилар ҳам майга бошларини суқсалар, ўз ишларини барбод қилдилар.

Ҳар қандай уят-андишали, хушфеъл, хулқи яхши кишилар ҳам май ичгудек бўлсалар, юзтубан кетиб пасткашлик қиладилар.

Минг афсуслар бўлсинки, уят-андишани, ақл-заковатни ва билимни мана шу ҳаром майга алмашиб юб-радилар, эй расо.

Май ичмаслик керак, май ичса, одамдан бахт қочади, май ичганининг оти телба ва тентак дейилади.

Май қоринга киргач ич сирларингни сиртга чиқаради, сиртга чиққан сир-сўзларинг ўзингни куйдириб ўртайди.

Мана бу байтларни айтган шоир нима деган, эшитгин, уни ўқисанг маъносига тўла-тўқис тушунасан:

Агар ичсанг, май сени маст қилади, дил сирларингни фош қилиб сиртга чиқаради.

Билимли май ичса билимсиз бўлади, билимсиз май ичса, ақли-ҳушини йўқотиб ёш гўдак билан баравар бўлиб қолади.

Тили ширин ва кўнгли очиқ бўлиш керак, сўзлари ёқимли, ақли-ҳуши жойида бўлиш керак.

Тили ширин одам сингимли ва ёқимли бўлади, сўзи матлуб ва равон кишининг ишлари маъқул бўлади.

Хотираси яхши, сўзларни унутмайдиган, қандай сўз эшитса, уни хотирасида қаттиқ сақлайдиган бўлиш керак.

Чехраси очиқ, юзи кўркли ва бўйи мутаносиб, соч-соқоли чиройли қирилиб-таралган, жуссаси келишган ва қадди-қоматда бошқалардан ажралиб, кўзга ташланиб турадиган бўлиши керак.

Ўзи жасур, ҳиммати баланд бўлиши керак, одамнинг қиммати мана шу икки нарса биландир.

Сўзи юмшоқ, шакардан ҳам ширин бўлса, чунки ширин сўзга улуғ ҳам, кичик ҳам эрийди.

Элчининг иши асосан сўзлардан иборатдир, сўзлари яхши бўлса, у тилакларига етади.

Олийзот элиг ман шундай одамни топса, унга элчи отини берса арзийди.

Бундай одамни элчиликка юборса айни муддао бўлади. Узоқ ерларга ёт ва бегоналарни, яқин ерларга эса ўз яқинларини юбориш керак.

Элиг айтди: Булар ҳақида диққат билан эшитдим ва уқиб олдим. Яна бир сўрайдиган сўзим бор, шуни ҳам айтиб бергин.

Сен менга сўзлар билан ўз ҳақингни ўта, мен эса сенинг сўзларингнинг ҳақини ўтайин.

Бек ишониб хатлар ёздириши учун мирза-саркотиб қандай одам бўлиши керак, эй зийрак?

### **ЎГДУЛМИШ ЭЛИГГА САРКОТИБ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй элиг, бу вазифага жуда ҳам муносиб одам тайинланиши керак.

Бекларнинг ўзлари қанчалик билимли бўлмасинлар, унинг буйруқ ва фармонларини ёзиб бориш учун албатта саркотиб керак бўлади.

Ич сўзларини, сир-асрорларни саркотибга айтиш керак, у эса озми, кўпми, бундан қатъий назар, унинг сўзларин эҳтиётлаб, сир тутиши керак.

Дил сўзларини сир сақловчи одам ишончли, чин бўлиши, ишончли одам бўлиш учун эса имони комил бўлиши керак.

Агар саркотиб сир сақламаса, бекнинг сир-асрори очилади, бу эса жонларни ўртайди.

Беклар ўз сўзларини қанчалик сир тутсалар ҳам, икки лавозимдаги кишиларга айтишларига тўғри келади.

Булардан бири — саркотиб, иккинчиси — вазир, мана шу икки кишига сир тутилган сўзларни айтиш керак бўлади.

Дилда сақлаб юрган сўзларни шу икки кишига ай-  
тиш керак, сир тутилган сўзлар айтилгач, уларнинг ин-  
жиқликлари ва эркаликларини кўтариш керак.

Барча яширин тутилган сўзлардан мана шу икки ки-  
ши хабардор бўлади, бу сўзларни улар сир тумасалар  
ўз ишларини ўзлари бузадилар.

Бу ҳақда Утукон беги жуда яхши сўзлаган, сир  
сақлашга сўз берган одам тилини тийсин, деган.

Эй бекларнинг ишончи, сўзларни қаттиқ сир тут, сў-  
зингни сир сақламасанг, албатта бошинг кетади.

Одамнинг оғзи худди ўранинг ўзгинасидир, ундан  
чиққан сўзлар дон каби сочилиб кетади.

Олам жаҳонга ёзилиб-тарқалиб кетади, уни қайта  
териш мумкин бўлмайди, барча халқ эшитади, уни пар-  
далаб бўлмайди.

Оғиздан сўз гоҳо ўт, гоҳо сув бўлиб чиқади, уларнинг  
бири вайрон қилади, бири обод этади.

Кераксиз сўзлар ёнар ўт кабидир, уни оғиздан чи-  
қармаслик керак, чиқса жошларни ўртайди.

Тилдан чиқадиган эзгу сўз оқар сув кабидир. У қа-  
ерга оқиб борса, ўша ерда турли-тужан чечаклар унадди.

Эй мард деб ном олган билимли доно, кўнгил сирла-  
рини ҳаддан ортиқ қаттиқ сир тутиш керак.

Мана бу байтни ўқиб маъносига диққат қил, унда  
нималар дейилганини ўқиб, кўнгил сирларингни яшир-  
гин, эй кўнглимининг тўқи:

Кўнгил сирларини яшир, уни тилинг билан сўзлаб  
юрмагин, мабодо сирингни очсанг, унинг аттанглари  
йилларга чўзилади.

Қизил тил қора бошга ашаддий ёвдир, бу ашаддий  
ёвни тутқунда маҳкам сақлаб осойишта кун кечир.

Саркотиб билимли, заковатли бўлиши керак, хати  
чиройли, фасоҳати ундан ҳам яхши бўлса нур устига  
нур.

Езув — мактубнинг хати чиройли бўлса кўнгил очила-  
ди, одам ўқиган сари ўқигиси келади, дил қувонади.

Фасоҳат билан ҳуснихат бирлашиб мактубда акс  
этса, жуда ярашиқли бўлади. Бу ёзма нутқ тили қанда-  
йин ўта ажойиб тил-а!

Ило беги бу ҳақда нима деган, эшитгин: Ёзма нутқ  
тили, усули жуда яхши усулдир.

Барча яхши сўзлар ёзувда бўлади, ёзилганлиги учун  
сўз унутилмайди, абадий сақланиб қолади.

Хатни ёзгувчи агар китобга ёзиб қолдирмаганда эди,  
ҳикмат ва илмларни қандай қилиб ўрганиб бўларди.

Билимдон донолар китобларни ёзиб қолдирмаганлариди эди, узоқ ўтмишлар ҳақида ким сўзлаб бера оларди.

Одамлар орасида ёзув бўлмаганида эди, оғзаки сўзга ким ҳам ишонарди.

Одамлар эллардан элларга хабар юборишларига тўғри келади, ёзув бўлмаса бу хабарларни тил билан қандай етказиб бўлади?

Ёзув жуда ҳам зарур нарсадир, ёзув билан беклар элни бошқаришнинг тадбирини қиладилар.

Бекларнинг ишларига манфаати тегадиган кишилар уч тоифадан иборатдирлар.

Биринчи — билимли, ақл-заковатли донишмандлар, яна бири — сўзларни ёзувда баён қилувчи саркотиблар.

Учинчиси — жасур юракли мард баҳодирлар, ёвга, бўрига қарши бора оладиган қўрқмас, бундай мардлар жуда ҳам кераклидирлар.

Заковатли, билимли, ақлли донолар нималар қилиш ва нималар дейиш зарурати туғилганда кенгаш — маслаҳатга қўл келдилар.

Элнинг барча иш-юмушлари хат-ёзув билан изга солинади, зийраклар элнинг даромад ва бойлигини ёзув ёрдамида ҳисобга олиб сақлайдилар.

Баҳодир, мардлар қўлга қилич олиб ишга киришадилар, ёв бўйнини қайириб, унга шикаст берадилар ва элни ёв балосидан сақлайдилар.

Қаерда мана шу уч тоифа кишилар жам бўлиб бириксалар, бек истаганларига эришади, тилак-орзуларига етади.

Булардан бўлак яна бир талай тоифалар ҳам бор, уларнинг барчаси мана шу уч тоифа кетидан эргашадилар.

Агар эл олинса, қилич воситасида олинади, олинган эл қалам кучи билан қўлда тутиб турилади.

Билим ва заковат воситасида эл ишлари тузилиб тартиб берилади, мана шу уч нарса билан мард одамнинг барча ишлари моҳиятига етади.

Беги сиёсатни билим кучи билан юритади, барча иш-юмушларни заковат кучи билан адо этади.

Қиличдан қон томганда беги элларни қўлга киритади, қалам ўз элини гуллаб-яшнашига ва хазина йиғилишига хизмат қилади.

Қиличдан қон томганда беги элларни қўлга киритади, қаламдан сиёҳ томганда эса олтин оқиб келади.

Оламнинг тиргак — таянчи мана шу икки нарсадир,

Ўтмишда ҳам, келгусида ҳам шундай бўлган ва бўлади.

Эй бек, мана шу икки нарса катта фазилатдир, доно, элни бошқарувчи беклар унга амал қилишлари керак.

Мана бу сўзлар бунга ўхшатишга жуда мос келади, эй эзгу киши, сен бу сўзларни эшитгин:

Одам билимларни билиши жуда эзгу фазилатдир, марднинг қилич ура билиши ҳам ўта яхши хислатдир.

Талай яхши эллар қилич кучи билан сақлаб турилади, бу эллар қалам кучи билан гуллаб-яшнайти, беги ва эли тилак-орзуларига етадилар.

Кўзи тўқ бўлиш, тамагир бўлмаслик керак, садоқатли, самимий бўлиш, ялинчоқ, ҳар кимсадан умидвор бўлмаслик керак.

Кўзи тўқ киши ҳар нарсага суқланавермайди, бир одам бир нарсага бўлса, унга ҳавас қилмайди.

Тамагир одам эркисиз тутқун каби бўлади, сен уни ярлақаб кечиргин, эй ой юзли киши.

Тамагир бек бўлса ҳам қул билан тенгдир, ҳаммиша тамагир одамларнинг энг тубани ҳисобланади.

Саркотиб суқ бўлса тилни бузади, қалам билан ёзади-да, хатни бузади.

Кумуш ё олтинни кўриб қолса, унга мафтуну шайдо бўлади, ўз хўжасининг бошини ейти ёки бошини олгудай бўлади.

Садоқатли хизматкор ишга ётиб ёпишади, истаган маҳалда доим саройда бўлади.

Садоқатли хизматкор бек манфаатини кўзлайди, тани-жони, мол-дунёсини бекига бағишлайди.

Май ичмайдиган, феъл-хулқи пок бўлиши, ярамас қилиқларни ўзидан узоқлаштириши керак.

Саркотиб май ичса билимдан адашади, билимдан адашган ёзувда хато қилади.

Саркотиб кечаю кундуз элда бўлиши керак, қаерда ва қачон керак бўлиб қолса, ҳаммиша ҳозир туриши керак.

Одамлар орасидан икки кишини танлаб, саралаб ол. Булардан ҳар бирига икки ишдан бирини бер.

Булардан бири — хати аниқ котиб, иккинчиси — тили равон ва сўзлари мавзун элчи.

Яқин ёки узоқда, ённки ёт, бегона эллар ўртасида келишмовчилик, адоват юз бергудек бўлса, буни ана шу икки кишидан кўргин.

Бошга иш тушса у икки киши туфайли тушади, иша равнақ берилса ҳам шу икки киши туфайли берилади.

Бири — ёзувда сўзидан адашганда содир бўлади,

бири — тили ва сўзи билан шу хатоликни тuzатганда содир бўлади.

Саркотиб мана шундай бўлиши керак, эй элиг, шунда унга ишониб иш топширса бўлади.

Бундай кишиларга тўла ишонса бўлади, одамийлик, агар келса, шундай кишидан келади.

Эй элиг, менинг билганларим мана шулар эди. Улар ҳақида айтиб бердим, вазифам тугади.

Элиг айтди, буларни ақл қулоғи билан эшитдим, яна бир сўрайдиган сўзим бор, энди шуни ҳам айтиб бер.

Ишониб мулк бойлигини ихтиёрига топшириб қўйса бўладиган хазиначи қандай киши бўлиши кераклигини сўзлаб бер.

Жавоҳирлар хазинаси ва олтин-кумушларнинг ихтиёрини олиб, уларни сақлаш вазифаларини ўташ учун қандай хислатларга эга бўлмоқ керак?

## **УГДУЛМИШ ЭЛИГГА ХАЗИНАДОР ҚАНДАЙ КИШИ БУЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Эй зоти олий элиг, олтин-кумуш жуда яхши нарса, жоннинг дармонидир.

Бу ишга ишончли, чин, эзгу ва тўғри одам керак, у иккиланмайдиган бўлса, хотири паришон бўлмаса, бундай кишини хазинадорлик вазифасига тайинласа бўлади.

Савдогарларнинг бошлиғи нима деганини эшитгин, у оламни кезиб мол-дунёга эришгандир:

Жон жуда ширин нарсадир, олтин-кумуш эса одам наздида жондан ҳам ортиқроқ манзур нарсадир.

Олтин-кумуш юшамас кўнгилни ҳам юшатади, олтин-кумуш эгилмас одамларни ҳам эгиб, таъзим қилдиради.

Ким олтин-кумушни кўрганда унга мафтун бўлиб кўнгил бермаса, уни чиндан ҳам фаришта деса бўлади.

Одам олтинни кўрганда ўзи мулойимлашади, дағал сўзли одамнинг сўзи мулойимлашади.

Одамнинг кўзи тўқ, феъл-рафтори тўғри, ишончли бўлиши керак, шунда у тобора қут-бахтини орттира боради.

У кўп мол-дунёни кўравериб кўзи тўйган бўлиши, ўзи эса таңгидан қўрқадиган бўлиши керак.

Ҳалол ва ҳаромни аниқ фарқлайдиган, ярайдиган ва ярамайдиган нарсаларни фарқиға етиб ажрата оладиган бўлиши керак.

Кўзи тўқ кишилар мол-дунёға бино қўйиб, унинг пайдан бўлмайди, ишончли, чин кишилар ўз мавқеларини мустаҳкамлашни кўзламайдилар.

Одам ёшлигида олтин-кумушни кўрган бўлса, унинг мол-дунёға суқлиги унчалик ғолиб бўлмайди.

Тўғрилиқ шундай бир бойлиқдирки, унинг турган-битгани хайр ва нафдир, бу нафи туфайли одамнинг ҳаловати мангу бўлади.

Тўғри одамнинг кунлари ҳаловатда бўлади, ҳаёт кунлари ҳаловатлиларнинг бахт-қутлари мангу бўлади.

Кўнгил ва тилни тўғри, йўриқ-қилмишларни рост тутиб юрганга дунё — давлат ва қут-саодат ўзи юз уриб келади.

Тўғри бўлсанг, ҳаётинг саодатли бўлади ва бахт билан саломат кун кечирасан.

Марҳаматли, ҳушёр ва зийрак бўлиш даркор, одам зийраклик билан минглаб ишларга тадбир топади.

Заковатли, ақл-идрокли, зеҳнли, дид-фаросатли бўлиш, андиша-ориятсиз кишидан узоқ туриш, ундан мутлақо юз ўгириш керак.

Уят-андиша ярамас ишларнинг олдини олади, феъл-хулқи ярамас одамни уят-андиша тўғрилайди.

Май ичмаслик ва ўзини тута билиши керак, ўзини тугувчи одам қут-бахтга эришувчан бўлади.

Май ичган одам сахийлик қилиб бор-будини сочиб юборади, одамларга маблағини улашиб совуради, лекин эвазини ололмайди.

Бу иш учун хазинадорнинг хасиснамо бўлгани дуруст, мол-дунёни хасислик табиати билан эҳтиётлаш керак.

Садоқатли хизматкор жонсарақ бўлади, жонсарақ хизматкор ўз хўжасини бой қилади.

Одамларнинг сараси садоқатли кишидир, садоқатлини маҳкам тут, эй кишиларнинг сараси.

Хазинадор ҳушёр бўлса иш бузилмайди, мол-дунё, бойликларни ҳисоб билан сақлайди, жонини азобга қўймайди.

Ақл-фаросатли одам ҳеч нарсани унутмайдиган бўлади, ҳисоблаб, ўйлаб иш юритади, хатоликларга йўл қўймайди.

Ақл-фаросатсиз одам кўрган ва эшитганларини унутадиган бўлади, бундай хазинадор ўз ишларини барбод қилади.



Ҳисоб-китоб олиб бориш учун зийрак бўлмоқ керак, зийрак бўлмаса, ишларни қандай фарқлайди.

Турли хатларни биладиган ва уларда ёза оладиган бўлиш керак, ўз ҳисоб-китобларини ёзувда қайд қилиб қўйса сақланади.

Кирим ва чиқимларни, турли-туман иш-юмушларни ёзувда қайд қилиб сақлаши, ҳисобини олиб бориши керак.

Ҳар бирининг йил, ой ва кунларини, ҳажм ва миқдорини аниқ равшан қилиб ёзиб қўйиши керак.

Ҳисобнинг аниқлиги ёзув билан бўлади, ҳар бир нарсанинг ҳисобини ёзиб қўйса, ишлари ўринли бўлади.

Меҳри дарё киши нима деганини эшитгин: Хизматчи ўз ишларини ҳисобга олиши керак.

Ёзувсиз ишларни кўнгилда ва хотирада сақлаб бўлмайди, хотирага ишонмасдан албатта ёзувда қайд қилиб қўйиш керакдир.

Ёзиб қўйса, сўз сақланиб қолади, ёзмай гафлатда қолинса, унутилади. Хизматчи ишда гофил бўлса, ҳисоб беришда қийналади.

Турли хат ва ёзувларни билиш керак, улар туфайли зийраклик касб этиб, сўнг иш тадбирини кўриш керак.

Қайси бир хизматчи ҳисоб-китобда гофиллик қилса, бсшлиқлари ҳисоб бериш вақтида қийин аҳволда қолади.

Элигнинг ҳисоб олиш усулларини яхши тушуниб, ўрганиб олиши, дилида ва хотирасида пишиқ-пухта ҳолда сақлаши керак.

Элигнинг иш-юмушлари ҳисоб-китобидан вақт ортира олсанг, ҳандаса ҳисобини ўрганишга киришмоғинг керак.

Назар солиб қарасанг, ҳандаса амаллари жуда ҳам нозик ҳисоблардан иборат, унинг ёрдамида еру кўкнинг ҳисобини олса бўлади.

Билимли доно нима деганин эшит, билимлининг сўзини эшитиш насиб бўлса, уни овқат каби танаввул қилиш керак.

Ҳандасанинг ҳисоблари жуда ҳам мураккабдир, ҳақимларнинг бошлари фақат шу билан банд бўлади.

Бу ҳисоб етти қават кўкни сел оқимидек тугиб боради, унинг ҳар бир амали жала томчисидек фарқланади.

Билимли, ақл-заковатли, феъл-хулқи тўғри бўлиш керак, ақл-заковатли кишиларнинг ҳамма ишлари ҳам ўринлидир.

Билимли кишилар чин ва тўғри бўладилар, тўғри қадерда бўлса ҳам ёруғ юз билан кун кечиради.

Ақл-заковатли бўлмаса, одам ўзини тута олмайди, билими бўлмаган одам ўз ишларини қила олмайди.

Хазинадорнинг иши сарой ичида бўлади, бундай киши ўзини жуда эҳтиёт тутиши керак.

Кўнгли ва тилини тўғри, феъл-хулқини рост тутиши керак, шунда унга ноҳақликнинг ўтли алами туҳматнинг ғубори тегмайди.

Кўзига жуда эҳтиёт бўлиши ва тилини маҳкам тутиши, ақл-заковат кучи билан ҳавас-нафси босиши керак.

Кўз кўрганини кўнгил орзу қилади, кўнгил орзу қилса, уни ким тияди.

Кўнгил етти муча мулкининг бегидир, беги қулларига йўл бошлаб берса, барчаси унинг кетидан югуради.

Билимли ўз сўзларини жуда ҳам яхши сўзлаган: Эй мард, кўнгил ва кўзни тергаб-тийгин, деган.

Тан-жоннинг етти мучаси кўнгилга эргашади, кўнгил туфайлидан одам оғир машаққатлар чекади.

Кўнгилсиз одам тугалланмаган сурат кабидир, кўнгилсиз, ҳиссиз киши доно номини булғайди.

Қўли қаттиқ, зийрак бўлиш керак, сахийлик бу ишда кетмайди, шундай иш тутилса, сахийлик хазинаси сочилиб кетмайди.

Сахийлик жуда яхши хислат, уни ҳеч қўймаслик керак, лекин ўзганинг моли билан сахийлик қилмаслик ҳам керак.

Турли савдо-сотиқларни биладиган савдогар хислатларига ҳам эга бўлиш керак, савдо-сотиқни билмаган одам фойда қила олмайди. Барча мол-товарларни яхши билиш керак, қиммат-арзонни биладиган, фарқлайдиган бўлиш лозим.

Турли мол-товарларнинг қийматини билиши савдо-сотиқдан алданмаслиги керак. Олди-сотдида мол ортириб қолишга интилмаслик ҳам керак.

Олди-бердида хушмуомала бўлиш, катта ва кичикка бирдек ширин муомала қилиш керак.

Нимани сўраб олса, яна вақтида қайтариб берса, шунда одамлар унга қачон нарса сўраса йўқ демай берадилар.

Савдо-сотиқда инсофли бўлиши, феъл-хулқи тўғри бўлиши керак, шунда керак пайтида унга нарса топилмай қолмайди.

Агар беклар йигитларига инъом берадиган бўлса,

уни эгаларига тўла-тўкис етказиши, инъомни тарқатувчилар орасида хиёнат қилувчилар бўлмаслигини кузатиб туриши керак.

Хизматчилар инъомдан чегириб қолсалар, йигитларнинг кўнгли оғрийди, йигитларнинг кўнгли оғриси, бекга кўнглида кир сақлайди.

Саховатлилар сарвари нима деган, эшит, бу сўзларни кўнглингга жойлаб ол, эй бахти қора, нотавон:

Айтиб қўйиб бермайдиган нарсани тилинг билан айтмагин, ваъда бериб қўйгандан сўнг ўз ваъдангдан қайтмагин.

Беклар ўз сўзларидан қайтсалар, уларга ишонч йўқолади, ишонч йўқолдими, мол-дунё ва давлат путурдан кетади.

Ҳушёр ва зийраклик керак, паришонхотирлик ярамайди, хизматчи паришонхотир бўлса, иш узоққа чўзилади.

Беклар хизматини қиладиган барча хизматчилар ҳожатманд бўлиб, келиб хизмат эшигин тутадилар.

Хизматчи қўли қалталиги сабабли ҳожатманд бўлиб қолса, беги бу ҳақда хабар топгач, дарҳол унга инъом ёрлиғини юбориши керак.

Хазинадор ёрлиғ ижросини пайсалга солиб, инъом қилинган нарсани бермаса, ҳожатманд хизматчи хизматдан юз ўгиради.

Одам айни зарур пайтда ўз ҳожатига ярайдиган нарсани топса, у нарса хас каби арзимас бўлса ҳам, фил каби туюлади.

Улуғ ёшли оқсоқол нима деган, эшит: Эй баҳодир, ҳожатманднинг ҳожатини чиқаргин.

Одам истаган нарсасини истаган пайтида топса, эвазига жонидан бўлак нарсани беради.

Керак пайтида бир хас филга тенг бўлади, мана бу тарз ҳамма нарсага ҳам хосдир.

Агар элиг мана шу хислатларга эга бўлган одамни топадиган бўлса, у заковатли, билимли, ориятли ва зариф киши бўлса.

Жавоҳирлар хазинасини унга топширса, мол-дунёсини унга ишонса ва унинг ҳақларига ҳам риоя қилса бўлади.

Элиг айтди: Тушундим, сен менинг фикримни ёритдинг, яна бир сўрайдиган сўзим бор, шу ҳақда ҳам гапириб бер.

Лаган-дастурхон мутасаддиси, поз-неъматларга бошчилик қилувчи ош-сув хизматчиси қандай одам бўлиши керак?

Токи бек унинг қўлидан шубҳаланмасдан овқатлар еса, унга тўла ишонса ва ўз бошини асраса.

Озиқ-овқат, ейиш-ичиш ишлари жуда ҳам қийин иш. Овқатни ҳадикли ва шубҳали одам қўлидан еб-ичиш жуда ҳам хатарли.

Сен мана шулар ҳақида ҳам менга сўзлаб бергин, мен бу иш сир-асрорларини ҳам билиб, тушуниб олайин.

## **ЎГДУЛМИШ ЭЛИГГА ОШБОШИ — ДАСТУРХОН ДАРҒАСИ ҚАНДАЙ БУЛИШИ ҚЕРАҚЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй элиг, бу ишга жуда ҳам такаллуфли ва ишончли одам керак.

Одамлар орасидан энг сара, тўғри, чин кишини танлаб олиб, егу-ичгу ва ош-сув ишларини ўшанга топшириш керак.

Бу ишга жуда чин, ишончли одам изла, у садоқатли, хизматга берилган фидойи, уят-андишали одам бўлсин.

Садоқатли хизматкор, ишончли, чин киши беги учун бутун вужудини, жонини, бошини фидо қилади.

Бек учун барча хатар бўғиздан бўлади, ошпази қиладиган қора ишларини қилиб қўйса, уни ким билади.

Ҳар қандай ерда беклар ўзларини эҳтиёт қилишлари керак, ейиш-ичишда ҳушёрлик кўзларини очишлари керак.

Халқни бошловчи кишининг минглаб душмани бўлади, кимнинг душмани бўлса, дом-тузоқ қўйилган бўлади.

Ошбоши ишончли, пишиқ-пухта бўлмаса, овқат ейишда бекларнинг иши хатарли бўлади.

Бу ишга тажрибали, кўпни кўрган хизматкор керак, аччиқ-чучугини ўзи тотиб кўриб, сўнг бек овқатини бериши керак.

Хизматлари катта, меҳнати кўп сингган бўлса, унга ишонса бўлади, чунки унинг барча сирлари маълум бўлади.

Қишиларнинг эзгуси нима деган, эшитгин, унинг заковат белгиси қандай танг қоларли даражада:

Қайси нарсага кўп меҳнат сингса, ўша нарса сеvimли, ҳамма нарсадан азиз бўлади.

Қайси нарсага киши умрини сарф қилса, ўша нарса ширин жон баробарида сеvimли бўлади.

Сарф бўлган умр эсиз эмас, сингган меҳнат эсиз, бу сингган меҳнатга унинг баробарида умр берилмайди, афсус.

Умр ўтади, лекин одам оғиз очиб ўкинмайди, меҳнат беҳуда кетса-чи, унга узоқ йиллар афсус қилади.

Нихоятда кўзи тўқ, кўнгли бой бўлиши керак, соф виждонли бўлиш керак, юз чиройи ойдек бўлиши лозим.

Чуқур мулоҳазали, диёнатли, шариатни биладиган бўлиши керак, инон-ишонч мана шундай одамлардан келади.

Бекларнинг табиатлари нозик бўлади, улар еб-ичадиган ноз-неъматлар покиза бўлмаса, уни тановул қилмайдилар.

Ошпаз покиза бўлса, овқатларни покиза тайёрлайди, ош-сув покиза бўлса, жуда севилиб еб-ичилади.

Кўзи суқ киши овқатга суқлик қилади, овқатга қўл тегизади ва овқатнинг кўркини бузади, уни булғаб ҳаром қилади.

Кўзи суқ кишининг қилиш-қилмиши, тутган ишлари баддир, қилиш-қилмиши бадлиги киши учун ўхшаши йўқ дарддир.

Қанчалик ишончли, чин, тўғри киши бўлмасин, ундан ҳам ишончли, чин деб одам ўзини билиши керак.

Барча ишончлиларни атрофингга тўплаб тут, ўзинг эса пишиқ бўл, ўзингни жуда авайла, бошингга эҳтиёт бўл.

Бунга ўхшатиш учун мана бу сўзлар жуда ўринлидир, бу сўзларни унутмагин, эй эзгу одам:

Ҳаммани ишончли тут, аммо ўзингга эҳтиёт бўл, жонингга жонқуяр сенинг ўз-ўзинг ва ўз кўзингдир.

Бу жон деган, нарса ҳамма азиз нарсалардан ҳам азиздир, бас шундай экан, азиз жонингни эҳтиёт қил, вассалом, гап тамом.

Юзи кўркли, хулқи хуш, соқол-мўйлови батартиб текисланган, қадди-қомати келишган, тил ва дили тўғри бўлиши керак.

Кўркли одам кўзга покиза кўринади, овқат покиза бўлмаса, у бўғизга тиқилади.

Покликни яккаю ягона тангри хуш кўради, поклик туфайли одам яхши деган ном олади.

Покизаликни барча одамлар истайдилар, ош-сув покиза бўлса, одам уни орзу қилади.

Нопок одамни овқатдан йироқ тутиш керак, нопок кишининг қилган овқати ҳам нопок бўлади.

Феъл-атвори тўғри, йўл-йўриқлари ишончли, қилиш-

қилмишлари чин бўлиши керак, одам тўғри бўлмаса, йўл-йўриқлари тузалмайди.

Агар овқат-емиш мутасаддиси эгри бўлса, унинг қўл остидаги хизматчилар барчаси эгри бўлади.

Қўп ярамаслар — бу овқат ўғрилари жамулжам бўлсалар, бекнинг дастурхони қанақасига чирой касб этиб тўкии бўлади?

Одамга тўғрилиқ, хушфеъллик хислатлари зарурдир, у шулар туфайли тилаган тилакларига етади.

Феъл-атвори тўғри одам нима деганини эшит: Феъл-атвори тўғри киши дунёнинг тугал манфаатларидан ҳисса олади.

Тўғри киши қаерда бўлса ҳам кунлари бахтиёр ўтади, одам тўғри юрса, доим рўшнолик топади, ёруғ кунлари тунга бадал бўлмайди. Қаерда хиёнат бош кўтариб оёққа турса, барча манфаатли ишлар у ердан узоқларга қочади ва барбод топади.

Хиёнаткор одам қаерда нимага қўл урса, денгиз бўлса шимиради, ерни тақир қурилади

Жонкуяр, бегини жуда севадиган, уят-андишали, ниҳоятда ўзини тутадиган одам бўлиши керак.

Меҳрибон одам беги учун жонкуяр бўлади, бундай жонкуяр одамнинг хизматлари манфаатлар келтиради.

Уткир зеҳнли, фаҳм-фаросатли, билимли, овқат фурсати келганда абжир ва чаққон бўлиши керак.

Юриш-туриш тартиб-қоидаларига риоя қилиш, хизматни дид ва маҳорат билан ўташ, кириб-чиқишда кўзни тўғри тутиш керак.

Ақл-заковат билан иш тутиб, ўзига эҳтиёт бўлиши, билим билан иш тутиб, кўз қарашини чеклаши, беҳуда алангламаслиги керак.

Ўзига эзгу ном тилаб, бегига вафодор бўлса, ундан бир умрга яхши ном қолади.

Ақл-заковатли кишилар ўзларига эзгу ном тилайдилар, билимли кишилар ишончли бўладилар.

Ақл-заковатли одамдан фақат одамгарчилик келади, билимли кишилар одамийлар одамийси бўладилар.

Заковатли киши нима деган, эшитгин, заковатли киши кишиларнинг сарваридир:

Заковатли, вафол, кишиларнинг яхшиси одамга бутун вужудини қурбон қилади.

Нопок, жафокор, қилмишлари тубан киши, агарчи ваъда берган бўлса ҳам, берган ваъдасидан қайтади.

Эй элиг, ош мутасаддиси вазифасига мана шу мен айтганларимдек сифатларга эга бўлган одам керак бўлади.

Сўнг кириб лаган-дастурхонга бошчилик қилса, беги унинг қўлидан шубҳаланмасдан овқат еса арзийди.

Эй элиг, ўзим билганларим мана шулар эди, ақлим етганича улар ҳақида сенга гапириб бердим

Элиг айтди: Буларни эшитдим ва тушуниб олдим, яна бир сўзим бор, уни ҳам менга айтиб бер.

Энди менга айтгин, шаробдорлар бошлиғи қандай бўлиши керак, шира-шарбат ва шароб ишларини бошқариш учун қандай одам керак?

Бек унга ишониб, кўнглида тўла ишонч ҳосил қилиб ва уни чин деб билиб, қўлидан шароб нчса бўладиган одам қандай хислатларга эга бўлиши керак?

### **ЎГДУЛМИШ ЭЛИГГА ШАРОБДОРЛАР БОШЛИҒИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Элиг зоти олийлари, бунга ҳам билимни жуда усталик билан ишга солиш керак бўлади.

Бу вазифага йиллар давомида синалган, кўнглини босиб, йўлини тўғрилаб олган ва ўз қўлингда яхши тарбия олган киши керакдир.

Ишончли, ростгўй, жонкуяр, кўзи, кўнгли тўқ, феъли отилган ўқ каби тўғри бўлиши керак.

Мана шу сифатлар билан шира-шарбат, шароб ишларини бошқарса ярашади, уддасидан чиқса бўлади.

Турли-туман дориворларни, масаллиқ-зираворларни шаробдор сақлайди, ҳазми таом гувориш, дармондори, маъжун, сурги дори чурнинг аралашмаларини шаробдор ҳозирлайди.

Ейиладиган, ялмаб-шимиладиган, ичиладиган талай турли дори-дармонларнинг барчаси шаробдорда бўлади.

Қуруқ-хўл мева дейсанми ё ичиладиган шира, шарбат, шароб дейсанми, бўғиздан кирадиган нарсаларнинг барчаси унда бўлади.

Бекларнинг барча хавф-хатарлари томоқдан бўлади, томоқ-бўғизнинг лаззатли неъматларини ошпаз ва шаробдор тутати.

Ошпаз ва шаробдор ишончли бўлмаса, бек еб-ичадиган бўлса, жуда қийин ҳоллар содир бўлиши мумкин.

Билимли доно нима деган, эшитгин: Бўғизга жуда эҳтиёт бўлиш ва овқатни оз-оздан шошилмасдан ейиш керак.

Бўғизга эҳтиёт бўлинса, бош учун фойдадир, овқатни оз-оз ейилса, оғиз ва лаб-даҳаннинг лаззатидир.

Бошини увол қилган одамларни кўплаб кўрганман, улар нафсни тиймасдан умрларини увол қилганлар.

Дард-хасталик кишига бўғиздан киради, унинг дори-дармони ҳам бўғиздан бўлади.

Ақл-заковатли ва турли билимларни биладиган бўлиш керак, ақл-заковатли одамлардан одамгарчилик келади.

Ақл-заковатли киши ёмонларга аралашмайди, билимнинг ишлари ишончли ва чин бўлади.

Тўғри бўлмагани учун ёғоч ўтда куяди, тўғри бўлмаса мард тутқунликка тушади.

Сен тўғри бўлиб иш тутгин, эй баҳодир бегим, тўғрилиқдан бўлак ҳеч қандай баҳра оладиган яхшилигим йўқ.

Шаробдор жуда самимий, кўнгли тўғри, виждони пок, нияти холис киши бўлиши керак.

Барча иш-юмушларни софлик билан бажариши, яроқсиз пасткашларни ўзига яқинлаштирмаслиги керак.

Шира, шарбат, шаробларни ўз қўли билан ҳозирлаб тежаб-тергаши, уларни текшириб, тамға уриб беркитиб сақлаши керак.

Ейиладиган ва ичиладиган барча неъматларга қўшиладиган зиравор ва дориворларни ўз қўли билан ҳозирлаб, покиза тутиши керак.

Қуруқ, ҳўл меваларни, шира-шарбат, гулобларни ҳамда турли хил шаробларни ўзи ҳозирлаши ва сақлаши керак.

Очилиб-ёзилиб, самимият билан ўз вазифасини ўташи, идиш-оёқ ва қадаҳларни эҳтиётлаб сақлаши керак.

Ана шундай йўл тутиб беги хизматига меҳнат сингдиради, унинг меҳнатлари ўз манфаатлари учун ҳам қўл келади.

Қайси бир нарсага киши меҳнати сингса, жон риштаси ўша нарсада бўлади.

Оқил ўз сўзларини бунга мослаб сўзлаган, агар билсанг, оқиллар сўзининг турган-битгани билимдан иборатдир:

Қайси бир нарсага одамнинг меҳнати сингса, ўша нарса ширин, жон риштасидек севимли бўлади.

Одам умрини сарф қилиб меҳнат сингдирса, уни ардоқлаш, шодликларига ҳам, қайғу-аламларига ҳам шерик бўлиши керак.

Соқийбошилиқ лавозимига бу янглиғ одам топилгу-



дек бўлса, соқийлар ишини бошқаришни унга ишониб топширса бўлади.

Унинг шогирдлари, қўл остидаги барча хизматчилари соқолсиз, чеҳралари очиқ, такаллуфли бўлишлари керак.

Бу вазифага мана шундай илтифотли киши керак, унинг такаллуфли хизматлари, мавзун келбати ва юз чиройидан дил қувониши керак. Юзи силлиқ, соқолсиз, чеҳраси очиқ, навқирон кўрки ойдек, қомати дол, ўзи қуйиб қўйгандек сочи қора бўлиши керак.

Бели хипча, яғрини кенг, ранги-рўйи оқ, юзи қизил, арғувон ранг бўлиши керак.

Яшил, кўк, сариқ, арғувонранг ипакли ҳарир кийимлар кийиб, лаганларда неъматларни кўтариб юриши жуда ҳам ярашиқли бўлади.

Соқий соқолсиз покиза бўлиши керак, ичимликларга қил, тук, хас-чуп тушишидан эҳтиёт бўлиши лозим.

Қадаҳда тук бўлса, бу жуда жирканч ва хунук кўринади, тук ош-сувга тушса, у кўнгилсиз, бемаза, татимсиз бўлади, кўнгилни айнитади.

Шунинг учун бўлса керак, таълим берувчи айтган: Соғар тутувчи соқолсиз бўлиши керак, деган.

Соқий покиза, юзи чиройли бўлса, унинг қўлидан олиб ичган ичимлик татийди.

Хушрўй, хушхулқ, сертакаллуф киши нимаки тутса ярашади, киши жонига роҳат бағишлайди.

Ушбу байтни айтувчи нима деган, эшит, эй билишни истаган, сен бунди диққат билан тингла:

Юзи кўркли, чиройли, хулқи хуш киши нимаки тутса, ундан тамоман шахду шакар томади.

Кўрклининг юзига боқиш қорни очган одам учун жон озиғидир, ташна бўлиб сувсаганлар учун эса ичиб қонмайдиган нарсадир.

Соқийлар боши ана шундай киши бўлиши керак, кўргин, соғар тутувчилар мана шундай бўлишлари керак.

Шунда беклар унга тўла ишонч ҳосил қилиб, уларни ишончли ва чин топиб, ўзларига яқин тутсалар бўлади.

Эй элиг, бир қатор ишлар учун сара кишиларни танла, улар садоқатли, кўзи тўқ, уят-андишали бўлсинлар.

Булардан бири — элчи, бири — саркотиб, бири — ошпаз ва бири — соғар.

Буларнинг ҳар бирини ниҳоятда саралаб олгин, ма-

бодо кейин кўнгилсизликлар содир бўладиган бўлса, афсусланиб юрмагин.

Элчи ва саркотиб ёмон бўлса, унинг зарар ва зиёнлари элга уради.

Соқий ёки ошпаз ёмон бўлса, унинг касофати тирикликнинг негизи бўлмиши жонга уради.

Мана шу вазифалардаги одамларни жуда қаттиқ тергаб тутгин, саралаб, сайлаб олиб сўнг иш буюргин.

Ўгдулмиш яна айтди: Эй олий зот элиг, бекларнинг отлари уларнинг ишлари каби буюқдир.

Буюк ишларда унинг беқиёс қийинчиликлари, бош оғриқлари бўлади, бу қийинчилик ва бош оғриқларни енгмаса, беклик кучсизланади.

Кенгаш-маслаҳат билан бекга инжу уйиб тўкувчи кенгашчи нима дейди, эшит:

Эй бек, роҳат-фароғат истама, машаққат чек, роҳат билан машаққат қадам-бақадам ёндошиб юради.

Бек машаққатлар чекиб элини яшнатса, сўзсиз халқи бойийди, халқ бойиса, бек тилакларига етади.

Эй роҳат-фароғатли киши, роҳат-фароғатга ортиқ амин бўлма, ахир роҳат кетидан машаққат ҳам келади.

Ошпаз ва соқий сенга қанчалик ортиқ ишончли бўлган билан, эй мард баҳодир,

Ўзингга ўзингдан бўлак жонкуярроқ меҳрибон топа олмайсан, сўзни чўзишнинг ҳожати йўқ.

Донолар ишбошиси нима деганини эшит, унинг сўзларини унутма, ёзиб ол ва ўқиб юр:

Ширин жонга ўзимдан бўлак ишончлидан ҳам ишончлироқини мен истаб топмаганман.

Бу жонни жуда эҳтиёт тут, авайлаб сақла, агар у кетгудай бўлса, унинг чорасини қидирма.

Сўраган нарсаларинг қанақа бўлишини, унинг тараддуд ва тадбирларини, чора ва иложларини айтиб бердим, эй зоти олий элиг.

Мана шундай кишилар туфайлидан беклар улуғликка эришадилар, душманларининг бўйинини ҳам қилиб, шуҳрат таратадилар.

Мен сенга очиқ-ойдин гапириб берганларимдан ташқари фойдали ва баҳра олса бўладиган яна бир гапим бор.

Элиг эшитишни истаса, шу ҳақда ҳам гапирайин, йўқса бу айтадиган гапимни ўз дилимда сақлаб қолайин.

Элиг жавоб бериб айтди: Эй доно, гапирадиган гапларинг нима ҳақида, уни ҳам менга айтиб бергин.

Сенинг билиминг денгиз, ақл-заковатинг дарё каби мўлдир, барча сўзни сендан эшитиш керак.

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Энг аввал ҳар турли билимлар элга элидан етади.

Мен сенга хизматчиларнинг йўл-йўриқларини, қуллари бегига қандай хизмат қилишлари лозимлигини сўзладим.

Беклар ҳам хизматчилари олдидаги ўз бурчларини, йиллаб хизмат сингдирганларни тақдирлашнинг йўл-йўриқларини билишлари керак.

Хизматкор — қулларнинг бек олдидаги бурч-ҳақлари қанча бўлса, бекларнинг хизматкор қуллар олдидаги бурч-ҳақлари ҳам шунга яраша бўлиши лозим.

Хизматчилар бек олдидаги бурчларига риоя қилсалар, бек ҳам уларнинг ҳақларига яраша хизматчилар бурчига риоя қилиши керак.

Хизматчи маош учун хизмат қилса-ю, тегишли маошни олмаса, у зўр изтироб чекади.

Элиг айтди: Менга очиқ ва аниқ-равшан қилиб айтиб, тушунтириб бер, бекнинг ўз хизматчилари олдидаги бурчи нималардан иборат?

### **ЎГДУЛМИШ ЭЛИГГА БЕКНИНГ ХИЗМАТЧИЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТЛИГИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўгдулмиш бекга айтди: Бекларнинг зиммаларида хизматчиларнинг ўз хизматларига яраша ҳақлари бўлади.

Энг аввал уларни егу ва ичгу неъматлар, озуқа билан таъминлаш керак, сўнг хизмат қилиш лозиматлари тараддуд ва тадбирларини кўриши керак.

Хизмат қилиш машаққатли меҳнат, оғир ишдир, беклар буни англаб етсалар, меҳнатни тақдирлайдилар.

Хизмат қилувчи қули бегининг хурсандчилигини кўзлаб тану жонини фидо қилади.

Иссиқ ва совуқ демасдан, очин-тўқин, яёв-яланг уриниб-суриниб, қилич, болтадан зарба ва ўқ ейди, эй элиг, буни билгин.

У ортдан, олддан, ўнгдан, сўлдан туриб жаҳду жадал қилади, машаққатлар чекиб бегини роҳат-фароғатга етказди.

Ҳаммадан бурун душманга у кўкрагини қалқон қилади, ўзига ўлим тиласа ҳам бегига ҳаёт тилайди.

Мана шу тарзда бегининг хурсандчилигини нстаб, тунларни кунларга улаб ўзини ўтга-чўққа уради.

Мана шу хизматлари учун бек уларнинг ҳақларини ўташи, меҳру оқибат кўрсатиб, ўзларини қадрлаши керак.

Халқлар орасида сара, кишиларнинг чини бўлмиш Учўрду хони нима деган, эшит:

Эй халққа улуғ бек бўлувчи, хузматкор қулларингни улуғлаб қадрли тутгин.

Хизматчилари туфайлигина бекларнинг қўли узун бўлади, хизматчилар туфайлидан бек ўз эркини юрита оладиган эл ва кентларни тузади.

Бек қанчалик буюк, улуғ бўлса ҳам, унинг рафтравишлари хизматчиларининг хизматлари туфайли раванак бўлиб сайқаллашади.

Эй элиг, одамийлик муравватдан иборатдир, муруват одам учун тариқат демакдир.

Кишининг хизматларини тушуниб, унга тегишли ҳиссаларини берилса, мана шу шубҳасиз, муруват ва тариқатдир.

Хизматкор сарой хизматида ҳожат ва эҳтиёж туфайли юради, бек унинг ҳожатини чиқармаса, муруват кетади.

Бек хизматчиларнинг қанчалигини, сон-миқдорини, фойдалиси қанча-ю, фойдасизи қанчалигини текшириб, кузатиб бориши лозим.

Одам ҳайвондан паст эмас, эй бек, буларни қиёслаб фикр қилинса, иш мўлжалдагидек бўлади.

Одам энг аввал молнинг қорнини тўйдиради, сўнг унинг кучидан фойдаланиб манфаат олади.

Беклар хизматкорларига инъомлар бериб, уларга ширин сўзласалар, хизматчилар ўз жонларини фидо қиладилар.

Шунда хизматчи бегига меҳр қўйиб, садоқатли бўлади, ўзи машаққат чекиб, бегининг хурсандчилигини кўзлайди.

Зийрак сўзини бунга мослаб сўзлаган, одамнинг қўли билим билан ҳар нарсага етади:

Одам яхшилик учун ширин жонини беради, бир яхшиликка жавобан ўн яхшилик қилади.

Одам кимдан манфаат кўрса, унга ўзини қул қилади, ўзига эса меҳнат-машаққат олади.

Хизматига яраша хизматчига инъом бериш керак, юпуғ-ялангларни бутлаш, очларни тўйдириш керак.

Бу қанақа бўлади, эй элиг, айтгин, агар бек ўз хизматкор қулидан қашшоқ деган номни йўқотмаса?

Оқсоқолнинг сўзини эшитгин, у нима деган, оқсоқолнинг сўзи йигитлар учун кўздир:

Одам юзлаб одамларга хизмат сингдирар экан, уни бошқаларга эмас, жавобан ўзига қилган бўлади.

Одамнинг сингдирган хизматларини билмайдиган киши, киши деб аталишга ҳақли эмас, у ҳайвонга тенгдир.

Саройда умид билан хизмат қилувчилар икки турлидир, бири — эркин, озод, бири — эрксиз қул.

Бу қул — ўзи эрксиз хизматкор бўлади, у хизмат ўтамаса, бекдан жазо олиб, калтак ейди.

Озод хизматкор ҳам қулдай хизмат қилади, унинг хизматини инобатга олиб, ҳожатини чиқариш керак.

Эркин, озод кишилар барчаси яхшиликнинг қулидирлар, улар учун яхшилик йўлини очиш керак.

Озодни қул билан барабар тутиб бўлмайди, озодни диёнат, инсоф билан, қулни эса қуллигича тутгин.

Бекларнинг даргоҳлари ҳаловат ва фароғат даргоҳидир, фароғат даргоҳининг хўжаси бўлиш эса ўзининг нафингдир.

Хизматкорлар бойиса, бекнинг номи шуҳрат топади, номи эзгу дуолар билан мангу қолади.

Эй элиг, хизматкор билан бек олди-сотди қилувчи савдогарга ўхшайди.

Сотувчи олувчига дастмоя тарзида мол-товар беради, олувчи уни олиб эл орасида айлантиради.

Йил, ой, кунлар ўтиши билан фойда йиғилади, сўнг сотувчи уни ўртада тақсим қилади ва ўзига тегишли фойдасини олади.

Хизматдаги кишилар худди мана шунга ўхшайди, беги билан уларнинг ишлари аниқ ҳисоб-китобли бўлади.

Бек қулларига яхши сўзини ва инъомларини беради, хизматчи-қуллари эса жон-жаҳд билан узоқ йиллар хизмат қилади.

Хизматчилар жонларини фидо қилиб қилич урадилар, унинг фойдаси эл, кент ва қишлоқлар бўлади.

Ёв бўйнини янчади ва хазина йиғади, тилак, орзу ва неъматлар кетма-кет улашиб келаверади.

Мана шуларнинг барчаси манфаат қаторига кирадди, манфаат келтирувчиларни эзгу тутиш лозим бўлади, эй бегим.

Дунё кезиб ўз манфаатини истовчи савдогарлар боши нима деган, эшит:

Хизматкор қул манфаатли бўлса, у ўғилдан ҳам яқиндир, манфаатсиз ўғилни ёв бил ва эҳтиёт бўл.

Ҳамма қимирлаган жон манфаат учун қимирлайди, манфаат топмаган овчи умрини уйида ўтказиб қарийди.

Марди майдон йигитлар бекларнинг қаноти ва пари бўлади, қанотсиз қуш уча олмайди, эй беклар беги.

Бекларнинг қудрати ва кучи мард йигитлар туфайли намоён бўлади, мард йигитлар билан беклар қийин ва чалкаш ишларни ҳал қилади.

Қайси бек атрофига мард баҳодирлар жам бўлса, бу бек жаҳонга соҳибқирон бўлади.

Қайси бекда яхши хислат ва фазилатлар жамулжам бўлса, нимани орзу қилса, барча орзулари ёғилиб келади.

Жаҳонгир учун минг туман хислат ва фазилат керакдир, бу хислат ва фазилатлар билан жаҳонгир жаҳонга эга бўлади.

Хислат ва фазилатларни беқадр тутма, уларни тинмай касб эт, хислат ва фазилатларнинг йўриғи оққуш кабидир.

Хислат ва фазилатнинг истиқболи оққуш истиқболидекдир, сен хислат ва фазилатнинг номини қуш деб номлагин.

Узоқ яшаб оламини қаритган оқсочли кекса нима деган, эшитгин: Билим ва фазилатларни ўрган ва уларни жуда ҳам қадрла, билим ва фазилат ҳам охир-оқибатда сени улуғликка элтади.

Билим ўрган, заковат касб эт, беҳуда юрма, хайрли пайт келганда, улар сени рўшноликка чиқаради.

Элиг бу сўзларни эшитиб севинди, эй асли, уруғи тоза заковатли, деб хитоб қилди.

Одамийлик мояси ҳақида жуда яхши гапирдинг, чин, вафоли одамларнинг йўли дарҳақиқат мана шулардир.

Мен халққа ҳокимлик қилиш эрки ва ихтиёрига эга бўлдим қўлим узун, ҳукм-фармонларим ва сўзларим равон бўлди.

Мен бу бекликка эришганимдан мағрурланмайман, ўз тинчим ва роҳатимга, фаровон ҳаётимга маҳлиё бўлиб қараб турмайман.

Менинг тилагим шуки, менга келувчилар мен туфайли бойисалар, куч-қудратлари ортса.

Беклик даврида одамларни хурсанд қилиш келгуси учун фойдадир, эзгу дуолар олиб қайтиш қилиш, яхши деган ном мен учун кифоядир.

Хазинадаги барча бойликларни, олтин ва кумушларни одамларга улашиш учун йиғиб-терганман.

Мен яхши ном истаб уларни одамларга улашаман, менга дуо ортсин, худо номимни мангу қилсин.

Менинг истагим шудирки, хизмат қилувчилар ва мендан кейин қолувчилар мен сабабли бойиб қолсинлар.

Мен бу дунёдан кўчганимдан кейин орқамда қолган халқ мени эзгу дуолар билан ёд қилсин.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Элиг бу ишга тугал ақл-заковат ва билим билан изоҳ берди.

Уладиган одамга ўзи ўлгандан кейин яхши номни мангу қолишидан бошқа яна нима керак?

Бу дунёлигингни истасанг ҳам, у дунёлигингни истасанг ҳам кумуш, мол-товар улашиш керак, бунинг чораси — шу.

Эй элиг, олтин-кумушларингни улашсанг, қайси элни қўлга киритишни истасанг, унга қўлинг етади.

Бу ҳақда доно бек нима деган, эшит, бекликнинг иш-юмушларига у асос солгандир:

Беклар мол-дунё улашиб, марди майдон йигитларни кўплаб тутиб туришлари керак. Шунда у қачон истаса, ёви элини қўлга киритади.

Ортиқча хазинанинг нима кераги бор, аскар, кўп керак, бекнинг бой бўлиши шарт эмас, халқ тўқ бўлиши керак.

Аскарлари бўлса, бекларнинг эли камаймайди, аскар бўлмаса, бек элини узоқ тутиб тура олмайди.

Аскарлари бекдан миннатдорчилик ва ёруғлик кўрсалар, бек қайси элни истаса, ўшани қўлга киритади.

Жаҳонгир беклар очиққўл ва саховатли бўлсалар, икки оламнинг тўри уларники бўлади.

Билимлининг сўзларига қулоқ бер, у нималар деган: Зиқналик билан бек элининг даврини сура олмайди.

Қаршилашган икки нарса бир-бирига яқинлашмайди, қочади, хасисга яқинлашмайдиган киши, сахийни қаттиқ қучади.

Барча фазилатли кишилар хасисдан қочадилар, са-

хийнинг гирдига йиғиладилар, тилак-орзуларига эришадилар.

Хасислик билан беклик бир-бирига ёвдир, хасисга барча ерда адоват қўзғалади.

Элни тутиб турадиган яна икки нарса бор, бири — сўз ва олтин, яна бири — қилич.

Элни сахийлик билан мустақкамлаш керак, эй элиг, бек сахийлик туфайли буюкликка эришади.

Баҳодир марди майдонлар яшиндай қилич урсалар, озиғли эрларнинг ҳам пайлари кесилади.

Беклар сўз ва олтин билан элга қўл узатсалар, элни қиличсиз, қўллари билан ўзларига қаратадилар.

Элни мана шу икки нарса билан тузиш керак, шу икки нарса билан мард эр буюкликка эришади.

Сўз ва олтин хафа, ранжиган кишининг чеҳрасини очади, бузилган ишларни ҳам сўз ва олтин тuzатади.

Қилич қаерда урилса, кумуш ўша ерда бўлади, қаерда кумуш бўлса, қилич ўша ерда йўналади.

Эй бек, кумуш бахшида қил, марди майдонлар йиғилсин, кумуш йиғсанг, қиличли саф тортган марди майдонлар сочилиб кетади.

Қиличли марди майдонлар кумушга гаровдирлар, йиғилган соф олтин эса қиличнинг қурбонидир.

Хасис бек мол-дунё териб хазинага уради. Сахий бек қилич билан савалаб уни тортиб олади.

Бу оламнинг қонунлари мана шунақадир, хасисга қарғиши, сахийга олқиши nasib бўлади.

Ўгдулмиш сўздан тўхтади ва таъзим билан ер ўнди, элигни дуо қилди ва ягона тангрига ҳамд айтди.

Бу сўзларни эшитиб элиг севинди, дуолар қилиб раббга фотиҳа учун қўл очди.

Айтди: Эй меҳрибон, ишонадиган эгам, қийинчиликларимда сизгинадиган эгам!

Менинг сендан бўлак таянчим йўқ, менинг шодлигим сизгинадирсан, барча умидларим сендан.

Менга қилмаган қандай эзгуликларинг қолди? Менга сен бермаган яна қандай орзулар қолди?

Сенга ҳамду санодан бўлак яна нималар қилиб сизнинг мумкин, эй мангу мунгсиз, мен сенга мунглидирман.

Кучим етганча ёлбориб сендан нажот сўрайман, мени тўғри йўлга солиб ўзинг асрагин.

Ҳамма эзгуликлардан ҳам ортиқроғи бу мен учун Ўгдулмишдир, у менга кўнгил тўқидир.



Уни менга сен ато қилдинг, бунинг учун юз-минг бор шукрлар қиламан.

У менинг ишларим учун тану жонини фидо қилади, кечаётган ёшимга дуолар орттиради.

Энди менга куч бергин, унинг ҳақларини ўтайин, мендан севинсин ва кўнгли яқин бўлсин.

Элиг яна айтди: Эй Ўгдулмиш, заковатли ва билимлилар сени мақтаб, таърифлаб юрадилар.

Заковатли исталса, сен тугал заковатлидирсан, кишилик исталса, одамийлигинг камолатдан ортиқдир.

Ишончли, садоқатли, тўғрисўз ва хуштабиат, диннатлидирсан, одамийлик шеvasи билан йўғрилгандирсан.

Қилган хизматларинг менинг инъомларимдан ошиб кетди, ҳеч хизмат қолмади, сен ҳаммасини бажо қилдинг.

Менинг бўйнимда сенга эзгулик билан жавоб қилиш қарзим бор, энди умрим борича сенинг ҳақингни ўтайин.

Кўнглим сендан нечоғлик хушнуд бўлган бўлса, тангри сенга ҳам шунчалик севинчлар ато этсин.

Элиг сўзини тўхтатиб бир оз жим қолди, хизматчиси таъзим билан ер ўпди ва ўрнидан турди.

Шод бўлиб у ердан чиқди, отини миниб уйига қайтиб келди.

Туну кун оғишмасдан хизматларни ўтади, хизматлари манзур тушди, унга давлат эшиги очилди.

Ақл-заковати теранлашди ва билимлари янада қуюлди, тақдир унга кулиб боқди, қўли узун бўлди.

Бахт-саодати билан элга танилган иқболи порлоқ одам нима деган, эшитгин:

Кимга давлат кулиб боқса, уни юксалтириб, бошини кўкка етказди.

Давлат келаверса, мол-дунё йнгилиб, жам бўлса, одамнинг кўнгли жонланади, чеҳраси равшанлашади.

Ёшулли сўзини бунга мослаб айтган эй жасур баҳодир, бу сўзни яхшилаб тинглагин:

Кимнинг мол-давлати бўлса, унинг қўли узун бўлади, барча чаппа ишлари ўнгланади, сўзлари ақл ва билимга айланади.

Одам файласуфи, агар унинг дунё-давлати бўлмаса, қанчалик сўзамол бўлишига қарамасдан, тилини тияди, сўзламайди.

Бу дунёнинг йўриқлари мана шунақа, бевафо дунё ва давлат шухрат таратади.

У ёмонларга насиб этса, обрўлари ортади, кичикларга кулиб боқса, улар улуғлик оладилар.

Давлат кимга келиб юз урса, унинг ичу ташини тузиб, унга бутунлай равнақ беради.

Агар давлат келса, барча орзуларни олиб келади, кишининг донгини оламга таратади, отини танитади.

Агар давлат кетгудек бўлса, барча олиб келганларини яна қайтариб олиб кетади, ғоз кўтарилган бошини қўнғир ергача эгилтиради.

Эй ақл-идрокли, зеҳн-заковатли, зийрак киши, зинҳор дунё-давлатни сева кўрма, балоларга гирифтор қилади.

Бу қоронғи, зулмат, омонат ўриннинг нима кераги бор, ёруғ, мангу элга интилиб-ошиққин.

Бу дунё бир қоронғи зиндондир, ундан кўнгил узгин, сабру қарорли бўлиб аъло маконга интилгин.

Таълимда нима дейилганини эшит, эй кўнгли пок, эй ҳар бир ишда ниятлари холис:

Эй ҳиммат соҳиби, тўла-тўқис, ҳақиқий дунёни истагин, уни истовчи одамнинг қут-бахти тўла-тўқис бўлади.

Ўткинчи дунёни қўй, мангу маконга интилгин, сен бу дунёни ташламасанг, бу дунё сени ташлайди.

Бу дунё жафокордир, сен унга жафо қилгин, унга жафо қилсанг, у сен билан ярашади.

Эй йўлдан адашган, боши гангиган одам, бу дунёга зинҳор маҳлиё бўлмагин, унинг туби чексиз чуқурдир, ботқоқликдир.

Чуқурга, ботқоққа ботган унинг тубига чўкади, юқорига чиқмайди, севинч топмайди.

Ботқоқдан ўзингни четга ол, унинг хатаридан қутулгин, ўз бандалик бурчингни ибодатлар билан ўтагин.

Хатарли йўлдан қайтгин, тилак-озруларинг бут бўлсин, тилингда тавбалар қилгин, оламда номинг мангу ёд қолсин.

Шундан бошлаб элиг бутун вужуди билан ҳақиқат йўлини тутди, халқи орасида адолатли сиёсатга ривож берди.

Халқ ҳаловатга етишди, ориқлар семирди, севувчилари юксалдилар, душмани заифлашди.

Тириклик кунларини севинчда, қувончда, шодликда кечирди, оти, шуҳрати ва донғи оламга ёйилди.

Шу таҳлитда узоқ муддат яшаб кун кечирди, бу даврда бўри билан қўзи бирга яшайдиган бўлди.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг бир куни ўлтирганида Угдулмишни чорлади ва ундан ўтаётган кунлар, иш-юмушлар ҳақида гапириб беришни сўради.

Эй Угдулмиш, кунлар қандай кечмоқда, элда камбағал-йўқсиллар кўпайганми ёки бойлар кўпайганми?

Эл ичида ярамас, нобоп нималар бор? Халқнинг аҳлини менга яширмасдан борича айтиб бергин.

Халқ тилида қандай гап-сўз бор, қарғиш кўпроқми ёки олқишми?

Нуқсонларимни кўпроқ гапирадиларми ёки фазилатларимними? Сен буларни менга айтиб бер, уларнинг чора-иложини қилайин.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Эй элиг, барча тилаклар рўёбга чиқди ва қўл берди.

Элиг давлати соясида олам гуллаб-яшнади, аламлилар камайди, севинчлар эса ортди.

Халқ бойиб, ҳузур-ҳаловатини тортиб ётибди, шаҳар ва қишлоқлар обод, гуллаб-яшнаган, уларни кўриб юраклар ҳаяжонга келади.

Халқнинг кунлари фароғат билан ўтмоқда, бутун тунлари қувонч ва шодлик билан ўтмоқда.

Барча сени эзгу сўзлар билан мадҳ қилиб тилидан қўймайди, танида жони бор барча дуо қилишдан тиймайди.

Адолатли сиёсат сувдек, зулм эса ўт каби офатдир, сен зилол сув оқиздинг ва ўтни ўчирдинг.

Адолатли сиёсат юритдинг, олам гуллаб-яшнади, элда бирор одам ҳам зўравонни кўрмайди.

Эй элиг, уч иш туфайли зўрлик, зулм етади, бири — бек ғофил бўлса, бахтсизлик юз берганда зийраклик қилмаса.

Иккинчиси — халқни бошловчи киши ношуд ва нотаваон бўлса, учинчиси — агар суқ бўлса, халқ бағрини кемирувчи очофат бўлса.

Сенда эса мана шу уч одатдан бирортаси ҳам йўқ, элга зўравон қандай қилиб қўл кўтаришга журъат этади?

Эй эзгу сиёсатли, пок, латиф элинг, тангри сенга фазилат, ақл-заковат ва билим берди.

Барча эзгуликлар учун ўзинг мадад бўлдинг, халқнинг оғзи ошга, эгни уст-бошга ёлчиди.

Тангрига шукр қил, топин, уни ёд қил, ўзинг ҳам таскин топ, ҳаловат билан тасалли ол.

Сиртдан нимаики хатолик ва янглишлик содир бўладиган бўлса, уларни кузатиб тадбирлар кўришни мен — қулингга қўйиб бер.

Элиг шукрлар қилди ва жуда севинди; раббга мадҳу санолар айтиб фотиҳага қўл очди.

Деди: Эй меҳрибон эгам, сен қодирсан, бу нотавон қулингни эл орасида қадрладинг.

Менга барча эзгуликларни ато қилдинг, улар учун шукр айтиш менинг бўйнимдаги вазифадир.

Бу шукрни қачон улгуриб айта оламан? Мен учун бу шукрларни сен ўзинг ўтагин.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг яна айтди: Эй Угдулмиш, менинг сенга етишим тангрининг фазли эди.

Энди сен ҳамма эзгуликларнинг сабабчисидирсан, зулмнинг олдини олишга ва адолатли сиёсат юритишга вақил қилингансан.

Менинг ўзимга тангри барча эзгуликларни ато қилди, бунинг устига ўн ҳисса ортиқ қилиб менга сени ҳам ато этди.

Бекнинг якка ўзи қанчалик тиришмасин, хизматчи қули мадад бермаса, у ҳеч нарсани анжомига етказмайдди.

Бек ичкаридан кузатади, унинг ташқаридан кузатувчи кўзи садоқатли қули, унинг кўзи ва сўзидир.

Сен менинг қулимсан, тилимсан, кўзимсан, мана шунинг учун отим эзгу бўлди, эй мард баҳодир.

Хоқон сўзларини эшитгин, у нима деган, бу хоқон бутун элларни тутиб оламга бош бўлган:

Беклар садоқатли қулни истаб топсалар, унинг бошидан зар сочиб тутишлари лозим.

Беклар тўғри, чин одамни топсалар, иқболлари кулиб фароғатга етадилар ва бахтиёр яшайдилар.

Хизматчининг сараси садоқатли бўлади, садоқатли хизматчинини топиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Дунёда ҳақиқий садоқатлилар бўлмаганида эди, одамгарчилик қачон тўла-тўқис турган бўларди?

Эй Угдулмиш, энди мен жуда афсусланмоқдаман, менга отангдан биргина сен қолгансан.

Сенга ўхшаган яна бир бошқа одам бўлганида эди, олдингда, ортингда эргашиб юриб, сенга кўмаклашган бўларди.

Эй феъли чин, мен учун ягонадирсан, мабодо сени йўқотгудек бўлсам, сенга ўхшаган бошқа бировни қардан топаман?

Сенинг яккаю ёлғизлигингдан мен изтироб чекаётирман, сенга яна бир эш бўлса, бўлар эди, эй барака топгур.

Сен кўп машаққат тортмаган бўлардинг, менга ҳам эзгу олқишлар насиб этган бўларди.

Излаб қара, суриштириб кўргин-чи, қариндошларинг орасида сенга эргашгудек арзирли бирор одам топилармикан?

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди: Эй элиг, бош омон бўлса, иш бўлаверди.

Элиг тинчланиб хотиржам бўлаверсин, тилак-орзулари ушалаверсин, ўзи орому роҳатда бўлаверсин.

Менинг машаққат тортганимдан элиг ҳазратлари ташвиш чекмасинлар, кўнгилларини бирдек тутаверсинлар.

Менга машаққат етса, кетидан роҳат ҳам келади, роҳат билан машаққат ёндошиб юради.

Эй эл ва халқнинг бошлиғи бўлмиш киши, тилагинг агар эл ишига ярайдиган одамни топиш бўлса,

Бу ҳақда эл бошловчиси бўлмиш доно нима деган, эшит, эл бошловчилар билим билан доноликни орттириб, ақл-заковатни қайрайди:

Элни бошқаришда мададкорлар кўп бўлса, билгинки, эл гуллаб-яшнайти, бек улуғликка эришади, ҳузур-ҳаловатда бўлади.

Элда манфаат келтирадиган мададкорлар, удабурон-тетиклар кўп бўлса, бегини роҳатга етказадилар, ишларни ўзлари бажарадилар.

Йўқ эмас, менинг қариндошларим орасида бу янглиғ одам бор, унинг билим даражаси жуда ҳам ортиқдир.

Барча яхши хислатларга эга, мулоҳазалари чуқур, зийракдир, у қандай ишга киришса, ўша ишнинг жонини киритади.

Унинг феъл-хулқи тўғри, оти эса Ўзғурмиш, у ҳар турли эзгуликларга қўл урган одамдир.

Аmmo у бу дунёдан юз ўгириб тарки дунё қилган ва тоққа чиқиб кетган, кўнглидан ҳамма нарсани юлиб ташлаган.

Узини тангрининг тоат-ибодатига бағишлаган, тоат дориси билан гуноҳ хасталигини даволамақда.

Унинг хислат-фазилатлари меникидан юз чандон ортиқдир, у халқ орасида етуги, кишиларнинг сарасидир.

Уша қариндошим менинг ёнимда, мен билан бирга бўлса, унинг билимлари ҳамма ишларга йўлчи бўларди.

Элиг ҳазратлари унга бутунлай ишониб, кўнгли таскин топарди, оламни қўлга киритиб, шодлик билан кун кечирган бўларди.

Элиг айтди: Менинг орзу-тилагим ҳам худди мана шундай одамни топиш. Агар топсам, кўнглим унга таянарди.

Бу ишнинг тадбир-чорасини қанақасига бўлса ҳам топиб, у кишини менга яқин қилиб берсанг бўлгани, эй уддабурон киши.

Уни бу ёққа қандай қилиб чақирамиз, айт. Уни чақириб келиш учун хабарчи қилиб кимни юборса бўлади?

Мактуб юбориш керакми, ёки оғзаки сўз билан чақириб маъқулми? Қайси бири маъқул бўлса, сен ўшасини қилгин.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Бу сўраган сўзларига Элигнинг ўзи жавоб қилди.

Мен қариндошим борлигини сенга айтдим, келадими ё келмайдими, бу номаълум.

Агар келса яхши, сўзимизни қадрлаган бўлади, мабодо келмаса, фармоннинг қадри тушади.

Унда элиг жаноблари кўнгли оғриб қолармикан, бир кун келиб мени айбга қўйиб, таъна қилиб юрмасмикан?

Элиг айтди: Мен сендан сўз сўрадим, сен ўз билганларингни айтиб бердинг.

Сен чақиргин, келса келар, агар келмаса, мен нима учун хафа бўлишим керак. У сўзимни тутмаса, нега сени айблашим керак?

Сен унинг турли фазилатларини мақтадинг, мен ўша фазилатлари учун истаётирман.

Билимли, заковатли деганинг учун ҳавасга учиб уни орзуладим.

Билимли ва заковатли одам ҳақиқий одамдир, ундан бошқаси ҳайвон билан баробардир.

Ишни билса билимли ва заковатли билади, ишни қилса билимли ва заковатли қилади.

Мана бу сўзлар айнан шу ҳақда айтилгандек, сен бу сўзларни эшитгин, эй донгдор баҳодир:

Билим билан ҳамма чалкашликлар ҳал қилинади, билим бил, уқув уқ, зеҳн ва ақл билан яшагин.

Билган билимларингни ишга сол, яна кунда билим ўрган, тагин ўрганавер, кунларингни ғафлат билан ўтказма.

У қариндошингдан келадиган фойда ёлғиз менгагина эмас, қариндошингдан сенга ҳам фойда, ҳаловат бўлади.

Агар қариндош бор бўлса яхши, қариндош жуда кераклидир, агар қариндош бўлмаса, одам дўсту ёр орттириши керак.

Элни бошловчилар боши жуда яхши сўзлаган, назар сол, қариндошли кишининг қудрати бошқаларникидан ғолиб бўлади.

Қариндошли кишининг шуҳрат ва овозаси маълуму машҳур бўлади, ёр-дўстли кишининг оти ва таърифи баланд бўлади.

Қариндошинг бўлмаса лоақал адаш-қўлдош тутингин, адаш-қўлдош яхши бўлса, у қариндош, балки қариндошдан ҳам афзал бўлади.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди: Агар элиг зоти олийларни уни чиндан ҳам истаётган бўлса, тadbир-чораларини айтайин.

Элиг буюрса, менинг ўзим борайин, сўзларимни тушунтириб, уни бу ёққа чақирайин.

Билимдан, заковатдан сўз танлаб, ақл ва зеҳн билан ҳар томонлама суҳбатлашиб тушунтирайин.

Элиг ҳам ўз қўли билан мактуб ёзиб берсин, у зийрак элигининг ёрлиқ-буйруғини эшитсин.

Менга ишонсин, бу ишни мёндан деб билмасин, сенин ёрлигинини эшитиб, ўз кўзи билан кўрса, шояд ўзини олиб қочмас.

Мен ўзим тилда қанча сўзлаганим билан, элиг

фармони — хатга битилган сўзнинг йўриғи бошқадир.

Эй асли пок, бу ҳақда нима дейилган, эшит: Бегининг ёрлиғи фурқаросининг кўнглини овлайди.

Билимли киши бундан ҳам яхши сўзлаган, унинг сўзлари диққат кўнгилларни ёзади:

Беклар тилида қулларига илиқ сўзларни сўзласа, узоқ йиллар яшаса ҳам, улар унутмайдилар.

Қайси бек тили ширин ва сўзи мулойим бўлса, уни элининг улуғ ва кичиги баб-баравар севади.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Энди чораси ва маъқули шу бўладиган бўлса, ёзсам ёзайин, мактубим унинг учун дом бўлсин.

Сен боришингга тўғри келадиган бўлса, ҳозирлигининг кўргин, мана, мен ҳам ўз номимдан мактуб ёздим.

## КУНТУҒДИ ЎЗҒУРМИШГА МАКТУБ ЙУЛЛАШИ ҲАҚИДА

Давот ва қоғоз келтиришларини сўради, мактуб ёзди, мактуб билан бўлажак ишларининг тадбирини кўрди.

Тангрининг номи билан сўзини бошлади, яратган, парваришлаган, кечирган эгам, деди.

Айтди: Мен мактубга илоҳнинг номини ёздим, бу ном турли балолардан сақлайди.

Унга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин, фонийлик унинг учун ётдир.

У жами тебранувчи жонлиларни яратишни истади ва яратди, уларга яшаш учун ризқ-рўз беради ва тирик тутади...

...Эй тетик одам, авваламбор салом, сониян мен сенга кўнгил сўраб, ҳолингни билмоқчи бўлиб, омонлик тилаб хат ёздим.

Тану жонинг соғми, эсон-омон бормисан, фалакнинг ҳаводисларини бошингдан қандай кечираётирсан?

Сенинг яхши феъл-хулқларинг тарз-рафторларинг таърифини эшитдим, сенга тенг келадиган хислат-фазилатлар йўқ эмиш.

Тангри сенга эзгуликлар насиб қилиб, билим, заковат, ақл ва турли фазилатлар ато этибди.



Сенинг мана шу фазилатларингни эшитиб, ўзингни кўришни орзу қилиб қолдим, эй чиройли юзлигим.

Қариндошинг Ўгдулмишни сенинг олдингга юбордим, у менинг гапларимни ва ўзининг кўрган-билганларини сенга айтиб беради.

Ўзинг яқин қавм-қариндошлардан воз кечибсан, шаҳар, қишлоқ ва халқлардан юз ўгирибсан.

Ёлғиз ўзинг тоққа чиқиб кетибсан, тоат-ибодат билан банд бўлмоқчи эмишсан, тоат-ибодатнинг эса ҳеч охири йўқдир.

Қариндошлар сенга нима гуноҳ қилган эдилар, улардан нима учун юз ўгирдинг? Менга аниқ ва очиқ қилиб айтиб бергин.

Мабода сенга зулм ва бедодлик етган бўлса, бу ерга келиб менга алам ва ҳасратларингни айтгин.

Мен мадад кўрсатиб додингга етайин, ўйнаб-кулиб бу ерда менинг ҳузуримда яшагин.

Қариндошдан қариндошга манфаат тегади, бу манфаат туфайли одам ҳаловат топади.

Қариндошлар билан борди-келди қилиш керак, ёрдўстлар билан қоришиб-аралашиш керак.

Қайси бир ишда ҳамжиҳатлик ва яқинлик бўлса, ўша ишдан манфаат олинади, кўнгил кўзи билан қарагин.

Бу шеърни айтган шоир нима деганини эшитгин: Икковлон тугал ҳамжиҳат бўлса, кони фойда бўлади, холос.

Қўнғир ер билан мовий сув муносиб бўлганлиги учун ўртада минг турли чечаклар қийғоч очилади.

Қариндошлар ёки дўст-ёрлар ҳамжиҳат бўлиб ярашиқли юрсалар, улар аралашиб, қавм-қариндош бўлиб кетадилар...

...Икки турли киши ҳақиқий киши аталади, бири — ўргатувчи, бири ўрганувчи.

Иккисидан бошқа барчаси ҳайвон сонидадир, истасанг бунисини тут, истасанг унисини.

## ЭЛИГНИНГ ЎЗЎРМИШГА НАСИХАТИ

Сен булардан қайси бирисан, менга очиқ айт, иккисидан бири бўл, учинчисидан қочгин.

Билимни тугал ўрганиб олганингдан кейин, уни амалда ишлатиб, меҳнат сингдириб кўргин.

Агар билим ўрганмаган бўлсанг, уни ўргангин ва сўнгра тоат-ибодатларга қўл ургин.

Билим берувчи, тоат-ибодатни билимлар билан қилган киши нима деган, эшитгин:

Тангрининг тоат-ибодатини билим билан қилгин, ҳамма нарсанинг эшигига тамға бўлади.

Билим билан қилинган тоатнинг фойдаси талайдир, билимсиз тоат қилинганда, унинг манфаати бўлмайди.

Билимсизнинг тоат қилганидан, кўра, билимнинг ухлагани афзал бўлади.

Шаҳар ва қишлоқларда ҳам тоат-ибодат жуда беҳисобдир, у ерда қилган тоат-ибодатларнинг бу ердагининг ярмича ҳам бўлмайди.

Сенинг бу ерда қиладиган тоатингдан бири номоздир, яна бири рўза тутишингдир.

Булардан бошқа у ерда яна қанақа тоат-ибодат бор? Тилинг билан тушунтириб менга санаб бергин-чи.

Сен энди зоҳид деган номни олгансан, бу отинг сенга қиладиган тоат-ибодатларнинг учун бир балодир...

Одамларнинг яхшиси тоат-ибодат қилса, уни халқдан яширади, бу ишнинг эшигини ёпиқ тутлади.

Маънида нима дейилганини эшитгин ва бу сўзларга амал қилгин, эй эзгу одам:

Мардлар одамлар қаторида ўзларини вазмин тутадилар, юз йил тоат-ибодат қилган бўлсалар ҳам, уни оз деб ҳисоблайдилар...

Халққа манфаат келтиргин, унинг ҳожатларига ярагин, қариндошларга кўнгил бериб яқинлик боғлагин.

Беҳисоб етим-есирларнинг, бева-тулларнинг, кўрларнинг, шолларнинг, оқсоқларнинг, нотавон-ногиронларнинг ҳолларидан хабар ол. Жамоат билан фариза номозини ўта, йўқсилларнинг ҳажги ҳисобига ўтадиган жума номозини ўта.

Ҳалол мол-дунё қўлга кирит ва камбағалларга улаш, одамларнинг қўлларидан тутиб, мадад бер ва йўлга сол.

Мана шу саналган хизматларнинг барчаси тоат-ибодатдир, бу тоат-ибодатдан барча роҳатланади, ўзинг ҳам роҳатланасан.

Мана буларнинг барчасини бир ёққа қўйиб, бир ўзинг ёлғизликда номоз ва рўза билангина банддирсан, эй хушфезъл.

Номоз билан рўза фақат ўзингнинггина манфаатингдир, ўз манфаатини кўзловчилар эса худбин бўладилар.

Кишиларнинг сараси жуда ҳам яхши сўзлаган, у кишиларга меҳрибон, энг фазилатли бўлган:

Ким ўз манфаатини бир ёққа қўйиб, машаққатлар билан ўзгаларнинг манфаатини кўзласа, кишиларнинг эзгуси ўша бўлади.

Одам меҳр-шафқатли бўлиши, меҳри ийиб, иноят билан яхшига ҳам, ёмонга ҳам карам кўрсатиши керак.

Тирик одам боласи фойда келтирадиган бўлиши керак, фойдасиз киши туғилса, унинг яшаганидан кўра ўлгани яхшироқ.

Одамнинг яхшиси одамларга манфаат келтиради, яхши одам одамларнинг қорин тўқисидир...

...Эй Ўзгурмиш, мен сени ўз ҳузуримга чақираётирман, сен, у ўз манфаатини кўзлаётир, деб ўйлама.

Агар келсанг, келишингнинг фойда-манфаати сенинг ўзингга, борди-ю келмасанг, менга ҳам ҳеч қандай зарари йўқ.

Сени халққа яхшиликлар қилиш учун чақираётирман, бу яхшиликлар халқ манфаатидир, сен уни зўрма-зўраки бузмагин.

Мен айтган сўзларимга бир назар солиб кўр, рост бўладиган бўлса, у ердан туриб, бу ёққа келгин.

Менинг ёнимда биргаллашиб туриб, менга мадад бергин, йўқсил-камбағалларни мол-дунё билан суягин, уларнинг аҳволини яхшилагин.

Ўзингга ҳам манфаат ол, менга эса яхши ном келтир, қодир тангри сенга икки дунёлигингни беради.

Мени эзгуликларга етказ, ўзинг ҳам эзгуликларга етиш, одам эзгу одамдан эзгу йўл-йўриқлар ўрганади.

Менга эзгуликлар учун сабаб бўлгин, сенга ҳам тангри эзгулик ато қилади, эй жасур.

Тожикларнинг допишманди нима деган, эшит, тожик допишмандларининг шуҳрати оламга ёйилгандир:

Халқнинг беги эзгу ва ишончли бўлса, унинг манфаатидан бутун халқ саодат билан баҳраманд бўлади.

Ўзингнинг эзгу бўлишингни истама, бегингнинг эзгу бўлишини иста, беги эзгу бўлса, бу халқ манфаатидир.

Авом эзгу бўлса, унинг эзгулиги бир ўзи учундир, бек эзгу бўлса, бутун халқ кун кўради.

Киши деб айтадилар, қани ўшандай киши, токи одамларга манфаат келтирса ва ҳожатларига яраса.

Яхшини барча одамлар севадилар, ўша яхши қани, мен уни ардоқлайин.

Қимнинг халққа фойдаси тегиб, шу фойдаси туфайли ҳаловат топса, ўша одам эзгудир.

Эзгу киши халққа меҳрибон бўлади, меҳрибон бўлгин, эзгуларнинг энг олдингиси бўласан.

Мана, узундан-узоқ мактубда ўз фикрларимни баён қилдим, сўзларимни ёзиб тугатдим ва қаламни қуритдим.

Яна қўшимча нималар айтмоқчи бўлганимни қариндошинг ўз сўзлари билан тушунтиради, эй ой юзим.

Мактубни ўради, боғлади ва устидан тамға уриб, Угдулмишга берди, Угдулмиш уни қўлига олди.

Элиг айтди: Энди бора қол, яна нима лозим бўлса, ўзинг қўшимча қилиб сўзлагин, эй доно.

Ҳаракат қилиб уни менинг ҳузуримга келтир, олдимга қуруқ қайтиб келма.

Билимли нима деганини ўзинг эшитгин: Зийрак элчи юборгин-да, унга сўзларингни бир-бир уқтириб ўлтирма.

Мен сенга нима учун сўзларимни уқтиришим керак, ҳамма сўзни сен ўзинг мендан яхши билансан-ку, эй покдил.

Нима сўзлаш лозим бўлса, менинг номимдан ўзинг сўзла, чора-тадбири қанақа бўлса, сен ўшандай қилгин.

Ҳа, албатта, деб Угдулмиш у ердан туриб чиқди, у эзгу одатларга ўргатилиб тарбияланган эди-да.

Туриб отини минди ва уй томон жўнади, етиб келиб отдан тушди ва уйига кириб камар боғичларини ечди.

Қуёш қайтди, бошини ерга яқинлаштирди, ёруғ жаҳон юзи шафақ парда билан қизарди.

Осмон гўзаллардек зулфини ташлаб ёруғ юзини беркитди, сеvimлининг зулфи каби юқори-қуйини зулмат қоронғуси қоплади.

Угдулмиш туриб таҳорат олди ва хуфтон номозини ўтади, жой ҳозирлашларини буюрди ва ётиб бир оз ухлади.

Чўчиб уйғониб кетди, бошини кўтарди, осмон қора зангдек юзига оқ парда тортган эди.

Туриб таҳорат олди ва бомдод номозини ўқиди, тасбиҳ ўгириб, дуолар айтиб бир оз ўлтирди, тонгни кутди.

Қуёш заррин қалқон гарданини кўтарди, гўзал кулаётгандек олам мунаввар бўлди.

Угдулмиш отини тутиб тезликда эгарлади, уйдан чиқиб, қариндоши томонга жўнади.

Қариндоши турган ерга яқин борганда, отидан тушиб пиёда юриб борди.

Етиб бориб оҳиста эшигини қоқди, Узғурмиш эшитиб шукрлар айтиб чиқиб келди.

Эшикни очиб қариндошини кўрди, улар қучоқлашиб, ўпишиб ҳол-аҳвол сўрашдилар.

Қўлидан тутиб дарҳол уйга бошлади, ўрин кўрсатди ва ўзи унинг қўлидан ушлаб ўтирди.

Қариндошини кўриб бағоят севинди, кўп санолар айтиб тангрига шукрлар қилди.

Кишилар бир-бирларидан жудо бўлиб, исташиб, қидиришиб саломат кўришсалар қандай ажойиб қувонч бўлади-я!

Қариндошлардан узоқлашиб кетганнинг орқасидан қидириб бориб, топиб-учрашиш қандай яхши-я!

Меҳрибонлик билан қариндошга қариндошнинг кўнгли яқин бўлса, бу қандай кўркли иш бўлади-я!

Яқинлик боғловчи кўнгилдош, ёр-дўст ва қариндошлар ҳақида нима дейилганини эшит:

Ҳар қандай айрилиб, жудо бўлганлар топишиб-кўришишса, аламлари қисқа, севинчлари узун бўлади.

Кишилар бир-бирларидан айрилишиб, икковлон яна саломат топишса, қандай ажойиб бўлади-я!

Узғурмиш қариндошлари ҳол-аҳволларидан сўраб-суриштирди, Угдулмиш улар эсон-омон борлар, деб хабар берди.

Узғурмиш яна сўради: Энди сен менга қандай қилиб келганингни айт, сенга нима бўлди?

Мен сени элиг билан бирга, деб эшитдим, ўз билимлари билан халқ манфаатига ярамоқда, деб хабар топдим.

Халқнинг ташвишларини сен ўз зимманга олгансан. Энди бу юмушларни қолдириб, бу ерга қандай қилиб кела олдинг?

## УГДУЛМИШНИНГ УЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Узим сени кўришни бир орзулаб келдим, эй кўркли юзим.

Сени кўрайин деб туриб келавердим, алам-қайғулар чигалини бир оз ёзайин деб келдим.

Сени бир кўришни жуда ҳам орзу қилар эдим, сенинг олдингга келишга хотиржам фурсат туғилиб қолди.

Узоқ муддатлар бўлди, сени кўрмадим, орзу қилиб юрар эдим, аммо фурсат топа олмас эдим.

Қулай фурсат бўлиб қолди, мана энди ўзим сен би-

лан учрашдим, тил ва дилимда бунинг учун шукрлар айтаман.

Инсон тану жони омон бўлса, бир куни тилагига етар экан, эй меҳрибон жигарим.

Соғинган киши, кечиб бораётган дамларни жуда ҳам синаб билган киши нима деган, эшитгин:

Инсон тирик бўлса, албатта қидириб топишади, эсонлик бўлса, жудо бўлганлар яна бир-бири билан қо-вушади.

Тилак тиламаслик, тириклик тилаш керак, тилакни топиш учун тириклик таянч бўлади.

Тангри менга охири тилагимни берди, сен билан эсон-омон топишдим.

Бу сўзлардан бошқа яна гапларим бор, агар эши-тишни истасанг ўша гапларимни ҳам айтайин.

## ЎЗҒУРМИШ УГДУЛМИШ БИЛАН МУНОЗАРА ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Сенинг сўзларинг-ни эшитдим. Энди сен ҳам менинг сўзларимни эшит-гин.

Яқинлиқ қилиб келганлигинг учун воҳид тангри сенга беҳисоб барака ва эзгу ном ато этсин.

Киши ўз мақсади йўлида йўл босса, унга машаққат етмайди, эй теран билимли.

Синаган кишининг сўзини эшит, у нима деган, маъ-носини уққин, эй меҳри дарё:

Қайси ишга орзу-тилак уйғониб дил чопса, шу иш йўлида орзу-истак мадад бўлади.

Одам мақсад билан юрса, узоқ ер яқин бўлади, мақ-садига етишганда, жон ришталари боғланади.

Ўгдулмиш жавобан деди: Мен сени ўйлаб, ғам-таш-вишларингни тортиб, ҳеч эсдан чиқара олмайман.

Шаҳар қишлоқларни, яқинларингни, қавм-қариндош-ларни тарк этиб, одамлардан ўзингни олиб қочдинг, таниш-билиш, ёр-дўстларинг йўқ.

Оғир машаққатлар тортиб, бир ўзинг ёлғизликда яланг ва оч-наҳор юрасан, бу қандай ночору нотавон-лик!

Барча қариндошларнинг фикру хаёллари сенда, сен учун қайғурмоқдалар, ташлаб қўйиб қараб турсалар бўлмайди, кўнгиллари тинчимайди.

Одамзод ёлғизликда танҳо яшай олмайди, ўзинг бу ерда яккаликда касал бўлиб қолишинг бор.

Мана шу ташвишлар мени уйда тинч қўймади, ғам-аламлар билан курашишга кучим етмади.

Тангри дўзахни фақат сенгагина яратмаган-ку, ахир, бу азобларнинг барчасини сенга атамаган-ку, ахир.

Нега энди ўзингни ўзинг бунча азобларга соласан, менга айт сабабларини билайин.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЎГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Бу сўзларни эшитдим, энди сен эшит, мен жавоб берайин.

Сенинг менга гапирган гапларинг меҳрибонликдир, қариндошлик ва ёвуқ-яқинлик белгисидир.

Қариндош ҳақида қариндош қайғурмаса, қариндош бўлмаган бошқа ёт киши қайғурармиди?

Мен қавм-қариндошлардан жудо бўлиб, нима учун бу ерга келиб юрибман?

Чуқурроқ назар солиб қараб, дин-имопимнинг нуқсонли эканини тушуниб қолдим, имоним комил бўлиши учун мана шу ер афзал кўринди.

Ҳавас-нафс васвасисига қаттиқ эшик ёпмагунча, қилган тоат-ибодатдан наф бўлмайди.

Мулоҳазаси чуқур киши нима деган, эшит, ҳавас-нафс билан қилинган дин ишлари ҳақиқат бўлмайди.

Ҳавас билан нафс иккаласи улуғ ёвдир, кўргин, мана шу иккаласи тақволи одамни тўғри йўлдан оздиради.

Ҳавасга эркини бериб қўйган одам унга тутқун бўлиб қолади, нафс домига илинган одам унга қул бўлиб қолади.

Ҳавасга енгил борма, уни ҳақоват билан қайтар, нафс бош кўтарса, уни билим билан бос.

Мана шунинг учун мен шаҳар ва қишлоқларни ташлаб, оғир машаққатлар чекиб, бу ерга келдим ва паноҳ тутдим.

Агар одамлардан четлашган бўлсам, бу ҳам бекорга эмас, туҳмат ва ғийбатлардан нариман.

Сен якка-ёлғизсан дединг, эй қариндош, худонинг ёди менга ҳамиша муносиб ҳамдамдир, эй жигарим.

Яқин қавм-қариндошлардан йироқлашганим оч-тўқлигим ташвишларини уларга торттирмақчи эмас эдим.

Одамнинг кўнгли жуда нозик, уни олиш қийин, кўнгил синса, уни олиш худонинг қарзми билан баробардир.

Мендан халққа заррача манфаат бўлмаганидек, улар мендан зиён ва зарар ҳам кўрмайдилар...

Ёлғизлигимнинг менга халал берадиган ери йўқ, нафс-ҳавас ғулғуласидан махласни ушбу ерда топдим.

Одамларга аралашишни таъриф қилдинг, қариндош ёки дўст-ёрлар билан қанақасига аралашиш мумкин?

Узинг ўйлаб кўргин, сен менинг ҳузуримга келганингдан буён мен тоат-ибодатдан қолиб кетдим-ку, ахир.

Сен тушунгин, биргина сен билан бир муддат бўлганимнинг менга шунча зиёни тегди, мени кўп зўрлагин.

Агар одамларнинг орасига кирадиган бўлсам, тоат-ибодатга қачон қўлим тегади, кўргин.

### **УГДУЛМИШНИНГ УЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ**

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Сўзларингни эшитдим, энди менинг сўзларимни эшит, юз ўгирма.

Сен айтган барча сўзлар дарҳақиқат шундай, аммо ҳақиқат кўзи билан қарайдиган бўлсанг, бундай эмас, мажоз, ёлғондир.

Тирик одам одамларга фойда келтириши керак, шунда уни одамлар тирик ҳисоблаб, улуғлайдилар.

Одамлар кишининг бирор хайрли ишини кўрмасалар, тириклигининг белги-нишонаси нимада бўлади?

Хотин олиш ва кўплаб ўғил, қизли бўлиш керак, фарзандсиз деган сўз — одам учун қандай қаттиқ ҳақорат!

Одамларнинг сараси нима деган, эшит: Зурриёт узилмаслигининг чораси хотин олишдир.

Бефарзанд киши ўлаётганида, эй мендан кейин дунёга келувчи, орқангда қоладиган ўғил-қиз қилгин, деб ўқинган.

Қимнинг ўзидан кейин фарзанди қолса, уни тириктан бошқага санамаслик керак.

Фарзандсиз одам ўлса, унинг зурриёти кесилади, жаҳонда номи йўқолиб, ўрни қуруқ қолади.

### **УЗҒУРМИШНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ**

Узғурмиш жавоб бериб айтди: Булар барчаси шундайку-я, аммо бундан бошқачароқ нарса ҳам бор-да.

Агар ўғил, қиз хушфёъл, одоби яхши бўлса сен айтганингдек бўлади.



Борди-ю, фарзанд нобакор, ноқобил бўлса, у сени қон йиғлатади, ўлишинг билан дарҳол унутади.

Қарғишлар олиб сенинг номингни булғайди, ёт-бе-гоналар сенга лаънатлар ўқийдилар.

Ўғил, қиз бир ёвдир, ёвнинг нима кераги бор? Ёвсиз яшаш яхшироқ эмасми?

Ёвдан қачон ёруғлик чиқади ёв деган от зиённинг белгисидир.

Билими теран, яхши таълим берган, ўғил қизнинг ташвишлари одамни бир нафас ҳам тарк этмайдиган хаёлдир.

Билимлининг сўзи бунга ўхшатишга мос келади, назар солиб қарасанг бу бағри кенг одам жуда тўғри сўзлаган:

Ўғил, қиз деб ўзингни ўтга-чўққа урасан, бу меҳнатларингни биладиган ўғил-қиз қани, борми?

Ҳаромни терасан, ўласан, у қолиб кетади, сен азоб чекиб ётасан, фарзандлар унинг роҳатини кўрадилар.

Хотин олган одам мисоли кемага ўлтирди, деб билгин, кема минган одам эса денгиз ичра киради.

Ўғил, қиз туғилиши кемасининг синиши демакдир, кема сингач, сувда ким тирик қолади?

Ўғил, қизнинг отасини ардоқлаш керак, у мақтовларга лойиқдир, чунки ўғил қизга ота бўлганнинг емиши ва ютгани заҳар-заққумдир.

Ўғил-қизнинг нобакори ота-онадан кейин ота ва оналарининг номларини ҳам тилга олмайди.

Бундай фарзандлардан қанақасига вафо кутиш мумкин? Уларнинг қилиқлари ёвуз, қилмишлари жафо бўлади.

Ўғил, қизнинг отаси машаққатлар чекади, кулфат ва меҳнатларни филдек бардош билан кўтаради.

Ёр-дўст, ошна-оғайнилар, жўралар орттириш керак, дединг, бу яхшику-я, аммо унинг инжиқликларини кўтариш жуда қийин.

Билими пухта, доно бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, одамнинг кўнгли нозик, уни овлаш жуда ҳам қийин.

Бу кўнгли деган нарса бир шиша кабидир, уни ниҳоятда эҳтиёт қилиш керак, мабодо синмасин.

Дўст-ёрнинг кўнгли оғриси, ашаддий ёвга айланади, ёв қаерда бўлса минг-минг адовати билан бўлади.

Ёвдан ҳаёт ҳаловатсиз бўлади, одамнинг душмани бўлса, жуда кўнгилсиз бўлади.

Душман қанчалик арзимас бўлса ҳам, уни катта деб ҳисоблаш керак, эй мард баҳодир.

Чивин фил учун энг катта душмандир, агар чақса у филни сакратиб ўйнатади.

Душманли киши нима деган эшит, у умрини душман билан урушиб ўтказгандир:

Душманним арзимас, деб гофил бўлмагин, ундан нега қўрқайин, деб катта кетмагин.

Душманинг бор экан, сира ғафлат босмасин, Ёмонга ёмон, яхшига яхши бўлгин.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш сўзга тил очди, жавоб бериб айтди: Ушбу сўзларни эшит ва дилиннга жойла.

Тангри бу оламини билиб яратган, барча егулик ва ичгуликларни ҳалолдан буюрган.

Яхши ёр-дўстлар орттириб улар билан борди-келди қилиб, қўшилиб-аралашсанг, тутган дўстларинг яхши бўлсалар, улардан фақат яхши ишлар келади.

Одамнинг фойдаси тегадиган бўлса одамга аралашгин, одамларга манфаат келтириш одамнинг фойдаси деб билгин.

Якка-ёлғиз юрадиган шўрпешона одам, одамларга ҳеч қачон манфаат келтирмайди, эй сахий.

Одамларга манфаати тегмайдиган одам ўликдир, эй шуҳратли мард, сен ўлик бўлмагин, манфаат келтиргин.

Кимнинг дўст-ёри, ошна-оғайниси, жўралари, ҳамдамлари кўп бўлса, элда шуҳрат ортади, ишлари ривож олади.

Ундай одам бу дунёдаги тилакларига етади, у дунёлик тилаги ҳам шунга боғлиқ бўлади.

Дўст-ёрлар қайғу-аламларингда сенга парвона бўладилар, шодлигингда шодланади, сен билан бирга қувонади.

Фазилатларингни мақтаб халқ орасида ёядилар, нуқсон-камчиликларингни яширадилар, бу ҳақда тил очмайдилар, ичларига ютадилар.

Ётган марди майдонларни оёққа тургазувчи, уларнинг нуқсон ва фазилатларини эл орасида ошкора қилувчи нарса жангдир.

Жанг бўлмагунча марди майдонларнинг жасоратларини, уларнинг шуҳрати ва зотларини эл қачон била олади?

Кимнинг хислати ва фазилатлари ортиқ бўлса, унинг душмани ҳам беқиёс кўп бўлади.

Ким фазилатли ва асли зоти пок бўлса, бутун эл одамлари орасида уларга душман кўп бўлади.

Яхши одамнинг шубҳасиз душмани бўлади, ёмоннинг душмани бўлмайди, ёмси одам ўликдир.

Кимнинг теварагига кўп душман йиғилса, ўша кишининг фазилатлари бошқаларникидан устундир, билиб қўйгин.

Ёв билан тўқнашганда марднинг номи кўтарилди, ёвсиз кишининг номи кўтарилмайди, берклигича қолаверади.

Фазилатли баҳодир нима деган, эшит, фазилат туфайли одам тилак-орзуларига етади.

Агар минглаб душмани бўлмаса ва минглаб киши кунда уни ҳасад қилиб гапирмаса, бундай одам қандай қилиб ўзини мард санай олади?

Орқасидан минг-минглаб итнинг овозини эшитгани билан, бўри итга қайрилиб қарармиди?

Ёлғизликда одамлар ҳақида ғийбат қилмайман, дединг, тилимда асоссиз, туҳмат гаплар юрмайди, дединг.

Тегранда одамлар бўлмаса кимни ҳам гапирар эдинг, ўзинг одамлар орасида яшамасанг, кимлар ҳақида сўзлашинг мумкин, ахир?

Одамлар орасида бўла туриб тилини тия олган ва иззат орттирган одам ҳақиқий одамдир.

Дағал сўзлаганларга юмшоқ жавоб қайтарса, унга аччиқ гапирсалар, ширин сўз билан жавоб берса,

Бошқаларнинг ҳожатларини чиқарса, уларга ортиқча ташвиш чектирмаса, унга жафо қилсалару оғиз очмай вафо билан жавоб қилса.

Кўнглидан ҳар қандай, ўч, кек ва гиналарни чиқариб ташласа, дилида нима бўлса, фақат ўшанигина тилига чиқарса.

Одамларнинг яхшиси нима деган, эшит, у эзгулик билан донг таратган, шуҳрат орттиргандир:

Одамларга аччиқ сўзламагин, аччиқ сўздан дил узоқ муддат оғриб юради.

Сени ким сўкса, сен уни мақтагин, ўшанда у ярамас, тубан, сен яхши одамлар қаторида бўласан.

Жафо қилувчига вафо қилавер, вафони мардлар қиладилар, жафо эса номардларнинг ишидир.

Яқин қавм-қариндошлар сен билан алоқани узсалар ҳам, сен улар билан яқинлик боғлайвер.

Агар золим сенга зулм ўтказса, сен уни кечиргин, дин йўли мана шундайдир.

Қул ва жориялар гуноҳ қилиб қўйгудек бўлсалар, сен гуноҳларини кечиргин, гуноҳ кечиршиш моядир, уни қорин тўқи қил.

Номлари мард бўлганлиги учун мардлар барча қийинчиликларни ўз устларига олиб, сабр ва чидам билан ўлимни кутиб юрадилар.

Ўзинг ёлғиз, бир кулбага кириб олиб, қанақа эзгуликларга эришмоқчисан, эй хушфёъл.

Роҳат, ҳаловат, орзу-истак, ноз-неъматларни кўзинг билан кўрмайсан, барчасидан маҳрумсан, олтин ва кумуш, гавҳарлар, мислар орттирмагансан.

Сарой, қаср, қалъа, ер-сув, мол-мулкинг йўқ, от, асбоб, қурол-аслаҳа, фарзандларинг йўқ, уларнинг аччиқ-чучук ғамхўрликларидан маҳрумсан.

Одамлар устидан эрк-ироданг, ҳукминг ҳам йўқ, киши шулар туфайлидан яхши деган ном олади-ку!

Қани ўша сен йиғиб-тўплаб, сўнг баҳридан ўтган нарсалар, қайси бир телба сени зоҳид деб атади?

Одам кўп мол-дунёсидан воз кечиб, оз нарсага қаноат қилса, шундагина зоҳид деган номга муносиб бўлади.

Амалда эса орзу-истагига етмаганлар ёппасига зоҳид бўлиб кетмоқда, сабр-қаноатдан бошқа уларнинг ҳеч қиладиган ишлари йўқ.

Ҳақиқий одам шу кишидирки, у ҳамма орзу-истакларидаги нарсаларга эришиб, улардан мардларча воз кечади.

У мол-дунёсини йўқсилларга бўлиб беради, оч-яланғочларни едириб кийдиради, бутун кўнглини тангрига боғлаб, унинг тоат-ибодатини қилади.

Дунё-давлат келадиган бўлса, унга кўнгил боғламайди, дунё-давлат кетадиган бўлса, унга оғриниб хафа ҳам бўлмайди.

Барча орзуларига эришганда ҳам, дилда ҳам, тилда ҳам ўзини тутлади.

Мана бу сўзларнинг маъноси бу айтилганларга жуда яқиндир, эй хушфёъл одам, сен уларни эшитгин ва амалда татбиқ қилгин:

Кимки ҳар ишни қилнишга қодир бўлиб, уни қилишдан ўзини тия олса, ўша одамларнинг одами бўлади.

Минг орзуларига эришиб, ўзини қаттиқ тутувчи киши мардларнинг мардидир.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Эй чиройи ой каби киши, ростини айт асл мақсадинг нима?

Мен нимадан гап очсам сўзимни кесиб, мени тўхтатиб, жавоб беришга ошиқасан.

Менга очигини айт, мақсадинг нима, нима сўрамоқчи бўлсанг очиқ сўзла ва сўра.

## УГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Мен бир мақсад билан келганман, энди мақсадимни айтайин.

Кунтуғди элиг сенинг таърифингни эшитди ва ўзига керакли одам ҳисоблаб, мени сенга юборди.

Сени бир кўришни қаттиқ орзулаб қолди ва чақириб элтиш учун мени вакил қилиб юборди.

Қанчалик оғир бўлмасин, албатта бориш керак, элигга бир кўриниш керак бўлади.

Элиг ўзи жуда яхши султандир, халқига меҳрибон ва жонкуярдир.

Қим элигнинг дийдорини кўрса бахтиёр бўлади, икки оламга арзирли тугал саодат топади.

Эл, кентлар беги нима деганини эшитгин, у жаҳонни бошқариб эл ишларига ақли тугал етган:

Адолатли, тўғри бекнинг турган-битгани фақат қутдир, у қути билан барчани баҳраманд қилади.

Одил бекнинг номи қаерда шуҳрат қозонса, ўшанинг ҳузурига бориш керак, унга борган одам албатта саодатли бўлади.

Бу бек кўк гумбазидек юксакдир, унинг таянчи адолат ва тўғрилиқдир, адолат халал топса, таянч зил кетади, гумбаз ҳам қулайди.

Адолатли беклар ҳаётда бўлмаганларида эди, тангрининг амри билан етти қат ер остин-устин бўлиб кетган бўларди.

Одил бек юзини кўрган қутли бўлади, саховатга эришади, гуноҳлардан фориғ бўлади.

Ўзинг биласан, менинг одам қаторига киришимнинг сабабчиси, менинг таянчим ва қорин тўқим ҳам шу элиг эди.

Заковат ва билимларни менга тангри берган эди, шулар туфайли турли эзгу ишларга қўл урдим.

Халққа манфаат келтириш, унинг ташвишларини тортиш учун ва барча яхшиликларни қилишга тангри-нинг ўзи тавфиқ бергандир.

Энди қўлни қўлга бериб барча қийинчиликларни ҳал қилиш учун элиг сени ҳам орзу қилиб истамоқда.

Мени сенга воситачи қилиб юборди, энди ёлғиз ўзимни қайтариб юборма, жувонмард.

Элиг ўз қўли билан мактуб ёзиб юборди, нималар демоқчи бўлган бўлса, барчасини ёзган, уни ўқиб кўргин.

Мактубни чиқариб унга берди, Ўзғурмиш мактубни олиб уни оҳиста очди.

Мактубни ўқиб чиқди ва узоқ жим қолди, сўнг элиг ўз сўзлари билан яхши билимлар берибди, деди.

Элиг мани ҳузуримга келгин, деб чақирибди, ундаги барча эзгуликларни бир-бир санаб айтибди.

Бу иш-юмушлар мен учун жуда ҳам катта ва оғир ишлардир, энди нима қилайин, менга маслаҳат бер.

## УГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Элиг сени гапириб бир нафас ҳам тинмайди, сени тилидан қўймайди.

Тили тебрандими, сўзларидан сенинг номинг чиқади, сени кўришга кўзи тўрт бўлиб, йўлигни пойлаб турибди.

Кўнгил кимни орзулаб севиб қолса, унинг номи сира тилдан тушмайди, сўздан-сўзга улашиб юради.

Севиб қолган одам нима дегани ҳақидаги мана бу байтти ўқи, севиклининг юзи кўнгилнинг озуқидир:

Кўнгил кимни севиб қолса, у доим кўз олдида туради, кўз қаерга йўналса кўз ўнгида у намоён бўлади.

Кўнгилда нимаики орзу-тилак бўлса, сўзга тил очганда барчаси тилга чиқади.

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Эй жувонмард, маъқули қайси бўлади, менга маслаҳат бер.

Меҳрибон, яқин қариндошимдирсан, маслаҳат бериб қариндошлик бурчингни ўтагин.

Бу ишга сендан кенгаш сўрайман, сен бу кенгашга билим билан ёндашгин.

Сен қариндошимсан, истасанг дўстим ҳам бўлгин, қариндош ва дўст иккаласи бир-биринга яқиндир.

Сен чиндан ҳам менга меҳрибонсан, нима қилиш кераклигини айтгин, сенга ишонаман.

## УГДУЛМИШНИНГ УЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй қутли киши, бу ишга мендан кенгаш сўрама.

Элиг мени чақириб келиш учун вакил қилиб юборган, сен қанақасига менга кенгаш соласан?

Борайлик дейишдан ўзга сўзим бўлмайди, қандай қилиб бормагин, дея маслаҳат бера оламан?

Сен билан бирга бўладиган бўлсам, менга фойдаси кўп бўлади, лекин заковатда, ўз фойдаси учун маслаҳат бериш маъқулланмайди.

Чигил элидан бўлган билимли киши нима деган, эшитгин, эй билимли унинг сўзларини эшит, бўйин бер ва эгил:

Ўз манфаатини кўзлаган одамга маслаҳат солмаслик керак, эй бахтиёр одам, бундай маслаҳат сенга хайрли бўлмайди.

Маслаҳатни шундай одамдан сўраш керакки, у бу маслаҳатдан ўз манфаатини кўзламасин.

Ўз манфаатини кўзловчи ўз фойдасига интилади, бу йўлда ҳатто зўрлик ўтқазिशга ҳам уринади.

Ҳар қандай иш юзасидан бошқаларга маслаҳат солиш керак, лекин кўнгил чопган ишнинггина қилиш керак.

Ўзингга ўзингдан бошқа меҳрибонроқ киши йўқ, бундай меҳрибонни бошқалардан изламагин, гап тамом.

Нима қилиш кераклиги ҳақида сен ўзинг кўнраш қил, бу ишга мендан кенгаш сўрама.

Узоқ йўл босиб сени олиб кетгани келганман, менинг кенгашим шуки, тур, мен билан у ерга бор.

Хайрли иш ва эзгулик одамлар орасида, бу ерда асло топилмайди, буни билиш керак.

Шаҳар ва қишлоқлардаги қанчадан-қанча эзгуликлар ҳақида сенга бирма-бир сўзлаб бердим.

Ўзинг биласан, мен бу сўзларни тўғри сўзладим, сенга яхшилик қилмоқчи бўлдим, холос, буни тангри билди.

Одамлардан ўзингни олиб қочсан, ахир одамлар сенга нима айб қилганлар? Одамларга аралашгани ва одамлар қиладиган ишни қилгин.

Мусулмонларнинг юмушларини қил, ҳожатларини чиқар, тангри беҳишт тўридан жой беради.

Кўнгил ва тилингни тўғри тут, тангрига тоат-ибодат қил, қаерда истасанг ўша ерда бахтиёр ҳаёт кечиргин.

Одамларсиз яшамагин, одамлар орасида яшагин,

одамларнинг айбини кўрмагин, ўз айбингни кўра билгин.

Мана бу байтлар бунга жуда мос келади, уни уқиб, сўнг унга амал қилиш керак.

Қаерда истасанг ўша ерда юр, аммо яхши бўлгин, таги асликни истама, ўзинг яхши бўлишни орзу қил.

Одамнинг яхшиси ҳеч қачон ўзини унутмайди, қаерда юрса ҳам фақат яхши йўлдан юради.

Одамнинг ўзи эзгу, феъл-хулқи яхши бўлса, қаерда ва қачон истаса ҳамини минг севинчларга муяссар бўлаверади.

Эзгу одам ҳамма ерда ҳам эзгулик топаверади, эзгуликнинг эвази ҳамини эзгулик бўлади.

Сен эзгу феълли бўл, ёмон феълли бўлмагин, қаерда бўлса ҳам хавф-хатарсиз қўрқмасдан юравергин.

## ЎЗГУРМИШ ДУНЁНИНГ АЙБЛАРИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА

Ўзгурмиш жавоб бериб айтди: Мен сенинг сўзларингни эшитдим, энди сен ҳам менинг сўзларимга қулоқ бер.

Бу дунё сени ўзига жуда ҳам мафтуну маҳлиё қилиб қўйибди, унинг барча нуқсонлари сенга фазилат бўлиб кўринибди.

Бунинг учун сендан ажабланмаса ҳам бўлади, зеро ҳар бир севилиб қолган нарсанинг айби кўринмайди, деган масал бор.

Мафтун қилиб қўйганлиги учун дунёнинг барча айблари сенга фазилат туюлибди, эй элда улуғ киши.

Севиб қолган киши ҳақида нима дейилганини эшит, севганга севилганнинг нуқсонли фазилатнинг айнан ўзидир:

Севганнинг аниқ белгиси шуки, унга севилганнинг нуқсонлари фазилат бўлиб кўринади, эй шуҳратли.

Ўзинг дунёни севиб қолганлигинг нишонаси шуки, кўнглинг унинг қанчадан-қанча нуқсонларини фазилат деб қабул қилибди.

Бу дунёни менга қанақасига таърифлаб мақтамоқчи бўласан? Сенга унинг нуқсонларини таърифлаб берайин.

Одам гуноҳ қилса тангри уни жазолайди, қодир тангри бу дунёни бир зиндон қилиб яратган.



Бу зиндонда қандай орзу-тилаклар истайсан, тилак орзу жаннатда бўлади, нажот — ўша ерда...

Бу дунёнинг қут-давлати шунинг учун ҳам яхши эмаски, у одамни тангридан узоқлаштиради, у диёнатнинг офатидир.

Одам бойнса, унинг кибру ҳавоси ортади, кўнгилнинг камтар-камхосталиги камбағаллик биландир.

Худо менинг ўзим деб даъво қилган кишиларнинг телбаси дунёга эга бўлишга интилди, лекин ҳисобида ўлиб кетди.

Яланғоч туғилган одам яланғоч кетади, бас, қолдириб кетадиган мол-дунёни нима учун йиғиш керак?

Ўзинг биласан, тириклик охири ўлимга боради, ўлим ҳаминиша фурсатини кутиб ҳозир туради.

Дунёга келишда бир эшик очилади, яна бир эшик ўлим эшиги, у дунёга кетишда очилади, барча халқ мана шу эшикка киради.

Ўзинг икки кунлик меҳмондорчилик учун мол-дунёга кўзинг тушганда зўрма-зўраки куйиб-ёнма.

Дунё-ўтқинчи, бевафо, унинг қути келиб-кетади, нима берса яна тезда қайтиб олади.

Ҳаёт бахш этади, яна ўз берган нарсасини нобуд қилади, яна кунда бошқаларни чорлаб туради.

Назар солиб қарасаңг дунё кўланкага ўхшайди, кетидан борсанг қочади, қочсанг изингдан қувиб боради.

Мана бу сўзлар бунга жуда мос келади, эй кўнгли пок, бу сўзларнинг маъносини уққин:

Ким дунё нзидан борса, ундан қочади, агар ундан қочса, кетидан қувади.

Бу дунёнинг моли диёнатга ҳам ўчлидир, дунё динни бузади, бунга яхшилаб назар солгин.

Бу дунё безаниб ўзини кўз-кўз қилади, ясанган келинлардек чиройини намоён қилади.

Кўнгили бериб қўйганингдан сўнг унинг кекса-қариллиги фош бўлади, у кунда ёқангдан тутуди, хархашаси ҳеч тугамайди.

Унинг қилиқлари жафо, қилмишлари бевафоликдир. Беги — эри билан тугал уч ой ҳам мураса қилиб турмайди.

Қимда-ким унга кўнгили бериб қўйса, эсиз, унинг тириклиги беҳуда бўлади.

Ҳаёт кунлари жуда ҳам қадрлидир, уни беҳуда ишларга сарфламаслик лозим.

Тириклик барча эзгуликлар учун мойдир, уни беҳудага кетказмаслик керак, эй баҳодир.

Бу дунёнинг учтадан бўлак нарсаси йўқдир: бири — ҳалол, бири — ҳаром ва яна бири — шубҳа.

Бу дунёни севиб қолсанг, охири сени бир чеккага суриб қўяди, ҳаловати билан шодлана бошлаганингда, бирдан юз ўгиради.

Ҳалол учун ҳисоб бериш, ҳаром учун азоб эвази бор, мабодо шубҳа бўладиган бўлса-чи, ундан жуда сақланиш лозим.

Дунё севинч билан парваришлаб семиртирса, алам-қайғулар билан яна тинкани қуритиб оздиради.

Севинчнинг охири алам билан тугайди, бошида шодлик билан яшасанг, охирида алам чекасан.

Унинг бошланиши неъмат бўлса, кети меҳнатдир, бошланиши меҳнат бўлса, кети неъматдан иборат.

Мулоҳазали ҳушёр киши нима деган, эшит: Бу дунёдан йироқ тур, кулфатлар келтиради.

Сенинг бойлиқларинг — бу камбағалликдир, сенинг наздингда ким камбағал бўлса, аслида ўша бойдир.

Сени ким ҳақорат қилиб ғазабини сочса, унга кулиб боққин, бир кун келиб қора ер қаърида албатта ўчингни тўлайди.

Терган нарсаларинг тарқалиб кетади, йиғилган нарсаларинг эса сочилиб кетади.

Кетадиган нарса сендан бир-бир кетаверади, келадиган нарса тезда ўзи бош уриб келаверади.

Бу дунёнинг кунлари шошиб ўтаверади, у дунёнинг кунлари ҳам шитоб билан келаверади.

Тушунганлар кетувчига кўнгил боғламайдилар, заковатли ва сабр-қаноатлилар келувчи дунёга ҳозирлик кўрадилар.

Ўлимни тан олган одам ўзига бино қўймайди, ўлимни кўриб турган одам ўзини шод тутмайди.

Йўловчи йўлда уй қурмайди, кўчувчи одам бисотини уйда қолдирмайди.

Бу дунё одам учун бир меҳмонхона ёки қўниб ўтиладиган работдир, омонат работда кўп севиниб шодланмагани.

Бу дунёнинг бисоти шунинг учун ҳам яхши эмаски, у ҳар кимнинг феъл-хулқини, тарз-рафторини ўзгартиради.

Авлиёлар бу дунёнинг мол ва бисотини имон эвазига бадал қилганлар, зоҳидлар дунёни тушуниб, уни тарқ қилганлар.

Бу дунё кўзга кўринмас бир тузоқдир, унинг бисот ва моллари эса дом учун севиб қўйилган дондир.

Бу дунёда оламзод жуда гофил бўлади, дунёнинг домига тушса ўзини унутади-қўяди.

Шоирларнинг сардори нима деганини эшит, у дунё ишларидан огоҳ бўлиб ўзини эҳтиётлагандир:

Жумлаи жаҳон бир ерга жам бўлиб келгани билан, ҳаловат ва саодатда минг йил ҳаёт кечиргани билан,

Охир-оқибат одамнинг кирадиган ери қора ер қаъридаги бир кавак бўлгач, бундай ҳаётнинг нима кераги бор?

Кечирган ҳаётинг сен учун бир тушдек нарса, ни-майки қилган бўлсанг, ўшанга лойиқ жавоби ҳам бўлади.

Уша кунда ўқинганинг билан ўқинчдан фойда бўлмайди, нима қилган бўлсанг кун, ой ва йиллар уларда гувоҳлик беради.

Бу дунёнинг ҳаловати бор-йўғи уч нарсадан иборатдир, бу уч нарсанинг ҳаловати юз-юз нарсаларга татийди.

Буларнинг бири — ризқли-насибали бўлиш, неъматлар билан яшаш бўлса, иккинчиси — оилали ва аҳли аёлли бўлишдир.

Учинчиси эса сиҳат-саломатлик ва бардамликдир, мана шулар қолган барча ҳаловатлар асосидир.

Мана шу уч ҳаловат шодлик ва қувончларнинг боисидир, лекин учта ёвуз ва ярамас нарса ҳам бордир, ундан сақланиш лозим.

Емоқ-ичмоқ, неъматлардан баҳра олмоқ тану жоннинг роҳатидир, лекин, эй биродар, ундан тану жон азобга қолиши ҳам мумкин.

Неъматни оғизга уч бармоқ билан олиб бориш лозим, баднафслик билан ортиқча ютиб қўйсанг, ўз қоринингга жабр қиласан.

Овқатинг ҳазм бўлмаса, мизожингни бузади, мизож бузилиши эса хасталикдан даракчидир.

Хасталик энг аввало ўлимнинг даракчисидир, ўлимда эса ҳаловат йўқ, у одам учун ҳалокатдир.

Иккинчиси — аёл билан мулоқотда бўлишдир, бу жуда ҳам лаззат бахш ишдир, аммо совуқ сувга ювиниш амали андак қийиндир.

Лаззат қаерда бўлса, сўнгида лаззатсизлиги билан бўлади, чучук қаерда бўлса, сўнгида аччиги билан.

Агар тириклик лаззати шу билан бўладиган бўлса, дунё бир беҳаловат суҳбатнинг айнан ўзидир.

Булардан бошқаси — ўғил-қиз хархашасидир, ўғил-қиз ташвиши машаққатли ташвишдир.

... Заковатдан таълим берувчи нима деган, эшит: хотин ва ўғил-қиз хархашалари кишини ҳолдан тойдириб, тинг-касини қуритади.

Дунёнинг ҳаловати мана шу уч нарасада экан, энди унинг оқибати ҳақида мана бу сўзларни ҳам эшитгин.

Бу дунёнинг ширин кўриниши, тана ва нафс одам учун ашаддий ёвдир, бу икки ёвнинг дом — тузоғи ҳаммиша ёзиб қўйилган бўлади.

Учинчи ашаддий ёв — бу диёнат ўғриси бўлмиш шайтон васвасасидир, мана шу ёвларнинг зиёнидан тангри ўзи сақласин,

Булардан энг ашаддийси ҳисобланган душманлик тана ва нафсдан содир бўлади...

Лекин тана — нафс васвасасидан қутулишнинг чораси йўқ, у фақат ўлим тутгандагина йўқолади, холос.

Билимли доно бу ҳақда жуда ҳам яхши сўзлаган, билимли доноларнинг сўзларини тинглаш керак:

Тана — нафс мени мунгга солиб қийнайди, гоҳо кулдиради, гоҳо йиғлатади.

Тана — нафс истаги кетидан тушиб оламни кезаман, гоҳо оч-наҳор ётаман, гоҳо тўйиб ётаман.

Бир орзуйим ушалса, яна бири қолади, яна бир орзуйимга етсам мақсадим тугал бўлади, деб юравераман.

Мен тана — нафсни ўзимга бўйсундириб боса олмайман, эй эгам, сен ўзинг меҳрибон бўлиб, мени тана — нафсдан фориғ қилгин.

Тана — нафс жуда ҳам ярамас хилқатдир, уни ардоқлаган сайин ёвузлиги ортиб бораверади.

Тана — нафс овчи итнинг айнан ўзгинасидир, семир-риб кетгудек бўлса, эгасини ҳам танимай қўяди. Ўз бурчини ўтамайди.

Қорни тўйса овга югурмайди, ётади, эгасининг барча хоҳишларини ҳам бажармайди.

Тана — нафснинг кирдикорлари ёш боланинг қилиқларига ўхшайди, қорни тўйса ўйнаб кетиб қолади, сарсон қилади.

Қорин тўйгандан сўнг тана — нафс тебранмас, беҳаракат бўлиб қолади, шунинг учун унинг барча истакларини бажаравермаслик керак.

Асли ҳақиқий ҳаёт уч кунлик ҳаётдир, ундан бошқаси туш ва тун кабидир.

Бири ўтган, бири ўтаётган ва бири келаётган кунлардир, ўтаётган бугунги кун эртанги кунга уланарми-кан? Буниси ҳам дарғумон.

Ундан бошқа тириклик кунларини ҳаёт ҳисобига киритмаслик керак, уларга ишонч умуман йўқ, кесиб сўз айтдим.

Аёл билан суҳбат ҳам эркаклик ўтини сўндириш учун бир муддатли вақтдир.

Бу ўтни қанақасига ўчирса ҳам ўчади, хоҳ кўркли аёлни қуч, хоҳ кўркисизини, бунинг фарқи йўқ.

Бўғизнинг бор-йўқ ҳаловати эса қоринни тўйдирмоқдир, холос, қорин тўйгач, қолган барча фойдали ишлар нутилади-қолади.

Қорин тўйса, арпа ёки ҳалво бари бирдир, барчаси ортиб қолади, кирадиган йўл тўсилади.

Шакар, ҳалво ва лаззатли неъматларни еб юрганлар бўлса айтсинлар, тўйиб ётгани билан тонгда яна очиқиб турилади.

Фикр-мулоҳазали камбағал нима деганини эшит, у камбағал бўлса ҳам, шубҳасиз, кўзи ва кўнгли бойдир:

Сен узоқ муддат лаззатли неъматларни единг, мен эса сабр-тоқат билан кепак ва тариқ едим.

Иккаламиз ҳам бирдек тўйиб, кечаси баб-баравар ётдик, кечамиз ўтиб, бугунги кунимиз соати бирдек етиб келди.

Мол-дунёни қанчалик термагин, ўзинг охири ўласан, сенга аниқ икки газ бўз насиб бўлади, холос.

Камбағал ва бой иккаласи ҳам ўлимдан кейин қора ер қаърида тенг бўлади-қўяди, кўргин.

Икки кунлик омонат дунёда унинг ўткинчи ҳаловатига нима учун маҳлиё бўлиб кериласан?

Ўзинг мол-дунё теришга суқланасан, ўлим эса сени тутмоқ учун суқланади.

Тириклик, роҳат-фароғатларинг кундан-кун сендан қочади, ёвуз ўлим деган нарса томирингни кесади.

Тирик бўлганлар албатта ўладилар, лекин қайси кун ўлишини биладиган одам йўқ.

Қичик эканлигида соқол чиқишини орзу қилади, соқол униб чиққач эса, унинг оқаришига умидвор бўлиб орзиқади.

Соқолинг оқардими, ўлим яқинлашди демакдир, ўлимнинг чораси йўқ, унга қарши қурол-аслаҳа ҳам бўлмайди.

Шундай экан, бу дунё учун ўзингни ўтга урма, унга жудаям жон куйдирма.

Бу дунёнинг бисоти шўр сув кабидир, уни ичганинг билан қопмайсан, тилнинг ҳам намланмайди.

Одам дегани бир чўл қумига ўхшайди, унинг суқли кўзига дарё суви оқиб кирса ҳам тўлмайди.

Бу дунёнинг ишлари саробнинг ўзгинасидир, одам ушлайн деб қўл узатганда йўқотади.

У саробга ўхшаб кўзнинг ўнгида туради, кетидан қанча борсанг, ўшанча қочади.

Тана ва нафсга эрк берма ва бўйин эгма, унинг истаклари эрмак ва ўйин, алам ва қайғу келтиради.

Ўтказган тириклигинг кетади, қайтиб келмайди, қолган тириклигинг ҳам қандайлиги номаълум.

Лоақал нақд кунларингни беҳуда кетказма, ўлимга ҳозирлик кўр, жаҳду жадал билан тоат-ибодат қилгин.

Ғафлатдан уйғонган дадил киши нима деган, эшит, у ҳамма касофатлардан тўлиқ фориг бўлгандир:

Ўтаётган бу тунигги ўтказдинг, агар бугун саломат ётиб тура олсанг, келаси кунинг ҳам шояд ўтар.

Ўтказган ва ўтказадиган кунларинг орасидаги бугунги кунинг ғаниматдир, ҳаёт мана шунчаликдир, шунчаликка ортиқча ғурурланмагин.

У ерда ўтган кунларим беҳуда бўлди, энди ҳақиқий ҳаёт бу ерда деб билдим, ўтказиб юборган беҳуда умримга афсуслар айтдим.

Бугун мени яна шаҳар ва қишлоқларга чақирмоқдасан, нафсим мени қул қилиб қўйгудек бўлса қутқарувчи борми?

Тана ва нафс бир ёвдир, яна бир ёв ҳам ҳамма ёққа дом ёйиб ташлагандир. унинг оти хазинадир.

Тана — нафс орзу-истаги билан заҳмат чекиб юрма, унга қаттиқ тур, тана — нафснинг баҳрасини қондирма, прода билан уни рад қила бил.

Ўзини босиб олган, ҳавас-нафс бўйинини янчиб, ўзини тута билган одам нима деган, эшит:

Эй билими теран, тана ва нафснинг асири бўлмагин, асир бўлгудай бўлсанг, тана ва нафс динни қурбон қилиб юборади.

Ким барча ишларни ҳавас — нафс туфайли қилса, ундай кишини билимли киши деб бўлмайди.

Ким ҳамиша тана ва нафсига эрк бераверадиган бўлса, ундай одам шубҳасиз жоҳилдир.

Заковатсиз одамлар ўликдилар, эй қариндош, агар улар ҳавас ва орзуларининг бандалари бўлиб қолсалар.

Мана, бу дунёнинг йўриқ ва ҳангомалари шунақа, мен буларнинг барчаси ҳақида гапирдим, сен уларни тушуниб олгин,

## УГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Эй қутли одам, сен айтган барча сўзларингни эшитдим.

Модомики дунёнинг ҳоли мана шундай экан, ўзингнинг қисматингни ўзинг аччиқ қилмаслигинг керак.

Бу кенг дунёни ўзинг учун тор қилма, гуноҳкор бандалари учун тангрининг карами ҳам бор-ку!

Унинг азоблари кўп бўлгани билан бир қаторда раҳматлари ҳам беҳисобдир, гуноҳкорлар учун раҳмат жуда азиз нарсадир.

Азобидан жуда ҳам қаттиқ қўрққин, раҳматидан ҳамиша умидвор бўл, тоат-ибодат қилиб, бандалик бурчини ўтагин.

Олам халқи шаҳар ва қишлоқларни ташлаб, оғир машаққатни ўз зиммасига олиб тоққа чиқиб кетадиган бўлса,

Олам бузилиб ҳаммаёқ бўш-бўш бўлиб қолади, одам-зод авлодининг зурриёти кесилади-ку.

Еинки барча одам бу дунё мол-бисотини истаб тунларни кунларга улаб елиб-югурадиган бўлса...

Тирикликнинг дармони бўлмиш эгинга кийим ва томоққа емиш жуда ҳам керакли ва зарур нарсалардир, эй қариндош.

Эгин учун кийим, томоқ учун емиш каби нарсаларсиз тирик жоннинг чораси йўқ.

Ҳалол мол-дунё топиб, баҳраманд бўлса, ўша нарсалардан камбағалларга ҳам улашиб берса ярашади.

Одамда мол ва томоқ ташвиши бўлмаса қандай яхши бўларди, мол ва томоқ ташвиши одам учун иложсиз заруратдир.

Худонинг жазосидан ҳамиша қўрқиб тургин, шунингдек унинг карамидан ҳам ҳамиша умидвор бўлиб юргин.

Мана шу иккиси билан бандалик йўли топилади, ҳақиқий йўл мана шудир, бандалик йўлидан адашмагин.

Таълим берувчи бу ҳақда жуда яхши гапирган, у билимсизларга панд-насиҳат, ўғит берган:

Умид ва хавфдан сен қанот боғлагин, мана шу иккаласи асосидаги йўлни танлаб олгин...

Умид билан хавф — бу иккаласи мисоли бир қанотдир, бу иккаласи билан учадиган одам осмонга йўл топади.

Гуноҳларим кўп деб умид узмаслик керак, тоат-ибодатга ишониб ғафлатда қолмаслик ҳам керак.

Унинг буйруқларини муқаддас тутса, беқадр қилмаса,

беқадр тутганлиги оқибатида эвазига ёмонлик кўрмаса, мана шулар бандалиқдир.

Одамларни эмас, ўзингни одамлардан пастроқ, деб билгин, йўл-йўриқларинг ва тилинг билан одамларга яхшилиқ қилгин, шунда яхши одамсан.

Мана, мен билганларимни сенга айтдим, бу сўзларга амал қилгин, улар сенга эзгулик келтиради.

Агар бу айтганларимга амал қилмасанг, менга жавоб бер, қулоғим сендадир.

Сўзни чўзишдан ортиқ фойда йўқ, кўп гапиришдан ҳам ҳеч қандай манфаат йўқ.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЎГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш қўли билан бошига урди, узоқ ўйга толди ва сўнг бошини кўтарди.

У айтди: Эй қариндош, ташвишим ортди, сен қариндошлиқ юзасидан сўзладинг.

Менга яхшилиқ соғиниб ушбу сўзларни айтдинг, худо хайрингни берсин, менинг ғамимни единг.

Яхшилаб ўйлаб қарасам бу ишдан менга ҳеч салоҳият кўринмаётир, эй мардонавор йигит.

Менга маъқул келмади, кўнглим бу ишга чопмаётир, кўнгилга маъқул келмаган ишни қилиш эса хатарлидир.

Донишмад сўзлари билан қандай яхши таълим берган, у севган ва севилганларга кўнгли баб-баравар очиқ кишидир:

Қайси ишни қилмоқчи бўлсанг, энг аввал ўз кўнглинг билан кенгашиб кўргин.

Барча гапларингни айтиб одамлардан маслаҳат ол, лекин кўнгил чопмаса, у ишдан ўзингни четга олгин.

Бошқалардан кўра ўзингга ўзинг меҳрибонроқдирсан, кўнглинг хоҳламаган ишни қўйгин, сўз тамом.

Кўнглингга маъқул келмаган ҳар қандай ишда ҳеч қандай эзгулик бўлмайди, эй аслзода.

Бу ишга кўнглим жуда ҳам севиб чопмади, шунинг учун ҳам мен дарҳол бу таклифдан воз кечдим.

Бунинг учун сендан узр сўрайман, сен мени ўз ҳолимга қўйиб бер, эй кишиларнинг сараси.

Менинг элигга ярайдиган хислат — фазилатларим йўқ, феъл-хулқим, йўл-йўриқларим, сўз ва гапларим ҳам элиг хизматларига лойиқ эмас.

Ўзим бу дунёдан қочиб бу ерга келганман, яна у ерга қанақасига қайтиб боришим мумкин?



Учрашиб-кўришинимизни кўмсаб қолгудай бўлсанг, сен бу ерга келмагин, ўзим сени истаб бораين.

Машаққатлар менга тегсин, сен роҳатда яшагин, элигинг хизматларини ва халқнинг манфаатларини кўзлагин.

Меҳрибон одам нима деганини эшитгин, у яқинлик боғловчи ва меҳнат — хизматга содиқ кишидир:

Одам кўнглига тугиб, кўз олдига аниқ мақсад қўйса, тилакнинг машаққатли йўллари яқин бўлади.

Одам қасд қилиб аниқ мақсад билан юрса, ўз тилагига етади, йўлда ҳориб қолмайди.

Севган одам жуда яхши сўзлаган, у вафо билан танилган ва севганларнинг сарвари бўлгандир:

Кўнгил яқин бўлса, йироқ ер ҳам яқин бўлади, яқинлик вафосининг маскани — кўнгилга қарагин.

Яқинлик бурчи вафо билан ўталадиган бўлса, Шарқдан Ғарбгача бўлган масофа бир ўрламгина ердир, холос.

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Сўзларингни эшитдим, энди сен ҳам менинг сўзларимни эшитгин.

Менинг гапим тугади, энди эсон ва яхши қол, мени уятга қўйма, элигга мактуб ёзиб бер.

Элиг сенга ўз қўли билан мактуб ёзиб йўллади, унга қайтиб жавоб йўллаш керак, эй билагон.

Энди менга жавоб бер, мен қайтайин, тилинг билан ўлчаб сўзларингни сўзла, қарзингни уз.

Менга оғзаки сўзларингни тайинла ва мактуб ҳам ёз, элиг ҳузурига қайтайин, эй зийрак доно.

## **ЎЗҒУРМИШНИНГ ЭЛИГГА МАКТУБ ЙЎЛЛАШИ ҲАҚИДА**

Ўзғурмиш жавоб берди: Эй тетик киши, агар лозим бўлса мактуб ёзганим бўлсин.

Давот ва қоғоз келтиришларини сўради, қўлига қалам олди, сўзни давом эттириб элигга мактуб ёзди.

Сўзини тангри номи билан бошлади, яратган, парваришлаган, кечирган эгам, деди...

Элигинг ҳақиға дуолар қилиб мактуб ёздим, унда саломлар ва эсонликлар битилган, эй зийрак киши.

Элиг мактуб йўллаб ва сўз айтиб, мени йўқлабди, мактубингни ўқидим, кўзларим севинчдан равшанлашиб кетди.

Кўп яхши ёрлиқлар, беҳисоб панд-насиҳатлар ва

бисотингдаги барча яхши сўзлар билан менга марҳаматлар кўрсатибсан.

Яна устига кўп эзгуликлар кўрсатишни ваъда қилибсан, лавозимлар, инъомлар, егулик-кийгуликлар билан ярлақамоқчи бўлибсан.

Шундай орзу билан юрадиган инсонлар орзуларига эришмоқ учун дунёни кезадилар.

Хизмат сингдирмасдан туриб сенинг марҳамат ва инъомларингга муяссар бўлсам, қанақасига бу қулай бахтнинг зиёнини кўрмайман?

Бунинг бир қанча бошқа зарарлари ҳам бордир, ўзим бу дунёдан кетсам, у зарарлар кейин тегади.

Булардан бири — хизматларимнинг йўқлигидир, яна бири эса халққа вафолар билан яхшиликлар қилмаганимдир.

Низом-қоида, расм-удум, йўл-йўриқларни билмайман, феъл-хулқим муносиб эмас, бу каби хизматчи нимага яраб эди?

Иккинчидан, бу дунёнинг жафокорлигини билиб, жафо қилмасидан бурунроқ мен унга жафо қилдим.

Тангрига сиғиндим, ўзимни унинг йўлига бағишладим, диним билан имонимни тангрининг ўзи асрасин.

Томоққа егуликдан, эгинга кийгуликдан яратган эгам мени кам қилмайди.

Сенга дунё-давлатни тугал берди, сира дариг тутмади, менга бермайдими, эй кишилар афзали.

Ўзи яратди ва шу даврга қадар парваришлади, бундан буён ҳам ўзи паноҳ бўлади, эй дунё беги.

Барча ёмон-яхшиликларимни, камбағал-бойликларимни фақат эгамдан кутаман, эй саховатли мард...

Сенинг ҳузурингга, сенинг даргоҳингга бориб, тиркилимни зое кетказиб нимани ҳам орзу қилишим мумкин?

Иккаламиз ҳам тангрининг тенг бандаларимиз, бизнинг даражамиз тангрининг бандалигидан ўзга нарса эмас.

Модомики иккимиз ҳам худонинг қули эканмиз, бас, қулликка хизмат қилмоқ ярашмайди, қулнинг хизмати ни қилиб ўзини обид дейиш бўлмайди.

Ўзини тутган киши ушбу сўзларни жуда яхши сўзлаган, эй кўнгли пок, сен унинг сўзларини эшитгин:

Очиқувчи ва тўювчига хизмат қилмагин, нима учун хизматкорга хизмат қиласан?

Фақат ягона худога тинмасдан хизмат қил ва кечаю кундуз эшигингни очиқ тутгин.

Эй элиг, аввал тўрт ҳожатимни раво қил, мен сенинг қўл ва юзларингдан ўпиб хизматингни қилайин.

Мен заволсиз тириклик истайман, қаримайдиган йигитлик истайман.

Сен мени доимо дардсиз саломат сақла, сира камбағал қилмасдан ҳамниша бой қилиб тут.

Мана шу тўрт нарсани менга муҳайё қилгин, сўнг сенга хизмат қилайин, азиз жонимни фидо қилиб, ўзим қулинг бўлайин.

Мана шу нарсаларни бера олсанг, эй элиг, ўзимни сенга қул қилиб, сенга қўл берайин.

Агар мана шуларни беришга кучинг етмаса, унда сенинг мендан нима ортиқлигинг бор? Очигини айтиб қўя қол.

Менинг егулик-ичгуликларим бор, кийгуликларим ҳам етарли, мабодо яна лозим бўлиб қолса, эгам албатта беради.

Қадр-қиммат ва қадрсизлик тангридан бўлади, ўлим ёки ҳаёт ҳам ўшандандир.

Мана буларни ҳақиқатлигича тушунган киши билимли бўлади, бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, эй барака топгур.

Эй асли бек зотидан бўлган киши, мени танҳо тангрим асраганидай асрай олмайсан.

Мен қолиб, сени мен асрашим керак бўлади, мени эса тангрининг ўзи асрайди, сўзнинг очигини айтиб қўя қолдим.

Ўзинг тўймагунингча менга овқат тегмайди, эгам ҳамниша мени тўйғизади, ўзи эса овқат емайди.

Ўзим мунгга тушиб қолганимда бу ҳақда баён қилувчининг кераги бўлмайди, тилим тебранмасданоқ тангри сўзларимдан огоҳ бўлади.

Хизматкор ёки бек менга юзланган балоларнинг олдини ола олмайди, тангрим менга зўравон ва золимнинг зулмини тегизмайди.

Сенга гуноҳ қилиб қўйсам, мени кечирмагайсан, минглаб гуноҳлар қилсам ҳам мени эгам кечиради.

Гуноҳкор қул нима деган, эшитгин, у кўнгил сирларини очиб, тилга чиқаргандир:

Эй чиндан ҳам меҳрибон вафоли эгам, сендан ўзга бирор эга топмадим.

Мен ҳожатмандингга тилакларини ўзинг берасан, ёмонлар учун ҳам, ҳожатмандлар учун ҳам ўзинг таянчдирсан.

Дардларимга шифосан, аламларимга севинчсан, мунгимда таянчимсан, зерикканда овинчимсан.

Қувончим, севинчим, овунчим барчаси сенинг севинчинг ичидадир, эй қодир.

Мен сенга жуда кўп гуноҳлар қилдим, лекин сенинг раҳматларингдан гуноҳлар озгинадир, раҳматинг эса чексиздир.

Гуноҳларимни кечиргин, ундан сенга зиён бўлмайди, менга азоб бериб қийнамагин, қийнамоқдан сенга манфаат йўқ.

Эй элиг, бу дунё ўткинчидир, тириклик кундан-кунга тугайди, олқинади.

Нега унга ишониб узоқ умид боғлаш керак? Нега унга бино қўйиб маҳлиё бўлиш керак?

Ўтказиб юборган кунларингни беҳуда кетказган бўлсанг, энди келажак кунларингни беҳуда ўтказма.

Кечиб бораётган кунлар ичида кераклигингни олиб қолгин, кўчирувчи ўлим келишига ҳозирлигингни кўриб қўйгин.

Мен шу аҳволни кўриб турганимда элигга қанақасига фойдам тегиши мумкин?

Элиг менинг ихтиёримни ўзимга қўйиб берсин, бу ерда унинг ҳақиға дуолар қилувчи бўлайин.

Энди мен қолган умримни сарф этиб, тоат-ибодат билан тангримнинг севинчинигина тилайман, холос.

Ҳарна бори мен учун кифоя, ортиқчасининг кераги йўқ, бу дунё аслан ўзи бир сиқим тупроқ каби арзимасдир.

Эгним бут, шунингдек қорним ҳам тўқ, дунё таг-туғи билан қўпорилсин, менга унинг бошқа кераги йўқ.

Бориға рози бўлган киши жуда яхши сўзлаган, қаноат ва розилик орқасидан унинг қути тугалдир.

Томоққа емиш етарли, эгинга керагича кийим ҳам бор.

То ҳаёт эканман ризқимни ҳам топаман, керак бўлган нарсаларни эгам ўзи беради.

Элиг менинг манфаат келтиришимни кўзлаб чақираётган бўлса, сенга фойда берадиган даражада заковат ва билим ҳам йўқ.

Мабодо эл ишларига яраб қолар деётган бўлса, ярайдиган ерим йўқ, кесиби сўз айтдим.

Бир ўзи бўлса ҳам иш-юмушларингда қариндошимнинг одамнинг ишини қила олади.

Агар мени эзгу тутган бўлсанг, тангри сени ҳам эзгу тутсин, эй адолатпарвар элиг.

Жаҳонга донғи кетган не-не жавонмардлардан минг тумани элигининг атрофига жам бўлган экан.

Бир мендан элигга нима фойда тегарди, фойдасиз ишнинг мазаси бўлмайди.

Сендан ўзим учун узр сўрадим, мени ўз ҳолимга қўй, лекин кўнглинг қолмасин.

Яна қандай сўз ўтганлигининг тадорик-тадбирларини қариндошимдан эшитасан, сўзлаб беради.

Сўзларини ёзиб тугатди, мактубни ўраб тугди, Угдулмишга берди, қариндоши чаққонлик билан уни олди.

Ўзғурмиш айтди: Мен ўз истакларим ва сўзларимни ёздим, тилим билан гапирганларимни ўзинг эшитдинг, эй қора кўзим.

Уларни ўзинг тушунтиргин, элиг эшитсин, ўз ҳолимга қўйсин ва мендан умидини узсин.

Элчи хабар келтиради ва жавобини элтади, жавоб сўзларимни эшитдинг, уларни элигга етказгин, эй барака топгур.

Учўрду хони нима деганини эшитгин, бу сўзларни бутун элга атаб айтгандир:

Сўзидан адашмайдиган элчига ўлим йўқдир, агар у тайинланган сўзларни чин ва тўғри сўзласа.

Элиг бу ҳақда бундан ҳам яхшироқ сўзлаган, элчи қандай хабар келтирса ҳам қийнама, деган.

Элчига ўлим йўқ, буни аниқ билиш керак, агар эшитган сўзларини тўппа-тўғри етказса.

Элчи дегани бу — воситачидир, бу воситачи унга тайинланган сўзларни тўғри етказса, ўлмайди, омон юради.

Элчи зиммасига юкланган вазифани яхши бажарса, унинг шаънига яхши сўзлар айтиб, инъомлар бергин.

## УГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Сен нималар деган бўлсанг барчасини эшитдим.

Унинг мактубига жавобан мактуб ҳам ёздинг, мен мактубингни элтиб бераман.

Лекин, эй қариндош, шубҳам шундаки, элиг сени ўзидан ташқарида қўйиб қўймаса керак.

У мени юборадими ёки бошқаними, билмайман, лекин албатта сени яна қайта чақиради, эй хушфёъл.

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Бундай сўзларни сўзламагин, кўнгил изтироб чекади.

Мен бу ердан чиқиб у ёққа бормоқчи эмасман, ўзингни қийнаб бу ерга қайта келиб юрмагин.

Қидириб, сўроқлаб топилмайдиган нарсани ишташ ярамайди, айтилмайдиган сўзни сўраш тубанлик бўлади.

Билими теран киши нима деганини эшит, у ярайдиган ва ярамайдиган нарсаларнинг барчасини синаб билгандир:

Сўраб бўлмайдиган нарсани зўрлаб сўрама, истаб топилмайдиган нарсани чираниб истама.

Ҳар ерга яёв юриб боравермагин, агар борсанг ма-шаққат кўрасан, тушунгин.

Ўзгурмиш яна айтди: Кел, энди бас қилайлик, сен яна қайта келиб ўлтирма, эй мард ўғил.

Ўгдулмиш ўрнидан турди ва деди: Сўзларим тамом, энди кетайин.

Ўгдулмиш қариндошига ўзи тушунган ва билган бош-қа нарсалар ҳақида ҳам анча гаплар айтди.

Ўгдулмиш отига миниб орқага қайтди ва етиб келиб уйига тушди.

Қуёш ерга қайтди, юзини беркитди, осмон юзини қора сувсар рангидек зулмат қоплади.

Олам юзига кўмирдек қора бўёқ тортди, очиқ кўзлар юмилди, уйғоқлар ухладилар.

Ўгдулмиш жой ҳозирлашни буюрди, ётди,

Бир муддат ухлади, сўнг бошини кўтарди.

Шарқдан ўтдек ёлқин тарқала бошлади, келинчак юзини очгани каби жаҳон мунаввар бўлди.

Маржоншода қалқон юқорилаб кўтарилди, жаҳон-нинг юзи оқ марварид каби ёришди.

Уйдан чиқиб саройга борди, киришга ижозат сўраб элигга кўриниш берди.

Энг аввал элиг Ўзгурмиш ҳақида сўради, қани, келтирган хабарларингни гапир, деди.

Қандай сўзлар бўлиб ўтди, ишинг нима бўлди, бо-ришдаги мақсаднинг ҳал бўлдими, қариндошининг келади-ми?

Ўгдулмиш олдин мактубни берди, элиг олиб очди, кўз югуртириб ўқиди.

Юзи қизишди, ранги ўзгарди, заҳарханда билан узоқ ўйга толиб жим қолди.

У деди: Қариндошининг жуда кескин сўзлабди, лекин ушининг айби йўқ, ҳақиқат сўзларни сўзлабди.

Қим айтишидан ва сўзлашидан қатъи назар, тўғри сўз кескин бўлади, мен ипак мато юборсам, у менга тикан тугиб қайтаргандек бўлибди.

Оғизда айтган гаплари нималар эди, айтгин, барча эшитганларининг сўзлаб бергин.

Угдулмиш эшитган гапларини элигга баён қилиб берди, қандай сўз бўлиб ўтган бўлса, оқизмай-томизмай барчасини сўзлади.

Айтди: Турли сўз бўлиб ўтди, ақлдан, заковатдан гапирди, мен гапирдим, суҳбат хўп қизиди.

У барча сўзларимга жавоб берди, мен уни қаттиқ қистовга олдим, лекин у қаттиқ кўз юмиб олди, унамади.

Мен ҳар қанча қилмайин, бу ерга келмади, кесиб-кесиб гапирдим, аммо кўнгил бермади.

Элиг Ўзғурмишнинг барча сўзларини эшитди, барча сўзларида ақл-заковат, билим бор эди.

Уни яна қаттиқроқ орзулаб қолди, кўнгли қўмсади, кўнгил қўмсаб қолса, бу одамга катта ташвишдир.

Назар солиб қаралса, мардлар боши жуда яхши сўзлаган, кўнгил истагини топмаса, одам дилгир бўлиб қолади:

Кўнгил мисоли бекдир, тананинг бошқа аъзолари унга қулдир, беги қайси йўлдан юрса, қулларининг йўли ҳам ўша йўлдир.

Орзу-тилакка мойил бўлиб қолсанг, кўнгилни йиғиб ол, орзу ушалмагунча кунинг ҳаловатсиз бўлади.

Элиг яна айтди: Эй Ўгдулмиш, қариндошинг ҳақиқий баркамол киши экан.

Кошки унинг сўзларини эшитсам эди, феъл-хулқи қилиш-қилмиши, билимлари, бошқа фазилатлари ҳақида ҳеч нарса билмасам эди.

Булар ҳақида билдим ва эшитдим, энди ҳаракат қил, мени тилагимга етказгин.

Менинг ўз элимда тилаган кишим бўла туриб, унга эришмасам, бу номаъқул бўлади-ку!

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГ — ПОДШОҲГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди: Эй элиг, эл орасида сара, хулқи гўзал сардор!

Қайтар пайтимда қариндошимга элиг мени яна қайта юборади, мен ҳузурингга яна келаман, деб айтганман.

У сени тинч қўймайди, охири олиб кетади, деб ҳурматини жойига қўйганман.

У мутлақо умидни уздириб, яна қайта келма, мен у ёққа бормоқчи эмасман, қистама, деб айтди.

Элиг сўзларингни эшитдим ва уқдим, унинг бу сўзлари ҳисоб эмас, ўзинг яна қайтиб бор, деди.

Бу нима деган гап, кўнгли тилаб орзу қилган тилагига етолмаса.

Эл устида улуғ ҳукмдор бўлган одам ўз элида фармонини ўтказолмаса, қандай ҳукмдор бўлди?

Улуғликнинг яққол белгиси тилаган тилагига монесиз етишдан иборатдир.

Бу орзу менга яна бир ортиқча ташвиш бўлди, тадбири қилинмаса, армон билан кетаман.

Бу байтни ўқи, унда нима дейилган, эй кўнглим ишончи, унинг маънисини ўқиб олгин:

Барча дарднинг дармони, давоси маълум, дардни даволоччи ҳозирқи маълум.

Кўнгил орзу дардига мубтало бўлиб қолса, унга эришса, дарди шунда арийди.

Угдулмиш айтди: Эй элиг, дунёда чорасиз иш йўқ.

Элиг тинч, фароғатда яшасин, бу хизматкор қули унга фидо бўлсин.

Бу сўзларни элигга хизмат бурчим юзасидан айтишга мажбур бўлдим, энди бунга узоқ ўқинишнинг ҳожати йўқ, ташвишланиш бефойда.

Заковатли киши нима деб таълим берган, эшитгин: ҳар бир гапни маромида сўзлаб поёнига етказгин, деган.

Тилда сўзланмаса сўзнинг фойдаси каттадир, бу тилим сўзлаб мени кўп ўқинтирди.

Сўзни сўзламанган, сенга қул бўлади, измингда туради, агар сўзлангандан кейин у сени қул қилади, бошингга кулфатлар келтиради.

Сўзни ўйлаб сўзла, шошилма, қўнимли бўл, шошилиб сўзланган сўзнинг оқибати ўқинчли бўлади.

Угдулмишнинг пишиқ одамлигини, чақирганим билан келмаслигини ўйлаб кўрмасдан сўзлаган эдим, кўргин.

Элиг унинг келишини бир истаса, мен минг карра ортиқ истар эдим, ҳар ишда фойдаси тегар эди.

Тилагим шу эдики, мен билан бирга бўлса, у билан қўлни қўлга бериб хизмат ўтасак деган умидда эдим.

Уни қанча қаттиқ туриб қистаган бўлсам, шунча қаршилиқ қилди, умидларимни пучга чиқарди.

Яна бориш керак бўлса ўзим борайин, нималарни айтиш керак бўлса айтайин.

Элиг ҳам яна бир мактуб берсин, мактубни ўқисин ва менга ишонсин.

Элиг айтди: Мен бир бор мактуб ёздим, у мактубга кўз ёшидек дона-дона қилиб жавоб қайтарди.



Яна қандай қилиб мактуб ёзайин, мактуб ўрнига сен ўзинг етарли мактубдирсан.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди: Эй элиг, шундай бўлса ҳам баҳарҳол яна бир хат ёзиб бергин.

Элчи қанчалик тўғри ва қўнимли бўлса ҳам, мактуб бўлмаса кўнгил қуруқ гапга ишонавермайди.

Танийдиган одам учун мактуб бир гувоҳлик берувчи ҳужжатдир, аниқ дадил ва ҳужжат бўлса, ҳийла ва алдовга ўрин бўлмайди.

Элиг айтди: агар истагинг шу бўлса, сўз замирини очиб мактуб ҳам ёзайин.

Майли мактуб ёзайин, лекин мактуб шундай нарсаки, унга ҳамиша ишонавериш керак эмас, эй зийрак доно.

Нима дейиш лозим бўлса асосан оғзаки тушунтиргин, бор чора тадбирлар билан уни менинг ҳузуримга келишга ундагин.

## ЭЛИГНИНГ ЎЗҒУРМИШГА МАКТУБ ЮБОРИШИ ҲАҚИДА

Элиг яна довод ва қоғоз келтиришни буюрди, қўлига қалам олиб мактуб ёзишга бошлади.

Сўзини тангри номи билан бошлади, яратган, парварিশлаган, кечирган эгам, деди...

Аввалан сенга беҳисоб мақтов — олқишлар ва юзминг саломлар йўллайман, эй комил заковатли.

Сендан кўнгил сўраб мактуб юбордим, ўзинг қалайсан, кунларинг қандай ўтмоқда, эй тетик доно.

Сенинг олдингга қариндошингни юборган эдим, сен ҳузуримга келсанг деган умидда эдим.

Бу ерга келишни маъқул кўрмадинг, мен билан учрашиш ва юзимни кўришни истамадинг.

Мактубимга жавобан мактуб ёзиб юборибсан, қариндошинг оғзаки гапларингни ҳам бир-бир айтиб берди.

Мактубингни ўқидим, сўзларинг мазмунини тушундим, энди сўзларимга қулоқ бер, ўзингни четга олиб қочма.

Сенга шакардан ширинроқ сўзларни айтиб юборган эдим, менга юборган жавобларинг оғудан аччиқ бўлди.

Яна менинг мана бу сўзларимни ҳам эшит, уларни дилингга жойлаб ол.

Сен зоҳид деган номни олдинг, шу номинг сабабли тоғ бағридан кулба топиб зоҳидлик қилмоқдасан.

Мана шу овоза билан номинг тақилде одам орасида бу номинг белгили бўлиб қолди.

Сенинг тоат-ибодат қилишларинг мана шу сгинг учунгинадир, ўз қисматингни зўр-базўр увол қилмагин...

Ҳалол мол-дуё топгин, ўзингни таминла, яланг-юпунларнинг жулдурларини бута, очларни тўйғаз.

Одамларнинг яхшиси ҳалол мол-дунё топса, у икки дунё неъматларини қўлга киритган бўлади.

Эй ҳузуримга келмаган одам, мана бу сўзларга қулоқ бер, пок, доно, асли улуғ одам мана бундай деган:

Худонинг бандаларига манфаат келтиргин, одамларга фойдаси тегадиган одамнигина одам деб аташ мумкин.

Эй зоҳид киши, мен бу ерга мусулмонларга манфаатинг тегишин кўзлаб чақиртирмоқдаман.

Бу ёққа келгин, уларга фойданг тегсин, ҳожатларига ярагин, фойдаси тегмайдиган киши одамлар орасида ўликдир.

Фақат ўз фойдасини истайдиган киши одам бўлади-ми, эл фойдасини кўзлаганларгина одам ҳисобланадилар, холос.

Нарса улашиб бериш саховат эмас, бутун бор-йўғини ва жонини бағишлаб юборадиган одамгина сахийдир.

Ўзини бир панага олиб туриш меҳрибонлик эмас, одамни йўқлаб, истаган киши меҳрибон бўлади.

Яхши одам дейдилар, яхши одам қанақа бўлади? Бу ҳақда менга айтиб бергин, эй доно.

Эзгу киши дейдилар, эзгу киши ким? Эзгу киши қайғу-аламда одамнинг дардига дармон бўлувчи кишидир.

Эй эзгу, эй покиза ва эй билими теран киши, мана бу сўзларга назар сол, фаҳм-фаросатингни етказ.

Айтган шу сўзларим ростми, кўргин-чи. Агар дарҳақиқат рост бўлса, бу ерга кел, кибру ҳавонгни қўй.

Кўп гапирилган гап зерикарли бўлади, заковатли одамлар гапни кўп чўзмайдилар.

Мана шу бўлиб ўтган гаплар билан кифоялан, энди бошқа гапирмагин, заковатга, билимга асосланиб баҳслашиб тортишавермагин.

Яна қўшимча айтмоқчи бўлган гапларим нима бўлса, қариндошинг гапириб беради, мен унга тайинлаб топширганман.

Мактубни тугатди, қаламни ювиб бир чеккага қўйди, хатни қуритди ва ўраб қаттиқ қилиб боғлади.

Мактубни олиб устидан тамға босди ва Ўгдулмишга берди, у мактубни олди.

Ҳаракат қилгин, қанақа чораси бўлса қилиб, уни шаҳар ва қишлоқларга чақиргин ва олиб келгин.

Бу ёққа келсин, нима истаклари бўлса, тадбирини қилиб, уларни бажо келтирайин.

Ҳа, албатта, деб Угдулмиш у ердан чиқди, эзгу киши уйи томон жўнади.

Етиб келди ва уйига кириб ўлтирди, еб-ичди ва бир муддат хаёл суриб ётди.

Румий қизи, яъни қуёш юзини ерга яширди, жаҳон юзи занги юзи каби қорайди.

Осмон бутунлай қора қуш рангини касб этди, борлиқ жаҳонга қора қуш пари тўлиб кетди...

Тўшак тайёрлаб беришларини буюрди, қариндоши билан учрашиб нималар дейиши ҳақида узоқ ўйлаб етди.

Бир оз ухлагач яна уйғонди, тун ўчган кўмир каби қопқора эди.

Уйқуси ўчиб кетди ва ўрнидан турди, қора тун этагини юқори кўтарган эди.

Туриб таҳорат олди, босмод намозини ўқиди, намозини ўтаб бўлгач, бир муддат дуо ўқиб ўлтирди.

Қуёш ердан юқори кўтарилди, равшан юзи кулаётган гўзалдек жилмайди.

Бир хизматкор ўғлон билан тезликда отини тутди, уйдан чиқиб хурсанд бўлиб қариндоши томон жўнади.

Қариндошининг кулбасига яқин келганида, отдан тушди, шукрлар айтиб пиёда кулбасига борди.

Оҳиста эшигини қоқди, қариндош тоат-ибодатини тўхтатиб келиб эшик очди.

Ўзгурмуш унинг қўлидан тутиб ичкарига бошлаб кирди, иззат-ҳурмат билан ўпиб, ўлтиришга ўрин кўрсатди.

Айтди: Эй қариндошим, нега яна қийчалиб менинг ҳузуримга келдинг, сабабини айт.

Мен гапнинг пўсткалласини айтган эдим-ку, сен уни эшитган эдинг-ку, нимага мени зўрлаб қийнайсан?

Таълим бергувчи, синаб ёмон ва яхши одамни билиб олгувчи киши нима деган, эшитгин:

Одамни билиш учун бир марта кўришнинг ўзи кифоя, севиш ёки севмаслигини билиш учун бир мартагина сўз сўраш кифоя.

Мис ва олтинни одам кўриб фарқлай олмаса, озгина намуна олиб уни сир тошига ишқалаб суриб кўрса кифоя.

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй қариндош, менидан аччиқланиб кўнгилни жароҳат қилма.

Элигга сўзларинг битилган мактубингни бердим. ор-заки айтган сўзларингни ҳам барчасини айтдим.

Сўзларингга жавобан у мактуб юборди, деб мактуб-ни берди.

Ўзғурмиш мактубни олди, ўровидан очди, мактуб-ни кўздан кечириб ўқиб чиқди ва ўйга толиб қолди

У айтди: «Эй қариндошим, ўзи нималар бўлаётир, нима учун бунчалик қасд қилиб менинг пайимга тушди?»

## ЎГДУЛМИШ ЎЗҒУРМИШ БИЛАН ИККИНЧИ БОР МУНОЗАРА ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўгдулмиш жавоб бериб, сўзга лаб очди ва: эй қариндошим, сўзни эшит ва билиб ол, деди.

Элигнинг сенга тилаги фақат эзгуликдир, сенинг эзгулигинг ичида ўзига ҳам эзгуликдан умидвор.

Ўзинг биласан, бу ерда қилаётган тоат-ибодатларинг барчаси қанчалик савоб-носавоб бўлмасин,

Шаҳар ва қишлоқларда одамлар орасидаги мен айтган хизматларнинг барчаси фақат савобдан иборатдир.

Бу дунёнинг қут ва баракатлари юз уриб келаверса ва номингни улуғласа, бу нарса ҳам сени тушунгандек яроқсиз ва ёмон эмас.

Одам дунёни тарк этиб зоҳид бўлса, бу туфайли албатта маънавий манфаат ва эзгулик олиб кетади.

Бу дунё мол-матоларни ҳам ёмон дейиш ярамайди, агар ундан одам ўзи баҳраманд бўлса ва халқни баҳраманд қилиб ёруғ юз бўлса,

Саховатлилар бошлиғи бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, эй эзгу киши, уни сен ўқигин ва тушуниб олгин:

Мол-дунёси бўлса, одамнинг билим ва дониш ўрганиши ўнғай бўлади, ҳар қандай эзгу ишларни қилишга қўли етади.

Одам мол-дунёга суяниб тилакка интилса, у мовий кўкка кўтарилади, бунда мол-дунёси яхшигина таянч бўлади.

Истагинг ҳаж қилиш бўлса мол-дунё керак бўлади, эъзозга ҳам шу туфайли эришасан.

Олди-берди қилиш учун одамнинг маблағи бўлмаса, ҳар қандай хайрли ишни қилишга ҳам қўли қисқалик қилади.

Бундай хайрли ишлардан қандай қилиб юз ўгирасан. бу панд-насиҳатларни, ўғитларни нега мақбул кўрмайсан?

Мен айтган мана шу сўзларга бир назар солиб қара ва менга айтиб бер, ҳақиқатан ҳам шундайми ёки йўқми?  
Агар чиндан ҳам мен айтганларимдек бўлса, сўзларимга амал қил, айтганларимни билиб ол, эй кўнгли тўғри.

Ҳавасга қул бўлма, кўнгилни тўғри тут, одамларга аралашгин ва хотиржам юргин.

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Эй қариндош, мени ташвишга қўйдинг, ейдиган овқатимни заҳар қилдинг.

Дейлик, сен айтган сўзларингни олдим ва элиг хизматига бориб хизмат ўтай бошладим.

Хизмат қилиш учун ҳаммадан аввал қонун-қоида ва тартиб-низомни билиш зарур, хизмат қилиш йўл-йўриқлари, айтмиш-демишлари тўғри бўлиши керак.

Кириш-чиқиш, ўлтириш-туриш, одоб-қоидаларини билиш керак бўлади, хизмат қоидаларини билмаса, одам беҳудага меҳнат чекади.

Ўзинг бекларнинг хизматларини қиладиган бўлсанг, кўнгили ва тилингни тўғри тутиб, сўзингга эҳтиёт бўлишинг керак.

Хизмат қилишнинг қоида ва одобларини ўргангин, хизмат қоидаларини билсанггина, ўзинг хизматга лойиқ бўласан.

Мен эса одамлардан узоқлашганман, тартиб-қоида, расм-одатларни билмайман, қилиш-қилмишларим ҳам, муомалаларим ҳам ночордир.

Бекингга қандай қилиб хизмат қила оламан, мен учун бу жиҳатдан эшик мутлақо ёпилган.

Нимага сен мени қистовга олиб зўрлайсан, элигга хизмат қилгин, деб менинг сўзларимни писанд қилмай, баҳса менга ғолиб келасан?

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Сўзнинг тўғриси шу, уни сен бошқа ёққа бурма, эй кўнгли тўғри.

Тартиб-қоида ва расм-одатларни билмаслигингни элиг маъзур кўради, хоҳ ўлтиришда, хоҳ юриш-туришда бўлсин, сени айбламайди.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЎГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Бу сўзлар сен айтган-чалик яхши эмас, эй хушфетъл.

Сенга ёки менга тартиб-қондани, расм-русумни билмасдан гангиб юриш ярашадими?

Элни гуллаб яшнатиш, бошқарниш, халқни тузиб тартиб беришга, оламни сузиб тозалашга беклар муяссар бўладилар.

Эл-юрт тадорикларини, бекларнинг ишларини одам қонун-қондалар, тартиб-низомлар билангина қилади.

Заковатни ишга солиб, билимни юритиб, мана шулар туфайлигина беклар ҳар ишга қўл узатадилар.

Халқнинг бошчиси жуда ҳам яхши гапирган, у жаҳон ишларини билим ва заковат билан бажарган.

Оламни қўлда тутиб турувчи жаҳонгир заковатли бўлиши керак, халқларни босиб турувчига ақл-идрок ва жасорат керак.

Мана шулар билан бекларнинг қудрати ортади, ёвнинг бўйинини янчиб, ундан ўчини олади.

Энди биз бу урфу удум анъаналарини бузиб қонун-қонда, тартиб-низомлар тузишга жазм қилсак қандай бўлади?

## УГДУЛМИШНИНГ УЗЎРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй қариндош, бу унчалик қийин иш эмас, агар бу ишни қилаверсанг тушуниб оласан.

Мана, мен бу тартиб-қоида, расму одатларни биланман, сенга айтайин, кўриб, ўрганиб ол.

Қонун-қоида, расм-русумларни билмаган одам ҳаётдан ўрганади, ўргангандан кейин эса орзу-тилақларини топади.

Билимни равшан киши бунга жуда мослаб гапирган, бу сўзларга амал қилмаган кишининг билими чаладир.

Одам доно бўлиб туғилмайди, аста-секин ўрганиб, вақти келганда сўзлай бошлайди.

Одам билиб, ўрганиб, сўнг доноликка эришади, билимларни ўрганиб олгандан кейин ишлари юришади.

Ўзгурмиш жавоб бериб айтди: Сенинг тилақларнинг шулар бўладиган бўлса, менда ҳеч қанақа тилақ йўқдир.

Бугун мени элиг ҳузурига чақираётирсан, ўша сен айтган хизматлар қанақа бўлади? Қани менга айтгин-чи.

Кўнгилга манзур тушармикан, қани, сўзларингнинг тинглайин-чи, ўзим уларни ўргана олармиканман, шунч тушуниб олайин-чи.

Менга бир қатор низом-қондалар, расм-русумлар, тартиб-усуллар ҳақида бир-бир санаб гапириб бергин-чи.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА СЎЗЛАРИ

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Жуда ҳам тўғри сўзладинг, эй эзгу фол.

Қўйган қадаминг заковатдан йироқ эди, энди тўғри йўлга кирдинг, ҳақиқий йўналишни танладинг.

Энди мен сўзлайин, сен эшитгин, менга қулоқ бер, ўрган, кўзинг очилсин.

Агар ҳақиқатан ўрганш ва билишни ният қилган бўлсанг, тилингда ёлгон сўзлама, тилёғламалик қилма.

## БЕКЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ ҲАҚИДА

Хизмат қилувчи одам икки тоифа бўлади, хизмат қилса ишлари кундан-кун ривож олади.

Бир тоифа ёшлик пайтидаёқ хизматга кирганлар бўлади, яна бир тоифа улғайгандан сўнг бу ишни қилди.

Бу иккаласидан афзали ёшлигидан хизматга кирган ва хизматга кўникаб борган киши бўлади.

Гарчи мен бугун хизмат ҳақидаги сўзларни сенга гапирётган бўлсам ҳам, уни кичиклар хизматидан бошлаб айтайин.

Гапни ўртадан бошласа охири хайрли бўлмайди, одам доим тугаллик билан пухталиikka эришади.

Одам ўзи учун хизмат эшигини кенг очаман деса, ёшлигидан хизматга тутиниши керак.

Тартиб-қоидаларни ўрганиши, йўл-йўриқлар, кириш-чиқиш одобларини, одатларни ўрганиб олиши, ахлоқ намуналарини кўрсатиши керак.

Эрта барвақт туриб чаққон хизмат қилиши, камтарин, мулойим, одобли, назокатли бўлиши керак.

Елиб-югуриб эпчил хизмат ўташи, эшитишда ҳушёр, кўришда зийрак, фаҳмлашда етук ва шинаванда бўлиши керак.

Ўзидан улуғларнинг ҳурматини жойинга қўйиши, тилига жуда эҳтиёт бўлиб, сўзни қаттиқ сир тутуши керак.

Бу янглиғ ёш хизматчи хизматларни ўрнига қўйиб бажарса, юмушларни бегига манзур бўлгудек даражада кўндириб эътибор топади.

Бегининг ҳузурига кириб-чиқиш шарафига муяссар бўлади, тартиб-қоидага биноан арз ва узрларни бегига баён қилиш шарафига эришади.

Кичик мартабали киши мана шу даражага эришса, бек ундан кутган тилакларини топади.

Ўқ отишга моҳир, жасур бўлса, ўқ-ёйчилик даражасига эришади, феъл-хулқи тўғри бўлса, муҳдорлик даражасига эришади.

Қилмишлари пок, юзи кўркли бўлса, бек уни шаробдор қилади.

Хат ва ёзувларни билса, ҳисобга моҳир бўлса, хазинадор бўлади, ақл-заковатли, идроки яхши бўлса, саркотиб бўлади.

Одам бу лавозимлардан қайси бирига сазовор бўлса, мамнуният билан ўша даражасига муносиб ҳолда хизмат қилиши керак.

Хизмат қилувчи, хизматни муносиб бажариб тилагига етган киши нима деган, эшит:

Ўзинг бекнинг қаршисида рўбарў турадиган бўлсанг, ниҳоятда қўрқиб тургин, ўзингга эҳтиёт бўлгин.

Одоб сақла, йўриқни тузат, ўзингни тут, кўнги ва тилни тўғри тут, сўзларингни пиштиб, айтадиган гапларингни пухталаб ол.

Агар бек қаршисида турадиган бўлсанг, кўзингни ерда ва қулоқни теварак-атрофда тутгин.

Қўлингни қовуштириб тик оёқда тўғри тургин, сўл қўлингни ўнг қўлинг устига қўйиб тургин.

Эшикдан киришда остонадин аввал ўнг оёғинг билан қадам қўйиб ўт, бек буйруқ-ёрлиқ бераётганида диққат билан эшит ва англа.

Арз баён қилаётганингда қўлни кўксингга тўғри тут, икки тиз билан чўкка туш, тавозели ва мулойим бўл.

Бек ҳузурида сўлга ёки ўнгга аланглаб қарама, ўзинг ийманибгина тур ва сўзини ақл қулоғи билан эшит.

Сендан сўз сўраса, сўзнинг ростини баён қил, чиқишга ижозат берганда ёрлиқларини тўғри етказгин.

Май ичма, бекордан-бекор, беҳуда юрма, ярамас, нолойиқ ишлардан зинҳор қочгин.

Эшитган сўзларингни эшитмаганга ол, кўз билан кўрганларингни кўрмаганга сол.

Одам мана шундай хизмат қилиб хизматини манзур қила олса, бахт-қути кундан-кун ортади ва ишлари раванқ олади.

Айримлари хайл оладилар ва хайлбоши бўладилар, айримлари от-айғирлар миниб эл иш-юмушларини бошқариш амалини оладилар.

Баъзилар лашкарбоши, баъзилар ҳожиб, баъзилар сўз маъноларини очувчи саркотиб лавозимларини оладилар.



Баъзилар дониш топиб донишмандлик унвонини баъзилар кўкаюқ унвонини оладилар.

Баъзилар ишонч бек, баъзилар лочиндор бек, баъзилар қул бек, баъзилар шавкатли бек унвонларини оладилар.

Баъзиларига хизматкор қулларнинг ихтиёри тегади, булардан бошқа яна тақдирлаш йўллари кўпдир.

Киши шу мартабалардан бирига эришиб хизмат қилса, улуғликка эришади, орзуларига етиб, ундан баҳраманд бўлади.

Бек хизматкорларини мана шундай мартабаларга муяссар қилса, хизматчилари унинг ҳақини мақтагудек қилиб ўтайдилар.

Агар паст одамга ҳукм юритиш эрки тегиб қолса, бундай қул нобоп ишларни содир қилади.

Заковатли доно яхши гапирган: Нолойиқ одамга амал бермаслик керак, деган.

Таълимда бундан ҳам яхши айтилган: Эй элиг, жоҳилга элнинг ихтиёрини берма, деган.

Жоҳил одам улуғлик мартабасига эришса, хўжасининг бошини ейди, эй эл бошловчи киши.

Шунинг учун беклар хизматкор қулларини билимлари даражасига қараб тақдирлашлари керак.

Қулнинг феъл-атворини жуда ҳам яхшилаб синаш керак, заковати баробарида тақдирлаш керак.

Қул садоқатли, бегига жони ачийдиган бўлиши керак, бек шундагина унга иноятлар кўрсатса бўлади.

Адолат қилувчи ва адолат билан беклик ишларига равнақ берувчи киши нима деган, эшит:

Қул қанчалик улуғликка эришгани билан қул оти барибир қул бўлади, уни улуғликка етказган бекнинг хизматкоридир.

Бек қанча кичик бўлгани билан бек оти бекдир, хизматкор деган номдан бек деган ном афзалдир.

Эй беклар тақдирлаб буюкликка эришган одам, бегингни буюк бил ва уни улуғлаб, қадрли тут.

Сен беклар билан ўчакишма, яхшилаб ўйлаб кўрмасдан улар ҳақида сўз сўзламагин.

Улар қутдирлар, қутнинг эса қўли узун бўлади, ёниб турган ўтдирлар, тик боқишлари билан куйдирадилар.

Улар замонадирлар, агар одам хурсанд бўлиб қулмоқчи экан, замона билан соз бўлмоғи керак.

Синаб билган одам бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, у хизмат билан танилиб орзулари ушалган кишидир:

Донолар сўзи қандай эзгу нарса, донолар сўзига назар солсанг, улар гўё шоҳи ипак каби қимматлидир.

Агар беклар одамга кулиб боққудек бўлсалар, унга севинмаслик ва мутлақо ишонмаслик керак.

Хизматларинга ишонма ва керилиб мағрурланма, беклар тўғрилиқдан сал чалғиб қолсалар, сенга ғазаб қилишлари ҳеч гап эмас.

Хоҳ кичик, хоҳ улуг ва хоҳ шуҳратли баҳодир бўлсин, у — хизматкор, хизматкор эса хизматда бўлади.

Бекларнинг хизматларида хато қилиб қўймаслик учун қаттиқ тиришиш керак, хизматнинг тўғри йўлидан зинҳор оғмаслик керак.

Беклар сени қанчалик яқин тутмасинлар, ўзингни унутма ва ҳамиша тўғри юргин.

Бек қанча эзгу кўриб тутмасин, ўзинг доим кўрқиб тур, ишонсинмагин, жазони ҳам кўз олдинга келтириб тур.

Бек гоҳо ўт, гоҳо сув бўлади, гоҳо кулдиради, гоҳо йиғлатади. Уч нарсага яқин қўшни бўлма, куяр ўт, оқар сув уларнинг белгиларидир.

Яна беклар одатлари билан арслоннинг ўзидирлар, унга эркалаб яқинлашсанг, юнги ипак каби майинлашади.

Агар унга қўполлик билан яқинлашилса, ғазабга келади ва бошни кесади, томирни тешиб қон оқизади ва тириклайин қон ичади.

Ғазабга кирган пайтида бегингга яқин бормагин, агар боргудек бўлсанг, кўнгилисизлик юз бериши муқаррардир.

Сўзни сўрагандагина сўзла, ҳузурига эса чақиргандагина кир, саломатликда яшаб ҳамиша қадр-қиммат топгин.

Ўзини тутган, ўз фурсатида кириб арз-дод баён қиладиган киши нима деган, эшит:

Киравер десалар, бу жуда катта ҳурматдир, чиқиб тур десалар, юзингга қараб айтилган ҳақоратдир.

Кўзингни эҳтиёт қил, ўзингни тутгин, ўзини тутадиган одам мардлар орасида азиздир.

Уч ишдан йироқ тур, эвидан чиқсанг мурасасиз бўл, бири — қаттиқлик қилма, кесиб сўз айтдим.

Бири — ёлғон ва яна бири — суқликдир, бу уч ишдан ҳар учаласининг ҳам асл туби йўқликдир.

Ҳар жиҳатдан ўзингни пок тут, беклик деган нарса покдир, покликни севади.

Саройга кирадиган бўлсанг ҳамма билан аралашиб юр, сени ким қадрласа, сен ҳам уни қадрла.

Керилмагин, қўлингни солинтириб кирмагин, бошқалар билан қўл ушлашиб, тутишиб ҳам кирмагин.

Ултирадиган бўлсанг ўз ўрнингни билгин, одамларни оёқости қилма, одамийликка амал қилгин.

Қаттиқ овоз билан ҳоҳолаб кулмагин, бу одат одамлар орасида тубанлик бўлади.

Чордона қуриб ўлтирма, ёнбошлаб ётма, бор овозинг билан қаттиқ кулмагин.

Ўзингни унутма, туб-аслингни, кимлигингни ўйлаб тур, ўзингни унутадиган бўлсанг, қутингни қочирасан.

Ўзингдан улуғларнинг сўзларини сўзлама, сўзингни яхши андазалаб олгин-да, уни яширма.

Сўзни тўғри сўзласанг юзингни ёруғ қилади, тилинг фақат эзгуликкагина очилсин.

Ичиб саройга кирма, ўзингни тутгин, ичувчи ярамае ва пасткаш бўлади.

Уч нарсадан одам ўзини сақламаса, улар одамнинг бошига етади, улардан одам ўзини сақлаши керак.

Биринчи — бекларнинг сўзларини қаттиқ сир тутиш керак, уни ўз тану жонидан ҳам авайлаб эҳтиёт қилиш керак.

Иккинчиси — барча эл ичида уни ёймаслик, ўзини жуда эҳтиёт тутиш керак. Шундай қилса тўғри бўлади.

Учинчиси — сарой ичкарасида ўзни тўғри тутиш, ярамас, ножўя ишлардан кўзни йироқ тутиш керак.

Мана бу уч ишдан бирортасини қилувчи одам, қанчалик улуғ бўлмасин, албатта унинг боши кесилади.

Содир бўладиган иш то ўзи юз бермагунча кўзга кўринмайди, эй хушфёъл киши.

Агар тўрдан жой олиб ўлтирадиган бўлсанг, биров сенга йўлиқмоқчи бўлиб кирса, албатта ўрнингдан тургин.

Беклар сендан қачон сўз сўрайдиган бўлсалар, сўзни кўп чўзмагин. Агар сўзингни эшитмоқчи бўлсалар, билганларингни оҳиста баён қил, сўзингни кессалар, дарҳол тўхтат, сўзни чўзмагин.

Агар беклар сени зиёфатга таклиф қилсалар, одоб билан овқат егин, бунинг адабларини яхши билиб олгин.

Емакни ўнг қўлинг билан олгин, ёйишдан олдин тангри номини тилга олгин.

Бошқаларнинг олдиларидаги овқатга қўл чўзмагин, ўз қаршингдаги овқатни егин, эй хушфёъл.

У ерда қўлингда пичоқ тутма, сўнгак кемирма, ўзинг овқатни тотиб кўрма ва бошқаларни ҳам бунга ундама.

Очофатлардек овқатни шошиб емагин, аёллар каби сертакаллуф ҳам бўлмагин.

Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам овқатдан ейиш керак, бекларнинг зиёфат — овқатлари қадр-қимматнинг боши деб билгин.

Сен қай бир ишга ёндашадиган бўлсанг ҳам, сидқи-дил билан ёндашгин, рўшнолик топасан.

Билимли киши бу ҳақда жуда яхши гапирган, бу гапга амал қилсанг, фойдаси соф олтинга тенг бўлади.

Агар сенга иш ихтиёри тегса режали бўл, ишларни билим билан ижро эт, эй донгдор.

Агар сенга сўз эрки, фармон — буйруқлар ихтиёри тегса, саховатли бўл, ҳушёрлик қил, эй мард баҳодир.

Сенга лашкар ёки водийлар, турар жойлар ихтиёри тегса, саховат билан қўлни узун қилиш, қилиқни кишанлаб тутиш керак.

Қўлни узун қиладиган вазирлик ихтиёри тегадиган бўлса, ёмон сиёсат юритма, яхши, тузук бўл.

Донишмандлик тегадиган бўлса, ақл-хушни йиғиштириб олиш, донишни пешлаш ва беги адашганда тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиш керак.

Агар кўкаюқлик унвони тегадиган бўлса, ўзини ниҳоятда эҳтиёт тутиши керак, шунда бахти кулиб боқадди.

Агар лашкарбоши ёки эл боши бўладиган бўлсанг, тўғри бўл, қулоғингни ва кўзингни ўткир тут.

Ўзинг ҳожиб бўладиган бўлсанг, пора олмагин, камбағаллар, туллар, етим-есирлар сўзларига қулоқ солгин.

Сени хазинага хазинадорликка тайинласалар, ишончли, ҳалол бўлиб тўғри юргин.

Агар ўзинг хат ёзувчи саркотиб бўлсанг, кўнгил сирларини қаттиқ тут, сирларингни сиртга чиқарма.

Унвон ва амалга эришган хизматчилар мана шулардир, булардан бўлак ҳам хизмат ўтовчилар талайдирлар.

Яна тағин бир қанча сарой ичи хизматчилари ҳам бор, тўшакчилар, лочиндорлар, ошпазлар бор.

Мана шу янглиғ хизматчилардан ва хизматлардан четда турсанг, фароғатинг кам, машаққатинг минг-минг бўлади.

Ўзинг учун доимий қадр-қиммат истасанг, хизматингдаги кишиларни қадрла, эй улуғ бўлувчи.

Улуғларни улуғла, ҳурматларини ўрнига қўй, сенга давлат ва улуғлик саодати келади.

Қария сўзини эшитгин, у нима деган, қарияларнинг сўзига амал қилсанг кўзинг очилади.

Жаҳонда улуғнинг ҳурматини сақлаш одати бор, улуғ келганда оёққа босиб ўрндан туриш керак.

Улуғларга кичикларнинг ҳурмат кўрсатишлари жуда ҳам ярашади, улуғлар ҳам уни кўриб кичикларга шундай қиладилар.

Ўгдулмиш сўзини тугатди ва айтди: Мана, бекларга хизмат қилиш ишлари ва тадбирлари шунақа бўлади.

Мен булар ҳақида гапирдим, сен эшитдинг ва ўргандинг, қандай хизмат қилиш лозимлигини тугал билиб олдинг.

Бекларга мана шу тариқа хизмат қилиш керак, хизматларинг сингса, сўнг бахт эшиги очилади.

Фойда келтирадиган хизмат мана шулар, буларни мукамал билиб олиш керак, билиб олган бўлсанг, уни ўзинг ўзлаштиргин.

## САРОЙДАГИ ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ СУЗИ

Ўзғурмиш жавоб берди, айтди: Бу сўзларни эшитдим, эй эзгу киши, сендан сўрайдиган тагин бир сўзим бор, энди менга уни ҳам айтиб бер.

Мен элиг хизмати учун шаҳарга кирсам, кунда унинг даргоҳига бориб туриш керак бўлади.

Бунинг йўл-йўриқлари қандайлигини билиш керак, тириклик шулардангинадир, эй қариндош.

Сарой хизматчилари, сипоҳлар билан шаксиз аралashiш керак, уларга келишиб яшаш керак.

Бугун менга бу ҳақда ҳам айтиб бер, қандай аралashiш керак, зеҳн билан англайин.

## ЖАВОБ

Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Бу ҳам, ростини айтсам, кераклидир, эй қариндош.

Энди бунга ҳам сенга ўргатиш керак, қандай юриш кераклигини ҳам билиш лозим.

Тирикчилик улар биландир, эй қариндош, улардан баъзисини қариндош тут, баъзисин жўра тут.

Саройдагилар билан ярашиқли бўлиш керак, аралаш-шиш, бориш-келиш қилиш керак.

Саройдагилар билан чиқишмасанг, тириклик тати-майди, эй эзгу киши.

Хизмат қилган киши нима деган, эшитгин, элни адл билан бошқариб, саройни гуллатган киши,

Ўзинг бек билан яқинлик боғлашни истасанг, са-ройдагилар билан яқинлик боғлагин.

Сен мангу улуғлик топай десанг, саройдагилар би-лан соз бўлиб юр, эй хушфеъл.

Беклар сени қанчалик яқин тутсалар ҳам, саройда-гилар билан ярашиқли юргин, тўғри тургин.

Саройдаги кишилар тугал уч тоифа бўладилар, ти-риклик ишлари улар билангина бўлади.

Булардан бири ўзингдан улуғлардир, улуғга хизмат қилсанг, ўзинг бахт топасан.

Уларни улуғла, сўзларини қадрла, сени эзгу тутади-лар, очик юз билан боқадилар.

Билимли, доно бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, доно-лар сўзини беқадр тутмаслик керак:

Кичикка улуғлик улуғдан етади, улуққа хизмат қилса, кичик қут олади. Улуғлар сўзини тут, юмуш қил, югур, ким улуғ сўзини тутса, тилакка етади.

Улуғлар қутдирлар, қўр-қутга эришмоқни истасанг, хизмат қилгин, ҳамма қут хизмат эвазига келади.

Тағин бири — сенга тенг-тушлардир, эй қариндош, уларни узоқлаштирсанг — ёвдир, яқинлаштирсанг — қа-риндошдир.

Бу аралаш-шиш керак бўлган кишилар сенга эш — тушдирлар, эш — тушларнинг ўзларига яраша жавоб-муомала қилгин.

Тағин бошқа бири сендан кичиклардир, аччиқлик ёки чучуқлик шулар биландир.

Хизмат қилсалар, нарса бер, гуноҳ қилсалар, жазо-ла, беҳуда ва бўш қўйма, ишларини суриштириб тур.

Оёқ ости қилдирма, ўзинг кичикларга қаттиқ тур, тилинг билан ҳазил қилмагин, сўзингни тийиб тур.

Кўплаб ёру биродарлар, оғайнилар тут, улар билан аралаш, ёр-биродарлар кўп бўлса, таърифи тилларда юради.

Одамларни билиб-билмасдан ўзингга душман қилма, душманли кишилар шодлик топмаганлар.

Душман қанча оз бўлса ҳам зиёни талайдир, тилим душмандан фойда бор деб айтмайди.

Кўнгли ҳушёр нима дейди, эшитгин, душман зиён етказиб машаққатларга дуч қилади.

Душман биргина бўлса ҳам, зарари минг-мингдир, минглаб дўстинг бўлса ҳам, озлиги бирга тенгдир.

Киши душмандан фойда қилмаган, агар қилган бўлса, бу — ўзининг абжирлиги туфайлидир.

Сенга қўлдошинг қандай муомала қилса, сен ҳам ўшандай қилгин, токи эшинг севинсин.

Ўзингга тенгдошларни дўст тутгин, тенгдош тенгдоши билан муносиб тушади.

Ёмондан ошна тутма, зинҳор йироқ тур, ёмон дўст сени йўлдан оздиради.

Ўзинг эзгу отли бўлайин десанг, ёмонга қўшилма, қаттиқ бўл, ўзингни тут.

Ҳамма нарсани кўрганман, ўз тўдаси билан юради, киши, ҳайвон, парранда, қурт ўз уйирини билади.

Элчи боши, яхши-ёмонни синаб, ёшини яшаган киши нима дейди, эшитгин: Чуғурлаб учаётган чуғурчуқни кўрдим, жуфтига боқиб қарасам, иккаласи ҳам қорадир.

Назар сол, юёқ оққушга аралашмайди, қорақуш билан оққуш жуда ҳам йироқдир.

Учадиган қуш ўз эшини билади, у билан гала ҳосил қилади, одамдирсан, аралашадиган кишингни танла.

Яқинлик боғлашнинг амали икки турлидир, шу икки амал асосида киши дўст тутади.

Биров тангрини ўртага қўйиб кишини эзгу дўст тутади, бу дўстликда эгрилик бўлмайди.

Тагин биров ўз манфаати учун дўст тутади, бу дўстлик барқарор бўлмайди, у зўраки бўлади.

Агар сен тангрини ўртага қўйиб дўст тутинсанг, уларнинг оғирини енгил қил, аччиқ қилма, ранжима.

Бу дўстликнинг манфаатини бу дунёда истама, бу манфаатларингни у дунёда тангри беради.

Агар дўст дунё манфаатлари учунгина бўлса, бундай дўстга аралашма, у аралашса, сен алоқани уз.

Дўст тутган, дўстнинг фойда-зарарини синаб билган киши нима деган, эшитгин.

Дўстни фойда-зарар борасида сина, масала шунга келиб тўхтаганда, сен қатъият кўрсат.

Ўзинг биродар кўнглини билмоқ истасанг, сўз билан ғазабини келтир ва ўзинг ҳам қовоғингни сол.

Сен севиш-севмаслигини билайин десанг, севимлироқ нарчасини сўра, дарҳол тушунилади.

У мана шу икки нарсага хафа бўлиб аччиқланмаса, ушбу кишини жон билан тенг тутиш керак.

Ғийбатчи кишига аралашма, узоқлаш, ғийбатчи тилида ўт ёнади, кўргин. Дунёнинг фисқу фасодлари ғийбатдан чиқади, ғийбатчининг бошини кес, эй мардонавор сахий.

Яна тамагир билан яқин бўлма, шубҳасиз у сенга душман бўлади.

Агар бирор тамаси бўлса, бу тамагир сени ини ёки ака деб атайди. Агар тамаси бўлмаса, у юзини ўгиради, кўрмагандек ўзини узоқлаштиради.

Тамасиз ёру биродарлар ва дўстлар тутунгин, уларга ишонгин ва қайғусиз яшагин.

Ёру биродар, жўралар севинч ва қайғуда, яхшилик ва ёмонлик кунларда кишининг кунига ярайдилар.

Ўзинг сени севувчилар кўпроқ бўлишини истасанг, туз ва нон едир, чеҳрангни очиқ тут.

Бу икки йўриқ туфайли одамларнинг муҳабвати ортади, ёмон ва яхши кунларда улар бурчларини ўтайверадилар.

Таълимда бунга мос сўз айтилган, бу сўзга амал қилгин, эй хулқи хуш:

Одамларга кулиб боқиб тузу нон едиргин, ширин сўзлилиқ билан чеҳрангни очиқ тутгин.

Одамни мафтун қилувчи мана шу икки қилиқдир, мен булардан бўлагини топмадим, топилса сен уни иста.

Шунингдек душман ҳам икки турлидир, кўргин, душман бўлса, одамга унинг тузоғи ёйилган бўлади.

Яна бир душманлик — бу фойда ва зарар учун бўлади, одам бу душманликни ўч билан қилади.

Кофир душманга қарши қаттиқ жанг қилиши керак, бу ишга фидойи бўлиб, тану жонни қурбон қилиш керак.

Агар душман фойда ва зарар учун бўлса, ўша фойдаларингни унга қўйиб бер, яраш, эй сахий.

Қим душманга фойда келтирса, душман яқин бўлади, аслида эса душман зарар қилади, ундан келадиган фойда эса муайян бўлади.

Қаттиқ бўл, ёвингни яқин қил, яраш, саломат яшагин, бош эсон бўлади.

Урушдан манфаат йўқ, билимингни оширгин, манфаат келмайдиган ишга қўл тегизмагин.



Ҳалол хизмат ўта, ўзингга душман орттирма, душманли кишига нисбатан минг адоватлар рўй беради.

Одамларнинг сарасини, яхшисини дўст тут, кимнинг дўсту оғайнилари ярамас бўлса, кейин ўқинади.

Яқин тутиш учун сара киши истасанг, тилагингданин топмоқчи бўлсанг, улар икки турли бўладилар.

Бирини — асл, эзгу кишиларнинг сараси, агар бундай одам топилса, дарҳол дўст тутин, эй мардлар сараси.

Яна бирини — андишали, худони биладиган одам, у асл одамдир, одамгарчилик ўшандан келади.

Яқинликни шу икки хил кишилар билан тутгин, булар билан бўлган дўстлик эвазига эзгуликлар топасан.

Ёмонлик билан машҳур бўлган кишидан йироқлаш, бу янглиғ кишиларнинг қилиғи қора бўлади.

Қорага яқинлашма, эй асли оқ, оққа қора тез юқадди, кўргин.

Билимли, доно қандай яхши таълим беради, ўрганувчи уни тушунса, мақтаб фикр юритади:

Ёмонга аралашма, эй эзгу киши, хулқинг у ёмон баробарида ёмон бўлади.

Ёвузга яқинлашма, эй сара, етук отинг ёвуз бўлади, тўқисликка доғ тушади.

Яроқсиз кишига яқинлашма, у билан юрма, яроқсиз келиб сенинг ёқангни туттади.

Талай кўрганман, эзгу атанган кишилар ёмонга аралашиб ўз ишларини бузганлар.

Эзгуларни кўп кўрганман, ёмон дўстнинг касрига қолиб кучларини йўқотганлар.

Бу беклар даргоҳининг оти Қарши — саройдир, бу Қарши — сарой ичидагилар қарама-қаршидирлар.

Бу даргоҳда ҳасад кўп бўлади, ҳасад қаерда бўлса, у жанжал ва урушларга сабабчи бўлади.

Сендан улуғлар сенга ҳасад қиладилар, сени ўтга ташлаб жони койийди, деб мароқланадилар.

Яна сенга тенг-тушларинг ҳасад қиладилар, кўргин, муваффақиятларингни кўра олмайдилар, кунинг тунга айланади.

Мана шунинг учун ҳам сарой қарама-қаршиликлар макони бўлади, иккала қарши куч қаршилашса, бирин албатта ўлади.

Эй кўнглим қуёши, сен кишиларга ҳасад қилмасликка тириш, тўғри юргин.

Ҳасад бир касалиқдирки, узоқ даволанади, унинг овқати биттадир, у жонни кемириб заифлаштиради.

Барча яхшилик, ёмонликлар худонинг ҳукмидир, худо ҳасад берса, ҳасадли ҳасад қилиб тўймайди.

Кишига ҳасад қилишнинг оқибати нимага олиб келади? Кишига ҳасад қилувчининг охири дардга гирифтор бўлишдир.

Имкон борича ўзинг ҳаммага эзгулик қил, сенга эзгулик келади, шубҳа қилмагин.

Кимга севинч келса, сен ҳам бирга севингин, унга алам-қайғу етса алам-қайғуга шерик бўлгин.

Шунда отинг эзгу бўлади, сени севадилар, сенга аралашайин, деб барча кишилар шошиладилар.

Ўзингга душман орттирмасликка тириш, эй қариндош, кўплаб қариндош, ёр-дўстлар орттиргин.

Агар сенинг биргина душманинг бўлса ҳам ғофил бўлмагин, тузоқни ҳозирлаб тутгин.

Ёвга отланган, ёви устидан қўли баланд келган эр нима дейди, эшитгин.

Ёвга нисбатан ғофил бўлма, унга яқин турма, кет, ёвни сен ғафлатда қолдир, уни тузоққа тушир.

Ёвни сен синама, катта ва улуғ деб бил, калтакли ёвга темирдан қалқон ҳозирла.

Ёру дўстларнинг юкини кўтар, кўнглини синдирма, уларни авайла, сўзимни унутма.

Дўстинг душман бўлса, жонингга қасд қилади ёки терган, жам қилган нақд молингга қасд қилади.

Ичингни, ташингни дўстинг билади, ич-ташни билувчи киши нарса олади.

Истаса молингга чанг солади, истаса жонингга раҳналик солади. Ўзинг ўзингни қанчалик кузатсанг, авайласанг, дўстингни ҳам ўшандай кузат, авайла, сўз тамам.

Дўст тутинмоқ осон, уни авайламоқ қийин, душман бўлмоқ осон, ярашмоқ қийин.

Душманинг бўлса, тану жонингни асрагин, душманли кишиларнинг балодан қутулмоғи кам бўлади.

Икки турли кишига аралашма, узоқлаш, аралашдингми, бас фитна кўтаради.

Бири — ғийбатчи, чақимчилик қилувчи киши, бири — иккиюзламачи, тамағир киши.

Шунингдек, ичувчи кишини дўст тутма, у вафо қилмайди, кўнглингни оғритиб қўяди.

Ўз манфаатини истовчи дўстга кўнгил берма, манфаат кўрмасеа душман бўлади, ундан умид узавер.

Доим яқинлик қилиб турсинлар десанг, сўратувчи бўлгину сўрама, сўз билан ҳожат қилавер.

Севинчли тириклик топайин десаанг, кишига ҳасал қилмасликка тириш. Сен ётни тугал қул қилайин десаанг, тоза олтинни тўкиб сарфла, қўл суниб соқолидан тут.

Ўзинг яқин кишиларни узоқлаштиришни истасанг, нима сўраса ҳам берма, сўзингни дағал тут.

Сен узоқ тириклик қилайин десаанг, сахий бўл, тузу нон едир, дастурхонингни очик тут.

Ўзингни ҳаммага севдирмоқчи бўлсанг, кўнгил ва тилни бириктириб, ширин сўзли бўл.

Сен ҳамишалик қадру қиммат топайин десаанг, кишиларни қадрла, эй хулқи гўзал.

Ҳақиқатан тугал бой бўлайин десаанг, борига рози бўл, баҳра топасан.

Кишилар доимо сени мақташларини истасанг, феъл-атворингни яхшила, чеҳрангни очик тут.

Кишиларнинг асили мана шу янглиғ бўлади, кишига кишилик қилиш мардлик белгисидир.

Киши аслини билмоқни истасанг, унинг феъл-атвори-га назар сол, маълум бўлади қолади.

Бу байтни айтувчи жуда яхши сўзлаган, у сўзини маъни билан собит қилган:

Киши аслини билмоқ истасанг, унинг кўнгил тил ва феъл-атвори бу ишга исбот бўлади.

Феъл-атвори яхши, кўнгил ва тили тўғри бўлса, таги ва аслига аниқ гувоҳдир.

Эй асли тоза, тубанга аралашма, юзинг нуруни олиб кетади, обрўйингни тўкади.

Саранжом-саришта, тубандан узоқлашган фаросатли кишилар сарвари нима дейди, эшитгин;

Тубанга қўшилма, яхши, мулойим бўл, жанжалнинг барчаси тубандан чиқади, эй ўғил.

Яна жоҳил билан ҳам жуда яқин бўлма, агар жаҳолат кўзгалса, яқинлик ҳақини бузади.

Кўнгил сирини, ич сўзингни ҳар кимга оча берма, агар очадиган бўлсанг, ўзинг машаққат чекасан.

Доим ортиб борадиган яқинлик истасанг, тамани йўқотиб яшагин, эй доно.

Агар сўзинг қадрли бўлишини истасанг, сўралгандагина сўзла, сўзларинг тўғри, чин бўлсин.

Агар доим юзинг ёруғ бўлишини истасанг, тўғри бўл, бебок бўласан, ўзинг тинч яшайсан.

Ўзинг ҳамда сўзинг узоқ ёд қолишини истасанг, қўлни қисқа тутгин, ўзинг бехатар бўласан.

Доим юзинг ёруғ бўлсин десаанг, тилда ёлғон сўзни сўзлама, андиша қил.

Қаерда қут-давлат бош кўтарса, сен унга равнақ бер, эй эзгу киши. Сен қут-давлатли билан ўчакишма, созлаш ва яраш, ярашмасанг, давлат овқатни заҳар қилади.

Сен асоссиз гапирма, кишининг орқасидан ёзғирма, тухмат сўзни излама ҳамда кек — гина сақлама.

Сўз бўрон, шамол мисоли кўнгилни оғритади, кўнгил оғриси, киши сени танг аҳволга солади.

Ўзингдан улуққа эътироз қилиб вайсама, жавоб қиладиган ерда дағал сўзлама.

Улуғни қадрла, ҳурматини сақла, сенга ҳам улуғлик келади, қут юқади.

Сен тенг-тушларинг билан бориш-келиш қилгин, аралашгин, қўшилгин, олиш ҳам бериш қилгин.

Чиндан сени қадрласалар, сен ҳам қадрлагин, қадрсизласалар сен ҳам қадрсизла, яқин боргин.

Қандай қилсалар, сен ҳам шундай қилгин, ширин сўзласалар, сен ҳам тилингни ширин қил.

Ҳамма эзгуларга сен ҳам эзгу киши бўл, ёмонга ўша ёмон тенгида ёмон бўл.

Қоида, одатни билган киши жуда яхши айтибди, қоида ва тартиб билан киши халқни яшнатади.

Сарой хизматчилари билан муомала бу янглиғ бўлади, кўр, аралашмоқни истасанг, эми — иложи шудир.

Мен сўзлаб бердим, ўзинг эшитдинг, кўнглингга жойлаб олгин, сўзингни чўзма.

Сени сиз десалар, уларни ҳам сиз дегин, ундан янада яхшироқ жавоб сўзлагин.

Қоянинг акс садосидан қуйи бўлмагин, ундан қолишмагин, уни сен десанг, у ҳам сени сен дейди.

## **ҚОРА АВОМ БИЛАН СУҲБАТ СЎЗИ**

Ўзғурмиш жавоб берди, айтди: Бу сўзларнинг барчасини эшитдим, эй кўнгли тўғри.

Бундан бошқа яна бир сўзим бор, уни ҳам айтиб бер, эй юзи чиройли.

Бугун мен шаҳар, қишлоқларга кириб, юрадиган бўлсам, халққа аралашим, қўшилишим керак бўлади.

Улар билан қандай юриш-туриш, муомала қилиш керак, буни ҳам айтиб бер, менга сўз бахш эт.

## **ЎГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ**

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Бу сўз чиндан ҳам кераклидир, эй хулқи гўзал.

Мендан керак бўладиган сўзни сўрадинг, буни айтйин, эшитгин.

## **ЎГДУЛМИШ ЎЗГУРМИШГА ҚОРА АВОМ ХАЛҚ БИЛАН АРАЛАШМОҚНИ УРГАТАДИ**

Қора авом халқнинг барча йўл-йўриғи, тарзи, рафтори, билими, ўқуви феъл-атворига ярашадир.

Қора авом халқ ахлоқ қондаларидан узоқ, содда ва тўғри бўлади, аралашиш пайтида тартиб, қондан билмайди, одобга риоя қилмайди.

Лекин уларсиз ҳам иш бўлмайди, уларга тилинг билан яхши сўзла, аммо уларга тенг бўлма.

Қора авом хулқи мутлақо қора бўлади, ўзингни қора қилма, сақланиб тургин.

Қора авомнинг хулқи бебошлик, қилиғи қинғир бўлади, иши, кучи барчаси қилиғига тенг бўлади.

Емакнигина биладилар, қоринлари тўйдими, бас, томоқдан бўлак уларнинг қайғуси бўлмайди.

Қора авом халқ ҳақида киши фарқини синаб сўзлаувчи нималар деган, эшит:

Қора авом қайғусининг барчаси қорни учундир, халқнинг жон койитишининг барчаси томоғи учундир.

Бу томоқ учун талай халқлар ўлиб кетганлар, қора ер қаърида, ўт домида ётибдилар.

Қора авом қорни тўйса тилини узун қилади, сиқиб, қаттиқ тутилмаса, эрк талаб қилади.

Уларга ҳам аралашгин, эй қариндош, ейладиган, ичиладиган овқат-неъматлардан бериб тургин.

Тилингда юмшоқ сўзла, нима сўрасалар бергин, берувчи олади, унинг манфаатини кўради.

Сўзни кўп сўзлама, вазмин бўл, тилни сақла, кўп сўзнинг таъсири кам бўлади.

Ўзини тутган, тилини маҳкам тутган, билим билган киши нима дейди, эшитгин;

Барча сўзни сўз деб тилдан чиқарма, қараб, ўйлаб сўзла, керагини билгин.

Заковатлиларни кўрганим бор, улар оз сўзлаганлар, лекин кўп сўзладим деб йиллаб афсусланганлар.

## **АЛАВИЙЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШНИ УРГАТАДИ**

Сарой хизматчиларидан бўлак, бек кишиларидан ташқари, аралашиш керак бўлган кишилар мана булардир, эй қариндош.

Улар пайғамбар авлодларидирлар, кимки буларни қадрли тутса, бахт-саодат топади.

Уларни кўнгилдан ортиқ сев, нарса бериш билан яхшилик қил, қараб, кўриб, хабар олиб тур.

Улар аҳли байт — Али хонадонига мансубдирлар, севимли пайғамбарга қариндошдирлар, уларни севимли пайғамбар ҳаққи учун сев, эй жўра.

Дилдаги мақсадлари ё хатти-ҳаракатларини суриш-тирмагин, тилда ножўя сўзларни юритсаларгина суриш-тиргин.

## ДОНО ОЛИМЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ УРГАТАДИ

Тагин бир тоифаси доно олимлардир, уларнинг илми халққа йўл ёритувчи машъалдир.

Уларни қаттиқ сев, сўзларини қадрла, кўпми, озми уларнинг билимларини ўрган.

Ярайдиган ё ярамайдиган нарсаларни тушуниб, айриб, тўғри, пок йўл тутадиган кишилар олимлардир.

Уларнинг илмини ўрган, билимларини билиб ол, нарса бериб яхшилик қил, ширин сўз бўлиб эҳтиёт тут.

Булар ҳақиқат қаддининг таянчидирлар, уларнинг билимлари чиндан шариат негизидир.

Оламда бу олим, донолар бўлмаганда, ерда емиш экилиб унмаган бўлар эди.

Уларнинг илмлари халққа машъал бўлади, машъал ёрса, тунда йўлдан адашилмайди.

Ҳузурингда ширин сўз билан иноят кўрсат, неъматлар билан сийла, кулиб боқиб ҳурматини бажо келтир.

Ноҳақ койнма, аччиқ гапирма, андишали бўлгин, бир оғиз ортиқча сўз улар учун мисоли заҳардир.

Ҳурмат билан муомала қил, туз-нон едир, уларни қадрли тут, иззат қил ва улуғла.

Илмларига суян, амал қил, кетларидан ёзғирма, хулқлари, феъл-атворларини ёмонлаб койнма.

Улардан сенга кераги илмларидир, ҳақиқатга етмоқчи бўлсанг, улар йўл айтиб берадилар.

Булар қўй суруви орасидаги серка кабидирлар, қўйни бошлаб, тўғри йўлдан олиб боради.

Булар билан аралашгин, яхши муносабатда бўл, икки оламда сенга доим бахт эшиги очиқ бўлади.

Булардан ташқари яна бир қанча табақалар бордир, уларнинг билим соҳалари бир-биридан фарқлидир.

## ТАБИБЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ АЙТАДИ

Улардан бири табиблардир, улар турли дардлар, руҳий хасталикларни даволовчилардирлар.

Бу кишилар ҳам сен учун кераклидирлар, тириклик иши уларсиз ўнганмайди.

Тирик бўлса одам албатта касалланади, касални эмчи кўриб, дори билан даволайди.

Касаллик киши учун ўлимнинг ҳамроҳидир, ўлим киши тириклигининг ашаддий ёвидир.

Буларни ҳам эзгу ва яқин тутгин, булар керакли кишилардир, уларнинг ҳақларига рноя қил.

## ДУОХОНЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ АЙТАДИ

Табиблардан сўнг афсунчилар—дуохонлар келади, улар инсу жинсдан бўладиган касалликларнинг эмчиларидирлар.

Буларга ҳам аралашин керак, уларни инсу жинсдан бўладиган касалликларга чақириш керак.

Агар фойдалари тегсин десанг, уларни ҳам яхши тутгин, эй мард баҳодир.

Табиблар афсунчиларнинг дуоларига ишонмайдилар, афсунчилар эса табибларни тан олмайдилар.

Табиб буюрган дори дардга даво бўлади, афсунчи берган ёзудан жинлар қочади.

## ТУШ ТАЪБИР ҚИЛУВЧИЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ АЙТАДИ

Тагин бир билим — туш йўйиш илмдир, одам туш кўрса ва туш таъбирини сўраса, таъбир қилувчи тушни аниқ йўйиши керак.

Инсон ухлаганда туш кўради, бу тушни таъбирчи тўғри таъбир қила билса, албатта айтганлари бўлади.

Таъбирчи тушни яхши таъбир қилса, у яхшиликка келади, туш кўрган киши эса севинади.

Агар туш ярамас, жуда ёмон бўлса, йўқсилларга нарса бериб, тану жонни сақлаш керак.

Кўриши бу туш илми бобнда меҳрибон худо бандалари билан яхшилик кўзлаб, оятлар ато қилгандир.

Кишининг туши яхши бўлса, туш кўрган киши хурсанд бўлиши керак, одам ёмон туш кўрса, худо йўлига садақа бериши керак.

Йўқсилларга кумуш, нарса-товар улашса, худо хоҳласа, ундан балоларни даф қилади.

Тушнинг таъбири бор тушни яхшиликка йўйиш керак, эй туш кўрувчи, доим яхши тушларни кўргин.

Тушни яхши таъбир қилувчи шулардирлар, улар билимли, меҳрибон ва эзгу кишилардирлар.

Буларни ҳам яхши тутгин, эй қариндош, истасанг қариндошдек кўр, истасанг дўстдек тут.

## ЮЛДУЗЧИЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ АЙТАДИ

Булардан бошқа тоифа бу — юлдузчилардирлар, юлдуз илми йўли, яхшироқ назар солиб кўрилса, жуда нозик йўлдир.

Йил, ой, кунлар ҳисоб-китобини улар олиб борадилар, бу ҳисоб-китоб жуда ҳам кераклидир, эй барака топгур.

Сен уни билай десанг, ҳандасани ўқи, у туфайли ҳисоб эшиги очилади.

Кўпайтирув, бўлув амалини ўрган, касрни мукамал билиб ол, бу борада етук бўлиш учун барча тадбир-чораларни қўлла.

Карра ва тақсим амалларини тугал ўрган, агар буларни билиб олсанг, илдиз чиқаришни ўрган.

Жамлаш ва чегириш, сатҳ ўлчаш амалларини етти қават фалакнинг сирларини ерда ётган хас каби енгил билиб ол.

Яна истасанг алжабрни ўқиб ўзлаштир, Эвклиднинг математик назариясигача ҳам чуқур ўрган.

Хоҳ дунё ишлари, хоҳ охираат ишлари бўлсин, донолар ҳисоб билан исбот қиладилар, ишонгин.

Ҳисоб бузилса, дунё ва охираат ишлари ҳам сал нарса билан бузилади, эй яхши киши.

Сен ўзинг иш қилмоқчи бўлсанг, қулай ноқулай вақтинини сўраш керак.

Кун ва ойларнинг қутли ва қутсизлари бўлади, сўраб қўглисини танлаб ол, эй одамлар яхшиси.

Билимли кекса бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, ишингни билимлидан сўраб қил, деган.

Инсон ҳар бир ишни билим билан бошласа, ниманки иш қилса, тилакка етади деб ҳисоблайвер.



Ҳамма ишда энг аввал билим қўл келади, билим кейинга қўйилса, қўл ишга етмайди.

Улардан кенгаш сўра, лекин, дарҳол ишона қолмагин, тугал билувчи биргина худодир, буни қаттиқ тутиш керак.

Буларни ҳам яқин тутгин, улар билан созлашгин, койиб дашном берма, кўнгилларини яра қилма.

## ШОИРЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ УРГАТАДИ

Яна шоирлар тоифаси бор, булар сўз терувчилардир, кишини мақтовчи ҳамда сўкувчилардир.

Уларнинг тиллари қиличдан ҳам ўткирроқдир, хотир йўллар эса қилдан ҳам нозикдир.

Ҳар хил мазмундор, нозик сўзларни фаҳмлайин десанг, сўзни улардан эшитгин, маънавий завқ оласан.

Уйлаб кўрсанг, улар бутун вужудлари билан фикр денгизига кирадилар, мисоли гавҳар, инжу, ёқут олиб чиқадилар.

Улар мақтасалар, мақтовлари эл ўртасида ёйилади, агар сўксалар, кишининг номи ёмон бўлиб қолади.

Эй қариндош, имкон борича уларни яқин тутгин, зинҳор-базинҳор уларнинг тилларига тушиб қолмагин.

Агар сен яхши мақтов олишни истасанг, буларни севинтиргин, сўз тамом.

Нима сўрасалар тугал бергин, уларнинг тилларидан ўзингни қутқариб олгин.

## ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН АРАЛАШИШНИ УРГАТАДИ

Тагин бошқа бир тоифа— деҳқонлар тоифаси бор, улар энг керакли кишилардир.

Булар билан ҳам аралашиб, қовушиб кетсанг, ҳаётинг тўкин-сочин бўлади.

Ҳамма қимирлаган жонга булардан манфаат тегади, барчага егулик ва ичгуликдан ҳаловат етади.

Ҳамма нафас олувчи, очиқиб-тўювчилар, жумла тиклар буларга ҳожатманд бўладилар.

Бу кишилар сенга шубҳасиз кераклидирлар, улар туфайлигина томоғинг масаласи ҳал бўлади.

Булар билан ҳам аралашгин, эй қариндош, халқуминг пок, овқатинг ҳалол бўлади.

Режалар бошлиғи нима деганини эшитгин, ҳар турли ишлардан эҳтиёт бўлгин:

Нозик, тўғри йўл тутайин десанг, халқумингни поклагин, эй хулқи гўзал.

Муқаррар эҳтиёткор бўлайин десанг, халқумга, танга ҳилол озиқ бергин. Қашшоқ бўлмай, бой бўлайин десанг, зинҳор зино қилма, имкон борича маҳкам тур.

Сен ҳамишалик қадру қиммат топайин десанг, фиқсу фасодга қўшилма, эй хушфёъл.

Фиқсу фасод ҳамма нарсани таг-томиридан емиради, эзгу йўлни бузади.

Эришилган саодатни фиқсу фасоддан сақла, фиқсу фасод ўчган ўтни ҳам ёндиради.

Фёъл-атвори яхши киши ажойиб сўзлаган, у барча ишга билим билан қўл урган кишидир:

Фиқсу фасод атрофида турма, унга яқин юрма, фиқсу фасод қайда бўлса қадрсизлик аниқдир.

Фиқсу фасод билан давлат бирга туролмайдир, қочади, мабодо турса, унинг ажабланадиган ери йўқ, тунаб ўтадиган қўноқ кабидир.

Деҳқон кишиларнинг қўллари очиқ бўлади, уларнинг бағирлари тангри берганидан ҳам кенг бўлади.

Бутун ер юзидаги ҳамма қимирлаган жоннинг ризқу рўзи, юрадиганларнинг овқатини учадиганларнинг дони улардан насиб бўлади.

Улар билан ҳам тотув, хушмуомала, очиқ чеҳра бўлгин.

## **САВДОГАРЛАР БИЛАН АРАЛАШМОҚЛИКНИ АЙТАДИ**

Яна бошқа бир тоифа — савдогарлар тоифаси, савдо билан тинмайдиган фойдачилардир.

Ўз ризқ-насибаларини истаб олам кезадилар, бутун вужудлари билан тангрига умид боғлайдилар.

Уларга ҳам аралашгин ва бориш-келиш қилгин, нима сўрасалар бергин, олди-берди қилгин,

Бу дунёнинг орзулари уларда бўлади, халққа манзур гўзал, сара, яхши нарсалар улардан топилади.

Шарқдан Ғарбга қадар юриб олам кезадилар, тилган тилакларингни сенга келтирадилар.

Турли-туман қимматбаҳо, асл нарсалар, дунёнинг тансиқ моллари уларда бўлади, эй билимли, сахий.

Оламини кезувчи савдогарлар бўлмаганларида эди,

қора сувсар мўйна астарли кийимни қачон кийган бўлардинг.

Хитой карвонлари карвон чангини бас қилиб юриб кезмаганларида эди, турли-туман қимматбаҳо нарсалар қаердан келган бўларди?

Савдогарлар жаҳонни кезиб юрмаганларида эди, тизилган инжуни ким кўзи билан кўрган бўларди.

Санай берса, бу янглиғ гап кўпдир, сўз чўзилиб кетмасин деб тилим тийинди.

Бу савдогарлар тоифасининг барчаси мана шу янглиғ бўлади, уларга ҳам аралашгин, улар учун эшигингни доим очиқ тутгин.

Уларни жуда эзгу тутишга тиришган, шунда сенинг номинг эзгулик билан узоқ ерларга боради, ишонгин.

Оламда номни элтувчи, яхши ва ёмон номни жаҳонга ёювчи мана шулардир.

Сенга озми-кўпми буюм тортиқ қилсалар, уларга эваз қайтаргин, сендан хушнуд бўлсинлар.

Фойда-зарар бобида уларнинг табиатлари жуда нозик бўлади, муомалада бунга қаттиқ риоя қилгин.

Жаҳонгашта киши нима деганини эшит, бошидан кечирган ва кўпни кўрган киши айтади:

Оламда номингни ёяйин десанг, имкон борича мусофирларга илтифот кўрсатгин.

Узинг ҳақиқатдан донг таратишни истасанг, савдогарларни инъом ва эҳсонлар билан баҳраманд қилгин.

Узинг эзгу деган номни олмоқчи бўлсанг, мусофир савдогарларга марҳамат кўрсатгин.

Савдогар билан мана шу тарзда аралашгин, шод бўлса, кулиб, эзгу от билан яшагин.

## **ЧОРВАДОРЛАР БИЛАН АРАЛАШМОҚЛИКНИ АЙТАДИ**

Булардан бошқа чорвадорлар тоифаси ҳам бор, турли ҳайвонлар улар ихтиёрларидадир.

Улар ишончли, тўғри бўладилар, яширин сирлари бўлмайди, ҳеч кимга уларнинг малоли тегмайди.

Егулик-кийгуликлар, минишли ахта отлар, айғирлар, байталлар, ҳамма хил юк ҳайвонлари улардан чиқади.

Қимиз, сут, юнг, ёғ, сузма, қурут, наMAT, кигиз ҳамда уйларга керакли турли тутуқпардалар уларда бўлади.

Бу тоифа одамлар жуда фойдали кишилардир, буларни ҳам эзгу тутгин, эй барака топгур.

Аралашгин, қўшилгин ва едириб-ичиргин, ўзинг тўғрилиқ билан тириклик кечиргин.

Нималар сўрасалар бергин, нима керак бўлса олгин, чиндан ҳам ушбу одамлар ҳийла-найрангни билмайдилар.

Булардан тартиб-қоида ва билим истамагин, уларнинг тарзи-рафторлари кенг ва чекланмаган бўлади.

Улар билан муомалада ўзингни тутгин, улар тартиб-қоидасиз, мулоҳазалари жўн бўлади.

Улар билан яхши ва ширин муомала қил, дўст бўлади деб ҳисоблама, улар қизиққон, тўпори ва жаҳолатли бўладилар.

Тартиб-низом ўргатувчи, халқ билан аралашиб синаб билувчи киши жуда яхши сўзлаган:

Жоҳилни ортиқ яқин тутмаслик керак, яқин тутсанг, шубҳасиз, қилмайдиган ишларни қилади.

Таълимда бундан ҳам яхшироқ айтилган, ишга билим билан қўл уриш керак:

Жоҳилга яқинлашма, ўзингни тутгин, ўзини тутган киши бахтиёр яшайди.

Жоҳил кишидан зинҳор узоқ тур, жоҳилнинг хулқи мутлақо тубандир. Хуллас чорвадорлар мана шу янглиг бўладилар, уларга аралашмоқни истасанг, сўзларим сенга раҳнамо бўлади.

Сенга бу ҳақда батафсил сўзлаб бердим, қандай яшаш ва ҳисса олиш кераклигини ўзинг билиб олгин.

## ХУНАРМАНДЛАР БИЛАН АРАЛАШМОҚЛИКНИ АЙТАДИ

Тагин бир тоифа одамлар ҳунармандлардир, улар ўз ризқ-рўзлари учун ҳунармандчилик қиладилар.

Булар ҳам сенга керакли кишилардир, уларни ўзингга яқин тут, манфаатлари тегади, эй баҳодир.

Темирчилар, этикдўзлар, ўймакор, дурадгорлар, бўёқчилар, рассомлар, ўқсоз ва ёйсозлар шу тоифадан бўладилар.

Бу дунёнинг гўзалликлари улардан чиқади, оламдаги ҳайратомуз ишларни шулар содир қиладилар.

Буларга ўхшашлар кўп, санайверса сув чўзилади, сен ўзинг тушуниб ол, мен сўзни тамомлайман.

Булар билан ҳам аралашгин ва қўшилгин, уларни севинтиргин, ўзинг ҳам севинч билан яшагин.

Ишингни қилсалар, иш ҳақларини ўз вақтида бериб тургин, едиргин, ичиргин, озуқларини мўл-кўл қилиб бергин.

Халқ орасида сени нокас деб ёзғирмасинлар, номинг булғанмасин, бунга жуда эҳтиёт бўл.

Бу ҳақда халққа меҳрибон ва кўнгли пок билимли киши жуда яхши айтган:

Тириклик истамагин, эзгу ном истагин, одамга эзгу ном лозим, бу тириклик демакдир.

Барибир бир кун ўзинг ўласан, номинг қолади, номинг эзгу бўлса, тириклигинг татийди, беҳуда кетмаган бўлади.

Қимнинг номи ёмон деб булғанса, унинг юрмагани яхшидир. Тириклик бир моядир, унда эзгу ном истагин, мангу қоладиган номингни ёмоц қилма, яхши қилгин.

## **КАМБАҒАЛЛАР БИЛАН АРАЛАШМОҚЛИКНИ АЙТАДИ**

Булардан бўлаги камбағаллардир, нарса бериш билан яхшилик қил, ичир ҳам едир.

Улар сенинг ҳаққингга дуочидирлар, эй қариндош. Бу дуо жуда яхши нарса, эй қариндош.

Улардан хайр-эҳсонларинг эвазига мол-товар истама, эвазини худо беради.

Элда аралашигга тўғри келадиган кишилар ана шу саналганлардир, сенга уларнинг иши ёки уларга сенинг ишинг тушиб туради.

Ишлари тушганда меҳрибонлик билан додларига етгин, шунда сенга барча кишилар яқин бўлади.

Ўзинг икки дунё эзгулигини топасан, номинг эзгу бўлади, овозанг атрофга ёйилади.

## **ХОТИННИНГ ҚАНАҚАСИНИ ОЛМОҚНИ АЙТАДИ**

Агар хотин олмоқни истасанг, хотиннинг сарасини иста, кўзингни жуда ўткир қил.

Асли, уруғи ҳамда тариғи, зоти яхши бўлсин, хотиннинг уятли, андишали, покизасини истагин.

Имкони бўлса қўл тегмаган уй қизини олгин, сендан бўлак эр юзини кўрмаган бўлсин.

Фақат сени севади, сендан бўлакни билмайди, ярамас ёки ножўя ҳаракат содир бўлмайди.

Сен хотин олсанг, ўзингдан қуйисини олгин, зоти олийсига боқма, қул бўлиб қоласан.

Синаган киши нима дейди, эшитгин, синаган кишининг иши пишиқ бўлади.

Хотин олсанг, ўзингдан қуйи ва тўғрисини олгин, умрининг фароғатда ўтказасан.

Юзи чиройлисини истама, хулқи яхшисини иста, феъл-атвори яхши бўлса, сенинг юзингги ёруғ қилади.

Аввало хотин олма, олсанг, ўзингга муносибини олгин, эй режали мардларнинг марди.

Юзи чиройлисини истама, феъл-атвори яхшисини иста, феъл-атвори яхши бўлса, у тўқис ва тугал бўлади.

Эй чиройли хотин истовчи, буни истамагин, ўз қизил юзингги сариқ қилмагин.

Ким хотин олайин деса, тўрт тоифадан ташқари бошқа тоифа хотин олмайди, эй кишилар сарвари.

Баъзилар зўр иштиёқ билан яхшигина бой хотин истайдилар, яна баъзи бировлар кўз тикиб чиройлисини истайдилар.

Тагин баъзи бировлар уруғли, таги аслларини сўроқлайдилар, улар улуглик номидан фахрланадилар.

Тагин баъзи бировлар фаросатли, андишалисини истайдилар, ўшандайини топсалар, дарҳол унга ўзларини улайдилар.

Булардан энг афзалини сенга айтайин, хотин оладиган бўлсанг, менга қулоқ сол:

Эй бой хотин истовчи ақлирасо, сен унга қул бўлиб қолмагин, эй билими тўла.

Фикри-зикри мол билан бўлиб, тилини узун қилади, унинг мол истаб қилган ғурбатларини кўтараш керак бўлади.

Эй чирой истовчи кишиларнинг яхшиси, хотиннинг чиройлисини қидирма, одамлар устингдан куладилар.

Хотиннинг чиройлисини барча халқлар севадилар, уни тангри ўз паноҳида асрасин.

Эй олий зотли хотин истовчи, олий олдида ўзини қадрсиз қилмаслик керак.

Насл-насабли, зоти улуғларнинг тили узунроқ бўлади, хотиннинг қули бўлмагин.

Эй фаросатли, андишали хотин истовчи жўра, бундай хотинни топсанг, юқорида саналган тўрт нарсасага тугал эришасан.

Агар яхши, андишали аёл топишга муяссар бўлсанг, бой берма, дарҳол олгин, эй эзгу киши.

Тилагинг бойлик бўлса, у мол-дунё йиғаберади, сени бойитади, юзингни ёруғ қилади.

Феъл-атвори тўғри бўлса, жуда муносиб бўлади, хотиннинг чиройи хулқдир, буни билган билади.

Андишали, покиза бўлса, ундай киши асл бўлади, юқоридаги уч нарса унда жам бўлади, эй униб-ўегур.

Сен хотиннинг андишали — ақллисини иста, эй доно, андишали — ақлли хотинда юқорида айтилган тўрт хислатнинг ҳаммаси бор.

Сен шундай хотинни топқдиган бўлсанг, тириш, қарорли бўл, бой берма, дарҳол ол, эй мард киши.

### **ЎГИЛ-ҚИЗНИ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАШ ҲАҚИДА**

Сен ўғил, қиз кўрсанг, эй олий насаб, уйингда тарбиялагин, бошқа ерда тарбиялама.

Мураббийни яхши кишилардан олгин, ўғил, қиз пок ўсади, номатлуб ишлардан фориг бўлади.

Ўғил, қизга билим ҳам одоб ўргатгин, икки олам уларники, ҳаётда қоқилмайдилар.

Ўғилга хотин ол, қизни эрга бер, қайғу-аламсиз яшагин, эй бахтли киши.

Ўғилга барча хислат-фазилатларни тугал ўргат, бу хислат-фазилатлар билан у мол-дунё йиғаберади.

Ўғилни тергаб тур, бўш, беҳуда қўйма, у бефойда ва бебош бўлади, шошиб нолойиқ ишлар қилиши мумкин.

Қизни уйда эрсизликда узоқ сақлама, ўзинг касалланмасдан аттанг билан ўласан.

Эй дўст, ошна, кесиб сўз айтдим, бу қиз дегани туғилмагани, мабодо туғилса, тирик турмагани яхши.

Агар туғилса, унга ер қаъри яхшироқдир, уйи ўликлар жойига қўшни бўлсагина маъқулдир.

Хотинларни доим уйда сақлагин, хотиннинг ичи ташадай бўлмайди. Ётни уйга қўйма, хотинни ташқарига чиқарма, у-бу киши кўриб йўлдан уради.

Кўзи билан кўрмаса кўнгли орзу қилмайди, кўзинг кўрса, кўнглинг истайди, эй ўғил.

Кўзингни сақлагин, кўнгил истамайди, кўнгил орзу қилмаса, тану жон асир бўлмайди.

Ейиш-ичиш пайтида хотинни эркакка аралаштирма, агар аралаштиргудек бўлсанг, иш бўлганича бўлади.

Хотинни уйдан бошқа ерга чиққани қўйма, агар чиқса, тўғрилиқ йўлини йўқотади.

Хотин аслан гўшт кабидир, гўшни сақлаш керак, гўшт яхши сақланмаса ҳидланади, бошқа чора йўқ.

Сен хотинни қадрли тут, нима сўраса муҳайё қил, уйинг эшигини маҳкамла, эркакни йироқ тут.

Буларда азалдан вафо йўқ, кўзи қаёққа боқса, кўнгли ўша ёққа кетади.

Жафо билан унган, парваришланган дарахтнинг меваси оғу бўлади, сен унга ҳарис бўлмагин.

Неча минглаб озиқли эрлар, мардларнинг мардлари хотинлар туфайлидан пайлари кесилгандир.

Нечалаб юзи ёруғ, обрўли кишилар хотинлар туфайлидан юзлари ерга қараган.

Туман минглаб шарафли, донгдор мардларни хотинлар тириклайин ерга кўмганлар.

Уларни қандай тергаш, қандай сақлаш керак экан-а! Уларни сақлагувчи тангри ўз паноҳида асрасин.

## ҚЎЛ ОСТИДАГИ ХИЗМАТҚОРЛАРНИ ЭЗГУ ТУТМОҚЛИК ҲАҚИДА

Қўл остингдаги хизматқорларни эзгу тутгин, ейдиган ва ичадиган нарсалар бергин, уст-бошини бутагин.

Кучларига яраша юк юклагин, қодир худо улар учун сендан сўроқ олади.

Албатта уларга ортиқ заҳмат етказма, улар учун худо сенга жазо беради.

Улар ҳам худонинг қулларидирлар, уларга зулм қилиб, ўзингга дўзах азобини олма.

Сен улуғдирсан, улар сендан кичикдирлар, кичикларга улуғлар очиқ юз ва хушмуомала бўладилар.

Улуғликка эришсанг кўнгилини кичик тутгин, улуғларга кичиклик, камтарлик ярашади, эй ўғил.

Заковатли киши нима дейди, эшитгин, бу сўзга амал қилгин, эй билими кенг:

Агар сен халққа улуғ бек бўлсанг, кўнгил ва тилни кичик тут, ўзингга фойдадир.

Ўзингни унутма, йўлингдан янглишма, келиб-кетадиган қут деб соғлом йўлдан қайтма.

Уй-жойингни жуда покиза, тоза тут, сенга давлат ўзи келади, эй сахий, очиққўл одам.

Егулик-ичгуликни, туз-нонни ҳам кенг-мўл тут, отинг эзгу бўлади, қут-давлат кела беради.

Қиримга яраша чиқимни ҳам тенг қил, чиқимни билиб олсанг, дарҳол қиримга назар сол.



Олимга, беримга тўғри ва яхши бўл, қандай пайтда олди-берди қилсанг йўл очиқ бўлади?

Мабодо қўлинг қисқа бўлиб қолса, одамларга ҳожат-манд бўладиган бўлма, эй мард йигит.

Севганларинг ишингга қўл урмай қўядилар, сени севагувчилар эса устингдан тинмай куладилар.

Жўраларинг, дўстларинг, қариндошларинг беқадр тутадилар, бу оламнинг оғриғидан кўнглинг жароҳатланади.

Кишиларнинг эгусига аралашгин ва қўшилгин, одам бўлгин, одамлар орасида яшагин.

Қишлоқда турма ё нарсаларингни у ерларда тутма, қизил юзинг афсус билан сарғаяди.

Сен уй-жойингни катта йўлга яқин жойга солма, балолар юз тутати, сен буни яхши ҳисобга ол.

Тик жар ёқасига, тошқин дарё бўйига, шунингдек қалъага яқин ерда яшама, эй покдил киши.

Бу уч қўшниликдан сенга заррача фойда йўқ, мабодо уларнинг зиёни тегса, чора-тадбири йўқ.

Уй олмоқни истасанг қўшнилари суриштиргин, ер олмоқни истасанг сувини суриштиргин.

Ёмонга аралашма, саломат юргин, феъл-атворингни тўғри тут, йўрға одек зийрак бўлгин.

Борига қаноат қилиб ўзингга хон, ўзингга бек бўлгин, ҳаловатингга шукур қилиб қайғуни қисқа қилгин.

Ўлимни унутма — ўзинг гафлатдан чиқасан, эгангни унутма — кўзинг очилади.

Сўзингни ўйлаб сўзла — қайғу-алам келмайди, вақт — кунларингни беҳуда кетказма — афсус, аттанг келмайди.

Ортиқча гердайма — олқиш топасан, ортиқча хасис бўлма — қарғиш топмайсан.

Табиати нозик, одамгарчиликка одамгарчилик қилувчи киши нима дейди, эшит:

Ўзинг эзгу номли бўлайин десанг, имкон борича сахий бўлишга ҳаракат қилгин.

Озод одамни қул қилайин десанг, сахий бўл, нарса улаш, ундан баҳра оласан.

Юксалиб бошим кўкка етсин десанг, ҳамма ишни кўриб, кузатиб билим билан қилгин.

Отинг оламга ёйилишини истасанг, мусофирга марҳамат кўрсат, отинг югуради...

...Мутлоқ эзгуликка етайин десанг, тану жонингни тийиб тут, нафс — ҳавасни бос.

Мулоҳазали киши жуда яхши айтибди, бу сўзга амал қилгин, эй ҳадикли киши.

Бу тану жонга, нафсга тилак-орзуларини берма, тилакка эришса, эгасининг бошига оёқ қўяди.

Бунга яхшилик қилсанг, ёмонлик қилади, ёмонлик қилсанг, эркисизлик билан бўйнини эгади.

Ўгдулмиш сўзини тугатиб, айтди: Эй қариндош, қора авомнинг феъл-атвори мана шунақа бўлади.

Булар ҳақида сўзлаб бердим, эшитдинг, тушунган бўлсанг, бас, сўз тугади.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЎГДУЛМИШГА САВОЛИ

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Сўзларингни тугал эшитдим, эй хулқи гўзал.

Сепдан сўрайдиган яна бир сўзим бор, уни ҳам менга очиқ қилиб айтиб бер.

Мен бу одамлар билан аралашадиган бўлсам, очиқ чеҳра билан бориш-келиш қилмишим керак бўлади.

Шубҳасиз мени зиёфатга меҳмондорчиликка таклиф қиладилар, шунингдек, мен ҳам таклиф қилсам бошқалар келади.

Зиёфатга қандай бориш керак, овқатни қандай ейиш керак, чақирганда қандай қилиб чақириш керак?

Булар ҳақида ҳам менга аниқ айтиб бер, бу ишлардан ҳам хабардор бўлайин.

## ЎГДУЛМИШ ЗИЁФАТГА ТАКЛИФ ҚИЛИШ ВА БОРИШ ҚОИДАЛАРИНИ УРГАТИШИ ҲАҚИДА

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Бу ҳам, сенга айтсам, керакли ишдир, эй қариндош.

Таклиф қилинадиган киши кўн турли бўлади, меҳмондорчилик ошлари ҳам ҳар хил бўлади.

Улардан биттаси никоҳда бериладиган зиёфатдир, ё суннат, ё фарзанд туғилиши муносабати билан бериладиган зиёфат ҳам бор.

Ё тенг-туш, ё ёру биродарлар зиёфатга таклиф қиладилар, катта-кичик яқинлар ё қариндошлар чорлаб зиёфат берадилар.

Ёки ўлганга бағишланган маърака оши бўлади, ёки айримлар унвон оладилар ва шунини нишонлаш учун зиёфат берадилар.

Бу еб-ичиладиган зиёфатлардан қайси бири бўлмасин, уларга бориш ёки бормаслик кераклигини яхшилаб ўйлаб кўргин.

Дўстлар, ёру биродарлар, қариндошларнинг зиёфатлари бўладиган бўлса, бориб ишларни назорат қилиб кўмаклашиш керак.

Зиёфатда ёт, бегона меҳмонлардан хабардор бўлиб, егулик-ичгуликларнинг етиш ё етмаслигини, кўп ё озлигини мезбонга айтиб, тартиб қондани назорат қилиб туриш керак.

Яқинлар, қўшнилари, ошна-оғайнилари сен учун зиёфат берсалар ёки тангрини ўртага қўйган дўстлар сени зиёфатга таклиф қилсалар,

Буларникига ҳам албатта боргин ва кўнгилларини олгин, уларни севинтиргин, ўзинг ҳам севингин, эй ўғил.

Агар бундан бошқа зиёфатлар бўладиган бўлса, унга бормаган яхши, кўнгил оғриб қолиши мумкин.

Меҳмондорчилик тарадудлари чала-ярим ёки тўлатўкис бўлмаса, кўнгилнинг жойига тушмай оғриб қолиши ҳам мумкин.

Ё бадмаст уриш қилади, жанжал-тўполон чиқаради, овқатнинг сингмагандек кўнгилнинг беҳузур бўлади.

Фақат тўйимли овқат ва ичимлик учун ўз қадрингни ерга урмагин.

Нафсни тийишга ирода топиб ўзини тиювчи киши нима деган, эшитгин:

Нафсингни тий, кишиларнинг тубани бўлма, бўғзинг учун нафсингга қул бўлмагин.

Жуда кўп кўрганам бор, қадр топган кишилар ўз нафсларини тия олмаганликлари учун юзтубан кетганлар.

Жуда кўп кўрганам бор, элда улугликка эришган кишилар ўз нафсларига қул бўлиб тубан кетганлар.

Кўп бойларни кўрганман, уларни нафс тутқун қилган, ўзлари хонавайрон бўлганлар, қашшоқликка юз тутганлар.

Эй нафси голиб, нафсга тутқун бўлма, нафсга тутқун бўлсанг, ундан қутулишинг қийин.

Қайси зиёфатга бўлмасин борадиган бўлсанг, ўзингни ерга урмай одоб билан овқат егин.

Тартиб-қондани билмайдиган, фаросатсиз, бадфеъл киши тартибли кишиларни кўрса боши гангиб эсанкирайди.

Сендан катталар овқатга қўл узатсалар, улардан сўнг қўл узат, одоб шундайдир.

Унг қўлингни сун, тангрининг отини айт, барака то-  
пасан ва давлатинг зиёда бўлади.

Бошқалар қаршисидаги овқатни чўзилиб олма, ўз  
қаршингда нима бўлса ўшани олиб егин.

У ерда пичоқ ишлатма, сўнгахк кўтарма, зинҳор юҳо,  
бетоқат, енгилтак бўлма.

Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам овқатдан еб туриш керак,  
одам овқатни одамга қараб ейди, эй қариндош.

Нима олсанг тишлагин, майдалаб чайнагин, иссиқ  
овқатни зинҳор қаттиқ пуфламагин.

Ер экансан дастурхон устидаги овқатни ўз олдингга  
тортма, кишиликнинг ярашиғини бузма, одоб сақла.

Бу одобсизликдир, сен одоб бўйича юр, одобсиз ки-  
шилар жуда манфур кўринадилар.

Тартибли киши жуда яхши сўзлаган: одоб-тартибни  
билган одам зоҳиран дилкаш бўлади, деган.

Ҳамма нарсанинг қондаси, тартиби, таълими бор,  
тартиб-одоб қоидаларини тўғри тутса, кишининг юзи  
ёруғ бўлади.

Бадхулқ, тартиб-қоидани билмайдиган киши киши-  
ларга аралашганда иши олға босмайди.

Овқатни лаззатланиб егин, ейшининг кўрган уй бе-  
каси ўзида йўқ севинсин.

Биров меҳнат сингдириб сенга овқат ҳозирласа, меҳ-  
натини беҳуда қилиб, овқатни аҳамиятсиз қолдирма.

Кўнгли ҳушёр киши жуда тўғри сўзлаган, унинг сўз-  
ларига назар солсанг, ранго-ранг маънолар беради:

Одамнинг кўнгли юпқа шиша мисолидир, уни жуда  
ҳам эҳтиёт қилгин, қўзғатма, синади.

Одамнинг одамдан кўнгли қолса ҳаловат кетади,  
яқинлик узилади, фойда узоқлашади.

Яқинлик истасанг, одамлар кўнглини авайлагин,  
кўнгли қолса яқинлик кетади, умидингни узавер.

Овқатни меъёрида егин, кўп овқат емагин, бу ҳақда  
заковатли азиз бундай деб таълим беради:

Кўп еювчиларнинг овқати бадҳазм бўлади, овқати  
бадҳазм бўлган киши доим дардманд бўлади.

Дард томоқдан киради, шунинг учун нафсингни тий-  
гин, овқатни бир меъёрда оз-оздан еб, оз-оздан ичгин.

Дард ёпишса шуъҳасиз, одамни заифлаштиради, уни  
даволамаса, ўлим шошириб талвасага солади.

Даволовчи ҳаким жуда яхши сўзлаган, ҳакимлар сў-  
зини ёмон деювчи ким, қани:

Улимдан аввал хасталик унинг даракчисидир, одам  
хасталандими, ўлим унинг қўшнисидир.

Хасталик бир машаққатли офатдир, ўлимнинг жарчисидир, ўлимда ҳаловат йўқ, унинг яхшиси бўлмайди.

Мен деювчи одам фарзанди мизож иссиқлиги ва совуқлигини билиш, уни фарқлай олиши керак.

Аввал мизожни билиш шарт, сўнг унга яраша овқат истеъмол қилиш керак, мизожга ўтирмайдиган овқатдан воз кечиш керак.

Иссиқлик ошса дарҳол ўзингни совуқликка солиб, енгиллаш, совуқлик ошадиган бўлса, иссиқликка солиб тузат.

Ўзинг йигит ёшида бўлсанг, баҳор фасли бўлса, совуқлик нарсаларни истеъмол қилгин, қонингни равон қилади.

Ёшинг қирқдан ошган бўлса, куз ой-кувлари бўлса, сен ўз мизожингни иссиқ нарсалар билан созла.

Ёшинг олтмиш ва ундан ортиқ бўлса, қиш мавсуми бўлса, ўзингни иссиқликка сол, совуқлик нарсаларни истеъмол қилма.

Қуруқ совуқлик ошса ҳўл, иссиқлик нарсалар ҳозирла, мана шу иккаласи қуруқ совуқликка даво бўлади.

Ҳўл совуқлик ошса, сенга зиён келтирса, уни иссиқ, қуруқ нарсалар билан қайта тушир.

Мизожинг совуқ бўлса иссиқликни кучайтир, агар мизожинг иссиқ бўлса, совуқлик нарсаларни ёб, ичиб юр.

Мабодо мизожингни билмайдиган бўлсанг, иссиқлик ва совуқлик оралигидаги бир меъёрга амал қилгин.

Мизожингни мана шу тарзда тўғри сақласанг, тириклик кунларинг эмин ва фароғатли бўлади.

Табиб нима дейди, унинг сўзини эшит, бу сўзларнинг маъносини уқ ва эсон яша, эй қўзим.

Мен танангнинг мизожинни сенга таърифлаб айтайин, у қизил, сариқ, оқ ва қоралар омухтасидан иборатдир.

Булар бир-бирига қарама-қарши душмандир, душман душманга яқинлашса, бир-бирларини ажратадилар, созлашолмайдилар.

Мизожни меъёрида тутиш учун одам заковатли бўлиши керак, нима муносиб бўлса ўшанигина истеъмол қилишни билиши керак.

Одамни ҳайвондан шу нарса фарқлайдики, у ўз мизожига яраша овқатланади, эй ўғил.

Энди мўйсафид нима деганини эшит, буни сен уқиб ол, бемаъни бўлиб қолма:

Қиши қирқ ёшни яшаб ўз мизожини билмаса, у қанча сўзлагани билан бари бир тугал ҳайвондир.

Синаб, кўриб ҳам киши билим ўрганмаса, уни одам санама, эй олийжаноб.

Киши ўз бошидан кечириб йўл-йўриқни билиб олмаса, ким уни ҳайвон деса тўғри сўзлаган бўлади.

Давр-давронлар ўтиб киши доно бўла олмаса, уни одам деб атаб бўлмайди, ҳайвон деса бўлади.

Назар солсанг, ҳознқ ҳақимлар жуда яхши сўзлаганлар: Киши овқатни оз еса саломатликда ютади, деганлар.

Дард ва касалликсиз сиҳат-саломатлик истасанг, «Оз» деб аталган ўт-дорини истеъмол қилиб яша, эй аслзода.

Ўзинг фароғати чексиз эминлик истасанг, «Тил» деб аталган эт-гўштни истеъмол қилиб яша, эй саришта.

## **УГДУЛМИШ УЗҒУРМИШГА ЗИЁФАТГА ТАКЛИФ ҚИЛМОҚЛИК ТАРТИБ-ОДОБЛАРИНИ УРГАТАДИ**

Агар сен одамларни таклиф қилайин десанг, таклиф қилгин, лекин тараддудини яхшилаб кўриб қўйгин.

Идиш-оёқ, дастурхон, уй-жой, либослар покиза бўлсин, покиза кўрпача ёйгин, егулик ва ичгуликлар ҳам покиза бўлиши керак.

Егулик, ичгуликлар тоза, тотли, мазали ва яхши бўлсин, келган меҳмон ҳавас билан еб-ичсин.

Таклиф қилмасанг ош-сувингни камчилиги битта бўлади ва фақат ўзинг биласан. Агар таклиф қилсанг, уни кўрганлар бирни минг қиладилар.

Еб-ичиладиган нарсаларинг ораста, покиза бўлиши керак, қелган меҳмонлар тўйиб еб туриб кетсин.

Дўстларни, қариндошларни, улар хоҳ узоқ, хоҳ яқин бўлсинлар, барчасини зиёфатга таклиф қилгин, ҳақларига риоя қилгин.

Келадигани келади, келмагани эса, уни ҳам чақирган бўлганлигинг учун, сендан кўнгли қолмайди.

Томоқ гинаси жуда ёмон бўлади, бундай гинали одам ўчакишиб кек сақлайди, бу кек ўлгандагина қолади.

Егулик ва ичгуликларнинг барчага етишини ҳисобга ол, кечикиб келганларни ҳам едириб-ичиришни унутма.

Меҳмонлар овқатланаётганда ичимликларни торттир, уни ичсалар яна ичимлик ҳозирла.

Қаерда ейиладиган нарса бўлса, ичиладиган нарса

ҳам керак, ейиладиган ва ичиладиган таом ва ноз-неъматлар тенг бўлиши керак.

Ейиладиган нарсалар бўлса-ю, ичиладиганларнинг тайини бўлмаса, у овқатни еса оғу бўлади деб ҳисоблагин.

Истасанг фуқо торт, истасанг мейзоб торт, истасанг гулангибин, истасанг гулоб торт.

Булардан бошқа яна нималар тортишнигини мендан сўрама, дурустроқ биладиганлардан сўрагин.

Улуғлар овқат еб бўлганларидан сўнг кичикларга егулик ва ичгуликлар тортиш керак.

Овқатни барчага етказ, кузатиб тур, бирорта одамни ҳам қуруқ қолдирма, оч қайтиб кетмасинлар, сени ёзғириб сўкиб юрмасинлар.

Сувоқ-қуюқни еб-ичсалар, сўнг ширинликлар, мевалар торт, қуруқ, хўл мевалар билан қўшиб қандолатлар қўй.

Кучинг етса йиртиш қил, ипаклик матолар йиртгин, имконинг бориचा тиш ҳақларини бергин, гиналари қолмасин.

Энди егулик ва ичгуликларнинг таъриф-тавсифи етарли бўлди, даргоҳингга қўноқ келса эшигинини очиб қабул қил, қайтарма.

Зиёфатга таклиф қилувчилар тўрт тоифа бўладилар, борувчилар ҳам тўрт тоифа бўлади, эй униб-ўсгур.

Бир тоифа таклиф қилинса зиёфатга албатта боради, нима билан сийласалар ўшани еб-ичади.

Лекин жавобан ўзи уйинга одам таклиф қилмайди, овқатини уйда боши ва бурни билан бурканиб ўзи ейди.

Тагин бир хил кишилар таклиф қилинсалар зиёфатга борадилар, зиёфатни ейдилар ва жавобан ўзлариникига ҳам таклиф қиладилар.

Тагин бир тоифа кишилар зиёфатга ўзи ҳам бормайди, бошқаларни ҳам таклиф қилмайди.

Ундай киши ўликдир, сен уни тирик қаторинга қўшмагин, унга қўшилма, у билан борди-келди қилма.

Яна бир тоифа кишилар таклиф қилинган зиёфатга бормайди, лекин мол сўйиб бошқаларни зиёфатга таклиф қилади.

Энг яхши йўл-йўриқ, доно, билимдонлар таърифлаган одоб ва қоида бундай:

Хоҳ зиёфатга боргин, хоҳ бормагин, нафсни тийгин, овқатни оз егин, саломатликда яшагин.

Қўн еювчи одам дардманд бўлади, ранги заҳил, юзи ранглар, оти пасткаш бўлади.

Табибнинг сўзи бунга жуда мос келади, у мизожни билувчи, кўнгли кенг, билими теран кишидир:

Дард кишига томоқдан овқат билан киради, одамни дард қаритади, ёшини тугал яшай олмайди.

Ҳамиша нафсингни тий, дардсиз яша, соғлом юр, дард кишининг қизил юзини заъфарон қилади.

Таклиф қилганниқига борсанг, ёки сениқига одамлар келадиган бўлса, зиёфат ишининг тартибот ва тараддудлари мана шу янглиғ бўлади.

Мана, батафсил сўзладим, сен эса эшитдинг, шу гаплар етарли деб бил, сўзни чўзмайлик.

Одамларга аралашмоқликни истасанг дунёнинг ҳоли, йўл-йўриқлари мана шунақадир.

Эй кўнглимнинг нури, ҳақиқат сўзларим маънисини уқ, чуқур мулоҳаза билан мағзини чақ.

### **ЎЗҒУРМИШ УГДУЛМИШГА БУ ДУНЁДАН ЮЗ УГИРИБ У ДУНЁГА МОЙИЛ БЎЛМОҚЛИКНИ АЙТАДИ**

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Мен бу сўзларни эшитдим, энди сен ҳам жавоб сўзларни эшит.

Агар ким сен айтган нарсаларни ўрганса, бу дунёда барча тилак-орзуларига етади.

Ва лекин мангулик ҳаёт топаман деган одам яна мана буларни ҳам билиши керак, эй доно.

Одам шунча меҳнат ва машаққатлар билан мол-дунё йиғиб, ўзи абадий қолмайдиган бўлса, мол-дунё йиғишнинг нима кераги бор?

Мана, сен ҳузуримга келганингдан бери, менинг тоат-ибодатларим тўхтаб қолди, назар сол.

Фақат бир одам билан мулоқотнинг зарари шунчалик бўладиган бўлса, қўй, мени ортиқ зўрлама.

Мен агар шаҳар, қишлоқларга борадиган бўлсам барча ишларим ва муомалаларим одамлар билан бўлади...

Беҳудалик томонга яна қайтиш менга ярашадими, эй меҳрибон биродар.

Билими дарё киши қандайин яхши таълим берган, сен буни эшитгин, эй хушфёъл:

Қариликнинг иш-юмушлари, ҳозирликларини йиғитликда қилиб олгин, қариганда қувват кетади, ёш ҳам ўтиб қолади.

Йиғитликда шошилиб худонинг тоат-ибодатини қилгин, бу ишни қариликда қилиб бўлмайди, буни яхшилаб билиб ол.



Еш йигит экансан йўл-йўриқларингни тузатиб, яхшилаб ол, улуғликка етганинда юрак ўтинг сўнади.

Одам навқиронлик фурсатларида турли эзуликлардан баҳраманд бўлиб қолса қандай яхши бўлади-я!

Қиши қариганда беҳуда йўлга кириб ёшларнинг қиладиган ишини қилса қанчалик номаъқул бўлади-я!

Бу дунёнинг мол-бисотлари тириклик учундир, тириклик тугаса мол-дунё ташвишлари ҳам тугайди.

Мол-дунё йиғиб-териш билан тириклик ўтиб кетади, нафас олишдан тўхтасанг бу мол-дунёларингни кимга тайинлаб қолдирасан?

Деяйлик, сен айтган элиг хизматларини, дўст-ёрлар, халқ феъл-хулқларини, йўл-йўриқларини тугал билиб, ўрганиб олдим.

Охир-оқибат ўладиган бўлгандан кейин булардан нима фойда бор? Охири икки газ бўздан бўлак ҳеч нарса насиб бўлмайди-ку.

Бунчалик ўзни ўтга, сувга урмоқликнинг боиси икки тилақдир, эй мард муслим.

Бирини — мол-дунё билан буюклашмоғинг бўлса, иккинчиси элда ҳукминг раво бўлишидир.

Бу иккисига эришсангу, ўлим бўлмасдан мангу қоладиган бўлсанг, бу албатта жуда яхши бўлар эди.

Бу икки ҳаловатни ўлим юлқиб оладиган бўлгандан кейин, бундай дунёнинг нима кераги бор, эй билими теран.

Одам қутлисининг муайян белгилари бўлади, унинг эзуликлари кунда рўй бериб туради.

Қутсиз бўлса, у одамни совутади, қариган чоғида феъл-хулқи айнийди.

Билими кенг доно бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, сен буни эшитгин, эй ёруғ юзли:

Улғайгани сайин ёмонлигини қўйиб, тобора яхши бўла борса, ўша одам одамларнинг бахтлиси бўлади.

Қариганда ҳам орзу-ҳавас кетидан қувадиган одам, шубҳасиз, одамларнинг бадбахтидир.

Қани ўша бутун дунёни ўз тасарруфига олган жаҳонгир, ўзи учун темир ихотали шаҳар — қалъа қурган киши (Шаддод)?

Қани бутун дунёни ўз тасарруфига олиб, қора қушга миниб кўкни ҳам эгаллашга интилган тубан ит (Намруд)?

Қани ўша тангри менинг ўзимман, деб даъво қилган пасткаш, тангри уни денгиз қаърига фарқ қилди-ку (Фиръавн).

Қани ўша бу дунё мол-товарларини йиғиб терган киши, у мол-дунёсини қолдириб қора ер қаърига кирдику (Қорун).

Қани ўша Машриқдан Мағрибгача юриб барча элларни ўз тасарруфига олган бу дунёнинг афзал жаҳонгири (Искандар Зулқарнайн)?

Қани у асоси илонга айланиб, денгиз сувини иккига ёриб ўтувчи киши (Мусо)?

Қани ўша дев, пари, инсу жинс, қурт-қумурсқа, парранда ва одамлар устидан эркини юритган феъли хуш киши (Сулаймон)?

Қани ўша ўликларни тирилтирувчи киши? Охири ўзининг қисмати ҳам ўлимга тутқун бўлиш билан тугади. (Исо масиҳ.)

Қани ўша одамлар орасидаги сара ва етук киши, бу етуклик завол топди, дунё ундан ҳоли бўлиб қолди. (Муҳаммад Мустафо.)

Бу саналганларнинг барчасини ўлим тутди ва олиб кетди, эй покиза сийрат, бу ўлим сени қўйиб қўярмиди.

Бу дунёнинг йўриқлари мана шунақа, хоҳ унга мос йўл тут, хоҳ аксини қил, бу билан у ўзгармайди.

Қора ер қаърига бир назар солгин, унга не-не кишилар кирмаган. Аммо унинг ўпқони сира-сира тўлмайди.

Қора ер қаърини очиб кўриш мумкин бўлганда эди, у ерда не-не сара, асл кишилар азоб чекиб ётганларини кўрган бўлар эдинг.

Не-не беклар қора ер билан тенг бўлиб ётибдилар, не-не билагон, донишмандлар ер остида чириб ётибдилар.

Уларнинг бегини қулидан ажрата олмайман, камбағалларини бойларидан фарқлай олмайман.

Бирор марта дардга чалинмаган шижоатли мағрур мардлар қора ер билан яксон бўлдилар, беҳаракатдилар.

Мана шундай сара кишилар ер билан яксон бўлганларида, ё сен, ё мен тирик қолармидик.

Узоқ йўлга отланган аҳди қаттиқ сайёҳ, катта йўлда уй-жой тараддудларини кўрмайди.

Мен дунё орзу-ҳавасларини ўзимдан соқит қилганман. Мени ўз ҳолимга қўйгин, тангрим менинг бирданбир таянчимдир.

Одамни қул қилувчи нарса суқликдир, мен бу суқликни ўзимдан кўтардим, менинг кўзим тўқдир.

Бевафо дунёдан кўнгли қайтиб уни тарк қилган одам нима дейди, эшитгин:

Оламда ўзимга керак бўлган тилакларимни топдим, кўзим ҳарисликни ўзидан соқит қилди.

Дунёнинг орзу-ҳавасларидан юз ўгирдим, шу билан тилакларим ҳам тугади, сўзларим тамом бўлди.

Бу дунёнинг ичи мисоли экинзор ердир, унда нима эксанг, келгусида ўша нарса униб чиқади.

Уруғнинг яхшисини эксанг яхши нарса унади, бу яхши нарса егулик ва кийгулик бўлади.

Уруғнинг ёмонини эксанг ёмон нарса унади, бу ёмон нарса келгусида бўйнингга юк бўлади.

Бугун орзу-ҳавасларни тарк этмас экансан, келгусида эзгуликка эриша олмайсан.

Модомики бу дунё сени қўймас экан, сен бу дунёни қўй, модомики у сенга тўймас экан, сен ундан олдинроқ тўй.

Сен уни қўймасанг ҳам, у сени албатта қўяди, сен унга тўймасанг ҳам, у сенга албатта тўяди.

Бу дунёни қўлга киритиб, яна ташлаб кетадиган бўлгач, бундай дунёнинг нима кераги бор? У сени қўядиган бўлгач, сен унинг баҳридан ўт...

...Хизмат қилувчининг қисмати икки нарсадан бошқача бўлмайди. Ё хизмати манзур бўлиб улуғликка эришади,

Ёки хизмати манзур бўлмасдан сарф этган вақт-фурсатлари, тирикликлари бекорга кетади.

Хизмати манзур бўлиб бек уни улуғлаб кўтарса, эришган бу даврони унинг ўзини ихтиёрсиз қилиб қўяди.

Гоҳо оч, гоҳо тўқ елиб-югуриши керак бўлади, беги роҳатда ётганда унинг машаққат чекиши керак бўлади.

Агар унинг сингдирган хизматлари манзур бўлмаса, эсиз, тирикликлари, умри зое кетади.

Хизматчининг ўзи учун қанақа манфаат бор, хизматлари эвазига у қанақа фойда кўради?

Ило элининг эрклиси сўзларини эшитгин, унинг гапларига назар сол, у хизматчи йўл-йўриқлари ҳақида нималар деган:

Дикқат қилиб қарасанг бекларга хизмат қилиш жуда ҳам қийин вазифадир, талай хизмат қилса ҳам одам ўзини манзур қила олмайди.

Хизмати манзур бўлса ўзинча эркин бўлади, хизмати манзур бўлмаса кундан-кунга қадрни кетади.

Эй кўп хизмат сингдирган киши, хизматларингга ишонма, хизмат охир-оқибатда бошингга етади.

Энди севиндим деганингда саситиб сўқади, энди хурсанд бўлиб кулганингда ғазабланиб қовоғини уяди.

Унинг қилиқларини тугал билиб бўлмайди, ундан олиш керак бўлган нарсаларни олиб бўлмайди.

Бу дунё шамол ва бўрон кабидир, кўргин, бир ерда қарори йўқ қўланка кабидир, назар сол.

У мисоли бир саробдир, қараганда кўриниб туради, ушлайин деганда йўқолади, кўздан ғойиб бўлади.

Дунё-давлат кути дақиқа ва онларда келиб-кетадди, у шитобкор, бевафо ва тез қарувчандир.

Бундай дунёнинг менга кераги йўқ, унинг қутли оллари ва давронлари менга керак эмас.

Эгамнинг зикри — ёди менга кифоя, етарли севиладиган севинчдир, унинг буйруқлари мен учун овинадиган овинчдир.

Сеувчиларим бўлмаса эгамнинг севиши менга кифоя, менинг душманлашган ёвим эгамнинг душмани бўлмиш шайтондир.

Менинг барча тилакларим эгамдан, барча умидларим унга, менинг сиғнадиган эгам ўша, мен бунга беҳад қувонаман.

Кийимларим — қўй териси, озуқаларим — арпа ош, мана шулар менга тугал давлатдир, эй қариндош.

Меҳрибон кишининг сўзини эшитгин нима дейди, унинг ўзи таркидунё қилиб горда яшовчи мулоҳазали кишидир:

Дунёда мен ўзимга керагини олдим, кепак мен учун етарли озуқадир, қўй териси етарли кийимдир.

Тариқ қипиғи менга шакардан ҳам татимли, ипдан тўқилган кийимлар шоҳи ипақлардан афзалдир.

Барча егулик-ичгуликларни қорин тўйгунча еб-ичгин, хоҳ арпа бўлсин, хоҳ тариқ оч қоринни тўйдирса бас.

Кулда кўмиб пиширилган нон, гўжа каби ҳар хил овқатларни еявер, эй қариндош, аммо молдек емагин, мизожинг бузилади.

Лаззат кетидан қувма, лаззатнинг азоби жуда қаттиқдир, лаззатга жавоб бериш ўрни тубсиз чуқур кабидир.

Аччиқ, чучук, ширин, лаззатли таомлар томоқнинг ҳаловатидир, томоқ ҳаловатининг кетидан қувган киши ҳайвондир.

Шоҳи, ипақ кийим, либослар барчаси одамлар княдиган ярашиқли нарсалардир, сен танангни нима беркитса ўшанга қаноат қилгин.

Қорин бир тўйиб олса икки кун тўқликда ўтади, энгилга бир кийим кийилса икки йилга етади.

Мана шу иккала арзимас нарсани деб мен ўзимни банди қилиб одамларга хизмат қилсам ярайдими?..

Қидирувчи ухламайди, сен ҳам тинмай қидиргин, қидириб топмадим деб бу йўлдан қайтиб гафлатда ётмагин.

Қидириб бир нафас тинма, қидириб топиб бўлмайди, аммо қидириб топмадим деб хотиржам ётиб бўлмайди.

Қидирувчи тинмасдан елиб-югуриши керак, ётиб дам олувчилар тилакларига етмайдилар.

Қидириб тинмагувчи қанақасига тилагига етмасин, тиниб дам олиб ётувчи қанақасига тилак-орзуларига етади?

Энг аввал севиб у мени яратишни истади, энди эса ошиқиб мен уни истовчи бўлдим.

Аввал у мени яратишни истади, чунки у азал эди, иш сабабли энди мен мутлақ уни истовчи бўлдим.

Мана шундай эгамни қандай қилиб севмайин, уни истаб етишишга қандай қилиб ошиқмайин?

Мунгимда, ёлғизлигимда менинг кунимга у ярайди, бало, офат, қайғу, машаққатлардан мени у халос қилади.

Энг аввал мени яратишни истаб у сайлади, шунинг учун бутун вужудим билан боғланиб мен ҳам уни тилоччи бўлдим.

Мени у яратгандир, чин сўзим — шу, мени у парваришлади, сўнграгина мен улғайдим.

Халойиқдан юз ўгирдим, фақат унгагина сиғиндим, у ҳар жиҳатдан мени асрайди, ўзи паноҳ бўлади.

Ўзим ёлғиз қолганимда эгамнинг ёди кифоядир, менинг сўзлашим учун эгамнинг оти ва зикри кифоядир.

Овинадиганим, сиғинадиганим, умид — ишончим, орқа таянчим, тўядиганим, очим-тўқим ўша биргина эгамдир.

Ҳар жиҳатдан покланган, парвардигор билан тили ва дили бирикиб кетган киши нима дейди, эшит:

Қўнгилдаги сиримни сенга очаман, тилак-орзулар билан сен томонга учаман.

Қувонадиган, овунадиган эгам сендирсан, ҳаммадан узилдим, сен томонга қочаман.

У дунёдаги ўрнинг учун бу дунёдаги ўрнинг бадалдир, бу дунёдаги ўрnidан воз кечмагунча у дунёлик ўринга ким муяссар бўларди?

Мана бу бир қатор нарсаларни тугал ташламагувчи одам бошқа тўрт ишни мутлақо қила олмайди.

Бевафо дунёни қўлда маҳкам тутиб туриб қандай қилиб мангу дунёга эришиш мумкин?

Бу дунёни нари қўйиш ва ундан юз ўгириш керак, шундай қилибгина охиратни топиш ва унга эришиш мумкин.

Бу дунё хатарлидир, унинг ичирадигани оғудир, сен эса барча ичгулик ва егуликларнинг тозасини истагин.

Дунёнинг тилак-орзуларидан воз кечиш керак, шундагина охиратдан яхши ўрин насиб қилади.

Эй Ўгдулмиш, ҳақиқий деб мана шуларни билгин, бу ҳақда сенга ўзим билганларни айтайин...

Бу дунёнинг ҳою ҳавасини тугал ташламагунча, охират тараддудини қила олмайсан, эй аслзода.

Одамлардан узоқлашмагунингча тангрининг тоат-ибодатига етиб бўлмайди, эй биродар.

Орзу — ҳавас бўйинини эзиб синдирмагунча тану жон тўғрилиқ йўлига кира олмайди.

Ҳар қандай мол-дунё хархаша ва васвасасини кўнгилдан чиқариб ташлаш керак, унга тангрига бўлган чин муҳаббатни жойлаш керак.

Бу дунё мусулмонлар учун бир қўниб ўтиш жойидир, қўниб ўтиш жойидан ҳаловат истама, кўнглингни тўзатгин.

Имкон борича тиришиб тану жоннинг баҳрасини берма, шундагина ўзинг тўғри йўлга кирасан.

Ўтиб бораётган ганимат фурсатингни бекорга кетказма, тирикликни, умрни беҳуда ўтказиб юборсанг бошқа тополмайсан.

Мулойим тавозели, олийҳиммат ва билими денгиз каби чуқур киши нима деган эшитгин.

Қишлоқдан қишлоққа кўчувчи одам кўчини олдинроқ юборса, ўз ишини саранжом қилади.

Кўчмасдан илгарироқ ўз кўчини юборса кўчиб борганининг фойда — манфаати кўзни ёритади.

Кўчингни хоҳ жўнатгин, хоҳ жўнатмагин, охири ўзинг ҳам кўчасан, гофил бўлмагин.

Хоҳ бек бўлгин, хоҳ қул бўлгин, бари бир, ўзинг тирик қолмайсан, чунки ўлим қасд қилиб йўлга отлангандир.

Иста минг ёш яшагин, иста ўн саккиз ёш яшагин, ўзинг албатта ўласан, эзгу отингни нишона қилиб қолдир.

Иста бой бўл, иста камбағал бўлгин, ўтиб бораётган йил, кун ва ойларнинг тириклигингни ейди.

Улуғлик шуҳрати билан бошинг кўкка етганда ҳам кириб ётадиган жойинг қора ернинг остидир.

Киши тириклик топиб уни ўзи исроф қилса, ўзини ўтга отади у ҳайвондир.

Одам саломат бўлсаю умрини беҳуда ўтказса, бундай тириклик разолатдир, эй қариндош.

Мен чун қайғурмагин, эй қариндош, кўзингдан тинмай ёш оқизиб ўз гамингни егин.

Бу дунёнинг ишлари нишиқ тузоққа ўхшайди, тузоққа илнма, кейин қутулолмайсан.

Сенга келган давлат тилагингга муносибдир, аммо унга бино қўйма тезда яна кетади.

Ўлимдан ғафлатда қолма, уни доим ўйлаб юр, ўлим пистирмадан чиққандай бемаҳал келади.

Беҳисоб гофилларни ўлим қўққисдан босган, йиққан мол-дунёсини ўлим сочиб юборган.

Кўнгли ҳушёр бу ҳақда нима деган, эшит, ўлимга гофил бўлмагин, балолар ёпишади:

Қанча одамларнинг мустаҳкам сафини ўлим пароканда қилиб юборган, ўлимни ўйлаганимда кўзимнинг чашмаси тинмай оқади.

«Ман-ман» деб керилувчиларнинг бирорта ҳам «ман»и қолмади, лашкар, қурол-аслаҳалар жонларига оро кирмади, фойда бермади.

Гофил бўлма, тириклик сезилмасдан ўтиб кетади, ўтиб кетаётган ғанимат фурсатларинг яна қайтиб келмайди.

Фароғатга маҳлиё бўлма, кунларинг беҳуда кетади қут-давлатга ишонма, у беқарор ва бевафодир.

Мен буюкман деювчиларни ўлим ҳалок қилди, зўрман деювчиларни ўлим мағлуб қилди.

Ўлим талай ўрдаларни, шаҳар ва қишлоқларни, даргоҳ, сарой, уй-жойларни бузиб вайронага айлантирди.

Сон-саноқсиз тириклар ўлиб кетдилар, кетларидан бизнинг ҳам боришимизга кўз тикиб ётибдилар.

Кўзингни очиб уларга синчиклаб қараб кўргин-чи, бегини қулидан ажрата олармикансан?

Улуғлик ўлимда жонга оро кирмайди, ўлимдан қошиб қутуладиган, халос топадиган жой йўқ.

Табаррук пайгамбарларни ҳам ўлим олиб кетгандан кейин, яна ким ўлимга қарши чора, илож, тадбир қила олиши мумкин?

Бу бевафо, жафокор дунё ишончсиздир, унинг қилиқлари жафо, қилмишлари тубан.

Кунларингни қандай ўтказмагин, кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади, яхши ҳам, ёмон ҳам, эгри ҳам, тўғри ҳам баб-баравар ўлади.

Одамнинг куни тўқликда ҳам, очликда ҳам ўтаверади, ўлим на бекнинг юзини қилмайди, на бойни ажратмайди.

Дунёнинг ҳаловатлари ҳам, машаққатлари ҳам узоққа бормайди, бас, шундай экан бунчалик ҳасрату надоматнинг нима кераги бор?

Бу ҳақда кўнгли ва қилиш-қилмишлари тўғри, билими кенг доно жуда яхши гапиргандир.

Одам арзимас эзгуликка эришдими ўзини унутади, сўзларини яшил осмондан ҳам баландпарвоз қилиб юритади.

Қанчадан-қанча шуҳратли, мағрур, виқорли кишиларнинг гурурларини ер билан яксон қилиб, кўзларини очиб қўйган ўлимдир.

Мана, сенга меҳрибонлигим юзасидан, бу нарсалар ҳақида гапирдим, эй саховатли.

Ким дунёнинг мана шу ҳолини, тарзи рафторини чиндан тушуниб етса, зинҳор унга кўнгил бериб, маҳлиё бўлмайди.

Мен энди йигитлигимни йўқотдим, ёшим ўтиб, қора сочим оқарди, бошимдан ипор кетиб, кофур ўрнашди.

Шубҳасиз энди бундан буён ўлимга ҳозирланиш вақти етди, эй одамларнинг яхшиси.

Бошга ўлим гами тушиб ҳаловатим йўқолди, ўлимдан кейин қисмат нима бўлар экан:

Бошимда шундай қайғу-ташвишлар бўла туриб, мен қанақасига элигнинг даргоҳига боришим мумкин?

Элигга мендан манфаат тегмайди, манфаат келтирар деган умидда бўлса мендан фойда чиқмайди.

Агар ўзи учун ҳам у дунё баҳраларидан умидвор бўлса, мени ўз ҳузурига келган ҳисоблаб юраверсин, мана шу тўғри бўлади...

Менинг билганларим мана шулар эди, буларни сенга айтдим, эй эзгу эшим...

Сизлар учун мендан фойда сўз—насиҳат бўлиши керак, менинг ўзимдан кўра сўзларим фойдалироқдир.

Агар охиратни ўйласанг, йўл-йўриқлари мана шунақа, мабодо бу дунёликни истасанг, унинг йўл-йўриқларини ўзинг биласан.

Тақдир сенга юзланиб бахт кулиб боқса, нимани орзу қилсанг, ўшанга муяссар бўлаверасан.

Менда дуойи жонларингни қилишдан бошқа яна



қандай нарса борки, сизларга майдонаат келтирсин?

Элиг энди мени тангрига қўйиб қўяверсин, мен элигга эзгуликлар учун дуочи бўлайиң.

Билимларимдан фойдаланмоқчи бўлса, мана, билганларимни айтиб бердим, сен эшитдинг. Нималар деган бўлсам барчасини унга айтиб бер.

Сўзларимни тутинглар, мабодо тутмасаларинг ва унга ишонмасаларинг, бугун бўлмаса кейин барчаси тўғри эканлигига амин бўласизлар.

Билими денгиз каби мўл киши бу сўзларни яхши сўзлабди, унга амал қилинса юзни ёруғ қилади.

Бугун менинг сўзларим сенга тушдек туюлади, кейинроқ эса ростлиги аниқ бўлади.

Гофил бўлма, ҳаракат қилиб сўзларимга амал қил, агар унга амал қилмасанг балоларга дучор бўласан.

Элигдан менинг номимдан узр сўра, нима чораси бўлса иложини ва эвини қилгин.

Бориб-келавериб сенга ҳам машаққат етди, худо хайрингни берсин, юзинг қуёшдек ёруғ бўлсин.

Мендан кўнглинг ранжимасин, эй қариндош, яна яқинликни узиб четлатиб қўймагин.

## УГДУЛМИШНИНГ УЗГУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб сўзга оғиз очди: Энди мен ҳақиқат — тўғри йўлни тушуниб олдим.

Сўзларингни эшитдим, ақл қулоғи билан тинглаб тушундим, сўзим тамом сенинг сўзларингни маъқул топдим.

Сен тўғри сўзладинг, ҳақиқати шудир, бундан бошқа барчаси эгри йўлдир.

Бу масалада сен ҳақсан, мен эса ноҳақдирман, ноҳақлик қолди, энди ҳақиқатга бўйин бераман.

Энди мен борайин, эсон ва яхши қол, эй икки оламда ҳам истиқболи порлоқ киши.

...Сўзини тамом қилиб ўрнидан турди ва эсон-омонлик тилашиб хайрлашди-да, уйига қайтди.

Отини миниб уйига келди, отдан тушиб уйга кирди ва ётиб бир оз дам олди.

Овқатланиб бўлгач, узоқ уйга толиб ўлтирди ва қариндошидан эшитган сўзларини ўзича яна бир хотирлаб пухталаб олди.

Осмон юзига қора ёпинчини тортди, бутун жаҳонни зулмат пардаси қоплади.

Румий қизи юзига кокилини ташлади, қора сочининг ранги борлиқ оламни тутди.

Осмонни бутунлай занги хабаш юзи рангидек қора босди, учадиганлар тинди, юрадиганлар тўхтади.

Туриб таҳорат олди ва хуфтон намозини ўқиди, ўрни ҳозирлашларини буюрди ва лозимотларини қилиб ётди.

Бир муддат ухлади ва яна уйғонди, Миррих юлдузи юқоридан пастлай бошлаган эди.

Яна кўрди, Хулкар ҳам бота бошлаган, Шарқ осмонида эса Ақраб юлдузи кўтарилиб келаётган эди.

Яна бир оз ётди, аммо уйқуси келмади, безгак тутган бемордай кўзини юммади.

Бир қанча вақт уйқусиз хаёл суриб бедор ётди, осмон ранги кофур бўёқ касб эта бошлаган эди.

Анбар таралаётгандек тонг ёришиб, маржон қалқонидай бўлиб ердан қуёш нурларининг тили тарала бошлади.

Қуёш ердан кўтарилди, зулмат қоронғуси кетиб, олам ёришди, қуёшнинг думалоқ ол рангли туғи шитоб билан қаршидан кўтарилиб келди.

Угдулмиш ўрнидан туриб ювинди, билганича ва тушунганича намозини ўқиди.

Маржоншода қалқон каби қуёш ердан ёлқинланиб қаради, Угдулмиш туриб, тўғри саройга борди.

Унинг келганини элиг эшитди ва киришга йўл — ижозат берди, у кириб элигга қўл қовуштириб таъзим қилди.

Элиг имо билан ўлтиришга ўрин кўрсатди, у тавозелар билан ўринга ўтиб ўлтирди.

Бир муддат ўтиб элиг сўзга тил очди ва, гапир, эй хушфеъл, нима хабар келтирган бўлсанг, айтгин, деди.

Қариндошинг нималар деди, ишларинг нима бўлди, мақсадинг қалай битди, қариндошинг келадинми?

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб, эшитиб келган сўзларини, қандай суҳбат бўлиб ўтганлигини рўй-рост сўзлаб берди.

Иккаласи ўртасида бўлиб ўтган сўзларни борича элигга бир-бир баён қилиб берди.

Элиг анча жим қолди ва узоқ ўйга толди, дили озурда бўлиб кўзига ёш олди.

У айтди: Қариндошинг жуда тўғри сўзлабди, унинг айтган гаплари дарҳақиқат тўғри гаплардир.

Бугун биз ўзимизга ўзимиз жабр-зулм қилаётирмиз, бу етмагандай унга ҳам жабр-ситама ўтказаётирмиз.

Бу дунё ўткинчидир, у ҳеч кимда абадий қолмайди, қолган ҳаёт ҳам қандай бўлиши номаълумдир.

Боқий дунёнинг кейин келиши шубҳасиздир, роҳат ва ҳаловат узоққа чўзилмайди.

Кимга боқий дунё неъматлари насиб бўлса, ўша бахтиёрдир, унинг ўрни ҳам, ҳамнишинлари ҳам эзгу бўлади.

Қариндошинг гафлатдан тугал уйғонган одам экан, уни биз бу ерга чақириб олиб келишимиз жуда ҳам қийин.

Бизлар эса ҳавас-орзуларнинг асирларимиз, вақт ва кунларимиз бекорга ўтиб кетмоқда.

Кўнгли тирик одам нима деганини эшитгин, у сенга яхши сўзларни сўзлаб панд-насиҳатлар қилади:

Ҳавас-нафс ёвдир, агар у куч олса, сенга сенинг ўзингдан икки хил ўч ва адоват қўзғотади.

Ҳавас-нафс тирилса кўнгил ўлади, кўнгил ўлгандан кейин тоат-ибодатлар қолиб кетади.

Бизларнинг кўнгилларимиз ўлган, ҳавас-нафсга тутқун бўлиб бўлган, ҳавас-нафс эса бўйни йўғон бўлиб кетган.

Улуғлик, юксаклик, қут-давлат ҳеч қачон мангу турмайди, эй тўғри кўнгил.

Бу дунёнинг роҳат-фароғатлари кам, машаққатлари эса кўпдир. Бош оғриқлари беҳисоб, қарғиш-сўкишлари эса ундан ҳам кўпдир.

Оламни кўриб, синаб ёши етилган билимдон бу ҳақда жуда яхши сўзлаган:

Улуғлигинга ортиқча мағрурланиб севинмагин, улуғликка эришсанг, буни бош оғриқ деб билгин.

Шодлик қаерда бўлса сўнгида балоси ҳам бўлади, ҳаловат қаерда бўлса минг-минг машаққатлари билан бўлади.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА САВОЛИ

Элиг яна айтди: Эй Угдулмиш, уни истаганимдан қўзлаган мақсадим шу эдики,

У келиб менга эзгуликлар учун сабаб бўлганида, шояд кўнгиллар гафлатдан уйғонган бўлармиди?

У эса қаттиқ туриб олди, бу ерга келишга унама-  
ётир, ёр-дўстлар, қариндошларнинг юзини кўришни ис-  
тамаётир.

У айтган гапларга назар солсанг барчаси тўғри,  
уни келиш учун зўрлаш ҳам яхши эмас.

Бориб-келиб юравериб сенга ҳам машаққатлар етди,  
у билан хабарлашиб елиб-югуриб ҳориб-чарчадинг.

Вақт-фурсатларни кутайлик, охири ҳол қанақа бў-  
лишни кўрайлик.

Бўлгуси ишлар қоронғи тун ичидагидек қоронғу, уни  
ёруғ кун келиб албатта ёритади, эй эзгу дўстим.

Бу замонанинг ёйи отишга тортилган бўлади, унинг  
гоҳо нафи тегади, гоҳо зиёни тегади.

Барча ишларни худонинг ҳукмига ҳавола қилгани, у  
фурсати келса битади, маълум бўлади, эй тирик.

Қайси бир иш бўлмасин, уни қилиб роҳатини кўрма-  
санг, у ишнинг анчайин баҳридан ўтиш керак, эй билими  
чуқур.

Бу дунёнинг тарзи-рафтори шунақа, изидан борсанг  
қочади, ташлаб қўйсанг сенга ўгирилиб яқинлашишга  
йўл очади.

Бир муддат кутайлик, уни синайлик, замона кунла-  
ри бу ҳолни қандай ҳал қилар экан?

Ҳали шундай бўлиши мумкинки, унинг ўзи бизни  
нстаб қолар, ўз тарзини яхшилаб ўйлаб, тушуниб ўзи  
тузатар.

Элиг мана шу ерда сўзини тугатди, Ўгдулмиш у ер-  
дан туриб тавозе билан чиқди.

Бу сўзлардан яна бир қанча кунлар ўтди, элиг ўт-  
ган-кетган ва келгуси ишлар ҳақида ўйга толди.

## **КУНТУҒДИ ЭЛИГ ЎЗҒУРМИШНИ УЧИНЧИ БОР ЧАҚИРИШИ**

Элиг бир куни Ўгдулмишни чақиртирди, сенга яна  
бир иш қилишга тўғри келади, деди.

Қариндошингни ҳузуримга чақирдим, у келмади, мен  
шу тилагимга етмадим.

Энди тилагимдан қайтдим, энди бошқа бир тилак  
пайдо бўлди. Менинг бу кунги тилагим шундан ибор-  
ратки, ўша қариндошинг дийдорини бир кўрмоқчиман.

Ё мен унинг олдига борайин, ёки у менинг ҳузурим-  
га келсин, ҳар иккимиз ҳам бир-биримизни зиёрат қи-  
лайлик.

Менга бир учрашсин ва яхши панд-насиҳатлар берсин, яна қайтиб, ўз ишларини қилаверсин.

Менга унинг маслаҳатларидан манфаат тегсин, бунинг унга ҳеч зиён-зарари йўқ, менинг барча нопокликлардан тозаланишимга сабаб бўлсин.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Бу сўзлар чиндан ҳам бўладиганга ўхшайди, эй саодатли зот.

Элиг шундай бўлишини истаса, у кўнади, агар элиг буюрса мен уни қайта чақирайин.

Борайин ва бу сўзларни унга сўзлайин, элиг бориб юрмасин, мен уни бу ерга олиб келайин.

Элиг яна бир мактуб ёзиб берсин, у эзгу мактубни ўқиб ишонсин ва сенинг ҳузуригга келсин.

Элиг айтди: Энди мактубнинг нима кераги бор, сен ўзинг барча хил мактублардан ҳам ишончлироқдирсан, эй тетик.

Мактуб ишонилмайдиган одам учунгина бўлади, сендан ишончлироқ одам қаердан топилади.

Ягмо қабиласининг беги нима деган, эшитгин, унинг фаҳми ҳамма ишларга етган:

Элчига ишонилса мактубнинг нима кераги бор, чинликка амин бўлинса тараддуднинг нима кераги бор?

Бу унчалик қийин тушадиган иш эмас, бу ишдан чўчиб узоқ қочиш керак эмас.

Арзимас сўз учун мактуб ёки бошқа тараддуднинг нима кераги бор, ўзинг менинг ишончимсан ва битигмактубимсан.

Менга келиб бир учрашсин ва тезда яна қайтиб кетаверсин, куч билан ушлаб қолмайман, ихтиёрини ўзига бердим.

Сени мана шу ҳожатлар билан унинг олдига юбораётирман, илтимос, уни яхшиликлар билан чақир, зўрлаб чақирмагин.

Бу ёққа келишни истамаса, мен у ёққа борайин, юзини бир кўрайин ва яна қайтайин.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Агар тангридан маънад бўлса барча тилакларга тугал муяссар бўлинади.

Мен сенинг бу тилакларингни амалга ошириш учун қаттиқ ҳаракат қиламан.

Аввало элигининг жони соғ ва эмин бўлсин, барча истаган тилакларини тангри тугал берсин.

Туриб у ердан чиқди, отланиб уйига келди, уйига кирди ва ечинди.

Қизил юз қуёшнинг ранги ўзгарди, сариққа бадал бўлди, олам жаҳон соф олтин рангидек мусаффо бўлди.

Қуёш юзига сариғ заъфарон тортди, жаҳон ўз рангини майна рангидек қора қилди.

Осмон бутунлай маҳбубалар қоши рангини касб этди, жаҳон юзи қора ҳабаш рангидек бўлди.

Еб-ичди, ювинди, намозини ўқиди, ўрин ҳозирлашларини буюрди, ётиб бир оз ухлади.

Сариқ булбул наво қилди, хуш овоз билан сайради, Ўгдулмиш чўчиб уйғонди, қайта уйқу келмади.

Уйқуси ўчиб кетди, туни жуда чўзилди, тонг отишини орзиқиб кутди.

Осмон кийган қора кўйлагини йиртди, қуёш ёруғ ёзини очди, қаддини кўтарди.

Тўкис қиз (қуёш) қаддини ростлаб кулиб боқди, дунёнинг кунгай ва кунга терс томонлари мунаввар бўлиб кетди.

Туриб ювинди, кийинди, намозини ўқиди ва ўзига эзгу фол йўриб, яхши ниятлар қилди.

Бир ўғлон билан отини тутди ва эгарлаб минди, мамнун бўлиб қариндоши томонга жўнади.

Унинг ҳовлисига яқинлашиб борганда отидан тушиб, пиёда юриб борди.

Эшигининг ҳалқасидан тутиб тақирлатди, қариндоши эшитиб тезда истиқболга чиқди.

Ўгдулмишга кўзи тушгач, эй қариндошим, ишни чунонам чўзиб юбордингки, асти қўя бер, деди.

Нега ўзингни бунча қийнайсан, нега менга бунчалик қасд билан ёпишиб олдинг?

Қани юр, ичкарига кирайлик, менга мақсадингни айт, ўзинг яна нимага қайта келдинг?

Бу икки қариндош уйга кирдилар, зоҳид қариндошига қовоғини солиб рўйхуш бермади.

Қелган қариндош айтди: Эй аслзода, қош-қовоғингни солма, аввал сўзларимни эшит.

Сен айтган барча сўзларни ҳеч камчиликсиз элигга айтиб, узоқ тушунтирдим.

Элиг сўзингни эътибор билан тинглади, сўзларингни эшитиб узоқ танг қолди.

Энди у сени ўз ихтиёрингга қўйиб берди, аммо бошқа бир тилак истади.

Бу иш учун мени воситачи қилиб юборди, бунинг учун мени кўп койиша, эй баҳодир.

Заковатлининг сўзларини эшитгин, у нималар деган, бу сўзларнинг маъноси сенга мос ва мувофиқ келади: Ҳамма ишни ҳам ўз маврийдан ўтказма, маврийдан ўтказсанг у яна ҳам мужмаллашади.

Ҳамма нарсанинг ўз муносиби ва ўхшаши бўлади, ҳамма нарса ўз муносиби билан қоим ва яшовчи бўлади.

Элиг эндиликда олдинги истакларидан қайтган, сени бир зиёрат қилиш учун чақирмоқда, унга мадад бергин.

Ё сен унинг ҳузурига бориб учрашгин, ёки у сенинг олдинга келсин, у сенинг юзингни бир кўрсин, эй олий-ҳиммат.

Бундан сенга ҳеч қандай зиён йўқ, гапларимга кўнгин, эй кўкси жароҳатли киши.

Элиг ҳам жуда яхши султандир, камбағал-йўқсилларга, ёмон-яхшиларга ҳам баб-баравар қарамлидир.

### ЎЗҒУРМИШНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Мана бу сўз заковатга яқиндир, эй кўнгли тўғри.

Мусулмон қариндошни мусулмон қариндош зиёрат қилади, эй кўнгилош жигар.

Бу сўзга таъзим қилиб бўйин бераман, майли, бу кун мен уни зиёрат қилайин.

Бундан олдин мен унинг ҳузурига бормаганлигимнинг сабаби: менинг боришимдан ўз манфаатини кўзлаётган эди.

Энди у ниятидан қайтибди ва чин йўлни тутибди, мен тўғрилиқ йўлига қираман, буни тилда ҳам иқроқ қиламан.

Мен элиг ҳузурига борайин, элиг келиб юрмасин, машаққат менга тегсин, унга тегмасин.

Элиг халқнинг улуғ бегидир, уни мутлақ ҳурмат қилиш, эъозлаш керак.

У йўл-йўриқлар тузиши, буйруқ-фармонлар тўғрилаши, элини ёмонлар таъсиридан тозалаш билан банд бўлиши керак.

Билими денгиз каби мўл, заковатли, сабот-матонатли, ҳиммати баланд киши нима дейди, эшит:

Бекнинг фармонларини бажариш раиятлари учун вожибдир, унинг буйруқ-фармонларини эшитиб улуғ ва кичиги қадрлаши керак.

Бекларнинг ўзларини ва сўзларини ҳурматлаш керак, агарчи беги пулга сотиб олинган ҳиндудан бўлганда ҳам.

Мен элиг ёрлигини ҳурмат қиламан, уни зиёрат қиламан ва яқинлик боғлайман.

Бор, энди қайтгин ва менинг сўзларимни, унинг ҳузурига боришимни элигга етказгин.

Еруғ дунё юзига парда тортгандан сўнг борайин, эски бир тушадиган жой тайин қилгин.

Кундузи одамлар кўриб қолсалар мени ғийбат қилдилар, ўзларини ўтга ташлаб бўлса ҳам мени гапирдилар.

Боргин, мени уйингда кутгин, сеникига бораман, сен бир оз ётмай тургин.

Энг аввал сеникига бориб тушайин, нима қилиш кераклиги ҳақидаги мақсадларимни у ерда пишириб оламан.

Ўгдулмиш жуда севинди ва бу жуда ҳам муносиб ҳамда жуда тўғри, деб жавоб қилди.

Энди мен борайин ва элигга келади деб айтиб севинтирайин. Мендан кейин ўз сўзинг устидан чиққин ва умид қилиб кутган пайтда етиб боргин.

Иккаласининг сўзи бир ерда қарор топди, Ўгдулмиш суюниб, чеҳраси очилиб у ердан чиқди.

Яна тайинлади ва айтди: Эй қариндош, ваъдангни бузмасдан албатта келгин, эй кўнгли туташ.

Қуёш ерга қайтиб юзини яширганда ва дунё юзига кўмир рангини сурганда келгин.

Мен сени уйда кутаман, келишингга ҳозирликлар кўриб тайёрланайин.

Отини миниб элиг томонга келди, тушиб ичкарига кирди ва элиг ҳузурига кириш учун ижозат сўради.

Элигга барча эшитган сўзларини айтиб берди, элиг севиниб чеҳраси очилди.

Агар унинг айтганлари сен гапиргандек рост бўлса бу иш жуда яхши иш бўларди, деди.

Элиг яна қачон келади деб сўради, мен у билан қачон ерда учрашаман, деди.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Кечаси ёруғ дунё юзи андак қоронғилашганда келади.

У менинг уйимга келади, қачон келсин десанг, ҳузурингга ўша пайтда келади.



Элиг айтди: Сен машаққат чекиб кўп сарсон бўлдинг, бу машаққатларинг баробарида худо хайрингни берсин.

Менинг дардим давоси шу эди, у менинг кўнглимни жуда ҳам хушнуд қилди.

Сен уйингда кутгин ва келса менга хабар қилгин, сени чақириш учун одам юбораман.

Қариндошингни олиб менинг ҳузуримга келинглар, мен унинг юзини кўриб зиёрат қилайин.

Доно сўзини жуда ўхшатиб сўзлаган, у нима деган, унинг таги-тугини, нақадар тўғрилигини эшитгин:

Одамнинг кўнгли доим эзгуликни истайди, ўзини тилакка етиш умиди билан овутади.

Агар тилак-орзуларинга тугал эришса ундан кўнгли узади ва бу ҳақда бошқа оғиз очмайди.

Ўгдулмиш, ҳа, албатта деб туриб чиқди, келиб уйга кирди ва меҳмонини кутиш учун ҳозирлик кўрди.

Қуёш ерга қайтди, юзини яширди, қорайиб туман чўқди, дунё юзини қоплади.

Олам қовоғини солиб, тул тўнини кийди, осмон жин юзидек қорайиб рангини ўзгартирди.

Жумла қимирлаган мавжудот тинди ва кўзини юмди, жонлиларнинг ғала-ғовури ва шовқун-сурони босилди.

## **ЎЗҒУРМИШ ЎГДУЛМИШ ТОМОН КЕЛИШИ ҲАҚИДА**

Ўзғурмиш аста ўрнидан туриб йўлга тушди, Ўгдулмиш уни қаршилаб кутиб олди.

Улар қўл беришиб салом-алик қилишдилар, бу икки зариф қариндош уйга кирдилар.

Егулик-ичгуликлар чиқарди ва уни едириб-ичирди, элигга айттириб одам юборди.

Элиг бу хабарни эшитди ва жавоб қилди, яқинлик боғлаб уларни айттириб юборди.

## **КУНТУҒДИ ЎЗҒУРМИШ БИЛАН ҚУРИШИШИ ҲАҚИДА**

Иккалалари туриб элиг томон бордилар, элиг уларнинг истиқболларига чиқиб кутиб олди.

Элиг кўриши биланоқ биринчи бўлиб салом қилди, зоҳид туриб саломга алик олди.

Элиг ушбу зоҳид билан қўл олишиб сўрашди, ёзилиб, севиниб, кулиб ундан ҳол-аҳвол сўради.

Ўзига яқин жойдан ўлтириш учун ўрин берди, меҳрибонликлар билан унга иззат-икромлар кўрсатди.

Айтди: Эй Ўзғурмиш, сен машаққатлар тортдинг, қийналиб бу ерга яёв келдинг.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Кўзим сени кўрган қамоно ўзим тортган машаққатларни унутдим.

Мен сени орзулаб келдим, менга қанақасига машаққат етар экан?

Киши ўз хоҳиши билан юриб борадиган бўлса, тилагига тез етади, чарчаб-ҳоримайди.

Насабли ва табаррук, заковат билан овозаси оламга ёйилган одам нима деган, эшит:

Кўнгил орзулаганда йироқ ер яқин бўлади, ундай одам албатта тилагига етади.

Одам орзулаб астойдил қадам ташласа, у яқинлик уламоқчи бўлган орзусидагига тез етади.

Кўнгил истамасдан қаерга қадам ташланса, у ер қанча яқин бўлса ҳам узоқ туюлади.

Оёқ билан юрувчига албатта машаққат етади, кўнгил истаб қадам ташланса, у машаққат узоқлашади.

Эй элиг, сенинг ҳузурингга кўнгил истаги билан келдим, ўзинг тушунгин, менга нега машаққат етар экан?

Кўнгил кимни севса, унга талпинса, масофа қанча узоқ бўлса ҳам яқин туюлади.

## ЭЛИГНИНГ ЎЗҒУРМИШГА САВОЛИ

Элиг айтди: Сўзлар ичида энг аввал сендан сўрайдиган алоҳида сўз бор, шуни менга айтиб бер.

Биласан, саломлашишнинг фазилати жуда катта, ким биринчи бўлиб салом берса бу фазилатга йўл очади.

Сен мени кўрдингу салом бермадинг, нима учун бу фазилат шарафини муносиб кўрмадинг?

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Мен била туриб атайлаб биринчи бўлиб салом бермадим.

Салом бериш одам учун саломатлик йўлидир, саломалик қилинса саломатликка асос солинади,

Салом бериш одам учун эминлик ва омонлик демак-дир, салом берилса, жон ундан эминлик топади.

Мана бу сўзлар жуда мос келади, сен буни эшитгин, эй кўнгли тўғри:

Салом берувчи алик олувчи одамга омонлик беради, алик олувчи ундан саломатлик олади.

Улуғлар кичикларга биринчи бўлиб салом беришлари керак, шунда барча иш жойида бўлади.

Кичиклар улуғларнинг қаҳридан эминлик топсалар уларнинг хайрлари паноҳида саломат яшайдилар.

Мендан элигга қанақасига ёмонлик етиши мумкин, ахир мен кичикман, кичикдан қанақа зиён етиши мумкин?

Элигнинг қўли барча халқ устидан узундир, агар қаҳр қилса, нимани лозим кўрса, ўшани қилишга қодирдир.

Назар сол, мана шунинг учун қора авом бекга салом қилмайди, эй билими комил.

Энг аввал сен мени хизматга мўлжаллаб орзу қилиб ўз ҳузурингга чақирдинг.

Мен унамадим, сўзларингга кирмадим, бу фирибгар дунёга кўп ишонмадим.

Сен энди олдинги ниятингдан қайтдинг ва мени бир зиёрат қилиб кетиш учун чақирдинг. Шунинг учун мен ишонч билан келдим.

Аммо ҳануз сендан хавотирланиб юрардим, энди эса менга салом беришинг билан омонлик бахш этиб хотир-жам қилдинг.

Яна аввалги сўзларига қайтармикан, деб ҳалигача сендан хавфсираб қўрқар эдим.

Энди эса сенга мутлақо ишонч ҳосил қилдим, мени ўз хайрингдан баҳраманд қилдинг.

## ЭЛИГНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Ўз тили билан айтган сўзларидан қайта-диган бўлса, бу бек учун жуда номаъқул бўлади.

Ўз сўзларидан қайтадиган қўли узун одам ўз улуғлигидан баҳраманд бўлмасин!

Тили ёлғон, феъли ғазаб қилиш бўлган киши жаҳонни қўлга киритиш қудратига эга бўлмасин!

Тили ёлғон, қўли қуруқ, хайр-эҳсонсиз одам халқ устидан қандай қилиб улуғ бек бўлади?

Бу борада таълимда жуда яхши сўзланган: сўзидан қайтган одамдан бахт юз ўгиради, қут қочади, дейилган.

Одамлар орасида энг ярамаси ёлгончи бўлади, ярамасларнинг ярамаси эса сўзидан қайтган одамдир.

Рост сўзли киши жуда тўғри сўзлабди, рост сўзли кишининг худо хайрини берсин.

Бек сўзи чин, ваъдани бузмайдиган, тўғри бўлиши керак, сўзидан қайтувчини одам қаторида санамаслик керак.

Мардлар берган ваъдаларидан қайтмайдилар, ваъдасидан қайтувчи одам заифалар қаторидадир.

Ўзгурмиш жавоб берди ва айтди: Элиг мана шунча эзгу феълларни ўзида мужассамлантиргандир.

Тангри сенинг элингни орттириб, эзгу феълларингни ва яхши хислатларингни афзун қилаверсин.

Беклар ўзлари халқ орасида энг етук бўладилар, феъллари, йўл-йўриқлари ва муомаларларини ҳам ўзлари каби етук тутишлари керак.

Билимли таълим бериб бундай дейди: Бек эзгу ва тўғри бўлса халқи бойийди.

Сочига оқ қўнган киши нима дейди, у оламнинг қанча замонларини бошидан кечирган узун ёшли кишидир:

Эй жаҳонгир феъл-хулқингни яхши тутгин, қут-давлат бир келиб яна қайтиб кетувчи нарсадир.

Ҳаракат қилиб ўзингдан яхши ном қолдиргин, қут-давлат вафо қилмайди, бир куни у сени бегона қилади.

Эй қўли узун, сен сира ёмонлик қилмагин, амалда ва сўзда фақат яхшилик қилгин.

Улуғлик, беклик сендан бир куни юз ўгиради, фақат яхшилик юз ўгирмайди, эй мард.

Ганимат шу кунларда эзгулик орттир, халқнинг оғирини енгил қил, вақт-фурсат ўтиб, сўнггида сенга эзгуликлар келади.

Тириклик кунлари шамолли бўрон кабидир, қут-давлат эса ишончсиздир, у сенинг умрингни беҳудага ўтказиб юборади.

## ЭЛИГНИНГ ЎЗГУРМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Эй билими теран, менинг сендан истагим шуки, менга бир жумбоқни ечиб берсанг.

Сени бунчалик яқин тутиб истаганимдан мақсадим бор эди, эй кўнгил тўқим.

Менга фақатгина эзгуликлар қилиш учун фойда келтирадиган ўғит, панд ва насиҳатлар бергин.

Беклар барча орзу-истакларига эришади, аммо ўзининг кўнглига манзур келадиган мададкор топа олмайди.

Менинг даргоҳимга беҳисоб бошлар жамланган, лекин улар орасида менга фойдаси тегадиган киши йўқ, эй доно.

Мана бу байт бунга жуда мос келади, унинг маъносига тушунайин десанг, мана, ўқи:

Одамман деб юрувчиларнинг сони жуда кўп, одамга манфаат келтирувчини изласанг, у йўқ, ё борми? Қани?

Бир киши минг кишининг ишини қилади, худди шу ишни кўп минг киши жамланиб ҳам қила олмайди.

Элиг яна айтди: Эй Ўзғурмиш, тангри буюрган барча фазилатларга эришгандирсан.

Отингга яраша феъл-ҳулқларинг ҳам етукдир, тангри барча тилакларингни қут билан тугал берсин.

Худо сенга берганларидан мени ҳам баҳраманд қилгин, кўнглим жонланиб нафсим ўлсин.

### ЎЗҒУРМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Эй бек, сиртимдан сенга мақтагудек одам бўлиб кўринаётирман.

Агар ботинимни билганингда эди, эй олий насаб, мени минг дашномлар билан сўкиб ҳайдаб солган бўлардинг.

Зоҳидлик лақаби менга ҳақиқий от бўлиб қолади, бу отим менга тоат-ибодат учун гаров бўлди.

Мени шахддан қайтарувчи мана шу отимдир, шу отим туфайлидан мен учун нафс эшиги маҳкам ёпилгандир.

Дўкон безаганим — бу одамлар кўзигагинадир, бу дўкондан савдо-сотик белгиси бўлмиш фойда йўқдир.

Эй элиг, сен одамнинг зоҳирига боқмагин, одамнинг йўриқларини яширган, унинг ботинига қарагин.

Қовуннинг ташқи кўриниши қанчалик чиройли бўлгани билан, ёки унинг ҳиди, шакли ва сирти қанчалик ёқимли бўлгани билан,

У қовуннинг ичидаги мазаси бўлмаса, уни четга улоқтириб ташлаш керак бўлади, эй зийрак.

Кўнгли ҳушёр одам нима деган, эшит: Ботинингни беза, зоҳиринг бўёгини ялтироқ тутма.

Ҳамма нарсанинг асл моҳияти, улуғворлиги ичида бўлади, ичи яхши бўлмаса, сирти ҳеч нарсага арзимамайди.

### ЭЛИГНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Элиг жавоб бериб айтди: Эй покиза, сенинг зоҳиринг ҳам, ботининг ҳам бараварига тозадир.

У дунёнинг баҳридан ўтиб сен ўз юкиниги енгиллатдинг, мен эса бўйнимга оғир юк олиб тутилиб қолдим.

Бу дунёнинг ишлари мени машғул қилиб қўйди, тангрининг тоат-ибодатига қўлим тегмайди.

Менга панд-насиҳатлар бергин, мен уларга амал қилайин, сўзларинг мени саодатга йўлласин, дилимни поклайин.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўзгурмиш жавоб бериб айтди: Эй бек, сенга барча эзгуликлар насиб бўлсин.

Тангри бандалари орасида мендан ярамасроқ бошқа ҳеч кимни билмагин, эй билими дарё.

Тангримнинг мендан ярамасроқ бандаси менинг ўзимдирман, агар билмоқчи бўлсанг.

Сўзларимнинг қандай фойдаси бўлади, ўғитларим сенга фойда келтирармикан?

Элиг жавоб берди ва айтди: Эй ҳушёр, сени мана шу феълинг улуғлиги безайди, бу эзгу белгидир.

Ўзингни бошқалардан пастроқ кўрганнинг учун сен халқ орасида беихтиёр эзгулик топасан.

Дил ва тилингни поклагансан ва ўзинг ҳам поклангансан, сўзларингни андазага солиб менга ҳам ўғитлар бергин.

Эй эзгу феълли, ишончли, ишлари тўғри, менга меҳрибонлик қилиб панд-насиҳатлар бергин.

## ЎЗҒУРМИШ ҚУНТУҒДИ ЭЛИГГА ПАНД-НАСИҲАТ БЕРИШИ ҲАҚИДА

Ўзгурмиш жавоб берди ва айтди: Эй элиг, тангри сенга барча тилакларингни берсин.

Бу машғум, ичи бўш дунё, кўҳна олам қанчадан-қанча бекларни қаритган, ўзи эса ҳануз қаримайди.

Сен каби беҳисоб бекларни ардоқлаб ўтказиб юборган, сенга ҳам шу мақсад билан шайланган, у сени ҳам тез кечириб юборади.

Сен унга ишониб чинакамига кўнгил боғламагин, у чиндан ҳам вафо қилмайди, умидвор бўлмагин.

Менинг панд-насиҳатларим сенга нима учун керак, замона зайлининг ўғити сен учун етарли эмасми, эй тирик.

Сендан олдин ўтган жаҳонгирлар қанилар, улар қаерга кетганлар, уларнинг эрклари ва қудратлари қани, қаерда қолди?

Улар қаерга кетдилар, назар сол ва ўйлаб кўр, сенга ҳам ўша томонга кетадиган вақт-фурсат яқиндир.

Беклик навбати энди сенга тегди, аммо у узоққа бормайди, ҳозирлигини кўриб юравергин.

Уларга қайси ишлари манфаат келтирган бўлса, бу кунларда сен ҳам ўшаларни қилгин, у дунёлик ҳаловатини топгин.

Улар ўлаётганларида нимадан ўкинган бўлсалар, сен ўша нарсалардан узоқ тургин ва эзгуликлар истагин.

Билимли доно бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, доноларнинг сўзларини инжу ва ёқут деса арзийди:

Уликни кўрганлар ҳам тирик қолмайдилар, ўлимга ҳозирлангин, феълингни дағал тутма.

Улимдан хабардор бўлгин, эй гофил банда, бу ҳаёт деган нарса ўтиб кетади, ундан ўзингга керакли ҳиссангни олиб қол.

Ғафлатга ботиб юрувчи эй орзуларининг бандаси, сени олиб кетиш учун келадиган ўлимга қўққисдан босқин бўлма, уни эслаб юр.

Бу кун ўтказиб юборган кунларингга бир назар сол, ақл кўзи билан ўйлаб кўр, у кунларинг мисоли бир туш бўлиб қолди.

Агар ўзинг эзгулик қилган бўлсанг, мангу падарни ўзинг учун фойда қилган бўласан.

Агар ҳаётингни беҳуда кетказган бўлсанг, тун-кун ухламасдан ўкинчлар билан ёлвориб йиғлагин.

Мангу ҳаёт истаб топиладиган нарса эмас, шунингдек, йигитлик кучи ҳам яна қайтиб келмайди.

Бу эришган даврингни бекорга бой берма, тоат-ибодатга чаққон бўлгин ва ўлимга ҳозирлангин.

Эй элиг, бир назар солгин-а, сендан олдин отанг элда тўла ҳукмини ўрнатган эрки бек бўлган эди.

Хазина, ҳашамлар ва беҳисоб лашкарлар соҳиби бўлиб, тилакларига тўлиқ эришиб бир қанча муддат яшади.

Охир-оқибатда уни ўлим тутқин қилди ва олиб кетди, оламга таралган шуҳрати ва шавкати унинг жонига оро кирмади.

Отанг ўлди ва сенга панд-насиҳатлар қилиб кетди, отангинг панд-насиҳатларини тутсанг шаҳду шакар бўлади.

Энди бунга жуда мос келадиган мана бу сўзларни ўқи, унга амал қилсанг сенга фойда беради, эй жонлар учун кўз:

Отанг қайси маҳал ўлган бўлса ҳам унинг сенга айтгани шудир: Эй ўғлим, кўзингни оч ва уйгон!

Мени ўлим тутди, ўлдим, у сенга ҳам келади, ҳаракат қилиб ўзингдан кейин яхши ном қолдир.

Ота ва онанинг ўлими ўғил-қиз учун айнан панд-насиҳатнинг ўзидир, уни тушуниб ўзинг учун раҳнамо қилиб олгин.

Отангни ва онангни ўлим қўймади, вақт-соати етгандан кейин у сени ҳам қўйиб қўймайди.

Дунё ўчакишиб уларга жафо қилди, қилигини ўзгартириб сенга вафо қилармиди?

Тирикликни эъзозла ва керак ишларга сарфла, одамларга нарсалар улашиб ўзинг учун манфаатлар ол.

Кечиб бораётган кунлар ичида керакликларингни олиб қол, бу дунё сени ҳам ўтказиб юборади, ҳозирлигингни кўриб қўй.

Сенинг атрофингга беҳисоб оч бўрилар йиғилгандир, эй эл бошловчи баҳодир, қўйни жуда эҳтиёт қилиб сақлагин.

Ўзинг халқнинг шунча юкини зиммангга олгансан, ҳушёр бўл, ғофил бўлма, ҳамма нарсани ҳисобга олиб юргин.

Элингда бирор кимса кечаси оч қолса тангри уни сендан сўрайди, кўзингни очгин.

Бу кун сен қандилдек куяётирсан, эй элиг, лекин ёруғлигинг бошқалар учундир.

Тириклигинг ўтиб, ёшинг бир жойга борганда бу одамлар сенга қандай фойда беради?

Ўзгалар учун ўзингни жуда ҳам ўтга ташламагин, уларни деб ўзингни зўр-базўр куйдирмагин.

Агар ўлим келиб эшик очадиган бўлса, бу беклик, улуглик ва шавкатларнинг барчаси қолиб кетади.

Тўғри бўлгин ва сиёсатни адолат асосига қургин, шунда беклик узоқ муддатга барқарор туради.

Билими чуқур доно қандай ажойиб таълим берган, бу сўзларга амал қилиб тўғри йўлдан юргин:

Беклик асосини мустаҳкамламоқчи бўлсанг, адолат қилиб, одиллик йўлини тутишинг керак.

Тагин бир оламга эришайин десанг, тўғриликка амал қилгин, кесиб сўз айтдим.

Эй мен бекман деб керилувчи, кўксингни кермагин, бу дунё ва давлат вафосиздир, ундан умидингни узгин.

Бу дунёнинг қутига ишонма, у беқарордир, ишончсиз, қилиқлари бевафоликдир.

Эй элиг, бу ўрда, бу сарой, бу ўринлар сенга теккан бир қўноқ жойдир, кўргин.



Сендан олдингилар ҳам бу ерга бир қўниб, тушиб ўтганлар, тушдан уйғонолмасдан, кўз очиб улгурмасдан ухлаган ҳолда кўчганлар.

Энди бу ўрда ва ўрин сенга тегди, кўчларингни ўзингдан бурунроқ жўнатиб юборгин.

Бу кун бу ерда қаср ва саройларни безатма, ўтаётган бу йил, ой ва кунлар сени абад қўйиб қўймайди.

Ўзинг абад ётадиган жой аниқдир, яхшиликлар билан ана ўша ерни безагин ва тахт қилгин.

Бу кун бу қасрларни меники деб биласан, чиндан қарасанг бу ақлдан эмас.

Бу ҳақда сенга қарши нима деганини эшитгин, назар солиб қарасанг, у чиндан ҳам тўғри гапиргандир:

Буларни сен «меники-меники» дейсан, нега бундай дейсан, қанақасига сеники бўлади?

Сендан кейин келувчилар сенга «чиқ» дейдилар, улар ҳозирланиб, сени кутиб турибдилар, улар ҳам «меники-меники» дейдилар.

Эй дунё беги, бу дунё бамисоли бир зиндондир, зиндонда эса қайғу-ҳасратдан бўлак нарса бўлмайди.

Зиндонда сен ортиқча шодлик истамагин, севинч ва овинч аслида жаннатда бўлади.

Бу бузиладиган фароғатни фароғат демаслик керак, бў ўткинчи севинчни ҳам севинч демаслик керак.

Бу давлат қанчалик бир ерда қарор топмасдан қотса, йиғиб-терган давлатларингни ҳам у шундай қилиб тугал сочиб юборади.

У дунёни абадий яшайдиган ўрин деб билгин, бу дунёнинг бисотидан воз кеч, у дунёга юз ургин.

Мангу фароғат, қут, орзу-тилақларнинг мангулигини иста, мангу ҳаловат истайдиган бўлсанг, у машаққатлар билан келади.

Тангрининг фазлларига бир қарагин-да, мулоҳаза юритгин, сенга қанча эзгуликлар қилганини яхшилаб кўргин.

Сенинг қўлингни беҳисоб халқлар устидан узун қилди, тилақ-орзуларингни берди, фармон-буйруқларингни равон қилди.

Худди ўзингга ўхшаган бандаларини тангри сенга қарам ва ҳожатманд қилди, ҳаммасини кўриб турибсан.

Бу кун буларнинг шукрини қилиш керак, эй элиг, тангрининг ҳақиға нисбатан муташаккур ва инсофли бўлгин.

Сени тангри адолат учун яратган ва бу ерга ўтқазган, сен тўғри бўл ва адолат узра тургин.

Барча иш-юмушларни заковат билан қил, ҳавасга бўйни берма, кўнглингни тирик тутгин.

Барча халқларингга меҳрибон ва шафқатли бўл, каттага ва кичикка баб-баравар адолат қилгин.

Билими дарё каби мўл одам: Билим билан иш тутиб юзингни ёруғ қилгин, деган.

Бу кун сен барчанинг эзгу бўлишини истасанг, аввало ўзинг эзгу бўлгин, шундагина элинг ва халқинг тозаланади.

Беклар бошлиқдирлар, бошлиқлар қаерга борсалар барча одамлар ҳам унинг кетидан борадилар.

Халқ бузулгудек бўлса уни беклар тузатадилар, мабодо бек бузилса уни ким тузатади?

Сен ўз феъл-атворингни тузат, қилиш-қилмишларингни тўғрила, шунда халқинг йўл-йўриқлари тўғриланади, бунга амин бўлгин.

Ўзинг яхши ишларга равнақ бермоқчи бўлсанг, ёмон ишларга ружу қилма ва яқинлашма, иш тамом.

Ярамасларга қўшилма, фасоддан узоқлаш, бу икки қилиқдан марднинг юзи қора бўлади.

Яроқсиз, ёвуз нарсалар бўлишини истамасанг, яроқсиз ишларни қилма, кесиб сўз айтдим.

Айшу ишратга берилма, ичимлик ичма, бу иккиси ўтиш мумкин бўлган кўприги йўқ бир денгиздир.

Қилиқларингни тўғри тут, йўриқларингни манзур қил, ҳамиша заковат раҳномойинг, билим маслаҳатчинг бўлсин.

Дил ва тилингни тўғри тут, хислатларинг юксак бўлсин, ўзингни унутиб қўймагин, тўғри йўлдан адашмагин.

Зинҳор кўкрак кериб гердаймагин, марди майдонларим, лашкарларим бор деб мағрурланмагин.

Қанчадан-қанча ботир, жасур мағрур кишиларни ўлим ерга кўмган, улар ерни макон қилганлар.

Билимли, улуғ киши бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, билимдилар сўзига амал қилсанг айни муддаодагидек бўлади:

Хазинам беҳисоб деб мол-дунё билан мағрурланма, ҳашам ва лашкарларим кўп деб гердаймагин.

Ўз қудратига ишониб кўксини кериб мақтанувчи одам бир чивинга ҳам эркини юрита олмайди.

Сен ишларда ғазабли бўлмагин, ўзингни йиғиб олгин, мабодо ғазабинг келадиган бўлса, ичингга ютгин, ўзингни гунгу лол қилгин.

Дин ишидан бошқа ишларни шошилмасдан қилгин, шошилган ишдан одам манфаат ола олмайди.

Инъомлар бериш лозим бўлса, шошилиб тезда етказгин, жазолаш учун шошилиб калтак урма, оғир ва вазмин бўлгин.

Ишларда ва буйруқларда ҳовлиқма, енгилтак бўлма, сабрли бўлгин, сабр қилган одам яхши одам деб аталади.

Саховатли бўл, халққа нарсалар улаш, уларни едириб-нчиргин, беклар хасис бўлса номини булғатади.

Дағал ва қўпол сўзламаслик, ўзни қаттиқ тута билиш керак, дағал сўзга одамнинг кўнгли бирпасдаёқ совийди.

Тилингда ҳаммага ширин сўзлагин, хушрўй бўлиб чеҳрангин ҳамниша очиқ тутгин.

Халқнинг сарасисан, қилиқларинини тўла ва тўкис тут, дил ва тилингни тўғри қил, йўл-йўриқларинини тўғрила.

Авом эзгу бўлса унинг эзгулиги ўзи учун бўлади, эй халқнинг орасида таниқли киши.

Агар беклар феъл-хулқларини ва йўриқларини эзгу тутсалар, бу эзгуликлар барча элга манфаат келтирадн, бу нақадар қувончли-я!

Агар бекларнинг феъли ёмон бўлса, ёмонлар кучаядилар ва эзгуларнинг изини қуритадилар.

Ёмон бўлмагин ва номинини ёмон қилмагин, ёмонларни қисиб тергагин, бош кўтаришларига имкон бермагин.

Ёмонлик бир оғудир, бу оғуни зинҳор емагин, оғу еган тирикликдан баҳраманд бўлмайди.

Заковатли одамларни ўзингга яқин тутгин, билимлиларнинг сўзларига қулоқ бергин ва ҳақларини ўтагин.

Ишончли, тўғри, яхши, маълум кишиларни ўзингга яқин тутиб ишни ўшаларга топширгин.

Бу ҳийлакор дунёнинг қилиғи жафо, қилмишлари бевафолликдир, ғофил бўлмагин, ҳушёр юргин, унинг йўллари ўнқир-чўнқирдир.

Бу дунё безаниб, ўзига оро бериб кўнгилларни мафтун қилади, кўнгил бергудай бўлсанг юз ўгириб кетади.

Улимни унутма, алам-қайғуларни қисқа қил, ўлимга босқин бўлиб қолма, эй бахтли эл боши.

Эй элиг, гафлатга ботиб ухламагин, бу беклик давлатига маст бўлмагин, эй зариф.

Бу кунлик ҳаловатларга маҳлиё бўлма, ўйла, келгуси ҳаловатинини иста, унга қаттиқ умид боғла.

У дунёнинг севинчи мангу, ҳаловати чексиз, агар

ҳаловат насиб бўладиган бўлса мана шундай ҳаловат керак.

Эзгу ҳаловат истасанг, кел, ўзинг эзгу бўл, чексиз неъматлар ичида сенга мангулик насиб бўлсин.

Чуқур билим соҳибни, билим туфайли элда қадр-қиммат топган киши нима деган, эшит:

Агар ўзинг ношукур бўлсанг, хўрлик муқаррардир, хўрлик азобига кимнинг тоқати бор?

Эй элиг, бу кун сен табиб мисолидирсан, барча халқ сенга ҳожатманд беморлар кабидир.

Уларнинг айримлари куч-қувватларини йўқотгандирлар, айримлари йўқчилик аламини чекмоқдадирлар.

Баъзилари оч, баъзи бирлари юпундирлар, баъзилари қайғу билан сиқилгандирлар.

Назар солгин, уларнинг чора-тадбирлари ва иложлари сендадир, сен уларнинг дардларига шифо бергин, меҳрибон ҳозиклари бўлгин.

Сен уларнинг тадбир-иложларини қилмасанг, халқнинг тириклигига зомин бўласан.

Кейин воҳид тангри бунинг учун сўроқни сендан олади, жавобга ҳозирлик кўриб қўй, номингни яхши қил.

Ҳаёт тез ўтиб кетади, беклик эса қолади, сенга кераклиги эзгу номинг бўлади.

Бу дунё бир экинзордир, эй элиг, унда нима эксанг қўлингга ўшани оласан.

Шундай экан, кел, фақат эзгулик қил, эзгулик уруғини эк, сенга мана шу мангулик ва абадий эзгулик бўлади.

Доно элчи беклик ишларини, йўл-йўриқларини билладиган тадбирли бек нима деган, эшит:

Эй халқ устидан улуг бек бўлувчи киши, кўнгил ва тилингни кичик тутгин, ўзингга фойдадир.

Эй бошлиқ бўлувчи, эй қўли баланд эрки киши, сен ҳамма ишларда аввало билимга амал қил.

Ҳар қандай ишни ҳам билим билан қилгин, барча ҳайратомуз чиройли ишлар билим билан бўлади.

Бу дунё ўткинчидир, у абад туриб қолмайди, ўзинг титиб-йўқолмайдиган эзгуликлар қилгин.

Бу дунё қолиб кетади, туғилган эса ўлади, яхши ёки ёмон бўлса ҳам унинг номи қолади.

Ёмонга аралашма, ёмон куйдиради, отинг яхши бўлса сендан эзгу из қолади.

Эй элиг, ҳаракат қил, ҳушёр тур, ғофиллар машаққатларга дучор бўладилар.

Бекликнинг асоси ҳушёрлик ва эътиборликдир, у дунёни истасанг ҳам, шу туфайли эришасан.

Ғофил бўлма, ғофил бўлсанг беклик завол топади, ғофил икки оламда ҳам йиғлайди.

Ўзингга хасм орттирма, шунингдек қон тўкма, мана шу икки гуноҳ учун жон чиқар пайтида аччиқ йиғлайдилар.

Ҳаромга аралашма, ўзингни қаттиқ тут, ҳаром еювчиларнинг ўрни тубсиз жаҳаннамдир.

Барча халқнингга меҳрибон бўлгин, одамларга ёмсинлик соғинма, йўлдан адашмасдан юр.

Ичимлик ичма, фасодга қўшилма, ундан узоқ юр, бу иккиси сарой, қаср ва қалъаларни ҳам вайрон қилади.

Туғиладиган одам ўлим учун туғилади, ўладиган одам ўзидан кейин номини ёд қолдиради.

Бор-йўғи бир тутам бу ҳаёт тугайди, олқинади, одам яхши бўлсин ёки ёмон бўлсин ўзидан кейин номини қолади.

Бу дунё сени эркалаб тебратади, сен зинҳор ғофил бўлмагин, у сени ухлатиб қўймасин.

Одамни ғафлат уйқусига ботирувчи ғофилликдир, ғафлат уйқусига ғарқ бўлган одам жами ишларини ташлаб қўяди.

Агар мана шу ғафлат бўлмаганида эди, ҳамма одамлар фаришта бўлиб, тоат-ибодат қилган бўлардилар.

Бу ҳақда билимли жуда яхши сўзлаган, сен бунни тушуниб олгин, эй бағри кенг.

Шодлик билан айш-ишрат мутлақ ғафлатдир, мана шу ғафлат билан одам ўзини маҳв қилади, во ажаб!

Ғофил бўлма, ғафлат уйқуси элитмасин, ё рабб, бу ғафлат уйқусидан ўзинг асрагин.

Элингга кўзингини ва қўлоғингни ўткир қилиб тургин, марҳаматларингни барчага баравар қилгин.

Охири бир кун тангрининг сендан сўраши бор, тангрининг сўроғи ҳамма ерга ёйиб ташланган тўр-тузоқдир.

Андиша ва мулоҳазали киши нима деганини эшит, тангрининг сўроғи бордир, унинг чорасини қилиб қўй:

Эй кўнглига келганча юрувчи тентак ва телба, тангри бир куни сендан сўроқ олади-ку!

Эй беҳудалик билан молдек еб-ичувчи, ҳисоб беришга ҳозирлан, қутулиб чиқадиган йўлингни қидиргин.

Тангри барчани ҳам сўроқ қилади, қутуладиган еринг борми? Қани қочиб кўргин-чи!

Эй элиг, қилич ва қамчи-калтаклар сенинг ихтиёрингдадир, калтак азоблари ёмонларнинг қисматидир.

Ёмонлар ёмонликларини чўзиб давом эттирмасалар, сен ҳам жазони давом эттирма, калтакни босиб тутгин.

Элиг ёмон бўлса оламни бузади, тийиб-терговчисин бўлмаса тўғри йўлдан озади.

Сен яхшиларни тақдирла, яхшиликлар қил, халқ мутлақ яхши бўлади, эй шавкатли.

Кайф-сафога берилиб кетма, ўзингни тутгин, айшишратга маҳлиё бўлма, кунларинг оз қолди.

Тўғрилиқка таяниб адолат ўрнат, чунки беклик адолат билан барқарор туради.

Сен кучинг етганича жаҳду жадал қилиб эзгуликка интил, мабодо беҳуда ишлар қилиб қўйсанг, дарҳол узр сўрашга тутингин.

Халқнинг сарвари нима дейди, эшитгин, унинг номи эл орасида адолат туфайли шухрат топгандир:

Эй бек, тоқатинг ва чидаминг баробарида жаҳду жадал қилгин, адолат ўргатгин ва ундан халқингни баҳраманд қилгин.

Агар ишларингда нуқсон юз берса яна узрингни сўрагин, ҳеч маҳал тилинган тавбани қўймагин.

Сен олтин-кумушлардан ортиқча хазина йиғмагин, нима бўлса одамларга бергин, бойлигингни улашгин.

Сени ўлим тутса мол-дунёнг қолиб кетади, ўғил-қизларинг уни ноҳўя ишлар учун сарфлаб исроф қиладилар.

Ҳаракат қил, кўзинг тириклигида мол-дунёнгни илдамроқ сарфла, ҳисоб беришдан қутулгин-да ўзинг учун нажот ҳозирла.

Халқ устидан турган бек бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, у халқ орасида улуғ, кишилар орасида оқил бўлган:

Эй хазина тўпловчи жаҳонгир беклар, хазинани ўзингиздан кейин қолдириб кетманглар.

Фароғат ўзгаради, сен билан ора очиқ бўлиб ҳисобини қилади, ҳисоб бериш сенинг қисматингда бўлмасин, эй аслзода ёшулли.

Эй халқ орасида тенги йўқ тўкин бой, бу бойлигингни тезроқ қуришиб йўқ қил, ўзинг учун бўлажакка замин ҳозирла.

Вафосиз бу дунёга кўнгил бермагин, охири жафо қилади, унга бино қўймагин.

Эй одамлар сарвари бек, беклигингни олдинроқ харж қилиб, келгуси ўрнинг тараддудини кўргин.

Эй кўзи суқ, ортиқча узоқ ўйловчи ҳардамхаёл, ҳа-  
гуз сени ўлим тутмаган экан, барча борингни одамларга  
бериб юбор.

Охир-оқибатда ўлим тутган бу мол-дунёнг фойда  
бермайди, улар қолиб кетади, сенга улардан ҳаловат  
йўқ.

Овқатни оз егин, эй элиг, тоат-ибодатни кўп қилгин,  
сўзни оз сўзлагин, яхши хислат ва фазилатларни кўп  
ўргангин.

Камбағал, тул, етимларнинг ҳолларидан хабардор  
бўлиб тур, уларни авайласанг, адолат мана шу бўлади.

Ғайбатчи одамларни ўзингга яқинлаштирма, ўзинг-  
дан пастларни узоқроқ тутишни эсингдан чиқарма.

Мана бундай одамлар одамнинг зиёнкори бўлади-  
лар, одамнинг зиёнкорини сен ёв деб билгин.

Одамнинг суқига элингда эрк бермагин, беғам бўл-  
магин, ундайлар яшнаган элингни бузадилар.

Жаҳду жадал қилиб ўзингни жаҳаннамдан торт,  
фақат эзгулик қил, таңгри ўз паноҳида асрайди.

Бу кунларингдан кўра келгуси кунларинг ва тунла-  
ринг барчаси эзгу бўлсин.

Дин ва дунё йўналиши бир-бирига қарама-қарши-  
дир, иккаласи сира ҳам бир-бирига яқин келмайди,  
йўли айричадир.

Дунё ишлари билан дин ишларининг бирикмоғи қи-  
йин, бу иккаласи сира ҳам қовушмайди, буни яхши би-  
лиш керак.

Бири яқин келса, бири узоқлашади, иккаласини бир-  
га қиламан деган одам йўлдан озади.

Бу дунё бўрон, шамол ва ёмғир кабидир, бирдан  
шатирлаб келади, тезда яна шовқини тинади.

Қут-давлат келади ва даргоҳда тифиз бўлиб тўпла-  
нади, энди кўнгил боғлаганингда барчасини ўзгага бе-  
ради.

Энди бойидим десанг, камбағал-қашшоқ қилади, из-  
зат-икромли бўлдим деганингда хўрлаб ер билан яксон  
қилади.

Бу дунёнинг тўқлиги мутлақо очликдир, унинг роҳат-  
фароғатлари меҳнат ва машаққатдир.

Э элиг, нафсингга қарши шиддатли жанг қил, унинг  
тилагини берма, ҳаловатлардан баҳраманд этма.

Барча нарсадан ёмонроқ ёв мана нафсингдир, унга  
яхшилик қилсанг, у ёмонлик қилади.

Унга вафо қилсанг эвазига жафо кўрасан, жафо  
қилсанг, у сенга вафо қилади.

Нафсингни хўрласанг, жонинг қадрли бўлади, шундай қилсанг билим бек, заковат эса хон бўлади.

Бу дунё ёвдир, бу нафсинг ҳам ёвдир, бу икки ёвнинг тузоғи ёйилган бўлади.

Қут-давлатга ишониб кўкрак кериб гердайма, тирикликка ортиқча ишонма, ундан умидингни узгин.

Буюклик ва улуғлик — булар ўткинчидир, қут-давлатнинг ўти мутлақ ўтадиган ўтдир.

Бу ҳақда нима дейилган, эшитгин, эй асли улуғ, меҳрибоннинг сўзларига амал қилсанг фойдаси яхши бўлади:

Бу беклик билан керилмагин, кўкрак кериб гердаймагин, кимлигингни ўйлагин.

Бу манфур дунёни чиқинди-супринди қаторига қўй, неъматларнинг асилини у ёқда тангри беради.

Эй элиг, уч кишининг жуда сара бўлишини иста, шундайларни топсанг ишни ўшаларга бергин.

Булардан бири — синчков ва зийрак қози. У жуда чуқур мулоҳазали бўлиши, халққа фойдаси тегиши керак.

Иккинчиси — халифа. У тўғри ва ишончли бўлсин, халқ ундан ҳаловатлар топиб бахтиёр яшаши керак.

Учинчиси — вазир. У жуда ҳам сара одам бўлиши керак, халқ қисматига нима тушса ундан тушади.

Мана шу уч вазифадаги киши тўғри бўлса, халқ осойишталикка, фароғатга етади ва рўшнолик кўради.

Эл гуллаб-яшнайти, халқ бойийди, бундай замонда сенинг ҳақингга эзгу дуолар ортади.

Бу уч вазифадаги кишиси ярамас бўлса, бутун эл-юрт ишлари барчаси бирваракайинга яроқсиз бўлади.

Бунга ўхшатишга мана бу сўзлар жуда мос келади, сен бу сўзларни эшитгин, эй хушрўй киши:

Бекларни қўлидан тутиб етакловчи вазирдир, элини, даргоҳини, бекнинг номини безовчи ҳам ўшадир.

Агар вазир тизгинини тескари қараб бурса, ҳамма ишлар чаппасига кетади, бу сўзларни мен айтаётирман.

Бу дунё безатиб-ясатилган дастурхон кабидир, юрвчи халқ меҳмон каби ундан бир оз неъматларни ейдн.

Бизлардан олдин ўтган авлодлар, эндиликда ўлиб ётувчилар бу дастурхон неъматларидан едилар, тўйдилар ва қондилар.

Чексиз манзилгоҳга назар сол, улар у ерда бизнинг йўлимизга кўз тикиб ётибдилар, бизларни чақирмоқдалар, кетларидан бизлар ҳам албатта борамиз.



Яна бир авлод — бу қориндагилардир. Бизлардан кейинги дастурхон неъматларини еювчи ўшалардир.

Бу кун эса бу дастурхон неъматлари бизларга теккан, тангри егулик-кийгуликларни қачонгача насиба-миз қилар экан?

Улиб ётганлар бизларни ўз олдиларига чақирмоқдалар, қориндагилар эса «қани, тур» деб ҳайдаб сурмоқдалар.

Бири ҳайдамоқда, кўргин, бири чақирмоқда, бу иккисининг орасида ким ҳаловат топиши мумкин?

Эй элиг, гофил бўлма ва ортиқ хаёлотга берилма, бари бир узоқ қола олмайсан, эй хушфеъл.

Ҳаромга аралашма, эй элиг, сақлан, ҳаромдан кўнгил хира бўлади, буни яхши билиб олиш керак.

Ҳисоб беришда пок ва бебок бўлайин десанг, эй шавкатли, ҳалол егин ва ҳалолдан баҳра олгин.

Ҳалол еювчи, пок ва бебокларнинг сарвари ва ҳалол гапирувчи киши нима деган, эшитгин:

Ҳалол еювчи одам тангри олдида гуноҳкор бўлмайди, ҳалол егин ва келгуси насибаларингни ҳам ҳалол қилиб олгин.

Кимнинг бўғзи пок ва эгни покиза бўлса, ундан гуноҳлари арийди.

Поклик истасанг бўғзингни поклагин, бўғзингни покласанг, манфаатларинг дарё каби мўл-кўл бўлади.

Ўз манфаатингни кўзлама, халқ манфаатини кўзла, сенинг манфаатинг халқ манфаати ичидадир, билгин.

Улуғ кент беги нима деган, эшитгин, барча ишларда у ақл-заковатга амал қилгандир:

Бек қутдир, у халққа қут-бахт келтириши керак, қут-бахтга эришган халқ фаровон бўлиши керак.

Беклар туби инжули денгиз кабидирлар, денгизга яқинлашганлар эса бойиши керак.

Беклар олтин-кумуш кони бўлмиш тоғ кабидирлар, кумуш конини қазиганлар жуда бой бўладилар.

Беклар халққа манфаатли, қўллари очиқ, саховатли бўлишлари керак, олам халқига улардан тўқлик насиб бўлиши керак.

Эй доно эл бошловчи, қуёш каби ёригин, халқ сен туфайли егулик ва ичгуликлар топсин, ундан баҳраманд бўлсин.

Эй элиг, сен ўзингга ўз кўзинг билан назар сол, бир ўзинг учун узлуксиз қанча мол-дунё йиғиб-теришинг мумкин?

Денгиз тубидаги гавҳар сен учун ҳеч кифоя қилмайди, сув остидаги инжу сен учун ҳеч тугамайди.

Қўнғир ер қаъридаги олтин-кумушларни йиғиб-терасан ва кўплаб хазина тўлдирасан.

Тоғлар бағридан чиқадиган гавҳарларни сенга қазиб етказа олмайдилар, эй покиза.

Қўнғир ер узра унувчи донларни йиғиб сен омборларни тўлдирасан. Учадиган, юрадиган жониворлар, сув ичидаги балиқлар сендан қочиб қутула олмайди, эй журъатли.

Карвонларинг элларда юриб олам кезадилар, шоҳи, ипаклик матоларни, тўйин, сувсар мўйналарини териб оласан.

Румий нафис кимхоблар, дунёнинг тансиқ нарсалари сенга қанча келтирилгани билан қимматбаҳо буюмлар хазинаси тўлмайди.

Арабий тулпор, сағриси кенг, яйдоқ, йўрға, чопқир отлар оғилнингга тўлган бўлса ҳам суқлик ҳирси тўлмайди.

Беҳисоб сара туялар, яйловларингда сон-саноқсиз отлар, оғилларингда хачирлар тўлиб-тошган.

Водийлар, тоғлар, дала-тузларни қоплаб қўй сурувларинг ва подаларинг юради, қулларинг, жорияларинг, хизматчиларинг беҳисоб,

Тоғ ёнбағирларида юрувчи беҳисоб қўтосларинг, дала-даштларда юрувчи буқа, сигир ва хўкизларинг бор.

Қояларда юрувчи серка ва такалар сендан қочиб қутула олмайди, эй баҳодир.

Нар ва мода буғулар, ғизол ва кийиклар қанчалик кўп бўлгани билан сенга емиш етмайди.

Қулонларни, ёввойи отларни, ёввойи тоғ такаларини ҳамиша сенга тутиб келтирадилар.

Бўри, тулки, арслон, айиқ ва тўнғизлар сендан қочиб қутула олмайди, барчаси овда ўлади.

Оққуш, соқақуш, турна, қора оққуш, тувалоқ, туй, югдик, тудлич ва қоқ каби парранда ва қушларни аёвсиз овлатасан.

Ҳавода учадиган қирғий ва жўр қушлар барчаси бирдек сендан қутулиб ўта олмайди, эй қари бўри каби тажрибакор.

Сенинг олғир лочинларинг учар қушларни учирмайдилар, жасур қоплонларинг ва югурук итларинг юрадиган жониворларни юритмайдилар.

Оталилар, ёлғизланиб, отасиз бўлиб қоладилар, она-  
лилар онасиз етим бўлиб қоладилар.

Бунчалик дунё сен учун етмайди, ўзинг эса тугай-  
сан, эй қудратли баҳодир.

Фақат бир томоққа ва эгинга бўй бериб олам жа-  
ҳон мол-дунёсини йиғиб-терасан ва ўлиб, қолдириб  
кетасан.

Мол-дунё теришнинг фойдаси нимада? Ахир ажал  
жонларни териб, пайларни кесади-ку!

Назар солсанг бунинг барчаси суқликдан бошқа  
нарса эмас, суқлик билан очиққан одам қачон ҳам тў-  
ярди?

Кўзи тўқ одам нима деганини эшитгин, кўзинг  
тўқлиги бойликнинг бошланишидир:

Кўзи суқ одам бутун оламини тугал қўлга киритса  
ҳам, уни бой деб бўлмайди, бундай дейиш жуда маҳол-  
дир.

Камбағал деб айтадилар, ким ўзи ўша камбағал?  
Қанча бой бўлса ҳам, кўзи суқ одам камбағалдир.

Кўзи суқ одамнинг бойиганидан фойда йўқ, эй  
кўнгли тўқ, суқни ўзинг ярлақагин.

Кўзи суқ учун бутун дунё ҳам кифоя қилмайди,  
борига қаноат қилувчи киши бахтиёр яшайди.

Кўзи суқ одамнинг кўзи мол-дунёга тўймайди, унинг  
кўзи фақат қора ер тупроғи билан тўлгандагина тўяди.

Эй элиг, менинг билганларим мана шулар эди, ту-  
шунганимча улар ҳақида сенга сўзладим.

Мана, мен сўзладим, сен эса тингладинг, ақл кўзи  
билан уқиб қарасанг кўзинг очилади.

Сўзларимга амал қилсанг кейин албатта фойдаси  
тегади, борди-ю, амал қилмасанг гуноҳи сенга бўлади.

Заковатли сўзини эшитгин, у нима деган, агар қу-  
лоқ тутсанг, у гўё сенга ўғит қилгандай:

Насиҳат одамга манфаат қилади, насиҳат улашгин,  
ким истаса қабул қилсин.

Агар бу насбани ея билмаса, қўя бер, ишинг бўл-  
масин, у ёниб турган ўтда куйсин.

Элиг бу сўзларни эшитиб йиғлади, рафлатдан уйғон-  
ган одамларнинг яхшиси, деди.

Сен энди ҳамишалик фароғатдадирсан, бу беклик  
эса менга катта ташвиш бўлди.

Мен энди тушундим, кўзим энди очилди, мен ўзим-  
ни ўтга ташлаган эканман.

Эй улуғ зот, мен тўғри йўлдан адашган эканман,  
сен тўғри йўлни кўрсатиб бердинг.

Эй Узгурмиш, сен энди менинг ҳақимга дуо қилгин, худо эзгу хислатлар учун менга тавфиқ берсин,

## УЗГУРМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Узгурмиш жавоб берди ва айтди: Эй бек, тангри тавфиқ берсин, тилакларингга етгин.

Жаҳд қил, заковат кучи билан ҳавасингни бос, ҳавасга эрк берса одамнинг умри беҳуда бўлади.

Сени ҳалокатга бошловчи тану жон ҳаловатидир, тану жоннинг қилиқ-одати сенга бўйинсунмасликдир.

Бу дунё жуда кўҳна дунёдир, фалак жуда қаридир, қилиғи совуқ талай бекларни кўргандир.

У кўпдан-кўп бекларни, сендайин мард баҳодирларни қаритгандир, у сени ҳам узоқ тирик тутиб турмайди.

Улар кетдилар, бу ўрин энди сенга қолди, вақт-фуркатларингни бекорга кетказма, ҳозирлигингни кўр.

Эй элиг, ўлимни унутма, кўзингни оч, шубҳа тутма, ўлим вақти-соати билан сенга ҳам етиб келади.

Ўзингни унутма, эй элиг, ҳушёр бўл, агар унутган бўлсанг, кимлигингни эслаб қўй.

Агар ким бу икки нарсани унутса, ҳақ йўлни йўқотади.

Ўзини билган, ҳавасини заковатга бўйинсундира олган киши нима деган, эшит:

Ўлимни унутмагин, у кўзинг ва бурнинг остидадир, ўзингни унутма, юзинг суви — обрўйингдир.

Маънидан бунёд бўлган ўзлигингни «ман» дема, ўзлигинг «ман» дейдиган бўлса, сен «ана сенинг ўрнинг», дегин.

Бу ўлим кўринмасдан пистирмада ётади, пистирмадан чиқа солиб ҳамла қилади. У ҳеч қачон йўлни унутмайди.

Тирик учун ҳеч қанақа қийинчилик қолмаган бўлса, аччиқ ўлимга бир боқса кифоя қилар эди.

Ундан бошқа яна қанчадан-қанча ишлар бор, ўлим йўл очса уларнинг барчасини кўришга тўғри келади.

Ўлимдан кейин одам қора ер қаърида чириб, тўзиб кета қолса майли эди-я! Афсус ўлимдан сўнг бошқа ишлар ҳам бор-да.

Бу аҳволни тушунган одам қандай қилиб тинч ётиб ухлаши ва хотиржам овқат ёйиши мумкин?

Таълим берувчи, билим билан ҳимматини баланд тутувчи киши нима деганини эшит:

Ҳимматни баланд ва бағрингни кенг тут, бу дунёнинг баҳридан ўт, ундан юз ўгир,

Бу дунё ичи ўқ илон билан тўлиб тошган бир зиндондир, бу дунёдан воз кеч, чин дунёга боғлан.

Раво жоннинг охир-оқибатда киядиган либоси қора ер тупроғидир, азиз жон қора ер либосига ўралади, эй хулқи мулойим.

Бу дунё бир зиндон, қоронғи қудуқ кабидир, бало, меҳнат, машаққатларнинг барчаси бунда жамлангандир.

Сен шундай зиндонда туриб қандай фароғат истайсан, ақлу ҳушингни бериб қандай орзулар истайсан?

Бу чанг, тўзон, тумандан ўзингни халос қил, пок, тоза, мангу маконни иста, кўзингни оч.

Қанча узоқ яшасанг ҳам охир ўлим етиб келади, ёқангдан тутади, эй қуёшим.

Бу дунёнинг бош оғриқ ва ташвишлари қанча ортса, унинг машаққатлари ҳам шунча ортади, эй мард ўғлон.

Одам неча минг ёшни яшаб тилакларини истаб топдим дегани билан барча тилакларини тугал топа олмайди.

Феъли пок, фалак ўқининг зарби билан кўкси жароҳатланган киши нима деганини эшитгин:

Тилакларга тугал эришиб минг йил яшасанг ҳам, тамоми тилакларингга тугал эриша олмайсан.

Тилак тиловчи унинг тугал бўлишини истайди, аммо ўзи тугагандан сўнгина тилаги тугайди.

Сўзнинг фойдаси кўп сўзлаганда ёки сўзга ажабланиб кўп тинглаганда бўлмайди.

Эшитган сўзни ўзига олиб, уқиб, унга амал қилиб, йўриғини тўғриласа, фойдаси мана шунда бўлади.

Мен сўзни кўп сўзлаб юбордим, сен ҳам тугал тингладинг, энди сўзларимни ишга сол ва ундан манфаат ол.

Тилим тийила билмади, ҳаддан ортиқ сўзлади, унинг суви кўпайиб, маъзи камайди.

Эй элиг, тангри сенга тавфиқ берсин, ҳамма эзгуликларга тўла муяссар бўлгин.

Тангри сенинг барча тилакларингни берсин ва ўз паноҳида асрасин, эй элиг, мени дуода унутмагми.

Сўзини тугатди ва ўрнидан турди, элиг яна озгина ўлтиргин, деб тўхтатди.

Турли егулик, ичгулик неъматлар, овқатлар чиқарди, эй эзгу киши, озгина тотгин, деди.

Ўзгурмиш қўл суниб луқмалардан насиба олди, егулик, ичгуликлардан озгина еди ва ичди.

Сўнг таомлардан қўл тортди, бошқа еб-ичмади, раббга шукрлар қилиб номини тилга олди.

Ўзгурмиш ўрнидан туриб хайр-хўшлашди, элиг ҳам жавоб қилиб ўрнидан турди.

Ўзгурмиш ташқарига чиқди, элиг кетидан чиқиб кузатиб қўйди.

У элиг билан узр-маъзур айтишиб хайрлашди, элиг қўл бериб хайрлашди ва қайғуриб қолди.

У ердан чиқиб яна тоғ томонга жўнади, қариндоши қўлидан ўпиб, кетидан анча ергача кузатиб борди.

Ўзгурмиш қариндошидан қайтишини сўради, Ўгдулмиш хайрлашиб орқасига қайтди.

Кўнгли бўшашиб уйига кирди, алам-қайғулар билан ётиб, кўзига уйқу келмади.

Шарқдан қуёш бошини юқори кўтарди, борлиқ жаҳон оққуш рангини касб этди.

Қуёш бағрини юқори кўтарди, бутун оламга кофур сочилгандек бўлиб жаҳон мунаввар бўлди.

Олам фаришта юзидек ёришиб кетди, осмон юзидан кофур сочаётгандек бўлиб оқарди.

Ўгдулмиш ўрнидан туриб кўрпа-тўшагини йиғди, ювиниб келди ва кўнгилни пок ниятларга жуфтлаб саждага бош қўйди.

Кийимларини кийиб уйдан отланиб чиқди, яна тўғри келиб саройга яқинлашди.

Отидан тушиб пиёда сарой ичкарисига кирди, элиг уни чақирди, у кириб элигга кўриниш берди.

Элиг аввало Ўзгурмишни сўради, қанча тургани ва қай маҳал кетганини суриштирди.

Сўнг элиг айтди: Эй менинг Ўгдулмишим, энди ейдиган овқатим захар бўладиган бўлди.

Бундан буён қандай кун кечирар эканман, қаддим чўкиб бораётир, тик тура олмаётир.

Энди бу бекликнинг, халқ ташвишининг нима кераги бор, бу қайғу-ҳасратлар дилимни чок-чокидан сўкиб юбормоқда.

Лашкарсиз халққа бошчилик қилиш, бекликнинг ҳамма юмушларини бекнинг бир ўзи қилиши мумкин эмас.

Лашкарни тутиб, сақлаб туриш учун эса бойлик керак бўлади, бойлик атрофига одамлар йиғилиб хелади.

Лашкар бошловчи, умрини бағишлаб бек хизматини ўтовчи киши нима деганини эшит:

Бекларнинг куч ва қудрати хазина ва лашкар биландир, мана шу икки нарса ёрдамида мардлар ўз мақсадларига эришадилар ва ўчларини оладилар.

Мана шу иккаласи туфайли беклар улуғликка эришадилар, иккаласи жам бўлса бекнинг тож-тахти равнақ топади.

Лашкар тўплаш учун беҳисоб мол-дунё керак бўлади, мол-дунё тўплаш учун эса, кўпларга зулм етказишга тўғри келади.

Менинг биргина эгним ва биргина томоғим бор, шундай бўлгач, халқнинг бунчалик юкини зиммага олишнинг нима кераги бор?

## УГДУЛМИШ ЭЛИГ КУНТУҒДИГА ЭЛНИ ТУЗИШ ВА АДОЛАТЛИ СИЁСАТ ЮРИТИШНИ АЙТИШИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй элиг, ҳамма ишга энг аввал сен қўл ургин.

Тилингда яроқсиз сўзни юритма, бу ёмон бўлади, буни тангри хушламайди, эй билими дарё...

Кўнглингни тўғрила, ўзингни покла, тангрига тоатибодат қил, меҳрибонлик билан халққа адолат қилгин.

Ҳавасингни заковат кучи билан босиб енггин, нафсингни билим кучи билан тийгин.

Билим ўргатувчи, билим билан ҳавас ва нафсни тийган киши нима дейди, эшитгин:

Тану жонинг омонлигини истасанг, ҳавас ва нафс бўйнини синдир, ҳавас — нафс ўлса тану жон эгриси ҳам тўғриланади.

Қатъиятли бўл, ҳаваснинг қули бўлиб қолма, ҳавас билан нафс иккаласи дин ва диёнатнинг ўғрисидир.

Нимага энди ожизу нотавон бўлар экансан, ҳала кўп эзуликлар қилишга қўлингда кучинг ва тилингда эркинг бор.

Нима учун энди бунчалик қаттиқ қайғураётирсан, нима учун ўз тириклигингни аччиқ қилаётирсан?

Хазинанг беҳисоб, аскар ва лашкарларинг чексиз бўлса, барча ишларга йўлловчи билим ва заковатинг бўлса, сенга яна нима керак?

Лашкарингни севинтиргин, хазинани улашгин, улардан минг-миг орзуларингни кутгин.

Жанговар ботир киши нима деганини эшитгин, ким олтин-кумуш берса душманини калтаклайди:

Агар сен доим қўлинг баланд бўлишини истасанг, лашкарларингни севинтир, марди майдонларни таърифлаб, руҳини кўтар.

Лашкарларингни севинтириб ўз тилакларингни улардан истагин, барча тилакларингга етиб душманингнинг бўйинини эг...

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Бу сўзларни жуда ўринли сўзладинг, ўзим ҳам худди мана шундай қилишни истар эдим.

Бунга эришишнинг тадбир-чоралари қанақа бўлади, буларни амалга оширишда менга ёрдам бергин.

Биринчи навбатда элни яшнатиш, халқни бузуқликлардан тозалаш керак, унинг ички ва сиртқи йўриқлари тадбирини кўриш керак.

Хайрихоҳларни хурсанд қилиб, инъомлар бериб туриш, ичи қораларни жазолаб таъқиб қилиш керак.

Ҳаммасидан бурун элни гуллаиб-яшнатиб, эл ичидаги ва ташқаридаги қовоқхоналарни йўқотмоқ керак.

Элни яшнатиш учун хотиржам шароит қани, мен уни топа олмаётирман, бу — иш устига иш бўлди, кўзимни юмгудек фурсатим йўқ.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Эй бек, сен ишларни чўзмасдан барча ишларни ҳал қилишга жадал киришинг.

Қиладиган ишларингни нима учун чўзасан, ишларингни узоққа чўзмасдан қилгин, ёшинг ва умринг ўтиб бормоқда.

Ишларингни бугун қилмасанг эртага қолади, вақтида қилинмаса иш устига иш тўпланиб қолади.

Эл ишларини яшнатиб, сошлаб ўз вақтида қилиб тургин, келгусида ўзингга ва халқингга ҳаловат келди.

Ёмон бўлма, ёмонликни ёмонларга қилгин, барча ёмонлардан элигни тозалагин.

Тўғри бўл, тўғрилик қил, йўриқларингни тўғри тут, шунда ёмонлар ва эгрилар тўғри йўлга кирадилар ва йўриқларини ўзгартирадилар.



Тўғри, кўнгли рост киши нима деганини эшитгин, унинг кўнгли, йўриқлари ва феъл-атвори жуда тўғри бўлган:

Ёмонларга аралашма, тўғри юргин, тўғрига ҳам, эрига ҳам бирдек ажрим қиладиган ҳақиқат куни бордир.

Ким ёмонлик қилса, унинг йўлида меҳнат ва машаққатлар бор, ҳақиқат куни тўғрига тўғри йўл бўлади.

Эй элиг, лашкар йиғмасдан иложинг йўқ, беклар лашкар кучи билан ифлосликларни тозалайдилар.

Лашкар йиғиш, тўплаш ва уларга инъомлар бериш керак, камбағалларни бойитиш, очларни тўйдириш керак.

Хизматда юрганлар умид билан юрадилар, хизматчи умид узгудек бўлса, хизматда турмайди, кетиб қолади.

Эй элиг, хизматчилар бир неча хил бўладилар, мумкин қадар уларни бир-биридан фарқлагин, мабодо ҳа-толик тушмасин.

Улардан баъзилари иззат ва обрўталаб бўладилар, уларнинг иззат-обрўларини жойига қўйиб иззат-ҳирсларини қондириш керак.

Яна бир тоифаси мол-товар истайди, уларга мол-товар бергин, сенга жонларини фидо қилсинлар.

Айримлари ҳам мол-товар, ҳам обрў истайдилар, шуҳрат таратиш учун ҳам от, ҳам либос истайдилар.

Агар паҳлавон, мерган бўлса, уларга кумуш пуллар бергин, улар қиличларини ўйнатиб шаҳар ва қишлоқларнинг эшигини очсинлар.

Билимли, заковатли донолар бўладиган бўлса, уларни ҳурматлаб, тақдирлаб нарсалар бер ва қўллагин.

Ярамас ва золим-зўравон бўлсалар ундайларни кўтарма, эл устидан эрк ихтиёрини берма, сенга афсус ва надоматлар чектиради.

Саркаш ва ўзбошимчаларни зинҳор кўтарма ва бойитма, улар охири сенинг бошингга етадилар.

Баҳодирлар саркори нима деганини эшитгин, одамнинг разили бойиса бўйин бермайди.

Ёмонларни бойитма, эй карами кенг, ёмонлар бойисалар феъллари бузилади.

Қўли қисқа бўлса яхшилар ҳам эҳтиёж зарурати туфайли ўз феълларини бузадилар.

Муҳтожликка тушиб қолса яхши феълли одам ҳам ўш эзгулигига баробар равишда феълли бузади.

Ёмонларни қадрламагин, уларнинг тарзи рафтор-

лари кундан-кунга баттарлашаверади, яхшиларни сийлагин, улар феъл-атворларини янада яхшилайдилар.

Садоқатли, меҳрибон одамларни ўзингга яқин тутгин, уят-андишасизларни ўзингдан йироқда тут, эҳтиёт бўл.

Фойдалиси қайси-ю фойдасизи қайси, буларни ажрата билгин, эй доно.

Ўзингга хайрихоҳларни, кўнглида ҳасад сақловчиларни фарқлай билгин, севувчиларингга меҳрибон, ёвларингга нисбатан ўртаб ёндирувчи олов бўл.

Сенинг шодлигингни истамовчи одамларни ўзингдан йироқ тут, ундайларни севма, қиладиган ишингни ундайларга ишонма.

Ишончлиларни хиёнаткорлар билан қориштирагин, яроқлиларни яроқсизлар билан тутмагин.

Бир ишни икки кишига буюрма, амин бўлгин, қилинадиган иш қилинмасдан қолиб кетади.

Ишингни қиладиган одамларга бер, ким ишни қила билмаса кўнгли сишиб алам чекади.

Хизматига маҳлиё бўлиб ҳар қандай одамга иш топшираверма, одамларни ўзингга фойда келтиришига тутгин.

Фақат эл фойдасинигига кўзлама, ўз манфаатингни ҳам кўзлагин, ўзгаларнинг манфаатларидан умидвөр бўлиб паст кетма.

Келтирган манфаати учун фақат айримларнинг кўнглига қарама, умуман эл манфаатини иста, аслингга доғ туширма.

Сенга ким манфаат келтирса, сен ҳам унга манфаат келтир, манфаат келтирмайдиган одамни нари тут.

Манфаат келтирадиган одамларни қадрлагин, муҳим ишни ўшандайларга топширгин.

Эй элиг, қилишинг керак бўлган ишлар мана шулардир, мана шуларни қилсанг элингни яшнатасан.

Номинг эзгу бўлади, ўзинг саодат топасан, ўзингдан кейин номинг ва хотиранг қолади.

Халқ бойийди, элинг гуллаб-яшнайти, тож-тахт равнақ олади, қанча хоҳласанг шунча бойлик, хазина тўплайверасан.

Меҳрибон киши бу ҳақда нима деган, эшитгин, унинг меҳрибонлиги сўзи билан исбот бўлади.

Қайси элнинг беги эзгу ва тўғри бўлса, ўша элнинг халқи бойийди, куни туғади.

Халқнинг бойлиги бу бекнинг бойлигидир, истасанг мана шундай қил, истамасанг бошқача қил.

Шаҳар ва қишлоқлардан ўғриларни аритгин, мусофир йўловчи ва карвонларнинг йўлларда бехатар юришни таъминла.

Элнинг ичида золим-зўравонларни бартараф қил, элнинг ташқарисидаги барча қароқчиларни аритгин.

Жазо бериш билан ёмонларни ёмон феълларидан қайтар, ёмонларга ёмонлик қилиш билан жавоб бериш ярашади.

Ёмонлар ҳибсда, бандиликда, зиндонда бўлишлари керак, шунда уларнинг йўриқлари шояд тузалса, эй дадил юракли.

Бундан ташқари бу элнинг халқи яна бир неча турли бўлади, уларни фарқлаб, ажратиб тутиш керак.

Улардан бири доно олимлардир, мана шу олимлар туфайли одамга бахт-саодат келади.

Буларни ҳурматла ва нима айтсалар қилгин, шариятнинг йўлини тут, бўйин бер ва эгилгин.

Егулик ва ичгуликлардан булар ҳақини қиймагин, насибаларини бериб тургин, ҳеч нарсага эҳтиёж бўлмасин.

Улар кўнгиллари хотиржам бўлиб бошқаларга билимларини ўргатсинлар, билимсизлар улардан билим ўргансинлар.

Олимлардан бошқа тоифа муҳтасиблардир, уларнинг қўллари қаёққа узатса етадиган бўлиши керак, эй ба-рака топгур.

Улар нобакорларни, беҳудакор ва бебошларни тергаб тутишлари, масжидлар ва жамоанинг тўқис ва мукамаллигини таъминлашлари керак.

Яна бошқа бир тоифа сенга хизмат қилувчилар бор, уларни тергаб тутмасанг, улар сени даф қилиб қопадилар.

Шундай бўладики, улар юк кўтармайдилар, тўғри келиб қолганда уларнинг юklarини ўзинг кўтаришинг керак бўлади.

Булардан ташқари қора авом халқинг ҳам бор, адолат билан уларнинг ҳолларидан хабардор бўлиб туришинг керак.

Яна бошқа тоифа бор, уларни алоҳида бир-биридан фарқлаб тутгин, уларга зулм қилма, зулм қилсанг эл бошига балолар ёғади.

Булардан бири бойлардир, улар халқнинг энг кучли қатламидирлар.

Булардан бошқаси ўртаҳол кишилардир, бу ўртаҳол кишилар бойларнинг тутган ишларини қила олмайдилар.

Камбағаллар булардан кейинги табақадир, ҳаммадан кўра ҳам мана шуларни авайлагин.

Бойларнинг юklarини ўртақолларга юкламагин, бу ўртақоллар бутунлай бузилиб айнийдилар.

Ўртақолларнинг юklarини камбағалларга юкласлик керак, камбағаллар очларидан ўладилар, жон ришталари узилади.

Камбағалларни бир оз қўллаб юборилса ўртақол бўладилар, ўртақоллар андак қўлланса бойликка эришадилар.

Камбағал ўртақол бўлса, ўртақол бой бўлади, ўртақолнинг бойиши элигининг бой бўлиши демакдир.

Шунда эл яшнайти, халқ фаровон бўлади, мана шундай замонда сенинг ҳақингга эзгу дуолар ортади.

Учўрду хони бу ҳақда нима деган, эшит, эй ўлувчи, кел, яхши ном қолдиришни иста:

Кимнинг жони яхши ном билан чиқса, унинг оти эзгу дуолар билан сира тиллардан тушмайди.

Ким ўлиб номи эзгу дуоларда сақланиб қолса, бу жавонмард ҳақиқий тирикликка, мангу ҳаётга муяссар бўлади.

Хоҳ ер устида тур, хоҳ ер қаърида тур, ўзинг эзгу ном билан ёд қилинсанг бўлгани.

Ўзинг албатта ўласан, яхши ном олиш керак, одам ўзи ўлиб кетади, унинг номи қолади.

Раиятларнинг сенда уч турли ҳақи бордир, бу учта ҳақни ўтагин, зулм қилмагин.

Биринчидан, элингда кумуш пулнинг софлигини таъминла, унинг софлигини синаш ишлари устидан назорат қилгин.

Иккинчидан, халққа адолат билан сиёсат юрит, бирининг иккинчиси устидан бўлган зулмини кўтар, доим кўз-қулоқ бўлиб тур.

Учинчидан, барча йўлларнинг тинчлигини таъминла, қароқчи ва йўлтўсарларни бутунлай йўқотгин.

Ана шунда раиятларинг зиммангдаги ҳақларини ўтаган бўласан, сўнг эса сен ўз ҳақингни талаб қилсанг бўлади.

Раиятларингда ҳам сенинг учта ҳақинг бор, буни улардан талаб қилгин.

Биринчиси — ёрлик-буйруқларингни ҳурматлашлари керак, улар нима ҳақида бўлса ҳам ҳаммасини бажаришлари керак.

Иккинчиси — хазина ҳақини тиймасликлари, ўз вақтида етказиб беришлари керак.

Учинчиси — ёвингга ёв бўлишлари, севадиганларнинг ким бўлса, уларни севишлари керак.

Шунда сен уларнинг зиммангдаги ҳақларини ўтаган бўласан, улар ҳам ўз зиммаларидаги сенинг ҳақингни ўтаган бўладилар.

Бек юрадиган бўлса мана шундай йўлдан юриши, раиятлар ҳам худди шундай йўриқ тутиши керак.

Шунда халқ бегининг эзгуликларини кўриб-билади, бек ҳам ҳаловат топиб, овозаси кетади.

Эй элиг, қут-саодатинг белгилари мана шулардир, бундан сенга икки олам улуши насиб бўлади.

Бундан ташқари доно олимлар кўз-қулоқ бўлиб халққа тугал билим берсинлар.

Муҳтасибларнинг ҳам ҳуқуқлари катта, улар жамоатларни айланиб юриб ярамасларни тийишлари керак.

Савдогарлар омонатларига эҳтиёт бўлсинлар, ҳунарманд-косиблар насиҳатларини қилиб турсинлар.

Деҳқонлар деҳқончиликка абжир бўлсинлар, чорвадорлар эса чорвани кўпайтирсинлар.

Энди хизматингни ўтовчилардан — лашкар таърифи қолди, улар душманга — бўрига қарши йўртувчилардир.

Уларни хурсанд қилгин, мол-товарлардан ҳадялар бергин, ҳолларидан хабардор бўлиб тур, бошқа ишлар билан банд қилма, авайла.

Манфаат келтириш баробарида ҳурмат қил, инъом-эҳсонлар бер, мол-дунё бериб бойитгин, қудратини оширгин.

Душманга — бўрига қурол-аслаҳа билан шайланиб турсин, дўстларингга яқинлик боғласин, душманингга ўлим келтирсин.

Шунда барча ишларинг авж олади ва ҳал бўлади, барча юмушларинг сузиб софланади ва равнақ топади.

Икки оламнинг нишонаси сенда бўлади, ўзинг тангри севинчига сазовор бўласан.

Тўғрилиқ мана шунақа, тўғри бўлгин, тўғрилиқ сени тилакларингга олиб боради.

Тангри сени тўғрилиқ учун севади, халққа тўғрилиқ — адолатдан бошқа нарса қилмагин.

Бу ҳақда нима дейилганини эшитгин, эй кўнгли пурзиё, бунинг маъноси мана шу айтилганларга гувоҳлик беради:

Тўғрилиги учун осмон барқарор туради, ўзгармаслиги учун ерда ўт-ўлан ва емишлар униб-ўсади.

Беқарор бўлма. тўғри тур, кўнгилни тўғри тут, тўғри икки олам ҳақиқатини топади.

Эй элиг, мана ўзимнинг билганларимни ички ва ташқи маънолари билан батафсил сўзлаб бердим.

Иккала оламда ҳам манфаат берадиган сўзлар мана шулар эди, уларни сенга сўзлаб бердим.

Бу дунёнинг ҳаловати билан бир қаторда эзгу ном ҳам бор, ҳаловат бу дунёликдир, эзгу ном эса у дунёликдир.

Бу дунёнинг барча бисоти қолиб кетади, ўзинг ўлиб кетасан, шунинг учун отингни эзгу қилгин.

Таълимда бунга ўхшатиб жуда яхши сўзланган, бу сўзларнинг маъноси шу ўрнида жуда мос келади:

Отим яхши бўлсин, майли ўзим ўлайин, охири тирик қоладиган бўлса, мана шу яхши номим қолсин.

Имкон борича эзгулик қил, эзгу ном орттиришни кўзла, ўзинг мангу от билан тирик бўлгин.

Элиг бу сўзларни эшитиб ниҳоятда севинди, кўнгли ва кўзи равшанлашиб кетди ва ҳузур топди.

Кўп мақтаб олқишлар айтди: эй Ўгдулмиш, сен билганларингни барчасини айтдинг, деди.

Бундан буён тангри менга тавфиқ берсин, сен айтган бу сўзларга амал қилайин.

Рабб менга сендек мадаккорни ато қилди, умид қиламанки, нима тилак тиласам, тилакларимни ҳам тугал беради.

Бу кундан бошлаб сен меҳрибонлик билан менга ёрдам қилгин, эй кўнгли яқин.

Сенга чиндан ишонаман, умидларим катта, мендан ҳеч нарсани сир тутмагин, эй чиройли юзлигим.

Менинг кунларим кун қандай ёруғ бўлса, шундай ёригандир, барча манфаатларимни сенда кўраётирман.

Мурувватли, дили ва тили билан яқинлик боғлаган киши жуда яхши айтган, эшит:

Кўнгил кимга ишонса ўшани кўзгу ўрнида тутгин, уни рўпарангда тутсанг ўз аксингни кўрасан.

Меҳрибон киши одам учун мисоли бир кўзгу каби-дир, унга қараб одам ўз феъл-атворини, тарзи рафторини тузатади:

Кимнинг кўнгли чиндан ҳам кимга яқин бўлса, унга ишониб ўзига яқин тутса бўлади.

Сўзни ишончли одамдан сўраш, ишончли одам айтган сўзга амал қилиш керак.

Ўгдулмиш элигнинг сўзларини эшитди, ҳа, албатта, деб севинди, кўз олди равшанлашиб кетди.

Элиг сўзини тугатиб бир нафас қолди, Ўгдулмиш у ердан туриб ташқарига чиқди.

Элиг шундан буён тинчлигини тарк этиб кўп машаққатлар тортиб элини тузатди ва гулладиб-яшнатди.

Ёмонларни элидан узоқларга ҳайдади, яхшиларни ўзига яқинлаштириб уларга инъом-эҳсонлар берди.

Халқ тартибга келди, эл тозаланди, ўзи тиниб-тинчиб йил, ой ва кунлари ҳаловатга туташди.

Эл манфаатини кўриб ҳаётидан лаззат топди, севинчлар билан кулиб, фароғатлар билан овунди.

Элиг ҳам Угдулмишнинг қадрини кўтарди, унга ишонди ва барча ишларини унга топшириб қўйди.

Угдулмиш шу тақлид бир қанча муддат юрди, аламқайғулар, меҳнат-машаққатлар билан пишиб, йўғрилиб яшади.

Ўзига назар ташлаб, ишлари ва йўл-йўриқларини кўздан ўтказди, умрини, йигитлигини беҳуда ўтказиб юборганини сизди.

Кўнгли ва кўкси ёришиб ҳамма нарсани тушунди, кўзи очилди, кўнглининг туб-тубини губорлардан пок қилмоқни истади.

Ўз-ўзига деди: Мен ғафлат билан шод-хуррам бўлиб юраверибман, ғафлат туфайли умрим беҳуда ўтиб кетибди.

Йигитлик қуввати мендан кета бошлади, мана энди кўп ўтмай қўлим ҳасса тутадиган бўлиб қолади.

## **УГДУЛМИШ УТГАН УМРИГА АЧИНИБ ТАВБА ҚИЛИШИ ҲАҚИДА**

Угдулмиш ўқиниб айтди: Эсиз, ҳаёт кунларим тез ўтиб кетди, тириклигим тугади, кунларим қорайиб тунамоқда.

Ўзим молдай дунё орзу-неъматларини едим, билиб-билмасдан мол каби ҳаёт кечирдим.

Ғафлатга ботиб ўйнаб-кулиб юравердим, умримни беҳуда ўтказиб юбордим.

Йигитлик куч-қуввати тобора кетиб бормоқда бой бериб қўйган йигитлигимга куйиб-тутоқиб афсусланман.

Тириклик охирлаб қолди. Ўлим яқинлашди, ўлимдан омонлик ёки халос бўладиган йўл йўқдир.

Сочим шунқор пати рангидек кулранглик касб этди, сақолим баҳорги майсадек қовжираб қолди.

Ипга тизилган оқ инжудек ўттиз икки тишим ипи узилиб биттадан сочилиб кетди.

Кўзларим бир кунлик масофадаги ерни кўра олар

эди, энди эса хиралашиб ёнгинамда турган одамни ҳам кўра олмай қолдим.

Агар қулоқ тутсам узоқ-узоқдаги овозни эшитар эдим, энди эса қўл билан имлашиб ишора билан гаплашадиган бўлиб қолдим.

Бошдаги сочим қузғун тусидек қоп-қора эди, энди эса ёшим ўтиб бошимга оққуш ранги ўтирди.

Энди қайтадиган пайт келди, туриб гуноҳлар учун тангридан узр сўраш пайти етиб келди.

Энди яроқсиз, беҳуда ишларни ташлашим, дилимни ифлосликлардан поклашим керак.

Яна ўзича ўйлаб-мулоҳаза қилди: Мен андак шошилмайин, шошқалоқлик зарардир, ундай қилмайин.

Энг аввал бу ишда кенгашиб маслаҳат олиш керак, номаъқул ишларни ташлаш, уни қилмаслик керак.

Ишни билиб кенгаш-маслаҳат билан қилиш лозим, кенгашмай иш қилувчи одам ўкиниб йиғлайди.

Сўзамол киши нима деган, эшитгин, барча қиладиган ишларнинг тадбири кенгашдир, деган.

Кенгашмоқлик даркор, кенгашни ўз яқин кишиларига солиш керак, ҳар қандай иш ҳам кенгаш билан қилинади.

Одам кенгаш билан қилса ўз ишларини ўнгаради, кенгашмайдиган одам ўкинчли бўлади.

Энди шундай экан, мен қариндошим ёнига борайин, бу қарорим юзасидан унга маслаҳат солайин.

Агар маъқул топса бу ишни қилайин, маъқул топмаса қилмайин.

Одам ўз ишини кўриб била олмайди, уни айтиб бериб ўзгалардан сўраш керак.

Кенгашган одамнинг билим доираси кенгайди, кенгашга билим аралашса барча ишларга қўл бораверади.

Кенгаш солувчи одам нима дейди, эшитгин, киши ўз ишларини фақат кенгаш билан қилади:

Нима иш қилмоқчи бўлсанг одамлар билан кенгашгин, кенгашмайдиган одамни дўст ва ошна тутма, қандай иш бўлмасин, аввал кенгашиб сўнг қилгин, тилаган тилакларингга кенгаш билан етгин.

Ўгдулмиш кечаси ётди ва эрта барвақт туриб ювинди ва отини миниб элиг томонга жўнади.

Ижозат сўраб элиг ҳузурига кирди, элиг ҳурмат кўрсатиб ўлтиришга жой кўрсатди.

У элигга айтди: Менинг бугун яширинча қариндошим олдига бориб келгим келаётир.



Агар ижозат берсанг, у томонга борайин, уни знёрат қилиб яна тезда орқамга қайтайин.

Элиг айтди: майли, боргин, мендан ҳам унга салом етказгин. У ўз сирларини рўй-рост тангрига очиб, узр сўраб тоат қилаётган пайтларида менинг ҳақимга дуо қилишни ҳам унутмасин.

Менинг гуноҳларим учун ҳам тангридан узр сўрасин, шоядки карамли тангри гуноҳларимни унинг дуолари туфайли кечиргай.

Ҳа, албатта, деб Ўгдулмиш у ердан туриб ташқарига чиқди, хурсанд бўлиб уйига кириб келди.

Олам ранги олтин ранг касб этди, қуёш ёқут каби рангини заъфарон рангига алмаштирди.

Осмон қовоғини уйиб юзини қоронғилаштирди, зулмат қоронғилиги одамларнинг кўзларини қоплаб борди.

Намозини ўқиди, кўрпачада ёнбошлаб бир оз мудраб ҳордиқ чиқарди. Сўнгра жой ҳозирлашни буюрди, узоқ ухлади, ўзи ёлғизликда чўчиб уйғониб кетди.

Иккала кўзи қайта юмилмади, хаёлга чўмиб уйғоқ ётди, жуда сиқилиб кетди.

Осмонга боқиб кўрди, Шарқ томонда Қора қуш — Муштарий чиқиб ёлиндек бўлиб ердан кўтарилиб келмоқда эди.

Сўнгра Йилдириқ — ёруғ юлдуз билан Айғир — Сириус юлдузлари ёришди, ўзидан белги бериб Жавзо сафга тизилди.

Қирғовул турди, юқорилаб осмонга кўтарилди, Исрофил сурнайини чалгандай хуш овоз билан сайради.

Ўгдулмиш бошини кўтариб кунчиқар томонга қаради, қуёш ердан юқори кўтарилганини кўрди.

Қуёш ердан юз кўрсатиб юқорига шуъла таради, осмон юзини ёлиндек ўт қоплади.

Суюкли маҳбуба кулаётгандек олам ёришиб кетди, аламлар қисқа, севинчлар узун бўлди.

Яна туриб ювинди, намозини ўқиди, отига миниб, тоғ томонга елиб-от суриб кетди.

Етиб бориб отдан тушди ва астагина эшикни қоқди, қариндоши ибодатини тўхтатиб чиқиб эшикни очди.

Ўгдулмиш унга салом берди, Ўзғурмиш эса алиқ олди. Қўл ушлашиб уйга кириб келдилар, қариндоши сўзга тил очди ва сўради:

У айтди: Эй қариндошим, нечук келдинг, менга айт, сеникига борганимга ҳали бир ой ҳам бўлмади-ку?

Сенинг кўнглингни бир оз тушганроқ, юзингни эса бир оз сарғайганроқ кўраётирман.

Сенга қандай қайғу етди, аҳволларинг қалай? Дардларингни менга баён қилгин.

## УГДУЛМИШНИНГ УЗГУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй қариндош, фалак менга ўқ узди, унинг ўқи кўксимни яралади.

Чархи кажрафторнинг йўриғи ибрат бўлиб одамнинг кўзи очилса, ўлган кўнгил ҳам тирилар экан.

Кўнгилим узоқ муддатлар ғафлат уйқусига фарқ эди, фалакнинг гардиши меши ғафлат уйқусидан уйғотди.

Кўнгил кўзи билан қараб, ақл қулоғи билан тингласам, йўлдан озган эканман, ҳайратдан ёқамни ушладим.

Тириклик охирлаб қолди, юкларим эса оғирлашди, энди гуноҳлардан тийиладиган ва қайтадиган вақт келди.

Умримни сарф қилиб одамлар хизматини ўтадим, тангрининг тоат-ибодати қолиб кетди, ғафлатда ухлабман.

Дунё-давлат келаверади, тириклик эса ўтиб бораверади, тириклик тугаса бу дунё қолиб кетади.

Мен тириклик учун бу оламни тилаган эдим, тириклик эса тугади, энди бу тутуруқсиз дунёнинг нима кераги бор?

Мана, бугунги куним ҳам шу тарзда ўтмоқда, ўзим келаётган тунимга ета олармиканман, бу гумон.

Сочим баҳорги майса каби қовжираб қолди, соқолим шунқор пати рангидек кулранг тусга кирди.

Энди эртанги ҳозирликларимни кўришим керак, шоядки, охират ишларим бажо бўлса.

Мана бу сўзлар жуда мос келади, эй кўнгли тўғри, бу сўзларга албатта амал қилиш керак.

Ўтиб кетган кунларимга ачинаман, қолган кунларим қанча экан, эй ой юзлигим.

Эсиз, эсиз йигитлик кунлари бекор ўтиб кетди, ҳеч бўлмаса келаётган туним беҳуда кетмасин.

Молдек едим-ичдим, беҳуда юрдим, энди мен ўзимни тезда очиқтириб-сувсатайин.

Таним беҳисоб орзу-неъматлардан баҳраманд бўлиб семирди, энди уни оздирайин, айни вақти келди.

У ҳаловатлар билан узоқ тинч ва осойишта ётди, тилагича юрди, бу кун энди тик оёқда туриб азият чексин.

Соп-саноқсиз одамларни ўзимга хасм қилдим, энди уларнинг кўнглини олиш чорасини кўрайин.

Кўплаб одамларга қўл ва тилимни узун қилдим, энди бу қилмишларим учун улардан узр сўрайин.

Талай муддат одамларни менсимасдан юрдим, энди ўзимни ўзим камсатайин, эй азиз.

Мен эгамдан ўзини олиб қочган тубан қочоқдирман, бутун вужудим гуноҳларга кўмилиб кетган.

Энди тавба қилиб гуноҳларимдан қайтайин, эгамдан бу гуноҳларим учун узр сўрайин.

Билими чуқур доно сенга насихат қилиб нима деганини эшит:

Ўлимдан олдинроқ гуноҳлардан қайт, ўзингни йиғиб ол, ўлим тутгандан кейин ўқинишларнинг фойда бермайди.

Ўлимни унутмагин, тавбага ҳамиша тайёр тур, ғофил бўлма, ўлим кутилмаганда келиб ёқангдан тутади.

Йиғитлик кезларида тоат-ибодатларингни қилиб қол, қарилик келгач бутунлай куч-қувватдан кетасан.

Ҳануз ўлим тутмаган экан, ҳушёр ва зийрак бўл, ўлим келиб тутгандан кейин ҳушёрликнинг фойдаси йўқ.

Мен у ердан ҳузурингга шунинг учун келдимки, яхши ўйлаб кўриб бу ишда менга кенгаш бергин.

Менинг меҳрибон қариндошимсан, маъқули қанақа бўлади, айтиб бергин.

## **ЎЗҒУРМИШ УГДУЛМИШГА ЖАВОБ БЕРИШИ ҲАҚИДА**

Ўзғурмиш жавоб бериб айтди: Эй қариндош, эй кўнгли яқин, сўзларимни эшитгин.

Жуда яхши ният қилибсан, тангри тавфиқ бериб кўзингни очсин. Бу нарса бир турли ишни билиш билан чекланмайди, қилиниши лозим бўлган кўп ишлари бор.

Улардан бири ҳақида сенга гапирайин, эшитгин-да, бўладиганини ўзинг билиб ол, сўнг ўшани қил.

Ҳозир сенинг у ерда турганинг маъқул, бу ерда туриш эса мен учун маъқулдир.

Сендан халққа жуда катта манфаатлар тегмоқда, у ердан кетсанг, бу манфаатларга халал етади, қарғиш ва сўқишларга қоласан.

Элиг сенга эл устидан чексиз ҳуқуқ ва эрк бериб қўйибди, фақат эзгу иш қилмоқдасан, халқ сени яхшилик билан эслайди.

Халқ ҳаловатга етади, эл гуллаб-яшнайти, раият тили дуо қилишдан тинмайди.

Манфаат келтирувчи киши нима деган, эшит, манфаат келтирадиган кишиларнинг яхшисидир.

Одамлар орасида ҳақиқий одам шу бўладики, ундан бошқа одамлар манфаат кўрадилар.

Манфаат келтирмайдиган одам одамларнинг зиёнкоридир, манфаат келтирувчи одамдан ҳамма фойда кўради.

Киши кўнглида эзгу ният қилса, дунёда ишлари тилакдагидек бўлади.

Яхши ният қилганларга яхшилик насиб бўлади, эзгу нияти амалга ошмаса ҳам бари бир мукофотини топади.

Сенинг у ерда бўлишинг эл учун эминлик ва осойишдир, элиг ва унинг фуқаролари сендан миннатдордилар.

Қонун-қоида ва низом-тартиблар барчаси адолат асосига қурилди, ёмонлар ҳийла ва найрангларини ташлаб йўқ бўлдилар.

Энди шунча нарсаларни ташлаб бу ерга келсанг, у ишларнинг бари бузилади, ўзинг афсус чекасан.

Ўрнатилган адолат, тартиб-қоидалар яна тафтиш бўлади, элинг бузилади, уни қайта тиклаб бўлмайди.

Сенинг ўрнингга бир ярамас келиб ўлтиради, халқни қон қақшатади, ҳеч кимни тинч қўймайди.

Элингни ярамас йўлга етаклайди, улар ҳам ярамаснинг ишига мослашиб қадам қўядилар.

Буларнинг барчаси учун воҳид тангри сўроқни фақат сендан олади, тангрининг сўроғи бор, шунингдек яхши деган номинг бор.

Ёмонлик қилмаслик ва қонун-қоидаларни бузмаслик керак, ёмонлик қилувчиларга имконият бермаслик керак.

Феъл-атвори ва кўнгли тўғри одам аниқ ва равшан қилиб ўғит берган, уни унутмагин:

Ёмонларга аралашма, қонун-қоидаларни бузма, ёмонлик қилувчига имкон берма.

Ўзинг ҳамиша эзгулик қил ва эзгу сиёсатга равнақ бер, у дунё-ю бу дунёда асти ёмонлик кўрма.

Эзгуликлар учун тангри сенга тавфиқ бериб, ҳар қандай эзгуликларга қўл сунсанг етишга қодир қилган.

Энди нима учун бу эзгуликларни бузмоқчи бўласан? Бир кун келиб унинг зиёни тегади, эй кўнгли тирик.

Эл манфаатини бузиб, ўз манфаатингни ташлаб бу ерга келиб, қандай эзгулик топишинг мумкин?

Мен учун бу ерда бўлиш яхшироқ деганимнинг сабабини сенга айтайин, эй кўркам юзлигим.

Мен дунё-давлатга эга бўлиб унинг ҳаловатини кўрмаганман, тилак-орзуларга кўнгиб боғламаганман.

Халқ билан муносабатда бўлиб йўл-йўриқларимни тузган эмасман, беклар билан муносабат қилиш тартиб-одобларини ўрганмаганман.

Дунёнинг мол-бисотларини ёки яхши-ёмон ҳол-аҳволларини кўрмаганман.

Мана шундай аҳволни кўра-била туриб у ёққа борсам ва тоат-ибодатларимни ташласам жуда ёмон бўлган бўларди.

Олтин-кумушни кўрмаган одам уни қўлга киритса, феъли минг-минг таҳқирли ишларга рағбат қилади.

Савдогарлар бошлиғи, оламни кезиб юрувчи хитой карвонининг сарвари нима деган, эшит:

Ҳеч қандай, мол-дунё кўрмасдан қашшоқликда яшган одам мабодо бойликка эришиб қолса эзгу феълини ташлайди.

Қашшоқ киши мол-дунёга эришиб бойигудек бўлса, тўғрилиқ феъли тезда йўқолади.

Бахт-қутни кўрмаган одам агар бахт-қутга эришгудек бўлса, феъли бутунлай айниб бузилади, у элнинг бошига битган балодир.

Эл устидан қўли узун бўлмаган одам агар қўли узунликка эришса, халққа қўлини ҳам, тилини ҳам узун қилади.

Сен энди дунё ва давлатга тугал эришгансан, ўзингни босиб олгансан, орзу-ҳавасни тийиб қўйгансан.

Кўзинг бардошли, кўнглинг қунт-қаноатли бўлган, элиг билан ҳам муносабатларинг мақтагудек яхшидир.

Буларнинг барчаси сенга тангрининг фазли туфайлидир, у сенга барча эзгуликларни ато этди, юзингни ёруғ қилди.

## **ТУҒРИЛИККА ТУҒРИЛИК, ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Бу айтилганлар биттасидир, яна бири ҳақида ҳам гапирайин, уни диққат билан эшитиб, тушуниб олгин.

Унутдингми ёки сенга тушунилмай қолдими, қандай манфаатни кўзда тутиб бу ишни ихтиёр қилдинг?

Узинг биласан, бу дунёда мақтов деган нарса асо-  
сан вафоли одамлар шаънига айтилади, эй азиз.

Оламнинг низом-қоидалари, йўл-йўриқлари мавжуд  
экан, улар одамзод учун одамийликнинг белгисидир.

Одам яхшиликка яхшилик қилади, ҳатто бир яхши-  
ликка ўн ҳисса қилиб жавоб қайтаради.

Қимнинг асли уруғи отадан ва авлоддан бошлаб  
пок бўлса, ундан элга эзгулик ва манфаат келади.

Она яширин ўғрилик сувини олса, ундан туғилган  
ўғил халқ учун офат бўлади.

Сен элигнинг эзгуликларига қарагин, ахир унинг  
неъматларига, егулик-кийгуликларига сазовор бўлган-  
сан.

Сендаги бу фазилат, билим ва заковатнинг барча-  
сига элиг сабаб бўлиб эшиклар кенг очилди.

Унинг бу яхшиликларини унутдингми, унинг эвазини  
хизмат билан қайтариш керак эмасми?

Мен ачитиб сўзладим, эй қариндош, сен бунинг учун  
хафа бўлиб аччиқланма, кўнглинг бўлмасин.

Тўғри сўз аччиқ бўлади, кўнгилга оғир ботади, агар  
уни сингдира олсанг, манфаатларидан кейин ҳаловат  
топасан.

Кескин сўз эшитиб аччиқланмагин, тўғри сўз кескин  
бўлади, ундан хафа бўлмагин.

Мана бу сўзларим жуда мос келади, эй кўркли юз-  
лигим, бу сўзларни эшитгин:

Тўғри сўз аччиқдир, уни ҳазм қилгин, кейин фойда-  
си тегади, хушнуд қилади.

Тўғри сўз аччиқ бўлади, у кўнгилга оғир ботади,  
кескин сўз тўғри сўздир, тўғри сўзнинг ўзи қани?

Сен ёш болалигингда отанг ўлиб кетди, билим ва  
фазилатлар орттириб, ҳаётдан мамнун бўлмадинг.

Элиг сени ўз тарбиясига олди ва парваришлади, у  
туфайлидан одамлар қаторига кирдинг.

Бу қуллар, жорнялар, от-айғирлар, ер-сувлар бар-  
часи элигдан тегиб, сенга давлат эшиги очилди.

Узинг анвои неъматларга, эзгуликларга эришдинг,  
эл орасида номинг ёйилди ва шуҳрат таратдинг.

Сенга ярашармикан, энди душманнинг ишини қилиб  
ундан юз ўгириб кетсанг?

Фойданг тегадиган пайт келганда ундан қочиб бир  
четда турсанг, унинг кўнгли оғриб қолади.

Элиг сенга қанчадан-қанча яхшиликлар қилди, унга  
жавоб қилиш керак эмасми?

Одамлар сени кўрганда олқишлаб мақтаса, эл ора-

Бйда вафоли одам деган овозанг тарқалаётган бўлса!

Одамларнинг эзгуси нима деган, эшитгин, чин одамнинг белгиси одамийлик бўлади:

Эй мард, одамийлик қил, улуғҳиммат бўл, одамийликнинг йўл-йўриғи мана шундай асосга қурилган.

Одам бўл, одамларга одамийлик қил, одам деган номга ва унинг олқишларига сазовор бўлгин.

Элиг сенга минг-минг яхшиликлар қилди, сен энди ўша яхшиликлар баробарида яхшилик қайтаришга ҳозир бўл.

Ажримли одам одамларнинг яхшиси бўлади, халқ орасида сараси, кишилар орасида белгилиси бўлади.

Ёш билимсиз, нодон бола эдинг, у сени йўлга солди, бахтиёр қилиб улғайтирди.

Энди унга тану жонингни фидо қилгин, хотиржам ухлаб ётма, унинг ишларини қил.

Унинг яхшиликлари баробарида яхшилик қил, тангри сенга ҳам мукофотини беради.

Эй кўнгли яқин, меҳрибонлик билан одамийлик қилувчи киши бу ҳақда нима деганини эшитгин:

Сен кимнинг ошини есанг ишини қилгин, меҳрибонлигини орттир, ошини ҳалоллаб егин.

Жавонмардлар нон-туз ҳақиға риюя қилиб, уни едирган одамга бошларини фидо қиладилар.

Орзу-тилакларингни топдинг, ўзинг ҳам эзгу ниятли бўл, энди эзгуликлар билан унга манфаат келтир.

Шойи кийимлар кийдинг, ипакли либосларга ўрандинг, ҳасадгўйларнинг кўриб кўзлари ўйнади.

Энди сен элигга яхши ном келтиргин, душманлар кўриб қўйсин, ёт-бегоналар бўйин эгсин.

Беҳисоб орзу-неъматларга эришиб, роҳат-фароғат топдинг, бўйин ва гарданингни буқаникидай қилиб кўтардинг.

Энди бу кучни элиг хизматига ишлатгин, ундан «умринг узун бўлсин» деган дуо ортсин.

Дунё мол-бисотларини йнғиб-тердинг, ўзинг бойиб кетдинг, йўрға, арғумоқ ва тулпорлар миндинг.

Энди бу бисот ва бойликларни элиг ишларига сарфлагин, тилакларига етсин, ҳаётдан хурсанд бўлсин.

Элиг хотиржам бўлиб тахтида ўлтирсин, душманлари узоқдан таъзим бажо келтириб ер ўпсинлар.

Элиг қўлингни узун, сўзингни равон қилди, севадиганлар ҳам, севмайдиганлар ҳам сенга қарайдилар.

Сен энди ўзингга дуо орттир, бахт-давлат кулиб боқсин, ёшинг узун бўлсин.

Одамнинг асли мана шундай яхшиликлар қилади, унинг оти оламда мангу бўлиб қолади.

Араб тилида бунга мос яхши мақол бор, унда одамнинг аслини билишга йўл-йўриқ кўрсатилган:

Одамнинг аслини билишга унинг қилиқлари белгидир, қилиқлари қанақа бўлса асли ҳам ўшандай бўлади.

Кимнинг асли яхши бўлса, қилиқлари гувоҳ бўлади, ёмоннинг аслига ҳам қилиқлари гувоҳлик беради.

Элиг йўриғидан айниқса, эй хушфёъл, сен билимдон бўлиб йўл-йўриқ кўрсат, нотўғри йўлдан қайтар.

Барча эзгуликларнинг боши элигдир, энди сен бу эзгуликлардан ўзингни четга олма.

Ишониб кенгаш сўрадинг, мен ҳам ўзимнинг барча билганларимни айтиб бердим.

Менинг айтганларим ва ўзинг билганларингни қиёслаб бир ўлчаб кўрсанг, нима қилишинг маълум бўлади-қолади.

Ўгдулмиш севинди ва, эй қариндош, худди мана шундай қилиш керак бўлади, деди.

Жуда яхши гапларни гапирдинг, менга ечилмаган бир жумбоқни ечиб бердинг.

Мен учун бу нарсалар анча қоронғи эди, сен пардани кўтардинг ва очиқ-ойдин қилиб тушунтириб бердинг.

Мен бу орзу-тилакларимдан қайтдим, тангрининг ўзи мадад берсин. Худонинг ўзи асрасин ва кўнгилларни тўғри тутсин, фёъл-хулқим ва йўриқларимни ўзи ўнгалсин.

Сендан илтимосим шуки, мени унутиб юборма, дуода менга тангридан мадад ва куч тилайвер.

Сўзини тугатиб ўрнидан турди, у билан хайр-хўшлашиб бу томонга жўнади.

Келиб уйига тушди ва ичкарига кирди, овқатланди ва бир қанча вақт ҳордиқ чиқарди.

Осмон гўзал гажагини қуйи туширди, ёруғ юзини беркитди, туллар либосини кийди ва белини боғлади.

Қуёш ўрилган сочини ёзиб юзига туширди, дунё ичви сувсар ранги қоплади.

Тўшак ҳозирлашларини буюрди, бир оз ётиб ором олди, кейин мириқиб ширин уйқуга кетди.

Уйғониб бош кўтарди ва атрофга қаради, ҳаво гўзал қиз кулаётгандек тишини кўрсатди.

Қуёш бош кўтарди ва янгитдан юзини очди, бутун жаҳон оққуш рангига кирди.



Угдулмиш ўрнидан шошилиб туриб ювинди, бомдод номозини ўтади ва овқат тановул қилди.

Отини миниб яна саройга борди, отдан тушиб тўғри элиг олдига кирди.

Элиг ундаш Ўзғурмишнинг ҳол-аҳволини сўради, у ақли етук эсон-омон борми, деб суриштирди...

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Бу сўзларни жуда тўғри сўзладинг, уларни билимдан олиб гапирдинг.

Қариндошим у ерда якка-ёлғизликка мунг билан дуода тангридан фақат бизларни сўраш билан банддир.

У ўз қайғусини ташлаган, фақат бизларни сўраб дуойи жонимизни қилмоқда, ундан меҳрибонроқ одам бўлмаса керак.

Бизлардан ғофилроқ бошқа яна ким бўлиши мумкин, гуноҳларни бизлар қилмоқдамиз, дуони эса у қилмоқда.

Мана шу кезларда у дуода меҳрибонлик билан элиг номини ҳеч тилидан қўймайди.

Ундан меҳрибонроқ яна ким борки, ўз қайғу-ҳасратларини қўйиб дуода фақат бизларни сўрайди.

Эй элиг, биздан ғофилроқ ким бор, вақт бекорга ўтиб кетмоқда, ҳеч нарсага улгуриб бўлмаётир.

Ўзлигимизни орзу-неъматлар билан семиртириб, роҳат-фароғатларга маҳлиё бўлиб ётибмиз.

Тану жон охири ўлади, уни қурт ва илонлар ейди, жон чиқиб кетаётганида ўкинчдан бошқа нарса бўлмайди.

Заковатлининг сўзига қулоқ солгин, у нима деган, бу сўзга амал қилсанг бўлгани, эй қўзим.

Тану жон семирса илон ва қуртларга емиш бўлиши аниқ, ўзинг ўткинчи меҳмон бўлатуриб нима учун севи-насан?

Бу тириклик туш каби ўтади-кетди, унинг ўтиб кетишига ўтиб бораётган кунлар гувоҳдир.

Элиг жавоб берди ва айтди: Эй доно, энди ўзни қандай тутиш ва қандай кутиш керак бўлади?

Менга сендан меҳрибонроқ одам йўқ, фақат сенгагина ишонаман.

Мен уй ичиди ҳеч нарсадан хабарсиз гафлатда ётибман, ишларимнинг барчаси эса ташқарида; эй билими тугал.

Сен кўзим, қулоғимсан, кўриб-кузатгин ва қулоқ солиб эшитгин, нимаики нолойиқ кўринса, қараб турмасдан чорасини кўргин.

Мендан ёрдам ва мадад керак бўлса, айтгин, унинг тадбир-чорасини қилайин.

Хизматдагилар бири иккинчиси билан нима қилмасин, мени безовта қилиб тинчимни бузма, севинчимни иста, тадбирини ўзинг кўравергин.

Золим-зўравонлар халқдан қўлларини узоқ тортсинлар, бидимсиз, ёмонлар маҳв бўлсинлар, билимли ва яхшилар кун кўрсинлар.

Халқ бойисин ва элим гуллаб-яшнасин, менинг тилим унинг шукрини қилишдан бир нафас ҳам тинмасин.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб берди ва айтди: Эй бек, тангри сенга тавфиқ берсин, эй мардлар сараси.

Менинг тилагим ҳам, керагим ҳам худди мана шулардир, тангри менга ушбу йўлни ҳамиша очиқ тутаверсин.

Элиг хотиржам бўлиб ҳузур-ҳаловатда яшасин, барча меҳнат ва машаққатлар менга тегсин.

Мен ўзимни сенга бағишлаганман, сен хотиржам яшагин, эй улуғ эл бошловчи.

Сендан бу кун биттагина ҳожатим бор, уни кўнгил хурсандчилиги билан раво қилгин.

Ўзингга маълум, беклар кимни ўзларига яқин тутсалар, одамлар унинг бор ёки йўқлигини пойлаб ғийбат қиладилар.

Мени қанчалик ишонганинг ва яхши тутганинг билан ғийбатчи ғийбат қилгудек бўлса, бари бир аччиғинг келади.

Жасур баҳодир мард нима деган, эшит, у бу ўғит, панд ва ҳикматларни билиб сўзлагандир:

Одамнинг кўнгли мисоли бир гўштдир, у ҳидланади ва айнийди, эй иродаси кучли киши, уни жуда ҳам эҳтиёт қилгин.

Ғийбатни севмайдиган яхши одам бўлса ҳам, агар ғийбатчи орага кириб қолса, сабр қила олмайди, ғийбатга қулоқ беради.

Бек қанчалик доно, заковатли, зийрак бўлмасин, ғийбатчи унга яқин бўлса, балосини юқтиради.

Кўнгил бир бек бўлса, тану жон унинг қули, аспиридир, у гоҳо сўзга совийди, гоҳо исийди.

Одамнинг таъбида тўрт мурасасиз, қарама-қарши ёв-модда бор, бири севинтириб кулдирса, бири ғавғо ва адоватга қўзғайди.

Бири шошқалоқликка ундаса, бири вазминликка даъват қилади, бири кулдирса, бири йиғлатади.

Шодлик топдим деганда алам келтиради, аламли бўлганинда шодлик билан кулдиради.

Мен шундан хавотирдаманки, эй элиг, агар чақимчи — одамларнинг ити сенга чақиб ғийбатимни қилса,

Дилинг озор топиб мендан ҳафсаланг пир бўлади, қилган хизматларим беҳуда бўлади, мендан юз ўгирасан.

Сендан истагим ва илтимосим шудирки, ким мен ҳақимда ғийбат қилса, бу ҳақда фақат ўзимдан сўрагин.

Тагига етиб суриштир, керагидан ортиқ тафтиш қил, нимани аниқлай олсанг шунга яраша чорасини кўргин ва жазолагин.

Ким чақимчилик қилса уни ҳам тинглагин, сўзларига қулоқ солгин, сўзларининг чин ёки ёлгонлигини суриштириб тагига етгин.

Кўпни кўрган, тажрибали одам нима деган, эшит: Сўзларни тингла, лекин ҳаммасига ҳам ишониб кўнглингга жойламагин.

Бу ҳақда мана бу сўзлар бундан ҳам яхшироқ айтилган, бу сўзларга амал қилгин, эй яхши киши:

Барча сўзга қулоқ сол, аммо кераклисини ол, кераксиз сўзни қайтариб ташла.

Сўзни эшитгини ёлгон ёки чинлигини суриштир, чин сўзлаган кишининг сўзини ол, ёлгончини эса қийнаб исканжага сол.

Ёлгончи киши туфайлидан олам бузилади, сен фақат тўғри ва ростгўй одамлар билан муносабат боғла.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг жавоб берди ва айтди: Эй яхши феълли киши, ҳожатинг истаганингдек раво бўлди.

Одамийликни сенга эркли тангри ато қилди, тил ва дилинг, қилиқ-йўриқларинг ва отинг тўғри ва ҳалол бўлди.

Сендан қанақасига номаъқул хатти-ҳаракат содир бўлиши мумкин? Ахир эзгулик феъли сенга оқ сут билан кирган-ку!

Сен ҳақингда гапириб ғийбат қилувчи одам менга душманам каби душмандир, эй билими чексиз киши.

Мен уларнинг ғийбатига нега қулоқ берар эканман, улар қанча гапирмасинлар, аҳамият бермайман.

Эл бошловчи улуғ одам эл ичидаги яхши ва ёмонни фарқлай олмаса бу қанақаси бўлди?

Фаҳм-фаросат билан тўғри ва эгрини фарқлай олмайдиган одам қанақасига халққа ҳукм юрита оладиган бек бўлиши мумкин?

Синалган одамни яна синамоқчи бўлган бадбахт одам элининг роҳатини қачон кўра олиши мумкин?

Рост ва ёлгоннинг фарқига ета олмайдиган қонунқоида мутасаддиси қандай қилиб эли роҳатини кўриши мумкин?

Сен бу кун менга тангрининг чиндан ҳам ато қилганидирсан, барча чигал масалалар сен туфайли барта-раф бўлди.

Ортиқ садоқат билан хизматларимни ўтадинг, зиммангдаги нон-туз ҳақини тўлиқ оқладинг.

Энди мендан сенга яхшилик билан жавоб қайтариш навбати келди, агар насиб қилса, сен улардан баҳраманд бўл...

Одамларнинг яхшиси нима деганини эшитгин, у тўғрилиқ билан халқ орасида обрў орттиргандир:

Одамларнинг сарвари ва энг яхши одам ким? У — одамларга доимо одамгарчилик қилувчи кишидир.

Одамга одамийлиги баробарида одамийлик билан жавоб қайтар, ажримли бўлганлиги учун одам одам деб аталади.

Ўгдулмиш жавоб берди ва айтди: Элиг фароғатда яшасин, элнинг егани фақат илик бўлсин.

Тангри сенга икки олам эзгуликларини ато қилсин, тилак ва умидидаги барча нарсалар оқиб келаверсин,

Тақдир унга кулиб боқсин, омади келаверсин, даври давронларини тилаганидек ўтказаверсин.

Эй кўнгли тўғри, феъли мулойим ва ишончли, доим тирик тур, эсон бўл, саодатлар ичида кун кечир.

Барча эзгуликлар менга сендан насиб бўлди, иззат-эътибор, бойлик ва егулик, кийгулик неъматларга сен туфайли эришдим.

Мана, энди мен хизмат камарини қаттиқ боғладим, бу ишда тангри менга тавфиқ берсин, эй билими теран.

Угдулмиш яна айтди: эй саодатли элиг, оламда яхши деган ном қолдириш тангрининг атосидир...

Агар ўзинг доим бек бўлайин десанг, қисматингга ёзган бўлса, тўрт нарсанинг бўлиши жуда ҳам зарурдир.

Бири — сўзи тўғри, қавли ишончли бўлиш, иккинчиси — бахт келтирувчи адолатли сиёсат юритишдир.

Учинчиси — қўли очқлик ва саховатли бўлиш, халққа меҳру шафқатли бўлишдир.

Тўртинчиси — ботир ва жасоратли бўлиш, абжирлик билан душман бўйнини эгишдир.

Қайси бир бек бўлмасин, мана шу тўрт ишни тугал қила олмаса, унда эл орасига раҳна тушади.

Бекликнинг негизи ва илдизи мана шулар, яхши бекларнинг йўл-йўриғи ва тарзи мана шулардир.

Сен йўл-йўриқларни бузмагин, худди мана шу йўлдан юргин, сендан олдин ўтганларнинг тарзи ҳам худди шундай эди.

Қайси бек бу йўлни тутмасдан бошқача йўл тутса, ўз беклигини бузади, уни қайта тиклай олмайди.

Эй элиг, сен мана бу уч тоифани эзгу тутгин, булар ҳақида сўзлайин, сен ақл қулоғи билан тинглагин.

Булардан бири ботир, мерган, шижоатли мардлардир, улар қилич билан элга беҳисоб манфаат келтирадилар.

Иккинчиси доно, билимдон эл бошловчи кишилардир, уларнинг бурчлари кенгаш беришдан иборатдир.

Учинчиси — зийрак ва устаси фаранг саркотиблардир, улар даромад ва буромадни яхши ҳисобга олиб борсалар хазина тўлаверади.

Сен буларни айрича, бошқалардан фарқлаб тутгин, келтирган фойдалари баробарида ҳурмат қилгин ва инъомлар бергин.

Барча ишларинг тартибга тушиб равнақ олиб бораверади, элингга эл қўшилади, ерларинг кенгаяди.

Номинг эзгу бўлади, ўзинг донг таратасан, олам халқи юзингни кўришни орзу қилади.

Одамларнинг доноси нақадар яхши сўзлаган: Одам ўлса ҳам унинг яхши номи ўлмайди, деб.

Одам ўзи ўлиб кетса-ю, унинг номи ўлмасдан мангу қолгани қандай яхши.

Ким эзгу ном билан ўлса уни тирик деб билгин, гарчи у қора ер қаърида чириб ётган бўлса ҳам.

Фаровон тириклик тиламагин, эзгу от тилагин, отинг эзгу бўлса ўзинг тирикдирсан.

Тириклик қанақа-ю, эзгулик қанақа, эй билмди доно, буларнинг фарқини менга тушунтириб бер?

Эзгулик — бу ҳақиқий тирикликдир, агар билсанг, тириклик — бу эзгуликдир.

Кимнинг феъл-атвори эзгу бўлса, ўша тирик бўлади, кимнинг феъли ёмон бўлса, у тириклигидаёқ ўлган бўлади.

Дунё ўтиб кетади, аммо эзгу феъл ўлмайди-ўчмайди, эзгу қилиқ билан эзгу йўриқ мангу қолади, сўнмайди.

Бевафо дунё сендан юз ўгирганда сенга эзгулик керак бўлади. Эй элиг, бу дунё билан вақти хушлик қилиб маҳлиё бўлмагин, ақлингни ишлатгин, у асти вафо қилмайди.

Бу дунёнинг йўриқлари ва ишлари ўйин ва найранг кабидир, оёғини сўрасанг у бошини тутадн.

Найрангга аралашма, эй униб-ўсгур, найрангга аралашсанг бўйнинг боғланади.

Назар солсанг бу ҳақда китобда жуда яхши гаплар ёзилган, эй кўнгли тетик, бу сўзларни унутма:

Бу дунёнинг ишлари бир найрангдир, найрангга аралашма, найрангни нима кераги бор?

Мапа, эй элиг, мен ўзим билганларимнинг барчасини очиқ-ойдин сўзлаб бердим.

Сўзларимга амал қилгин, мабодо сўзларимни тумасанг, шаксиз бир кун келиб ўзинг ҳам иқрор бўласан.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Мен бу ишга бор вужудим билан майл қилиб тангридан тавфиқ сўрайман.

Тангри истаса бу ишда менга нажот беради, мабодо бу ишларнинг менга қоронғи ўринлари бўлса, уларни маълум қилгин.

Файратли бўл, сарой ташқарисидаги барча ишлар устидан назорат қилиб тур, ҳушёр бўл, кўз ва қулоғингни зийрак ва ўткир қил.

Кучинг етган барча ишларни ўзинг қил, менга ишонма, айрим қолган ишларинг бўлса, уларга мен ҳам мадад берайин.

Элиг сўзини тўхтатди ва тилини сўздан тиндирди, Угдулмиш аста туриб у ердан чиқди.

Отиш жиниб уйига қайтиб келди, отидан тушиб уйга кирди ва кийимларини ечди.

Кечаси ётди ва яна эрталаб отланиб саройга борди ва отдан тушиб ичкарига кирди.

Шундан бошлаб Угдулмиш қаттиқ киришиб тик оёқда туриб, барча ишларни қила бошлади.

Халқ осойишталикка эришди, олам гуллаб-яшнади, элиг ҳаловатга етиб узоқ муддат вақтичоғликда кун кечирди.

Бутун эли олқиш билан дуога тўлиб кетди, унинг оти мангу ўчмас бўлиб қолди.

Эзгу қонун-қоида ва адолат қандай яхши нарса-я! Беклик эзгу қонун-қоида ва адолат билангина барқарор туради.

Мана шундай бек халққа бош бўлса, ўша элнинг барча халқи вақти-чоғ ва қайғусиз бўлади.

Халқ ҳам бекка итоаткор, йўл-йўриғи тўғри бўлса, бек бахтиёр бўлиб, вақти хушчақчақ ўтади.

Беклар тангри иродаси билан ҳукмрон бўладилар, агар беги яхши бўлса халқнинг кунни туғади.

Халқи ёмонлик қилса беги ҳам ёмонлик қилади, ёмонга ёмон қўшилса нохушликлар юз беради.

Халқи феъл-атворини тузатса беги ҳам йўриғини тўғри тутати, беклар йўриқларини тузатсалар бутун элни тузатадилар.

Бир қанча вақт, кун ва ойлар ўтди, элга бутун оламнинг кўрки келди, халқ эса фаровонликка эришиб бойиб кетди.

Туман, тўзон ариди, совуқ ўртадан кўтарилди, ҳамма ифлосликлар тузалди ва тозаланди.

Элиг тангрига шукрлар қилди, унинг шаънига беҳисоб мадҳу санолар айтди.

## УЗГУРМИШ ХАСТА БУЛИБ УГДУЛМИШНИ ЧАҚИРТИРИШИ ҲАҚИДА

Утиб бораётган кунларнинг бир кечаси Угдулмиш эндигина бошини ёстиққа қўйиб ётиш олдида эди.

Дарвозадан бир овоз келди, биров баланд овоз билан чақирди, Угдулмиш дарҳол одам чиқарди ва қараб келишни буюрди.

Хизматкор қараб келиб бир одам келганини айтди,

гапим бор, учрашайин деб киришга ижозат сўраётир, деди.

Ўгдулмиш унга: «Бориб сўра, нима гапи бор экан, ўзи ким, нима демоқчи, билиб кел»,— деб буюрди.

Хизматчи ўғлон яна чиқди, айтмоқчи бўлган гапларини сўради, қаердан келганини, мақсадини ва ўзи кимлигини суриштирди.

Келган одам айтди: Мени Ўзгурмиш юборди, айтадиган гапим бор, қариндошинг қани, уни кўрайин.

Ўғлон уни ичкарига бошлади. Ўзгурмиш нима гаплар айтганини, уни нима топшириқ билан юборганини йўл-йўлакай ўғлонга гапирди.

Ўгдулмиш шошилиб туриб йўлакка келди, унга кириш учун йўл берди, у кириб салом берди.

Ўгдулмиш унга: «Қаердан келаётирсан, мақсадинг нима, сўзларингни айт»,— деди.

Хабарчи «Мени Ўзгурмиш юборди, сени ҳузуримга келиб, мен билан учрашсин, деб айтди»,— деди.

У оғир дил хасталиги билан ҳасрат чекиб ётибди, эй кўнгли яқин, уни бир бориб кўргин, ҳолидан хабар олгин.

Ўгдулмиш айтди: Сабр қил, бирор нарса тамадди қилиб ол, сўнг бирга борамиз.

У унамади ва айтди: Эй доно, қариндошинг аҳволи оғир, кетса кетгудек бўлиб ётибди.

Мен олдинроқ борайин, сен шошмасдан кетимдан бор. У шошилиб дарвоза олдидан яна орқасига қайтди, Ўгдулмиш кафтларини бир-бирига ишқаб довдираганча қолди.

Ниҳоятда қайғуриб уйига қайтиб кирди, шодликларни кетиб аламлари ортди.

Ётиб ухламоқчи бўлди, анча маҳалгача уйқуси келмади, тунни йилдай чўзилиб кетди, ҳеч ёта олмади.

Ухламоқчи бўлиб кўзини юмганда, уйқуси ўчиб кўзидан узоқлашиб борди.

Қайтиб ўрнидан турди ва бир муддат ўлтирди, кеча рангини ўзгартириб сариғ тонг ота бошлади.

Гулзорда булбул хуш овоз билан сайради, шавқ-завқ аҳллари эшитиб кўнгиллари тўлқинланди.

Отини миниб қариндоши томонга йўл олди, етиб келди ва ичкарига кириб юз-қўл ўпишди.

Қариндоши узала тушиб чипта чакмонини остига тўшаб, енгига бошини қўйиб ётарди.

У ҳол сўраб деди: Эй қариндошим, сенга нима бўлди, бу аҳволда кўриб кўнглим жароҳатланди.



## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЎГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш айтди: Эй қариндошим, йўлим ўлимга тўғриланаётгандай, ўлим айғоқчиси — хасталик келиб ёқамдан тутди, ўзим кетиш олдидаман.

Сенга машаққат етказдим, юзингни охирги бор бир кўриб қолайин деб бу ёққа чақиртирдим.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди: Эй менинг танамдаги жоним, тирик жон албатта хасталанади, касал бўлади.

Бунинг учун кўнглингни ёмон қилма, ёмон гапларни гапирма, дард ва хасталик одамга қилган гуноҳларидан қутулиш учун кафолат бўлади.

Билимли киши нима деган, эшит, кўнгил ғуборларини билим кўтаради:

Дард одамга гуноҳларидан қутулиш учун кафолатдир, гуноҳсиз одам борми, бўлса менга айтиб бер.

Одам касал бўлса барча гуноҳлари тўкилади, гуноҳлари тўкилса одам халос топиб покланади.

Барча одам ҳам озми-кўпми гуноҳ қилади, бу дунёда гуноҳсиз одам топилмайди.

Дардинг арийди, албатта соғайиб кетасан, гуноҳларинг тўкилади, дардинг манфаатини кўрасан.

Нима учун номатлуб гапларни гапираётирсан, ўлишингни қаёқдан билдинг, эй кўнгли пок.

## ЎЗҒУРМИШНИНГ ЎГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Ўзғурмиш жавоб берди ва айтди: Ўлишимни билишим сабаби шундаки, бунинг менга тушимда рабб аён қилди.

Мен туш кўрдим, ўлишим тушимда маълум бўлди, ўлишим тайинлигини тушундим.

Тангри яхши ёки ёмон қазосини юритадиган бўлса, одам кечаси ётганда тушида аён қилади.

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй феъли тўғри, бу гапларинг маъқул эмас.

Ҳар бир дардга чалинган одам ўлаверадиган бўлса, ер юзида тирик одам қолмаган бўларди.

Тирик жон албатта касал бўлади, аммо ҳамиша ҳам касаллик охири ўлим билан тугайвермайди-ку.

Одам ухлаганда баъзида туш ҳам кўради, тушни таъбир қилувчилар уни яхшиликка йўядилар.

## УГДУЛМИШ УЗҒУРМИШГА ТУШНИ ТАЪБИР ҚИЛИБ БЕРИШИ ҲАҚИДА

Авваламбор туш таъбир қилиш илмини яхши билиш, тушни чуқур ўйлаб яхши таъбир қила билиш керак.

Тушни ҳар турли таъбир қилса бўлади, мана шуларнинг барчасини яхшилаб ўрганиб олиш керак.

Тушингни таъбирини билмайдиган нодондан сўрама, таъбирни биладигандан сўра, уни ҳам бемаҳал, кечаси сўрама.

Кечаси кўрган тушнинг таъбири бошқа бўлади, кундузи кўрилган туш кечасидагидан фарқ қилади.

Назар солсанг, туш таъбир қилиш илмининг бир қатор шартлари бор, ақл ва зеҳни ишлатиб уларни билиб олиш керак.

Тушни кўнгилга келганча таъбир қилмаслик, шунингдек тўғри келганга айтиб йўриғини сўрайвермаслик керак.

Барча тушни ҳам туш деб йўравермаслик лозим, ҳар бир тушнинг ўзига хос таъбири бўлади.

Аввало тушни ўзингча йўрмагин, агар йўрадиган бўлсанг билим билан йўргин, жуда ҳам тушуниб, ишончли қилиб қиёслаш йўли билан маъни бергин.

Одам туш кўрса, унинг туши йўриққа боради, йўришни билмасанг, тушнинг фойдаси йўқолади, бекор бўлади.

Билми денгиз каби мўл киши бу ҳақда нима деган, эшит, бу сўзларга амал қилиб, унинг манфаатларидан баҳраманд бўл:

Туш таъбирга боради, тушни яхши таъбир қил, моҳиятини тушуниб зеҳн билан маъни бер.

Тушни қандай йўрсанг ўшандай бўлади, тушни ёмонликка йўрмагин, зиёни тегади.

Бир қанча тушлар егулик ва ичгуликларга боғлиқ бўлади, ярамас нарсалар ейилса хунук тушлар кўрилади.

Тагин бир хил тушлар йил фасллари билан боғлиқ бўлади, бунда одамнинг миждози зўриқиб, туш кўради.

Йил мавсуми баҳор бўлса, одамнинг ёши кичик бўлса, тушида барча нарсаларни қизил, ерни қўнғир рангда кўрса,

Муқаррарки, унинг қони кучайган бўлади, бундайларга маълум миқдорда қон олдиришни маслаҳат бериш керак.

Йил фасли ёз бўлса, туш кўрган одам йигит ёшида бўлса, тушда барча нарсаларни сариғ, заъфарон, ол ва арғувон рангларда кўрса,

Шубҳасиз, унинг сафроси кучайган бўлади, у та-рангубин — сурги истеъмол қилиб ўзини енгиллатиши керак.

Йил фасли куз бўлса, туш кўрган одам ўрта яшар бўлса, тушида нарсаларни қора рангда кўрса ёки тушига қудуқ, каваклар кирса,

Унинг савдоси кучланган бўлади, ундай одам дори ичиб мия ва димоғини тозалаши керак.

Қиш фасли бўлса, туш кўрган одам қори бўлса, тушида оқар сув, муз, қор ва дўл кўрса,

Унинг балғами кучланган бўлади, унга иссиқлик нарсалар едириш, дори-дармон ичириш керак бўлади.

Тушнинг яна бир хили пойма-пой, бетартиб, ихтиломли бўлади, бундай тушнинг таъбири бўлмайди.

Одам кечаси бирор нарса ҳақида ўйлаб ётиб тушида ўшани кўрса, бу тушга ҳам мос келадиган таъбир бўлмайди.

Шайтоннинг васвасаси билан кўриладиган туш ҳам бўлади, бундай тушни кўрган киши сувда ювиниши лозим.

Яна касб-ҳунар ва пешасини ҳам тушда кўриш мумкин, бундай тушга ҳам таъбир йўқ, эй мағрур.

Мана шуларнинг барчасини билиш, фаросатни ишлатиб, ажратиб, фарқлаб сўнг тушни йўриш керак.

Таъбирчи ҳаким бу ҳақда нима деган, эшит, ким туш кўрса, уни сўрашга таъбирни биладиган одам керак:

Агар туш кўрсанг, билиб-билмасдан йўрмагин, тушни қандай йўрсанг ўшандай бўлади.

Тушда алам-қайғу кўрсанг, ўнгингда секин ва шодлик кўрасан, тушда секин кўрсанг, ўнгингда қайғуриб йиғлайсан.

Тушнинг таъбири бир хилгина эмас, буни яхшилаб ўйлаб — фикрлаб кўриш керак.

Қора авомнинг тушига таъбир бошқа, бекларнинг тушига таъбир бошқа бўлади.

Тушда севинч, ўйин-кулги ва рақслар кўрсанг, ўнгингда алам-қайғулардан хавотирланиб юришга йўл очилади.

Агар тушда алам-қайғу кўриб йиғласанг, ўнгингда роҳат-фароғатлар билан шодланиб минг-минг севинчлар топасан.

Яна шундай туш ҳам бўладики, унинг таъбири ўзгаларга тегишли бўлади, манфаати сенга тегмайди.

Туш ҳам туш кўрган одамнига қараб йўрилади, ҳар кимнинг тушига ўзига мос таъбирини айтишга заковат имкон беради.

Туш шундай нарсаки, уни бир одам кўрса бекликка эришади, айнан ўша тушни бошқа бир одам кўрса, бу туш уни хаста қилиб қўяди.

Мана шуларни яхшилаб билиб олиш керак, шундан кейин тушни йўрса мувофиқ бўлади.

Сен қарақа туш кўрдинг, менга тушунтириб айт, мен уни фарқлаб, қийслаб таъбир қилайин.

## **ЎЗҒУРМИШ УГДУЛМИШГА КЎРГАН ТУШНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Ўзғурмиш жавоб бериб сўзга тил очди ва айтди: Майли айтайин, сен диққат-эътибор билан эшит ва дилингга жо қил.

Тушимда нарвон кўрдим, унинг элликта поғонаси бор эди, у тиклаб қўйилган, баланд ва кенг эди.

Мен ундан бир-бир поғона босиб юқорига кўтарилдим, бир қанча поғона санаб тепасига чиқдим.

Унинг тепасида бир отлиқ менга сув берди, уни олиб тугагулча ичиб қондим.

Шундан кейин ҳаволаб осмонга учиб кетдим, кўкка сингиб, юксалиб йўқ бўлиб кетдим.

## **УГДУЛМИШ ЎЗҒУРМИШНИНГ ТУШИГА ТАЪБИР АЙТИШИ ҲАҚИДА**

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Бу тушинг жуда ҳам яхши туш, унинг фойдаси талайдир.

Нима учун бу тушни ўзингга номувофиқ ва хунук йўрасан, ахир туш йўриққа боради-ку, эй оқкўлгил.

Тушда юқорига кўтарилиш улуғлик бўлади, қанча юқорига кўтарилса, одам шунча улуғликка эришади.

Одам тушида қанча кўтарилса унинг бахт-давлати шунча зиёда бўлади, улуғликка эришадн ва обрўйи ортади.

У нарзонга кўтарилганидек бахт-қути зиёда бўлади, элда улуғлик билан шуҳрати ортади.

Бунинг исботи учун мана бу сўзлар жуда мос келади, тушни таъбир қилувчи жуда моҳирона таъбир қилиб қўйгандир:

Тушда нарвон кўриш унга кўтарилиш тенгида иззатдир, бир-бир поғоналаб кўтарилиш улуғликка қараб боришдир.

Унга қанча кўтарилса шунча улуғлик келади, ўнгида дунёнинг мол-давлатига дуч келади ва бахт-саодати ортади.

Идишдаги сувни олиб ичганинг эса ҳаётинг негизн, умринг узун бўлишининг белгисидир.

Юқорига чиқиб кўкка ҳаволаб кетганлигинг эса энг олий мақсадларингни тангри сенга тугал беришига ишорадир.

## УША ТУШНИ УЗҒУРМИШ БОШҚАЧА ЙУРИШИ ҲАҚИДА

Узғурмиш жавоб бериб айтди: Эй биродарим, кўрган тушимнинг таъбири бундай эмас.

Агар ётиб бу тушни сен ўзинг кўрган бўлганинга эди, унинг таъбири сен айтгандек бўларди.

Сенинг барча ҳимматинг ушбу дунёдир, бу дунёни истовчи бу дунёга муяссар бўлади.

Мен эса бу дунёнинг баҳридан ўтиб, ўзимни ундан олиб қочганман. машаққат ва риёзатлар чекиб бу ерда кун кечирганман.

Менга тушимнинг таъбирини керагича ва тўғри йўрманинг, қулоқ сол, бу тушни энди мен таъбир қилиб берайин.

Узун ва кўп поғонали нарвон кўрганлигим, менинг таъбиримча умрдир. Нарвоннинг тепасигача юқорилаб кўтарилганим, ризқимни еб бўлганлигим ва умримни тугатганлигимдир.

Нарвоннинг тепасига чиққанимда отлиқнинг менга берган сувини олиб охиригача тугал ичдим.

У шундай отлиқки, барча оталиларни отасиз қиладди, эй аслизода. У шундай отлиқки, ободликларни бузади, жонлиларни тирик юритмайди.

Идишдаги сувни тугал ичганлигимни сен тирикликка йўйдинг ва ёшинг узун бўлади дединг.

Сув тушда агар ярмини ичиб, ярмини қолдирса, сен айтганингдек тириклик бўлади.

Агар мен ўша сувнинг ярмини ичиб, ярмини қолдирганимда эса, умримнинг ярми қолган бўларди.

Мен эса идишдаги сувни тугал ичдим, демак, тириклигимни тугатдим, ризқимни еб бўлдим, энди эсон ва яхши қолгин.

Заковатли доно нима деган, эшитгин, заковатлиларнинг сўзили барча сўзларнинг асоси дейиш керак:

Идишдаги сувни тушда ярим ичса тирикликнинг ярим қарзи тугайди.

Агар сувни охиригача тугал ичиб тугатса, тириклик бутунлай тугалланади ва гўр қазилади.

Ўзимнинг юқорига учиб ҳаволаганим, кўкларга кўтарилиб сингиб йўқ бўлиб кетганлигим эса,

Равон жоннинг филофидан чиқиб кетишидир, унинг яна қайтиб ўз ерига келмаслигидир.

Тангри менга тушда ўлимдан белги берди, энди ўлимга ҳозирланишим керак.

Бу тушимнинг таъбири мана шундай бўлади, сен эса уни менга бошқача йўрмоқдасан, эй барака топгур.

Сен кўнглимни юпатаётирсан, аммо ўлим қаршимга келиб турибди, унинг илож ва чораси йўқ.

Эй кўнгли тирик, назар солиб бир кўргин, ўлим бутун кўнғир ерларни уюм-уюм тепа қилиб юборгандир.

Қанчадан-қанча қасрлар, ўрдалар, ҳашаматли саройларни ўлим холи қилиб кетди, барчаси бўм-бўш бўлиб қолди.

Қанчадан-қанча жасур, мағрур, қудратли бекларни ўлим ерга тикди, сен унга бир қараб қўйгин, эй тирик.

Қанчадан-қанча аранг йиғилган жамғармаларни ўлим келиб сочиб юборди, пок-покиза нобуд қилиб ташлади.

Ўлимга ажаб йўқ, одам туғилса албатта ўлади, барча нафас олувчи ўлимга яратилгандир.

Ажабланарлиси шундаки, ўлиши муқаррар бўлган одам ўлимни унутиб тилидан тавбани қўяди.

Гофил инсон ўлишини билади-ю, гафлат уйқусидан аўзини очмайди.

Ўлим ҳақдир, ундан халос бўлишнинг ҳеч чораси йўқдир, ўлимдан кейин ҳолимиз нима кечар экан, билмаймиз.

Бирдан-бир ғамим шудирки, эй кўнгилдош дўстим, ўлимдан кейин тангри ишларимни ўзи ўнгласин.

Мен ҳаёт кунларимни бориға қаноат қилиб ўтказдим, ҳаловат ҳам, машаққат ҳам етарли, ҳатто тунларим ҳам мен учун равшан бўлди.

Кўлимни калта тутдим, мол-товар йиғиб-термадим, ҳавас ва орзуларға кўнгил бермадим.

Ўз машаққатларимни мана шу куним учун мўлжаллаган эдим, барча гуноҳларимни енгиллатмоқни кўзда тутган эдим.

Таълим берувчи нима деган, эшитгин, у меҳрибон, панд-насиҳат ва ўғитлар берувчи одам бўлган:

Ғофил бўлма, жаҳду жадал қилиб юкларингни енгиллаштир, олдингда қилдан ҳам ингичка йўл бор, ўзингни ўша йўлдан ўтишға мосла.

Ғанимат кунларда бўкиб ётма, азият чекиб келгуси кунларинг ҳозирлигини кўр, кўчар пайтингда ўткинчи машаққатларингни унутгин.

Ўзғурмиш яна айтди: Эй меҳрибон қаришдош, мен кетмоқдаман, кетимдан сен ҳам албатта келасан.

Сенға бир неча оғиз сўз сўзлайин, мендан кейин бу сўзларни унутмагин.

Тирикликда менинг ўзим меҳрибон эдим, ўлганимдан кейин эса сенға насиҳатларим эсдалик бўлиб қолсин.

Сўзим шуки, ғофил бўлмагин ва тириклигингни, умрингни беҳудаға кетказмагин.

## ЎЗҒУРМИШ УГДУЛМИШҒА НАСИҲАТ ҚИЛИШИ ҲАҚИДА

Тўғри бўлгин, тўғрилиқ йўлидан адашмагин, бу йўл сени йиллар ўтиб орзу-тилакларингга олиб боради.

Барча нафас олувчиларға, жонзотларға меҳрибон бўлгин, дил ва тилингни бир қилиб тангриға тоат-ибодат қилгин.

Алам-ҳасратни қисқа тут, тоат-ибодатни узоқ қил, шошар пайтларда сокин бўл, ғазаб пайтларида мулоим бўл.

Ўлимни унутма, ҳозирлигингни кўр, ўзингни унутма, туб-аслингни бил.

Дунёга суқлик кўзи билан қарама, у қолиб кетади, сен эса ўкинч билан ўлиб кетасан.

Тангрининг ҳукмига рози бўл, бошингга нима тушса барчасига чида, халққа манфаат келтир, тўғри келиб қолса юкларини ўз устингга ол.

Тўғрисўз бўлгин, ваъдангни рост қилгин, ваъдаси ёлғон одам тубан одамдир.

Кулар юзли, илиқ сўзли, эзгу феълли бўл, шунда давринг келади, давлат кулиб боқади.

Саховатли ва хушмуомала бўл, нон-туз едир, одамларнинг айбларини очма, пардалаб яшир.

Ҳавасни босгин, ғазабинг келадиган бўлса ўзингни йиғиб қўлга ол,

Кимда-ким эгри йўлга киргудек бўлса, уни тийиб қайтар.

Ўз фойдангни кўзлама, халқ фойдасини кўзла, элга юк кўтартирма, ўзинг юк кўтарувчи бўл.

Мол-товаринг барчасини ўзинг учун бошқаларга бахшида қил, халқнинг қўнглини ол, эй билими чуқур.

Сара ва етук киши бу ҳақда жуда яхши сўзлаган, унинг билими, заковати тугал, мияси тўла бўлган:

Фойдали одам одамларнинг сарасидир, меҳрибон одам одамларнинг аслидир.

Кишилик оти икки нарсадан иборатдир, бири — меҳрибонлик, бири — саховат, ўзгаларга нарса бериш.

Заковатда бундан ҳам яхши сўзланади, заковат йўли тутилса манфаати беҳисоб бўлади:

Сахий деб айтадилар, сахий ўзи ким? Сахий жон фидо қилиб одамларнинг ҳақларига риоя қилади.

Кумуш пул улашиш саховат бўлмайди, сахий жонини ҳам халққа қурбон қилади.

Сахий одам халққа мол-дунёни сувдек оқизиб улашса, халқ унинг теварагига сувдек оқиб, йиғилиб келади.

Бу дунёда одамнинг шуҳрати ва овозаси икки нарсадан бўлади, бири — мол-товар, иккинчиси юз суви — обрў.

Бу иккинсига муяссар бўлиб тугал минг ёш яшаганинда ҳам, охири ўлим келганда улардан ҳам асар қолмайди.

Авом астойдил хизмат қилса беклар улуғлик оладилар ва юксаладилар, узанги бўлса отлиқ жиловни маҳкам тутаяди.

Дунё-давлат мана шу, авомнинг бу ҳаётига эришиши мушкул, етишганда эса бек қариб қолади.



Ўзинг бу дунёдан кўчасан, отинг эса кўчманчидир, охири бир кун кўчирувчининг келиши эса муқаррардир. Кўчувчи одам қаср ва саройлар бино қилмайди, юрувчи одам йўлда йиллаб, ойлаб қолиб кетмайди.

Ўзингни йўлни ўтган, сафари қариган деб ҳисоблагин, эй қариндош, ортиқча севиниб хурсанд бўлмагин.

Бу дунё ўткинчидир, ўтиб кетади, қараб турмайди, одам эса ўлимга маҳкумдир, аммо қачон ўлишни билмайди.

Ўлимнинг тирноғи доим ҳозирланган бўлади, гафлатга ботиб юрганнингда унинг қармоғи илади-кетади.

Бу дунё бир овқатдир, бу овқатни еувчининг отини сен ўзинг топиб айтгин, айтишга менда журъат йўқ.

Тилак-орзунинг кетидан қувма, ҳавасингни тий, одамлар ғийбатини қилма, тилингни гунгу лол қилгин.

Бу ҳақда нималар дейилган, эй ҳушёр, бу сўзларга амал қилсанг, балоларга дучор бўлмайсан:

Тилак-орзуларнинг кетидан қувиш жуда ҳам ширин, аммо ҳаловатнинг жуда қаттиқ сўроғи ҳам бор.

Лаззатнинг кетидан лаззатсизлик, чучукнинг кетидан аччиқлик бор, кўтарилишнинг тушиши, баландлашишнинг пастлашиши бор.

Бу олам тугал қиз қилиқли, ўзига маҳлиё қилувчидир, у сени авраб қўймасин, эй феъли яхши киши.

Талай сенга ўхшаганларни елга бериб вайрон қилгандир, сен элигга ўхшаган кўплаб беқларни ўтказиб юборгандир.

Энди у сизга ўхшаганларга кўз очиб қаради, қўл берди, сен унга ғофил бўлмагин, эй феъли мулоим.

У нимани берган бўлса яна тезда қайтариб олади, нималарни териб берган бўлса, яна қайта сочиб ташлайди.

Қанча кулдирса, охири йиғлатади, қанча гуллатиб обод қилса, яна бузиб вайрон қилади.

Унинг қилмиши жафо, қилиқлари тубалликдир, ёруғлиги озгина, аксарияти тутундир.

Безаниб-ясаниб одамга ўзини кўз-кўз қилади, кўнгил бергудек бўлсанг оёғини маҳкам тираб олади.

Шакар билан парваришлайди, кетидан эса оғу беради, бевафо қутнинг қилмишлари мана шунақа, эй доно.

Мулоҳазали кишилар сарварни нима деган, эшитгин, эй давлат соҳиби, ўйлаб мулоҳаза юритгин:

Қолиб кетадиган дунёга кўнгил берма, ҳушёр бўлиб

Ўзингни сақла, бу дунё жафокордир, эй феъли мавзун киши.

Етук, сара киши бу ҳақда жуда яхши гапирган, у билимли, заковатли, ақли тўлиб-тошган киши бўлган:

Бевафо қутга илашиб йўл-йўриқдан адашма, қут ишончсиздир, у йўригини тез ўзгартиради.

Чиндан ҳам дунё-давлат мисоли бир кўланкадир, кўланка куни билан бир ерда турмайди.

Диёнатингни қадрла, бу дунёни эса қадрсиз тут, диёнатинг сени қадрли қилади, эй билими дарё.

Фароғатга маҳлиё бўлма, кўп севинма, эҳтиёт бўл, тангрининг ёди билан тоат-ибодат қил.

Эй қариндош, бу дунё сени маст қилмасин, ҳушёр тортган пайтингда шубҳасиз кўзинг ёшга тўлади.

Халқларнинг беги нима деганини эшитгин, у ақл-фаросати етиб сўзларни билиб сўзлаган:

Давлат келиб авраб кимни маст қилиб қўйса, у қора ер қаърида чириганда ҳушига келади.

Улуғликдан маст бўлиб кимда-ким номаъқул ишларни содир қилса, қора ер остида хўпам азобини тортади.

Йигитлик ё бойлик, ёинки қут-давлат мастлиги ичкилик мастлигидан минг чандон баттардир, эй бек.

Агар ичувчи ичимликни ичиб маст бўлса, ухлаб тургач, мастлиги тарқалиб ҳушёр тартади.

Агар одамни давлат маст қилса бошқа ҳушёр тортмайди, ўлим тутгунча маст бўлиб ухлайди, уйғона олмайди.

Отинг қул бўлгандан кейин бекларнинг ишини тутмагин, қуллигингни қилгин, эй эзгу киши.

Тириклик кунлари кўп қоладиган нарса эмас, улуғликнинг шуҳрати ҳам узоққа бормайди.

Агарчи минг йил яшаса ҳам одам охири ўлади, улаиб кетган бу жон иплари албатта узилади.

Бунга мос келадиган мана бу сўзларни ўқи, кўнглингни жойлаб олгин, ундан юзнингни ўгирмагин:

Тилак-орзу ва неъматлардан тугал баҳраманд бўлсанг ҳам, обихаётни топиб ичсанг ҳам,

Қўлингни узатиб кўк гумбазини тутсанг ҳам, юксалиб бошинг кўкка етса ҳам, билиб қўйгин, ўзинг бари бир ердасан.

Сенга сўзнинг тўғриси айтайин, эй қариндош, сендан уни нега яширайин, эй ҳамфикр.

Одам бу дунё нарсаларини қанақасига севмасин,

унинг анвойи неъматларини, гўзал юзларини, уларнинг ёқимли қилиқларини, тарзи рафторларини қандай қилиб хуш кўрмасин?..

Мана шу қўрқинч туфайли донолар бу дунёни тарк этиб, сарсон-саргардонликда машаққат чекиб жаҳонни кезиб елиб-югурадилар.

Баъзиси тоғу тошларда юради, ғорларда уй тутади, уларнинг овқатлари ўсимлик томири, ичадиганлари ёмғир сувидир.

Баъзилари биёбонларда гангиб адашиб-улоқиб юрадилар, тангридан қўрқиб қайғу билан азият чекиб елиб-югурадилар.

Баъзилари жанда кийган, қадлари машаққатдан букилган, баъзилари кўзларидан ёш сочиб элма-эл кезиб юрадилар.

Баъзилари овқат емай ўзларини қийнайдилар, баъзилари туни билан ётмасдан тик оёқда туриб чиқадилар,

Ғафлатдан уйғонган кишилар мана шундай юрадилар, бизлар эса ғафлатга ботганмиз, ғофилларнинг олдимиз.

Сен эса ўзингни бундай ишлардан тийгин, эй қариндош, чунки дунёнинг эрк ва ихтиёри сенга теккан, ўзинг унга бош бўлгансан.

Ҳавасни бос, заковат кучи билан нафс бўйинини синадир, мардликнинг нишони, заковатнинг белгиси мана шудир.

Мана шу иккиси туфайли мард кучини йўқотади, ким мана шу икки нарсага қул бўлиб қолса машаққат тортади.

Мана, бу кун мен сендан жудо бўлиб кетаётирман, сенинг ҳам йўлинг худди мана шунинг ўзидир, эзгуликлар қилиб қолгин.

Ярамас ишларга яқинлашма, феълингни эзгу қил, ёмон икки оламда ҳам ўзига бало орттиради.

Қўнглини босиб олган, ўлимдан олдин ўз ҳозирлигини кўриб қўйган киши нима дейди, эшитгин:

Эй ёмонлик қилишга юраги ботир шаддод, ёмонлик қилмагин, ёмонлик қилувчининг емиши оғудир.

Эй йўриғи чекланмаган халқ ўктами, тириклик томини ўлим бир кун бузади.

Эй «мен» деювчи, эй «мени сев, мени» деювчи, ўлимга ҳозирлангин, у сени ҳам яниб турибди.

Эй оч, кўзи суқ, бу дунёнинг қули, ўлим сени олиб кетгани суқланиб турибди.

Эй қариндошим, мен мунг билан ўлиб кетаётирман, бу кун икки нарсага жуда ҳам ачинаман.

Бири шуки, тангрининг тоат-ибодатини қолдириб кетаётирман, иккинчиси шуки, эгамнинг ёди тилимдан тушиб қолаётир.

Бугун ёки эртага бу кўз юмилгудек бўлса, сизларнинг дуоларингизга ҳожатманд бўламан.

Сен мени дуода унутмагин, эй қариндош, мендан кейин кетма-кет сен ҳам келасан.

Мана, менинг аҳволимни кўриб турибсан, бу сенга ибрат бўлсин, тадбир-чораларингни қилгин.

Ўлим келди, олиб кетаётир, мунг билан кетмоқдаман, у мендан кейин селга ҳам келади, ҳозирлигингни кўр.

Бу кун сендан айрилиб бормоқдаман, мунг билан кетаётирман, у билан қовушишимни фақат тангрининг ўзи билади.

Уладиган одам, ўлар чоғида йиғлаб бошини ерга урган киши нима деган, эшитгин:

Ўкинч билан ўлаётирман, кўз ёшим оқиб бормоқда, бу ўлим ҳаловатни олиб, ҳаловатсиз қилади.

Ўлимдан кейин икки йўл кутади, бу иккисидан қайси бири менинг борадиган йўлим бўлар экан?

Эй меҳрибон қариндошим, менинг қайғум билан сен кўнглингни мажруҳ қилмагин.

Мендан кейин йиғлама, кўнглингни синдириб маъюс қилма, сабрли бўл, имкон борича ҳаракат қилиб шаънимга дуо қилгин.

Ортиқча йиғи-сиғи қилма, сабр-бардошли бўлгин, бу тангрининг қазосидир, сўз тамом.

Кел, энди қайтгин, уйингга боргин, қайғу-аламлар билан дилингни қоронғи қилиб сиқилма.

Барча керакли сўзларни сенга тайинладим, сўзларимни унутма, эй кўнгли тўғри.

Элигга мендан салом етказгин, бу охирги саломимдир, эй билими тугал.

## УГДУЛМИШНИНГ ЎЗҒУРМИШГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Сени бу ерда бу аҳволда қолдириб қандай у ёққа кетаман?

Оғир дард билан бир ўзинг ёлғиз қандай қилиб қоласан?..

Ўзғурмиш сўзини тугаллаётиб айтди: Эй қариндош, энди кетгин, омон бўлгин, кўзингдай ёш тўкмагин.

Угдулмиш ўрнидан тураётиб Ўзгурмишни қучоқлади, қаттиқ йиғлади, кўз ёшлари ерга тўкилди.

У ердан зор-зор йиғлаб чиқди, отини миниб уйи томонга йўл олди. Қайғу-аламлар билан уйига кириб келди, севинчи кетиб кўнгли қайғу-алам билан тўлди.

Боқиб кўрсанг инсон ўзи қандайин мунгли-я! Унинг шодликлари оз, турган-битгани қайғу-аламдир.

Барча тилакларига етганда севинч уни кулдиради, агар қайғу келса, алам уни зор йиғлатади.

Севганини топганда севиниб кулса, айрилиш пайтида қайғу билан йиғлаб қолади.

Гоҳо висол севинчлари билан хурсанд қилади, гоҳо айрилиқ алами билан йиғлатади.

Дунёда фироқдан қаттиқ нима бор? Фироқнинг қайғу-аламлари денгиздан ҳам чуқурдир.

Тириклар айрилишса яна қайта топишадилар, талашиб, қидиришиб яна қовушадилар.

Ҳамма нарсадан қаттиқроқ айрилиқ бу ўлимдир, ўлимнинг чораси йўқ, унга қарши ҳеч қандай қурол-аслаҳа бўлмайди.

Ҳамма нарсанинг фироқи яқин ёки узоқдир, ўлимнинг фироқи эса жуда йироқ фироқдир.

Энди бунга мос келадиган мана бу байтни ўқи, ўқиган сайин унинг маъноси тобора очилиб боради.

Ҳамма нарсадан қаттиқ нарса бу ўлимнинг фироқидир, кўрувчи кўзлар бу фироқдан тинмай ёш тўкади.

Тирик айрилганларга висол умиди бордир, ўлган билан дийдор кўришиш эса ҳақиқатдан йироқдир.

Угдулмиш еди-ичди ва бир оз ҳордиқ чиқариб ором олди, сўнгра намозини ўқиди.

Қуёш ерга қайтиб кирди, юзини бекитди, қуёш кетидан изма-из ҳаво қоронғилашиб қувлашиб келди.

Тўшак ҳозирлашни буюрди, кириб ётди, аммо уйқуси келмади, алам-қайғу кўзини юмдирмади.

Туриб ташқарига чиқди, кўзидан юм-юм ёши тўкилди олам юзи ҳабаш юзидек қорайди.

Яна уйга қайтиб келиб тўшакка кирди, алам ва ҳасрат билан тўлғониб бир муддат ётди.

Румий қизи юзини ерга яширди, олам юзи занги юзидек бўлиб кетди.

Уйқуси келмади, яна туриб ташқарига қаради, Ҳулкар оғиб тун охирлаган эди.

Кўзини кўкка тикиб узоқ турди, тонг қоронғиси босди, ҳадеганда тонг ёришавермади.

Яна ётиб озроқ мизғиди, юқорига қараб яшил кўкка

боқди. Шарқдан Муштарни чиқиб кўтарила бошлади, душман олов кўтариб югураётгандай ўт ялиради.

Яна Етти қароқчи бошини юқорига кўтарди, Сириус ва Айғир бошини ерга қўйди.

Жавзо ҳам бошини ерга қўйди, Қуёш бош кўтарди, ёруғ юзини очди. Угдулмиш ювиниб, покланди, намозни ўқиди, сўнг соф кўнгил билан кундалик дуоларини такрорлади.

Олам юзи олтин ранг касб этди, жаҳоннинг юзи ёлиндек қизиди. Кийимларини кийди ва тезда отини тутиб, уйдан чиқиб сарой томонга жўнади.

Отдан тушиб саройга кирди, элиг уни чақирди, у кўнгли маъюс бўлиб кирди.

Элиг назар солиб Угдулмишнинг аҳволини кўрди, унинг кўнглини маъюс кўрди.

Элиг еўради: Аҳволларинг қандай, сени қайғули кўраётирман. Бу кун кўнглингга қандай ташвиш тушди, сенда унинг нишонларини кўриб турибман, манглайингга хафалик белгиси бор.

Нимага қизил юзингни заъфаронга бўядинг, дунё сенга яна нималар қилди?

Ҳали қут сендан юз ўгирганича йўқ-ку, бевафо дунё-давлат ҳали сенга кулиб боқмоқда-ку!

Фалак сенинг истиқболингга юрмоқда, ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам сенга, даврон сенинг измингга мос ўтмоқда.

Мен жаҳл қилиб озор бераётганим йўқ, сендан хурсанд бўлиб ҳамиша очиқ чеҳра билан қарши оламан.

Бу қайғу-аламларни сенга ким етказди? Аҳволларинг қандай, қандай арз-шикоятларинг бор?

Бу қандай бемаҳал ва кутилмаган қайғу? Менга айтгин, билайин, эй вазмин киши.

Сенга қайғу ёки алам етса, ундан менга шодлик келиши мумкинми?

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб сўзга тил очди ва қариндошининг аҳволини гапириб берди.

Ўзининг у ерга борганини, уни не аҳволда кўрганини, васият қилиб нималар деганини айтди.

Элигнинг кўнгли бузилди, кўзлари ёшланди, «Эй дарифо», «Эсиз яхши одам» деб афсусланди.

Тангри унинг жонини кечирсин. этига ва қонига зиён бермасин.

Яна сўради: Унинг аҳволи қандай, уни ёлғиз қолдириб келишга қандай кўнглинг бўлди?

Унга ким қараб туради, касалини ким боқади, дард билан ёлғиз ўзининг куни қандай ўтади?

Нимага у ерда бир оз сабр қилиб турмадинг, аҳволини кўра туриб уни кимга қўйиб келдинг?

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб айтди: Мен бу гапларни унга айтдим, эй билими дарё.

Мени зўрлаб орқага қайтарди, гапимга кирмади, гапларимни қайта-қайта айтиб кўрдим, лекин кучим етмади...

Энди бунга мос келадиган манави сўзни эшит, кўнглига жо қилиб ол, сўнг ўзингга касб эт...

Элиг яна айтди: Эй Угдулмиш, алам-қайғу билан сиқилиб юраверма. Ўзгурмиш эзгу киши, эзгулар сарваридир, агар ўлса, худоёим унинг ишини соз этади.

Тириклик маъноси нима эди, нима бўлади қабилдаги ташвиш бизларга ҳам келади, эй доно.

Афсус, ўз йигитлигимизни беҳуда ўтказдик, қайғуравериб кўнгил ва дилимиз аянчлидан аянчлидир.

Ўтказган тириклигимиз тушга ўхшайди, қандай ўтган бўлса, эвази шундай келади.

Бу қолган тирикликни беҳуда ўтказмаслик керак, орзу-ҳавасларга кўнгил бермаслик керак.

Қанча яшамасин, одам ўлади, ўлим келгандан кейин мунг билан ўкинади.

Бундан буён сен сиртдан туриб, меҳрибон бўлиб халқ манфаатини кўзда тут.

Мени ташвишлардан қутқаравер, ўзингни эсдан чиқарма, мукофоти учун худс эзгу йўл беради.

Бу ҳақда нима дейилган, эшитгини, эй феълн муқим, эй худонинг қулларига меҳрибон киши:

Ким эзгулик қилса, унга эзгу мукофотни ҳам худо беради, кўзингни очгини.

Ким ёмонлик қилса, ўзига қилади, у ёмонликнинг мукофоти ҳам ёмонлик бўлади.

Ёмонликни истасанг, бор, ёмонлик қил, бу ёмонликнинг мукофоти кейин йиғлатади, билиб ол.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб берди, айтди: Элиг бу янглиғ панд-насиҳат, ўгит бериб турса,

Халқ орасида тартибот тамоман эзгу бўлади, тангри бу бекликни юксалтираверади.

Элигнинг умри узоқ бўлсин, қут билан барака топсин, жоним, таним, руҳим унга фидо бўлсин.

Ўладиган кишини эзгу номдан бошқа нарса қаноатлантирмайди, эркли худо шу ном билан жовидон тутсин.

Ўлим ортингдан доим пойлаб юради, ухлаб ётгандек унга ўзингни тутиб бермагин.

Билимли киши бу ҳақда жуда яхши айтибди, ҳушёрлар йўли мана бундай бўлади, кўргин:

Кўринмас ажал пистирмада пойлайди, умидли кишиларни ғафлатда босади.

Ёмон, яхши барча қора ер билан тенг бўлади, азалдан ёзилган қазо етса, унга чора йўқдир.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Тангри бундан буён менга тавфиқ берсин, адолат қилайин.

Элиг сўзини тугатди, жим қолди, Угдулмиш у ердан кўзғалиб, ташқари чиқди.

Ўгдулмиш яна бир неча муддат сабр қилди, ғам-қайғу билан сиқилиб юрди.

Алам билан қариндоши учун қайғуриб, жонини койитиб, юзини сарғайтирди.

Қариндоши ташвишида бу ерда сабр қилиб тураолмади, беихтиёр яна унинг олдига боргиси келди.

Туриб элиг ҳузурига борди, элиг чақирди, у кириб кўриниш берди.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Элигга баён қилди, айтди: Мен бугун бориб қариндошимдан хабар олайин.

Унинг ҳоли не кечди, кўрайин, қариндошим тирик борми экан?



## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА ЖАВОБИ

Элиг айтди: Борсанг ярашади, қариндошлик, яқинлик меҳрибонлик билан бўлади.

Майли бор, менинг номимдан ҳам ҳол сўра, касалини кўр, нима экан, кўнглига тасалли бер.

Ҳа, албатта, деб яна у ердан чиқди, уйига келиб тушди, бир оз дам олди.

Егулик-ичгуликлардан бир оз еди-ичди, яна от тутиб, қайғу чекиб қариндоши томон жўнади.

У яқин бориб отдан тушди, эшик олдида туриб чақирди, киришга йўл-ижозат сўради.

## ҚУМАРУ УГДУЛМИШГА УЗҒУРМИШНИНГ УЛИШИНИ АЙТИШИ ҲАҚИДА

Қариндошининг муриди Қумару чиқиб, салом қилди, сўнг кўзидан ёш сочиб йиғлади.

Рўпарасига келиб айтди: Эй биродар, тангри хайрингни берсин, кўнглингни бузма.

Қариндошининг оламдан ўтди, бу дунёни тарк этди, сен осойишта ҳаёт кечиргин, умринг узоқ бўлсин.

Сен энди йиғлама, сабрли бўл, ўзингни тийгин, тирикларга ўлимдан бўлак чиқадагилан ер — эшик йўқ.

Туғилган албатта ўлади, ширин жон кетади, на бек, на қул, на пайғамбар тирик қолади.

Бу ўлим бизлар учун доим шайланган, унга чора ёки қарши турадиган мустаҳкам тўсиқ йўқ.

Угдулмиш эшитиб овоз борича йиғлайди, пушаймонликдан ўзини урди, юлди, ёш тўкди.

## ҚУМАРУ УГДУЛМИШГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШИНИ АЙТАДИ

Қумару Угдулмишни юпатиб, айтди: Сабр қил, кўнгил, тил ва дилингда худо ҳукмига рози бўл.

Ўлим келадиган кун барчага баравар мавжуддир, у ўлди, энди сен ўлимга ҳозирлан.

Нима учун йиғи қиласан, эй ўғил, ким урди, ё ким сўкди, қандай зиён етди?

Равон жонни унга худо берган эди, уни яна қайтиб олди, жони чиқиб кетди.

У энди бу ерга қайтиб келмайди, сенга ҳам, менга ҳам у ёққа бориш қисмати ёзилган.

Айтди: Тур, бориб қариндошинг гўрини кўргин, зиёрат қилиб, яна қайтгин.

## ЎГДУЛМИШ ЎЗҒУРМИШГА ТАЪЗИЯ ТУТИШИ ҲАҚИДА

Қариндошининг гўрини бориб кўрди, гўрини қучиб йиғлади, бор ёшини тўкди.

Айтди: Эй қариндошим, туриб менга қара, юзингни кўриб меҳрим қонсин.

Сени кўргани қўмсаб келган эдим, келган чоғимда мендан юзингни яширдинг.

Эй кўнгилнинг танлагани, севимли, жонга жон, сенсиз бу руҳим қандай равон яшасин?

Мен сени тушимда кўргандай бўлиб қолдим, кўрганим ҳамано яна йўқотдим, ғойиб бўлиб кўздан йироқ кетдинг.

Элиг бу хабарни эшитгач уйидан чиқиб Ўгдулмиш-никига келди, астойдил кўнглидан чиқариб унга таъзия билдирди.

Элиг унга айтди: Эй Ўгдулмиш, ақл-ҳушингни йиғиб ол, унинг ҳақиға дуо қилиб бурчингни ўтагин.

Ўзғурмишни тангрининг ўзи ярлақасин, унинг барча қилган гуноҳларини кечирсин.

Бу қайғу ичида тангри сенга сабр берсин, тангри сени шод қилсин, дўзахдан омонлик берсин.

Одамлар учун эшкни беркитибсан, йўлни кесибсан, сўзлашдан тийилибсан, одамлардан ўзингни олиб қочибсан.

Бу қилиқлар сенга муносиб эмас, заковатли одамлар бундай йўл тутмайдилар.

Сенга ким зулм ўтказди, менга айт, ё ким хафа қилди, ўчакишди?

Қариндошинг қисмати тангрининг унга ёзган қазосидир, тангри ўз қазосини юритди.

Нима учун йиғлайсан, йиғи-сиғининг нима кераги бор? Бу яхши одат эмас, сен бу одатни ташла.

Туғилган ўлади, кўтарилган пасаяди, юрадиган тинади, тангри берганларини қайтариб олади.

Қариндошинг ўлими сенга ибрат бўлсин, сабр қил, ҳаён йиғ, тириклигинг ҳаловатли бўлсин.

Ўлаётганини кўрган тирик қолувчи панд-васиятга амал қилиши керак, ўша панд-васиятга амал қилувчи қани?

Ўлганнинг пандига қулоқ сол, у нима деган: Мени ўлим тутди, мен кетдим, у сени ҳам тутади.

Энди бунга мос келадиган мана бу байтни ўқи, ўқибгина қолмасдан уни кўнгилга жойлаб ҳам олгин:

Сендан бурунги ўлганлар минг-мингдир, улар насихат қилиб шундай деганлар: Менга назар сол, менга.

Ғафлатга ботиб юрдим, кўп беҳуда вақтихушлик қилдим, ўлим тутди, ўлдим, у сенга ҳам келади.

Элиг Ўгдулмишдан унинг қандай ўлгани, аҳволини, нимаки билганларини такрор сўради.

У элигга кўрганларини, ўлар пайтида васият қилиб айтиб қолдирган сўзларини баён қилди.

Туриб раква билан ҳассасини, эсдалик қилиб элигнинг олдига қўйди.

У айтди: Қариндошимнинг менга қолдиргани, ундан ёдгор бўлиб қолган нарсалар мана шулардир.

Элиг ҳам бу эсдаликлардан бирини олсин, бу нарса бахтга элтади ҳамда кейин асқотиб қолади.

Элиг қўл сунди, ҳассасни қўлига олди, у айтди: Бу эсдалик менга бахт келтирсин.

Бу рақвани сен олгин, қариндошинг юзини кўрмакни истасанг, ушбу билан кўргин.

Ўгдулмиш қўл суниб рақвани олди, кўнгли эзилди, кўзидан ёш оқди.

Элиг айтди: Кўргин, агар дид билан ўйлайдиган бўлсак, бу ибрат биз учун етарлидир.

У шундай яшади, дунё унга етди, кифоя қилди, тағин ортиб ҳам қолди, эй феъли тузук.

Феъл-атвори мулойим, ишга заковат билан қўл урган киши нима дейди, эшитгин:

Бу дунё нарсаси кўп бўлса ортиб қолмайди, оз бўлса ҳам баҳарҳол етади.

Бу дунё нуқсонлари минг-мингдир, фазилати биргинадир, одам уни қандай ўтказса, шундай ўтаверади.

Ўлиб кетгач, бойликнинг нима фойдаси бор, сендан кейин уни еувчилар севинади.

Қариндошинг дунё нарсасини тарк этиб, ундан қочди, чипта жулдуз кийди, арпа истеъмол қилди.

Тириклик ўтказди, яшади, ўлиб қолмади, ўзидан кейин суювчиларга бойлик қолдирмади.

Туну кун жаҳд қилди, юкини енгиллатди, дунё машаққатларини тортиб ўтиб кетди.

У ҳозирлигини қилди, кўр, бу халос бўлди, бизнинг ишимиз нима бўлар экан, олдимизда шу жумбоқ бор.

Элиг минг турли эзгу сўзлар билан ўғит берди, бутун вужуди билан берилиб узоқ насиҳат қилди.

Элиг туриб яна саройга борди, алам, қайғу чекиб уйга кирди.

Ўгдулмиш бир неча кун таъзия қилди, қайғули кунларни ўтказиб чеҳраси очилди.

У қайғу-аламларни унутди ва яна аввалгидек единчди, куйди, севинди.

Халқни бошловчи, билим билан эл-юрт ишларини бажарувчи киши жуда яхши айтибди.

Қайғу-алам сени қанчалик асир қилса ҳам, кўз қанча йиғласа ҳам киши яна албатта кулади.

Азалдан дунёнинг қонун-қондаси шудир, қайғу ҳам, ҳасрат ҳам қанча вақт ўтса, шунча эскиради.

Ўгдулмиш қайғуларини ўтказиб юборди, хизматини қилиб турди, тадбирлар қилди.

У харислик билан хизмат бошлади, саройга тонг қоронғисинда борадиган бўлди, ишларини астойдил бажарди.

Элиг бир кун Ўгдулмишни чақирди, ундан халқ аҳволи, эл-юрт ишлари ҳақида сўради.

У айтди: Эл ҳоли қандай, халқ аҳволи қандай, даврон қандай кечаётир.

Менга кўз, қулоқдирсан, ҳамма ишларимнинг ривожини сендан умид қиламан, унинг ривожини ўзинг очавер.

Бир неча вақт қайғу-алам чекдинг, ишга қўл текиза олмадинг, энди ишларинг қандай?

## ЎГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Ўгдулмиш жавоб бериб айтди: Эй бек, халқнинг аҳволи эзгу дуо ортарли даражада яхши.

Бирини — сўз, нафс, кўз ва шаҳват ҳирсидир, мана шулар кишининг тоати учун офатдир, ундан тийилиш лозим.

Бирини — нафси тўйғач, бир оз кам сўзлаш, яроқсизларни ўзидан йироқ туттишдир.

Заковатли ҳамда билимли кишилар шундай кишидирлар, заковатли, қўнимли кишиларнинг сўзларини олса, амал қилса бўлади.

Заковатли кишиларнинг сўзи мақтагуликдир, улар-

нинг сўзи тўғри, рост бўлади, чинлиги белги бериб туради.

Улар ярамасга яқинлашмайдилар, ўзларини тортадилар, кераксиз нарсани кўрмайдилар, кўзларини юмадилар.

Элиг айтди: Бу сўзларни ўринли сўзлаётирсан, улар ҳаддан ортиқ манфаатли сўзлардир.

Бу тану жон жафочидир ҳамда тубандир, жафокорга жафо қил, ўзингни сақлагин.

Тану жонни севиб, қанча яхшилик қилсанг, унга жавобан, шунча жафо кўрасан.

Жафочи тану жонга даво ҳамда илож борасида кишилар сараси жуда яхши сўзлабди.

Қимга жафо қилсанг жафо кўришга ҳозир бўл, жафочи ўз жафосини кунда етказаверади.

Қимни яхши тутган бўлсанг ундан хавотирланиб тур, у сени ёмонликлар билан зор-зор йиғлатади.

Эй элиг, мана бу уч нарсанинг семизи ярамайди, бири — ит, бири — ов қуши, бири — тану жон.

Буларни қаттиқ тийиб очиқтириш керак, токи шу туфайли бўйин суниб йўлга киришга мажбур бўлсин.

Кузатиб турилмаса ов қуши ўлжасини қидирмайди, ит семиз ва тўқ бўлса овни овламайди.

Тану жон тўйиб кетса маст туядек бўлади, яхшилар орасидан қочади, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак.

Ов қушинг овламаса унинг зарари бир ўрдақдир, итинг овни ташласа унинг зарари бир оқсувсардир.

Тану жон қутурса, бўйни йўгонлик қилса, сени ўтга ташлайди, фарёд билан йиғлатади.

Ҳеч вақоси йўқ қашшоқ бахтлёрдир, у борига рози бўлиб ҳамиша кўнгли бой юради.

Улуғлик, давлат, бахт — қут кишини мағрурликка етаклайди, киши ўз одамийлик бурчини унутади.

Мағрурлик бандасини тангридан узоқлаштиради, заковатлилар бундай йўлдан юрмайдилар.

Қашшоқ ҳам ўлади, шунингдек бой ҳам ўлади, икки газ олиб кетади, қора ер билан тенг бўлади.

Қашшоқ ўлса, халос бўлади, машаққати кетади, бой ўлса, мол-дунё қолади, унинг юкини гуноҳи ҳисобида олиб кетади.

Мана бу сўзлар айнан шунга мос келади, бу сўзлардан ўзингга улуш олгин:

Эй неъмат соҳиби, ўлим машаққатингдир, эй меҳнат соҳиби, ўлим роҳатингдир.

Қашшоқ ўлса, қутулади, машаққати кетади, ўлим тутса, эй бой, ҳисоб беришинг турган гапдир.

## ЭЛИГНИНГ УГДУЛМИШГА СЎЗИ

Элиг яна айтди: Бу дунёда чақадиган илон, чиён талайдир.

Ейиши учун овқати оз, заҳари кўпдир, яна мақтови кам, сўкиши беҳисобдир.

Заковатли қўл суниб оладиган нарсаси арзимасдир, билимли оч қолади, ейдиган нарсаси арзимасдир.

Бу дунё билимсиз учун жаннатдир, фароғатда шодланиб, ташвишсиз юради.

Дунё билимли учун тиканга тўладир, ерга оёқ босса дарҳол тикан киради, сақланиш керак.

Дунё ичи билимли учун заҳар-заққумдир, шу сабабли билимли неъматдан баҳра ололмайди, ўз тинкасини қуритади.

Шу сабабли зоҳидлар ўғил-қизни ташлаб, бу дунёни тарк қилганлар, бу сабабли обидлар масжид эшигига майл қилиб, бу дунёдан воз кечганлар.

## УГДУЛМИШНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ

Угдулмиш жавоб бериб бу сўзларни айтди: Барча сўзларининг рости — шу, зеҳн билан андазалаб иш тутгин.

Зеҳн солиб қарасанг бу дунёнинг қилиқлари, унинг тарзи-рафтори мисоли даҳшатли аждаҳо кабидир.

Ўзи парваришлайди, ўзи семиртиради, парваришлаганининг этини яна ўзи ейди, ўзи ҳалок қилади.

Дунёнинг аҳволига чуқурроқ назар солсанг ва уқсанг, унинг йўриғи ҳайратдан танг қоларли даражададир.

Одам Ато ва Момо Ҳаво дунёга тушиб, зурриёт тарқатдилар.

Улардан бошлаб то бу кунгача не-не мардлар, беклар беги дунёга келдилар, даври даврон сурдилар.

Не-не донолар, не-не ботирлар, мерганлар, не-не шижоатлилар, не-не мағрур эрлар, не-не қоядек келбатли мардлар бунёдга келди.

Не-не зукколар, не-не донишмандлар, телбалар, овсарлар, нобакорлар туғилдилар...

Баъзилари оз яшадилар, баъзилари — узоқ, баъзилари баландпарвоз сўзлаб, мағрурона бош кўтардилар.

Баъзилари яратган эгамга қарши туриб, ёйини созлаб ёв каби ўқ уздилар.

Энди бу байтни ўқигин, унда нима дейилади, эшитгин ва уқиб олгинда, ўз феълингни тузатгин:

Хоҳ донишманд бўлгин, хоҳ минг йил яшагин, бутун олам неъматларига эришиб ундан баҳраманд бўлгин.

Охири ўзинг қора ер бўлиб ўласан, ўлим тутса олиб кетади, тавба билан яшагин.

Қанчадан-қанча яхши билимдон, донолар қад кўтардилар, улар излаб тириклик ризқларини тополмадилар.

Бу кун худди туғилмагандек бўлиб, чириб, қора ер қаърида ётибдилар, назар сол.

Не-не турли, не-не янглиғ одамлар дунёга келдилар, қора ер уларни еди, ютди, назар сол.

Обод сарой, ўрда қасрларни ташлаб, қора ерни тўшаниб ётибдилар.

Ухлаётирларми, овозлари йўқ ёки нафаслари чиқмайди, уларнинг ҳоллари не кечаётган экан, билувчи қани?

Бу кунда барчаси эзгуликка интиқдирлар, ейиш ва кийиш уларга буюрмаган.

Ғамгинликда ўкинч билан ётибдилар, улар эзгуликни қўмсаб, минг-минг орзулардан умидвордирлар.

Энди тангри бизга бу кунларни ато қилди, бу елгин даврни беҳуда кетказиб бўлмайди...

Ўгдулмиш тилида олқиш айтди ва, эй доно бек, узоқ яша, умринг узоқ бўлсин, деб дуо қилди.

Севинч, шодлик билан узоқ яшагин, кўп фароғатлангин, эй феъли зарир.

Аттанг, сендай кишилар ўлиб, суяклари чириб қора ерда ётсалар-а!

Нима ҳам қила олиш мумкин, тангри бу дунё ишига шундай тартиб берган, эй эл бошловчилар сарвари.

Сенингдеклар гарчи ўлсалар ҳам, ўлик бўлмайдилар, чунки ўзинг эзгуликлардан улуш олгандирсан.

Хоҳ ўл, хоҳ узоқ яшагин, отинг тилларда эзгулик билан тарқалгандир.

Севгучиларнинг кўп бўлсин, севагувчиларинг бир-бир тумтароқ бўлсин, еринг кенгайсин.

Сўзини тугатди, ер ўпди, туриб ташқари чиқди, отини миниб уйига томон жўнади.

У келиб уйига кирди, еди, ичди, бир муддат ором олиб ётди.

Яна эрта туриб, ишини бошлади, маслаҳатлар берди, назорат қилди, ўзи ҳам ишлади.

Кўнгил, тилини тўғри тутди, феъл-атворини тузатди, ҳамма эгрилар тўғри йўлга кирдилар, феълларини яхшиладилар.

Олам гуллаб яшнади, кундан-кун эзгу дуо ортди, эзгу дуо билан кунлари бахтли ўтаверди.

Улар ўлдилар, эзгу отлари қолди, яхши номлари асло йўқолмайди.

Энди назар солгин, бу янглиқ одамлар одаммиканлар, бу — фариштанинг иши-ку.

Агар улар ўша даврда одам бўлган бўлсалар, бу кунги халқни ким деб атаса бўлади, айтиб бер?

Агар бизлар одам бўлсак, эй доно, шубҳасиз, уларни фаришта дейиш керак.

Уларнинг феъл-хулқлари, йўл-йўриқларидан ибрат олиб, сўзларига амал қилиб қутга эришиш керак, эй эзгу холам.

Уқувли уқади, билимли биладикки, одам албатта ўлади, бу дунё шубҳасиз қолади.

Сендан олдингилар ўлади, буни ўз кўзинг билан кўрасан, бундан ҳам улуғ панд, яхшироқ ибрат бўладими?

Қаср, ўрда, саройлар ҳаммаси қолади, инсон уларни доим банд қилиб туролмайди.

Қанчадан-қанча ўрда, қаср, саройларни, қалъаларни ўлим бузиб, қора ер билан тенг қилди.

Қанчадан-қанча шаҳар, қишлоқ, боғ, гулзорларни бу ўлим шип-шийдон ва холи қилиб қўйган, эй тирик, кўргин.

Қаср, ўрда, саройлар сенга қолади, сен уларни тасарруфингга оласан, мен учун мана шу панднинг ўзи кифодир.

Беҳисоб лашкар эгаси бўлмиш жаҳонгирлар қани, улар лашкарини қолдириб, қора ер билан тенг бўлиб кетди.

Қани ўша элим оз деган суқ эл бошловчи? У талай элларни зўрлик билан босиб олди, лекин баҳраманд бўла олмади.

Қани ўша одамлар ер-мулкларини куч билан тортиб олган киши? У бир қулоч ерга эга бўлиб, азоб чекиб ётибди...

Қани ўша бошқаларни топтаб оёқ ости қилувчи киши, у қора ерда тенг бўлиб, нечоғлик ранжида бўлиб ётибди?

Қани ўша дунё учун урушувчи киши? Дунё қолиб кетди, у эса ночор ўлди-кетди.



Қани тиним билмай бойлик йиғувчи киши? У икки газ бўз олиб кетди, энди бўлак нарса керак бўлмайди.

Қани ўша кўплаб ер-мулк истовчи киши? Унга қора ер кифоя бўлди, иши саранжом бўлди-қўйди.

Дунёнинг ҳоли мана шунақадир, заковат билан назар солсанг, барчаси тушунарли бўлади.

Роҳатлари кетидан машаққатлари, сезинчлари кетидан қайғулари, қадр кетидан қадрсизлик, шодлиги кетидан хафалик келади.

Ниманки бошингга тушса кўтаргин, ҳасрат-шикоят қилмагин, роҳат ортса унинг машаққати ҳам ортади.

Эй машаққат билан сабр қилувчи, таълим берувчи нима деганини эшит:

Эй неъмат соҳиби, шукр қилиб неъматлардан баҳраманд бўлгин, эй меҳнат соҳиби, сабр қилиб эгилгин.

Сабр қилсанг меҳнатинг, неъматинг бўлади, шукр қилсанг неъматларинг ошиб-тошиб кетади.

Эй доно, эндиги замонга бир назар солгин, барча иш-амаллар мутлақ ўзгариб кетди.

Билимлиларнинг қадрлари тушиб, таъқиб қилинганлар, заковатлилар, хўрланганлар лом-мим деб оғиз очолмайдилар.

Элда ярамас одамлар кўпайиб кетди, ювошлар оёқ ости ва озордийда бўлдилар, бошларини кўтаролмайдилар.

Фисқу фасод эгалари мард аталадиган бўлдилар, ичкилик ичмайдиган кишининг оти хасис бўлди.

Ҳалол бутунлай йўқолди, ҳаром эса авж олди, ҳаром еювчиларнинг кўнгилларини қора кир босиб кетди.

Ҳалолнинг фақат отигина қолди, ўзи кўзга кўринмайди, ҳаром торожи бошланди, уни еб тўйдим дейдиган одам қолмади.

Ҳаромни ҳаром дегувчи одам қани? Ҳаромни ташлаб ҳалол егувчи одам қани?

Андишали деб аталувчи тўғри, чин одам ким? Ундай одам қолмади-ку, ахир бир кун келиб ажрим қиладиган ҳақиқат кун ҳам бор-ку?

Кўнгиллар ҳаром билан кирланиб, жуда қорайиб кетди, ҳалолни истаб қаердан топса бўлади, эй ўғил.

Мана бу сўзлар бунга ўхшатишга жуда мос келади, бу сўзларни яхшилаб эшитиб ол, эй кўнгли тўғри:

Кўнглим ҳаром билан қора ва кир бўлиб кетди, ўзим билимнинг юздан бир улушига ҳам амал қилмайман...

Оламнинг тарзи мутлақ, бошқача бўлиб кетди, одамларнинг тиллари дилларидан бошқача бўлиб қолди.

Вафо йўқолиб кетди, халқ орасида жафо ривож олди, ишонса бўладиган одамни топиб бўлмайди.

Одамлардан вафо кетди, жафо авж олди, ишонадиган, таянадиган одамга қаҳат келди.

Қариндошлар орасида яқинлик-ёвуқлик узилди, эзгу дўстлар садоқатларини ташладилар.

Кичикларда одоб йўқ, улуғларда билим йўқ, пасткашлар кўпайиб кетди, оқкўнгиллар йўқолди.

Омонатнинг отигина бор, уни сақловчи одам қани, насихат сўзигина бор, унга риоя қилувчи одам қани?

Амри маъруф қилувчи одам қани, қолмади-ку, муртад ва мункирларни тижувчи одам қани?

Савдогарлар омонатларини ўртадан кўтардилар, ҳунармандлар насихат қилмай қўйдилар.

Билимлилар сўзларини тўғри сўзлай олмайдилар, аёллардан уят-андиша кетди, юзларини беркитмайдилар.

Тўғрилиқ кетди, ўрнига эгрилик келди, қани, бирор-та ҳам художўй одам қолмади-ку.

Жамоат кўп, масжидлар эса оз, етишмас эди, энди эса жамоат озайиб кетди, масжидлар бўм-бўш бўлиб қолди.

Барча одамлар пулнинг қули бўлиб қолдилар, кимда кумуш пул бўлса, ўшанга бўйин эгадиган бўлдилар.

Андишали одам нима деганини эшитгин, унинг сўзларини кўнлингга жо қилиб олгин:

Бирорта тўғрилиқ қилувчи одам борми, қани? Дўст тутиниб юрувчи одам борми, қани?

Борлиқ одам бузилди, буни кўриб ҳайратланувчи бирорта ҳам одам қолмади.

Кўнгиллар қаттиқ бўлиб кетди, тиллар эса юмшади, тўғрилиқнинг ўзи йўқолди, унинг ҳидигина қолди.

Ўғил отага оталиқ қилмоқда, гўё ўғил бек бўлиб, ота унга қул бўлиб қолган.

Тириклик қисқармоқда, аламлар узаймоқда, суқлик тобора ортиб бормоқда, севинчлар қисқармоқда.

Қашшоқ, тул ва етимларни ярлақовчи одам йўқ, олам тафтиш қилинди, уни кўриб ҳайратланувчи одам йўқ.

Оламни кўриб синаган сахий, қўли очиқ, билимли доно жуда яхши гапирган.

Олам охир бўлди, қонун-қоидалар бузилди, ёмонларга қараб яхшилар ҳам бузилдилар.

Заковатли тушунади ва билимли биладики, йил, ой ва кунлар ўтиб қулли явмин батардир.

Уғил-қиз ота ҳурматини ташлади, қари деган ном одам учун ҳақорат бўлиб қолди...

Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди, мен ушбу қиссамни андазалаб ёзиб тугатдим.

Ақлим етган нарсалар ҳақида ҳаттул имкон гапирдим, эй уқиб ўқувчи, сен ундан ўзинг учун баҳра олгин.

Йўл ва йўриқларинг қанақа бўлиши кераклиги ҳақида озроқ бўлса-да гапирдим, заминингни мустаҳкамла.

Менинг айтганларим ҳам дин йўли, ҳам дунё ҳақидадир, фақат шу йўлдан юргин бу йўлдан адашмагин.

Агар бу дунёни истасанг, йўриғи мен айтганчадир, агар охиратни истасанг, унинг йўллари ҳам таърифлаганимчадир...

Ўзим учун шуҳрат, донг, яхши ном истамадим, хоҳ ўзимга қарашли, хоҳ ёт-бегона бўлсин, ўзгаларнинг манфаатини кўзладим.

Уқиган ўқувчи мени эслаб ҳақимга дуо қилармикан, деган умид билан бу ишни қилдим.

Истагим ва умидим фақат шудирки, ўқувчи менинг ҳақимга дуолар қилсин.

Тилим сўзлади, қўлим эса уларни ёзди, бу қўл ва тил ҳам албатта ўзим билан кетади.

Қўл ва тилнинг ёдгорлиги мана шу китобдир, эй зийрақлар, уни ёзиб сизларга қолдираётирман...

## ЙИГИТЛИККА АЧИНИШ ВА ҚАРИЛИК ҲАҚИДА

Кезувчи булутдек йигитликни кетказдим, ўткинчи бўрондек тирикликни ўтказиб юбордим.

Эсиз йигитлигим, эсиз йигитлигим, мен сени қаттиқ тутишни удалай олмасдан қочиб юбордим.

Эй йигитлик, менга яна қайта келгин, шоҳи-ипакликларга ўраб-чирмаб, елкамда кўтариб ардоқлайин.

Эсиз бу йигитлик, у қани, қаёққа кетди? Қанча қидирмайин, уни истаб топа олмадим.

Тириклик лаззати, ширин жоннинг севинчи бўлмиш йигитликдек яхши нарса йўқ экан, мен кўп истаб сўроқладим.

Ешликнинг ҳаловати, йигитликнинг фароғатини мен қўлдан бериб қўйдим, тутиш керак бўлган пайтида қочиб қўйдим.

Агарчи гоз турсам ҳам қариликдан унинг фойдаси йўқ, афсуслар бўлсинки, умримни бекорга ўтказиб юбордим.

Эй йигитлик, сенга афсуслар чекиб ачинаман, бутун кўркимни сен олиб кетдинг, мендан узоқлаштирдинг.

Юзим арғувондек қизил эди, энди унга заъфарон уруғини сепдим.

Ипорли қора бошимни кофур билан беркитдим, тўлин ойдек тўкис юзимни қаёқларга жўнатдим?

Турли-туман гулларга бурканган чиройли баҳордек эдим, энди хазон тўкдиму борлиғимни қуритдим.

Бўйим қайиндек рост, ўқдек тўғри эди, энди ёйдек эгилиб, мункайиб қолдим.

Афсус, умримни айш-тараб билан беҳудага ўтказдим, энди ўкинчлар билан кўздан қонли ёш оқизмоқдаман.

Кичиклигимни ўтказиб юбордим, йигитликни йўқотдим, кунимни хиралаштирдим, ўзимни чўктирдим.

Емоқ-ичмоқ бўладиган бўлса, молдек едим-ичдим, тилак кетидан қувиш бўладиган бўлса, туман, тўзон кўтариб елиб-югурдим.

Фақат қуш овига маҳлиё бўлиб шодландиму, учар қушдек арғумоқни — йигитликни тузоғимдан чиқариб юбордим.

Дўсту ёрларимга ширин жондек эдим, душманларимни эса асовдек ҳуркитдим.

Қанчадан-қанча одамларнинг дилларини оғритиб ҳақоратлар қилдим, гуноҳсизларга қўл кўтариб ноҳақ зулм қилдим.

Евини мағлуб қилган марддек кўкрак кериб гердайдим, ўзимни мағрур тутиб қоя тошдек ғўдайдим.

Ичиб ётган одамдек ухлаб ғафлатга ботдим, уйғониб ўзимга келдим ва йўлдан озганлигимни тушуниб тангридан уялдим.

Тангрининг тоат-ибодатлари қолиб одамларнинг хизматларини қилдим, олам бўйлаб югуриб ўзимни ҳар ёнга урдим.

Тилак-орзулар кетидан анчай югурдим, қутурган бўри каби улиб оламга жар солдим.

Одамларни банди қилдим, зўрлик билан пул ва молларини тортиб олдим, баъзиларга ғазаб қилдим, баъзиларга озор бердим.

Раббим мендан нега бундай қилдинг, деб сўрайдиган бўлса, қандай қилиб алдашим мумкин, энди уятга тушиб қолдим.

Қайси бир телбанинг феъли бундан баттарроқ бўлади? Утаётган кунларимга маҳлиё бўлиб умримни ўтказиб юбордим.

**Ҳалса**т ва шодликлар ўтиб кетганидек меҳнат ва

машаққатлар ҳам ўтиб кетди, кун ва ойлар бекорга ўтиб борди, ўкинчга қолдим. Тахмин қилайинки, ё Хисравдек, ёки Қайсардек бўлдим, ё Шаддод ва Од каби боғи эрам бунёд қилдим.

Искандар каби бутун жаҳонни қўлга киритдим дейин, ёки Нуҳ ёшин тугал яшаб умр кечирдим, деб ҳисоблайин.

Ўзим яшиндек қиличли Ҳайдар бўлдим дейин, ёки Рустам каби оламга донг таратдим дейин.

Ё Исо бўлиб осмонга кўтарилдим, ёки Нуширавон каби одил сиёсат юритдим, деб ҳисоблайин.

Ё Қорун молу дунёсидек ганжим тугал бўлди деб билайин, ёки Асхоби Раъс каби темир шаҳар бино қилдим дейин.

Оқибати ерга қайтиш бўлгач, буларнинг нима фойдаси бор? Дунё қолмоқда, мен эса икки газ бўз билан кетмоқдаман.

Дунёга яланғоч келган эдим, ер бағрига ҳам яланғоч кираман, нима учун ўзимни бу дунё билан бунчалик маҳлиё қилдим?

Ўткинчи дунё шамол ва бўрондек ўтиб кетди, мен ўткинчи дунёга ғофиллик билан ўзимни босқин қилдим.

Тирикликка манфаат келтириши мумкин бўлган эзгу феълларим қани, йигитликда экинни қандай ерга эккан эканман?

Нима эккан бўлсам оқибат ўшани ўраман, нима ўриб-йиққан бўлсам, ўша билан ўзимни хушлайман.

Йигитликни ўтказиб юбордим, қариликка етишдим, қандай сўзларни тўкиб солган бўлсам, энди ҳаммасига тавбалар қилайин.

Узун тунлар ётмасдан тангримнинг тоатини қилайин, тинмай бедор йиғлайин, чунки гуноҳларга ботганман.

Оқибат илон, қурт, қўнғизларга емиш бўладиган бу танамни нима учун ардоқлаб неъматлар билан парваришладим?..

Қарилик қистовга олмоқда, йигитлигим йироқлашиб, кетган, ҳаловатларим йўқолган, у томон кетишга йўлимни тўғрилаганман.

Бу ўта кўҳна дунё беҳисоб халқларни авраб домига тортган, мен уларнинг қайси бириданман, нега бу дунёни бунчалик севганман? Ё рабб, доим ҳушёр тутавергин, сен ўзинг эгамдирсан, мени раҳматингдан четда қолдирма, кўнглимни поклаганман.

Гуноҳларни кечирувчи яккаю ягона эгам сендирсан, сен қилган гуноҳларимни ярлақаб кечиргин, энди гуноҳли ишларни унутдим.

## ЗАМОНА НОБОПЛИГИ, ДУСТЛАР ЖАФОСИ ҲАҚИДА

Турайин, борайин, юрайин, оламни кезайин, оламда вафоли одам бўлса, мен уни қидирайин.

Одамийлик қаҳатчилиги бўлди, чин одамни қаердан излаш мумкин? Қидириб топиш мумкин бўлса, бир қидириб кўрайин.

Вафога қаҳат келди, жаҳонда жафо тўлиб кетди, кимда вафо қолган бўлса, мен ундан озроқ сўрайин.

Мабодо бирорта вафоли сахий одам топа олсам, уни елкамда ардоқлаб кўтарайин, кўзимга суртайин.

Агар вафоли одамни топа олмасам, тоғларда кийиклар билан тириклик қилайин.

Овқатимга ўсимлик илдиз, ичишимга ёмғир суви бўлса бас, қумтепаларда тунайин, каноп кийим кияйин.

Ё ваҳший ҳайвонларга қўшилиб биёбонларда югурайин, одамлардан йироқлашайин, оламдан йўқолайин.

Бу ҳам бўлмайдиган бўлса оламни бирваракайинга елга берайин-да, дарёдек оқайин, тўзондек тўзийин-да, мутлақо йўқ бўлиб кетайин,

Эй эгам, мунгга қолдим, вафосизларга дуч келдим, агар вафоли қолган бўлса, ширин жонимни бағишлайин.

Одамнинг фақат отигина қолди, одамийлик маҳв бўлди, одамийлик феъли қаерга кетди, кетидан мен ҳам борайин.

Дунёда меҳру оқибатли одам йўқ, мен анчайин қидирдим, меҳрсизларга кўнглимни қандай қилиб боғлайин?

Кимни ўзимга кўздай яқин тусам, шайтондек душман бўлиб чиқди, шайтонни нима қилайин?

Кимни севган бўлсам ширин жон баробарида тутдим, ундан жафо келди, яна кимни севайин?

Тил ва сўз одамнинг кўнглини билиш учун белги эди, кўнгил ва тил ола бўлди, энди кимга ишонайин?

Бу кун кулфатда ўзимга кимни дўст деб билайин, ё кимга ишонайин ва кимни дўст тутайин?

Кимга кўнгил бериш ва мунгни кимга айтиш мумкин? Мунгга тушиб қолдим-ку, бир оз айтиб берайин.

Еру биродарларимдан ҳеч ишонч кўрмадим, қариндошларнинг феъллари ётларникидек бўлди, қандай қилиб айтайин?

Агар эминлик ва ишончлилик онт билан бўладиган бўлса, онтга рноя қилувчи ким? Мен уни мард деб атайин.

Нон-туз ҳақи деб риюя қилувчи ким, ўшандай одам борми? Мен уни кумуш-олтинлар билан кўмиб ташлайин.

Шодлик ва қайғуда шерик бўлувчи қўшни ва ошналар қани? Бор бисотимни берайин, ўзим уйдан чиқайин.

Ёру биродарларим деб ишонса бўладиган ким бор? Уни бек тутиб, унга қул бўлайин.

Мен чин одам тополмадим, ёлғиз мунг чекмоқдаман, алам билан куяётирман, бир севинч билан ҳам кулайин.

Халқ қандайин айниди, қандай эзгу одатларни ташлади, мен ўзи қандай замонга тўғри келиб қолдим, энди қаерда турайин?

Ёки телба, жинни бўлдимми ёки ақлдан оздимми? Нималарни гапираётирман? Айтиб бергин, уқайин!

Ёки савдом кучланиб миям айнидимикан, кўзимга шундай кўринаётирмикан? Ундай бўлса дори ичайин.

Бу янглиғ одамлар фақат менгагина тўғри келдимикан ёки мен ўзим тескари одаммиканман? Айтиб беринглар, мен бу йўлдан қайтайин.

Эсиз, эсиз, қани у яхши одамлар? Жаҳонда улар эзгулик номини қолдириб кетдилар. Мен уларни мақтайин.

Улар бу кун мана бу қонун-қоида ва феъл-атворларни кўрганларида, агар буларни ўшалар қолдирган бўлса, мен севинчли бўлайин,

Улардан қолмаган бўлса, яхши қонун-қоидаларни, тартиб ва одатларни айтиб берсинлар. Яхшилар тўрга чиқсинлар, ёмонларни сурайин.

Ҳамма яхшилар ўлди, яхши одатларни ўзлари билан олиб кетди, одамларнинг энг тубанлари қолди, эзгуликни қайдан топайин?

Шу бош кўтариб юрганларнинг барчаси одам бўладиган бўлса, улар фаришта бўлган эканмилар, бунни қайдан билайин?

Улар ўлиб кетдилар, энди мен булар билан қолдим, қаандай қилиб юрайин, қайси қилиқларим билан ярайин?

Сўзини қанча сўзлаганим билан сўз асло тугамайди, мана шунчаси бас энди, яна сўзлаш нимаси? Яхшисни кўздан гойиб бўлайин.

Ўзим учун бошқа бирор яхшироқ чора тополмадим, қишлоқ ва шаҳарларни тарк этайин ва одамлардан йироқлашайин.

Отимни билмасинлар, ўзимни кўрмасинлар, қидириб топмасинлар, сўзларимни тугатайин.

Чиёндек чақадилар, чивиндек сўрадилар, кўппакдек қопадилар, қайси бирини қайтарайин?

Эндиликда тубанларга дуч келдим ва улиб йигладим,  
Ўкинч билан тун-кун қанча машаққат тортайин?

Жабру жафонинг барчаси менга келавермасин, тубан,  
мунофиқлардан чеккароқда юрайин.

## КИТОБ МУАЛЛИФИ ЮСУФ УЛУҒ ҲОЖИБ УЗИГА ТАСАЛЛИ БЕРИШИ ҲАҚИДА

Билим ол, тинимсиз билимни сўра,  
Билимнинг йўлидан адашма сира.  
Билимсиз юрак, тил нимага ярар?  
Билим бирла сувдек ҳожатга яра.  
Неча бўлма доно, яна бил, тила,  
Тилакка етарсан билимга кўра.  
Билимдан йироқсан биларман десанг,  
Билимсиз саналдинг билимли ора.  
Билим бир денгиздир туби йўқ, таги,  
Ичар қанча ҳам сув семурғ қуш сўра.  
Билим бирла доим бошинг банд этиб,  
Жаҳолатни бошдан чиқаргин сура.  
Билим бил, одам бўл, улуғла ўзинг,  
Ё йилқи аталиб, далада юр-а,  
Билимли боши банд бўлар ўй билан,  
Билимсиз севинч-ла кулар «қаҳ» ура.  
Билимли ҳамиша кишанда юрар,  
Жоҳиллар юрарлар кишан синдира.  
Узатиб қўлимни билим истадим,  
Саралаб сўз айтдим мен инжу тера,  
Бу туркийча сўзлар—мисоли кийик,  
Уни аста тутдим яқинлаштира.  
Силаб-сийпаладим, бўйин берди тез,  
Емиш бердим унга меҳр орттира.  
Авайлаб қўлимга киритдим уни,  
Келар мушки, атри димоққа ура.  
Сўзим чин, ва лекин дағал ҳамда талх,  
Бу чин сўзни доно олар сингдира.  
Уқувчига ортиқ малол келмасин,  
Ўзингн улардан узрлар сўра.  
Дема тўғри сўздан бўлак сўзни сўз,  
Чину эгри фарқи — мисли оқ-қора,  
Эди тўрт юз олтмиш экинчи йили,  
Бу қиссамни ёздим жонимни бера.  
Тугатдим тугал ўн саккиз ой ёзиб,  
Саралаб ва сайлаб сўз айтдим тера,



Очилган чечакдек ҳиди тарқалар,  
Баён қилдим ортиқ тараддуд кўра,  
Неча сўзлаган-ла тугамайди сўз,  
Оқиб тинмас, ортар булоқлар ора.  
Эй Юсуф, керак сўзни сўзла фақат,  
Кераксиз сўз айтсанг бўлар юз қора.  
Талай сўз сўзлама, тузи кетмасин,  
Талай сўз одамни қилар дил хира.  
Инончсиз фалакнинг йўриғи жафо,  
Қочар яхшилардан йироққа сура,  
Бу дунёга бунча ёпишма ўта,  
Сен ундан кўнгил уз дадилроқ тура,  
Умид боғлама дунё-давлатга кўп,  
Эганга сиғингин ўта ёлвора.  
Талай халқни элтти вафосиз фалак,  
Улар тўғри йўлдан озишди, қара.  
Гали сенга келди, безаниб қулар,  
Уни севма оз бўлса-да, қайғурма,  
Не-не даври келган жаҳон бекларин,  
Улим олди, кетди кўзи телмура,  
Дариғ кетди, э воҳ, йигит онларим,  
Укинч-ла тугар бу умр қайғурма,  
Неча минг яшасанг, ўларсан охир,  
Жам этган молинг орқада қолдира,  
Умид сендан оллоҳ, ўзинг асрагин,  
Бу гафлат хобидан кўзим очдира,  
Уятсиз қулингман, гуноҳим талай.  
Шафесан, караминг чеки йўқ сира,  
Гуноҳларни қилдим ва юрдим қочиб,  
Қилиб тавба келдим бугун ёлвора.  
Нимага ишондинг, аё мунгли жон,  
Қаерга таяндинг кўрар кўз кўра?

# \*ҲИБАТ-УЛ-ҲАҚОЙИҚ\*

## („ҲАҚИҚАТЛАР СОВҒАСИ“)



Қадимги туркий ҳамда эски туркий тил даврларида оламшумул ёзма манбалар битилган, бир гуруҳ ёзма манбалар руник ёзуви билан тошларга ўйиб ёзилган, иккинчи бир гуруҳ ёзма обидалар руник ҳамда қадимги уйғур хати билан махсус тайёрланган пергамент—кийик териларига битилган. Шунингдек, эски туркий тил даврига оид ёзма ёдгорликлар араб ҳамда қадимги уйғур ёзувида ҳам ижод қилинган.

XII—XIII асрда Адиб Аҳмад Югнакий томонидан ижод қилинган «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси») ёзма ёдгорлиги ҳам эски туркий тил даврига мансуб асардир, эски ўзбек тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган ёзма манбалардан бири ҳисобланади. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ёзма манбасининг бешта нусхаси сақланиб қолган, бу ёзма манбанинг учта нусхаси деярли тўла сақланган, иккита нусхаси айрим парчалардан иборат. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» ёзма манбаининг тўлиқ нусхаларидан бири Ҳиротда, XV асрда қадимги уйғур ёзуви асосида кўчирилган, асарнинг иккинчи тўлиқ нусхаси 1480 йилда Стамбулда Абдураззоқ Баҳши томонидан араб ёзуви билан кўчирилган. Бу ёзма манбанинг араб ёзуви билан кўчирилган учинчи нусхаси XVI аср бошларига мансуб. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ»нинг асосий нусхалари Туркия кутубхоналарида, айрим парчадан иборат бир нусхаси Берлинда сақланмоқда. Асар 256 байтдан (512 мисрадан) иборат, ғазал ва тўртлик шеър формаларида

ёзилган. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» Туркияда (1915—1916, 1951 йилларда), Тошкентда (1971, 1972 йилларда), Пекинда (1980 йилда), Олмаотада (1984 йилда) нашр қилинди. Аҳмад Югнакий ўз асарида мадҳиялардан сўнг XII—XIII асрларда юз берган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини очишга уринган, адиб ўз фикрларини замонасининг фалсафий йўналиши асосида талқин қилган.

Адиб ўз халқини маданиятли ҳаётга йўллаб, илм-маърифатга чорлаган, ижтимоий ҳаётдаги иқтисодий тенгсизликка қарши фикр билдирган.

Ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни, тенгсизликларни ахилик (саховат), ҳарислик (очкўзлик), бахиллик терминлари орқали акс эттирган, имтиёзли табақаларни ахилик орқали ижтимоий бойликни тақсим қилишга чақиради, ҳарис — очкўз бойларни танқид қилади. Илм-маърифат жамият тараққиётида энг зарур масалалардан бири эканлиги таъкидлаган.

Табиат ва жамият ҳодисалари тўхтовсиз ўзгариб туриши, миқдор, сифат, бoғлилик, инкор каби тарихий-диалектик қонунлар ўз даврининг фалсафий қарашлари орқали талқин қилинган.

## АҲМАД ЮГНАКИЙ

### «ҲИБАТ-УЛ-ҲАҚОЙИҚ»

#### КЕНГАЙИШ, ҚИСҚАРИШ, ЎЗГАРИШ ВА ДУНЁНИНГ БИРЛИГИ ҲАҚИДА

Йўқ эдим, яратдинг, яна йўқ қилиб, қайта (иккинчи) вужудга келтирасан, бунга иқрорман.

Эй, шак-шубҳа йўлида кун кечирувчи, уйғон, ўлимдан олдин ўзингни ўтдан (жаҳолатдан) торт.

Тангрим, тунни, кундузни яратди, (У) шарқдан ғарбга томон ўтиб, бир-бири билан алмашилиб туради.

Тунингни кундузга, кундузингни тунга ўзгартириб яна тонг оттира беради...

#### УЛУҒ АМИР ДОД СИПОҲСОЛОРБЕК ТАНГРИ ЕРЛАҚАҒУРНИНГ МАДҲИ ҲАҚИДА

Эй тил, мадҳ қил, қани баён эт, мен уни шоҳимга совға қилайин.

Ўқимишли кишинг руҳи севинсин (деб) шоҳим мадҳи учун китоб безадим (ёздим).  
Йўл-йўриқ билмас кишига билим ўргатади, йўл кўрсатади, унинг вужуди эҳсонга тўла, ҳиммати баланддир.  
У ақл, хуш, яхши хислат маконидир, билим манбаи ҳам фазилат конидир.  
Унинг ҳиммати Симак юлдузидан баландроқ, саховатда етук, дардга дармони таъсирлидир.  
Раиятга (халққа, деҳқонларга) шафқатли, яхши муомилали бўлиб, ғазаб қилганда арслон кабидир.  
Салобат ва қувват бобида Умардек навжувон кучлидир, саховатда эса Усмондек юксакдир.  
Унинг тетиклиги, сезгирлиги аёз (фазо)дан юксак, инсоф ва додга етишда Нуширавондекдир.  
Унинг саховатидан булутлар уялар, душмани эса унинг бу хислатларига аминдир.  
Эй, шоҳим, фазилатларинг саногини қум, тош уюми каби ҳисобига етиб бўладими?  
Сиёсат, бошқарув ва раҳбарлик ишларида (у) йўл кўрсатувчи (машъал)дир, буни эшит, тингла.  
Яна ҳар ишга қодир, мурувватли, саховатли улуғ тангри бу барча хислатларни шоҳимга ато қилди.  
Агар булут бир томчи сувни ҳадя қилса, денгиз оз ёки кўп демай, тўлқинлана беради.  
Денгиздан минг қайта улуғ шоҳим бу оз ҳадяни қабул қилса, ажаб эмас, деб умид қиламан.

## БУ КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ ВА ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА

Дунёда номи қолсин деб, Сипоҳсолорбек учун бу китобни ёздим.  
Қитобимни ўқиган, кўрган, эшитган киши шоҳимни дуо билан ёд қилсин деб (ёздим).  
Келгуси авлодлар учун унинг номи мангу эсдалик бўлсин деб (ёздим).  
Унинг муҳаббати билан кўнгиллар тўлиб, ёди билан дунё тўлсин деб (ёздим).  
Ўқимишли, саводли (кишилар) ундан фойдалансин деб қўлланма учун китоб безадим (ёздим).  
Мен буни муҳаббатимни яхши (тугал) билсин деб шоҳимга тортиқ қилдим.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ: ИЛМ МАНФААТИ, ЖАҲОЛАТНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга қулоқ сол, илмли кишига ўзингни яқин тут.

Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бахт йўлини изла.

Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир, илмсиз, жоҳил киши қимматсиз емишдир (мевадир).

Билимлик киши билан билимсиз одам қачон тенг бўлади, билимлик хотин киши — эр кишидир, билимсиз эркак — хотин кишидир.

Илмсиз иликсиз сўнғак каби бўшдир, иликсиз сўнғакка эса қўл урилмайди.

Илмли кишиларнинг (номи машҳур бўлди, билимсиз (кишилар) эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргуликдир.

Билимли киши ўлса ҳам, унинг номи ўчмайди, илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўликдир.

Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг, илмли кишилар илмнинг қадрига етади.

Энди ўзинг синаб, ўқиб, боқиб кўр, билимдан фойдалироқ қандай нарса бор.

Билим билан олим кўтарилди, илмсизлик эса кишини тубанташтирди.

Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, ҳақ расули (пайгамбар) ким илмли бўлса, уни сиз мақтанг деб айтди.

## ИЛМ УРГАНИШ ҲАҚИДА

Билимли киши илмни фарқлайди, эй дўст, илм қадрини билимли одам билади.

Билимнинг қадрини кишига илм билдиради, билимни нодон, тубан киши нима қилади.

Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўғит-насиҳат фойдасиздир.

Бир қанча ювиқсизларга ювиниш учун буюрилса тоза бўлур, аммо жоҳил қанча ювинмасин пок бўлмайди.

Билимли киши ўз ишини билиб қилади, билиб қилган ишига кейин ўкинмайди.

Қандай иш бўлмасин билимсиз наздида ўнг кўринади, унга ташвиш, қайғудан бошқа чора йўқ.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб яширади.

**Билимсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди.**  
**Билимли кишининг сўзи ўғит-насиҳат, адабдир, шунинг учун илмиларни Араб, Ажам олқишлади.**  
**Молсиз фақир кишига унинг илми туганмас бойликдир, ҳисобсизга унинг билими ечилмас (очилмас) ҳисобдир.**

## **ИККИНЧИ БУЛИМ: ТИЛНИ ТИЙИШ ВА АДАБ-АХЛОҚ ҲАҚИДА**

**Билимли киши нималарни сўзлайди, сен унга қулоқ сол, адаблар боши тилдир, уни тиймоқ зарур.**  
**Тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сўзлаб юборсанг) (тилинг) чиқиб қолса, тишингни синдиради.**  
**Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.**  
**Сўзинг аччиқ, тилингни тийиб тут, эрк берилган тил бир кун бошингга етади.**  
**Тили бўш, заҳар кишининг ақли етук бўладими? Тил ва сўз бўши кўп кишиларнинг бошини еди.**  
**Кишини ўчакиштирама, (унинг) тилини бил, бу тил эраланса (бузилса) тузалмайди, ўқ яраси эса битиб кетади.**

## **УҚ ЯРАСИ, АҚЛДАН ОЗИШ, ТИЛ ЖАРОҲАТИ ВА УНИ ТИЙИШ ҲАҚИДА**

**Аҳмоқ кишининг тили ўзига душман, кўп кишиларнинг қони тил туфайли тўкилди.**  
**Кўп сўзлаганлар ичида ўкинган кўпдир, тилни тийганлар орасида ўкинган борми, қани?**  
**Киши бошига тушган ҳар қандай иш унинг тили туфайли содир бўлади, бу тил сабабли айримлар яхшилик, айримлар ёмонлик кўради.**  
**Бу сўз (ўғит-насиҳат) барчага тенг, (улар сўзни) тилга жо қилиб сиғинадилар.**  
**Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан.**  
**Расул кишини ўтга ташловчи тилдир, деб айтди, шунинг учун тилингни тий, ўзингни ўтдан торт.**  
**Бир кишида икки нарса бўлса, у кишига мурувват йўли ёнилади.**

Биринчидан беҳуда сўзлар билан вайсаса, иккинчидан, бу кишининг сўзлари ёлгон бўлса...  
 Ёлгончи кишидан ўзингни узоқ тут, умрингни сен тўғрилиқ билан кечир.  
 Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, сўзни тўғри сўзла, дилингни беза.  
 Тўғри сўз асал кабидир, ёлгон (сўз) саримсоқ пиёздир, саримсоқ пиёз еб, оғизни ачитма, асал егин.  
 Ёлгон сўз касаллик кабидир, чин сўз шифодир, бу сўз тўғрисида шундай масал тўқилган.  
 Тўғри бўл, тўғри иш қил, тўғри деб ном чиқар, халойиқ сени тўғри деб билсин.  
 Тўғрилиқ тўнини кий, эғрилиқ тўнини еч, киядиган (кийим) тўннинг яхшиси тўғрилиқ тўнидир.  
 Сириггни маҳкам тут, (уни) киши билмасин, сўзингдан ўзингга ўкинч (пушаймон) келмасин.  
 Барча яширин ишларинг ошкора бўлиб, кўрган эшитган (киши)лар сенга кулмасин.  
 Дўстим деб, ишониб сир айтма, эҳтиёт бўл, гарчи қанчалик яқин, ишончли дўстинг бўлса ҳам.  
 Сириг (розинг) ўзингда сақланиб, сингиб турмагач, у дўстингда сақланмайди, бунга яхши ўйлаб кўр.

## **УЧИНЧИ БУЛИМ: ДУНЁНИНГ ЎЗГАРИБ ТУРИШИ ҲАҚИДА**

Бу дунё қўниб яна кетадиган работдир, бу работга тушиб ўтувчилар қўниб кета беради.  
 Олдинги карвон йўл босиб ўзиб кетди, (шу) олдинги карвон неча манзилни (босиб) ўтди.  
 Бу дунё (бойлиги) орқасида қанча (кишилар) югурмоқда, хасис ҳам нарса (бойлик) фойдали деб ўзини қийнайди, (ўзига зўр беради).  
 Бунча ҳам молга кўнгил қўймоқ не керак, бу бойлик келса кўпаяди, озаяди ва йўқ бўлади.  
 Кўнгилдан молга бўлган суқликни чиқар, фақат кийим билан қорин тўқлигини кўзла.  
 Бойлик—камбағаллик ва емиш-озуқ йўқлигидир, (аслида) озиқ-овқат йўқлигини қашшоқлик деб айтма.  
 Бу дунё бойлигидан егулик, кийгулик бўлса етарли, ортиқча тилама, унинг ошиқчаси зиён ва офат келтиради.  
 (Расул дунёни экинзор, деб атади. Экинзордан пишган яхшилиқ уруғини тер.) Деҳқончилик билан шуғулланган кишиларнинг озуқаси яхшиланади.

Бу дунё лаззати бебаҳо, унинг мазали кечган пайти елдек ўтиб кетади.

Ўнги эскиради, йигит қарийди, (бели) қувватли бўлса букилади, кучи кетади.

Бу дунё бойлиги бугун бор бўлса, эртага йўқ бўлади, сен меники деган нарсалар бировларга қолади.

Барча тўлган нарсалар озаяди, емирилади, бутун обод ерлар оқибатда хароб бўлади.

Қанча обод ерлар бор эди, халқи сиғишмас эди, халқи йўқ бўлди, жойлари бўш, эгасиз бўлиб қолди.

Қанчадан қанча доно, файласуфлар бор эди, энди уларнинг мингидан бири йўқ.

Дунё кулиб боқади яна қош ва манглайи билан хўмраяди; бир қўли билан бол тутса, иккинчи қўли билан заҳар қўшади.

Қўли билан асал едириб, таомни лаззатли қилиб, кейинги қадаҳга эса заҳар қўшиб беради.

Ширинлик тотисанг аччиққа йўй, кишига бир йўл роҳат келса, орқасидан ўнлаб қийинчилик келади.

Эй, ранж ва қийинчиликсиз роҳат истовчилар, дунёда умид қачон амалга ошган.

Бу дунё аврайдиган илон кабидир (уни) ювош, юмшоқ деб йўйсанг, ичи аччиқ ичимлик каби оғудир.

Илон юмшоқ, ювош бўлиб кўринса ҳам, ёмон феъллидир: ювош деб инонмасдан, ундан узоқ туриш керак.

Кўргин, бу дунё сиртдан кишига жуда кўркамдир, ички томони эса минглаб ёқимсиз нарсалардан иборат.

Дунёнинг кўркли ташқи гўзаллигини кўриб, унга кўнгил қўймоқ (сенга) хатоликларнинг бошланишидир.

## **ДУНЁГА МУҲАББАТ ҚЎЙИШ ХАТОЛАРНИНГ БОШИ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА**

Ниқоб кўтарилади, дунё юзини бир оз очиб кўрсатади, гўё қучмоқчи бўлиб қўлларини очади ва яна қочади.

Ўткинчи кўклам булутидек ё тушдек қуруқдир, бахт тўхтовсиз ўтади ёки қушдек учиб юради.

## **ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ: САҲОВАТ ВА БАХИЛЛИК ОҚИБАТИ ҲАҚИДА**

Эй дўст, билимли киши изидан бор, агар сўзласанг, ўйлаб, билиб сўзлагин.



Мақтасанг сахий кишини мақтагин, бахил кишига қаттиқ ёй ўқини сақлаб қўйгин.

Ҳамманинг тили саховатли кишининг мадҳини қилади, сахийлик кишиларнинг барча камчиликларини ювиб кетади.

Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, яънат келтирадиган йўлни саховат беркитиб қўяди.

Юмшамас кўнгилни сахий юмшатади, етиб бўлмайдиган муродга сахий киши эриша олади.

Бахилликни мақтовчи тил топилмас, сахийликни хос кишилар (аёнлар) ва бутун халқ мақтайди.

Сахий кишилар билимнинг қадрига ета бўлганини, шунинг учун бутун молини сотиб мақтов, олқиш олганини кўр.

Дунёда умри қисқа бўлган киши яхши ном қолдириб узоқ яшаб турганини кўр.

Бахил киши меҳнатсиз ҳаром йўл билан кўп олтин, кумуш йиғди, натижада у дунёга лаънат ва бадномлик орттириб кетди.

Унинг моли кишиларга тақсим бўлди, бахил эса (ундан) фақат сўкиш, лаънатгагина эга бўлди.

Мол йиғиб бировларга инъом бермаганлар, лаънат ва сўкишга сазовордирлар, агар сен инъом қилиб турсанг, қанча мол-дунё йиғсанг йиғавер.

Дунёда яхши ва нуқсонсиз ном сахийликдир, бахил эса кўркисиз от эканлигини бил.

Қўллар нчида инъом берувчиси бахтли (қўл)дир, ўзи олиб бошқаларга бермаган (қўл) қўлларнинг қутсизидир.

Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир.

Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун ёпиқдир.

Кўзи оч бахил киши қанча мол тўпласа ҳам, кўнгил тўлмас, у мол-дунёнинг қули, давлати унинг устидан ҳукмрондир.

Халқнинг етуғи сахий кишидир, сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради.

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, саховат сени севиқли қилади.

Бахил, нокас, олчоқ, тубан киши, ўз молининг посбондир, бойлик йиғиб, уни емай, ичмай сақлайди.

Ҳаёт пайтида дўстига ошини, тузини торттирмайди, ўзч ўлгач, моли қолади, сўнг унинг моли душманига буюради.

## **БЕШИНЧИ БЎЛИМ: ТАВОЗЕЛИК МАНФААТИ, КИБРЛИК ВА ХАРИСЛИКНИНГ ЗАРАРИ ТУҒРИСИДА**

Яна бир сенга кераклик сўзим бор, мен уни айтайин, сўзимга қулоқ сол.

Такаббурликни бошдан ошириб ташла, тавозега қаттиқ амал қил, унга ўзингни яқинлаштир.

Такаббур қилиғи барчанинг тилида нафрат қўзғатади, мулойимлик эзгу нарсадир.

Кимда-ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на халқ, на тангри севади.

Дунё молини тамоман тўплаган киши уни ея олмай ўлиб кетди, унинг ҳолини кўринг.

Хотини бу дунёда бир ёт эркак билан қолиб, эри эса гўрда ётиб ҳисоб беради.

Кибрлик либосини кийиб, кўксингни халққа кериб, тилинг билан озор беришдан сақлан.

## **ТАВОЗЕНИ ОШИРИШ ВА КИБРЛИКНИ ТАШЛАШ ТУҒРИСИДА**

Кибрлик қилишинг мол-дунё туфайли бўлса, кибрга қўл чўзишинг (ҳам мол-дунё) туфайлидир.

Мол-дунёнинг фойдаси нимага арзийди, (ўлганда) яланғоч кетасан, ҳамёнинг, тўрванг, сандиғинг қолиб кетади.

Такаббур асилман деб айтса, мен унга кескин жавоб берайин.

Бу халқ наслининг ота, опаси бир, у дунёда зотан ораларида фарқ бўлмайди...

...Яна ўғит-насихатимни олгин, узоқ чўзма, амал (ўйлов)га кириш, амал (ўйлов) замирида ажал яширинган бўлади.

Амал (ўйлов) деб айтган нарсам, эй дўст, бу кўп ўйлашдир, сен кўп ўйланиб ўтирма, кўпроқ амал қил.

Кийим, тўн, шароб, ош, кўп мол-дунё, хизматкор қул керак, деб айтасан.

Агар бир умрга етадиган мол-дунё йиққан бўлсанг, энг аввал бўрк киювчи бош керак.

Мол-дунёга ҳирс қўйиш кишига ёмон хислатдир, ҳарисликнинг сўнги ғам-ғусса, ҳасратдан иборат. Бу бойлик, камбағаллик худонинг қисмати дир (буйруғидир) ҳарислик кишилар учун фақат заҳматдир.

## ҲАРИСЛИК ҲАҚИДА

Ҳарис дунё молини йиғиб тўймас, ҳарис одам қариса ҳам, унинг ҳарислиги қаримас.

Ҳарис киши ҳарисликни фақат ўлиб, тупроққа киргач қўяди.

Ҳарис киши мол йиғишда эринмас, тинмас бўлади, ҳарислик касалининг давосини ким билади?

Агар бирор киши томонидан (даромад манбаи ҳақида) хабар берилса, у икки ҳовуч динорни ўн ҳовуч қилади.

## КИШИЛАРНИНГ ИККИ «ВОДИЙ» ТУЛА ОЛТИНИ БУЛСА ҲАМ, УЧИНЧИСИНИ ИСТАШИ ҲАҚИДА

Эй дунёга ҳирс қўйган киши, қани менга айтиб бер, ҳарислик нега керак?

Пешананг тор ёки кенг бўлса ҳам ризқинг ёзилган, ҳарислик қилиб, буни яхшилаб бўладими?

## ДУНЁ НЕЪМАТЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТИ ҲАҚИДА

Асли тоза кишининг қилиғи кўрклидир, бу ёқимли хулққа кўнгили мойил бўлади.

Бир кишидан иккинчи кишининг тафовути кўпдир. Аммо кўра билмас киши учун тўғри нарсалар бурканган бўлиб кўринади.

## СУНГГИ БУЛИМ: АХЛОҚНИНГ ҚАРОМАТИ, ҲАРИСЛИКНИ ТАШЛАШ ҲАҚИДА

(Кишиларнинг) ҳамма феълени тугал кузатгин, ким карамли, шафқатли бўлса, уни эр киши деб ҳисоблагин. Қарамсиз, шафқатсиз киши мевасиз дарахт кабидир, Мевасиз ёғочни кесиб ёндиргин...

...Сенга жафо қилувчига сен вафо билан жавоб қил, қонни қон билан қанча ювса ҳам, у аримайди.

Яхши яроқли ошингни кишига едир, яроқли нарса (кийимлик) топсанг яланғочларнинг йиртилган кийимини бутла.

Зинҳор кишига зўравонлик ва зулм қилма, агар киши кийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер.

Ёмонлик қилган кишига сен яхшилик қил, бу карам — шафқатнинг бошланишидир, буни яхши англа.

Агар бирор кишидан яхшилик кўрсанг, у кишини кўп мақта, дуо қил.

Гуноҳкор кишининг гуноҳини кечир, адоват илдизини қазиб ташла, кес ва қўпориб ташла.

Ғазаб ўти тутаб, алангаланиб ёнса, мулойимлик билан шафқат, марҳамат, ҳақиқат сувини сочиб, уни ўчир.

Карам, шафқат кишига бир бинодек, унда яхши хислат ҳосил бўлади, у майдон каби (кенг гулзор, ундан карам ол) қўлдир.

Одобли бўлишга ёндашиб (ўзингни) камтар тут, тартибли кишиларга озод жон қул бўлсин.

Эй, дўст, улуғларни иззат қил, фойдасиз ҳар нарсага аралашиш ва тортишувдан (ёмон одатлардан) сақлан.

Бу ярамас қилиқлар улуғларнинг ғазабини қўзғатиб, кичикларнинг хулқини бузади, буни яхши билиб қўй.

Бало келса севинчга йўйиб сабр қил, қийинчиликни ичингда сақлаб шодлик келишини кутиб тур.

Меҳнат, машаққат ўти сўнар, сўнг сабрли кишига савобга эришиш навбати етади.

Улуғликка етишсанг янглишма, агар атлас кийсанг, бўз кийганингни унутма.

Улуғлигинга яраша яхшироқ бўлиб, улуққа-кичikka сўзингни силлиқ, мулойим қил.

## **ОХИРГИ БУЛИМ: ТУРЛИЧА МАЪНО БИЛДИРУВЧИ БАЙТЛАР ҲАҚИДА**

Сўзни уқиб сўзла, шошиб гапирма, (кераксиз, ярамас) сўзингни яшир, ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма.

Мингта дўстинг бўлса кўп кўрма, биргина душманинг бўлса, уни оз дема.

Алайҳуссаломнинг минг дўстандан бир душман кўп дегани. Кўп тадбирли, тетик кишиларнинг қўлидан бирор саховат келади, ҳунармандлар қанча етук бўлса ҳам унинг бирор камчилиги бўлади.

Бу бир айб учун одамларнинг бошини кесувчи киши, дунё яшайдигап кишиларсиз қолади.

Яхши феъл билан киши кўнглини олиб, ўзингни ёмон қилиқлардан сақлаб яша.

Бирор иш қиладиган бўлсанг керакли, кераксизми эканлигини тўғри билиб, ўйлаб қил.

Қандай иш сенга тўғри келса, у ишнинг ўнг, сўнгги (аввали ва охири) нима бўлишини ўйлагин.

Севинчли (нарса) бўлса, унга кўнгилни яқин тут, агар қайғули (иш) бўлса ундан узоқроқ сақлан.

Яхши киши қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон киши эса яхшилик қайтариш учун жавоб топа олмайди.

Эй, ёмонлик қилиб яхшиликдан умидвор бўлувчи, тикан излаган (қидирган) киши ҳеч вақт узум узмайди (кесмайди).

### **БИРОР ИШ ҚУЛДАН БОЙ БЕРИЛГАНДА, УНИНГ ЗАРАРИДАН САҚЛАНИШ, ТИКАН ЭҚИЛСА, УНДАН УЗУМ БИТМАСЛИГИ ҲАҚИДА**

Улфатли яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлади, яхши улфат кишидан кўп яхшилик келади.

Ёмонга яқин юрма, ёмоннинг суҳбати тезлик билан сени ярамас қилиққа ўргатади.

### **ЗУЛМ ВА ЖИНОЯТ ЙЎЛИДАН САҚЛАНИШ ҲАҚИДА**

Дўстлик деган нарса бир мажоз бўлиб қолди, ҳақиқат қани, минг дўстандан бир тўғриси топилмас.

Кўпроқ кишининг ичи қора (ғайир) бўлади, чин дўстинг бўлса, унинг дўстлиги юзаки деб бил.

Бу дунёнинг шу кунларида кишилик нақадар азиз, қани у ҳақиқий инсонлик? Қаерда, йўқ бўлиб кетди.

Вафо кўллари қақраб, йўллари қуриди. Денгиздан ҳам мўл бўлиб жафо тўлиб тошди.

Қани аҳдга риоя, қани омонат, қани яхшилик, тўғрилиқ (адолат) келгунча, хайр-эҳсон кетади.

Боши кетган яхшиликнинг сўнгги ҳам кетгуси, олди келган яхшиликнинг охири ҳам келгуси.

Дунё душманлик, адоват, жабр, жафо билан тўлди. Қани бирор вафога риоя қилувчи бўлса, уни сўраб топгин.

Сен бузуқсан, дунё шу билан бузилди, бу дунёга келиб нима қиласан?

Халқингни қўйиб замонангни айблама, замонангни эмас, балки кишиларини айбла.

Ким ичкилик ичадиган бўлса, ярамас кишидир, агар ярамас бўлишни истасанг, кел, ичкилик ичувчи бўл.

Кимнинг йўли бўлса, яъни қобилиятли бўлса унга йўл йўқ, кимнинг йўли бўлмаса, яъни босар йўлини билмаса, унга кенгроқ йўл бор.

Эй, бузуқ ишлар билан шуғулланувчи, ғурурингни ташла, тириклик сенинг измингда экан, манзур ишлар қил.

Тинч ва фароғатда, қайғусиз истаганингча яша, ўз кўнгилхушлигингни, ўйнаб юришингни тила.

Қишилардан уят кетди, уятнинг асарини ҳам истаб топиб бўлмайди, ҳалол кишилар қани, уларнинг қораси ҳам кўринмайди.

Бугунги кунда ҳалол ниятли бирор кимсанинг ўзи қани? Қишилар ҳаром нарсани ҳалол деб едилар.

Халқ мол-дунёлик элларга юз уриб, сиғиниб, озод жонини мутлоқ қул қилади.

Ким мол-дунёсиз фақир бўлса, кишилар ундан юз ўгириб кўз юмиб ўтадилар.

Эй, мол-дунё учун ўзини урган суқ киши, бу бойлик бугун қайғу-ҳасрат, ташвиш туғдирса, эртага (ўлгач қиёматда) оғир юк, азобдир, буни аниқ тушун.

Молнинг ҳаромдан йиғилган бўлса, аввалидан охиригача азобдир, агар ҳалоллик билан йиғилган бўлса ҳисоб берилади.

## ҲАЛОЛГА ҲИСОБ, ҲАРОМГА АЗОБ БУЛИШИ ҲАҚИДА

Нақадар ўзинг молга очкўзсан, кўнглингдаги ғаминг, тилингдаги сўзинг ҳам мол-дунё ҳақидадир.

Сен ўлгач, бу молнинг душманиннга қолади, сенга эса ўлчаб, ўраладиган кафанингни ўрайдилар.

Сенинг тўплаган молнинг ўзингникидир, уни беркитиб сақлаганинг эса сенга ҳасратдир...

...Бугун тўплаган нарсаларинг сенга тотли бўлиб кўринадди, сўнг уни қолдириб кетиш (ўлиш)инг аччиқ бўлади.

Бу дунёнинг лаззати аччиқ, мазаликдир, бунинг ташвиши кўпроқ, роҳат (мазаси) оздир.

Асал бор ерда араси ҳам бирга бўлади, асал туфайли (кишига) ари заҳри ортиқ тотийди.  
Хунармандларга дунё вафосизроқдир, хунарсизларга бу дунёда жафо озроқдир.  
Хунар билан давлат бирикиши барча нодир нарсалардан ҳам қимматлидир.  
Бу хунарманд дунёда нима гуноҳ қилди, нега бу дунё уни тўхтовсиз шунча қийнайди.  
Хасисларни улуғлаб, нафсоният йўлидан борувчи яхшиларни хор қилиб, адоват ва бахтсизликдан иборат дунё хатолар билан ўтиб боради.

### ОХИРГИ СЎЗ (СЎЗНИНГ ТУГАЛЛАНИШ САБАБЛАРИ)

Кишиларга ибрат, таълим берувчи, адабга чақирувчи бу китобни ёздим, ким ўқиса тили асал егандай чучийди. Ким бўлмасин, бу сўзларга бошқалар сўзини тенглаштирсан, у уни (бошқалар сўзини) дуруст нарсага қиёслаган бўлади.

Отим Адиб Аҳмад, сўзим панд-насиҳат, сўзим бу дунёда қолиб, ўзим у дунёга кетаман.

Баҳор ўтиб куз келади, умр эса ўта беради: бу кетмакет ўтаётган баҳор ва кузларим умрни тугатди.

Эй, дўст (истасанг) қадрли тут, истасанг ташла деб ушбу туркча китобни ижод қилдим.

Агар куним битиб ўлсам, отим қолсин деб, тансиқ, ажойиб сўзларни ёздим.

Бу китоб шунинг учун ҳам нафисдирки, ҳар бир сўзни тўлатиб ёздим, кераксиз юзакни сўзларни ташладим.

Қимматли сўз оз, ҳазил сўз кўп бўлади, бир парча атлас қиммат, бир жуфт бўз арзон бўлгани каби.

Эй, мендан кейин келувчи (авлодлар) бу китобни ўқисанг, менинг ҳақимга дуо қилишни унутма.

Бу нодир, тансиқ китобни менинг ҳақимга дуо қилсин деб, сенга ҳада қилдим.

### АЛАЙХУРРАҲМОННИНГ ТАЪРИФИГА ДОИР

Адибнинг кўзи туғма кўр эди, лекин шунга қарамасдан асарини ўн тўрт бобдан иборат қилиб туздим.

Фил устига юкланган зар (каби) бўлса, сўзнинг ози унинг тенги бўлади.

Адиблар адиби, фозиллар боши гавҳар каби пухта сўз дурларини териб айтгандир.

Адиб туғилган ернинг оти Югнакдир, у жойнинг ҳавоси сафоли, унда кўнгиллар яйрайди.

Отасининг оти Маҳмуд Югнакий, адиб Аҳмад ҳеч шаксиз унинг ўғлидир.

Китобнинг оти «Ҳибат-ул-ҳақойиқдир», бу ибора арабчадир.

Асарнинг тили бошдан-оёқ қашқарчадир. Адиб бадий тил билан айтгандир.

Агар ҳар киши Қашқар тилини билса, у киши адибнинг барча айтганларини англайди.

Киши тилни билса, унинг маъносига тушунади, тилни билмасдан биламан деса, айбдир.

Кўп кишилар (эллар) адибнинг сўзин билиб-билмай айтиб юрганларини учратаман.

Яна хато маъно бериб, эл орасида айбга қўйибдир.

Кўп кишилар сабабли бу китобни ёздим, (истасанг) ижобий равишда қабул қил, истасанг ташла, таъна қил.

Ҳар ким адибнинг сўзига тушуниб амал қилса, у эл орасида ўзини ҳурматга сазовор қилади.

Саккиз юз саксон тўртинчи (бир минг тўрт юз саксонинчи) йили зулқадда ойининг ўн еттисида, шанба куни (асар кўчирилиб) тамом бўлди. Шайхзода Абдураззоқ Бахши қутли бўлсин, давлат келса, меҳнат (машаққат) кетсин деб Истамбулда кўчириб ёзди.



## МУНДАРИЖА

Тузувчидан . . . . .	5
Ўзбек адабиёти бўстони . . . . .	6

### Қиссалар

Тўмарис . . . . .	11
Зариадр ва Одатида . . . . .	13
Широқ . . . . .	14

### Урхун битиглари

Тўньюқ битиги . . . . .	71
Кул тигин битиги . . . . .	22
Билга хоқон битиги . . . . .	30
Унгин битиги . . . . .	33
Моюн чур битиги . . . . .	35

### Енисей битиглари

Элетмиш Билга хоқон ёдномаси . . . . .	40
Уюқ Тарлақ ёдномаси . . . . .	40
Уюқ Туран ёдномаси . . . . .	40
Элегешдан топилган ёднома . . . . .	41
Бегра ёдномаси . . . . .	42
Чакўл ёдномаси . . . . .	42
Означенная қишлоғидан топилган ёзув . . . . .	43
Ачур қишлоғидаги ёднома . . . . .	43
Олтинкўл биринчи ёдномаси . . . . .	44
Олтинкўлдаги иккинчи ёднома . . . . .	44
Уйбат ёдномаси . . . . .	45
«Ирқ битиги» («Табъирнома») . . . . .	47
Маҳмуд Кошғарий. «Девону луготит турк» . . . . .	
(шеърӣй парчалар)	61
Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» . . . . .	
Аҳмад Югнакий. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқат-лар соғаси») . . . . .	414

*На узбекском языке*

## *Саҳ узбекской литературы*

### **Старинные мудрости**

Тақризчи Б. Саримсоқов

Редактор М. Жалилов, А. Шаропов

Рассом А. Селиванов, А. Амирхонов

Расмлар ред. В. Немировский

Техн. ред. Е. Потапова

Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 3467

Босмахонага берилди 13.06.86. Боснига руҳсат этилди 15.10.86  
Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 2 Адабий гарнитурга  
Юқори босма. Шартли босма л 22,68 Шартли л. кр. — от-  
тиск 22,68. Нашр л. 21,88 Тиражи 30000. Заказ 1019. Баҳоси  
2 с. 10 т. Шартнома № 248 — 85

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси иш-  
лари давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқар-  
иш бирлашмасининг 1-босмахонаси. Тошкент—700002. Ҳам-  
за кўчаси, 21.

Старинные мудрости.

**Қадимий ҳикматлар:** Қиссалар. Урхун битиглари, Енисей битиглари. «Ирқ битиги» («Таъбирнома»), Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» (Шеърӣй парчалар), Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакий «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар совғаси»), [Тузувчи Насимхон Раҳмонов; Махсус муҳаррир Азиз Қаюмов].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.— 432б. — (Ўзбек адабиёти бўстони).

Бу китоб туркий халқларнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларидан илк ўрта асргача булган асарлардан тузилди. Уларда Урта Осиё халқларининг озодлик, ҳақиқат, тенглик, эркин ҳаёт ҳамда габнат ва жамият ҳақидаги орзу-уйлари, бетакрор фалсафаси ўз ифодасини топган.

Китоб студентлар, мутахассислар ва кенг китобхонлар учун муъжалланган.

*Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат  
нашриётининг танқид ва классика редакцияси  
„Ўзбек адабиёти бўстони“  
сериясидан 1987-88 йилларда қуйидаги  
тўпламларни босмадан чиқаради*

1. Л у т ф и й.  
СЕНСАН СЕВАРИМ.  
Ғазаллар ва достон.

2. Алишер Навоий.  
ТОПМАДИМ.  
Ғазаллар, рубоийлар, қитъалар.

3. Алишер Навоий.  
ҚАРО ҚУЗИМ.  
Ғазаллар.

4. МУБОРАҚ МАКТУБЛАР  
(классик шеърятдаги нома ва мунозаралар)

5. Б о б у р.  
ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИМ.  
Ғазаллар, рубоийлар.